

ЎЗБЕК ХАЛҚ
ИЖОДИ
ЁДГОРЛИКЛАРИ



1



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

100 жилдлик



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2015

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Биринчи жилд

АЛПОМИШ

Достон

Фозил Йўлдош ўгли варианты



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2015



Маълумки, бу дунёда ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий қаҳрамонлари, ўзи севиб ардоқлайдиган паҳлавонлари бўлади. Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келган.

Шу маънода, халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Алпомиш” достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир дoston бўлса, “Алпомиш” ана шу дostonнинг шoҳ байти, десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамoт синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.

Ислoм КАРИМОВ

УЎК 398.22+82-131
КБК 82.3(5Ў)
А54

Таҳрир ҳайъати:

Баҳром Абдухалимов, Маматкул Жўраев (ҳайъат раиси), Омонулла Юнусов,
Тўра Мирзаев, Низомиддин Маҳмудов, Лазиз Тангриев, Мухаммад Али,
Илҳом Зойиров, Шомирза Турдимов, Жаббор Эшонқулов.

Айтувчи: **Фозил Йўлдош ўғли**
Ёзиб олувчи: **Маҳмуд Зарифов**

Наишга тайёрловчилар:

Ҳоди ЗАРИФОВ, Тўра МИРЗАЕВ

Сўзбоши, илмий изоҳлар ва лугат муаллифи:

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор
Тўра МИРЗАЕВ

Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, филология
фанлари доктори, профессор
Маматкул ЖўРАЕВ

Тақризчилар:

Филология фанлари доктори, профессор **Умрзоқ ЖУМАНАЗАРОВ**,
Филология фанлари номзоди, доцент **Насим ОЧИЛОВ**

Алпомиш. Ж.1: Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. — Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. — 512 б.

УЎК 398.22+82-131
КБК 82.3(5Ў)

ISBN 978-9943-03-652-9

© Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти
© Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015



“Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” ўқувчиларига

Мухтарам адабиёт мухлислари!

Ўзбек халқи инсоният тамаддуни бешигини тебратган, кишилиқ жамияти тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, юксак заковат соҳиби бўлган қадимий ва нуфузли халқлардан бири эканлиги дунё жамоатчилиги томонидан аллақачон эътироф этилганлиги маълум. Шарқ ва Ғарбнинг барча йўналишлардаги ўзаро алоқалари чорраҳасида жойлашган муқаддас заминда яшаган аجدодларимиз томонидан яратилган шонли тарих, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган улкан ютуқлар, бебаҳо маънавий қадриятлар силсиласи ўзбек халқи бадиий-эстетик тафаккурининг бекиёс қудрати маҳсули саналади. Асрлар давомида эзгу ғояларни тараннум этиб келган ўзбек халқ оғзаки ижодининг бой ва ранг-баранглиги, барча жанрларда кўплаб бетакрор бадиият дурдоналарининг яратилганлиги ҳам биринчи навбатда айни омил билан белгиланади.

Халқ ижоди деганда, бевосита кўз ўнгимизда ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган, миллатимизнинг тарихи, бугуни ва келажagini ўзида мужассам этган “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Рустамхон”, “Кунтуғмиш”, “Орзигул”, “Қиронхон” каби муаззам дostonлар, пурмаъно эртақлар, мақол-маталлар, ҳассос ва ўйноқи халқ қўшиқлари, афсонаю ривоятлар намоён бўлади. Авлоддан-авлодга оғзаки тарзда ўтиб келаётган бу тафаккур дурдоналари миллий маънавиятимизнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Халқ оғзаки ижоди муттасил ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, миллат ўз миллий маънавиятини йиллар, асрлар давомида юксалтириб, бойитиб боради. Уларда куйланган юксак инсоний туйғулар, илғари сурилган эзгу ғоялар барча замонларда кишиларни яхши амаллар, бунёдкорлик ишларига илҳомлантириб келган.

Бу дурдоналарнинг жонли ижро жараёнида бугунги кунгача яшаб келаётгани миллатнинг ўз ўтмишини унутмагани, ўзлигини сақлаб қолган ҳолда эртанги ёруғ истиқболига умидбахш нигоҳ билан боқиб турганидан далолат беради.

Ўзбек халқи дунёга қомусий алломалар ва забардаст сўз санъаткорларинигина бериб қолмай, ўзи ҳам бетакрор ижодкордир. Табиийки, нашр этилаётган 100 жилдлик бу бебаҳо мероснинг ҳаммаси эмас, балки уларнинг саралаб олинган энг мукамал намуналаридир. Турли

мавзу ва жанрлардаги бу тенгсиз хазинанинг ўзи халқимизнинг нақадар донишмандлигини кўрсатиб турибди.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, кўплаб қадимий кадриятларимиз қайта тикланди, барҳаёт анъаналаримизга янги ҳаёт бахш этилди, замонлар синовидан ўтган маданий-адабий меросимизни халққа етказиш борасида изчил иш олиб борилди. Юз жилдлик “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” нашрига киришилгани бу борада амалга оширилаётган хайрли ишларнинг мантикий давоми ҳисобланади.

Ўзбекистон ўз тараққиётининг шундай палласига қадам кўйдик, “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари”нинг айна даврда нашр этилиши замон тақозоси. Зеро, бу бебаҳо маънавий мерос кишиларимизнинг маданий тараққиёти, хусусан, ёш авлод тарбияси ва камолотида бекиёс аҳамиятга эга ҳамда бадиий-эстетик тафаккур тараққиётида муҳим ўрин тутди. Бу салмоқли нашр ўзбек халқининг буюк адабий салоҳиятини дунё илму адаб аҳлига кўз-кўз қилибгина қолмай, келгуси наслларнинг маърифий юксалишида ҳам тенгсиз маънавий манба бўлиши шубҳасиз.


Дарёлар тоғлардан бошланганидек, бадиий юксак ўзбек адабиёти ҳам халқ оғзаки ижоди отлик буюк сарчашмадан сув ичади. Зеро, оғзаки ижодининг ўзи юз жилддан ошган халқнинг ёзма адабиёти юксак бўлмаслиги мумкин эмас!

Бу дурдоналарда заҳматқаш, бағрикенг, танти ва зукко халқимизнинг шонли тарихигина эмас, ўй-фикрлари, эзгу кадриятлари ва бой анъаналари, урф-одатлари, эрк ва озодлик ҳамда фаровон ҳаёт учун курашлари, ҳиммати ва мардлиги, қўйингки, бутун борлиғи ўзининг юксак бадиий талқинини топган бўлиб, мазкур асарлар ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, ўзи туғилиб ўсган тупроққа муҳаббат ва ўзини вояга етказган халққа садоқат, ҳақиқат ва ҳалоллик, меҳр ва мурувват, бағрикенглик ва кечиримлилиқ, сабру қаноат, хайру саховат руҳида тарбиялайди, қалбларга эзгулик уруғини қадаб, инсоний камолот йўлига даъват этади. У халқнинг яратувчилиқ кучи серқирралиги ва чек-чегара билмаслиги – барча соҳаларда, жумладан, адабиёт ва санъатда ҳам мўъжизалар яратишга қодирлигининг амалий кўринишидир.

“Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” нафақат бунёдкор, айна пайтда донишманд халқимиз бадиий тафаккури теран ва юксаклигининг ўзига хос намоёиши, бой ва ранг-баранг бунёдкорлик фаолиятининг бир қирраси, сўз санъатининг муҳиблари – олиму адиблар, зиёли ва мутахассислар, талаба ва ўқувчилар, кенг халқ оммаси учун бебаҳо бадиий хазина, бекиёс адабий манба бўлиб хизмат қилади.

“Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” юз жилдлигининг нашр этилиши, шубҳасиз, маънавий ҳаётимиздаги энг унутилмас, муҳим воқеалардан





бирига айланади. Зеро, бугун биз глобаллашган, оммавий маданият хуружи кучайган бир даврда яшаяпмиз. Бундай вазиятда эса, ҳар бир миллат ўз мавжудлигини ўзининг азалий ва боқий қадриятларига суянган ҳолдагина асраб қолиши мумкин. Шундай экан, ушбу муқаддас меросни асраб-авайлаш, уни авлодларга муносиб тарзда қолдириш шу юртда яшайтган ҳар бир зиёлининг муқаддас бурчидир.

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти




ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ДУРДОНАЛАРИ

Ўзбек халқи ўзининг ғоят қадимий маданияти ва серқирра ижодий салоҳияти билан жаҳон тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Президентимиз И.А.Каримов ҳақли равишда ёзганидек: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб кўлёмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади”.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов алоҳида таъкидлаган халқ оғзаки ижоди намуналари бебаҳо бадиий қадриятлар силсиласидир. Ҳамиша бунёдкорлик ва яратувчиликни тараннум этиб келган бу тафаккур дурдоналарида халқимизнинг энг олижаноб ва улуғвор мақсадларга йўналтирилган эзгу ғоялари ўз ифодасини топган. Она диёримизда юксак маданиятни бунёд этган ижодкор халқимизнинг дунёқараши, турмуш тарзи, орзу-интилишлари, урф-одат ва маросимлари, қадрибад анъаналарию ўзбекона самимиятини ўзига хос тарзда бадиий ифода этувчи фольклор асарлари ўнлаб жанрларни ўз ичига олган ғоят нодир маънавий бўстонидир. Халқ оғзаки ижодиёти миллий қадриятларимизнинг энг яшовчан, қадимий, ардоқли ва ҳамиша янгиланиб, ҳар бир авлод бадиий тафаккурининг сарчашмасидан қувват олиб сайқалланиб борадиган, яъни доимий ҳаракатдаги ижодий жараён ҳисобланади.

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди юртдошларимизнинг турмуш тарзи, яшаш шароитлари ва ижтимоий меҳнат даражасига мос равишда шаклланиб, отадан ўғилга, устоздан шогирдга, аждоддан авлодга ўтиб, доимий равишда сайқаллашиб, мукаммаллашиб, тобора анъанавийлашиб бораверган ва ниҳоят, касбийлик (профессионаллик) касб этган ҳамда жонли ижро орқали бизгача етиб келган. Халқ ижодиётининг қадимий намуналари эса, ёзма манбаларда, хусусан, мамлакатимизда яратилган

¹ Каримов И. Юксак маънавийят – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавийят, 2008. – 30–31-бетлар.



улкан ёдгорлик – “Авесто”да, шунингдек, тарихчи ва адибларнинг асарларида, қоятошлар суратларида (Сармишсой, Зараутсой расмлари каби), археология ва архитектура ёдгорликларида, меҳнат қуроллари ва уй-рўзғор буюмларида ўзига хос тарзда сақланиб қолган.

Жамият тараққиёти ва меҳнат тақсимотининг кучая бориши билан халқ ижоди турлари ва жанрларига нисбатан айрим истеъдодли шахсларнинг ихтисослашуви оша борган. Шу тариқа бахшилар, эртақчилар, ровийлар, масхарабозлар, қизиқчилар, аскиябозлар, қўғирчоқбозлар, қўшиқчилар, гўяндалар, халфалар, қиссахонлар санъати юзага келган. Аммо халқ ижоди намуналарининг яратилиши, ўзлаштирилиши ва амалга оширилишида кўпчиликнинг иштироки, ҳар бир ижро ва амалиётнинг қадимдан қарор топган мустаҳкам анъаналар доирасида воқеъ бўлиши сақланиб қолган. Шу сабабли ҳам ҳар қандай бадиҳа, ҳар бир ижодий ҳаракат, давомчи томонидан киритилган қай бир янгилик барқарор анъаналар доирасида, устоз-шоғирдлик қобилиятида рўй берган. Шу тариқа, бир томондан, анъаналарнинг ўзи ривожлана борган, иккинчи томондан, ҳар бир ижро ва амалиёт давомида халқ ижодининг анъанавий намуналарига ўзгартиришлар, янгиликлар киритила борган, янги асарлар, янги вариантлар, янги ечимлар юзага келган, ҳатто қай бир намуналар унутилиб, ижро ва амалиётдан тушиб қолган.


Ўзбек фольклорининг қадимги намуналари асл холида тўла равишда бизгача етиб келмаган. Қадимги мифлар, афсона ва ривоятлар, мақол, топишмоқ ва қўшиқлар, эпос парчалари турли характердаги ёзма ёдномалар, юнон, хитой, араб манбалари, тарихчиларнинг маълумотлари, археологик топилмалар орқали, шунингдек, кейинги даврларда ёзиб олинган фольклор асарлари таркибида сақланиб қолган. Қаюмарс, Жамшид, Гершасп, Сиёвуш, Афросиёб, Рустам, Искандар, Эликбек, Тўмарис, Широқ, Зариадр ва Одатида, Зарина, Ойсулув, Гулдурсун, Одами Од, Эр Хубби ҳақидаги афсона ва ривоятлар, қахрамонлик эпослари, “Девону луғотит турк”да келтирилган фольклор намуналарининг яратилишида ўзбек халқи қадимий ота-боболарининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу қадимий фольклор намуналарида тасвирланган ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва қабоҳат, тўғрилиқ ва эгрилик, адолат ва ҳақсизлик ўртасидаги кураш мотивлари кейинчалик ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодида қайта ишланиб, халқимизнинг ижтимоий муносабатлари ва курашлари билан уйғунлашиб кетган.

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг қадимий намуналари меҳнат ва мавсум-маросим қўшиқларидир. Улар қўшиқ яратувчиларнинг амалий фаолияти – овчилик, чорвачилик, деҳқончилик, хунармандчилик билан бевосита боғланган ва меҳнатқаш омманинг қадимий урф-одатлари, хилма-хил маросимлари, эътиқодлари негизида яшаб келган. Меҳнат

кўшиқлари турли меҳнат жараёнлари билан боғлиқ. Масалан, хирмон янчишда “хўп-майда” ёки “майдагул”, сигир, кўй, эчкиларни соғиш ва бузук, кўзи, улоқларни эмизишда “хўш-хўш”, “турей-турей”, “чурей-чурей” кўшиқлари куйланган. Ер хайдаш, ўрим, ёрғичок тортиш, чарх йиғириш ва бўз тўкиш жараёнларида махсус кўшиқлар айtilган. Инсоннинг яшаш ва ҳаёт кечириш тарзи, турли-туман инончлар, урф-одатлар, мавсумий юмушлар, маросимлар ва байрамлар билан боғлиқ равишда жуда кўп фольклор намуналари яратилган. Масалан, оналар ва бувилар томонидан айтиладиган аллалар ҳамда оталар ва боболар томонидан куйланадиган хўйяларда эзгу орзу-хаваслар, фарзанднинг келажаги ҳақидаги умидбахш ниятлар тасвирланади, бола тарбиясига оид халқона қарашлар баён этилади. Фарзанднинг туғилиши, чакалокнинг бешик даври, улғайиши, жисмоний ва нуткий баркамоллиги, ёш ва суннат тўйлари, улғайиш эҳтирослари билан боғлиқ айтим-олқишлар, эркалама, овутомчак, ялинчок, ҳукмлагич, чалғитма, чорлама, гулдур-гуп, санама, айтишма, тегишмачок, масхараламалардан иборат бутун бир болалар фольклори тизими яратилган. Никоҳ тўйи маросими билан боғлиқ равишда ёр-ёр, лапар, ўлан, келин салом, куёв салом каби кўшиқлар куйланган. Буларда келин-куёвнинг таъриф-тавсифлари, тўйнинг шавқ-завқи, шунингдек, ижтимоий ҳаёт ва турмуш тарзи билан боғлиқ мотивлар тасвирланган. Қадрдон кишининг вафоти муносабати билан йиғлаб айтиладиган кўшиқларда эса, марҳумнинг энг яхши сифатлари, шафқатсиз ўлим туфайли бошга тушган мусибат, жудолик дарди ғам-алам билан изҳор этилади. Йил қурғоқчилик келганда, ёмғир чақиришга бағишланган “Суст хотин”, қаттиқ шамол бўлганда, уни тўхтатиш учун “Чоймомо” маросими ва кўшиқлари ижро этилган. “Бойчечак”, “Барот келди”, “Ё, рамазон” кабилар ҳам турли мавсум-маросимлар билан боғлиқ. Байрамлар, жумладан, Наврўз байрами ҳақида туркум фольклор намуналари яратилган.

Халқ бадий ижодининг каттагина қисмини лирик ва сатирик кўшиқлар, термалар ташкил этади. Лирик кўшиқларда ишқ-муҳаббат, оила, ижтимоий ва маиший ҳаёт ҳодисалари кенг ёритилса, сатирик кўшиқларда жамиятдаги салбий ҳодисалар, айрим ножўя ишлар танқид қилинади. Кўшиқлар дилраболиги, ёқимли оҳанги, тўқ қофиялари, образлилиги, тасвирий усул ва воситаларнинг хилма-хиллиги билан инсон руҳиятини ғоятда теран акс эттириб, муҳим ғоявий-эстетик вазифани ўтайди.

Ўзбек фольклорининг энг оммавий жанрлари мақоллар ва топишмоқлардир. Халқнинг асрий тажрибалари, панд ва насиҳатларини ўзида ифодалаган мақоллар ҳажман қисқа, бироқ кенг маъноли образли нутқ мевасидир. Мақолларда халқимизнинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва



жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлокий-эстетик ва фалсафий қарашлари ифодаланган. Уларда ватанпарварлик, мардлик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, вафодорлик, илм-хунар ўрганиш каби олижаноб фазилатлар улуғланади, кўрқоклик, нодонлик, ёмонлик, эгрилик, умидсизлик, ёлғон гапириш, ялқовлик, очкўзлик, таъмагирлик каби ярамас сифатлар инкор этилади. Ўзбек халқи бисотида ўттиз мингга яқин мақол бўлиб, улар ғоявий ва тематик жиҳатдан бой ва ранг-баранг.

Халқ орасида топишмоқлар ҳам жуда кенг тарқалган. Улар нарса, ходисаларнинг муайян белгиларини бошқа предметларга қиёсан яшириб, яширилган нарса ва ходисани топишга мўлжалланган бадиий асарлардир. Шунга кўра, топишмоқ икки қисмдан иборат бўлади: яширилган нарса ва ходисалар ҳақидаги образли ифодалар, яъни топишмоқнинг ўзи ва унинг жавоби. Тоғ ва ўрмонлар, дарё ва кўллар, чўл ва биёбонлар, бўрон, сел ва тошқинлар, ер ва осмон, йил ва унинг фасллари, ҳайвонлар ва ўсимликлар олами, уй-рўзғор ва маиший жиҳозлар ҳақида кўплаб топишмоқлар яратилган. Топишмоқлар ҳам мақоллар сингари тузилиш жиҳатидан баъзан насрий, кўпчилик ҳолларда шеърий шаклда бўлади.

Афсона ва ривоятлар, нақл, латифа ва лофлар, эртақлар ўзбек фольклорининг насрий жанрларини ташкил этади. Хабар, ахборот бериш тарзидаги ҳаёлий уйдирмаларга асосланган қисқа сюжетли баёний ҳикоялар афсоналарни ташкил этади. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар афсоналарга ҳақиқатдан хабар берувчи ёлғон ҳикоялар, дея баҳо берадилар. Ўзбек халқи оламнинг ибтидоси ва интиҳоси, осмон жисмларининг ҳаракати, сахро, чўл, дашт, тоғ, кўл, дарё ва денгизларнинг пайдо бўлиши, баъзи иншоотларнинг қурилиши, вайрон бўлиши, авлиё-анбиёлар, ҳаёлий қаҳрамонларнинг турмуш тарзи, мақоматлари ҳақида юзлаб афсоналар яратган. “Ширин киз”, “Дев қалъа”, “Қалтаминор”, “Илонбузган”, “Эр Хубби”, “Анбар она”, “Етаган”, “Искандар Зулқарнайн” кабилар шулар жумласидандир.

Қачонлардир бўлиб ўтган ёки бўлганлигига ишонилган воқеа-ходисалар, тарихий шахсларнинг у ёки бу ишлари ҳақида хабар берувчи баён тарзидаги қисқа сюжетли ҳикоялар ривоятлар ҳисобланади. Ривоятлар сюжет тузилиши, баёний тарзи, ахборот бериш хусусиятлари билан афсоналарга ўхшайди. Аммо тарихий воқеалар ва шахслар, уруғ ва жой номларига доир маълумотлар, фактик ходисалар ҳақида ахборот беришлиги билан улардан фарқ қиладилар. Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Машраб каби тарихий шахслар ҳақидаги ривоятларда бу шахслар билан боғлиқ қизиқарли воқеалар баён этилиб, уларнинг юксак фазилатлари, донишмандликлари ибрат қилиб кўрсатилган. Афсона ва ривоятлар халқнинг эътиқодий ва мифологик


карашларини, табиат ва жамият ҳақидаги илмий (эмпирик) билимларини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбек фольклорида халқ фалсафаси ва донишмандлигини намоён этувчи нақллар, закийлик, фасоҳатга бойлиги, ҳазил-мутойиба ва ҳажвий йўналиши билан ажралиб турувчи аския ва латифалар, ижтимоий ҳаётдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида бўрттириб, ошириб сўйлаш, муболағалашни киёслаш санъати орқали яратиладиган лофлар ҳам алоҳида жанрлар сифатида катта ўрин тутади. Анъанавий халқ театрининг асоси бўлган, ранг-баранг жанрлари билан ажралиб турувчи бутун бошли адабий тур – оғзаки драматургиянинг мавжудлиги ва унинг беш юздан ортиқ пьесалари ёзиб олинганлиги ҳам ўзбек фольклорининг турлари ва жанрлар бойлигини намоён этади.

Фольклор жанрлари орасида эртаклар алоҳида мавқега эга. Улар ҳаёлий ва ҳаётий уйдирмалар асосига қурилган, ҳақиқат ва ёлғонни ажойиб бир тарзда ўзида уйғунлаштирган нодир эстетик ҳодисалардир. Эртаклар ғоявий-тематик ва бадиий хусусиятлари жиҳатидан ҳайвонлар ҳақидаги, сеҳрли, маиший эртаклар каби турларга бўлинади. Бу турлар образлар талқини, конфликт, сюжет, композиция, фантастик уйдирманинг ўрни ва функцияси, тил ва услуби жиҳати билан бир-биридан фарқ қиладилар.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда (“Чўлок бўри”, “Меҳриғиё”, “Кўк кўчкор”, “Оққуш”, “Айик полвон”, “Илон пари”, “Илон оға”, “Бўри киз” ва бошқалар) ибтидоий тушунчалар билан боғлиқ равишда от, қўй, эчки, сигир каби уй ҳайвонлари, бўри, айик, илон каби ёввойи ҳайвонларнинг ғайритабиий кўринган характер-хусусияти, уларнинг одамлар билан бўлган муносабати ҳикоя қилинади. Ажойиб кўринган ҳодисалар ва турли хил ҳайвонларга нисбатан тотемистик, анимистик қарашларнинг ифодаланиши бундай эртакларда алоҳида ўрин тутади. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг бир қисми (“Бўри билан тулки”, “Тулқининг таксимоти”, “Кумурсқа”, “Қарға билан кўзи” ва бошқалар) қадимий тасаввурларнинг унутила бориши билан жамият таракқиётининг кейинги босқичларида мажозий эртакларга айланган. Эртаклардаги аллегорик образлар орқали ижтимоий муносабатлар ифодаланган, жамиятдаги тенгсизлик тасвирланган.

Сеҳрли эртаклар сеҳр-жоду, тилсим, фантастик уйдирмалар асосига қурилган бўлади. Уларда персонажлар, воқеа ва ҳодисалар одатдан ташқари, ғайритабиий ҳолда тасвирланади. “Девсафид”, “Ялмоғиз”, “Семурғ”, “Кенжа ботир”, “Ёрилтош”, “Тулиқахқах” қабилар бундай эртакларнинг характерли намуналаридир. Пари, ялмоғиз, дев, аждар, Семурғ каби фантастик ва мифологик образлар бундай эртакларда муҳим ўрин тутади. Бош қаҳрамон буларга қарши курашади ёки



уларнинг хизматидан фойдаланади. Сехрли эртақлар қанчалик хаёлий бўлмасин, уларнинг асосида ҳаётийлик мавжуд. Учар гилам, ойнаи жаҳон ҳақидаги тасаввурларнинг реал кўзғатувчиси аниқ, уларда орзу-умидлар мужассамлашган.

Маиший эртақлар реал ҳаётий асосга эга бўлиб, фантастика кўмакчи вазифани ўтайди. Уларда асосан ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, зулм ва зўрлик қораланиб, эзгулик, ҳақиқатнинг ғалабаси улуғланади. “Зиёд ботир”, “Уч оға-ини ботирлар”, “Озодачеҳра”, “Тоҳир ва Зухра”, “Аёз”, “Авом фолчи” ва бошқаларда меҳнаткашларнинг аҳволи, зулм ва зўрлик ҳомийларининг кирдикорларига нисбатан норозилиги тасвирланган.

Маиший эртақларнинг каттагина қисмини ҳажвий эртақлар ташкил этади. Бундай эртақлар ижтимоий ҳаётда реал асослари бўлган ҳаётий уйдирмалар заминига қурилган бўлиб, ўткир сатира ва хушчақчақ юмор уларнинг асосий хусусиятини белгилайди. Ҳажвий эртақларнинг асосий ижобий қаҳрамонлари донишманд чол, камбағал йигит, доно аёл, ҳозиржавоб кал ва бошқалар. Булар ўзларининг кўркмаслиги, топқирлиги, донолиги, ҳозиржавоблиги билан калтафаҳм рухонийлар, золим амалдорлар, хасис бойларни фош этадилар, баъзан ўзлари ҳам комик ҳолатларга тушиб қоладилар. “Қози билан камбағал”, “Тухматчилар жазоси”, “Икки мулла”, “Тўрт ялқов”, “Икки ўжар”, “Уч ёлғонда қирқ ёлғон”, “Бой билан кал” кабилар ҳажвий эртақларнинг энг яхши намуналаридир.

Ўзбек фольклорининг энг йирик жанрларидан бири достонлардир. Ўзбек халқ бахшиларидан юз элликдан кўпроқ сюжетга бўлинган тўрт юздан ортиқ достон ёзиб олинган. Бу достонлар ниҳоятда кўп тармокли ва кўп мавзули бўлиб, узоқ асрлар давомида яратилган ва турли ижтимоий-иқтисодий шароитларда қуйланиб келинган. Уларнинг қадимий намуналари қаҳрамонлик достонларидир.

Қаҳрамонлик достонлари патриархал-уруғчилик муносабатлари билан, кўчманчилик ва ярим кўчманчилик ҳаёт тарзи билан маҳкам боғлиқдир. Уларда реал ижтимоий воқелик қаҳрамонлик идеализацияси доирасида кўтаринки руҳда тасвирланади. Қаҳрамонлик достонларининг ёрқин намунаси “Алпомиш” (X аср) ва унинг давоми “Ёдгор” достонларидир. “Алпомиш”да қаҳрамонлик, мардлик, ватанпарварлик, дўстлик, вафо ва садоқат улуғланади. Қаҳрамонлик достонлари таъсирида жангнома-достонлар юзага келди. Агар қаҳрамонлик достонларида бош қаҳрамон фаолияти яккама-якка олишувларда, баҳодирлик шартларини бажаришда намоён бўлса, жангномаларда турли-туман характердаги уруш эпизодларида кўрсатилади. Душманга қарши курашда мардлик ва жасорат кўрсатиш, она ер бутунлиги учун кураш, эл-юртлар бирлиги,

ватанпарварлик ва дўстлик каби олижаноб ғоялар куйланади. “Юсуф билан Аҳмад” ва унинг давоми бўлган “Алибек билан Болибек” дostonлари бунинг ёркин мисolidир. Ҳар иккала дoston ватанпарварлик туйғулари, она юрт соғинчи билан йўғрилган.

Тарихий дostonлар тарихда бўлиб ўтган воқеа ва ходисалар, айрим тарихий шахслар фаолияти асосида яратилган бўлиб, бундай дostonларда тарихий ҳақиқат билан афсона, факт билан бадиий тўқима ўзига хос равишда чатишиб кетган. “Ойсулув”, “Тулумбий”, “Ойчинор”, “Тўлғоний”, “Номоз”, “Маматкарим полвон” кабилар шу турга мансуб. Улар тарихдаги конкрет воқеалар ва фактларни тасвирлаш характери, ҳужжатийликнинг даражаси жиҳатидан бир-бирларидан жиддий фарк қилади. Ўзбек дostonчилигининг кейинги тараққиёт давларида тарихий дostonларнинг бир хили сифатида афсонавий бахшилар ҳамда айрим дostonчиларнинг ҳаёт йўли тасвирланган автобиографик ва биографик дostonлар (“Кунларим”, “Таржимаи хол”, “Мулла Ғойиб”, “Оллоназар Олчинбек”, “Маҳтумқули” ва бошқалар) юзага келди.

Халқ дostonларининг катта бир турини романик эпос намуналари ташкил этади. XII – XVII асрларда яратилган бундай дostonлар ўз даврининг ижтимоий-сиёсий муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг моҳиятини севги можаролари, қўрқинчли саргузаштлар, эртаққа хос фантастик воқеалар, шу билан бирга ҳаётий ходисалар тасвири белгилайди. Романик дostonларнинг сюжет тузилиши ниҳоятда бир-бирига ўхшаш бўлиб, одатда қаҳрамон ғойибона ошиқ бўлган гўзални излаб сафарга отланади, ажойиб-ғаройиб ходисаларни, кийин саргузаштларни бошидан кечиради, ғайритабиий кучлар билан тўқнашади, барча кийинчиликларни енгиб, ўз мақсадига эришади. Бирок, бу дostonларнинг ҳар бири композицион қурилиши, образлари, мотивларининг ишланиш характери ва мазмунлари жиҳатидан мустакил бўлиб, бир-бирларидан фаркланадилар. Романик дostonларнинг таркиби ниҳоятда мураккаб. Қаҳрамонлик дostonларида романик эпосга хос жиҳатлар бўлганидек, романик дostonлардан қаҳрамонлик унсурлари, жангномалар хусусиятлари ҳам мустаҳкам ўрин олган. Ҳатто баъзи дostonларда бир неча мавзу баравар ишланган. Қаҳрамонлик-романик дostonларда (“Рустам” туркуми, “Якка Аҳмад”, “Тўрўғли” туркумига кирувчи бир қанча асарлар) қаҳрамонлик йўналиши устун турса, ишқий-романик дostonларда (“Кунтуғмиш”, “Орзигул”, “Ёзи билан Зебо”, “Тўрўғли” туркумининг сўнгги халқалари) севги можаролари, саргузаштли воқеалар тасвирига алоҳида эътибор берилади.

Ўзбек халқ дostonлари жонли оғзаки ижрода асрлар давомида бой ёзма адабиёт намуналари билан ёнма-ён яшаб келди. Мумтоз адабиётнинг дostonчиликка таъсири баракали бўлди. Бундай жараён XVII асрдан

кейин янада кучайди. Оқибатда романик эпоснинг бир тури сифатида китобий дostonлар юзага келди. Бундай дostonлар мумтоз шеърят намуналарининг бахшилар томонидан фольклорга хос равишда қайта ишланиши натижасида юзага келган ёки яратилиши жиҳатидан ёзма адабий манбага эга бўлган, шунингдек, бевосита ёзма адабиёт таъсирида яратилган асарлардир. “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Баҳром ва Гуландом”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Варқа билан Гулшоҳ”, “Вомиқ билан Узро”, “Зевархон” ва бошқалар шу хил дostonлардандир. XVIII асрнинг охирларидан, хусусан, XIX асрнинг иккинчи ярмида фольклор асарларини ёзма адабиётга якин руҳда қайта ишлаш ёки аксинча, ёзма адабиёт намуналарини “фольклорлаштириш” жараёни ниҳоятда кучайди. Бунинг натижасида турли характер ва мазмундаги қиссалар (“халқ китоблари”) пайдо бўлди, айрим бахшилар ижодида ёзма адабиёт унсурлари кўрина бошлади.

Халқ оғзаки бадиий ижодиётининг дурдона асарлари XX асрнинг 20-йиллари бошларидан эътиборан оғзаки ижро шароитларида халқ ижодчиларининг айтиб ва куйлаб бериши асосида ёзиб олина бошланди. Қарийб бир аср давомида ўзбек фольклоршунослари томонидан жуда катта фольклор материаллари тўпланди. Тўпланган материаллар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида жамланди. Бугунги кунда мазкур архивда икки минг сақлов бирлигидан ортиқроқ фольклор материаллари, шу жумладан, фольклор экспедицияларида магнит тасмаларига ёзиб олинган нодир фоноёзувлар сақланмоқда.

Фольклор асарларини ёзиб олиш билан бирга уларни нашр этиш ишлари ҳам йўлга қўйилди. Кўплаб эртақлар, дostonлар, кўшиқлар, мақоллар, топишмоқлар алоҳида-алоҳида китоблар, тўпламлар тарзида чоп этилди. Бу ўринда “Ўзбек халқ дostonлари” икки жилдлиги, “Ўзбек халқ эртақлари” уч жилдлиги, “Ўзбек халқ мақоллари” икки жилдлиги, “Булбул тароналари” беш жилдлиги, “Ўзбек халқ ижоди” кўпжилдлиги каби фундаментал нашрларни кўрсатиб ўтиш кифоядир.

Ўзбек фольклори асарларини нашрга тайёрлаш ва чоп эттириш борасида катта ишлар амалга оширилган бўлса-да, мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар чоп эттирилган нашрларда фольклор асарларининг матни шўро мафкураси талабларига мослаштирилган ҳолда қисқартирилган, баъзи ҳолларда ноўрин ишлов берилган эди. Ўша даврларда халқимиз бадиий даҳосининг улкан ёдгорликлари сирасига кирувчи “Алпомиш”, “Гўрўғли” туркуми дostonлари тўла нашрлари амалга оширилмаган, “Қиронхон”, “Эрназархон”, “Раъно ва Сухангул”, “Олтин кобок”, “Оллоназар Олчинбек”, “Жаҳонгир”, “Зарнигор”, “Назар

ва Окбўтабек” каби ўнлаб халқ дostonлари, ўзбек маросим фольклорининг кўплаб жанрларига оид бадиий матнлар, инонч-эътикодлар, халқ таъбирлари, болалар ўйин фольклори, сўз магияси билан алоқадор маросим кўшиқлари, кўплаб киссалар (халқ китоблари) умуман чоп этилмаган эди.


Истиклол шарофати билан халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, илгари ёзиб олинмаган фольклор асарларини изчил тўплаш ва архивлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилди, энг муҳими, халқ ижоди намуналарини бадиий тафаккур дурдонаси сифатида ҳар томонлама чуқур ўрганиш тамойили шаклланди.

“Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллиги кенг нишонланиши муносабати билан бу дostonнинг Берди бахши, Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли вариантлари 1999 йилда алоҳида китоблар ҳолида тўла нашр этирилди. Ўзбек фольклоршунослик тарихида биринчи маротаба “Алпомиш” достони Фозил Йўлдош ўғли вариантининг матни рус тилига қилинган илмий-филологик таржимаси билан биргаликда академик нашр сифатида чоп этирилди. 2006 йилда эса Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги “Тўрўғли” дostonлари тўла ҳолда нашр этилди.

Ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи марта Наврўз байрами билан боғлиқ фольклор асарларидан тузилган “Наврўз” китоби (1992), йилбоши байрами ва баҳорий удумлар билан алоқадор урф-одат ҳамда маросимлар, унда ижро этиладиган кўшиқлар таҳлилига бағишланган “Наврўз кўшиқлари” (2007, 2010), “Наврўз нашидаси” (2010) мажмуалари, “Наврўз байрами” монографияси (2009) ўзбек маросим фольклорини тўплаб нашр этиш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди. Бинобарин, фольклорни текстологик ўрганиш ва нашр этишда Ўзбекистонда тўпланган тажриба ва амалий ишлар янада йирик нашрларни амалга оширишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алпомиш” дostonи яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги” 1998 йил 13 январдаги қарори ҳамда 2010 йил 7 октябрдаги “2010–2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 222-сон қарори эса, халқимиз бадиий тафаккурининг тарихий-тадрижий ривожини ва таракқиёт қонуниятларини ўзида акс эттирадиган “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигининг яратилиши учун асос бўлди.

Эндиликда мамлакатимизда фольклор асарларини тўплаш, нашр этиш ва илмий ўрганиш борасида ҳозирга қадар бажарилган илмий-ижодий



тажрибаларни умумлаштирган ҳолда ўзбек фольклори дурдоналарининг яхлит бадиий тизим сифатидаги мукамал нашрини амалга оширишга киришилди. Халқимиз поэтик тафаккурининг боқий қадриятларини ўзида мужассамлаштирган фольклор ёдгорликларининг 100 жилддан иборат бундай мукамал жамланмасини яратиш орқали ёш авлод онгига бадиий қадриятларни янада чуқурроқ сингдириш ҳамда уларни дунё маънавий тамаддунига ўзининг беназир ижодий кудрати билан муносиб ҳисса қўшган ўзбек халқи оғзаки ижодида тараннум этилган эзгу ғоялар руҳида камол топтиришнинг кенг имкониятлари юзага келди.

Фольклоршунослик тарихида илк бор яратилаётган “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлиги ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди асарларининг ҳозирга қадар ёзиб олинган энг мукамал намуналарини ўз ичига камраб олади. Тадқиқот учун ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ноёб илмий объекти – Фольклор архиви материаллари асосий манба бўлиб хизмат қилади. Юз жилдлик мазкур Фольклор архивида сақланаётган ҳамда бевосита айтувчилар (ижрочилар) оғзидан ёзиб олинган фольклор ёзувлари (у ёки бу асар матни) асосида тайёрланади. Фольклор асарининг юз жилдликка киритилиши учун танланган нусхаси қайси алифбо (масалан, араб, лотин ёки кирилл) ва қандай имлода ёзиб олинган бўлмасин, у асар ҳозирги ўзбек алифбоси ва жорий имло қоидаларига риоя қилинган ҳолда нашрга тайёрланади.

Маълумки, вариантлилиқ фольклорнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Шу сабабли нашрда бир эмас, бир неча бадиий гўзал вариантларни бериш ниҳоятда муҳимдир. Бир неча вариантларда ёзиб олинган асарлар мавжуд бўлган ҳолларда уларни қиёсий ўрганиб, юз жилдлик лойиҳаси талабларига жавоб берадиган бадиий жиҳатдан энг яхши ва мукамал намуналар танлаб олинади. Аммо Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислон шоир Назар ўғли, Берди бахши, Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли, Умир шоир Сафаров, Ёрлақаб Бекназар ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Нурмон Абдувой ўғли, Усмон Маматқул ўғли, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Зоҳир шоир Кўчқор ўғли, Қодир бахши, Бола бахши Абдуллаев, Худойберган Ўтаган ўғли, Аҳмад бахши каби атоқли дostonчилардан, Ҳасан Худойбердиев, Хусан Расулов, Нурали Нурмат ўғли, Абдуғафур Шукуров каби эртакчилардан ёзиб олинган фольклор асарларининг вариантлари, уларнинг сонидан қатъи назар, 100 жилдликка киритилади.

Ўзбек фольклорининг эпик турига мансуб афсона, ривоят, оғзаки хикояларни нашрга тайёрлаш чоғида ҳар бир матн тегишли кўрсаткичлар билан таъминланиб, айтувчининг номи, фамилияси, ёши, яшаш жойи, маълумоти, материал ёзиб олинган вақт ва тўпловчи, шунингдек, матн

муайян манба асосида чоп этирилаётган бўлса, ўша манба ҳақидаги маълумотлар тўла келтирилади. Айрим топонимлар ҳақида халқ орасида бир неча хил афсона ва ривоятлар мавжуд бўлганлиги боис, муайян жой номи билан боғлиқ афсона ва ривоятларнинг бир нечта вариантлари берилди. Ўзбек халқ эртакларининг бадиий жиҳатдан энг пишиқ ва тугал намуналари нашр учун танлаб олинди.

Мазкур 100 жилдликка киритилган фольклор асарлари ҳеч қандай қисқартиришларсиз, таҳрир қилинмасдан, тўлалигича нашр этилади. Айрим ҳолатлардагина асарнинг ғоявий ва бадиий қимматига жиддий путур етказадиган ўринлар, масалан, тарбиявий жиҳатдан фойдаси бўлмаган, аксинча, зарар етказадиган уят сўзлар, иборалар ва тасвирлар, қайси бир йўсинда бўлмасин, бирор халқ ва миллатни ёки ўша миллат вакилини камситиш, қоралаш, миллий ва диний адоват туйғуларини ифодалаган сўз ва иборалар қисқартирилади. Юз жилдлик оғзаки нутқ ҳамда шеваларга хос лексик қатлам ва грамматик хусусиятларни тўла сақлаган ҳолда жорий ёзув ва имло қоидалари асосида нашрга тайёрланади.

“Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигининг ҳар бир жилди асар моҳиятини очиб берувчи сўзбоши-тадқиқот, изоҳлар, луғатлар, библиографик кўрсаткич ҳамда зарур ҳолатларда нота ёзувлари, фото материаллар билан таъминланади. Шунингдек, рус ва инглиз тилларида берилган резюмеларда жилдга киритилган фольклор ёдгорлиги (ёки ёдгорликлари)нинг моҳияти, мазмуни ва жилднинг таркибий тузилиши ҳақида батафсил маълумотлар баён қилинади.

Хуллас, “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлиги силсиласида чоп этирилаётган фольклор асарлари халқимиз миллий маданиятининг таркибий қисми сифатида жуда катта ижтимоий қимматга эга. Унинг моҳияти юксак даражадаги маънавий-маърифий, ғоявий-тарбиявий ва эстетик аҳамияти билан белгиланади. Бу улкан бадиий силсила бутун бир халқнинг тақдири, у мансуб ватаннинг гўзалликлари тасвирланган, тинчлик ва фаровонлик учун кураш, она юрт тупроғини кўз қорачиғидек асраш ғоялари, бу йўлда мардлик кўрсатган қаҳрамонларнинг ибратли жасоратлари куйланган фольклор асарларини ўзида жамлаган муҳташам нашр ҳисобланади. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида тайёрланаётган “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлиги халқимиз бадиий-эстетик тафаккурининг бетакрорлиги, бадиҳагўйлик иқтидорининг серқирралиги, фольклор санъатининг ўзига хос нафосати ва жозибаси, она тилимиз гўзаллигининг беназирлиги, бадиий сўз қадри ва қимматини намоёиш этадиган улкан куллийетдир.

Тўра МИРЗАЕВ,
Маматқул ЖўРАЕВ


ДОСТОНЛАР ГУЛТОЖИ

Халқ достонлари қадимиятнинг буюк бир эҳсони, ўзлари яратилган даврнинг умумий дунёқараши, айна пайтда жонли анъанавий ижод ва ижро шароитларида халқ руҳининг объектив ҳолатини даврлараро ифодалаб, мазмун ва шакл жихатидан гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб, аجدодлардан авлодларга оғзаки равишда етиб келган адабий ёдгорликлар ҳисобланади. Зеро, улар халқ миллий тарихининг афсоналар қобиғига ўралган қаҳрамонлик воқеаларининг ўзига хос бадиий ифодасидир.

Ўзбек халқ қаҳрамонлик достонлари ҳам асрлар давомида яратилди ва уларнинг энг яхши намуналари халқ санъаткорлари – бахшилар томонидан жонли эпик анъаналарда оғзаки равишда бизгача олиб келинди. Бундай достонларнинг қадимий илдизлари саклар, массагетлар, суғдийлар, хоразмийларга мансуб уруғ ва қабилаларнинг афсона ва ривоятларига бориб тақалса-да, уларнинг асосий қисми ўзбекларнинг ягона халқ сифатида шаклланишида асос бўлган уруғ ва қабилаларда патриархал-уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва илк давлатларнинг юзага кела бошлаши даврларида яратилган. Чунки улар халқимизнинг ўзлигини англашининг буюк обидалари, унинг ягона халқ сифатида шаклланиш ва бирлашиш сари ташлаган улкан қадамнинг шеърият соҳасидаги тенгсиз намуналари сифатида юзага келди. Достонлар гултожи “Алпомиш” халқимиз яратган ана шундай эпик шеърият намуналаридан бири, балки биринчисидир.


“Алпомиш” достонида бир оила тақдири тасвири мисолида тарих тақозоси билан бўлиниб кетган қадимий бир ўзбек уруғининг қайта бирлашишини бадиий акс эттириш орқали миллат бирлиги ғоялари, унинг қаҳрамонона шон-шухрати, эл-юрт фаровонлиги, ватан равнақи ва оила бахти учун кураш баралла куйланган. Шу маънода ушбу достон миллатимизнинг уйғоқ хотираси, буюк халқнинг юксак ижодиёти намунаси сифатида асрлар билан бўйлашиб келаётган улкан эпопеядир. Шунинг учун ҳам биз уни бугун – мустақил ривожланиш даврида миллий ғурур ва ўз-ўзини англаш рамзига айланган достон сифатида баҳоламоқдамиз.

“Алпомиш” достони халқимиз орасида жуда кенг тарқалган ва асрлар давомида бахшилар томонидан куйлаб келинган. Шу билан бирга у



туркий халқларнинг муштарак достони ҳамдир. Унинг намуналари ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, олтой халқлари эпик анъаналарида дoston ҳолида, татар, бошқирд халқлари орасида эса, эртак ва ривоятлар тарзида, яна аниқроғи, оралик шаклларда сақланиб қолган ҳамда бу халқларнинг тил хусусиятларига кўра “Алпомиш”, “Алпамис”, “Алпамис ботир”, “Алип-Манаш”, “Алпамша”, “Алпамиша ва Барсин хилув” каби номлар билан юритилади. Шунингдек, Панжикент атрофлари, Қашқадарё вилоятининг Варгонза, Жейнов қишлоқларидан ўзбек дostonчилик анъаналари таъсирида юзага келган ҳамда жиддий трансформацияга учраган тожикча ва арабча вариантлари ҳам ёзиб олинган. Ёзма манбалар орқали бизгача етиб келган ўрта аср ўғуз эпоси “Китоби дадам Қўрқут”нинг учинчи бўйи (дostonи) “Бамси Байрак” ўзининг сюжет воқеалари жиҳатидан “Алпомиш”га анча яқин туради. Бир сюжетдаги бир дostonнинг бир неча халқларда мавжудлиги уларнинг миллий ўзига хослигини инкор этмайди. Чунки бу дostonларнинг қадимий тарихий-ҳаётий асослари бир бўлса-да, уларнинг ҳар бири кейинги таракқиётида ўзлари мансуб халқнинг эпик анъаналари доирасида ривожланди, оғзаки ижод ва ижро шароитларида яшашда давом этди ва фақат кейинги даврлардагина шундай шароитларда фольклоршунослар томонидан ёзиб олинди. Шунинг учун ҳам, унинг версия ва вариантларига эга бўлган ҳар бир халқнинг унга ўзининг миллий эпоси сифатида муносабатда бўлиши табиий бир ҳолдир.

I



“Алпомиш” дostonи миллий версия ва вариантларининг фанда аниқланиши ва ёзиб олиниши бир вақтда, бир хил даврда рўй берган эмас. Масалан, дostonнинг қозоқ ва қорақалпоқ вариантлари XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида ёзиб олиниб, нашр этила бошланган бўлса, ўзбек вариантлари анча кеч, 20-йилларнинг бошларида аниқланган. Олтой версияси эса, икки вариантда 1939 ва 1957 йилларда ёзиб олинган. Ёки тожик версияси 1956 – 1957 йилларда тўрт вариантда ёзиб олиниб, 1959 йилда нашр этилган бўлса, арабча эртакни И.Н.Винников Қашқадарё вилояти Жейнов қишлоғида 1938 йилда ёзиб олган. Энг кўп ёзиб олингани қорақалпоқ ва ўзбек версияларидир. Қорақалпоқ версияси саккиз вариантда ёзиб олинган ва ҳаммаси нашр этилган. Ўзбек версияси эса, ўттиздан ортиқ халқ дostonчисидан тўла ҳолда, парча, баёни тарзида қирққа яқин вариантларда ёзиб олинган. Бу ҳисоб дostonнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архивида сақланаётган нусхаларигагина тегишлидир. Бундан ташқари, дostonнинг бошқа жамғармаларда (маса-

лан, Санъатшунослик институтида, шахсий архивларда) сақланаётган турли даражадаги тўла ёки парча ҳолидаги вариантлари ҳам мавжуд.

“Алпомиш” достони ўзбек вариантларининг тўпланиши, нашр этилиши ва ўрганилиши тарихи ғоятда мураккаб ва ўзига хос. Бу ўзбек фольклоршунослигининг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. 1922 йилнинг ёзида биринчи ўзбек профессори Ғози Олим Юнусов Туркистон Маориф комиссариати Давлат илмий кенгашининг Ўзбек билим ҳайъати йўлланмаси билан Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида илмий сафарда бўлди. Сафар давомида у ўзбек шевалари ва этнографиясига оид материаллар тўплаш билан бир қаторда Ҳамрокул бахши ва Ғозил Йўлдош ўғлидан “Алпомиш” достонининг бир қисмини ёзиб олди. Унинг маълумотига қараганда, қўлёзма 50 саҳифадан иборат бўлган. Ғози Олим Юнусов “Билим ўчоғи” журналининг 1923 йил 2–3-сонида кичик бир сўзбоши билан ўзи ёзиб олган нусхадан парчалар эълон қилди. Ғози Олим ёзиб олган вариантнинг қолган қисми маълум эмас. У тўплаган бошқа материаллар қатори “Алпомиш” қўлёзмаси ҳам йўқолган. “Билим ўчоғи” журналида эълон қилинган парча достоннинг биринчи оммавий нашри ҳисобланади. Ўтган асрнинг 20-йилларида “Алпомиш” достони ҳақидаги мулоҳазалар Ғози Олим нашри доирасида бўлди. Масалан, профессор Фитратнинг 1928 йилда нашр этилган “Ўзбек адабиёти намуналари” китобида мазкур нашрдан фойдаланилган. Унда Ғозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган қисм қайта нашр этилган.

“Алпомиш” достони 1926 йилдан бошлаб етакчи халқ бахшиларида тўла равишда ёзиб олина бошланди. Дастлаб шоир Абдулла Алавий Тошкент вилояти Эвалак қишлоқлик Берди бахшидан достоннинг бир вариантини ёзиб олди. Бу вариантдан бир парча Фитратнинг юқорида тилга олинган хрестоматиясида (40–43-бетлар), унинг каттагина қисми Миёнбузрук Солиҳов томонидан 1935 йилда “Октябрғача бўлган ўзбек оғзаки адабиёти (фольклор)” тўпламида нашр этилди. Бу нусхани тўла равишда ушбу сатрлар муаллифи сўзбоши билан нашрга тайёрлади ва у 1969 ва 1999 йилларда икки марта босилиб чиқди. 1926 йилда машҳур фольклор тўпловчи Муҳаммадиса Эрназар ўғли атоқли халқ шоири Пўлкан вариантини ёзиб олди. Ҳоди Зарифнинг маълумотига қараганда, бу вариантнинг ёзиб олиниш жараёнида атоқли халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғли иштирок этган ва айрим ўринлари унинг оғзидан ёзиб олинган. Мазкур сатрлар муаллифи фольклоршунос З.Хусаинова билан ҳамкорликда ушбу нусхани тўла равишда нашрга тайёрлади ва у 1999, 2011 йилларда алоҳида китоблар тарзида икки марта нашр этилди. Шунингдек, А.К.Боровков 1928 йилда Ўратепа тумани Қайирма қишлоғида яшовчи Мавлон Пирмат ўғлидан достоннинг мазмунини ёзиб олди ва уни 1956

йилда “Ўзбекистон Фанлар академияси ахборотлари”нинг 11-сонида ўзбек ва рус тилларида кичик бир сўзбоши билан нашр этди.


Достоннинг бадиий жиҳатдан энг мукаммал варианты Фозил Йўлдош ўғлидан 1928 йилда Маҳмуд Зарифов томонидан ёзиб олинган нусхаси ҳисобланади. Унинг биринчи қисми қисқартирилган ҳолда 1939 йилда Ҳоди Зарифнинг “Ўзбек фольклори” хрестоматиясида (80–128-бетлар) нашр қилинди. Худди шу пайтдан бошлаб Фозил Йўлдош ўғли вариантыдан парчалар мактаб хрестоматиялари, ўқув қўлланмалари, турли тўпламларда мунтазам равишда нашр этилиб келинмоқда. Шу йили жиддий қисқартирилган ҳолдаги Ҳамид Олимжон нашри ҳам юзага келди. Шоир Ҳамид Олимжон достонни нашрга тайёрлашда уни қарийб ярмига қисқартирган. Аммо бу қисқартириш шу даражада билим ва санъаткорлик билан амалга оширилганки, бу ҳолат достоннинг яхлитлигига путур етказмаган. Шоир достон матнига бирон-бир сўз қўшмаган, достон тилини таҳрир қилмаган, балки ундаги мавжуд имкониятлардан миришкорлик билан фойдаланган, яъни узундан-узок монолог ва диалоглардан иборат шеърини матндаги бадиий заиф мисраларни қисқартириш билан достон сюжети воқеаларини тўла сақлаган. Нашрга тайёрловчи олти минг мисрага яқин матнни қисқартирган бўлса-да, достонни ўқиш давомида бу нарса деярли сезилмайди. Шунингдек, шоир нашрга каттагина сўзбоши ёзиб, унинг ғоявий-бадиий хусусиятларини таҳлил этди. Шунинг учун ҳам бу нашр маданиятимиз тарихида катта воқеа бўлди ва халқ достонларини нашр этишдаги ижобий тажриба сифатида ўз аҳамиятини ҳануз йўқотган эмас.

1957 – 1958 йилларда марҳум Ҳамид Олимжон номидан достоннинг иккинчи ва учинчи нашрлари чоп этилди. Аммо бу нашрларда “асарнинг умумий сюжети ва асосий ғоявий йўналиши билан органик боғлиқ бўлмаган, эксплуататор синф мафкурасининг таъсири остида бузилган ёки сунъий равишда киритилган баъзи сўзлар, иборалар, асарнинг халқчиллик асосига зид бўлган айрим тасодифий ҳодисалардан достонни тозалаш” баҳонасида Ҳамид Олимжон эришган ютуқларга барҳам берилди, матнга тоқат қилиб бўлмас даражада қўл урилди, достон тили ўринсиз равишда таҳрир қилинди ва бу билан ғайриилмий йўл тутилди. Чунончи, достонда “Кўзи қуралайдай бўлиб” деган жуда чиройли мисра бор. Бу мисра ўринсиз равишда “Қуралай кўзи чўғдай бўлиб” тарзида “таҳрир” қилинган. Бу билан достон тилидаги табиийликка зарар етказилган, кофия тизими бузилган (ойдай-тойдай-бойдай-қуралайдай, аммо чўғдай эмас). Ёки “Бир калмани жарий қайтар, Қоражон” мисраси “Бир сўз айтиб кўнглин кўтар, Қоражон” тарзида бузиб берилган. Ўринсиз қисқартиришлардан ташқари бундай ўзгартириш ва таҳрир қилиш ҳоллари уч юздан ошиб кетади. Шу рақамнинг ўзиёқ, достон матнига

канчалик кўл урилганлигини кўрсатиб турибди. Бу нарса ўз вақтида илмий жамоатчиликнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлганди. Шунинг учун ҳам дostonнинг энг мукамал нусхаси бўлган Фозил Йўлдош ўғли вариантини тўла равишда китобхонларга етказиш долзарб вазифа бўлиб келмоқда эди. Бу ишга камина ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси, атоқли олим ва мураббий Ҳоди Зариф (1905 – 1972) билан ҳамкорликда 1964 йилда киришган эди. Аммо унинг биринчи қисмини тугаллаш билан иш тўхтаб қолди. Бунга 1968 йилдан “Булбул тароналари” (Тошкент, 1971 – 1973) беш жылдигини нашрга тайёрлашга киришиш ва устознинг вафоти сабаб бўлди. Кейинчалик камина ишни ниҳоясига етказди ва у айрим қисқартишлар билан 1979 йилда “Ўзбек халқ ижоди” кўп жыллиги силсиласида нашр этилди. 1985 йилда қайта босилиб чиқди. 1987 йилда яна бироз қисқартирилган ҳолда “Мактаб кутубхонаси” сериясида чоп этилди. Унинг тўла нашри 1992 – 1993 йилларда икки жилдда, 1998, 2010, 2011 йилларда алоҳида китоблар тарзида, 1999 йилда русча илмий таржимаси билан биргаликда амалга оширилди.

Ҳамид Олимжон нашри ҳамда Тил ва адабиёт институтида бир оз тўлдириб тайёрланган тағлама (сўзма-сўз таржима) асосида шоир Л.М.Пеньковский дostonни рус тилига таржима қилди. Бу таржима 1949 йилда Тошкент ва Москвада М.Шайхзода ва В.М.Жирмунскийлар сўзбошилари билан алоҳида-алоҳида китоблар тарзида босилиб чиқди. Кейинчалик Л.М.Пеньковский дoston таржимасини қайтадан кўриб чиқиб, бироз тўлдирди. Бу таржима Тошкент (1958, 1974, 1998), Москва (1958, 2009), Ленинград (1982) шаҳарларида қайта-қайта нашр этилди.

Дoston вариантларини ёзиб олиш ишлари 30–40-йилларда ҳам давом эттирилди. Жумладан, 1937 йилда Юсуф Султонов Қўконнинг Бешкапа кишлоғида яшовчи Бўри бахшидан, 1938 йилда Шамси Муродов Қизилтепа тумани Кенагас кишлоғида яшовчи Саидмурод Паноҳ ўғлидан, 1944 йилда Мансур Афзалов Нурота туманининг Қўтир кишлоғида яшовчи Бекмурод Жўрабой ўғлидан дoston вариантларини ёзиб олдилар. 1940 йилда Мунисхон Тошпўлатова қизилтепалик Саидмурод Паноҳ ўғли вариантининг ўлан қисмини, 1945 йилда Қосим Муҳаммедов Шеробод туманининг Чигатой кишлоғида яшовчи Мардонакул Авлиёкул ўғли вариантининг иккинчи қисмини, 1950 йилда Ғани Бозоров Ислom шоир вариантдан парчалар, 1951 йилда Охунжон Собиров атоқли халқ дostonчиси Ислom шоир вариантининг мазмунини ёзиб олдилар. Бу ўринда шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Саидмурод Паноҳ ўғли вариантини ёзиб олган Шамси Муродов ўша пайтда ўн уч ёшда бўлган ва олтинчи синфда ўқиган. Буни ёш йигитнинг ўзига хос жасорати, деб баҳолаш мумкин. Афсуски, бу талантили йигит Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида мардларча ҳалок бўлди. Шамси Муродов кўлёмасини



ушбу сатрлар муаллифи сўзбоши билан нашрга тайёрлади ва у 1972 йилда “Одилхон” китоби таркибида, 2000 йилда “Ёдгор” достони билан биргаликда чоп этилди. Шунингдек, 1999 йилда Бекмурод Жўрабой ўғли варианты ҳам босилиб чиқди.

“Алпомиш” достони нафақат оғзаки равишда, балки Ҳамид Олимжон нашри орқали ҳам халқимиз орасида кенг тарқалганлигига, мактаблар ва олий ўқув юртлири ўқув дастурлари ҳамда дарсликларидан муносиб ўрин олганлигига, унинг мотивлари асосида драмалар ва театр спектакллари яратилганлигига қарамай, А.Абдунабиев ва А.Степанов каби “танқидчилар” ҳам топилдики, улар 1952 йилда “Правда Востока” газетаси ва “Звезда Востока” журналида эълон қилган мақолаларида дostonни халққа қарши, реакцион асар сифатида баҳоладилар. Шу йилнинг март ойи охирида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биргаликда ўтказган илмий кенгаши ҳам дostonнинг гоъвий мазмунини бузиб, уни “Қонли урушларни кўкларга кўтариб мактовчи, хон ва бекларнинг талончилиги ва уларнинг камбағал халққа ўтказган зулмини дабдаба билан куйловчи, миллатчиликни тарғиб қилувчи, халққа қарши асар”, – деб баҳолади. Шу тарика халқимизнинг бу сеvimли дostonи қатлиом қилинди, уни ўқиш, ўқитиш ман этилди.

Аmmo софдил, ҳақиқий фольклоршунослар бундай ғайриилмий баҳо билан келиша олмадилар. Ҳоди Зариф, Мансур Афзаловлар 1954 йилдаёқ эпос масалаларига бағишлаб Москвада ўтказилган кенгашда сўзлаган нутқларида “Алпомиш” дostonи бадиий юксак халқчил асар эканлигини асослаб, уни ўрганиш учун махсус илмий конференция ўтказиш зарурлигини таъкидладилар. Шундай конференция 1956 йилнинг сентябрида Тошкентда ўтказилди. Конференцияда ва 1959 йилда “Об эпосе “Алпамиш” номи билан эълон қилинган унинг материалларида дostonга нисбатан ҳақиқий илмий баҳо берилди, уни ўрганиш ва нашр этишга кенг йўл очилди. Натижада В.М.Жирмунский ва ушбу сатрлар муаллифининг “Алпомиш” дostonи таҳлилига бағишланган монографиялари босилиб чиқди, дoston бўйича С.Йўлдошева номзодлик, И.Ёрматов докторлик диссертацияларини химоя қилдилар, янги вариантларини ёзиб олишга киришилди. Жумладан, 1954 йилда Фатхулла Абдуллаев Янгикўрғон тумани Ғовозон қишлоғида яшовчи Ҳайдар Бойча ўғлидан, 1955 йилда Зубайда Ҳусайнова Китоб тумани Қайнарбулоқ қишлоғида яшовчи Абдулла шоирдан, Зубайда Ҳусайнова билан Музайяна Алавия шу туманнинг Шотири қишлоғида яшовчи Ҳамро Эргаш ўғлидан, Мансур Афзалов Шаҳрисабзда яшовчи Зоҳир Кўчкор ўғлидан, 1956 йилда Охунжон Собиров Дехқонобод тумани Қорашина қишлоғида яшовчи Умир шоирдан,

1958 йилда А.Мирзаев Гулистон тумани Кўйботган қишлоғида яшовчи Мурод Отабой ўғлидан, Мансур Афзалов Жарқўрғон тумани Жалойир қишлоғида яшовчи Мамадрайим бахшидан, 1960 йилда Малик Муродов Гиждувон тумани Заҳкаш қишлоғида яшовчи Амин Малик ўғлидан, 1962 йилда Тўра Мирзаев Малик Муродов билан биргаликда Хатирчи тумани Ёнбош қишлоғида яшовчи Эгамберди Олломурод ўғлидан, шу йили Тўра Мирзаев Тожикистоннинг Данғара тумани Қўшқия қишлоғида яшовчи Аҳмадjon Соибназар ўғлидан, М.Афзалов Т.Ашуров билан биргаликда Ҳазорасп тумани Курра қишлоғида яшовчи Матназар Жаббор ўғлидан, 1963 йилда Тўра Мирзаев Тожикистоннинг Колхозобод тумани Пахтаорол қишлоғида яшовчи Бўрибой Аҳмедовдан, 1964 йилда Малик Муродов Янгиқўрғон тумани Ораарик қишлоғида яшовчи Раззоқ Қозоқбой ўғлидан, 1975 йилда Оташ Холмирзаев Янгиқўрғон тумани Ораарик қишлоғида яшовчи Омон Раззоқовдан дoston вариантларини ёзиб олдилар. 1968 йилда атоқли шоир-қиссахон Раҳматулла Юсуф ўғли ўз вариантини ёзиб топширди. Шунингдек, Тўра Мирзаев 1962 йилда Янгиер тумани Қўшқанд қишлоқлик Исо Янгибой ўғлидан ва 1963 йилда Тожикистоннинг Данғара тумани Жорубқўл қишлоғида яшовчи Тўла Ҳайбат ўғлидан дostonнинг мазмунларини, Шомирза Турдимов 1981 йилда Қоракўл тумани Арабхона қишлоқлик Қаландар Хўжакуловдан унинг эртақ вариантини ёзиб олдилар. 1959 йилда Темур Очилов Зомин тумани Қарапчи қишлоқлик Ёрлақаб Бекназар ўғлидан дostonнинг бош қисмини ёзиб олган эди. Ушбу парчани мазкур сатрлар муаллифи “Ўзбекистон овози” газетасининг 1995 йил 30 сентябрь сонидан эълон қилди.

Мустақиллик йилларида “Алпомиш” дostonини ўрганиш янги босқичга кўтарилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алпомиш” дostonи яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги 1998 йил 13 январь қарори ва шу қарор асосида 1999 йил 6 ноябрда Термиз шаҳрида “Алпомиш” дostonи ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти мавзусида ўтказилган халқаро конференция бу соҳада эришилган натижаларни умумлаштириш ҳамда тадқиқотчилик истикболларини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йилларда дostonнинг фундаментал нашрлари амалга оширилди. Энг муҳими, улкан халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли варианты асосида дostonнинг академик нашри устидаги тадқиқотлар якунланиб, у 1999 йилда “Фан” нашриёти орқали чоп этилди. Икки тил (ўзбек, рус тиллари)даги бундай кўламли ва салмоқдор нашр (китоб унга илова қилинган нота ёзувларидан ташқари 832 саҳифадан иборат) ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи марта амалга оширилди. Академик нашрни тайёрлашда камина билан бир қаторда дostonнинг рус тилидаги илмий-филологик таржимасини амалга

оширган фольклоршунос ва таржимон М.Абдурахимовнинг (1935 – 2012), дoston мусикаси бўйича махсус тадқиқот олиб борган санъатшунос-фольклоршунос Ф.М.Кароматлининг (1925 – 2014) хизматлари бекиёсдир.

Шундан кейин бирин-кетин “Алпомиш” достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти мавзусидаги халқаро конференция материаллари” (1999), “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” номли илмий мақолалар тўплами (1999), О.Мадаевнинг “Алпомиш” достони матнини ўрганиш методикаси” (1998), “Алпомиш” билан суҳбат” (1999), М.Абдурахимовнинг “Внимая слову “Алпамыша” (1999), Ғ.Ҳотамов ва Ш.Ҳамроевнинг “Миллат хотираси” (1999), Р.Мустафо ва Б.Ёриевнинг “Алпомиш” талқинлари” (2000), Б.Тўйчибоевнинг “Алпомиш” ва халқ тили” (2001), Қ.Йўлдошевнинг “Алпомиш” талқинлари” (2002), Ингён Онинг “Алпомиш” ва “Жумўнг” дostonларининг киёсий таҳлили” (2014) каби китоб ва рисоалари, Т.Мирзаев, Ж.Эшонкул, С.Фидокорларнинг “Алпомиш” дostonининг изоҳли луғати” (2007) нашр этилди. Айниқса, М.Муродов ва А.Эргашевларнинг икки китобдан иборат “Алпомишнома” асари (1999 – 2000) ўзбек фольклоршунослиги тарихида алоҳида ўрин тутди. Унда дostonнинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалиш ҳамда эпик анъаналарда сақланиш ҳолати, ҳудудий хусусиятлари илмий жиҳатдан ёритилиш билан бирга Қодир бахши Раҳимов, Қора Умиров, Хушбоқ Мардонақулов, Абдуназар Поёнов, Чоршанби Раҳматуллаев (Чорша бахши), ака-ука Қаххор, Абдумурод, Баходир, Баҳром Қодир ўғиллари каби кейинги авлод бахшилари вариантларидан парчалар эълон қилинди. Шунингдек, фольклоршунос Тоштемир Турдиев дostonнинг Хушбоқ бахши Мардонақулов вариантыни ёзиб олиб, 1998 йилда алоҳида китоб тарзида чоп этди.

Кейинги йилларда “Алпомиш” дostonига хорижий мамлакатлар илмий жамоатчилигининг қизиқиши янада кучайди. Жумладан, 2001 йилда Германияда профессор Карл Райхлнинг “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси Алпомиш” номли монографияси чоп этилди. Унда дostonнинг ўрганилиши, ғоявий-бадий хусусиятлари ҳар томонлама таҳлил этилган. Шу билан бирга олим Т.Мирзаевнинг 1968 йилда нашр этилган “Алпомиш” дostonининг ўзбек вариантлари” китобининг иккинчи бобини ҳамда дostonнинг Саидмурод Паноҳ ўғли вариантыни немис тилига таржима қилиб, ўз монографиясига киритган. Шунингдек, атоқли дostonчи Фозил Йўлдош ўғли варианты 2000 йилда Анкарада турк тилида, 2013 йилда Қизил Ўрдада козоқ тилида нашр этилди.

Шундай қилиб, кейинги қарийб бир аср давомида “Алпомиш” дostonи вариантлари мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда ундан ташқаридаги ўзбеклар гавжум яшайдиган ҳудудлардан ёзиб олинди.

Уларнинг энг яхшилари алоҳида-алоҳида китоблар тарзида чоп қилинди, илмий жиҳатдан доимий равишда ўрганилиб келинмоқда. Шу кунларда ҳам дostonни Қора ва Чори Умировлар, Хушбоқ Мардонакулов, Шоберди Болтаев, Қаххор Раҳимов, Абдуназар Поёнов, Шодмон Хўжамбердиев каби бахшилар, уларнинг кўпдан-кўп шогирдлари куйлаб келмоқдаларки, бу ҳол унинг жонли оғзаки ижро шароитларида изчил яшаб келаётганлигидан далолат беради.

II

Юқорида таъкидланганидек, улкан халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли “Алпомиш” дostonини бутун умр бўйи куйлаб келган. Атоқли шоир Ҳамид Олимжоннинг образли ифодаси билан айтганда, бу дoston “Унинг шоирлик бешиги бўлган”. Чиндан ҳам “Алпомиш” дostonи Фозил шоирдан ёзиб олинган нусхада қаҳрамонлик эпоси хусусиятларини тўла сақлаганлиги, эпик мазмуннинг мукамаллиги, ҳар бир тафсилотнинг ҳаётий киёсларда санъаткорона ишланганлиги, бадий маҳоратнинг юксак даражаси жиҳатидан ўзбек халқ дostonчилигида алоҳида ўрин тутаети.

Атоқли дostonчи Фозил Йўлдош ўғли (1872 – 1955) фақат эпик асарларни куйлаб келган оддий бахшигина эмас, балки жонли оғзаки дostonчилик анъаналарини янада ривожлантирган, шу аснода ўзи ҳам янги-янги дoston ва термалар ярата олган, юксак бадиҳагўйлик ва ҳофиза кудратга эга бўлган ҳақиқий санъаткордир. У XX асрнинг буюк дostonчиси, улкан халқ шоири эди. Ундан “Алпомиш” билан бирга турли йилларда “Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Муродхон”, “Рустамхон”, “Ширин билан Шакар”, “Тўрўғлининг туғилиши”, “Тўрўғлининг болалиги”, “Авазхоннинг олиб келиниши”, “Балогардон”, “Интизор”, “Зулфизар”, “Малика айёр”, “Машриқо”, “Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши”, “Нурали”, “Жаҳонгир”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Баҳром ва Гуландом”, “Зевархон”, “Раҳна ва Суҳангул”, “Ошиқ Ғариб”, “Мулла Ғойиб” каби 24 та анъанавий, “Тўлғаной”, “Назар ва Окбўтабек”, “Бухоро амири Музаффархон”, “Йўлбарс терисини ёпинган полвон”, “Маматкарим полвон”, “Жиззах кўзғолони”, “Очилдов”, “Кунларим” сингари саккизта янги дoston, кўплаб термалар ёзиб олинган ҳамда уларнинг аксарияти нашр этилган. Атоқли санъаткор репертуарида “Султонхон”, “Офтоб пари”, “Рустамнинг яраланиши”, “Рустам Зол ўғли” (Рустами Дoston), “Киронхон”, “Кундуз билан Юлдуз”, “Далли”, “Равшанхон”, “Моҳирой ва Меҳршоҳ”, “Ёзи билан Зебо”, “Тоҳир ва Зухра”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Варқа ва Гулшоҳ”, “Вомик ва Узро”, “Санобархон”, “Сайфулмалик”, “Ошиқ

Ойдин”, “Ошиқ Маҳмуд” каби йигирмага яқин халқ дostonларининг мавжудлиги қайд қилинганки, уларни ўз вақтида ёзиб олишга улгурилмай қoлинган. Шунга қарамай, улкан халқ санъаткоридан ўттиздан ортик дostonнинг ёзиб олинганлигининг ўзиёқ унинг эпик репертуари қамров доираси нақадар кенг ва ранг-баранглигидан далoлатдир. Бундай ранг-баранглик улуғ дostonчининг қахрамонлик ва романик, тарихий ва китобий дostonларни баравар куйлаб келганлигида ўз ифодасини топган. Бахши репертуари қанчалик хилма-хил ва ранг-баранг бўлмасин, унда “Алпомиш” дostonи алоҳида ўрин тутaди.

“Алпомиш” дostonи қахрамонлик, мардлик, ватанпарварлик, турли элатлар ва халқларнинг биродарлиги, севги ва садоқат, оила мустаҳкамлиги ва уруғ бирлигини куйловчи улкан эпосдир. Дoston “Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Кўнғирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тагин икки ўғил пайдо бўлди: каттаконининг отини Бойбўри кўйди, кичкинасининг отини Бойсари кўйди. Бойбўри билан Бойсари – иккови катта бўлди. Бойсари бой эди, Бойбўри эса шой эди, бул иккови ҳам фарзандсиз бўлди”, – деган ахборот характеридаги анъанавий зачин билан бошланади. Дoston давомида кўнғирот уруғи бошликлари Бойбўри ва Бойсариларнинг фарзандсизлиги туфайли камситилиши, уларнинг фарзанд тилаб, авлиё-анбиёларга сиғинишлари, болаларнинг ажойиб-ғаройиб ҳолатларда туғилиши ҳамда уларнинг чақалоқлигида никоҳланиши (бешик кирти қилиниши), Ҳакимбекнинг биринчи бор паҳлавонлик кўрсатиши ва Алпомиш аталиши, Бойсарининг Бойбўридан аразлаб Қалмоқ юртига кўчиши, Алпомишнинг ўзига белгиланган жанговар от – Бойчиборга эришиши, Барчин хабари ва синглиси Қалдирғоч ойим даъвати билан Қалмоқ юртига сафарга отланиши ҳамда Қоражон билан дўст тутиниши, рақиблари – қалмоқ алплари билан ёнма-ён туриб, Барчин шартларини бажариши ва ёрини олиб ўз элига қайтиши, қайнатаси Бойсарини кутқариш учун иккинчи марта сафар қилганда, етти йил тутқинда қолиши, оти Бойчибор ёрдамида асирликдан кутулиб, хотини Барчиннинг зўровон Ултонтоз билан бўлаётган тўйи устига келиши ҳамда рақибини енгиб, ўз ҳокимиятини ўрнатиши воқеалари турли-туман бадиий лавҳалар, асар персонажларининг ўзаро муносабатлари, уларнинг турфа хил вазиятлардаги руҳий ҳолатларининг поэтик ифодалари орқали гўзал бир тарзда тасвирланган.

Алпомишнинг Барчинга уйланиши, унинг қонуний никоҳ учун, оила учун – “ўз уйи” учун кураши кўнғирот уруғининг янада мустаҳкамланиши, янгича асосларда қайта бирлашишига олиб келадики, бу дostonда куйланган бош мавзудир. Фозил шоир бу мавзуни

халқимизнинг қахрамонлик ҳақидаги идеаллари, мардлик туйғуси билан узвий алоқадорликда ёлқинли бадиий бўёқлар орқали ҳайратомуз бир тарзда, кўтаринки, жанговар бир услубда тасвирлайди. Алпомиш тилидан айтилган мана бу сатрлар бунинг ёрқин далилидир:

Оқ кировка, олтин совут қияман,
Бор кучимни билагимга жияман,
Олмос олсам, қирмизи қон қуяман,
Ғанимларнинг танасини уяман,
Қарчиғайман, душман бошин қияман.
Эсим олса, бўтадайин бўзлайман,
Душман кўрсам, кесиб бағрин тузлайман,
Аслим шерман, ўзим йўлбарс излайман.

Достонда қахрамонлик, жасурликни улуғлаш, мардлик туйғулари ватанпарварлик ғоялари билан узвий боғланган ҳолда тасвирланади. Достон қахрамонлари ўн олти уруғ Кўнғирот эли, Бойсин-Кўнғирот диёри билан маҳкам боғланганлар. Улар қаерда бўлмасинлар, шу эл, шу диёрнинг ғам-аламига шерик бўладилар, шу эл, шу диёр соғинчи билан яшайдилар. Достон қахрамонларининг ўз қабиласи, халқи ва юртига бўлган ватанпарварлик ҳислари, руҳий ҳолатлари китобхон ва тингловчини тўлқинлантирарли даражада тасвирланган. Бу ҳиссиёт Бойсари ва кўнғиротларнинг ўзга мамлакатда юрт соғинчи ва пушаймонлик кайфиятлари ифодаланган лавҳаларда, қахрамоннинг тутқинлик даврида ғоз орқали ватанига салом йўллашида, Барчин, Қалдирғоч, Ёдгорларнинг хижрон алами ифодасида, Қултой, Жиловдор қулларнинг оху зорларида, қахрамоннинг йўлдаги учрашувлари эпизодларида, ҳатто келаётган Алпомишнинг ҳидини олган энчи Қоранор ва Бойчиборнинг яйлов жойларини кўриб, гулдираб кишнашидан кучланган Тарлон биянинг ҳолатлари тасвирида янада ёрқин акс этган. Умр бўйи туғилиб ўсган юртини, халқини севган Алпомишдаги бу ҳиссиёт етти йиллик асирликдан кейин она тупроққа қадам қўйганда янада юкори нуктага кўтарилади, ватани, эли ҳақида турли хаёлларга боради:

Асқар тоғи туманмикан,
Мен билмайман бу йўлларда,
Ота-эна омонмикан?!
Кўрганим йўқ Кўнғирот эли,
Қадимгидай замонмикан?!
Қадрдон беклар бормикан,

Барчин гул бизга зормикан,
Кўргани интизормикан,
Ҳамма кадрдон бормикан?!

Достонда Алпомишнинг куч-қудрати, баходирлик салоҳиятини тасвирлашга алоҳида эътибор берилган. У етти ёшида бобоси Алпинбийдан қолган ўн тўрт ботмонлик сари ёйдан отиб, Аскар тоғининг чўққисини учириб юборганлиги учун алп аталади. Яккама-якка олишувда Қултой ва Қоражондан ғолиб чиқади. Унинг куч-қудрати Барчин шартларини ғолибона бажаришда, унга талабгор қалмоқ алплари билан олишувида, айниқса, ёрқин намоён бўлади. Достонда қалмоқ алплари гротеск усули ёрдамида ўта муболағали равишда тасвирланган. Бахши қалмоқ алпларини ташқи киёфасини ўта хунук, ғайритабиий, қулгили қилиб тасвирлаш орқали қаҳрамон рақибини ваҳимали важоҳатда гавдалантира олган:

Шомурти шохалаб ҳар ёкка кетган,
Учида чичқонлар болалаб ётган,
Издан тушган пишак олтойда етган,
Мундай қалмоқ қўлин булғаб келади.

Яна бир қалмоқ келди майдонга:
Одам тушмас бунинг айтган тилига,
Беш юз қулоч арқон етмас белига,
Дучор бўлди Қоражоннинг қўлига,
Ушлаганда отди Чилбир чўлига.

Бул қалмоқдир қалмоқларнинг равиши,
Оҳ урса, оламни бузар довуши,
Тўқсон молнинг терисидан ковуши,
Сиёсатман келиб майдонда турди.

Қаҳрланса тошни ёрар қаҳари,
Тўқсон норнинг гўшти бўлмас наҳори,
Ҳар изига кетар анча баҳори,
Шундай қалмоқ келиб кирди майдонга.

Достончи алпларнинг юқоридагидай бесўнақай, айна пайтда забардаст киёфаларини тасвирлаш орқали, бир томондан, уларнинг Барчинга лойиқ эмасликларини таъкидласа, иккинчидан, шундай даҳшатли рақиблар қаршилигини синдира олган Алпомиш ва Қоражоннинг куч-



кудратда улардан устунлигини яккол кўрсатган. Бундай муболағавий услуб бутун дoston бўйлаб ўтади. У дoston характеридан, унда куйланган воқеалар кўлаמידан келиб чиққандир. Бундай тасвир мароми чангалласа тоғни талқон қила оладиган, “каллеси қападай, танаси тепадай” қалмоқ алпларидан устун турган Алпомиш ва Барчинларнинг азаматлигини ҳар томонлама сифатлаб беришда кўл келган.

Алпомишнинг ёри Барчин, синглиси Қалдирғоч, ота-онаси, қайнотаси билан муносабатларида, кадрдони ва тарбиячиси, машҳур йилқибон Култой билан ота-бола, қалмоқ алпи Қоражон ва чўпон Кайқубод билан дўст тутиниши тасвирларида унинг чин инсоний сифатлари очила боради. Жумладан, Алпомишнинг Қоражон билан биринчи марта учрашувида улар ўртасида аччиқ айтишувлар – хийла қадимий, шу билан бирга чорвадорлик ҳаёт тарзи ифодаси учун бағоят характерли бўлган, халқ поэзиясида кўп кўлланадиган кўчма маънодаги жумбокли рамзий иборалар ишлатилган савол-жавоблар бўлиб ўтади. Бу диалогларда нотаниш паҳлавонлар учрашувига хос бўлган дўк-пўписа, бир-бирига даҳшат солиш, бир-бирини кўрқитишга уриниш каби ҳолатлар ёрқин тасвирланган:

– Кўкқамиш кўлидан суксур учирдим,
Суксурни излаган лочин бўламан,
Боғларим зумратдан, чангалим пўлат,
Бойсиндан куюлган шунқор бўламан.
Бойлигидан бедов отни бойлаган,
Тангқа тайлаб Олатовни ёйлаган,
Камбағали кирк минг гала хайдаган,
Шул галада бизнинг бир моя келган,
Моянинг йўқчиси, нори бўламан.

– Учирган суксурнинг Ойкўл кўнибди,
Тўксон ғажир ўртага олиб турибди,
Ёш ўғлонсан, бекор ҳалак бўласан,
Ғажирлар иложин қандай қиласан?
Лоф уриб сен ҳам менга қарадинг,
Моячам деб сўнгра мендан сўрадинг,
Сўрадинг, моянгдан дарак берайин,
Билганимни сенга айтиб берайин.
Нор, моянг юрибди Чилбир дашида,
Минг беш юз тиллалик овсар бошида,
Кўрдим тўксон алпнинг той-талошида,
Нор, моянг шу кунда довриқ устида.

Халкимизнинг жуда қадимий тасаввурларига бориб такаладиган кўчма маънодаги бундай ибораларнинг ишлатилиши дostonчининг ўзи яшаб турган муҳитни яхши билишидан ҳамда уни дostonда маҳорат билан ифодалай олганлигидан дарак беради. Бундай поэтик образлар бевосита ҳаётдан, кўчманчи-чорвадор халқнинг турмуш тарзидан олинган. Зотан, қахрамонлик эпосида баҳодирни норга, лочинга, баҳодир қизни суксур, мояга; қахрамон рақибини эса, ғажирга ўхшатиш характерли бўлиб, бу ерда Алпомиш, Барчин ҳамда қалмоқ алпларининг муҳим поэтик атрибути сифатида тасвирланган.

Фозил шоир дoston сюжети қурилишининг ҳар бир эпизоди ўз ўрнида бўлишига, улар бир-бири билан узвий боғланиб, бири иккинчисини тақозо этишига, ҳатто кичик бир ифода ҳам муайян поэтик вазифа бажаришига алоҳида эътибор билан қарайдиган дostonчидир. Жумладан, дostonдаги бир пайтда уч жойда қўрилган Алпомиш, Барчин ва Қоражон тушларининг дoston сюжетидаги ўрни масаласини олиб кўрайлик. Улар тасвирини дostonчи шундай бир ахборот билан бошлайди: “Алпомиш чўпонларнинг қўшхонасида ухлаб ётди. Кечаси файзи саҳар вақтига етди. Саҳар вақти чўпонларнинг қўшхонасида ётиб, бир туш кўрди. Излаб бораётган Барчин ёри, бул ҳам баҳмал ўтовда ётиб, субҳи содиқ туккан вақтда бир туш кўрди. Кашал ғорида, тўксон қалмоқнинг ичида Қоражон алп ҳам бир туш кўрди. Учовининг туши олдин-кейин, дўғилиш кўрди”.

Бу тушлар тасвири дostonнинг сюжет тўқимасидан шу даражада мустаҳкам ўрин олганки, улар уч хил характерга эга бўлиб, ҳар бири алоҳида-алоҳида бадиий вазифаларни адо этади. Тушлар тасвири баҳшининг “Аввал Алпомишнинг туши”, – деган эскартмаси билан бошланади. Бундан ўқувчи: “Энди тушлар ва уларнинг таъбирлари кетма-кет баён этилади”, – дея тасаввурга бориши табиий. Аслида кетма-кетлик сақланган ҳолда уларнинг бадиий тасвири дoston сюжетининг турлитуман йўналишларда, шу билан бирга, ягона ўзанда ривожланишини таъминлайди.

Алпомиш туши қахрамон тақдирдан башорат. Шунинг учун ҳам у маълумот, ахборот характерига эга. Бундай тушлар одатда таъбирланмайди. Унинг таъбири ўзи билан бирга:

Ҳақимбек кирганди ўн тўрт ёшига,
Меҳмон бўлди чўпонларнинг кўшида,
Ул кечаси файзи саҳар бўлганда,
Расули худони кўрди тушида.

– Ғам ема, умматим, – деди пайғамбар, –
Остида дулдули, белда зулфиқор,

Жиловида Бобо Қамбар жиловдор,
Ғамингда отланди Шоҳмардон пирлар,
Ғайратингдан бўзлаб кетар қалмоқлар,
Ҳеч ким бўлмас сенинг билан баробар,
Сенга тақдир қилди Барчин зулфакдор,
Раҳм айлаб юборди хол қилган жаббор.
Ҳамма пирлар бўлди сенга мадакдор,
Кўнглингдан кетади бир зарра ғубор.

Тушида ҳамма пирлар мадакдор бўлганлигини билган Алпомиш янада шердил бўлади, руҳи кўтарилади. Руҳида пайдо бўлган “Ҳали ололмайман Барчин ёримни” деган ишончсизлик йўқолади. Энг муҳими, бу туш дoston сюжети кейинги воқеаларида қаҳрамоннинг ўзини қандай тутишига, қалмоқ алплари билан бўлган учрашувларда ғурур билан: “Тикилсам қурийди дарёнинг гуми, наъра тортсам қулар кўрғоннинг тими”, – дея дадил жавоб бера олишида бадиий замин ҳозирлайди.

Барчин туши яна ҳам бошқача характерга эга. У дostonда турли-туман рамзлар, ишоралар билан ифодаланган. Барчин тушида қибла бетдан бир ой туғиб келганлиги, ойнинг гирдини тўртта юлдуз олганлиги, ер юзини тутган аждаҳолар маст туялар билан аралаш келаётганлиги, чўлларда кўринган қирқ аждаҳо бир бургутни кўтариб келганлиги, бургут унинг ёнига тушганлиги, бахмал уйнинг чангғароғи ўйилганлиги ва ҳоказоларни кўради. Бундай тушлар, албатта таъбирланиши керак. Бу ерда таъбирчи Суксур каниз Барчин тушини таъбирлагач, яъни ҳар бир рамз моҳияти, унинг кўчимини (масалан, ой – пайғамбар, тўртта ёруғ юлдуз – тўрт чориёр ва ҳоказо) очиб бергач, шундай дейди:

Хафа бўлмай, мудом ўйнаб-кулгин-чи,
Қаддингдан, бувишим, берман келгин-чи,
Шукрилилло, яхши тушни кўрибсан,
Бу тушингга, ойим, бергин суюнчи.
Тушингни табгири шундай бўлади,
Эртан чошқа қайсар тўрам келади,
Сенинг кўнглингдаги бўлиб қолади,
Сендай ойим бунда ўйнаб-кулади.

Кўринадики, бу ўринда туш той-таловда қолиб, Алпомишни кутаётган Барчиннинг руҳий ҳолатини янада ёрқинроқ тасвирлашда, унинг айни ҳолатдаги кайфиятини кўтаришда бир восита сифатида хизмат қилган.

Дostonда Қоражон туши яхлит ҳолда тасвирланмайди. “Боғонаги туш кўрган қалмоқ намоз вақти ўрнидан қалима айтиб турди”, – дея

ахборот берилиб, тушнинг моҳияти “сир” тугилади. Бу “сир” Алпомиш билан Қоражоннинг биринчи марта учрашувидаги бир-бирдан гўзал шеърӣй монолог ва диалогларнинг яратилишига умумий бадиӣй фон бўлиб хизмат қилган. Монолог ва диалогларда сирни очувчи, яъни ўз тушидан хабар берувчи ва унинг таъбирчиси ҳам Қоражоннинг ўзи бўлиб қолган: “Мен сени кўрганим йўқ, сенинг билан ҳамсухбат бўлганим йўқ, мен ҳам хотинингга таллашиб ётган тўқсон алпнинг бири бўламан. Кулфи дилимни худо очди, мусулмон бўлдим. Қирқ чилтан билан расул пайғамбар қавму қариндошингни тушимда кўрсатиб, сенинг билан мени дўст қилди. Ул сабабдан биламан”.

Достон сюжети фақат тушлар билангина эмас, маишӣй турмуш деталларига бойлиги, ранг-баранг ҳаётӣй эпизодларни кенг қамраб олганлиги билан ҳам кизиқарлидир. Жумладан, достончи етти йиллик тутқунликдан кейин Алпомишнинг ўз юртига қайтишида уни қариндошлари, чўпонлар, йилқичилар, карвонлар, турли тоифадаги кишилар билан учраштириш орқали юртидаги аҳвол билан таништиради, одамларнинг қаҳрамонга ва унинг рақиби Ултонтозга муносабатини яққол гавдалантиради. Йўлдаги учрашувларда Ултонтознинг зўрлик билан Барчинни олиш учун тўй қилаётганлигини билган Алпомиш тарбиячиси Култой киёфасида тўйхонада бўлади. Золим рақиб томонида камситилган ва ўғли ҳажрида алам тортаётган ота-онасига ҳамдардлик қилади, хўрланган, ўлим билан кўрқитилган ўғли Ёдгорнинг бошини силайди, Ултонтозга хушомадгўй баковул ва ошпазларнинг таъзирини беради, ёйандозлик ўйинига қатнашади, ўлан айтишади ҳамда ўзининг куч-қудратини, Барчинга ва оиласига содиқлигини яна бир бор намоӣш қилади. Бу эпизодлар Алпомишни идеалдаги забардаст паҳлавон ва узок кечмишдаги “табиӣй” инсон сифатида ҳар томонлама характерлаб беради.

Достонда Барчин шартлари, уларнинг кўйилиши ва бажарилиши билан боғлиқ лавҳалар асосӣй ўрин тутади. Айниқса, Барчин тилидан берилган шартлар тасвири бадиӣй латофати билан алоҳида ажралиб туради. Унда Фозил шоирга хос анъанавӣй мисралар (“От чопса гумбулар тоғнинг дараси, Ботирни ингратар найза яраси”) ва доимӣй эпитетларни (“қирағай”, “нор билакли” каби) ўз ўрнида қўллаш, хилма-хил қофиялар тизимидан (дараси-яраси-тўраси-ораси; тиздирса-сўздирса-уздирса; билганга-келганга-солганга-колганга-полвонга; урганга-мерганга; чиққанга-йиққанга сингари) фойдаланиш, катта поэтик босим билан таъминланган мисралар (“Зоғ ҳам бўлса қўна бергин гулшанга”) тўқий билиш, соддалик ва лаконизмга интилиш яққол намоён бўлган. Фозил шоир халқнинг бой бадиӣй тажрибасини, турмушдаги энг майда

икир-чикирларни ҳам яхши билади, ҳар бир детални чуқур мушоҳада қилади ҳамда ўз ўрнида қўллайди. Шунинг учун ҳам Барчин шартлари шунчаки баён этилиб, тавсифлаб қўйилмайди, балки улар поэтик образларда кўрсатилади.

Қаҳрамонлик шартларининг бажарилишида Барчин бевосита бўлмаса-да, билвосита иштирок этади. У курашда Кўкалдошни йиқитишга кийналган Алпомишни мардликларга ундайди. Унинг қурхайт, деб кичкирганини эшитган Бойчибор биринчи бўлиб маррага етиб келади. Достонда Барчиной алп қиз сифатида таърифланади. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Барчин образида халқимизнинг алп қиз ҳақидаги қадимий тасаввурлари ифодаланиши билан бирга узок кечмиш ижтимоий-маиший ҳаётдаги реал ҳодисалар ҳам мужассамлашган. Патриархал уруғчилик жамиятида, чорвадор-кўчманчилик ҳаётида хотин-қизларнинг оила ва турмушда нисбатан мустақил аҳволда бўлишлари, уларнинг дастлаб эркаклар билан баробар, кейинроқ айрим ҳолларда урушлар ва жангу жадалларда иштирок этишлари баҳодир қиз эпик образи яратилишининг реал шарт-шароитлари ҳисобланади. Бундан “Алпомиш” достонидаги Барчиннинг жанговарлиги тасвирланган лавҳалар, баҳодирлик тортишувлари (Барчин шартлари) шу асар яратилган ва қуйланиб келган даврларда ҳам реал никоҳ урф-одатлари, аниқ турмуш ҳодисаси экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Бу – узок кечмишда ўзининг реал илдизларига, тарихий заминига эга бўлган, кейинчалик анъанага айланган эпосдаги поэтик мотив бўлиб, халқ қаҳрамонини идеаллаштириш ва унинг жисмоний куч-қудратини синаш воситасидир.

“Алпомиш” достонида ўзбек халқи шеърӣй даҳосининг буюк қудрати юксак даражада намоён бўлган. Ундан фавқулудда яратилган ажойиб кўчимларни (“Кўз куюги, э, нармода, ўлсанг-чи”), мисраларни жилвалантирувчи куйма бадий фонетика элементларини (“Сувда бўлар сулув ўтнинг суйруғи”), достонга гўзал бир бадий безак бўлиб тушган чиройли параллелизмларни (“Кечани мунаввар қилар тўлган ой, Савашли кун тортилади парли ёй, Кашалда талошда қолди Барчиной”) истаганча топиш мумкин. Достонда шеърӣй сатрлар бадий жиҳатдан шу даражада мукамал ишланганки, уларнинг кўплари асрлар тажрибасини ўзида мужассамлаштирган мақоллар даражасига кўтарилган.

Хулосада шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Алпомиш” достони мифологиянинг ривожӣ ёки унинг бадий-эстетик диффузияси тарзида юзага келган асар эмас, балки бутун бошли мифологик қарашнинг инқори сифатида яратилган буюк эпопеядир. Атоқли шоир Ҳамид Олимжон таъбири билан айтганда “озод, эркин, мағрур ва гўзал одамлар ҳақида тўқилган, шу билан одамларнинг юрагига яқинлашган” достондир.



“Алпомиш” достони одамларни – идеалдаги ва табиий инсонни кўкларга кўтариб мактовчи, ғоятда, “инсонийлашган” улкан эпосдир. Ундаги онда-сонда учраб турадиган оз миқдордаги мифологик катлам эса, қадимги турмуш тарзининг бадиийлаштирилган ва идеаллаштирилган кўринишларидир, холос. Достоннинг жаҳон халклари эпик ижодиётидаги айрича ўрни ҳам ана шу билан белгиланади.

Тўра МИРЗАЕВ

кларга
ндаги
м эса,
рилган
идаги

ЗАЕВ



АЛПОМИШ

*Биринчи
қисм*

*Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли
Ёзиб олувчи: Маҳмуд Зарифов*

*Наширга тайёрловчилар:
Ҳоди ЗАРИФОВ, Тўра МИРЗАЕВ*



Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тагин икки ўғил пайдо бўлди: каттаконининг отини Бойбўри қўйди, кичкинасининг отини Бойсари қўйди. Бойбўри билан Бойсари – иккови катта бўлди. Бойсари бой эди, Бойбўри эса шой эди, бул иккови ҳам фарзандсиз бўлди.

Ана энди ўн олти уруғ Қўнғирот элида бир чупурон тўй бўлди. Халойиқларни, элатияларни тўйга хабар қилди. Шу тўйга барча халойиқлар йиғилди. Бийлар ҳам тўйга келди. Тўйдаги катталар илгаригидай иззат қилиб, қадимгидай отини ушламади. Бийлар: “Мазмуни бу одамлар бизнинг келганимиздан беҳабар қолди”, – деб отини ўзи бойлаб, маъракамайлисга келиб ўтира берди. Бийларнинг қўнглини хушламади, отини ушламади, остига либос ташламади; ош тортди, сузган товокни чошламади; ош тортганда, ошнинг кетини-қўтини тортди. Бу қилган хизматни бийлар қўриб, илгари иззат қўриб юрган одамлар – бийлар айтди: – Бизлар ўн олти уруғ Қўнғиротнинг бойи ҳам шойи бўлсак, бизлар келсак, отимизни ушлар эдинглар, қўнглимизни хушлар эдинглар, остимизга либосни ташлар эдинглар, бу дафъа биздан нима қўтохлик ўтди, бизни бундай беҳурмат қилдинглар?!

Бу сўзни эшитиб, ўн олти уруғ Қўнғирот элида пойга бетдан туриб бир чапанитоб бойбаччаси айтди: – Эй, Бойбўри билан Бойсари! Бул тўй ўғиллининг ўғлидан қайтади, қизлининг қизидан қайтади, сенинг нимангдан қайтади?! Ўзинг ўлсанг, молингга ҳар меросхўр чиқади, оғзига одам кириб кетади. Сенинг бундан бу ёқдаги ейдиганинг ошнинг кетикўти бўлади. Биз сенинг давлатингдан бўлиб оламизми?!

Бийлар булардан бу гапни эшитиб, хафа бўлди. Хафа бўлиб, саксон тилла чупуронга ташлаб, туриб кетди. Бориб чечиб минди бедов отди, иккови уйига етди. Иккови қилди маслаҳатди, бу сўз бу икковига жуда ботиб кетди. Бойбўри туриб айтди: – Бойсари ука, қариганда бизнинг молимиз бесоҳибга чиқди, энди бизлар бир фарзанд тарадди қилмаймизми? Бойсари туриб айтди: – Тортиб олиб бўлмаса, ўғирлаб



олиб бўлмаса, сотиб олиб бўлмаса, худо бизга бермаса, қаёқдан қиламиз тарадди?! Бойбўри айтди: – Шу ердан Шоҳимардон пирнинг равзаси уч кунчилик йўл келар экан, ҳар ким бориб тунар экан: давлат талаб давлат тилар экан, фарзанд талаб фарзанд тилар экан, охират талаб имон тилар экан, қирк кун тунаган киши муродига етиб қайтар экан. Биз ҳам борсак, нарзи-ниёзимизни берсак, Шоҳимардон пирнинг равзасини тунаб, биз ҳам бир фарзанд тилаб кўрсак.

Шунда бу гап бийларнинг икковига ҳам маъқул тушиб, бир-бирига: “Рост айтасан”, – деб нарзи-ниёзини олиб, бийлар иккови Шоҳимардон пирнинг равзасига қараб жўнамоқчи бўлиб, минди бедов отди, нарзи-ниёзини олиб, уч кун тинмай йўл тортди. Уч кун йўл юриб, Шоҳимардон пирнинг равзасига етди, олиб борган нарзи-ниёзини шайхларга бериб, бийлар равзани тунаб ётди. Орадан бир кам қирк кун ўтди, бир кам қирк кун деганда, равзадан овоз келди: “Эй, Бойбўриман Бойсари, сен бир кам қирк кундан бери тунаб ётибсан. Худонинг яратган шери мен бўлсам, бир кам қирк кундан бери бир оёғим билан туриб, сизлар учун орага тушиб, яратган худоларингдан фарзанд тилайман, яратган худоларинг фарзанд бермайман, деди”. Бийлар бу овозни эшитиб: “Бизлар бир кам қирк кундан бери келиб, сизни тунаб ётсак, худонинг яратган шери сиз бўлсангиз, бизлар учун орага тушиб, бирор фарзанд тилаб олиб бермасангиз, бизга пирлигингиз ёлғон, худога шерлигингиз ёлғон. Бор, ундай бўлса, биз ҳам дунёнинг баҳридан ўтдик”, – деб таппа тушиб, равзада турбатнинг остида ётди. Қирк кун ўртадан аниқ ўтди, боз равзадан овоз келди: “Бойбўри, сенга худойим бир ўғил, бир қиз берди, ёлғиз эмас, эгиз берди; Бойсари, сенга худойим бир қиз берди, эгиз эмас, ёлғиз берди. Бундан борсанг, фарзандларни кўрсанг, халойиқларни йиғсанг, тўй-томошалар берсанг, тўйда каландар бўлиб бориб, болаларингнинг отини ўзим қўйиб келаман”.

Бу сўзни эшитиб, бийларнинг жуда вақти хуш бўлиб, “тилаганимиз қабул бўлди”, – деб кўнгли тўлиб, минди бедов отди, қистаб мазгилига қараб йўл тортди. Вақти хушлиги билан уч кеча-кундуз йўл юриб, Бойсин-Кўнғирот элатига етди. Вақти хушлигига халойиқни, элни йиғиб, қирк кечаю қирк кундуз тўй-томоша бериб ётди. Ана шунда орадан қирк кечаю кундуз ўтди, тўй тарқаб, ҳар ким ўз мазгилига қараб кетди, қолган меҳмонлар ётди. Меҳмонларни ётқизиб, бийлар уйига қараб қайтди. Уйларига етса, бойбичалар тўшакни соп қўйибди. Бийлар чечиниб, дирдай-қирдай бўп, кўрпага кириб кетди; бойбичалар унибунни эласлаб, иш қилиб, ўчокнинг мўрисида айналиб турибди. Бийлар ҳар қайсилари ўз тўшагида, ўз уйларида хотинларига қараб: – Кел-чи, – деяпти, бойбичалари: – Кун совук, қўй-чи, – деяпти... Шунда бийлар кўлини узатди, бойбичаларнинг кўлидан ушлаб, шундай бағрига тортди,

булар ҳам чечиниб кўрпага кириб кетди. Кўринг дарвешди, ёйди кулочди, бийлар билан бойбичалар топишди...

Шуйтиб булар ҳам хомиладор бўлиб қолди. Ойдан ой, кундан кун ўтиб, тўккиз ой, тўккиз кун, тўккиз соат орадан ўтиб қолди. Бойбичаларнинг ойи-куни яқин етди, бийлар иккови айтди: “Бизлар ҳам бир шохлик шавкатини қилсак, овга чиқиб кетсак, фарзандлар ер юзига тушса, суюнчи, деб бир нечалар олдимизга йўлга чиқиб, бизлардан тилла-танга инъом олса”, – деб ўйларни ўйлаб, бийлар овга жўнаб кетди.

Бойбичаларга шунда тўлғоқ вақти яқин етди; не кампирлар келиб, бойбичани айланиб, тулкини инлатган тозидай бўлиб, бойбичаларни ангниб, ўртага олиб турибди. Бийлар шул вақтда овдан қайтди; бу ёқдан шул вақтда фарзандлар ер юзига тушди. Бир нечалар бийларнинг олдига чиқиб, суюнчи олди. Бийлар зиёда вақти хуш бўлиб, мазгилига келиб жой олиб, вақти хушлигидан ҳар тарафга хабар юбориб, халойиқларни чақириб, тўй-томоша қилмоқчи бўлиб, чоғланиб, созланиб, ўн олти уруғ Қўнғирот элининг катта-кичик бийларини, оқсоқол, арбобларини йиғдириб, тўй қиламиз, деб маслаҳат қилди. Ҳамма мамлакатга овоза бўлиб, элининг, юртининг катта-кичиклари қуллук бўлсинга келиб, дўстлар шодмон бўлиб, душманлар ғамгин бўлиб, ғамгин бўлса ҳам, иложини тополмай, ҳеч кимга [юрагини] ёролмай, булар ҳам қуллук бўлсинга кела берди. Ўн олти уруғ Қўнғирот уруғининг одамлари, эшитган халойиқлар гурос-гурос бўлиб кела берди. Шунда катта-кичиклар келиб, бийларнинг оғзидан тўй қиламиз, деганини эшитиб, тўйнинг асбобларини тузатиб, канча сўқим моллар сўйиб, ош-паловларни дамлаб, фуқаро, бева-бечоралар тўйиб, шу ажносда ўн олти уруғ Қўнғиротнинг одам бори тўйни қилиб, ҳаммалари жам бўлиб, қирқ кечаю кундуз тўй бериб ётди.

Қирқ кечаю қирқ кундуз бўлгандан қай тўй тарқайдиган куни бўлди. Бир вақт шунда бийлар қараса, узоқдан бир қаландар кўриниб кела берди. Бийларнинг эсига [тушди]: Равзада “Қаландар бўлиб бориб, ўзим отини қўйиб келаман”, деган овозни эшитган эди. Шундай қараса, яхши нурли бир қаландар маст бўлиб, қаландардай бўлиб, шул мажлисга қараб кела берди. Халойиқлар ҳам кўрди: тарзи гул юзли, ширин сўзли, бир сиёсатли киши қаландар бўлиб келаётир, ўзга кишиларга бу қаландарнинг ҳоли-аҳволи маълум эмас. Равзадаги сўзлаган овозни эшитгани сабабли Шохимардон пирим шул киши бўлмаса, – деб бийлар ўрнидан туриб, олдига пешвоз чиқиб, салом бериб, зиёрат қилиб, мажлисхонага бошлаб олиб келди. Шунда фарзандларнинг учовини ҳам олиб келиб, Шохимардон пирнинг этагига солди. Шохимардон пири Бойбўрининг ўғлининг отини Ҳакимбек қўйди, ўнг кифтига беш қўлини урди. Беш қўлининг ўрни доғ бўлиб, беш панжанинг ўрни билиниб қолди. Қизининг отини Қалдирғоч ойим қўйди.

Бойсарининг кизининг отини ой Барчин қўйди. Ана шунда Шохимардон пири Ҳақимбекка ой Барчинни аташтириб, бешкирти қилиб: “Бу иккови эр-хотин бўлсин, Ҳақимбек билан ҳеч бир киши баробар бўлолмасин, омин оллоху акбар”, – деб фотиҳани бетига тортди. Шохимардон пири туриб, жўнаб кетди, одамларнинг кўзидан ғойиб бўлиб кетди. Шу ерда ўтирган халойиқлар: “Бийларга худо берган экан, пирнинг дуосин олган экан”, – деб гаплашиб қолди. Балки шу ерда ўтирган катта-кичикларнинг ҳам меҳри қадимгидан зиёда бўлди. Ана шуйтиб, бийларнинг тўйлари ҳам тарқаб кетди. Ҳамма юртдан, элдан келган одамлар ҳам кетди, ўз мазгилига етди. Бийларнинг ўз-ўзлари, ўзига қараганлари қолди.


Шунда болалар кундан-кун ўтиб, ойдан-ой ўтиб, бирдан иккига кириб, иккидан учга кириб, буларнинг тили чиқиб, элга эниб, тили чиққандан қай, элга энгандан қай, тутиб учовини ҳам мактабга қўйди. Булар мактабда ўқиб юриб етти ёшга кирди. Бурро саводи чиқиб, хат ўқиб-ёзадиган мулла бўлди. Шунда Бойбўрибий: “Энди ўғлим саводи чиқиб, мулла бўлди, ўғлимга энди шоҳлик, сипоҳилик илмини ўргатайин”, – деб мулладан чиқариб олди. Бойсари ҳам Бойбўрига таассуб солди. Бул ҳам ой Барчин кизини мактабдан чиқариб олди. Чиқариб олиб: “Қизимга Кўкқамиш кўлида қўй соғдириб, чорвадорлик илмини ўргатайин, қўй соғмокка уста бўлсин”, – деди.

Шунда Ҳақимбек етти ёшига кирган. Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда Ҳақимбек шул ўн тўрт ботмон ёйни қўлига ушлаб, етти яшар бола кўтариб тортди, тортиб қўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди. Асқар тоғининг катта чўққиларини юлиб ўтди, овозаси оламга кетди. Буни эшитган душманлар: “Бу бола зўр бўпти, назар топибди, буларга ҳеч ким баробар бўлолмайди, етти яшар бола шундай ишни қилами?” – деб хафа бўлиб ётди. Дўстларнинг вақти хуш бўлиб юрди. Шунда барча халойиқлар йиғилиб келиб айтди: “Дунёдан бир кам тўксон алп ўтди, алпларнинг бошлиғи Рустами Достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин. Тўксон алпнинг бири бўлиб санага ўтди”, – деди. Охири Алпомишбек алп бўлиб, тўксон алпнинг бири бўлиб санага ўтиб, алплик отини кўтариб, етти ёшида Алпомиш от қўйилди. Ана шундан – етти ёшида ёйни кўтариб отгани учун Алпомиш алп атанди. Ана шундай бўлиб, бу ердаги одамлар ҳам тарқаб кетди, ҳар ким ўз мазгилига етди.

Кунлардан бир кун Ҳақимбек китоб ўқиб ўтириб, бахилдан, сахийдан гап чиқиб қолди. Бойбўрибий шунда ўғли Алпомишдан: – Киши нимадан бахил бўлади, нимадан сахий бўлади? – деб сўради. Унда ўғли туриб айтди: – Вақти-бевақт бировникига меҳмон келса, отини ушлаб, жойи бор бўлса, кўнглини хушлаб жўнатса, бул ҳам сахий; агар жойи бор туриб, жой йўқ, деб кўндирмай жўнатса, бул одам бахил. Вақт-бевақт киши бир мазоротнинг

Шунчалик ишни қилса ҳам Бойсарибийга закот деган гап ниҳоятда ўтиб кетган экан: – Энди бизнинг ўз элимизда сиғинди бўлиб, ўз акамизга ўзимиз закот бериб [юрадиган бўлсак], бул элда бизнинг турғилигимиз қолмади, – деб ўн минг уйли Қўнғирот элига қараб: – Эндиги маслаҳат нима бўлди? – деб сўраб, бир сўз деб турган ери экан. Бойсари сўзи:

- Оҳ урганда кўздан оқар селоб ёш,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош,
Барчин ойим бўй етгандир қаламқош,
Золим билан ҳаргиз бўлманглар йўлдош,
Қўнғирот элдан молга закот келибди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Қурсин Ҳақимбеги мулла бўлибди,
Безакот молларни ҳаром билибди,
Қўнғирот элдан молга закот келибди,
10 Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош.
Дардли кул дардимни кимга ёраман,
Айролиқ ўтига бағри пораман,
Муна элда сиғинди бўп тураман,
Ўз акамга қандай закот бераман?!
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлибди,
Шум фалак бошима савдо солибди,
Бойбўридан молга закот келибди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
20 Худо дейин, яратганга жилайин,
Ўз акама қандай закот берайин,
Ўз акама ўзим закот бергунча,
Бошқа юртда жузья бериб юрайин,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Бойбўридан бизга маҳрам келибди,
Закот дебди, бир бидаҳат қилибди.
Муна элда мен ҳам бекман, тўраман,
Ҳар на қисмат ёзилгандан биламан,
Азалий тақдирга нима иш қиламан,
30 Ўз акама қандай закот бераман?!
Ўз акама ўзим закот бергунча,
Қалмоқ бориб жузья бериб юраман.
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!




- 40 Худой дейик, яратганга жилайик,
Яратган раҳмондан мақсад тилайик,
Омин деса фариштаю малойик,
Катта-кичик, турган энди халойик,
Ўз акама қандай закот берайик.
Сен эшитган Бойсарининг тилини,
Акам бизга миннат қилди улини,
Сабил қилиб кетай Бойсин элини,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли кариндош!
Жафо тиғи бугун жондан ўтади,
Бойбўрининг сўзи бизни ўртади,
Закотчилар жабр кўриб кетади,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли кариндош!
Закот деган бир шумликни қилибди,
Бойбўридан ўн тўрт маҳрам келибди,
Закот деган гапни маълум қилибди.
- 50 Устима кийганим яшил-кўк эди,
Бундай сўзлар илгариди йўк эди,
Бойбўридан бундай сўзлар кеп эди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли кариндош,
Закот деган бул элларда йўк эди.

Ана шунда Бойсарибий бу сўзларни айтди. Шу турган халойиклардан ҳеч бир сазо чикмади. Шу мажлисда бир Яртибой оқсокол дегани бор эди. Мажлисли кун бўлса, тўрдан жой тегмай, пиёладан чой тегмай, бўсаганинг олдида ковшга жой бермай, ковш билан аралашиб, ит йиқилиш бўлиб, пойга бетда ётар эди. Тўрда ўтирган каттаман деб юрганларнинг ҳеч бир қайсисидан гап, сазо чикмагандан қай, пойга бетдан Яртибой ўрнидан туриб, маслаҳат шул-да, – деб Бойсарининг сўзига жавоб бериб, Бойсарига қараб, бир сўз деб турибди. Яртибой сўзи:



46

- 60 Маслаҳат бермаймиз Бойсарибойга,
Осилмаймиз Бойбўрининг дорига,
Биринг ака, биринг ука, Бойсари,
Маслаҳатни, шоҳим, ўзинг биласан.
Худо дейик, яратганга жилайик,
Нор кесар олмосни белга чолайик,
Шоҳим, сизга не маслаҳат берайик?!
Лодон кўнглинг ҳар хаёлга бўласан,
Муна элда ўзинг улуғ, тўрасан,
Ҳар на қилсанг, шоҳим, ўзинг биласан.



70 Маслаҳат деб ўзинг хафа бўласан,
 Ҳар на гапни, шоҳим, ўзинг биласан.
 Бойбўридан элга закот келибди,
 Бу гап сенга қаттиқ савдо бўлибди,
 Яртибой дер шундай жавоб берибди,
 Одамлар кўнглига оғир олибди,
 Закот деган гапи ўсал бўлибди.
 Маслаҳатни, шоҳим, ўзинг биласан,
 Бу тургандан сўраб нима қиласан,
 Биринг ака, биринг ука, Бойсари,
 Нима бўлса биздан яхши биласан.
 Сен эшитгин Яртибой нолишини,
 Кўздан тўкма бунда селоб ёшини,
 Йиғибсан олдинга қанча кишини,
 Билолмадик Бойбўрининг ишини.
 80 Маслаҳатни, шоҳим, ўзинг биласан.
 Биз ҳам бу гапларни оғир оламиз,
 Оғир олган билан нима қиламиз,
 Шоҳим, сизга не маслаҳат берамиз?!
 Ғам билан сарғайиб гулдайн дийдор,
 Бир нечалар ўз ҳолидан беҳабар,
 Жавоб беролмайин катта-кичиклар,
 Сўз айтиб турганни Яртибой дерлар,
 Аввал биздан сўз сўрамоқ не даркор?!
 Жавоб беролмайди турган одамлар,
 90 Нима десанг, ўзингдадир ихтиёр,
 Маслаҳатни, шоҳим, ўзинг биласан.
 Биз билмаймиз Бойбўрининг ишини,
 Маслаҳатга йиғиб шунча кишини,
 Ким маслаҳат берса, кесар бошини.
 Маслаҳат бермаймиз Бойсарибойга,
 Осилмаймиз Бойбўрининг дорига.
 Қасд айласа, билмаганни билдирар,
 Дўст йиғлатиб, душманини кулдирар,
 Ким маслаҳат берса, тайин ўлдирар,
 100 Қизил гулин хазон килиб сўлдирар,
 Ханжар чекиб қора бағрин тилдирар,
 Ажал етса паймонасин тўлдирар,
 Маслаҳатни билса тайин ўлдирар,
 Ҳар на десанг, ўзингдадир ихтиёр.

дан
эди.
инг
иб,
бир
дан
ига



Бойсарибий Яртибойдан бу сўзни эшитиб, тагин ўзи бу турган одамларга қараб, бир сўз деди. Бойсарининг иккинчи сўзи:


- Кулоқ солинг Бойсарининг тилига,
Кўчиб кетай мен ҳам Кашал элига.
Давлат кўнса бир чибиннинг бошига,
Семурғ қушлар салом берар қошига,
Банда кўнар тангри қилган ишига,
110 Кулоқ солинг Бойсари нолишига,
Қалмоқ бориб, кўнсам Чилбир дашига.
Қалма шаҳодат мусурмоннинг тилига,
Азамат бош берар диннинг йўлига,
Туларим йўк Бойсин-Қўнғирот элига.
Ўз элим деб яна бунда турганча,
Ўз акама ўзим зақот берганча,
Ўз акамдан бундок хўрлик кўрганча,
Қалмоқ бориб жузья берсам бўлмайми?
120 Ғариб бўлиб кўздан ёшим тизилди,
Дийда гирён бўлиб бағрим эзилди,
Ичим куйиб, юрак-бағрим эзилди,
Зақот дейди, менинг кўнглим бузилди.
Бойсари дер билмаганим билдирди,
Дўст йиғлатиб, душманини кулдирди,
Зақот деган гапни акам чиқариб,
Менинг тоза улсизлигим билдирди.
Ўз акама қандай зақот берайин,
Ўз акама ўзим зақот берганча,
Бошқа юртда сиғинди бўп юрайин,
130 Қалмоқ борсам, жузья бериб кўрайин.
Зақот деса, мен ёнаман, ўчаман,
Зақотни бермайман, Кашал кўчаман.
Аввал олло, дуюм наби бўлса ёр,
Қариндошлар, менда бўлса ихтиёр,
Қалмоқ элга кўчиб кетмагим даркор.
Билдингларми менинг қаттиқ кунимни,
Бий оғамдан кўрдим қаттиқ зулмни,
Сабил қилиб кетай Бойсин элимни.
Кўплик қилса бундан турмай кетайин,
140 Мусофирлик юртда қонлар ютайин,
Ўз акама мен сиғинди бўлганча,

- Бу ўлкадан бошимни олиб кетайин.
 Танҳо ёйлаб қолсин Кўнғирот элига,
 Мен борайин қалмоқларнинг қўлига.
 Бу оҳимни бир оллога етқариб,
 Мусофирлик юртда умрим ўтқариб,
 Акам қўйди менга зулм ўтқариб,
 Мен кетайин бундан бошимни олиб,
 Ўртанган ўтларга жонимни солиб,
 150 Улсизман-да, кетай Қалмоқ юртин ахтариб,
 Мусофирлик юртда куним ўтқариб,
 Мен кетайин ўз бошимни қутқариб.
 Танҳо даврон суриб Бойсин элига,
 Мени солди айроликнинг ҳилига,
 Кун кўрарман бориб қалмоқ қўлига.
 Хазон бўлса боғда гуллар сўлмайми,
 Ўз элимда сиғинди бўп юргунча,
 Бўлак юртда кун ўтқазиб бўлмайми?!
 Жаҳонни сайил этсам, юриб кўрарман,
 160 Ўз акама ўзим закот берганча,
 Қалмоқ бориб жузья бериб юрарман.
 Асқар тоғнинг бошин чалгандир туман,
 Энди менинг бунда турмоғим гумон,
 Қалмоқ элга мен кетарман бул замон.
 Қариндошлар, эшит айтган сўзимни,
 Ёш тўлдириб бунда икки кўзимни,
 Улсизлигим акам бунда билдириб,
 Акам таъна қилди менинг қизимни.

Бойсаридан бу сўзни Яртибой эшитиб, Яртибой ҳам Бойсарибийга караб, бир сўз деди. Яртибой оқсоқолнинг иккинчи сўзи:

- 170 Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
 Бошинг эсон, давлатингни кам дема,
 Сен кетар бўлсанг Қалмоқ юртига,
 Бул элатни қолар деб ҳам ғам ема.
 Қайда кўчсанг, бизлар бирга борамиз,
 Қайда борсанг, сенинг билан бўламиз,
 Қайси элга борсанг, бирга юрамиз,
 Жаҳонни сайил этиб ўйнаб-куламиз,
 Болаларни жаҳонгашта қиламиз,






- 180 Қайда борсанг, бирга-бирга борамиз,
То ўлганча сизинг билан бўламиз,
Бойбўрини бизлар нима қиламиз.
Ҳамма ҳам сендайин кўзини ёшлаб,
Закот деб чикарди бир ишни бошлаб,
Қайси элга борсанг, юргин сен бошлаб,
Кетармиз Бойсинни буларга ташлаб,
Бойбўрибий қолсин кўнглини хушлаб.
Айролик ўтига бағри порамиз,
Қайда кўчсанг, бирга-бирга борамиз,
Сен қандай бўлсанг, биз ҳам шундай бўламиз,
Қалмоқ борсанг, юра бергин, борамиз.
- 190 Ҳазон бўлиб боғда гуллар сўлади,
Бунда қолган одам тайин ўлади,
Феъли кетиб закот деб ҳам турибди,
Қолганнинг молини тортиб олади,
Бул Бойбўри ажаб ишни қилади,
Бул элат сенинг билан бўлади,
Қайда борсанг, бирга-бирга боради.
Қайда борсанг, бирга кўчиб борамиз,
Ҳар на қисмат, ёзилганин кўрамиз,
Қалмоқинг юртида бирга юрамиз,
Ғам емагин бирга-бирга борамиз.
- 200 Бойбўрининг бунда кўнглини хушлаб,
Кўнғирот юртини ўзига ташлаб,
Кетар бўлсанг, юра бергин йўл бошлаб,
Кўчар бўлсанг, кўча бер кўнглингни хушлаб.
Ўн минг уйли элат бирга борамиз,
Сен нима бўлсанг, биз ҳам шундай бўламиз.
Яратган раҳмондан мақсад тилайик,
Омин деса фариштаю малойик,
Қайда кўчсанг, биз ҳам бирга борайик,
- 210 Элдан элни хўб бир юриб кўрайик,
Бундан туриб энди бирга жўнайик,
Кўнғирот элни Бойбўрига берайик,
Элдан элни бизлар кезиб кўрайик,
Ҳар юртларда мусофир бўп юрайик,
Бизлар сенга хизматкор бўп турайик,
Қайда борсанг, бирга-бирга борайик,
Ўн минг уйли элат бирга жўнайик,



- Кўнғиротни биз бўшатиб берайик.
 Ох тортиб, инграниб Бойсари шункор,
 220 Бойбўридан кўнгли оғриб одамлар,
 Ўн минг уйли элат сенга хизматкор,
 Қалмоқ кетсанг, бирга борар бул эллар.
 Бундан барча бизлар бирга борамиз,
 Қалмоқнинг даврида даврон сурамиз,
 Қалмоқ элда жайлов олиб юрамиз,
 Курсин Бойбўрини нима қиламиз?
 Сен эшитгин Яртибой нолишини,
 Ёлбориб худога солди ишини,
 Эргаштиргин бундан қанча кишини,
 230 Ёмон билдик Бойбўрининг ишини.
 Бирга кўчсак, бирга-бирга борамиз,
 Сен қаерда бўлсанг, шунда бўламиз.

Яртибой оқсокол бу сўзни айтди. Яртибой оқсоколнинг айтган сўзи ўн минг уйли Кўнғирот элининг катта-кичигининг барига маъкул тушди. Ҳаммаси: – Яртибой оқсокол рост айтади, – деди, – Бойбўрининг феъли кетди, ўз инисини билмади, Бойсарига закот солди, бу ўз инисидан закот олса, бизлардан тортиб олса ҳам олади, бунинг феъли қайтгани маълум бўлди. Бойсари кўчиб кетса, бизларни сира қўймайди, тортиб олса ҳам закотни олади; энди Бойсари кўчса, бизлар ҳам кўчиб кетайик, Бойсари ўлик ерда – ўлик, тирик бўлса – тирик; энди Бойсин-Кўнғирот юртини Бойбўрига бўшатиб берайик, Бойсин-Кўнғирот юртини бир ўзи ёйлаб олсин, – деди.


Ўн олти уруғ Кўнғирот элидан ўн минг уйли экин экмокни билмайдиган элибойлар айрилиб, Бойсарига қўшилди. Булар ҳаммаси бой, қўйли, туяли, молининг сони йўқ эди; буларнинг ичидан моли йўқ деган камбағалининг қирқ минг туяси бор, қўйининг сони ададсиз, ўзлари ҳам билмас эди. Ўра-ўра, бир қўра, икки қўра, ўн қўра қўй, деб санагани шул эди. Йилки, молларини бир уюр фалон тўқайда юрибди, икки уюр фалон тўқай ерда юрибди, дер эди. Сонини санамокни ҳеч қайсиси билмас эди. Булар кишдан ёзга экин экмай, мол бойлик қилар эди. Шунинг билан овқатларини ўтказар эди. Бойсарибойнинг йилқисининг сони шул эди: тўксон тўқай йилқиси бор эди. Тўксон тўқай дегани йилқиси ҳар ерларда, тўқайларда, тоғларнинг дарасида, тўқайли ерларда ёйлаб юрар эди. Тўқайларда йилқиси ёйилиб юргани учун Бойсарибойнинг тўксон тўқай йилқиси бор, дер эди. Лекин йилқисининг, молининг сонини ҳеч билмас эди. Шул ўн минг уйли Бойсин-Кўнғирот элининг ҳаммаси ҳам бой эди. Моли кўп эди.



Буларнинг ҳаммаси Бойбўрининг Бойсарига закот бер деганини эшитиб, бу бойларга бу иш жуда оғир келди. “Энди Бойсари кўчса, биз ҳам кўчамиз”, – деб ҳаммаси чўпонларига, йилкичиларига, туячиларига, ҳамма дахмардаларига кўчамиз, деб одам буюрди. “Бу ердан, бу Бойсин яйловидан, бу тўқайлардан, бу яйловлардан кўйларингни, туяларингни, йилкиларингни – ҳаммасини хайданглар. Қалмоқ юртига, Кашал элига қараб йўл бошлаб юра берсин”, – деб хабар юборди. Ҳаммаси Бойсин-Кўнғирот элини ташлаб, ўзлари Бойбўрига бериб кетмоқчи бўлиб, ҳаммалари маслаҳат қилиб, Кашал элига қараб, Қалмоқ юртига жўнаб кетмоқчи бўлиб, добирлашиб, кўчиб кетмоқчи бўлиб, ҳаммаси бирдан – катта-кичик, ёш-қари – бари бир-бирига хабар қилиб, кўча бер, деб вағир-шағир қилиб, уйларни бузиб, туяларга ортиб, аёллари ҳам ўз юки-ёбини бўғиб, бўғча-бўйларини чоғлаб, туяларга ортиб, тўполон бўлиб, шовқин-ғалағул бўлиб қолди. Ўн минг уйли Кўнғирот талотўп бўлиб, ҳамма Кашал элига, Қалмоқ юртига қараб, ҳа, деб кўча берди. Молларни, кўйларни, йилкиларни, туяларни – ҳаммасини ўз одамларига хайдаттириб, жўнатиб юбора берди. Ана шунда ўн минг уйли Кўнғирот эли Бойсарибий бошлик – ҳаммаси юки-ёбини, танга-тиллаларини, хазина-дафиналарини ҳам туяларга юклаб, ортиб жўнай берди. Ҳаммаси бирдан кўчиб, қаққайиб, ўн минг уйли эл Бойбўридан араз уриб, Қалмоқ юртига, Кашал элига қараб, Бойсин-Кўнғирот элини ташлаб, Бойсари билан бирга кўчиб жўнай берди. Аёлларига ҳам яхши отларни олиб келиб тортди. Бу аёллар – хотинлар ҳам отларни миниб, чоғланиб, булар ҳам жўнамоқчи бўлиб, Барчинойга, энасига қараб турди.

Ана шунда Барчинойнинг энаси Барчинойни ҳам жўнатмоқчи бўлиб, Барчиной учун бир тўриқ йўрға отни табладан олиб келиб, узангилари тилладан, айиллари ҳам тилладан, ҳамма асбобларини яхши созлаб, эгарлаб, устига тилла жабдуқлардан солиб, айил-пуштанларини тортиб, устига майин, тоза, мулойим бахмал паркувлардан солиб, тилла юганларни бошига солиб, жуда отни чоқлаб, отнинг жиловидан энаси ушлаб, олиб келди. Ана шунда Барчиной энасининг бул отни етаклаб олиб келганини кўриб, Барчиной шундай қараса, ўн минг уйли Кўнғирот элининг ҳаммаси кўчиб, талотўп бўлиб, шовқин қилиб, жўнаб кетиб бораётибди. – Бу нима гап, нима учун кўчиб бораётибди, менга нимага бу отни олиб келдингиз? – деб энасига қараб, Барчиной бир сўз деб турибди:

Абзаллаб келтирдинг хайвон тўрингди,
Бул кўчишинг, эна, менинг шўримди[р],
Бой отамман бий бобома не бўлди?
Ўйилмай куймасин кулбаи хонам,



- Ох уриб йиғлайди мендайин санам,
 Қалмоқда қолар-да гулдайин танам.
 Хўжа келса, чиқар мурид назири,
 240 Хотин бўлмасмикан эрнинг вазири?!
 Эр деганнинг ақлин олмас бўлурми,
 Алдаб-сулдаб йўлга солмас бўлурми,
 Бой отамман бий бобома не бўлди?
 Эна, эшит, менинг айтган сўзимни,
 Заъфарондай сўлдирмагин юзимни,
 Қалмоқ бориб қўлдан берма кизингни,
 Бой отамман бий бобома не бўлди?
 Худойим сақлагай бандани омон,
 Тушиб бошимизга қайғули туман,
 250 От абзалаб олиб келдинг, энажон,
 Яна қайтиб элни кўрмагим гумон.
 Йиғлатдинг, энажон, мендай санамни,
 Келиб кўролмайман мактаб жўрамни.
 Бунда турмай, Қалмоқ элга борарсан,
 Қалмоқлардан кўп зулмни кўрарсан,
 Бориб сўнгра кўп пушаймон қиларсан.
 Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
 Гулни кўрса, маст бўп сайрар булбуллар,
 Мунғайиб йиғлайди мендай гажакдор,
 260 Кўп жафони солар бизга қалмоқлар.
 Бой отамман бий бобома не бўлди,
 Насихат қилмабсан, эна, муштипар.

Ана энди Барчинойнинг энаси Барчинойдан бу сўзни эшитиб,
 Барчинойга тасалли бериб, Барчинойга қараб, насихат бериб, бир сўз
 деди:

- На сабабдан, болам, кўнглинг бўласан,
 Жаҳонни сайил этиб ўйнаб-куласан,
 Яхши, ёмон элни юриб кўрасан,
 Ахир бир кун Бойсин элга келасан,
 Мактаб жўранг билан ўйнаб-куласан.
 Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
 Лодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин,
 270 Мунғайиб энангни хафа қилмагин.
 Аввал олло, дуюм наби бўлса ёр,






- Кўнглингни бўлмагин, болам, муштипар,
Ҳадди борми зулм килиб қалмоқлар,
Мунгғайиб йиғлама, болам, гажакдор.
Жоним болам, эшит айтган дотимди,
Сен келиб кўрарсан ўсган юртингди.
Элат билан бирга-бирга борасан,
Неча вақтлар Қалмоқ элда юрасан,
Ахир бир кун яна қайтиб келасан,
280 Хафа бўлиб, болам, кўнглинг бўласан.
Болам, эшит менинг айтган сўзимди,
Хафа қилдим, болам, сендай қизимди,
Отлантирай сендай сарвинозимди,
Элат билан бирга юрмоқ лозимди[р].
Мунгғайиб йиғлайди сендай зулфакдор,
Бир нечалар ўз ҳолидан беҳабар,
Ўйнатиб минсанг-чи, бундаин тулпор,
Сенга ҳамроҳ ўн минг уйли элат бор.
290 Бу элатда бордир қанча санамлар,
Сенга ҳамроҳ бўлиб кетар кўп қизлар,
Кўнглингни бўлмагин, гул юзли дилбар,
Отлангин сен, жоним болам, гажакдор.
Кўп хафа қилдим сендай боламни,
Обод килиб юргин кулбахонамни,
Диккат қилма, болам, мендай энангни.
Болам, сенинг билмаганинг билдирай,
Хол бўлсин деб оқ юзингни тилдирай,
Ҳар на десам, айтганима кўндирай,
Келгин, болам, бул йўрғага миндирай,
300 Болам, сени шоду хуррам кулдирай.
Кокилларинг эшилгандир тол-тол,
Ҳар толига берса етмас дунё мол,
Магар душман келса, бўлғай-да поймол,
Бу сўзларга, жоним болам, кулок сол.
Сенинг кўнглингдагин отанг билмади,
Кўп гапирдим отанг қабул қилмади,
Жоним болам, отланмасанг бўлмади,
Ўн минг уйли элат кўчиб боради,
Ўн минг уйдан ҳеч қайсиси қолмади.
310 Элат билан, болам, бирга борасан,
Тақдирингда нима борин кўрасан,



Ўлмасанг, бир куни қайтиб келасан,
Кўнғирот элда ўйнаб даврон сурасан.
Оҳ уриб тўқарсан кўздан ёшингни,
Келиб кўрарсан-да денги-душингни,
Кўнғирот элда қолган қариндошингни,
Бир кун келиб қиларсан ўтиришингни.
Учкур каби қанотингдан қайрилиб,
Югрук эдинг, туёғингдан тайрилиб,
320 Ўн олти уруғ Кўнғирот элдан айрилиб,
Сен борарсан Қалмоқ элга йўл юриб,
Неча кун туз насиб Қалмоқда кўриб,
Ахир бир кун яна Бойсинга келиб,
Ўз элингда чалқиб давронни суриб.


Бу сўзни айтиб, айтганига кўндириб, алдаб-сулдаб Барчинойни бул йўрғага миндириб, ана шунда Барчиной энасида бу сўзни эшитиб, иложини тополмай, ноилож, ночор бўлиб, элнинг кўчиб бораётганини кўриб, неча каниз-қизларни ўзига ҳамроҳ қилиб, қирқин канизлари билан ҳар қайсилари ўзларига яраша отларига минди. Барчин ойим тўриқ тулпор бедов отига минди, ўн минг уйли элат кўчиб жўнай берди. Ана буларнинг – ўн минг уйли Бойсин-Кўнғирот элининг жўнашини Фозил шоир Йўлдош ўғли шундай жўнатади. Бойсин-Кўнғирот элининг жўнаши шул:

Чечанлар эплайди гапнинг эпини,
Шул замонда олтмиш норни чўғариб,
Орта берди Барчин сулув сепини.
Кўнғирот элнинг шундайғача кўпи бор,
Бойсарининг икки жилдав тўпи бор,
330 Ҳар кўчганда тўп бўшатиб жўнади.
Қаторга тиркалган лўк билан норча,
Устига юклаган қирмизи парча,
Камликни кўрмаган сатта бойбачча,
Йўл-йўлакай улоқ чошиб боради.
Ошиқнинг фахмидир қоронғи кеча,
Йиғласам, ҳолима йиғлар бир неча,
Хафа бўлиб борар Барчин ойимча,
Жафо тортиб бораётир бир неча.
Бойлигидан бедов отни бойлаган,
340 Танққа юриб Кўққамишни ёйлаган,
Чўпонлар кур хайтлаб кўйни хайдаган,



- Бойсиндан Кашалга қараб жўнаган.
Калма шаҳодат мусурмоннинг тилига,
Азамат бош берар диннинг йўлига,
Етсак деб боради Қалмоқ элига.
Ғам билан сарғайиб гулдайин дийдор,
Кўргани йўқ қандай элдир қалмоқлар,
Орасида тўқсон довон тоғи бор,
Беллардан ошади ул замон бойлар,
350 Қалмоқ юртга етсак дея ўй ўйлар,
Сабил бўлиб қолди бу ўсган жойлар.
Қаба фалак бошга солди зулм, деб,
Элибойлар бундан кўчиб боради,
Қолди энди ўйнаб ўсган элим, деб.
Айролик ўтига бағрини доғлаб,
Бораётир Қалмоқ элни сўроқлаб,
Элибойлар бундан турмай жўнади,
Неча адир, белдан ошиб боради,
Куни билан юрса, оқшом кўнади,
360 Ҳар куни бир тоғдан ўтиб боради.
Тайрилмай бошидан тожи-давлати,
Бойлар излагани Қалмоқнинг юрти,
Узоқ ерда қолди ўсган элати.
Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Қаватига ҳамроҳ бўлган киркинлар,
Элат билан бирга Барчин зулфакдор,
Хафа бўлиб борар гул юзли дилбар,
Ҳар замон сўз айтиб неча канизлар,
Суксур каниз бирга бўлиб муқаррар,
370 Кеча-кундуз йўл олгандир бу бойлар.
Бораётган ҳар қайсиси тўради[р],
Кўкқамиш кўлидан чиқиб боради.
Қалмоқ юртин излаб булар боради,
Ҳар на қисмат, ёзилганин кўради,
Хориган йўлларда булар кўнади,
Кўкқамишдан кети узилмай боради.
Ўтар дунё ўтарини ўйлади,
Тангқа тайлаб Олатовни ёйлади,
Қалмоқнинг юртига талаб айлади,
380 Юрсак етармиз, деб бойлар ўйлади,
Кўкқамишдан бойлар чиқиб жўнади,





- 390 Ҳар на қисмат, ёзилганин кўради.
 Қалмоқ юртга борсак дейишиб боради,
 Бойбаччалар бедов отни минади.
 От чопиб бойлар чўлни кўради,
 Моли-давлатини йўлга солади,
 Йўл тортиб, шу замон чиқиб жўнади.
 Бедов минган от-абзалин шайлади,
 Чўпонлар кур ҳайтлаб кўйни ҳайдади.
- 400 Баҳорда очилар тоғнинг лоласи,
 Бойсаридир бу элатнинг тўраси,
 Узоқ ердир бу Қалмоқнинг ораси,
 Қалмоқ юртга талаб қилиб жўнади.
 Бир нечалар кўриб ақили шошиб,
 Бир нечалар юрур йўлдан адашиб,
 Бойбўриман бул Бойсари ўрлашиб,
 Ададсиз молини ҳайдаб боради,
 Фуқаронинг экинини талашиб.
 Ғам билан сарғайди гулдайн дийдор,
 410 Кўч билан биргадир бул замон бойлар,
 Мамлакатни босиб ададсиз кўйлар
 Етган жойга бул ажаб талон тушди,
 Бу бойлар денгу-душдан адашди,
 Қалмоқнинг юртини булар излашди,
 Неча довон, баланд тоғлардан ошди.
 Жафо тортиб бораётир бир неча,
 Қалмоқни билмайди, тиллари гачча,
 Хафа бўлиб борар Барчин ойимча.
 Бойсин-Кўнғирот элдан мен ҳам кетдим, деб,
 410 Қалмоқлардан балки жафо тортдим, деб.
 Барчиннинг ўйини билмайди бойлар,
 Узоқ ерда қолди бу мазгил-жойлар,
 Мусофир бўлдиқ деб неча ўй ўйлар,
 Даҳмарда, сардорлар молини ҳайдар.
 От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
 Ботирни ингратар найза яраси,
 Олтойчилик йўлдир Қалмоқ ораси,
 Бораётган Бойсин-Кўнғирот тўраси.
 Бошида бор эди зардан жиғаси,
 420 Ёз бўлса яйлови Аму ёқаси,
 Мусофир бўп Қалмоқ кетиб боради,





- Ўн минг уйли Бойсин-Кўнғирот тўраси,
Ёмон билиб Бойбўрининг сўзини,
Бермас бўлиб бунда Барчин кизини,
Чўлларда сарғайтиб гулдай юзини,
Ёш тўлдириб бийлар жоду кўзини.
Айролик ўтига бағрини доғлаб,
Олтойчилик йўлга кетди бу бойлар,
Мусофир бўп, Қалмоқ юртин сўроклаб.
- 430 Булар ҳам бир ўз юртига тўради[r],
Бойсарининг икки жилдав тўпи бор,
Намойишга тўп бўшатиб боради.
Неча бир жойларга талонлар тушди,
Молнинг олди Қалмоқ юртга етишди,
Тўксон тоғдан кети узилмай мол ошди,
Молнинг олди Чилбир чўлга етишди.
Мол бошқариб бойлар кетиб боради,
Кўз юбортиб ҳар тарафга қаради,
Ададини киши билмас бу молнинг,
- 440 Кўккамишдан кети узилмай боради.
Жафо тиғи бугун жонидан ўтиб,
Ўн минг уйли элат борар йўл тортиб,
Мамлакатни бир ғовур-тўзон тутиб,
Бораётир узок йўлни чангитиб.
Нечовлар буларни кўриб ховликиб,
Бир нечалар элдан чиқиб доврикиб:
“Бизнинг элга қандай одам келди, деб,
Бул ўлкага бежой талон солди”, – деб.
Бораётган шундайин бойлар эди,
- 450 Қалмоқ юрти бундан беҳабар эди,
Ўн беш кунлик йўлда майса бор эди,
Экинни сира кўрмаган бойлар эди.



Ана шунда бойлар кўчиб жўнади, моллари Кўккамиш кўлидан чиқиб бориб, тўксон тоғдан ўтиб, юрту жаҳонни тўзон, чанг қилиб, молнинг олди неча кун йўл юриб, бул орадан олти ой ўтиб, олти ой деганда, бойлар тўксон тоғдан молларини ўтказиб, Қалмоқ юртига етказиб, ўзларининг бир хил бойлари шул молларнинг олдини олиб, йўл бошқариб келаётган эди, бир вақтида бойлар Қалмоқ юртига неча довлардан ошиб етиб келди, Қалмоқ юртига, Чилбир чўлига етишди. Шу чўлда, Тойчихон мамлакатада, Қалмоқ юртида, Тойчи вилоятида, Чилбир чўлида, ўн беш

кунлик йўлида экиннинг майсаси бор эди. Бул бойлар ётган элибой, экинни билмайдн. Бу бойлар бу экинни кўриб: “Калмоқларнинг ерлари кўнгурсалкин бўлар экан”, – деб шу майсаларга, экиннинг устига Туркистондан ошган молларни рўпара ёғдириб, бошқариб, экинларни едириб юбора берди. Шул вақтда моллар билан бирга келаётган қора уйлар Чилбир чўлини, Ойна кўлини ёкалаб кўна берди. Бул бойларнинг келишидан Қалмоқ шохи беҳабар эди. Оқсоқол, арбоблари ҳам беҳабар эди. Лекин Чилбир чўлига бойларнинг моли келаёттир, майсаларни оёқ ости қилиб, чигирткадай босиб, қоп-қора бўлиб, еб кетиб бораёттир. Майсаларнинг чангини чиқариб, тупроғини осмонга созуриб бораёттир. Шунда ҳам бу Бойсин элининг бойларининг мол, кўйлари ҳали ҳам Кўккамишдан чиқиб



1928 йилда Фозил Йўлдош ўзидан “Алтомши” достонини ёзиб олган Маҳмуд Зарифов (ўтирган) фольклорчинос Ходн Зарифов билан. 1926 йил

келаёттир. Бир ёғи Қалмоққа етди, кети хали ҳам Кўккамиш кўлидан чиқиб, ода бўлган эмас. Моллари шундай чиқиб, кўчлари ҳам молларига аралашиб, Қалмоққа қараб жўнаб, неча тоғлардан, неча қирлардан, неча бир довлонлардан ошиб кетиб бораёттир. Ана шунда олдиндаги бойлар Қалмоқ мамлакатига, Чилбир чўлига, Ойна кўлига етиб, кўлни ёкалаб кўниб ётир, молларини майсаларга, экинларга кўйиб, экин-майсаларни егизиб, кўниб ётаёттир. Булар шу Чилбир чўлида, Ойна кўлида кўниб, сувлаб, моллари ўтлаб, кўниб ёта берсин, саришталарини ола берсин, эндиги сўзни Қалмоқ юртидан эшитинг.

Ана шунда Қалмоқ юртларининг оқсоқол, арбобларидан беш юз оқсоқол, арбоблари: “Бу йилги экинларнинг ниҳоли яхши эмиш”, – деб экинларини кўрмоқчи бўлиб, Қалмоқдан чиқиб эди. Шундай қараса, Туркистон эли тарафидан кўп мол ошиб келаёттибди, осмоннинг қора булутидай босиб келаёттибди. Ўн беш кунлик йўлдаги майсани обдол талагандай, илон ялагандай қилиб, чангини чиқариб, олди ернинг ўтини еб келаяпти. Оқсоқол, арбоблар айтди: “Бу молнинг адади йўк, беадад кўп мол экан. Бунинг олдига рўпара бўлсак, равочдай қип бизни ҳам кемириб, еб кетса ҳам ажаб эмас. Шунча мол, шунча эл бизнинг элга келибди. Ойна кўлни ёкалаб, кўп эл кўнибди. Қалмоқ подшоси беҳабар қолибди. Кел-э, Қалмоқшоҳга борайик, бекорга бу ерда аҳмоқ бўлиб тўпланиб турмайик, ўзимизни гаранг қилмайик, бориб Қалмоқшоҳга билдирайик”. Бу сўзни ўйлаб, оқсоқол, арбоблар қайтиб кетди, Қалмоқшоҳнинг давлатхонасига


етди. Бул экинни егизиб кўйган бойларнинг устидан дотка бўлиб, қилган тирикчилиги – экишидан айрилиб, Қалмоқшоҳга қараб, бир сўз деб турган экан:

- Аё шоҳим, сизга айтар арзим бор,
Олмадайн сўлган гулдай тарзим бор,
Туркистондан бир бой кўчиб келибди,
Бу бойлардан, шоҳим, бўлдинг беҳабар.
Обло менинг ақли-хушим олибди,
Шум фалак бошима савдо солибди,
Бизинг элга қаттиқ талон қилибди,
460 Давлатини кўрдим, жуда ғолибди[р],
Аслин билсанг, Туркистондан келибди,
Экиннинг барини нобуд қилибди.
Учкур эдинг, канотингдан қайрилдинг,
Югрук бўлсанг, туёғингдан тайрилдинг,
Биз овқатдан, сен сурсатдан айрилдинг.
Хазон бўлса боғда гуллар сўлади,
Бола-чақа тайин очдан ўлади,
Элимизни қимматчилик олади,
470 Сендай шоҳим бул беҳабар қолади,
Сурсатингни қайдан топиб беради?!
Чойракорлар чикмоқчин бўп туради.
Шундай номдор бойлар элга келибди,
Ойна кўлни ёқалаб эл кўнибди,
Чилбир чўлни моли босиб қолибди,
Бизинг эллар бунда абгор бўлибди.
Экиндан айрилиб деҳқон қолади,
Оксоколлар билиб хабар беради,
Фуқаронгнинг бари очдан ўлади,
480 Деҳқонларнинг ҳоли танг бўп қолади,
Фуқаролар нима илож қилади,
Элат чувлаб экинини кўради,
Еб кўйган сўнг нима илож қилади?!
Арз айтгани ҳамма сенга келади,
Чикимингни қайдан топиб беради,
Бойларнинг ҳисоби қандай бўлади?!
Сендай шоҳим бул беҳабар қолади,
Туриб ўйла, юртинг хароб бўлади,
Оксоколлар шундай хабар беради,

- 490 Чувуллаб фукаро, халқи келади,
Подшоликка одам тўлиб қолади,
Меҳнаткаш дехқоннинг бари келади,
Бойларнинг устидан арз қип туради.
Фукароси жуда абгор бўлибди,
Бир нечаси узоқ йўлдан келибди,
Бойларнинг зарбидан дод деб турибди,
Экиндан айрилиб бунда келибди,
Бу бойлардан оша жабр кўрибди,
Чувуллашиб ҳамма арз қип турибди:
“Жуда бизлар бунда абгор бўлдик, деб,
500 Экишдан айрилиб, сизга келдик, деб,
Бола-чақа йиғлаб қолди, ўлдик, деб,
Ҳамма дехқон сизга арзни қилдик”, – деб.

Бу сўзни эшитиб, Қалмоқшоҳ оксокол, арбобларига қараб, муртини бураб: – Кўрдингларми, қаёқдан келибди? – деб сўраб, бир сўз деб турган экан:

- Давлатимнан шоли-шолдам ўрайман,
Сиёсат қип арбобларга қарайман,
У бойларни мен ҳам сендан сўрайман.
Қайси элдан келиб талон солибди,
Менинг мамлакатим абгор қилибди,
Мендан беихтиёр бунда юрибди,
Билдингларми қайси элдан келибди?
510 Элни абгор қипти, зулм қилайин,
Қайси юртдан келганини билайин,
Улуғ, катта-кичи, сендан сўрайин,
Қайси юртдан бунда кепти, билайин,
Ул бойларга қаттиқ азоб қилайин,
Молини сизларга олиб берайин,
Гуноҳкор қип мен зиндонга солайин.
Ҳар на деб сўйласам, ани қилинглар,
Мирғазаб, жаллодлар, бунда келинглар,
Бундан турмай, Чилбир чўлга боринглар,
520 Ул бойларни хўб оралаб кўринглар,
Сўраб каттасини аниқ билинглар,
Сўнгра тортиб уни бойлаб олинглар,
Давлатимга уриб, хайдаб келинглар.




- Додлаганман эшитманглар сўзини,
Билиб бойланг каттасининг ўзини,
Мен ўйин у бойларнинг кўзини.
Ул бойларга қаттиқ азоб берарман,
Бошин кесиб мен ҳам дорга иларман,
Ундайин кишига азоб берарман,
530 Фуқаронинг вақтин хушлаб турарман,
Моли-давлатини олиб берарман.
Ҳаялламай, жаллод, энди боринглар,
Тақал қилмай тезроқ бориб келинглар!
Обло унинг ақли-хушин олибди,
Ҳеч кимдан сўрамай элга келибди,
Меҳнаткашга жуда азоб берибди,
Давлатига бойлар мағрур бўлибди,
Экишдан айрилиб ҳамма қолибди,
Эшитаман юртга моли тўлибди,
540 Мендан беижозат бунда келибди.
Беижозат кепти, бўлди гуноҳкор,
Меҳнаткаш деҳқонлар – бари даъвогар,
Ҳаялламай бориб келгин, жаллодлар.
Отга солди арпа билан ийирди,
Қор ёққанда карвон солар чийирди,
Жаллодларни ул бойларга буюрди,
Қилган иши деҳқонларга қийинди[r],
Ҳайдаб келгин, мен солайин ўйинди.
Обод қилиб турай бунда элингни,
550 Гуноҳкорга солмоқ даркор зулмни.




Бу сўзни Қалмоқшоҳдан эшитиб, беш юз мирғазаб, жаллод отланиб, чоғланиб, Чилбир чўлига, Ойна кўлига қараб кела берди. Ўн минг уйли эл оз бўлами, Ойна кўлни ёқалаб ўтирган, ҳаммаси бир-бирига ўхшайди. Ўзбек халқ, ҳеч белгиси йўқ, қайсиси катта эканини билмади. Каттаси шул-да, деб қария-чолларини ҳайдаб кета берайин деса, унинг ҳам ҳисобини топмади, шунча элда ким катта эканини билмади. Ногаҳон жаллодлар қаради, бир ерда бахмал уй тикилаяпти. Кўрди: кигизларини бахмалдан ёптирган, бўсаға, ён ёғочларини қумуш-олтиндан чоптирган. Бу уй Бойсарининг уйи эди. Беадад бойлиги ошиб кетган эди, кигизнинг ўрнига уйига бахмал ёпган эди. Оралаб юриб, жаллодлар бул уйни кўриб: “Албатта бу элнинг каттаси шул-да, ўзбекларнинг каттасининг белгиси шундай бўлади экан, ҳеч кимнинг уйи бунга тўғри келмайди, балки подшоликларда ҳам бундай

салтанат қилмайди, шул уйга борайик, шул уйнинг эгасини топиб олайик, Қалмоқшоҳнинг ёнига хайдаб борайик, катгаси шул экан, деб турайик”, – деб Бойсариникига қараб юрди. Бойсари уйнинг олдида борди. – Келган бой! – деб жаллодлар довуш қилди. Бойсари уйнинг тўрида эди. – Лаббай, – деб жаллодларнинг олдида туриб кела берди. Жаллодлар Бойсарини кўриб, отдан тушиб, сийнасини доғлаб, икки кўлини орқасига боғлаб, бошига қор-ёмғирдай камчи ташлаб: – Юр бу ёкка, – деб туртиб хайдай берди. Бул элга янги келган, ҳеч кимдан шашти қайтмай юрган одам – Бойсари бу зулмни кўриб, кўнгли бузилиб, жаллодларга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Ўз элимда шоҳлик ғамин еб эдим,
Мен ҳам Қалмоқ элга борсам деб эдим,
Куш питага сиғингандай бўп эдим,
Қочган кушман, паноҳ берар деб эдим,
Қалмоқ шоҳни ҳимоятим деб эдим,
Орқа тутиб бу юртларга кеп эдим.
Ўз жонимга ўзим қилдим зулмди,
Бунда келиб мен бойлатдим кўлимди,
Кимга айтай энди ўлар ҳолимди,
560 Эй жаллодлар, меҳрибонлик кил эмди.
Ҳимоят деб келдим, бўлдим гуноҳкор,
Бундай менга азоб берма, жаллодлар,
Камчи уриб, зулм қилма, хунхорлар,
Не сабабдан мен бўлибман гуноҳкор?!
Раҳминг келмай кўздан оққан ёшима,
Аччиқ камчи урма азиз бошима.
Даврон суриб юрдим Бойсин элима,
Ҳозир келиб банди бўлдим кўлинга,
Қараб раҳминг келсин менинг ҳолима.
570 Эл ичинда кўлим бойлаб хайдама,
Қариганда қилма мени шарманда.
Мендайми ночорга азоб берасан,
Зулм қилиб мени хайдаб борасан.
Ғарибликда менинг кўнглим бўлмагин,
Мусофирман, менга зулм қилмагин.
Бир гап билан келдим Қалмоқ элинга,
Ҳозир банди бўлиб тушдим кўлинга.
Калимайи-шаҳодат келар тилимдан,
Мусофирман, не иш келсин кўлимдан,

- 
- 580 Келиб фойда қилмадим-ку элимдан.
Не сабабдан бундай ишни қиласан,
Ўзим турсам мени бойлаб урасан,
Бекорига менга азоб берасан,
Нима гуноҳ қилганимни биласан?
Мунча ҳам сиёсат қилма, жаллодлар,
Мусофир бой нега бўлди гуноҳкор?
Бу сўзларни айтган Бойсари номдор,
Гуноҳимни маълум қилгин, жаллодлар!
Элингнинг расими шундай бўлама,
590 Мусофирни кўрса бойлаб урама?!


Шунда Бойсарига қараб, гуноҳкор бўлганини билдириб, жаллодлар ҳам бир сўз айтиб турган экан:

- Бизлар билдик ўз элингдан келибсан,
Ҳеч кимдан сўрамай бунда кўнибсан,
Бу элатга жуда азоб қилибсан,
Элнинг экинени егизиб қўйибсан,
Дехқонларни сен яланғоч қилибсан,
Қилган ишинг ўзинг билмай юрибсан.
Мехнаткашлар шоҳ қошига боргандир,
Устингдан чувуллаб арз кип юргандир,
Фуқаро арзини тинглаб билгандир,
- 600 Тойчи шоҳим кўп сиёсат қилгандир,
Тойчихон амриман жаллод келгандир,
Катта билиб сени бойлаб олгандир.
Бизлар жаллод, хоннинг амрин тутамиз,
Амр этмаса, сени бойлаб нетамиз?!
Тойчихон қошига ҳайдаб кетамиз.
Бойлаганга бойлар хафа бўлибди,
Бундан катта сенга азоб турибди,
Кўп дехқонлар бул даъвогар бўлибди,
Экишидан ҳамма айрилиб қолибди.
- 610 Қилган ишинг ўзинг билмай юрасан,
Дехқонларга нима жавоб берасан,
Туриб ўйла армон билан ўласан,
Ўзинг билмай хўп ишларни қиласан,
Кўпнинг ўртасига тушиб қоласан,
- 

Мехнаткашга бир кўпқари бўласан,
Молингдан айрилиб ўзинг ўласан,
Бул ишинга шундай жавоб кўрасан,
Бола-чақанг кўрмай ғариб қоласан,
Ҳайдаб борсак, икки бошдан ўласан.
620 Қалмоқ шохим сенга зулм этади,
Бошинг кесиб сени дорга тортади,
Молу давлатингни талон этади.

Бу сўзни жаллодлардан эшитиб, Бойсари ҳам жаллодларга караб,
бир сўз айтиб турган экан:

Мен берайин қатор-қатор норимни,
Нор устига юклаб берай заримни,
Мен берайин манглайимда боримни.
Жаллодлар, эшитгин айтган сўзимди,
Кўлим чечиб озод қилгин ўзимди,
Мундай кунда менга ўлим лозимди[р],
630 Мол етмаса берай Барчин қизимди,
Ҳали ҳам бир озод қилгин ўзимди.
Жаллодлар, кулоқ сол бу нолишима,
Қаба фалак оғу кўшди ошима,
Ҳайдаб бориб етма менинг бошима,
Нима деб сўзласанг, мен ҳам қилайин,
Тўксон кўра кўйим бордир, берайин.
Тўқайдан йилқилар барини олсин,
Экишига молим ҳисоблаб кўрсин,
Камлик қип етмаса, кизимни олсин,
Ул дехқонлар ё даъвогар бўлмасин.
640 Лодон кўнглим ҳар хаёлга бўлибман,
Гуноҳкор бўлганим энди билибман,
Элибойман, мен ҳам аҳмоқ бўлибман,
Илгарида мен экишни кўрмасам,
Дехқонлар экишин ўт деб юрибман,
Билмасликдан гуноҳкор бўп қолибман,
Жаллод, сенга миннатдорлик қилибман.
Хаёлингга бадфеъллик келмасин,
Армон билан бир мусофир ўлмасин,
Ҳайдаб борма, шохинг мени кўрмасин,
650 Сиёсат қип қаттиқ азоб қилмасин.



Термилтмагин, жаллод, менинг кўзимди,
Арза билан шоҳга билдир сўзимди,
Қандай бўлса ҳайдаб борма ўзимди,
Гуноҳкор бўлибман, ўлмак лозимди[r].

Бу сўзни Бойсаридан эшитиб, жаллодлар: “Рост айтади шул бечора, экинни ўт, деб билмай егизиб қўйибди, қанча фуқаро устидан арз қип турибди, ҳайдаб борсак, агар Қалмоқшоҳга тўғри қилсак, Қалмоқшоҳ гапига қулоқ солмай, бунинг бошини кесиб, дорга тортади; буни ҳайдаб бормай, шунинг сўзини бир арза қип тутайик, агар қабул тутса, ҳайдаб бормай, шу ердаёқ қўйиб кетайик”, – деди.

Жаллодлар Бойсарининг ҳалиги сўзини арза қип, икки мирғазабдан жўнатди. Мирғазаблар арзани оп кеп, Қалмоқшоҳга тутди. Қалмоқшоҳ бу арзани ўқиб кўриб айтди, жуда димоғи ҳам чоғ бўлиб кетди: – Мени ҳимоят тутиб келган одам бўлса, қаторда нори ҳам ўзиники, нор устида зари ҳам ўзиники, барча давлат – моли ҳам ўзиники, бизга даркор эмас, Барчин кизи ҳам ўзиники. Яйловига Чилбирнинг чўлини бердим, сувловига Ойналининг кўлини бердим. Етти йилгача моли безакот, бетергов юра берсин. Ҳар ким мусофир бойларга таадди қилса, боши – ўлимда, моли – таловда, ўз ихтиёрида юра берсин, – деди.

Бу сўзни эшитиб, оқсокол, арбоблар: – Сен бундай беклик қилдинг, ул бева-бечораларнинг экинини егизиб қўйган, беш кун, ўн кундан кейин солиқ, сурсат деб [сўрайсан]. Ҳеч нима бўлмаса, одамларнинг кўрпасини сотдириб оласанми? – деди. Шунда Қалмоқшоҳ туриб айтди: – Ҳали йил эрта, тари-тармоқ эксанг ҳам овқатлигингни олиб қолсан; бу йилги берадиган ҳар нима подшолик чикимдан ҳам ўтдим, – деди. Шунда фуқаро дехқонлар ҳам димоғи чоғ бўлиб, тари-тармоқ эккани кўш чиқариб кетди. “Ҳар нима олганимиз ўзимизга бечиким тегадиган бўлди”, – деб юрибди. Бойларнинг ҳам димоғи чоғ бўлиб: “Хўп ери кўнғирсалқин, ўтлоқ келади экан, молни икки семиртиб сотамиз экан”, – деб буларнинг ҳам димоғи чоғ бўлиб, ҳаммаси ҳам жойлашиб қолди. Нима бўлса, Қалмоқшоҳдан вақти хуш бўлиб, ана энди булар бунда жойлашиб турсин, ҳар қайсиси ҳам ўз кунини ўтказмоқ билан турсин.


Тойчи вилоятинда, Қалмоқ музофотинда бир Сурхайил деган кампир бор эди. Жуда ҳаддили зўр кампир эди, бу кампирнинг етти ўғли бор эди, еттови ҳам номдор алп эди. Каттасини Кўкалдош дер эди, ундан кичкинасини Кўкаман дер эди, Кўққашка дер эди, Бойқашка дер эди, Тойқашка дер эди, Кўшқулоқ дер эди, кенжатойини Қоражон дер эди. Шу еттовига тир қилгани Қалмоқшоҳ ҳар мамлакатлардан алпларни олиб келиб, тўқсон алп қилиб, Кашал ғоридан жой бериб, буларни тўқайистонда

бокиб ётар эди. Ул алплар қандай алп: ёйандоз, мерган алп, ҳар қайсиси тўксон ботмон темирдан совут кийган, ҳар кунига тўксон ширбознинг этини таътил қилган, бош-бошига ҳар қайсиси подшоҳликдан ҳар ойда беш юз сўм мояна олган хўб бирланчи зўр полвондир. Бул алпларнинг ҳар қайсисининг подшоҳликдан қирк киз хизматкори бор, бу ёқдан, у ёқдан, овдан келса, жойини солиб, хизматини қилиб турадиган қизлар. Бойсарининг кизи Барчинни булар кўргани йўқ. Шул вақтларда Барчин ҳам баркамол, бўйи етган, ҳар яғрини ўн беш қарич келади. Пирнинг назари билан пайдо бўлган, бу ҳам алп. Орқаварон эшитиб, шу мусофир бойларда бир киз бор эмиш, деб булар ҳам ўзавонда маслаҳат қилади: гоҳ бири олмоқчи бўлади, гоҳ бари олмоқчи бўлади, гоҳ ҳаммаси ўртага олиб хотинли бўп қолмоқчи бўлади. Неча вақтлар кўрмаси шу маслаҳатни қилиб юради.

Кунлардан бир кун алпларнинг энаси Сурхайил мастон Қалмоқшоҳнинг давлатхонасига бориб, ўғилларининг орқасидан Қалмоқшоҳга ҳурмати кўп, Қалмоқшоҳ гапини қайтаролмайди, алпларнинг энаси Сурхайил мастон Қалмоқшоҳга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Шоҳим, сенга арзим баён қилайин,
Каттамсан-да, бир гап келди, сўрайин,
Чилбир чўлни томоша қип келайин.
Ўзбаклар мазгили қандай, кўрайин,
Яхши-ёмонини ангниб билайин,
660 Рухсат берсанг, мен ҳам турмай борайин,
Ул бойларнинг молин бож қип олайин,
Шу сўзни, султоним, сендан сўрайин,
Жавоб бергин ўзбакларга борайин,
Қандай экан, бир ҳангама қилайин,
Ҳеч зулм қилмайман, бориб келайин.
Жавоб берсанг, бундан турмай бораман,
Сайил этиб, элларни кўриб келаман,
Кўрганимни сизга жавоб бераман.
670 Бунда сарғаймасин гулдайин дийдор,
Жуда номдор эмиш ул келган бойлар,
Донгдорларни кўрмоқликка ҳаққим бор,
Фарзандларим муна элда зўрабор,
Шоҳим дедим, ҳурмат қилдим муқаррар.
Дардли кул дардимни кимга ёрайин,
Ҳасратимдан элдан эл ахтарайин,
Бебош бўп кетмасин, бойни кўрайин,





680

Бир озирок чиким солиб олайн,
Ёмонини бориб тергаб кўрайин,
Биров эмас, уч-тўртта бўп бораин,
Бориб каттасига мехмон бўлайин,
Кўрганимни келиб хабар бераин,
Жавоб беринг, энди мен ҳам бораин.

[Қалмоқшоҳ] ул бойларнинг ихтиёрини ўзига берган эди. Бу сўзларни Сурхайил мастондан эшитиб, борма деб бу кампирга айтолмай, ночор жавоб берди. Ўғилларининг зўрлигидан Қалмоқшоҳ ҳам ҳазар қилар эди. “Энди ихтиёрим ўзимда бўлди”, – деб кампир қайтиб, мазгилига келиб, ўзига тобе қариндош тўккиз кампирни бирга олиб, ўзи билан ўнта бўлиб, йўлга чикиб, йўл юриб, бели букрайиб, қулоғи тикрайиб бораётди эди. Кенжатой ўғли Қоражон ўн уч махрами билан йўлда от ўтлатиб ётиб эди. Қоражон қаради, тўккиз кампирни эргаштириб, энаси Чилбир чўлига қараб бораётди. Қоражон кўриб: “Бу энаси қурғур нимага бораётди экан. Бу Чилбир чўлига борар, бизларни орқа қилиб баланд-паст гапирар, кўп одамларни ҳам хафа қилар, нима бўлса мусофир-да, бойларнинг кўнглини озор қилар. Буни қайтариб юборайин. Бул имонсизларга бойларнинг мазгилида нима бор, булардан яхши гап чиқами, бир кўнгли қоралик орттирар; ўғилларидан гап қочган-да, деб Қалмоқшоҳ ўпкалаб юрар, бу баччағарлар зўрлигига инониб, менинг ҳукмимни ҳам бузди, деб юрар, нима бўлса қайтариб юборайин”, – деб ўйлаб, энасининг олдида чикиб, йўл бўлсин қилиб, энасидан савол сўраб турган экан:



68

690

То ўлганча сўйлаб қолган тил бўлсин,
Узунли-қисқали тўнинг мўл бўлсин,
Ҳар кимсага фарзанд берса, ул бўлсин,
Қаватингда тўккиз кампир, энажон,
Ўнта бўлиб, эна, сенга йўл бўлсин?
Не сабабдан меҳнат тортиб келасан,
Меҳнат тортиб, эна, қайда борасан?
Қулоқ солгин Қоражоннинг тилига,
Эна, қайтгин, борма Чилбир чўлига,
Оралама ўзбакларнинг элига,
Эна, сен ҳам қайтгин келган йўлинга.
Сўз айтарман, эна, сенга бир алвон,
Яхшилик сўз айтиб турур Қоражон,
Эна, қайтгин, борма Чилбир чўлидан.
Менинг сўзим, эна, оғир олмагин,


Бу гапларни, эна, ҳазил билмагин,
Хаёлингни ҳар тарафга бўлмагин,
700 Қайтгин, эна, ул бойларга бормагин.
Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Қоражоннинг айтган сўзи шу бўлар,
Бир нечалар аҳволидан беҳабар,
Қўй-чи, эна, ҳалак бўлиб нима бор?!
Кампирларни, эна, ҳамроҳ қилибсан,
Бир шумликни, эна, ўйлаб юрибсан,
Кўнгилингга ул шумликни олмагин,
Бориб шу бойларни ҳалак қилмагин,
Қайтгин, эна, келган йўлдан қолмагин.

710 Ҳориб-чарчаб, эна, ҳалак бўласан,
Борган ерни бесарамжон қиласан,
Ёмон бўлсанг, сен имонсиз ўласан,
Қайтгин, эна, бориб нима қиласан.

Бу сўзни эшитиб, Қоражоннинг аччиғи келганини билиб, Қоражоннинг ақлини олиб, кўнглидаги гапини билиб, бир сўз айтиб турган экан:

Худойим сақлагай бандани омон,
Туриб ўйла яхши йўлга бораман,
Ўзбакларга сени куёв қиламан,
Ўзбакларнинг яхши қизи бор бўлса,
Аташтириб рўмол бериб келаман.
720 Йўлдан урма, Чилбир чўлга борайин,
Назар солиб ўзбакларни кўрайин,
Ўзбакларнинг яхши қизи бор бўлса,
Боши бўшми дейин, аввал сўрайин.
Яхши қизлар агар боши бўш бўлса,
Келин қилиб, бирор рўмол ўрайин.
Уйлантирсам, сенга хабар берайин,
Боришли-келишли бўлиб юрайин,
Болаларни тоға-жиян қилайин.
Ўн уч маҳрамингман йўлда турибсан,
Тенгинг йўк, жон болам, бўйдоқ юрибсан,
730 Энангнинг хаёлин ёмон билибсан,
Кўнгилингга неча сўзни олибсан,
Мени қайтарсам, деб хаёл қилибсан.





740 Мени билсанг, сенинг учун бораман,
Элнинг бошдан-оёғини кўраман,
Сенга лозим бир қиз топиб оламан,
Кенжатойим, сени яхши кўраман,
Мен бировга сени куёв қиламан,
Кўнгилимда борин айтиб бераман,
Энанг мен-да, яхшилиқни кўраман,
Сенинг учун кўп хизматлар қиламан.
Бад олма энангнинг айтган сўзидан,
Обберай ўзбакнинг сулув кизидан,
Куёв бўп сузилиб турсанг, Қоражон,
Болам, томир бўлсак ўзбак элидан.

Бу сўзни эшитиб, Қоражоннинг димоғи чоғ бўп, энасининг юришидан кўнгли тўлиб: – Эна, шу гап кўнглингда бўлса, сен келганча мен шу ерда тураман, битган-битмаган хабарини қайтарда менга билдириб ўтасан, – деб Қоражондан жавоб тегиб, кампир ҳам йўлга кирди. Бул бораётгандаги сўзи:


Жўраларин бирга олиб,
Тўққиз кампир хамроҳ бўлиб,
Юрмоққа баридан ғолиб,
Шул замонда йўлга кириб,
Чилбир чўлига йўл юриб,

750 Жўралари кейин қолди,
Сурхайил мастон йўл олди.
Ул бойларга борсак, дейди,
Қандай экан билсак, дейди,
Бориб меҳмон бўлсак, дейди,
Бекнинг қизин эшитгандир,
Сулувлигин кўрсак, дейди.
Тўққиз кампир кейин қопти,
Ҳаллослаб йўл тортди.

760 Не гап келади ўйига,
Қирқ қари бўз кўйлак бўлмас
Қурғур айёрнинг бўйига.
Бораётир шундай қараб,
Бойсарининг уйин сўраб,
Ҳеч ким бўлмас бунга тараф.




- Бир неча билмас тилини,
Уйлантирмоқчин улини,
Кўрсам дейди, йўл торгади,
Мусофир бой мазгилини.
770 Қичаб юрар қолган кампир,
Неча ишдан бўлиб ғофил.
Узоқдир сойлар дараси,
Кўринмас кампир қораси,
Жуда ҳам бир кичаб кетди
Алп Қоражоннинг энаси,
Уйламакчун Қоражондай боласин.
“Кўнгилда борини мен ҳам билай, деб,
Ўзбакларнинг ҳаммасини кўрай, деб,
Агар сулув, яхши қизи бор бўлса,
Қоражон улимга олиб берай”, деб.
780 Бу гапларни ўйлаб энди ўйига,
Яқинлади Бойсарининг уйига.
Бораётган шундайин айёр эди,
Бойсарида тўққиз кўппак бор эди,
Кўппаклари бул айёрни кўради,
Чопиб келиб бул ўртага олади.
Ҳар қайси ҳар ёқдан тортиб боради,
Айиқдай чинқириб кампир қулади,
Бойқадами эмчагидан олади,
Изикути қувукқа чанг солади,
790 Айиқдай чинқириб кампир қулади,
Тўққиз кўппак ўртага оп талади.
Жуда ҳам кампирнинг ақили шошди,
Дирдай бўлиб иштон-кўйлақдан тушди,
Ҳар тарафга кучук тортиб талашди,
Кучуклар олдинда ўртага тушди.
Бу кампирни ҳеч бир одам билмади,
Ҳеч ким келиб бундан хабар олмади,
Бул аҳволда бўлганини билмади,
Устидаги кийимидан қолмади.
800 Кампир қулаб бунда сулаб ётади,
Кийимининг барин йиртиб отади,
Балки кампир ярадор бўп ётади.
Зўр итлар олдинда бул кампир ночор,
Катта кучукларга бўлди гирифтор,



- 810 Ҳеч ким бўлмади-ку, бундан хабардор,
Кўп талаб кучуклар қилди ярадор,
Чинкириб бул кампир довшин чиқарар:
– Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими,
Ажал етиб паймонаси тўлдими,
Кучуклари ўртага олиб талади,
Бойсарининг бойбичаси ўлдими?
Меҳмон келди, ҳеч бир одам билмади,
Ит талади, уй эгаси кўрмади.
Жафо тиғи бул кун жондин ўтдими,
Айролик ханжари бағрин йиртдими,
Ҳеч довушни эшитмайди халойиқ,
Бу ёқнинг одами бир ёқ кетдими?
Мендайн ночорнинг кўнглин бўлади,
820 Бул ишидан бойлар зарар қилади,
Кучуклардан кўп аланглаб қолади,
Бойларнинг кучуги жабр қилади.
Тур! – деган довушни энди эшитиб,
Уйдан туриб бул бойбича қаради.
– Қандай одам? – дейди, энди келади,
Кампирнинг ҳолидан хабар олади,
Шул замон бойбича етиб келади,
Бул кампирга меҳрибонлик қилади,
Кампирнинг ҳолини келиб кўради,
Абгор қилиб кўп кучуклар талади,
830 Итидан айириб энди олади,
Кампирнинг кўнглини энди сўради,
Кампир жуда дирдай бўлиб қолади.

Кампирнинг яланғоч бўп қолганини кўриб, бойбича уйига бориб, янги кийимлар олиб келиб, кампирнинг устидаги кучук йиртган кийимларини чечиб олиб, янги кийим кийдириб, бойбича кучукларини уриб, кампирнинг димоғини чоғ қилиб, уйига эргаштириб борди. Барчин киркин канизаклари билан ўтириб эди, бу кампирни кўриб, қандай бўлса мусофирчилик юрт-да, кампирни иззат қилиб, ўрнидан туриб, таъзим қилиб ўтирди. Барчинни кампир кўриб: “Бизнинг Қоражонга лозим қиз экан”, – деб ўтирди.

Не паллада боғонағи тўққиз кампир жўраси етишди, буларнинг олдига одам чиқиб, итга талатмай олиб борди. Меҳмонлар кўришиб, ўтирди. Бойбича меҳмонларга ош тараддуд қилди, зиёфатга палов пишириб, паловни дамлаб: “Энди меҳмонлар билан гаплашиб ўтирайин”,




- 850 Қизингнинг бошида таралган чочи,
 Қоражон ҳам йигитларнинг меърожи,
 Менинг айтган гапим бунда билсанг-чи,
 Қоражонни куёв қилиб олсанг-чи,
 Расми-қаъданг менга маълум қилсанг-чи.
 Нима деб амр этсанг ани берайин,
 Ўзбак бойлар, расимингни сўрайин,
 Қоражоннинг вақтин хушлаб турайин,
 Қизингман икковин бирга қилайин.
 Ошиқнинг фахмидир қоронғи кеча,
 Йиғласанг, холингга йиғлар бир неча,
 Бу сўзима жавоб бергин, бойбича.
 Сенинг қизинг тарзин кўрдим, ойимча,
 Қоражон ҳам ёмон эмас, бекбачча,
 860 Иккови ҳам ўйнаб юрсин ҳар кеча,
 Қизинг билан рўзгор қилсин ўлганча,
 Бу гапларни ҳазил билма, бойбича.
 Бир облога етгай анинг ноласи,
 Турган ерим бойнинг кулбахонаси,
 Мен бўламан Қоражоннинг энаси.
 Неча қизлар Қоражон деб интизор,
 Ўзига тенг кўрмас болам зўрабор,
 Сен қизингни берсанг, кўнгли хуш бўлар.
 Сенинг қизинг Қоражонман баробар,
 870 Ўйнаб-кулса, болам, Қоражон шунқор,
 Қоражоннинг айтган қизи шунда бор.
 Келин қилиб борсам, кўнгли топилар,
 Неча маҳрам Қоражонга хизматкор,
 Шул қизингни сенинг бермагинг даркор.

Кампирдан бу сўзни эшитиб, бойбича ҳам бир сўз деб турган экан:

- 880 Қозонда қайнаган ширбоз гўш эмас,
 Тўрда ўтирган қизнинг боши бўш эмас.
 Қизим домот бобосининг улига,
 Мол бергани Бойсин-Қўнғирот элида.
 Хабар борса, бек Алпомиш келмайми,
 Келса Қоражондай ўғлинг ўлмайми,
 Қурғур кампир, тек ўтирсанг бўлмайми?!
 880 Ҳар ким ўз элида бекми, тўрами,





“Алтомши” достони қўлёзмасининг ilk саҳифаси

– деб бойбича ҳам кеп ўтирди. У ёқдан, бу ёқдан гап ташлашиб, беш-тўрт оғиз гап бошлашиб, шунда кампир бойбичага қараб, шу қизингнинг боши бўшми, – деб сўраб турган ери:

840

Қозонда қайнаган ширбоз гўшмиди,
 Шул қизингнинг агар боши бўшмиди?
 Боши бўшми дейин, сендан сўрайин,
 Келин қилиб бирор рўмол ўрайин,
 Қоражонга аташтириб борайин.
 Меҳмон бўлиб бирор гузарим тушди,
 Итинг кўп талади, кўп нашам учди,
 Шул қизингни кўриб кўнглим хушди[r],
 Албатта қизингнинг бул боши бўшди[r].
 Бойбича, эшитгин айтган сўзимди,
 Кўнглинг бўлиб хафа қилма ўзингди,
 Келин қилиб кетай сенинг қизингди,
 Сенинг қизинг Қоражонга лозимди[r].



Қарчиғай қарғага емтик берами,
 Қайсар келса, алплар омон қолами?!
 Бир куни бу ердан хабар бормайми,
 Бўлган гапни Қўнғирот элда билмайми,
 Олтойчилик йўлдан шунқор келмайми,
 Қалмоқнинг элига қирғин солмайми,
 Курғур кампир, тек ўтирсанг бўлмайми?!
 890 Хазон бўлиб боғда гуллар сўлибди,
 Обло сенинг ақли-хушинг олибди,
 Хаёлингга шундай сўзлар келибди,
 Қалмоқлардан, билсанг, Ҳаким ғолибди[р].
 Ҳакимбек киргандир ўн тўрт ёшига,
 Қалмоқ тоб бермайди бул савашига,
 Чидай олмас Ҳакимбекнинг ишига,
 Бир балони сотиб олма бошингга.
 Оти Ҳаким, билсанг, ўзи зўрабор,
 Душман чиқиб бўлолмайди баробар,
 900 Қоражон ўғлингни сенинг ўлдирар,
 Бу сўзларни айтиб, сенга нима бор,
 Ўз йўлингга юрсанг бўйми, муштипар?!
 Обод бўлар, билсанг, Бойсиннинг юрти,
 Учар қушдан ўтар бул минган оти,
 Мингни чопар қўлда кескир пўлати,
 Кўрса душманларнинг қолмас тоқати,
 Асли ўзи Қўнғирот элнинг бекзоди,
 Шул қизимнинг бул аташган домоти,
 Шул бўлади бир юртнинг валламатини.
 910 Сендан зулм кўрсак, бунда келмайми,
 Душманларга бир қиёмат қилмайми,
 Иш кўрсатиб, келиб ёрин олмайми,
 Ўз юртига бориб даврон сурмайми,
 Мастонмисан, жўн ўтирсанг бўлмайми?!



Бу сўзни эшитиб, кампир ҳам бойбичага қараб, бир сўз деб турган экан:

Меҳмон бўлдим сендайғачоқ носоққа,
 Пут кўтардинг исломдаги
 Олтойчилик йўлдан куёв бўлами,
 Шундан келиб сенинг қизинг олами,



- 920 Келса бул алплардан омон қолами?!
Бойбича, билмадинг айтар сўзингди,
Термилтмагин бунда икки кўзингди,
Тортинмай бера бер Барчин қизингди,
Барчин қизинг Қоражонга лозимди[р],
Ҳазил билма менинг айтган сўзимди.
Қоражонни куёв қилиб олсана,
Муна элга эркин бўлиб юрсана,
Ҳолинг билиб яхши сўзлаб кўрсана,
Қоражонни ўзингники қилсана,
Ўйланмай биз билан куда бўлсана,
- 930 Яхши сўзман Қоражонга берсана.
Бермасанг, энаси айтиб бормайми,
Айтган сўзинг ул Қоражон билмайми,
Гапингни кўнглига оғир олмайми,
Аччиғланиб от ўйнатиб юрмайми,
Махрамиман келиб қизинг кўрмайми,
Сиёсатман келиб тортиб олмайми,
Ундан кейин юзинг туман бўлмайми,
Тортиб олмоқ ул қўлидан келмайми?!

Бу сўзни эшитиб, бойбича ҳам бир сўз деб турган экан:


- 940 Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ер остида душман тани чирисин,
Илойим Қоражон ўғлинг қурисин.
Сен эшитгин менинг айтган сўзимни,
Ўғлинг ололмайди Барчин қизимни.
Менинг сўзим ола бердинг қиёма,
Қўлингдан келганин қилгин, аяма!
Қоражонни менга улгу қиласан,
Ўзинг айёр, бир имонсиз, ўласан,
Носоқи сўз бунда айтиб турасан,
Бу мазгилда, кашмир, нима қиласан?!
- 950 Бу сўзларни айтди унга бойбича,
Қулоқ соп эшитиб Барчин ойимча,
Ўрлашма, деб ора тушди бир неча.
Бойбичаман кампир анча ўрлашди,
Бир-бириман тура келиб ушлашди,
Иккови тура кеп шундай тирашди,
Тўққиз кампир туриб орага тушди.



Кампирлар буларни айириб қўйди. Меҳмонлар ўтирди. Меҳмонларни булар ўтқизиб, қўлини ювдириб, дастурхон солди. Уч товоққа ошни сузиб, оп кеп меҳмонларнинг олдига қўйди. Бир товоқ тўртовара бўп қолди. Боғона Қоражоннинг энаси зеҳни койиган, икки гуруч олиб оғзига солди. Бу ёқдаги кампирлар агар уч гуруч олиб оғзига солса, ҳадди йўқ, бошини кесади. Қоражоннинг энасидан қўрққанидан булар ҳам икки гуручдан олиб оғзига солди. Уч товоқ ошдан йигирма гуруч камиб қолди. Бўлдик, деб узата берди. Товоқни бериб, фотиҳани юзига тортди, меҳмонларни жўнатди. Қоражоннинг энаси қарамай илгариде қичаб кетди. Тўққиз кампир қорама-қора, булар ҳам кетиб бораёпти, ўзавонида тўнғиллашиб кетиб бораёпти: “Алланима ейдиган ош бўлган экан. Худо олгур, ўғлингни уйлантирмай ўлгур, ошни егандан кейин ҳам уруш қилмади. Хўп кўрганли бойлар экан. Бул бўлмай, ўзимиз қидириб келсак ҳам шулла қип сийлар экан, эсиз ош қолди, худой олгур ошнинг устида кўнгли қоралик қилди. Унга билдирмай, тағи бир қидириб келамиз-да”, – деб бораёпти. Қоражоннинг энаси илгариде кетди. Қоражон йўлга қараб ётибди.

Қараса, энаси келаяпти, энасини кўриб Қоражон: – Қалай, қалай, эна? Бўри бўп келаяпсанми, тулки бўп келаяпсанми? – деди. Энаси айтди: – Болам, мен борган ердан ҳам тулки бўламанми, бўри бўп келаятибман, сени уйлантириб, бу қўйлақларни куда-андаликка кийиб келаятибман. Қоражон айтди: “Энам бизни кўрганли ердан уйлантирибди. Энамнинг бош-оёқ сарпойини қилиб юборибди”. – Эна, бўри бўлганингдан гапир, – деб турибди. Қилган ишидан билдириб, кампир Қоражонга қараб, бир сўз деяпти:

Кулоқ солгин мендай энанг тилига,
Ораладим мусофир мазгилига,
Меҳмон бўлдим Бойсарибой уйига.
960 Назар қилиб мазгилига қарадим,
Келин қилайин деб аввал сўрадим.
Бойсарининг яхши қизи бор экан,
Оти Барчин, ўзи зулфакдор экан,
Бир неча кўрмакка интизор экан,
Атлас қўйлақ хўб бир енги тор экан,
Қирқин қизлар унга хизматкор экан.
Ўн тўрт яшар экан, айни камоли,
Бошида пирпирлар ловдон рўмоли,
Ойдаин барқ урар анинг жамоли,
970 Одамни балқитар тегса шамоли,
Бойсарининг шундай қизи бор экан.



- Бойбичани кўп ағдариб сўрадим,
Боши бўш эканин тоза синадим,
Сенга аташтириб рўмол ўрадим,
Шу бугун қалиққа боргин, Қоражон.
Ўзбакнинг расими шундай бўлади,
Аташтирган куни куёв боради.
Шу бугун уялиб, болам, бормасанг,
Эртан сенинг важинг ўтмай қолади,
980 Ўзбак қизи тайин айниб қолади,
Расимини менга айтиб беради,
Болам, сенга энанг хабар қилади.
Кечга қолма, жоним болам, эрта бор,
Суксурой деган бир сенинг янганг бор,
Куёв келса, бўлармиз деб хабардор,
Жуда ҳам тайинлаб қолди кўп кизлар,
Қандай бўлса, жоним болам, эрта бор.
Оти Барчин экан, ўзи гажакдор,
Ўйнаб-кулиб тарқар кўнглингдан ғубор,
990 Бахмал уйда сенга қарар санамлар,
Ўзбак қизлар бари бўлар хизматкор,
Махрамингни олиб, болам, бирга бор,
Кечга қолма, нима бўлса, эрта бор.
Энангнинг сўзини ҳазил билмагин,
Сен паналаб қоронғида юрмагин,
Куёвман деб сен уялиб турмагин.
Бахмал уй белгили, болам, тикка бор,
Отинг ушлаб бари бўлар хабардор,
Қўнғирот қизининг бари йиғилар,
1000 Ҳаммаси ҳам хотинингга хизматкор,
Болам, сенинг ёринг бир мохи дилбар,
Жамоллари анинг ойга баробар,
Қандай бўлса, кечга қолмай, эрта бор.

Бу сўзни энаси айтди, энасидан Қоражон эшитди, Қоражон туриб айтди: – Эна, сенинг бу гапинг қандай бўп кетди, наҳоятти бир рўмол ўратиб келгансан, унинг кейинидан биз зингкийиб қаллиққа борганимиз айб бўлмайми, юрт қулмайми бул қилган ишингга? Энаси туриб айтди: – Ўзбакларнинг ўзининг расми экан, расми-қаъдасини ўзлари билдирди. Аташтирган куни куёв боради экан. Агар мол берганим йўқ деб шул куни ўйланиб бормай қолса, қизини айниб олади экан, уялган одам хотиндан қурук қолади экан. Уларнинг занги-расми шундай бўлади экан. Қандай бўлса, кечга қолмай, эртарок бор, – деб энаси ўтиб кетди.



Қоражон маҳрамларига айтди: – Бир нечанг жаҳонни сайил этиб юрган, бир нечанг рўзғор кўрган, бир нечанг жаҳонгашта ҳам бўлган, биз ўзбакка куёв бўлдик, ўзбаки расм қилиб бораёйик, ўзбакнинг куёви не тартиб бўлади экан, ҳеч қайсинг кўрибмидинг? Маҳрамлар айтди: – Ҳайит-арафада ўзбакнинг куёвини кўрар эдик. Шийдам бўлиб юрар эди. Салла ўраб, кийиниб турар эди. Хотинлар куёв, деб бир нимасини олар эди, ҳайтовур ўзбакнинг куёви шундай бўлар эди.

Бу сўзни эшитиб, Қоражон: – Эса ўзбаки расм қилаёйик, – деб телпакни ташлаб, янги либослар кийиб, бошига салла ўраб, чотаётир, сира шийдам бўлмаёйди, ғарпайиб кетаётир, сира ўзбак хоҳлайдиган бўлмаётир. Бурунсўнг салла ўрагани йўқ, шийдамлаб ўрамоққа ўнғайи келмаётир. Қоражон айтди: – Биз ўзбак хоҳлайдиган бўлмадик. Маҳрамлар: – Сизни ўзимиз созлаймиз, – деб тўксон ботмон темирдан совут кийган алп Қоражонни маҳрамлар отга миндириб, ўн тўрт отнинг якка жиловини олиб, тип-тикка қилиб зингкийтиб, чориб ташлади: – Ана энди ўзбак хоҳлайдиган шийдам бўлдингиз, – деди.

Самарқанднинг миноридай зингкийиб, бути селанглаб, отнинг остига аймашиб, ўн уч маҳрамини бирга олиб, Қоражоннинг қаллиққа жўнаб бораётган ери:

- Қоражонбек йўлга кирди,
Маҳрамларин бирга олди,
Чилбир чўлига йўл юрди.
Билган энасин сўзини,
Кўрмакчин сарвинозини,
Олмакчин бийнинг қизини.
1010 Боради шундай зўрабор,
Остида пишқириб тулпор,
Маҳрамлар бўлиб хизматкор,
Бундан беҳабар ўзбаклар,
Энасидан билиб шункор,
Бориб кўрсам дейди дилбар,
Бундан беҳабар кўп қизлар,
Ойна кўлни ёкалади
Қоражонбекдай айдаҳор.
1020 Сира кўрган йўқдир мундай,
Бу қандай юрган зўрабор,
Ҳайрон қолди ўзбак эллар,
Бедов отга қамчи чотди,
Уйларига бурилмай ўтди,
Кўп элни оралаб кетди,




- Бойсарининг мазгилига
Қоражон яқинлаб етди,
Ҳали куёв бораяпти,
Бойсарининг уйин кўриб,
Ҳар ёққа тенгсалиб ўтди.
- 1030 Томошага элу халқни қаратди,
Энасин сўзига аҳмоқ бўлибди,
Бойсарининг мазгилига борибди,
Ҳеч ким хабар олмас бунинг ҳолидан,
Ўз шаънига куёв бўлиб юрибди.
Кийгани гулгун қирмизи,
Қарамайди кўп канизини,
Беҳабар ўзбекнинг кизини,
Уйландим деб ҳалак бўлган,
Сарсон Қоражоннинг ўзини.
- 1040 Бунда ўйнаб-қуларман, деб,
Ўзбек кизин оларман, деб,
Келиб эди ҳалак бўлиб,
Сулув қиз-да, кўрарман, деб.
Ул энаси аҳмоқ қилган,
Чандиб ўзини боғлаб олган,
Жуда шийдам бўларман, деб
Дами қайтиб бунда келган.
Юрибди Қоражон полвон,
Қизлар кўриб алвон-алвон,
Ҳар ёқдан йиғилиб келган:
“Бундай юрган қандай полвон,
Ўзин бойлаб аҳмоқ қилган,
Билмаймиз не ишда юрган”.
- 1050 Қоражонбек отин бурар,
Уйини айланиб кўп юрар,
“Янгамиз топмади хабар,
Агар билса чопиб келар,
Отни ушлаб хизмат қилар,
Бий қизига олиб борар”.

“Янгамиз кўрмай қолди. Мазмуни қизлар беҳабар бўлди”, – деб кўп айланиб юрди. “Ана, бир қалмоқ ўзини чориб бойлаб юрибди-ю”, – деб қолди. Қоражон кўп ҳалак бўлди. Анадай пастқам ерга бориб, отдан тушиб, маҳрамларга айтди: – Мени чечиб қўйинглар, жуда дамим қайтиб кетди. Энаси тушқур бизни алдаб кетган экан.

Отланиб Кашал ғорга қараб кетди. Алпларнинг қошига етди. Алпларнинг ичига бориб, отдан тушиб турибди. Алпларнинг зўри, тўқсон алпнинг зўри Кўкалдош полвон: – Қоражон, сен қаёқдан келдинг? – деди. Қоражон айтди: – Биз ўзбакнинг қизидан, қаллиқ ўйнаб келаётирмиз. Кўкалдош алп туриб айтди: – Жувормак, ўлармисан, бир бало қилармисан, акангнинг кўзи тирик турганда чечангга қандай қаллиққа борасан?! Қўшқулоқ деган алп туриб айтди: – Биз қалинидан қутулиб қўйган қизга туртиниб бориб нима қиласан, бекор аҳмоқ бўласан, оғайинни билмай, тийина берсанг, жувормак ўласан, аҳмоқ бўп нимага борасан?! Бу сўзни айтиб, алплар ўтириб, ароқ-шароб ичиб ўтириш қилди. Файзи саҳар вақтида ароққа шағалмаст бўлиб, [Кўкаман алп] Кўкдўнонни миниб, бир ўзи айрилиб, кўлга овга чиқиб кетди. Кўлда юриб чошкада овдан қайтди. Кўлни ёқалаб келаяпти.

Барчин Суксурой деган канизи билан қурут ёядиган сўрининг остида ўтириб эди. Барчин шундай қаради: кўрди, Кўкдўнонни ўйнатиб, бир қалмоқ келаётир. Самарқанднинг миноридай зингкийиб, бути аймашиб кетган зўр қалмоқ. Барчин: – Ҳаддили зўр қалмоқ экан, бизни кўриб, айланишиб юрмасин, – деб ўрнидан туриб, хиром бўлиб, уйига кириб бораётди эди. Кўкаман алпнинг кўзи Барчиннинг сағрисига тушиб қолди. Кўкаман алп отнинг жиловини тортди, ўз кўнглида бу сўзни ўйлаб бораяпти: “Булар ётган элибой, бу қизларга бурилиб бораин, булардан бориб қимиз сўрайин. Қимиз берса, шу қизнинг бировини оламан, сув берса, қуруқ қоламан, пешонамни шу ердан синаб кўраман, қандай бўлса, бир ёқли бўламан”, – деб бурилиб бориб, қизларга қараб, қимиз сўраб турган ери экан:

- 1060 Устингга кийганинг гулгун қирмизи,
 Ақлимни олади жодугар кўзи,
 Кўп бўлади элибойнинг қимизи,
 Бор бўлса, йўқ дема, ўзбакнинг қизи.
 Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
 Гулни кўрса маст бўп сайрар булбуллар,
 Малоийк сувратли, гул юзли дилбар,
 Қимиз сўраб мендай полвон интизор,
 Албатта йўқ дема, турган санамлар.
 Давлатимдан шоли-шолдам ўрайман,
 1070 Гул тарзим сарғайиб сенга қарайман,
 Бор бўлса, йўқ дема, ўзбакнинг қизи,
 Бир коса қимизни сендан сўрайман.
 Шовқимга ирғийди араби тулпор,



Кимиз сўрдим, юрагимда дардим бор,
Кимиз дори деди менга табиблар,
Албатта йўқ дема, қаддингдан дилбар.
Кимиз сўраб маҳтал бўлди зўрабор,
Элибойда кимиз деган кўп бўлар,
Албатта йўқ дема, турган муштипар.
1080 Кўкаман дер Кашал ғордан келаман,
Кўлларни сайр этиб бунда юраман,
Ёқалаган элибойни кўраман,
Элибойда кимиз бор деб биламан,
Сизларга айланиб бунда келаман,
Кимиз дейман, маҳтал бўлиб тураман.
Устингга кийганинг яшилман кўкди[р],
Дардимнинг дориси кимиз бўлибди,
Ул сабабдан маҳтал бўлиб турибди,
Ҳаяллатмай жўнат мендайин бекди,
1090 Сўраганда кимиз бермай не бўпти?!
Сендайин ойимни яхши кўраман,
Кўнглим тортиб кимиз сўраб келаман,
Кимиз берсанг, жуда дуо қиламан.
Дардманман, дардимдан фориг бўламан,
Кимиз сўраб кўп айланиб тураман.

Бу сўзни эшитиб, Барчин ҳам Кўкаманга караб, бир сўз деб турган экан:




Майдон бўлмай, бедов отлар чопилмас,
Кўп чопилса, хаса тулпор собилмас,
Кетгин, қалмоқ, мундан кимиз топилмас.
1100 Ҳар ким ўз элинда бекми, тўрами,
Сумбуланинг ярми ўтиб боради,
Аҳмоқ қалмоқ, энди кимиз бўлами?!
Қалмоқ, эшит энди сўйлаган тилни,
Эгам онсот қилгай бунда мушкулни,
Билсанг, отам кўяберган қулунни.
Дардли қул дардимни кимга ёрайин,
Кимиз сўраб мен ҳам қайда борайин,
Йўқ кимизни қайдан топиб берайин?!
Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмаса,
Эгам менинг ақлу хушим олмаса,

1110 Сенга берай десам қимиз бўлмаса,
Кетгин, қалмоқ, қайдин топиб берайин.
Қимиз сўраб кўп ҳаяллаб турасан,
Бўлак ердан сўра, нима қиласан,
Неча сўзни менга лопи урасан,
Кетгин, қалмоқ, бекор ҳалак бўласан.
Отам давлатида ўйнаб-қуламан,
Ёлғончи дунёда даврон сураман,
Сўзингга қайтариб жавоб бераман,
Йўқ қимизни қайдан топиб бераман?!

1120 Кўп айналиб энди бунда турмагин,
Қимиз йўқдир, ўзингни ҳалак қилмагин.

Бу сўзни эшитиб, Кўкаман ҳам бир сўз деб турган экан:

Майдонда минардим бул тўбичоқти,
Хафа қилма, ойим, мендай ғўччоқти,
Чайиб бергин саба билан кўнақти.
Қимиз сўраб келдим мендайин номдор,
Қимиз дори деган неча такконлар,
Чайиб бергин саба билан кўнақни,
Яхшилиқман айтган сўзим шул бўлар.
Сен ҳам бир-бировнинг кўрар кўзисан,
1130 Балки ширин тилда сўйлар сўзисан,
Мен биламан Бойсарининг қизисан,
Қимиз бермай, кўнглим наза қиласан,
Сўз эшитгин менинг айтган тилимдан,
Аччиқлансам ҳар иш келар қўлимдан,
Мусофир бўп келдинг Бойсин элингдан,
Чиқиб энди қимиз бергин қаддингдан,
Вақти хуш бўп кетсин Кўкаман полвон.
Мендай мард қолмасин келган йўлидан,
Қимиз ичиб кетсин қизнинг қўлидан.
1140 Ўзбакнинг қизисан, турган гажакдор,
Қимиз учун кўп бўлганман интизор,
Қимиз берсанг, менинг кўнглим топилар,
Берағойсанг, ойим, бизга не бўлар,
Кўнглингга оғир олма сендайин дилбар,
Сенга айтган гапнинг салти шу бўлар,
Йўқ демагин, сендан қимиз топилар.



- 1150 Қалмоқ элда мен белгили тұраман,
Душман кўрсам шўр иш – ғавғо соламан,
Ғанимларнинг кўрсам бошин оламан.
Тўқсон алпнинг мен ҳам бири бўламан,
Дардим бор-да, қимиз сўраб келаман.
Мендайн шунқорни хафа қиласан,
Қандай бўлса сен кўнглингни бўласан,
Кетмайман, бир коса қимиз берасан!

Бу сўзни Кўкаман алпдан эшитиб, Барчин канизига айтди: – Бу қалмоқ қимизни биздан ирим билан сўраяпти. Бир жом сув бергин, биздан сувдай совиб кетсин, умидини узиб кетсин. Бу сўзни эшитиб, канизи ўрнидан туриб, жомни олиб, тиник сувни солиб, Кўкаман алпга узатди. Кўкаман алп косани кўриб, қимизми, деб қаради, сув эканини билиб, ўз кўзи билан кўриб, аччиғи келиб, канизнинг билагига қамчи билан солди. Жом жингирлаб ерга тушиб қолди. Суксур каниз Кўкаман алпдан бу зулмни кўрди. Кўнгли бузилиб, ўз холига бир сўз деб турган экан:

- 1160 Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ер остида душман тани чирисин,
Илойим мусофир юрти қурисин.
Қулоқ солмас менинг айтган тилима,
Аччиқ қамчи урди бадбахт кўлима,
Муштипарман, қарамади ҳолима,
Мусофирмиз қалмоқларнинг элида,
Элдан кўчиб бизлар бунда келганмиз,
Қалмоқлардан кўп таадди кўрганмиз,
Худо қилганига рози бўлганмиз,
Қамчи ўтиб қонлар йиғлаб қолганмиз.
Мунғайиб йиғлайди мендай муштипар,
Бу юртларда балки бизлар хору зор,
Аччиқ қамчи мени урди қалмоқлар.
1170 Қутилмадик бундай қайғу зулмдан,
Муштипарман, не иш келсин кўлимдан,
Бир гап билан чиқиб ўсган элимдан.
Қулоқ солмас ҳеч ким айтган додима,
Қалмоқлар қамчиси тегди этима,
Кўнглим бўлиб бунда йиғлаб тураман,
Йиғлаганман нима илож қиламан,




Ҳар гап бўлса, тақдиримдан кўраман,
Мунглюкман-да, нима илож қиламан.

Каниздан бу сўзни эшитиб, Кўкаман бир сўз деб турган экан:

- 1180 Арзим эшит, ўзбак қизи,
Ақлимдолар жоду кўзи.
Мен сени оларим бордир,
Сенинг Бойсари отангни
Бул дорга иларим бордир,
Сенинг ҳам тукқан энангнинг
Бошини юларим бордир,
Тўқсон алпни куда қилиб,
Эргаштиб келарим бордир.
Мен сени зўрликман оларим бордир,
Дўланиб кўйнингга кирарим бордир,
Новвосдай бўп сени суларим бордир.
- 1190 Билгин, Кўкаманинг кўнгли қабарди.
Агар билсанг, алплар хабар топади,
От ўйнатиб, бари йиғилиб келади,
Қора кунни ўзбакларга солади,
Ўзбакнинг кўлидан нима келади?!
Зўрлик билан сени тортиб олади,
Сени олиб тайин менга беради,
Алп Кўкаман билганидай қилади,
Ундан кейин ҳолинг қандай бўлади?!
Кўкамандай алпнинг кўнглини бўласан,
- 1200 Сурхайил энамга келин бўласан,
Мазгилимда чалқиб даврон сурасан,
Шунда менинг зўрлигимни биласан,
Қалмоқ элда хўп бир ўйнаб-куласан,
Бизнинг билан энди бирга борасан.
Аччиқлансам отга қамчи чотарман,
Қиличимга қирмизи қон котарман,
Элибойнинг барин изиллатарман,
Зўрлик билан сени олиб кетарман.
Ўйнаб-кулиб бориб бирга ётарман.

Бу сўзни эшитиб, Барчин ҳам Кўкаман алпга қараб, бир сўз деб турган экан:



- 1210 Ҳар сўзимни ола бердинг киёма,
Кўлингдан келганин қилгин, аяма.
Мени олмоққа ҳаддинг борми, қалмоқлар,
Ўз йўлингга бора бергин, бадбахтлар.
Оти Алпомиш ёрим бордир,
Чакада шунқорим бордир,
Элда зўраборим бордир,
Қатордаги норим бордир.
Чилла кирганда маст бўлган,
Хатапга бошини урган,
- 1220 Не зўрларнинг додин берган,
Кўнғиротда қайсарим бордир.
Хабар борса, бек Алпомиш келмайми,
Хоним келса, сендай қалмоқ ўлмайми,
Ҳолинг билиб тўғри юрсанг бўлмайми?!
Келса келар Кўнғирот элдан Алпомиш,
Келмаса, мен тақдиримдан кўрарман,
Эркак либосини ўзим киярман,
Бор кучимни билагима жиярман,
Қирқ мингингни бир деб санаб кирарман.
- 1230 Мени олмоққа ҳаддинг борми, бадбахтлар!
Барчин сулув дейди менинг ўзимди,
Лоф урган қалмоққа ўлим лозимди[р].
Қиларман, қалмоқлар, сенинг ишингни,
Мунглуқ дема, мен кесарман бошингни,
Сулатай, душманлар, гавда-лошингни,
Қилолмай қоларсан бунда ишингни.
Бул оҳимни бир оллога етқариб,
Бундай кунда ҳожатимни битқариб,
Бора бергин ўз йўлингга, қалмоқлар,
Мен оларман ўз бошимни қутқариб.
- 1240 Ўзбакнинг қизи деб бунда турмагин,
Кетгин, бадбахт, келган йўлдан қолмагин,
Аччиқландим, армон билан ўлмагин,
Кетгин, бадбахт, бунда ҳаял қилмагин.



Бу сўзни Кўкаман алп эшитиб, ҳеч кимдан бундай катта гап эшитган йўқ эди, отнинг бошини буриб, йўлга кириб, аччиғига чидай олмай, отнинг устида айиқдай чинқариб кетиб бораётир. Бориб, алпларнинг ичида, Кашал ғорида кўзини ёшлаб, ўзини отдан ташлаб, отасига қинғирлик қилган

боладай, оёғини типирчилатиб, йиғлай берди. Буни кўриб, Кўкалдош акаси: – Менинг эсонлигимда сенга кимдан таадди ўтди. Агар подшоман, деб Қалмоқшоҳ таадди қилса, от устидан бориб, шоҳнинг қизини сенга олиб берайин, – деб кўнглини сўраб, бир сўз айтиб турган экан:

- Ў, кимдан таадди ўтди, Кўкаман,
Ёлғон айтма, ростин айтгин, Кўкаман,
Ёлғон айтсанг
- 1250 Ўтирик сўз сўйламагин бул замон.
Аччиқ билан мен отимни минарман,
Нор кесар олмосни белга бўғарман,
Ғайрат билан Қалмоқшоҳга борарман,
Подшоҳман деб шоҳинг қилса таадди,
Қалмоқшоҳнинг тандан бошин юларман,
Зўрлигимни бориб маълум қиларман.
Шоҳнинг қизин сенга олиб берарман,
Шоҳнинг Товка қизин олиб берарман,
Ким таадди қилса, турмай борарман,
Ундай зўрни билганимдай қиларман.
- 1260 Ёлғон айтмай, ростин айтгин бул замон,
Таадди қилганга бермасман омон,
Бориб солай унга қоронғи туман,
Қизи бўлса, олиб берай шул замон.
Оҳ уриб, тўкилиб кўзингдан ёшинг,
Нега хафа бўлиб келдинг, эмикдошим,
Қандай гапга сенинг гангиган бошинг.
Бундай кунда сенинг ҳолинг сўрайин,
Акангман-да, қариндошлик қилайин,
Қандай одам бўлса мен ҳам борайин,
Моли-мулкин бориб талон қилайин,
- 1270 Қизи бўлса, сенга олиб берайин,
Тўғри гапир, кўнглингдагин билайин.

Бу сўзни эшитиб, Кўкаман Кўкалдошга қараб, сир-аҳволини билдириб, бир сўз айтиб турган экан:

Қулоқ соп эшитгин айтган нолага,
Банда кўнар ҳақдин келган чорага,
Бедов чопсанг сувсиз койим далага,
Бегуноҳ шоҳимни қўшма орага.



- Сен эшитгин Кўкаманнынг сўзини,
Сарғайтирма мендай ининг юзини,
Ўлайин, олмайман шохнинг кизини.
Жафо тиғи букун жондан ўтибди,
1280 Айролик ханжари бағрим йиртибди,
Ўзбак қиздан бир таадди ўтибди,
Мендай ининг жуда қонлар ютибди.
Қиз ҳолиман неча лопи сўзлади,
Гапи ўтиб, бағрим кесиб тузлади,
Ул сабабдан мендай ининг бўзлади.
Кўнглим сўраб меҳрибонлик қиласан,
Кўнглим сўраб менга раҳбар бўласан,
Шул ўзбакнинг қизин олиб берасан.
Ўзбак қизин олиб бергин, кўрайин,
1290 Сенинг раҳбарлигинг мен ҳам билайин,
Бўлмаса бу юртда қандай юрайин?!
Бошимдолиб, ака, бундан жўнайин.
Сўз сўзладим, аввал қулоқ солгандир,
Ул қиз сўнгра менга изза бергандир,
Мендай ининг шунга хафа бўлгандир,
Кўнглин хурсанд қилсанг мендай полвонди,
Ўзбак қизин ининг олмоқ бўлгандир.

Бу сўзни эшитиб, Кўкалдош полвон: – А жувормак, акангнинг кўзи тирик турганда, чечанга бориб тегинсанг, шундай таадди қилади-да, пўк ейсанми унга бориб, – [деди]. Шул вақтда Қоражон келиб: – Биз қаллик ўйнаб юрган қизга сен туртиниб бориб юрибсанми? – [деди]. Кўшқулоқ алп [айтди]: – Биз қалинидан қутулиб, қалин молини бериб, олмоқчи бўлиб юрган қизга ҳар қайсинг нимага борасан уриниб?! Кўққашқа деган алп келиб, Кўкамани бир муштлади: – У қиз билан биз ваъда қилиб, ул тегмоқчин, биз олмоқчин бўлиб, ҳар қайсинг нимага борасан уриниб?! Алпларнинг ҳар қайсиси ҳам кўтарилиб: “Сенми, ўзбакнинг кизини оладиган”, – деб ҳар қайсиси бир муштлаб ўтаётир. Ҳар алпнинг мушти текканда, Кўкаманнынг устига тоғнинг чўққиси қулагандай бўлиб ётир. Алплар яна бир кўтарилиб босилди. Кўкалдош алп туриб айтди: – Бундай далада чатоқ қилиб юрганимиз бўлмас, юринглар, тўқсонимиз ҳам борайик, ўзбакнинг қизини ё биримиз олайик, ё баримиз олайик. Ўртада жовлик хотинли бўп қолайик, – деб жовлик отланди. Отини миниб, Кашал ғоридан жўнаб, Тўқайистонни оралаб, Чилбир чўлига чиқиб, кўп элга қараб, Бойсариникини сўраб, алплар бориб қолди. Ҳаммаси Бойсарининг


уйининг теварагида жам бўлди. Алплар тўпланиб турди. Тўксон алпнинг зўри Кўкалдош: – Келган бой! – деб чақирди. Бойсари уйда ўтириб эди: “Оббо, келган бойданоқ кулоғимиз тинмади”, – деди. – Лаббай, – деб уйдан чиқди. Тўксон алпнинг зўри Кўкалдош туриб айтди: – Келган бой, сенинг бир қизинг бор экан, қани, биримизга берасанми, баримизга берасанми? Биримиз олайикми, ё баримиз олайикми, ё ўртада хотинли бўп қолайикми? Шу сўзга нима жавоб айтасан? Бу сўзни эшитиб, Бойсари нима жавоб айтарини билмай, хаёли қочиб, нашъаси учиб, ўйланиб: – Ҳой алплар, эртан чошкагачайин муҳлат берингизлар, эртан чошкада айланиб келингизлар, ё бирингизга берайик, ё барингизга берайик, биз бир ўйлашиб кўрайик, – деди.

Эртан чошкагачайин муҳлат бериб алплар қайтди. Бора туриб алплар айтди: – Бу тўксонимиз бир ерда ётсак, тонг отганча мен оламан, мен оламан, деб тўбалашиб чиқармиз. Бирови: – Ўнта-ўнта бўп кетайик, – деди. Бирови айтди: – Бешта-бешта бўп кетамиз. Бирови айтди: – Учта-учта бўп кетамиз. Бирови: – Иккита-иккита бўп кетамиз, тонг отганча хангама қип ётамиз, – деди. Бирови: – Хўп биласан экан. Битта-битта бўп кетамиз, иккита-иккита бўп кетсак, ора очар қиладиган одам йўк, зўри кам зўрини бўғиб ўлдириб қўяди, битта-битта бўп кетамиз, – деди. Бу гап ҳаммасига маъқул тушди. Қоғотон тоғи дер эди. Қоғотон тоғининг тўксон дараси бор эди. Тўксон алп Қоғотон тоғининг тўксон дарасига кириб кетди. Ҳар қайсиси бир дарада бир-бирига ёнашмай, айиқдан чинқириб юрибди.

Энди Бойсари семиз қўйларни сўйиб, ўн минг уйли Кўнғирот элининг одамиман деганини жийиб, шўрвасига тўйиб, гўштини корсонга соп, олдига оп кеп қўйиб: – Бурунги кунимиз ҳам тузук экан, ишимиз соп зўрга тушди. Эртан чошка алплар келса, нима жавоб берамиз? – деб қариндошларига қараб, Бойсари маслаҳат сўраб, бир сўз деб турган экан:

1300

Оҳ тортганда кўздан оқар селоб ёш,
Барчин ойим бўй етгандир, қалам қош,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош.
Алплар келса, нима жавоб бераман,
Азали тақдирга нимиш қиламан,
Тонг отганча муҳлат олиб тураман,
Қалмоқларга қизим қандай бераман?!
Юрагим тўлгандир дийдаи ғамда,
Барчинойни тенгқурига қўшмасам,
Маҳшар куни Барчин қўли ёқамда.
Кўрдим бунда алплар жуда зўрабор,




- 1310 Бунинг билан бўлолмасам баробар,
Эрта чошка бунда келади алплар,
Бир маслаҳат, қариндошлар, беринглар.
Ўз элимда мен ҳам юрган тўраман,
Бунда келиб мусофирлик кўраман,
Бу алпларга қандай тўғри бўламан,
Қалмоқларга нима жавоб бераман?
Қаттиқ бўлди бул менинг кўрган ишим,
Фалакка етгай-да йиғлаб нолишим,
Мусофирман, энди гангиди бошим,
1320 Катта-кичик, турган бул қариндошим,
Заҳар бўлди бул менинг ичган ошим,
Ҳамманг менинг элда юрган сирдошим.
Маслаҳат бер, энди сендан сўрайин,
Бадбахтларга қандай жавоб берайин,
Азал қисмат тақдиримдан кўрайин.

Бу сўзни эшитиб, турган халойиқлардан ҳеч сазо чикмади. Бир Яртибой оқсоқол дегани бор эди. Бойсарига караб, Яртибой бир сўз деб турган экан:

- 1330 Хон Бойсари, эшит айтган сўзимди,
Бул элларга бошлаб келган ўзингди,
Тортинмай бера бер энди кизингди,
Ҳазил билма менинг айтган сўзимди.
Бу алпларни куёв қилиб оламиз,
Муна элга тоза эркин бўламиз,
Болаларни тоға-жиян қиламиз,
Қариндош бўп биз қатнашиб юрамиз,
Элнинг зўри алплар экан, биламиз,
Муна элда бизлар даврон сурамиз,
Маслаҳатни сенга шундай берамиз.
Бу юртда белгили экан бул алплар,
Алпларга муносиб сенинг қизинг бор,
Бул алпларни куёв қилмоғинг даркор,
Тортинмай қизингни, шохим, бера кўр.
1340 Жаҳонни сайил этиб бунда келгансан,
Алпнинг сўзин билиб хафа бўлгансан,
Кўнглингга оғир олиб юргансан,
Сенинг нафинг алплар қилган, билмайсан.






- Агар алплар олағойса қизингди,
 Зўр қилади бу элатга ўзингди,
 Бу алпларга бера бермоқ лозимди[р].
 Муна юртда катта бўлиб юрасан,
 Хаёлингни ҳар алвонга бўласан,
 Не сабабдан, шоҳим, хафа бўласан,
 1350 Бу зўрларга сен қизингни берасан,
 Чин бермасанг, икки бошдан ўласан,
 Сен қўрққан сўнг айтганини қиласан,
 Бекор сен ўзингни абгор қиласан.
 Аччиғланса ўяр икки кўзингни,
 Зўрлик билан олар сенинг қизингни,
 Юз дод қилсанг, эшитмайди сўзингни.
 Кўрдингми сен, алплар шундайин қайсар,
 Ҳар қайси ишқирган шундай айдаҳор,
 Бул элатда ким бўлар сенга раҳбар,
 1360 Барчинни алпларга бермоғинг даркор,
 Яртибойнинг насихати шул бўлар.

Бу сўзни Яртибойдан эшитиб, Бойсарининг кўнгли бузилиб, бу ҳам бир сўз деб турган экан:

- Юрагим тўлгандир дийдаи ғамда,
 Мусофирлик элда бўлдим шарманда,
 Азоб тортди ширин жоним бу танда,
 Ҳузур кўрмай мусофирлик маконда.
 Юрагимда кўпдир аламли дардлар,
 Менинг қизим – сенинг синглинг, номардлар.
 Қизинг бер деб менинг кўнглим бўласан,
 Суягимни ёнган ўтга соласан,
 1370 Қалмоқлардан бадтар изза қиласан.
 Хафа фалак солди бошимга зулм,
 Мусофирман, қирқ газ чўкди кўнгилим,
 Бемаҳал етмади қайтайин ўлим,
 Харобат қип мен гулистон мазгилим.
 Сўз сўзлашиб мен баробар келмасам,
 Мен ўрлашиб унга жавоб бермасам,
 Қазом етиб бундай кунда ўлмасам,
 Қариндошдан ҳеч бир нажот кўрмасам,
 Хафа бўлдим, сўзга кулоқ солмасам,



и. Бир
ўз деб



1380 Бермайман деб мен баробар келмасам,
Ғариб бўлдим келиб Бойсин элидан,
Хеч иш келмас мендай бийнинг қўлидан,
Хафалиқдан диққат бўлиб ўлдимман.
Тонг отган сўнг битар алплар муҳлати,
Зиёдадир Бойсарининг кулфати,
Маслаҳат бермади турган улфати,
Қолмади Бойсарибийнинг тоқати.

Бу сўзни Бойсари айтди. “Шу қариндошлардан жўяли нима маслаҳат чиқар экан”, – деб Барчин келиб, тинглаб туриб эди. Қариндошларининг гапирган сўзларини эшитиб, отасининг кўнгли бузилганини билиб, Барчин ҳам бир сўз деб турган экан:

1390 Жуда ҳам гангиди, бой ота, бошинг,
Маслаҳат берди-ку кавми-қардошинг,
Кўп йиғлама, жоним отам, дарвишим.
Эшитмагин қариндошлар сўзини,
Куёв қилсин тўқсон алпнинг ўзини,
Қариндошлар бера берсин кизини!
Сен йиғладинг, ота, кўнглим бузилди,
Дийда гирён бўлиб бағрим эзилди,
Хафа қилма, ота, мендай кизингди,
Кўя бер алпларга менинг ўзимди.

1400 Қалмоқларга жавоб бермоғим даркор,
Хафа бўлсанг, менинг кўнглим бузилар,
Ул алпларга мен бўларман баробар,
Хафа бўлма, ота, ўзимга бошқар,
Жазосини кўриб кетсин қалмоқлар.
Ярашиққа мен зулфимни тарарман,
Қалмоқларга гапирмоққа ярарман,
Нима деса, ота, жавоб берарман,
Хафа бўлманг, ота, кўнглинг сўрарман.

1410 Менинг учун кўп жафони кўрасан,
Булардан маслаҳат сўраб турасан,
Хўб маслаҳат берди, ота, биласан,
Гапига қандайин қулоқ соласан,
Иzza бўлиб энди кўнглинг бўласан.
Хаёлингга қийин бўлгандир ишинг,
Мен биламан жуда гангиган бошинг,




Хафа бўлма, жоним отам, дарвишим.
Хар на деб амр этсанг, ани қилайин,
Қаерда амр этсанг, бориб турайин,
Бул алпларга ўзим жавоб берайин.

Бул сўзни Барчиндан эшитиб, ўн минг уйли Қўнғирот ҳазар қилди: – Бу ҳам ўзбошимча жувормак, алпларга баланд-паст гапирар, бунинг касофатига ҳаммамизни оёқ ости қип босиб кетар. Жавоб бергич бўлса, бизнинг ичимиздан чиқиб, холис ерда туриб жавоб берсин, – деди.

Ўн минг уйли Қўнғиротдан чиқариб, Барчиннинг ўтовини кўтариб, хў, анадай овлоқ тепанинг бошига тикиб қўйди. Бул ўтовда қиркин канизлари билан Барчин ўтирди. Куннинг бурни билан Қоғотон тоғининг тўқсон дарасидан тўқсон алп йиғилиб, жам бўлиб, чошкада зинкийиб, Бойсариникига йиғилиб кеп турибди: – Қани, келган бой, маслаҳатни қаерга қўйдинг, биримизга бермоқчи бўлдингми, баримизга бермоқчи бўлдингми? Бойсари туриб айтди: – Биз маслаҳат қип, йил ағдариб кўрдик, қизимизнинг йили чичқон экан, ёши ўн тўртга чикқан экан, бизнинг ўзбакнинг расми шундай бўлади: қиз ўн тўртга чикқан сўнг ўз ихтиёри ўзида қолади, бизнинг айтганимизга кўнмай, тепанинг бошига ўтовини тикиб ўтирибди, ўзига борингизлар, ўзидан сўрангизлар, бирингизга тиями, барингизга тиями, ўзидан сўраб билингизлар.

Шунда қалмоқлар дўғилиб, Барчиннинг устига қараб бора берди. Бора бергандаги сўзи:

- 1420 Боради отлари ўйнаб,
 Бир нечаси чечан сўйлаб,
 Менга тегарми, деб ўйлаб,
 Бир нечаси муртин бураб,
 Узангига оёқ тираб,
 Боради Барчинга қараб.
 Бийнинг қизин кўрармиз, деб,
 Ҳаммаси ҳам олармиз, деб,
 Бораётир бу қалмоқлар
 Биз хотинли бўлармиз, деб.
 Бийнинг қизи бизни кўрар,
 Агар тегса хузур қилар,
1430 Бировимизни хоҳлаб олар.
 Барчин турур хурдай бўлиб,
 Тиши гавҳар дурдай бўлиб,
 Жамоллари ойдай бўлиб,



- 1440 Мисли асов тойдай бўлиб,
Сағрилари ёйдай бўлиб,
Бир минг қўйли бойдай бўлиб,
Кўзи куралайдай бўлиб,
Кўрганларнинг кўнгли тўлиб,
Канизлар билан жам бўлиб,
Ўйин, кулги, даврон суриб,
Кўнгилдан ғуборин олиб,
Канизлар кўп хизмат қилиб,
Бий қизи деб хурмат қилиб,
Суксуройим кўнглин олиб.
Ҳаммалари бирдай бўлиб,
Боғдочилган гулдай бўлиб,
Чаманда булбулдай бўлиб,
Ўтириб эди сухбат куриб,
Қалмоқ борди шердай бўлиб.
- 1450 Барчиной қалмоқни кўрди,
Канизлар кўп шошиб колди,
Қалмоқ алплари тўпланди.
“Бийнинг қизи ўтиргандир,
Келганимизни билгандир,
Бизни ихтиёр қилгандир.
Ўзидан бир сўз чиқар”, деб
Қалмоқ сўзламай тургандир.
Ийманиб бунча канизлар,
Парво қилмас Барчин дилбар,
- 1460 “Ўзи бизга сўз қотар”, – деб
Умид қилгандир қалмоқлар,
Қарамайди санам қизлар,
Ҳолин билмайди бадбахтлар.
“Бировимизни хоҳлар”, – дейди,
Тенгсалиб юрур қалмоқлар,
Ҳалак бўлгандир бадбахтлар,
Писанд қилмай ўтирибди,
Ўзбак қизи Барчин дилбар.



Қалмоқлар: “Ё бировимизга тегар, ё баримизга тегар, ўзидан бир сўз чиқар”, – деб то тушнинг олдиғачайин тенгсалиб, кўриқдан ўтиб юрибди. Неча марта кўриқдан ўтди, тўксон алпнинг зўри Кўкалдош: – Бир аҳмоқ қилмаганинг бизлар қолибмидик, ё биримизга тег, ё баримизга тег, бир

жавоб айт, биз шуйтиб тенгсалиб юрамизми? – деди. Бу сўзни эшитиб, Барчин бир сўз деб турган экан:

- 1470 Эшитгин, калмоқлар, айтган тилимнан,
Мени олар келмас сенинг қўлингнан,
Бадбахт қалмоқ, қолма келган йўлингнан.
Мени олмоққа ҳаддинг борми, қалмоқлар,
Ўз йўлингга бора бергин, аҳмоқлар.
Мени оларман деб хаёл қилмагин,
Кетгин, қалмоқ, келган йўлдан қолмагин.
Унга қурбон мендай ойимнинг жони,
Менинг тўрам, билсанг, Бойсин султони,
Оти Ҳақимбекдир, элда даврони,
Кўп айланма бунда, қалмоқ, бемаъни.
- 1480 Хабар етса алп Алпомиш келмайми,
Қалмоқларга қиёмат кун бўлмайми,
Армон билан сендай алплар ўлмайми,
Ҳолинг билиб, тўғри юрсанг бўлмайми?!
Менманликман баринг бунда келасан,
Келган билан мени нима қиласан?!
Сўз айтқичи сенга мендай муштипар,
Билсанг, мен ҳам, қалмоқ, сенга баробар.
Лочиндай айналма бунда, аҳмоқлар,
Бора бергин ўз йўлингга бадбахтлар.
- 1490 Ҳар замон тўпланиб бунда келасан,
Аҳмоқ, қалмоқ, мени нима қиласан!

Бу сўзни эшитиб, Кўкалдош алп туриб айтди: – Бу ўзбакнинг қизининг дами баланд экан. Кўкаман! Тушиб судраб чик буёққа! Кўкаман алп отдан тушиб, отни уйнинг белдовига илдириб, боғана қимиз сўраб, аламзада бўлган, уйнинг ичкарасига кирган, Барчиннинг канизлари кўркиб, уйнинг тўрида тўпланиб турган. Барчин ибо қилиб, тесқари қараб туриб эди, Кўкаман алп Барчиннинг бурумидан ушлаб, пойгага қараб торта бошлади. Барчин ўзини ўнгғариб, қўлини узатди, бир қўли Кўкамanning ёқасига етди, бир қўли билан белбоғидан тутди. “Ё, Шохимардон пирим”, – деб кўтариб, чалқарамон қилиб ерга қўйди. Чап тиззасини кўкрагига қўйиб турди. Оғзи-бурнидан дирак-дирак кон кета берди. Кўкалдош алп туриб айтди: – Кўкаманга қаранглар, бу кўринмай, бу ёққа чикмади. Ўзбакнинг кизи билан айланишиб қолдими? Шундай келиб, бирови от устидан қараб, Кўкамани кўриб: – Эй, ўзбакнинг кизи Кўкамани босиб ўлдириб

кўйибди, – деди. Бу сўзни эшитиб, бир кам тўксон алп отдан ташлай берди. Барчин алпларнинг аччиқ билан отдан тушганини билиб, қараб кўрди, алпларнинг зўри Кўкалдош эканини билди: зўрлик номига бошида тилла жиғаси бор, остида суворага миниб юрган саман йўрғаси бор. Бошидаги саржиғани кўриб, алпларнинг зўри эканини билиб, алпларга қараб, олти ойга муҳлат сўраб, бир сўз деб турган ери экан:

- 1500 Устима кийганим менинг яшил-кўк,
Ғарибликда бўлармикан кўнгил тўк,
Саман отли, саржиғали бек йигит,
Бир олтойга сиздан муҳлат сўрайин.
Калма шаҳодат мусурмоннинг тилига,
Бизлар қолдик айрилиқнинг ҳилига,
Мусофирмиз муна қалмоқ элига,
Ҳозир музтар бўлдик қалмоқ кўлига,
Мол берганим Бойсин-Кўнғирот элига.
Бир олтойга сиздан муҳлат сўрайин,
Кўнғирот элга арза бериб кўрайин,
Олтойгача мен йўлига қарайин,
Келса келар Кўнғирот элдан Алпомиш,
Келмаса, мен тақдиримдан кўрайин,
Сўнгра мен ҳам бировингман бўлайин,
Бир олтойга сиздан муҳлат сўрайин.
Олмадайин сўлган гулдай тарзим бор,
Муштипарман, сизга айтар арзим бор.
- 1510 Сизга ҳамроҳ бўпти неча йигитлар,
Муҳлат сўраб мендай ойим арз қилар,
Бир нечалар ўз холидан беҳабар,
Сен экансан, қалмоқ элда зўрабор,
Мендай қизнинг айтган сўзи шул бўлар.
Аввал обло, дуём наби бўлса ёр,
Мусофирмиз муна элда хору зор,
Муҳлат сўраб турган мендай гажакдор,
Олти ой муҳлат беринг, давлатли шунқор.
Бу гап энди Кўкалдошга хуш келар,
- 1520 Бул алпларнинг димоғи кўп чоғ бўлар.
Алпларга ёқимли Барчиннинг сўзи,
“Одамни англади ўзбакнинг қизи,
Ақлингни олади бу жоду кўзи,
Чирпиллаб ўтирди сўйлаган сўзи,



“Ал
ни х
деб
Кўка
деб
чақч
ўзба
килар
ўлар
сизла
тўкс
шу ў

деб ў
бори
ким к
боши
солса

шлай берди.
араб кўрди,
ошида тилла
р. Бошидаги
қараб, олти

1530

Кошида хизматкор неча канизи.
Айтар сўзин билмас эди бир неча,
Тар хинали келган, ўзи ойимча,
Ўйнаб-кулсанг булар билан ўлганча,
Хасратидан жафо торгар бир неча.
Сўз сўзласа, одам ақлин олганди,
Нечовлар етолмай ҳалак бўлганди,
Айтган сўзи бизга маъқул келганди,
Балки яхши билди мендай полвонди,
Шундай ойим билан қилсанг давронди,
Балки сўзи кўнгли бордай бўлганди”.

“Бизда кўнгли бор экан”, – деб Кўкалдош алп вақти хуш бўлиб:
“Алпларнинг ичида мени хоҳлагандай бўлди, балки менинг зўрлигим-
ни ҳам билди, бизга кўнгил қилди”, – деб. – Бор, олти ойга муҳлат, –
деб юборди. Ҳадди йўқ, ўзга алплар ҳам “Олти ойга муҳлат”, – деяпти.
Кўкамани қўя берди, бул ҳам ўрнидан туриб: “Олти ойга муҳлат”, –
деб бораяпти. Олти ойгача алплар бурулмас бўп қайтди, йўлда алплар
чакчақлашиб бораяпти. Бир нечаси айтади: – Қалай, Кўкамани, шу
ўзбакнинг кизини олиб берсак, оларсанми, шунинг билан ҳам ватан-рўзғор
қиларсанми, чап тиззаси кўкрагингга тегса, оғзи-бурнингдан қонинг кетиб
ўларсанми? Кўкамани алп туриб айтди: – Сизлар тарз аҳмоксизлар, мен
сизларнинг қайсингдан камман, тўқсон ботмон темирдан совут кийсам,
тўқсон ширбознинг этини таътил қилсам, тўқсон алпнинг бири бўлсам,
шу ўзбакнинг қизи айтади ҳар сўзининг ўралида:

1540

Оти Алпомиш ёрим бордир,
Элда зўраборим бордир,
Қатордаги норим бордир,
Шундайин қайсарим бордир.
Чилла кирганда маст бўлган,
Хатапга бошини урган,
Душманларнинг додин берган,
Элда зўраборим бордир, –

деб ўзбакнинг қизи ҳар сўзининг ўралида айтади, лекин бунинг норининг
бори ҳам рост, элдаги зўрининг бори ҳам рост, бунинг мояси шундай, нори
ким қандай?! Бундай тегина берсанглар, бир кунлари шунинг нори келар,
бошимизга бало бўлар, бизга чичқон ини минг танга бўп қолар. Менга
солсанглар, шунинг олти ойи ҳам курсин, ҳамишаги бўйдоқчилигимиз-

да, шу ўзбакнинг кизини чўртта қўйсақ дейман, – деди. Алплар бу сўзни айтиб, мазгилига қайтиб кетди.

Барчин ўн минг уйли Қўнғиротнинг йигитидан ўн йигитни сайлаб олди, отасининг тўксон тўқай йилқисидан ўн отни сайлаб олди, отларни совутиб, тамом қилди. Шунда шундай арза ёзди Барчин: “Олти ойчилик йўлга келдим, қалмоқнинг элига келдим, зўр ёвнинг қўлида қолдим, олти ойга муҳлат олдим, менадан умиди бўлса, Алпомиш келсин, бўлмаса, жавобимни берсин”. Арзани ўн бойбаччага топширди, отларни эгарлаб, чоқлаб, яхши бор, – деб дуо қилиб, бир сўз айтиб турган экан:

- Кечани мунаввар қилар тўлган ой,
Савашли кун тортилади парли ёй,
Бандам десин, раҳм айласин бир худой,
Кашалда талашда қолди Барчиной.
Борсанг, салом ўйнаб-ўсган эллара,
Кўкқамишдай мазгил жойим, чўллара.
1550 Қалмоқлар йиғлатди мендай санамди,
Юрагимга тўлган доғу аламди[р],
Албатта сўранглар мактаб жўрамди.
Муғойиб сўз айтар мендай муштипар,
Кеча-кундуз шабгир тортинг, хизматкор,
Жиловдоринг бўлсин имом, чилтанлар.
Бойсин юртда қолган кавму кардошим,
Бул элда сел бўлди менинг кўз ёшим,
Мусофирлик юртда гангиди бошим,
Менга ҳамдам бўлолмади ҳеч кишим.
1560 Мендайин мунглиқнинг кўнглин бўлади,
Қалмоқ бари қайғу, зулм солади,
Олти ойга Барчин муҳлат олади,
Қалмоқ элда мусофир бўп жилади.
Бир олтойга зўрдан муҳлат сўради,
Бойбаччалар хизмат қилиб боради.
Ошиқнинг фаҳмидир қоронғи кеча,
Йиғласам, ҳолима йиғлар бир неча,
Кеча-кундуз тинмай юринг, бойбачча,
Борсанг, салом ўйнаб-ўсган эллара.
1570 Кеча-кундуз тинмай йўлни олинглар,
Бий бобома бул хабарни беринглар,
Катта-кичик ҳамма дуо қилинглар,
Элда қолган қариндошни кўринглар.

сўзни

айлаб

парни


чилик

олти

масаси,


арлаб,

- Сўз айтар сизларга мендайин санам,
Қалмоқда қолмасин гулдайин танам,
Қалмоқнинг зулмидан йиғлади энам.
Худойим кечиргай қилган хатомни,
Хафа қилдим Бойсаридай отамни,
Сен бориб кўрарсан Қўнғирот элимни,
1580 Бошимдан кўтарсин қайғу, зулмни.
Қўнғирот элда бордир неча сирдошим,
Ҳамдам бўлиб бирга юрган йўлдошим,
Оға-иним, элимда денги-дўшим,
Хизмат қилинг, онсот бўлғай бул ишим.
Бу сўзни айтиб Барчин дуо қилади,
Улуғ-катта бари йиғилиб келади,
Қўл очиб буларга дуо қилади,
Элчи бўлиб Қўнғирот элга жўнади.
От белига чопар минди,
1590 Барчиннинг арзасин олди,
Ҳамма дуо қилиб қолди,
Арзачилар йўлга кирди.
Қўнғирот элга йўлни бошлаб,
Бедов боради ангишлаб,
Чопарларнинг кўнглин хушлаб,
Қамчи ургандир кулочлаб,
Остидаги араби отлар
Йўлда юрар яшин ташлаб.
Бедов отга қамчи чотди,
1600 Урган қамчи симдай ботди,
Чопарлар кистаб йўл тортди,
Неча адир, белдан ўтди,
Чопарлар қилиб ғайратди,
Кеча-кундуз шабгир тортди,
Кўрсак дейди Бойсин юртди.
Бўлиб Барчинга хизматкор,
Якин бўлар узок йўллар,
Бораётган ўн диловар,
Шуйтиб йўл тортди чопарлар.
1610 Неча дарбанд, белдан ошди,
Гоҳ йўлларда ақли шошди,
Гоҳларда йўлдан адашди,
Яна қайтиб йўлга тушди,



- 1620 Неча бел, тоғлардан ошди.
Ҳавода бор ёруғ юлдуз,
Дарёда ўйнайди кундуз,
Йўл юради кеча-кундуз.
Бедовлар селдаланг отди,
Чув-ха, деди, камчи тортди,
Остидаги араби отлар
Кунба-кун бўйнин узатди,
Совиб қорсоқдайин котди,
Йўлларнинг танобин тортди,
Не йўлларни тўзон тутди,
Гоҳи кечалар йўл тортди,
Барчин деб қилди ғайратди,
Ахтаради Бойсин юртди,
Тинмайин чопар йўл тортди.
1630 Узоқдир Қўнғирот ораси,
Ёмон тоғларнинг дараси.
Билмайди юртдан хабарди,
Чарчатади чопарларди,
Тўксон белдор тоғи борди[р].
Юриб ўтиб бораётир
Неча бир қия йўлларди.
Излагани Қўнғирот хони,
Чарчайди минган ҳайвони,
Дам бермакка фурсат кани?!
Қалмоқнинг зулми бемаъни.
1640 Барчин кўнглин олсак, дейди,
Муддатига борсак, дейди,
Бекка кўриниш берсак, дейди,
Кеча-кундуз юрсак, дейди,
Чарчаса отни урсак, дейди,
Биз ҳам инъом олсак, дейди,
Элу юртлар қандай экан,
Юриб бориб кўрсак, дейди.
Қўнғиротга қараб боради,
Қўнғиротнинг юртин сўради,
1650 Барчинойга хизмат қилиб,
Арза кўтариб боради.
Жафо қилган кўп баччалар,
Йўл тортади бойбаччалар,






“Муддатига еткизмасак,
 Хизматимиз бекор бўлар,
 Қалмоқлар Барчинни олар,
 Сўнгра бул иш қийин бўлар.
 Олтойчилик йўл дейдилар
 Қалмоқман Қўнғирот ораси,
 1660 Дуо қилиб қолиб эди.
 Бойсарининг мунглик боласи.
 Қалмоқлардан жафо кўрган,
 Қаттиқ кунда йиғлаб қолган,
 Ҳақимбекка арза берган,
 Бойбаччалар хизмат қилган”.
 Шу сўзни айтиб йўл тортди,
 Сувсиз чўлга тушиб кетди,
 Ташна бўп чопар йўл тортди.
 Кўринмас мазгили, эллар,
 1670 Одамзоддан йўқдир хабар,
 Сувсиз энди узоқ йўллар,
 Шундай кип чопар йўл олар.
 Бораётган валлакатлар,
 Бошдан кетса аломатлар,
 Биз билмаймиз элдан хабар,
 Оқшом-кундуз тинмай юрар.
 Шундай кип чопар йўл тортди,
 Қамишзор кўлларга етди.
 1680 Бунда отга дам берибди,
 Бир дам фароғат қилибди,
 Қашантириб минган отди,
 Айил, пуштанини тортди.
 Мўлжал-муддат ўтмасин, деб
 Чопар қистар минган отди.
 Қарамас отнинг бетига,
 Чидай олмас ғайратига,
 Қамчи ургандир отига,
 Етсак дейди элатига.
 Шуйтиб чопарлар йўл тортди,
 1690 Жафо тиғи жондин ўтди,
 Айролик бағрини йиртди,
 Тўзон кип йўл юриб кетди,
 Неча тоғдан турмай ўтди,




Отлар қорсоқдай қотган, тўқсон кеча-кундуз йўл торган,
 балки чопарлар от билан била битган, Қўнғирот элига Бойбўрининг
 давлатхонасига етган, от устидан туриб салом берди. Буларни кўриб,
 Бойбўри айтди: – Булар қандай одам экан, беадаблик билан салом берди
 менга. Чопарлар боғонағи аризани чиқариб берди. Аризани ўқиб кўриб
 билди, келган Барчиннинг чопари экан. Ўн маҳрамни буюрди, чопарларни
 битта-битта отдан кўтариб олди, чопарларга хизмат қилди, бул аризани
 ҳеч кимга билдирмай, олиб бориб сандиққа солиб ташлади. Чопарлар
 йигирма кун ётди, хўб иззат-икром қилиб, қилди зиёфатди, кўп қилди
 хизматди. Берган аризасидан ҳеч шобир бўлмади. Чопарлар жўнаймизга
 тушиб, чопарларга зару зебар инъом бериб, хуш келибсан қилиб, йўлга
 солиб, чопарга шундай гап тайин қилди: – Бундан кетганча, Қўнғирот
 музофотидан ўтганча, Қалмоқ вилоятига етганча, ё бир ўтинчига, ё бир
 подачига, ё чўлда юрган чўпонга “биз Барчиннинг чопари бўлар эдик”, – деб
 оғзингдан чиқарсанг, одам буюраман, кейинингдан қувиб етади, бошингга
 камчи чотади, баданингни бўздай қилиб йиртади, оп келиб дорга тортади,
 оғзингдан чиқармай кетгин, – деб бу сўзни тайинлаб, чопарларга айтиб
 турган сўзи:

- 1710 Ҳақимбекни сўраб арза берибди,
 Билдим Барчин той-талашда қолибди,
 Қалмоқлардан кўп бир азоб кўрибди,
 Унга бойбаччалар меҳнат қилибди,
 Хизмат қилиб ўнта чопар келибди.
 Чопарлар, эшитгин айтган ноламни,
 Обод қилган бунда кулбахонамни,
 Барчин учун юбормайман боламни.
 Қайтай, қилса қалмоқ қаттиқ зулмни,
 Баҳор бўлса тар очилган гулимни,
 Барчин учун юбормайман улимни.
 1720 Майдон бўлса бедов отлар чопилар,
 Чопиб келса банот жуллар ёпилар,
 Бормасин, ўғлима хотин топилар.
 Ҳеч кимга бермайин кетгайсан хабар,
 Сен билдирмай, тўғри кетгин, чопарлар.
 Сўзимни кўнглингга оғир олмагин,
 Юришинг бировга маълум қилмагин.
 Кўп яшасин, бунда беклар ўлмасин,
 Келганингни бек Алпомиш билмасин,
 Биров билиб яна хабар бермасин,
 Юришинг ҳеч элга маълум бўлмасин.




Ола деган токка етди,
 Отларнинг мазаси кетди,
 Жуда тенгсалиб йўл тортди,
 Энди кўрди Бойсин юртди.
 Олатоғдан энкайгандир,
 Кўнғирот элатин кўргандир,
 Вақтини хушлаб юргандир,
 Шундай қилиб юриб кетди.
 Тўксон кеча-кундуз ўтди,
 Отларнинг мазаси кетди,
 Булар тепсиниб ғайратди,
 Оралади бул элатди,
 Шундай қип қилди меҳнатди.
 Бойбўриникига етди.

1700



102

“Алпомиш” достони қўлёзмаси



1730

Биров билса, Алпомишга билдирар,
 Дўст йиғлатиб, душманимни кулдирар,
 Кўнғиротнинг хонин қалмоқ ўлдирар,
 Ўғлимга жанжалли қизлар не даркор?!
 Ҳолинг билиб тўғри кетгин, чопарлар.
 Билган сўзим сенга фиғон этарман,
 Билдирсанг, қувалаб сенга етарман,
 Ҳайдаб келиб сени дорга тортарман,
 Ҳолинг бил, чопарлар, бўлгин хабардор!

Бу сўзни эшитиб, чопарлар “сира ҳам оғзимиздан чиқармаймиз”, – деб йўлга кирди. “Хўб гапни гапирди, хохи бор, хохи борма, биздан бир хизмат-да, бизнинг борган-бормаганинг билан нима ишимиз бор, кетса, сенинг келининг кетади, қалмоқ олса, сенинг инингнинг кизини олади, биздан кетадигани бир йўл юрган хизматимиз-да”, – деб чопарлар йўлга равона бўлди. Булар жўнаб кетди. Жўнаганига ҳам неча кун ўтди. Булар жойлашиб ётди.


Бойбўрининг Култой деган йилкичи кули бор эди. Алпомишга энчи бир тарлон бияси бор эди. Бир ярғок кулун туғди, бул тулпор, деб Бойбўрига оп кеп берган эди. Неча йилдан бери таблада боқувли турган эди. Чопарлар келиб кетгандан кейин табладаги от сағриси тошиб, ёли кулогидан ошиб, юлдузни кўзлаб, тараккос бойлаб ўйнай берди. Бойбўри: “Шу ёмонлагурнинг ўйнагани ҳам яхшилик эмас”, – деб сағрисига уч-тўрт таёқ тушириб, табладан чиқариб, Култойнинг қошига йилкиларга оп бориб, кўшиб юборди. Йилкиларга кўшиб қайтди.

Алпомишнинг Қалдирғоч деган синглиси бор эди. Қирқин канизлари билан бир сандикни очиб кўраётди эди, бир хат чикди: бул хатни ўқиб кўрди, Барчин чечасининг хати. – Туновги ўн чопар бул хатни олиб келган экан, буни билдирмай отам сандикқа солиб қўйган экан. Юринглар, бек акама борайик, бу хатни берайик, қанча ғайрати бор экан, синайик, – деб Ҳақимбекнинг қошига келди. Бу хатни шундай берди, бир маҳрам олди. Шу вақтларда Ҳақимбек ўн тўрт ёшга кирган, маст бўлган нордай кўпик сочиб ўтирган, неча маҳрамлар хизматида турган. Бу хатни ўқиб кўрди, хатда айтибди: “Олтойчилик йўлга келдим, тўксон алпда той-талашда қолдим, олти ойга муҳлат олдим, мендан умиди бўлса, Алпомиш келсин, бўлмаса жавобимни берсин” деган хат. Бу хатни ўқиб кўриб: “Олтойчилик йўлда бўлса, қалмоқнинг элида бўлса, зўр ёвнинг қўлида бўлса, бир хотин оламиз, деб сандириб ўламизми”, – деб хатни тиззасининг остига босиб ўтирди. Қалдирғоч оғим акасига қараб, бир сўз айтиб турган экан:



1740

Менинг билан ҳамроҳ бўлган бу қизлар,
 Бирга келди бунда энди канизлар,




Ака, сенга айтадиган арзим бор,
Талаш бўпти бийнинг қизи зулфакдор.
Савашли кун тортилади парли ёй,
Мўмин кулни бандам десин бир худой,
Гамли одам тортар экан оху вой,
Кечасини ёруғ қилар тўлган ой,
Кашалда талашда қопти Барчиной.
Мард йигитнинг ёри талаш бўлами,
Эр йигитнинг ёрин қалмоқ олами,
1750 Барчин чечам талаш бўлиб қолами,
Сендай беклар бул беҳабар турами?!
Келар дебди, сендан умид қилибди,
Олти ой қалмоқдан муҳлат олибди,
Инсоф қип бадбахтлар муҳлат берибди,
Умид тортиб сенга арза қилибди,
Хат кўтариб ўн бойбачча келибди,
Англамай отама хатни берибди,
Отам хатни бул сандикқа солибди,
Энди билиб синглинг олиб келибди,
1760 Мунглуқ синглинг сенга арз қип турибди,
Қалмоқларда чечам жабр кўрибди.
Ака, айтган сўзим оғир олмагин,
Нармода ишини бунда қилмагин,
Бу ишдан беҳабар бўлиб турмагин.
Сен бормасанг, ёринг қалмоқ олади,
Барчин йиғлаб нима илож қилади,
Сўраганда излаб борсанг бўлади,
Зўр бўлган қалмоқлар унда қолади,
Шундай қип эр йигит ёрин олади.

Бу сўзни эшитиб, Ҳақимбек нармода деган гапни кўнглига оғир олиб, қизларга қараб, нармода деган гапнинг маъноси нима, деб сўраб турган экан:

1770 Жафо тиғи бу кун жондин ўтади,
Айролик ханжари бағрим йиртади,
Нармода деб қизлар кимни айтади?
Давлатимдан шоли-шолдам ўрайман,
Кеча кўрган тушим кундуз жўрайман,
Гул тарзим сарғайиб сенга қарайман,





- 1780 Нармода маъносин сендан сўрайман.
Юрагима тушди доғу аламлар,
Синглим билан бирга келган санамлар.
Сенга айтган мен ҳам бундайин сўзлар,
Кўнғирот элда ўйнаб-қулган кўп қизлар,
Синглим билан бирга келган канизлар,
Нармода деб менга сўзладинг сўзлар,
Нармода маънисин айтгин, сен қизлар.
Нармода деганга хафа бўлибман,
Нима гап эканин билмай турибман,
Кўнглима мен ҳам оғир олибман,
Ёмон сўз деб жуда хадик килибман.
Нармода деганга кўнглим бузилди,
Дийда гирён бўлиб бағрим эзилди.
- 1790 Нармода деганинг кўнглима келди,
Кўп қизлардан аканг уялиб қолди,
Эмикдошим, сенинг гапинг не бўлди?
Мендайин акангни хафа қиласан,
Нармода деб мени силкиб соласан,
Сен менга нах уриб, лопи урасан,
Жуда ҳам акангни номард биласан,
Канизларни ҳамроҳ қилиб юрасан,
Бундай бўлсанг, сен жувормак ўласан,
Нармода эканим нима биласан,
1800 Нармода деб мени айтиб турасан.



Бу сўзни акасидан эшитиб, Қалдирғоч ойим бир сўз айтиб турган экан:


- 1810 Ҳар ким ўз элида бекми, тўрами,
Нармодалар сендан камрок бўлами,
Марднинг ёри той-талашда қолами?!
Мард бўлиб майдонли кунда юрмаган,
Йилқичидан бедов сайлаб минмаган,
Олмос пўлат белга қайраб чолмаган,
От асбобин шайлаб Қалмоқ бормаган,
Қалмоқларга қаттиқ кунлар солмаган,
Той-талашда қолган ёрин олмаган,
Ўз элида бир хил гапни билмаган,
Жаҳонни сайил этиб бунда юрмаган,

- Нармодалар сендан ортиқ бўлами?
 Бу сўзимни нега оғир оласан,
 Ёринг кетса, қандай элда юрасан,
 Тирик юрмай, ака, сен ҳам ўласан.
 Яхшилик шул, гапни оғир олмагин,
 Муҳлат яқин кепти, кечга қолмагин,
 Сарсон бўлиб, бунда ўйланиб турмагин,
 Эрта юр, ишингни кечга қўймагин,
 1820 Хабар кепти, ака, бундан жўнагин.
 Мен эшитдим чечам арза тилидан,
 Ажиратиб олгин золим қўлидан,
 Хабар олгин мусофирлар ҳолидан,
 Жўна, ака, Бойсин-Кўнғирот элидан,
 Олис деб қайтмагин бундай йўлидан,
 Нимиш келсин мунглюк чечам қўлидан.
 Ёзган хати унинг шундай бўлибди,
 Тўксон қалмоқ кунда йиғилиб келибди,
 1830 Қалмоқнинг юртида улар ғарибди[р],
 Ул алплар ҳам кўп таадди килибди,
 Ул сабабдан бунда хабар келибди,
 Ака, сендан бормоқ лозим бўлибди.

Бу сўзни эшитиб: – Яёв борамизми эса? – деди. Қалдирғоч ойим: – Тўксон тўқай йилқинг бор, яёв бориб, мингани оёқ-улов топмай ётибсанми? Эгар-абзални олсанг, йилқига Қултойнинг қошига борсанг, кўнглингга ёққанини хоҳлаб миниб кета берсанг, – [деди]. Бу сўзни эшитиб: – Хайр эса, – деди. Қалдирғоч ойим эгар-абзални, совут-қалқонни, ёв-яроқ, асбобни айил-пуштанга солиб, ўхшатиб бўғиб, кўтартириб юборди. Кўтариб бораётиб эди, бой отаси овдан келаётиб эди, олдидан чиқиб қолди, қараса, ўғли кўтариниб бораёпти, отаси ҳадик олиб, бир сўз сўраяпти:

- То ўлганча сўйлаб қолган тил бўлсин,
 Ғанимнинг шавкати келиб эл бўлсин,
 Кўрар кўзим, болам, сенга йўл бўлсин?
 Эгар-абзал, анжом олиб келасан,
 Кўтариниб бунда ҳалак бўласан,
 Йўл бўлсин, жон болам, қайда борасан?
 Бировлардан бирор сўзни билдингми,
 1840 Йўкса, болам, овға талаб қилдингми,






Олис юртга, кўзим, бормоқ бўлдингми,
Хабар бер, жон болам, қайда борасан?
Белинга бойлабсан заррин пўтангни,
Худойим кечиргай қилган хатонгни,
Хафа қилиб кетма мендай отангни,
Хабар бергин, кўзим, қайда борасан?
Сен эшитгин, болам, айтган додимни,
Сабил қилиб кетма музофотингни,
Миндирайин сенга бедов отимни,
1850 Шоду хуррам қилай бул фарзандимни,
Болам, айтгин менга борар юртингни.
Мен биламан абгор бўлиб келасан,
Бир нечадан бир ёмон сўз биласан,
Тараддинг шул, олис юртга борасан,
Ҳалак бўлиб йўлда нима қиласан,
Кўрар кўзим, болам, қайда борасан?

Бу сўзни эшитиб: – Эй, закот олмай ўлинг сиз бир, – деб ўтиб жўнай берди. Бойбўри: “Оббо, бу жувормакка биров билдирган экан”, – деди. Сойма-сой уриб кетди. Бойбўри уйига етди. Келиб сандикни кўрди, сандиқ очилиб қопти, боғанағи қўйган хати йўк. Тағи минди бедов отди, сой билан паналаб йўл тортди. Алпомишга кўринмай кетди. Алпомишдан бурун Култойга етди. Култойга туриб айтди: – Алпомиш келаяпти, Кашалдан келган хабарни биров билдирибди, бул иш ёмон бўпти, лекин ўзи зўр-ку, зўр бўлса ҳам, жуда кўркок, сал дўқдан ҳам кўрқади ўзи, уриб-сўкиб, йилки бермай, дўқлаб қайтариб юборгин. Култой айтди: – Сендан амр бўлмаса, Алпомишга йилки бераманми?! – Албатта шуйта кўр, – деб Култойга Бойбўри тайинлаб қайтди. Бул гапдан беҳабар орқаланиб Алпомиш бораяпти. Култойга якин етди. Култой Алпомишни кўриб, кўнглини хушлаб, йилки боқадиган қайки таёғини қўлга ушлаб, жуда шамиён қайтариб, дўқлаб, бу сўзни айтиб, Алпомишга қараб, айтиб турган сўзи:




108

Қаерларга қилдинг талаб,
Ҳароми полвон ўпкалаб,
Момонг энанг
1860 Сўз айтади мендай ночор,
Бу йилкиларда ниманг бор?
Сенинг бу юришинг бекор,
Сенга тегмайди йилкилар,

- 
- 1870 Кет энди сендай энағар,
Юришингдан йўқдир хабар,
Бу йилқиларда ниманг бор?
Тўкайин сенинг ёшингни,
Билмайсан мендай кишингни,
Турсанг ёрарман бошингни,
Қилайин сенинг ишингни,
Кет энди турмай, энағар.
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими,
Обло сенинг ақли-хушинг олдими,
Бойбўри ўлиб, моли сенга қолдими?!
Гап эшит айтган тилимдан,
Кет энди, қолма йўлингдан,
Ҳеч иш келмайди кўлингдан,
Айрилма ўсган элингдан.
1880 Сен менинг қошима келма,
Ҳалак бўлиб бунда турма,
Бу ерда бир ниманг борма?
Сен ўзингни абгор қилма,
Бу сўзимни ҳазил билма,
Бир зўрнинг кўлида ўлма,
Бекорига сарсон бўлма,
Узоқ йўлга талаб қилма,
Ёшсан сен, овора бўлма,
Кет энди, сен йўлдан қолма.

Алпомиш бу сўзни эшитиб, Қултойга қараб, бир сўз деб турган экан:

- 1890 Бобо, сиру холим маълум қилайин,
Сиздан энди бир бедовни сўрайин,
Бедов миниб қалмоқ элга борайин,
Қалмоқ элдан ёрим олиб келайин,
Жавоб бергин, бобо, мен ҳам жўнайин.
Хабар билдим, ёрим талаш бўлибди,
Кашал юртдан бизга элчи келибди,
Барчин ойим ул ўртада қолибди,
Мендай ўғлинг, бобо, бормоқ бўлибди.
1900 Қалмоқ элга мен ҳам бориб келайин,
Бориб мен уларнинг кўнглин сўрайин,
Қалмоқларман қайтмай саваш қилайин,



- 1910 Бийнинг кизин ажиратиб олайн,
Ўйнаб-кулиб яна элга келайин,
Ўз юртимда келиб даврон сурайин.
Сен эшитгин мендай ўглинг сўзини,
Ажратиб келайин бийнинг қизини.
Сачратиб борсам миниб бир тулпор,
Ўзима ёр, бобо, сенга хизматкор,
Сенга менинг айтган арзим шу бўлар,
Бунда турмай Кашал бормоғим даркор.
1920 Рухсат берсанг, жафо тортиб бораман,
Қалмоқларман қон тўкишиб кўраман,
Олис юртга сафар қилиб бораман,
Бундан борсам, бийнинг қизин кўраман,
Йилқи берсанг, шоду хуррам бўламан,
Бобом дейман, меҳрибонлик қиламан,
Бобо, сени иззат қилиб юраман,
Бир йилқи бер, бобо, миниб бораман,
Тақдиримда нима борин кўраман,
Кетган ёрим талаб айлаб бораман,
Насиб қилса, ёрим олиб келаман.

Бу сўзни эшитиб, Қултой ҳам бир сўз деб турган экан:




- 110
1930 Хазон бўлмай боғда гуллар сўлдими,
Обло сенинг ақли-хушинг олдимди,
Ажал етиб ё паймонинг тўлдими,
Бойбўри ўлиб, моли сенга қолдимди,
Ё, энағар, ажал хайдаб келдимди?
Мендайин бобонгнинг кўнглин бўласан,
Тур, йўкол, энағар, тайин ўласан,
Бу ерда селайиб нима қиласан?
Кўп турмагин мендай бобонг қошига,
Чидай олмассан бобонгнинг ишига.
Бу сўзни айтиб марднинг ақлин олади,
Уч-тўрт таёқ қайқайтириб солади,
Еган таёқларинг йилқи бўлади!
Ҳақимбекнинг кўзи аланглаб қолади,
Жуда ҳам бир таёқ ўтиб боради.
Билмади-ку бобосининг ишини,
Пок бўлмаса ёра ёзди бошини.

- Шундай дўклуб Қултой қилди сиёсат,
Таёқ еган бекда қолмади тоқат,
1940 Ўлдирар қайтмасам, дейди валламат.
Таёқ еб Ҳақимбек ҳарба қилмади,
Бобосининг қилган ишин билмади,
Таёқ ўтиб танда тоқат қолмади.
Бул бобоси кўп сиёсат қилади,
Жуда айналтириб анча уради,
Бобом урди деди, қайтиб жўнади,
Кўтариниб қайтиб кетди йўлига.
Илойим бир Қултой кули курсин, деб
Ўлар вақти хўп бўкириб ўлсин, деб,
1950 Кетди бундан бул имонсиз қолсин, деб,
Жуда менга қаттиқ азоб беради,
Бул имонсиз аямайин уради,
Мен кетмасам таёқ ўтиб боради.

Алпомиш Қултойнинг қошидан қайтди, кўтариниб бораётиб эди.
“Булай-шулай, деб Қултой дўклуба, акам қайтиб кеп кўярдан ҳам тоймас;
ўз кўзимиз билан жўнатиб юборайик”, – деб қиркин канизлари билан
Қалдирғоч ойим келаётиб эди, олдидан чиқиб қолди. Алпомиш ерга
қараб бораётиб эди. Шундай бошини кўтариб қаради, қарши манглайига
канизлари билан синглиси кеп қопти, қизларни кўриб, уялган киши бўлиб,
эгар-абзални ташлаб юбориб, йўл устида ёнбошлаб ётди. Қалдирғоч ойим
устига бориб, бу сўзни айтиб турибди:

- Айтган сўзнинг поёмини билсанг-чи,
Кўз куюги, эй, нармода, ўлсанг-чи.
Кеча-кундуз ҳаққа фиғон этмаган,
Қиличига қирмизи қон қотмаган,
Ўз молига ўзин важи ўтмаган.
Кул деганга қаҳр қилмас бўлурми,
1960 Йилқичидан бедов минмас бўлурми,
Кул деганнинг бошин олмас бўлурми?
Қултойнинг дўқидан қайтиб келасан,
Сўраганда нима жавоб берасан,
Сен ҳам одамман деб қандай юрасан,
Уялиб ёнбошлаб йўлда қоласан.
Билсанг, Қултой йилқи боқар хизматкор,
Кўп дўқлубди, аҳволидан беҳабар.




- 1970 Сен сўрасанг, улар сенга жавобгар,
Бу юришинг, бек ака, қандай бўлар?
Одам кўрса, юришингга кулади,
Бу юришинг элга гап бўп қолади,
Жўнатмоқ бўп мендай синглинг келади,
Бу юришинг, ака, айиб бўлади.
Ётмайин ўрнингдан энди турсанг-чи,
Буйтиб турмай энди ғайрат килсанг-чи,
Бизи минан бирга-бирга борсанг-чи.
Бу сўзларни айтди шундай муштипар.
Ўрнидан тургандир давлатли шунқор.
Оҳ урганда хаста кўнглинг хушлади,
- 1980 Эгар-абзалини йиғиб ушлади,
Шул замон эгнига қокиб ташлади,
Култойкулга тағи йўлни бошлади.
Йўлга тушиб Култойкулга каради,
Урган ерда ҳали Култой туради,
Қайтай деса, бул синглиси келади,
Тағи урармикин деб кетиб боради.
Бу қизлар билмайди Ҳақимбек ўйин,
Ҳақимбек илгари, синглиси кейин,
Култойкулга бирга кетиб боради.
- 1990 Ҳақимбек қизлардан илгари ўтар,
Илгари халлослаб энди йўл тортар,
Таваккал қип бораётир муқаррар.
“Қандай бўлса, Култойкулга боради, деб,
Қайта бошдан тағи сўйлаб кўрай”, деб.

Култойнинг қошига яқинлашиб борди. Синглиси анча канизлари билан кейин қолди. Култой ҳам Алпомишни кўрди, боғонағи урган ерда Култой зинкийиб турди, яқинлаб борди. Култой тағи дўқлаб, бу сўзни айтиб кела берди:

- 2000 Бобонгнинг сўзини ҳазил биласан,
Сен ғарбачча, нега айналиб келасан,
Сен энағар, билдим тайин ўласан,
Нимишинг бор, тағи нега келасан?!
Яна биров йўлда кўнглинг бўлдими,
Тағи сенинг таёқ егинг келдими?
Сиёсат қип Култой яқин келади,





- Бек Алпомиш индамайин туради,
Хар гап бўлса, тақдирдан кўради,
Тағи келиб Қултой буни уради,
Уч-тўрт таёқ айлангириб солади,
Бунда келган одам тайин ўлади,
Алпомишга таёқ ўтиб боради.
Таёқ ўтди, хаста кўнглин хушлади,
Кўтарган нарсасин ерга ташлади,
2010 Қултойкулнинг белбоғидан ушлади.
Жафолар солгандир тандаги жонга,
Хазон бўлса, зоғлар кўнар гулшанга,
Таёқ ўтиб эди бундай султонга,
Қултойкулни чирпиб отди осмонга.
Отиб кеп юборди давлатли шункор,
Қултойкул ҳавода кўринмай кетар.
Давлатли хон шундай кўкка қаради,
Олчи-чикка бўлиб энди айланиб,
2020 Қултойкул осмондан тушиб келади.
Кўкдан келаринда Қултой не дейди:
– Армон билан ўлдим ғаминг е, – дейди.
Ерга тушиб Қултой бобонг ўлмасин,
Йилқиларинг боз боқувсиз қолмасин.
Хар не деб амр этсанг, ани қилайин,
Жуда илдамидан ушлаб берайин,
Ерга тушиб мен ҳам нобуд бўлмайин.
Бу сўзларни айтиб ҳаводан етди,
Узалиб Қултойнинг белидан тутди,
Чалқарамон қилиб ерга қўйибди,
2030 Тиззасин кўкракка қўйиб турибди.

– Бобо, қани ушлаб беринг! – Қўя бер, ўғлим, ушлаб берайин, – деди. – Йўк, ётган ерингда ушлаб берасан! – деди. – Турмасам, қайтиб ушлаб бераман, – деди. – Эса мени нимага бунча урасан? Қултой ҳам захар чол эди. Ётган ерида бир қурхайт тортди, тўқсон тўқайдаги йилқи йиғилиб қошига етди, ҳамма йилқилар жам бўлиб турибди. Добонбий бобосидан қолган кўриқни Ҳакимбекнинг кўлига берди. Ҳакимбек кўриқни кўлига олди. Бу кўриқни йилқиларга солмоқчи бўлди. “Саман сарига туш, ё олапача тўрига туш, шапақнинг зўрига туш”, – деб кўриқни солди, ёллари эшилган ипакдай бир чипор отнинг бўйнига тушди. Кўнглидаги бўлмай, отдан кўп кўнгли тўлмай: “Кўп нозик учради”, – [деб] бу отни қўйиб



юборди; яна кўриқни солди, тағи шунинг бўйнига тушди. “Бир бало киласанми, ё ёмонлаб ўласанми, менга дардисар бўп қоласанми”, – деб кўйиб юборди. Қайтариб тағи кўриқ солди, тағи шу чипорнинг бўйнига тушди. “Тақдирдаги шул экан-да”, – деб белбоғини отининг бўйнига солиб, эгар-абзалининг қошига етаклаб кела берди, эгар-абзалининг қошига бориб, у ёқ-бу ёғини кўра берди. “Қандай бўлар экан”, – деб ўйланиб туриб эди, Қалдирғоч ойим ҳам канизлари билан кела берди. Акасининг тарзига қаради. Акасининг айтгани бўлмай, отдан кўнгли тўлмай, хафа бўлиб турганини билди. Отнинг тизгинини акасининг кўлидан олиб, сағрисини силаб, у ёқ-бу ёғига қараб: “Йилқида юрган ҳар отлар бор, юлдузни кўзлаган, не отлардан кўриққа кемай, менинг тақдирим шундай ёмон отга қолган”, – деб турганини Қалдирғоч ойим билиб: – Хафа бўлма, бу отинг балки тулпор чиқар, ёмон дема, бул отинг назаркардадир, буни минган одам кўп ерларни кўради, мақсадини ҳақдан топиб қолади, – деб акасининг кўнглини кўтариб, қуллу бўлсин килиб, бир сўз айтиб турган экан:


Ўзи шундай келган экан човқар кўк,
 Қуйруғидан берисинда кири йўк,
 Минганларга бўладакан кўнгил тўк,
 Буни минсанг, ака, сенга душман йўк.

2040

Минганда ирғийди бу аргумоғинг,
 Эгар қошига солсанг олтин садоғинг,
 Боргандан тегади бодом қобоғинг,
 Қуллу бўлсин, акажон, аргумоғинг.
 Чопар от ўйнатиб бундан борасан,
 Буни минсанг, ака, йўлли бўласан,
 Қалмоқларнинг жуда додин берасан,
 Борганданок Барчинойни оласан,
 Яна қайтиб ўйнаб даврон сурасан,
 Бу отингдан кўп хосият кўрасан,
 Қуллу бўлсин, акажон, аргумоғинг.

2050

Ёмон дема, ака, Бойчиборингни,
 Кўнгилдан чиқаргин сен ғуборингни,
 Сен билмадинг бу асл тулпорингни,
 От учун бўлмагин сира кўнглингни.
 Боргандан оларсан кетган ёрингни,
 Назаркарда билгин бу тулпорингни.
 Минсанг, тангрим берар мақсадларингни,
 Обод қилсанг келиб кирдикорингни,




- Манглайин силагин бул тулпорингни.
Отинг асли назаркарда бўлади,
Бир нечалар синамайин қолади,
Қамчи урсанг учар кушни олади,
Бундай от ҳар кимда қайдан бўлади?!
Миниб кўрсанг, ака, кўнглинг тўлади,
2060 Сенинг отинг жуда белдор тўлади[r],
Қичов бўлса, олис йўлни олади,
Бул отдан, акажон, кўнглинг тўлади,
Қалдирғочнинг сўзи шундай бўлади,
Бефаросат одам нима билади,
Узоқ йўлни яқин қилиб юради,
Ахир бориб отдан кўнглинг тўлади,
Тулпорман деганлар кейин қолади,
Сенинг излаганинг шул от бўлади.
2070 Остингда ўйнаса шундайин тулпор,
Ҳеч бир душман бўлолмасин баробар,
Ғанимларнинг додин берар жонивор,
Назаркарда билгин, ака, Бойчибор,
Қолмайди кўнглингда заррача ғубор,
Барчин чечам бул йўлингга интизор,
Қичасанг, етказар назари Чибор,
Шундай тулпор миниб бормоғинг даркор.
Ҳеч бир ишни қилолмайди қалмоқлар,
Кўрганларнинг кўнгли тўлар жонивор,
Бийнинг қизи, борсанг, бўлар хизматкор.

Қалдирғоч ойим акасига бу сўзларни айтиб, отни эгарлаб берайин,
деб турган ери:

- 2080 Оша элга ошган тортар хўрликни,
Бек Алпомиш қилар бугун эрликни,
Бисмилло, деб солди отнинг устига
Кимхоби майиндан бўлган терликни.
Мард бўлганлар қарайдакан дурбини,
Усталар ишлатар пўлат қирғини,
Шул замонда солди отнинг устига
Зарлию зарбобдан бўлган чиргини.
Чиргининг устидан қўйди белликни,
Боз устидан солди жаҳалдирикни.





- 2090 Муллалар ўқийди зеру забарни,
Усталар чопади теша-табарни,
Бисмилло, деб солди отнинг устига
Тилла корсон, қоши олтин эгарни.
Эл кўчириб Олатовдан оширди,
Сирин айтмай душманлардан яширди,
Иккови ҳам тилладандир узанги,
Яркиллатиб икки ёкка туширди.
Қишман ёз ўртаси хишшай саврди[r],
Ёмон одам мудом қилар ғовурди,
- 2100 Лоф айтганга ботмондан ҳам овирди[r],
Бисмилло, деб солди отнинг устига
Чочоғи зумратдан зарли давирди.
Гана-гана бандаларинг жойилди[r],
Худо қилган ишга банда қойилди[r],
Ой Қалдирғоч тортди отнинг белидан
Сирти ипак, ичи майин айилди.
Чув, десанг, ўзади осмонда қушдан,
Ҳеч камлик бўлмаса йўрға юришдан,
Бисмилло, деб тортди отнинг белидан
- 2110 Ўн саккиз куббали чағатой пуштан.
Абзалининг бари ола қайишдан,
Сағрисига ташлаб карки қуюшқон,
Ҳар куббаси келган катта таркашдан.
Отлантирмоқ бўлди шундайин бекни,
Гарданига ташлаб ўмулдирикни.
Абзаллаган отни кўриб қувонди,
От бошига солди тилла юганди.
Отни силаб кўп парвариш қилади,
Параққос қип оти ўйнаб туради.
- 2120 От сағрисин бул канизлар силади,
Бойчиборни хўб абзаллаб бўлади,
Ой Қалдирғоч олиб келган либосни
Кийгин, дейди, Ҳакимбекка беради.
Қиз бола шум бўлар, шундай ўйлабди,
Шул замон кийгизди майин кўйлақди,
Боз бостириб кийди бул киш телпақди.
Юракдан кечириб оҳ билан войни,
Кийгизди устига яхши сарпойни.




Шундай қилиб, кийинтириб, кескир қиличларни белига бойлаб; Арпали қўлидан отлана берди. Алпомишнинг Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биринчдан бўлган парли сари ёйи бор эди. “Мабода душманнинг юртида ёй тортишадиган кун бўларми, одам билмайди, керак бўп қоларми”, – деб ёйни эгарнинг қошига солиб олди. [Қалдирғоч] акасини отлантириб, от-анжомини чоклаб, яхши бор, деб бул сўзни айтиб турди:

- 2130 Қайда борсанг, Шоҳимардон ёр бўлсин,
Ўникимом, чилтон жиловдор бўлсин,
Душманларинг кўрса сени зор бўлсин,
Соғ бориб, саломат келгин, бек оға.
Мен мунглюкман, кўзда селоб ёшимди[r],
Бундан бориб олгин гул бувишингди,
Кўнғирот элда қилгин ўтиришингди,
Эсга олгин мендай эмикдошингди.
Эшитгин қулоқ соп айтган нидога,
Ишингни солганман қодир худога,
Соғ бориб, саломат келгин, бек оға.
- 2140 Худойим сақлагай бандани омон,
Ғариб қулга эгам бўлгай меҳрибон,
Хонасилло дуо қилдим бул замон,
Соғ бориб, саломат келгин, Алпинжон.
Эмикдошим, эшит айтган тилимди,
Соғ-саломат Қалмоқ бориб кел энди,
Келиб обод қилгин кирдикорингди,
Йиғлатмагин эна, ғамхўрларингди,
Сен бориб оларсан излаб ёрингди,
Келиб обод қилгин ўсган шаҳрингди.
- 2150 Остингда ирғиса араби тулпор,
Бу йўлда кўрмагин, акажон, хатар,
Сенинг дуогўйинг мендай муштипар.
Эл кўчириб Олатовдан оширдим,
Улуғланиб остонага бош урдим,
Боргин, эмикдошим, ҳаққа топширдим.

Бу сўзни эшитиб, Ҳақимбек Қултой бобоси билан, Қалдирғоч синглиси билан хўшлашиб, бир сўз деб турган экан:

Мен кетарман ёрим излаб,
Бу жароҳат бағрим тузлаб,



Ёлғизман, бўтадай бўзлаб,
Бобом Қултой, хуш қол энди.

2160 Кетсин мендан оху войим,
Обод бўлсин мазгил-жойим,
Дуо қилган қиблагойим,
Отам Қултой, хуш қол энди.

Ёр савдоси келди ғолиб,
Мен кетарман бошим олиб,
Билмам неча кун йўл юриб,
Қалмоқ борарман ахтариб,
Қалмоқ бориб ёрим кўриб,
Отам Қултой, хуш қол энди.

2170 Бизман бирга ҳамдам бўлган,
Бир эмчакни бирга эмган,
Акам деб эргашиб юрган,
Умид тортиб бунда келган,
Мунглик синглим, хуш қол энди.

Сенга етгай аканг сўзи,
Чўлларда тўрт наркас кўзи,
Сарғаймасин гулдай юзи,
Излаганим бийнинг кизи,
Жоним синглим, хуш қол энди.

2180 Жаҳонни сайил этиб юрсам,
Душманларнинг додин берсам,
Яна қайтиб элга келсам,
Эмикдошим, сени кўрсам,
Кеп юрима эга бўлсам,
Бунда келиб даврон сурсам,
Эмикдошим, хуш қол энди.

Бундан кетсам бедов миниб,
Ошсам тоғлардан йўл юриб,
Яхши, ёмон элни кўриб,


2190 Душман кўрсам саваш қилиб,
Душманларнинг додин бериб,
Неча кун Қалмоқда туриб,
Қалмоқларга келсам ғолиб,
Шаҳрига ғалағул солиб,
Мен кетсам ёрим ахтариб,
Кетган юртларини кўриб,
Қариндошлар ҳолин сўриб,



Мени кўрса шодмон бўлиб,
Катта-кичик хурсанд бўлиб,
2200 Барининг вақти хуш бўлиб,
Бир нечаси ёрдам бериб,
Бунда қолинг дуо қилиб,
Меҳрибонлар, хуш қол энди.

Бу сўзни эшитиб, Қалдирғоч ойим ҳам бир сўз деб турган экан:

Бир нечук номардга кўнгил бермагин,
Лодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Йўлда номардларни ҳамроҳ қилмагин.
Қулоқ солгин мендай синглинг нолишига,
2210 Эгам раҳм айласин кўзда ёшига,
Ёмонни йўлатма отнинг қошига,
Банда кўнар тангри қилган ишига,
Аччиқ қилиб урма отнинг бошига.
Қулоқ соп эшитгин айғон нидога,
Ўлим навбат етар шоҳу гадога,
Соғ бориб, саломат келгин, бек оға.
Ёринг билан бўлсин элда суҳбатинг,
Тоймасин бошингдан тожу давлатинг,
Сен келганча обод бўлсин элатинг,
2220 Сен кетган сўнг қолмас менинг тоқатим,
Юз алвон ўйнайди минганда отинг,
Ярқиллар белингда кескир пўлатинг,
Кўлга тегсин излаган паризодинг.
Сендай акам меҳнат тортиб боради,
Ўлмаган дунёнинг ишин кўради,
Кетган элнинг бари хизмат қилади.
Барчин чечам ҳар кун йўлга қаради,
Олтойгача сенга интиқ бўлади.
Сен етмасанг, қабоҳат кун бўлади,
Агар етсанг, бари ҳурмат қилади,
2230 Сенинг билан бирга бўлиб туради,
Бир бўп турсанг, душман нима қилади?!
Қасд қилса ҳам ул анқайиб қолади,
Жами ўзбак бир оғиз бўп кўради,
Мендай синглинг дуо қилиб туради,
Соғ бориб, саломат кел, деб қолади.



Ҳар қайсиси билган сўзини айтиб, омонлашиб, хўшлашиб, йўлга кириб, йўлда айтиб бораётган сўзи:

- 2240 Дубулға бошда дўнгуллаб,
Карк кубба қалқон қарқиллаб,
Тилла поянак урилган,
Узангиларга ширқиллаб.
Бедов отлари дирқиллаб,
Олғир кушдайин чарқиллаб,
Кўлда найзаси сўлқиллаб.
Юрмакчин узоқ йўлига,
Қарамай ўнгу сўлига,
Етсам деб ёрнинг элига.
Силтаб юради Бойчибор,
Яқин бўлар узоқ йўллар,
Йўл юрар давлатли шунқор,
Қалмоқ юртини ахтарар,
2250 Ёлғиз кетди бундан шунқор.
Ҳақимбек қилди ғайратди,
Қилади отга шиддатди,
Чу, ха, деди, қамчи чотди,
Изғор чўлни тўзон тутди,
Йўлнинг танобини тортди.
Қир келса қилпиллатди,
Арна келса ирғитди,
Ўр келса ўмганлатди,
Шуйтиб Ҳақим йўл тортди.
2260 Кўрсам деб кетган элини,
Излаб ёрнинг мазгилини.
Тоғларда бордир заранги,
Эгнида бордир паранги,
Ойлар ҳам тошдай қоронғи.
Оҳи чекиб ҳар дам кундуз,
Йўл юргандир кўп кулотуз,
Ё кеча тинмайди кундуз.
Ҳай, равшан кўзларин ёшлаб,
Ғанимининг сирин фошлаб,
2270 Қамчи уради кулочлаб,
Остидаги Чибор оти
Олиб қочди сувлуқ тишлаб,




- Суриб боради анғишлаб,
 Айроликқа бағрин доғлаб,
 Ёрнинг юртини сўроглаб,
 Шункор белин маҳкам бойлаб,
 Неча гапни йўлда ўйлаб,
 Ёлғиз боради айхайлаб.
 Бек Ҳакимнинг баҳрин очди,
 2280 Оти суриб олиб кочди,
 Неча бир тоғлардан ошди,
 Йўлларда мавж уриб тошди,
 Ҳар тарафга аланглашди,
 Кўрганларнинг ақли шошди.
 Қалмоқ элга борсам, дейди,
 Бийнинг кизин кўрсам, дейди,
 Лабдан болин сўрсам, дейди,
 Борганимдан олсам, дейди,
 Куёв бўлиб турсам, дейди,
 2290 Қичаб йўлни юрсам, дейди,
 Мен отимни урсам, дейди,
 Ҳаялламай борсам, дейди,
 Ўйнаб даврон сурсам, дейди,
 Талаш қилган у зўрларнинг
 Жазосини берсам, дейди,
 Иш кўрсатиб келсам, дейди,
 Бориб андай қилсам, дейди,
 Барчинойман юрсам, дейди,
 Борганимдан кўрсам, дейди,
 2300 Қайтиб элга келсам, дейди,
 Юртга эга бўлсам, дейди.
 Боради элнинг тўраси,
 Гумбурлар тоғнинг дараси,
 Урушли кун бўлган вақтда
 Ингрантар найза яраси,
 Бораётиб хон каради,
 Кўринди бир тўп қораси.
 Бул қорани Ҳаким кўрди,
 Кўрингани узок йўлди[r],
 2310 Бўлжаёлмас майдон чўлди[r],
 Кўринган қора ким бўлди?
 Қистайди Бойчибор отди,

Қилар отга сиёсатди,
Кун пешин ҳаддига етди,
Тўрт кеча-кундуз йўл тортди,
Кўринг шундай валлакатди,
Ул қорага яқин етди.
Кун пора-пора бўлган вақтда
Бек Ҳаким етиб борибди.

У қора боғонағи келган ўн чопар эди. Ўн чопар Ҳакимбекни кўриб: “Оқ юзли, обрўли бўлдик”, – деб отдан тушиб, таъзим қилди. Бул чопарларни кўриб: – Сизлар аста-аста кета беринглар, – деб ўта берди. Ҳакимбек илгари ўтиб кетди, чопарлар кейин қолди. Ўз ихтиёрича юриб, кўнглида: “Бирор кеча окшомлайдиган ер бўлса”, – деб бораётиб эди, қараса, бир ерда ёруғ чиқиб турибди. Отнинг бошини буриб юборди. Ёруғ чиқиб турган ерга борди. Борса, бир кўҳна мазорот экан. Бу чилтонларнинг бир мазгилгоҳ жойи эди. Ҳакимбек чилтоннинг мазгилгоҳ жойи эканини билмади. “Кеч қолган одам мазоротда ётади, дегич эди. Шул мазоротда ётсаммикан, ё шу ердан кетсаммикан?! Беҳуда одами йўқ мазоротда ётишлигим қандай бўлади экан, беҳуда ётсам, бу ўликларнинг мен билан иши бўлмаса, меҳмон келди, деб мендан хабар олмаса. Шу ёруғ чиқиб турган ерга бир савол қилайин. Мен буларга ўзимни билдирайин”, – деб савол қилиб турган экан:

- 2320 Мени билсанг кўнғиротларнинг оғаси,
Бошимда бор эди зардан жиғаси,
Ёз бўлса, яйловим Аму ёқаси,
Мен бўламан Бойсин-Кўнғирот тўраси.
Ассалом алайкум, аҳли кубурлар,
Бир кеча мазгил-жой сиздан сўрайман,
Осмонда арвоҳлар, кўкда малаклар,
Бир кеча мазгил-жой сиздан сўрайман.
Бедовимнинг баданинда тер борми,
Давлатлининг юрагида чер борми,
2330 Бирор кеча кўниб ўтар ер борми?
Ҳориди остимда тулпор, бедов от,
Ўз элимда мен ҳам юрган валлакат,
Сўз сўрадим бунда ётган мазорот,
Ётсам мен бир кеча соғу саломат.
Кўп йўл юриб менинг сўлган тарзим бор,
Излаб юрган элда сарвинозим бор,



- Аҳли кубур, сенга айтар арзим бор.
Тўра бўлиб ўз юртимни сўрайман,
Сиёсатман элу халкка қарайман,
2340 Куйган кулман, гапни гапга улайман,
Бир кеча мазгил-жой сиздан сўрайман.
Кеча-кундуз ҳаққа фиғон этайин,
Фалак сарсон қилди мени, қайтайин,
Мозоротга савол килиб ўтайин,
Бир кеча бу ерда қўниб ётайин.
Узоқ йўлда меҳнат тортиб юраман,
Рухсат берсанг, мозоротлар, қўнаман,
Сўрасанг, гапингга жавоб бераман.
Мени билсанг, Қалмоқ элга бораман.
2350 Рухсат берсанг, бу мазгилга қўнаман,
Бирор кеча фароғатни оламан,
Элдан чиққан мен ҳам шунқор бўламан,
Парвоз килиб бунда учиб келаман,
Қаерда жой бўлса бориб қўнаман,
Ёлғиз юриб кўп йўлларни оламан,
Ҳориб-чарчаб бемаҳалда келаман,
Бир кеча ётмоққа толиб бўламан,
Бу сабабдан мазгил сўраб тураман.
Ёлғиз юриб бўтадайин бўзлайман,
2360 Ғаним кўрсам, кесиб бағрин тузлайман,
Аслим шердир, бир мазгил-жой излайман.
Ассалом алайкум, аҳли кубурлар!
Мендай тўра маҳтал бўлиб туради,
Тун коронғи, бевақт бўлиб боради,
Кўнар фурсат энди якин келади,
Гўристондан бу мазгил-жой сўради,
Бул ёриқдан биров чиқиб келади,
Келаётган одамзодни кўради.
“Қандай одам?” – деб бунга қаради,
2370 Неча сўзни Ҳаким бундан сўради:
– Худойим сақлагай бандани омон,
Ғариб кулга эгам бўлгай меҳрибон,
Мозоротда юрган одам саргардон,
Ётоқ жой сўраган мен ҳам сарсонман,
Бу сўзларни айтиб турган Ҳакимхон,
Қандай одам сен, келасан бул замон?






2380 Менга хабар бергин сен ҳам наслингдан.
Давлатимдан шоли-шолдам ўрайин,
Қандай жонзот эканингни билайин,
Агар душман бўлсанг, бошинг олайин,
Сени мазоротнинг бири килайин,
Хабар бергин сиру холинг билайин.
Рози бўлиб мен ҳам тақдир ишина,
Одам бўлсанг, бери келгин қошима,
Душман бўлсанг, қилич солай бошинга.

Ул ёриқдан чиккан киши: – Бу ерда отингизга жой бор, ўзингизга жой йўқ, – деди. Ҳақимбек: – Отимизга жой бўлса, ўзимизга жой бўлмаса, бекор экан-да, – деб туриб эди, яна бир киши чиқиб: – Берман ҳайдай беринг, ўзингизга ҳам жой бор, отингизга ҳам жой бор, – [деди]. Бу ер чилтанларнинг мазгилгоҳ жойи эди. Шохимардон пири чилтонларнинг суҳбатида эди, шу вақтда равзага жўнаб кетиб бораётди эди. Шохимардон пири чилтонларга айтди: – Бул бачча бизнинг муридимиз бўлади, бугун сизларга меҳмон бўлди, кўнглини наза қилмай, вақтини хушлаб жўнатингизлар. Шу гапни айтиб, Шохимардон пири жўнаб кетди. Чилтонлар кўнглини хушлаб, отнинг жиловидан ушлаб, Бойчиборни таблага тортиб ташлаб, Ҳақимбекни чилтонлар суҳбатига бошлаб, бекнинг вақтини хушлаб ўтирди. От кокиб, йўл юриб борган одам, чилтанлар суҳбатида ўтириб-ўтириб уйку олиб кетди. Чилтонлар: – Бу бачча Шохимардон пирнинг муриди экан. Бизнинг суҳбатимизда бўлди, вақтини хушлаб олмадик, – деди. Чилтонлар илми каромат билан Чилбир чўлидан, Ойна кўлидан, баҳмал ўтовда ухлаб ётган еридан, Барчиннинг руҳини олиб келди танидан. Алпомиш мунда ухлаб ётибди, ухлаб ётган еридан бунинг ҳам руҳини танидан олди. Алпомишнинг руҳи билан Барчиннинг руҳини ўртада бир ерга қўйди. Бир коса шароби антахур чилтонлардан Барчиннинг руҳига тегди. Барчиннинг руҳи шаробни қўлига олиб, Алпомишни кўриб, бир ўзи ичгани кўнгли бўлмай, Алпомишнинг руҳига олинг-олинг қилиб, бу сўзни айтиб турган экан:


2390 Олинг, аллаёр-аллаёр,
Келинг, аллаёр-аллаёр,
Бўлинг, аллаёр-аллаёр.
Коса ушлаб қўлим толди,
Бийнинг қизи маҳтал бўлди,
Кўнглингиз кимдан қолди,
Боқолмай юрдик сабилди,





Хон тўрам, сизга не бўлди,
Олинг, аллаёр-аллаёр.
Шундай бўлди Барчин сўзи,
Кийганим гулгун кирмизи,
Ақлингдолар жоду кўзи,
Қаватида йўқ канизи,
Коса берар бийнинг қизи,
2400 Кўнғирот бекнинг сарвинози,
Бойсин элнинг добулбози,
Келинг, аллаёр-аллаёр,
Коса берар ойимчалар,
Боғдочилган гулгунчалар,
Жафо қилди кўп гаччалар,
Ҳалак бўлган бекбаччалар,
Коса берган ойимчалар.
Узатдим коса оз – тўлмас,
Олмасангиз сира бўлмас,
2410 Ичмасангиз ойим қўймас,
Бўлинг, аллаёр-аллаёр.
Кўлим толди, косани олинг,
Узоқ турмай яқин келинг,
Келиб менинг ҳолим билинг,
Тақдир этса, даврон суринг,
Бу сўзимни, хоним, билинг.
Яқин кел менинг қошима,
Понза рўмолим бошима,
Кўл узатгин оқ тўшима,
2420 Бўлинг, аллаёр-аллаёр.
Кўнғирот элдан бундан келган,
Ёрин излаб ҳалак бўлган,
Ҳали ёринг дучор келган,
Қаддингдан айланай, полвон,
Қалмоқлардан жафо кўрган,
Ёринг ҳам интизор бўлган,
Барчин ойим янги кўрган,
Бўлинг, аллаёр-аллаёр.
Баҳорда очилган гуллар,
2430 Гулга сайраган булбуллар,
Кўнғирот элдан келган шунқор,
Коса бериб мендай дилбар,





Янги сизга келдим дучор.
Бунча бизни ҳалак қилманг,
Баччадай кўнгилни бўлманг,
Ўзингизни олис билманг,
Ер овлоқдир, ҳадик олманг,
Бўлинг, аллаёр-аллаёр.
2440 Ғамли кун тортдим оҳу вой,
Бандам десин кодир худой,
Хўб бир овлоқдир мазгил-жой,
Бу ерда ўйнаб-кулгудай,
Бул кеча даврон сургудай,
Ҳаялламай тез бўлгудай,
Бўлинг, аллаёр-аллаёр.

Барчиннинг руҳидан бу сўзни эшитиб, Алпомишнинг руҳи ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Сенинг кўнглинг бизда бўлса,
Кўнғирот элдан Қалмоқ элга
Келмам, аллаёр-аллаёр.
2450 Сенинг берган шаробингни
Олмам, аллаёр-аллаёр.

Сенинг учун абгор бўлиб,
Мен ўтларга жоним солиб,
Янги мен ҳам сени кўриб,
Бу мазгилда дучор келиб,
Сен гажакдор коса бериб,
Ичмайман косангни олиб.
Сенга етқай бекнинг сўзи,
Арзим шулдир бийнинг кизи,
Ақлимдолган кора кўзи,
2460 Олмам, аллаёр-аллаёр.

Сенинг берган шаробингни
Ичмам, аллаёр-аллаёр.
Тархинали, нозик белинг
Кучмам, аллаёр-аллаёр.
Мен ҳам Қалмоқ элга бориб,
Душманларнинг додин бериб,
Қалмоқ элда ишлар қилиб,
Мард бўлиб майдонда туриб,
Қилган ишим барча кўриб,




- 2470 Дўсту душман қойил бўлиб,
Шул куни шаробинг олиб,
Шунгачайин, бийнинг қизи,
Ичмам, аллаёр-аллаёр.
Шул кун бўлса, бўлар даврон,
Ҳозир иш қилмайман пинҳон,
Кўп мени қичама, жонон,
Олмам, аллаёр-аллаёр.

Бу сўзларни икковининг руҳи бир-бирига айтди, кечаси файзи саҳар вақтига етди. Чилтонлар Барчиннинг руҳини олиб кетди, Чилбир чўлида, Ойна кўлида, бахмал ўтовда, ухлаб ётган ерида Барчиннинг руҳини ҳам танига киргизиб қайтди. Алпомишнинг руҳини ҳам танига киргизди. Эрта-мертан тонг отди. Оқшом кўрган одамлар йўқ, бир ўзи қопти. Қадимгидан сертараддуд бўлиб, бийнинг қизини тушида кўриб: “Оққува келган, қизил чиройли, хўб баркамол, яхши қиз экан”, – деб отланиб ётибди.

Барчин ҳам канизларига кулиб ўтирибди: – Бий бобомнинг ўғли тушима кирибди, икковимиз бир ерда ўтирибмиз, пок бўлмаса, ит йиқилиш бўлайлик деб қоппиз, анча гаплашибмиз, – деб вақти хуш бўп ўтирибди. Алпомиш тушида ёрени кўриб, йўлда қичаб бораётгандаги сўзи:

- Бойчибор отини миниб,
Кетди шундай йўлга кириб,
2480 Чилтоннинг суҳбатин кўриб,
Боради вақти хуш бўлиб,
Бедов отга қамчи уриб,
Барчин ойим деб ахтариб,
Ёрени олмоққа толиб,
Ҳар замонда ғайрат қилиб,
Адир йўллар ҳавор бўлиб,
Олис юртни яқин қилиб,
Бораётибди йўл юриб,
Ҳар замон чўлда оҳ уриб,
2490 Қалмоқ юртини ахтариб.
Етсам деб Чилбир чўлига,
Олмос пўлати белида,
Кўп қичар олис йўлига,
Етмоққа ёр мазгилига,
Душман чиқолмас йўлига.
Қайда бўлур ёр мазгили,



- 2500 Яқин қолди Қалмоқ эли,
Кўринади Чилбир чўли.
Чилбир чўлга назар солар,
Губор-қоралар кўринар,
Яйлаб ётган элибойлар,
Аник эмас мазгил-жойлар.
Бедов отга камчи уриб,
Ҳар ерда молларни кўриб,
Яқин деб вақти хуш бўлиб:
“Энди етиб келдим, дейди,
Қалмоқ юртин кўрдим, дейди,
Мен ёримни олдим, дейди,
Агар душман дучор келса,
2510 Қайтмай саваш қилдим, дейди.
Жазосини бердим, дейди,
Кетган элга келдим, дейди.
Чилбир чўлин билдим, дейди,
Чўпонларга келдим, дейди,
Энди етиб қолдим”, – дейди,

Қалмоқ элида, Чилбир чўлида бораётиб эди. Бир ерда тўксон кўра кўй ёйилиб ётибди. Бу тўксон кўра кўй Бойсарининг кўйи эди, тўксон кўра кўйнинг чўпонининг маҳмаданасини Кайқубод кал дер эди. Кайқубод саришин-қилтоб кал эди. Кайқубодга караб, шул орага бир элибой келдими, деб Алпомиш сўраб турибди:

- 2520 Ассалом алайкум, чўлда чўпонлар,
Устига кийгани эски чопонлар,
Қағанокқа тўйиб ётган гуппонлар,
Шул орага бир элибой келдими?
Бир облога еткай анинг ноласи,
Қирқ мингча бор хайдаб юрган галаси,
Унда эди Кўнғирот элнинг тўраси,
Шул орага бир элибой келдими?
Ғамли кулнинг ўйлайдиган ўйи бор,
Давлатманднинг гургумадор тўйи бор,
Бир белгиси бахмал ёпган уйи бор,
Чанғароғи ғўла, абжуш чийи бор,
Шул орага бир элибой келдими?
Ғам билан сарғайган гулдай юзи бор,



126



128

тур


2530 Кўтонида кўй-кўзининг изи бор,
Бир белгиси ой Барчиндай қизи бор,
Шул орага алп қизли бой келдими?
Ҳар гапимнинг бордир шукрилиллоси,
Беш юз норга юк бўлади тилласи,
Шундай бойнинг бизмиз куёв боласи,
Бу элга тортимли бойлар келдими?
Олис йўлдан келиб бунда карайман,
Давлатим бор, шоли-шолдам ўрайман,
Шул бойларни, чўпон, сендан сўрайман.

2540 Хазон урмай боғда гуллар сўлдими,
Сўлган гулга булбул келиб кўндими,
Қилган ишим ҳаққа қабул бўлдими,
Мендай беклар савол сўраб турдими,
Хабар бергин, бунда бойлар келдими?

Бу сўзни эшитиб, Алпомишга қараб, Кайкубод ҳам бир сўз деб турган экан:

2550 Кулок солгин чўпон айтган нолишига,
Яхши кўнар тангри қилган ишига,
Чопар кетди Кўнғирот Алпомишига,
Сўраганинг Бойсарибой бўлмасин.
Қирк мингча бор хайдаб юргал галаси,
Унда экан Кўнғирот элнинг тўраси,
Энди бўлди одамнинг бечораси,
Сўраганинг Бойсарибой бўлмасин.
Ғам билан сарғайган гулдай тарзи бор,
Кўтонида кўй-кўзининг изи бор,
Белгиси шул, Барчинойдай қизи бор,
Сўраганинг Бойсарибой бўлмасин.
Ошиқнинг фаҳмидир қоронғи кеча,
Йиғласа, холига йиғлар бир неча,

2560 Талашиб ётибди тўксонта гачча,
Талаш бўлиб ётир Барчин ойимча,
Сўраганинг Бойсарибой бўлмасин!
Ҳар гапининг бўлса шукрилиллоси,
Беш юз норга юк бўлади тилласи,
Шундай бойнинг бизлар чўпон боласи,
Сен бўлмагин ўзбак элнинг тўраси?!



- 2570 Сўраганинг Бойсарибой бўлмасин.
Бунда Бойсарини сўраб турасан,
Ҳар на десанг, гапга жавоб берасан,
Сени билдим, олис йўлдан келасан,
Бойсариникини сўраб борасан,
Бойсарининг бир яқини бўласан.
Олмос пўлат айрилмайди белингдан,
Қахрлансанг ҳар иш келар кўлингдан,
Бойсари деб кепсан ўсган элингдан.
Созандалар созин чертар кўл билан,
Ёмон одам куйдиради тил билан,
Сени билдим, Бойсарини сўрадинг,
Бора бергин ёлғизоёк йўл билан.
2580 Ҳар тарафга кўз юбортиб карайсан,
Бунда келиб Бойсарини сўрайсан,
Бойсарини кўрмоққа толиб бўласан,
Шул йўл билан кетсанг, тўғри борасан.
Тарзингга қарайман бир лочин шунқор,
Остингга минибсан назари тулпор,
Сен бўлибсан ё бировга харидор,
Бойсарига йўлиққудай ишинг бор,
Йўл кўрсатар сенга турган чўпонлар.
Шу йўлдан бурилмай тўғри борасан,
Кўлни ёқалаган элни кўрасан,
2590 Ҳеч ёққа чикмасанг, тўғри борасан,
Бойсарининг бахмал уйин кўрасан,
Кеч бўлса ҳам юрсанг, етиб қоласан,
Сўраб бориб бахмал уйга қўнасан,
Бойсари қариндошни бориб кўрасан.




Бу сўзни чўпонлардан эшитиб, Алпомиш айтди: – Кун бевақт бўлди, бемахал борган меҳмоннинг иззати, обрўйи бўлмайди, бугун мен сизларнинг қўшхоналарингда ётайин, эртанги сўнг туриб кетайин. Бу сўзни эшитиб: – Шу йўловчи бизга айлана берди, Қўнғиротдан келаётган Алпомиш езнамиз чиқиб қолса ҳам ажаб эмас, – деб чўпонлар кўнглини хушлаб, Бойчиборнинг жиловидан ушлаб, езнасини меҳмон қила бошлаб, остига шим билан кебанакни тўшаб ташлаб, зиёфатга қўйни сўйди. – Чарчаб келгансиздир, езна, суяниб ўтиринг, – деб хуржуни билан унни опкеп қўйди. Езнасини меҳмон қилиб сийлади. Бойчиборни оқ шувокқа бойлади, Алпомиш бу гапни айтди: – Қайқубод, Чибор отим сенга омонат,

омонатга қилмайсан хиёнат. Мен ётиб ухлайман, эртанги сўнг топиш қиласан соғу саломат. Кайқубод ҳам отга хабардор бўп ўтирди. Алпомиш чўпонларнинг қўшхонасида ухлаб ётди. Кечаси файзи сахар вақтига етди, сахар вақти чўпонларнинг қўшхонасида ётиб бир туш кўрди. Излаб бораётган Барчин ёри, бул ҳам бахмал ўтовда ётиб, субҳи содиқ тукқан вақтда бир туш кўрди. Кашал ғорида, тўксон қалмоқнинг ичида Қоражон алп ҳам бир туш кўрди. Учовининг туши олдин-кейин, дўғилиш кўрди. Аввал Алпомишнинг туши: Бир қусармас пири тушида бу сўзларни айтиб билдирди:

- 2600 Ҳақимбек кирганди ўн тўрт ёшига,
Мехмон бўлди чўпонларнинг қўшида,
Ул кечаси файзи сахар бўлганда,
Расули худони кўрди тушида.
Маст уйқуда ётиб эди бу шунқор,
2610 Фафлатдан кўзини очди Искандар,
Кўзига кўринди расул пайғамбар,
Бу сўзларни расул пайғамбар айтди:
“Адашган умматим, шафқатдорингман,
Таниб қолгин, расул пайғамбарингман,
Умматларни мудом йўлга солурман”.
Бу сўзларни эшитиб Ҳақим шу замон:
“Пайғамбарим, эшитинг оху зоримни,
Сабил қилмам элда кирдикоримни,
2620 Ҳали ололмайман Барчин ёримни,
Кўролмадим Шохимардон пиримни”.
“Ғам ема, умматим, – деди пайғамбар, –
Остида дулдули, белда зулфиқор,
Жиловида Бобо Қамбар жиловдор,
Ғамингда отланди Шохимардон пирлар,
Ғайратингдан бўзлаб кетар қалмоқлар,
Ҳеч ким бўлмас сенинг билан баробар,
Сенга тақдир қилди Барчин зулфакдор”.
Бу сўзни эшитди ётган Искандар,
2620 “Раҳм айлаб юборди хол қилган жаббор,
Ҳамма пирлар бўлди сенга мадақор,
Кўнглингдан кетади бир зарра ғубор”,
Бу сўзларни айтиб расул пайғамбар.

Бу сўзни ётган ерида маълум қилиб кетди. Эрта-мертан тонг отди. Барчин ҳам кўрган тушини Суксурой канизига айтиб турибди:




- 2630 Хазон бўлиб боғда гуллар сўлганда,
Жон жасаддан бир беқарор бўлганда,
Зиён ётиб, раҳмат тошар бўлганда,
Раҳмат дарё айна тошиб келганда,
Туш кўрибман файзи сахар бўлганда.
Қибла бетдан бир ой туғиб келади,
Ойнинг гирдин тўртта юлдуз олади,
Тушимнинг табири қандай бўлади?
Бу тушни кўргандир мендай муштипар,
Ер юзини тутиб кетди айдахор,
Ёмон деманг, яхши жўранг, канизлар.
Бул тушни кўргандир мендай қаламқош.
Кўркқанимдан кўтардим уйқудан бош,
Келаётир маст туяман айдахорлар аралаш,
Ёмон демай, яхши жўранг, канизлар.
Чўлларда кўринди қирқта айдахор,
Қирк айдахор бир бургутни кўтарар,
2640 Шул бургут келиб тушди қошима,
Қанотининг учи тегди бошима.
Бир нечалар ушлаб турди қўлимнан,
Айдахорлар тишлаб турди тилимнан,
Қайсар йўлбарс пайдо бўлди кейнимнан,
Қочсам, қўймай маҳкам қисди белимнан,
Ёмон демай, яхши жўранг, канизлар.
Бахмал уйнинг чанғароғи ўйилди,
Мендаин ойимнинг зулфи ёйилди,
Орқамдаги чочбовматим туйилди,
2650 Солиб қўйган бул тўшагим жийилди,
Ўйлаб кўрсам, кўрган тушим қийинди[р],
Бул тушнинг табири, қизлар, не бўлди?
Ёмон демай, яхши жўранг сабилди.

Бул сўзни Барчиндан эшитиб, Суксурой канизи тушининг табгирини айтиб турибди:

Хафа бўп мунғайма, сендай муштипар,
Бу тушингга бўлмайсанми харидор,
Қибла бетдан бир ой туғиб келсалар,
Ой эмасдир, ул ҳам расул пайғамбар,
Ой гирдинда тўртта ёруғ юлдуз бор,



- Юлдуз эмас, тўрт чориёр мукаррар,
2660 Ер юзини тутиб кетса айдахор,
Маккадин Машрикқа кулли эранлар.
Бул тушни кўрганди сендай калам кош,
Кўркқанингдан уйкудан кўтарсанг бош,
Кела ётса маст туяман айдахорлар аралаш,
Мадинада ўттиз уч минг саҳоба,
Фотма дер, Зухра дер, канизи дарға,
Раҳм айлаб юборди хол кўйган обло,
Бул тушингга бўлмайсанми харидор.
2670 Чўлда кўрган бўлсанг қирқта айдахор,
Қирк айдахор қирк чилтон пирлар бор.
Кўтарган бургути бобонг Чибори,
Устида карчиғай Ҳаким шункори,
Шул бўлар, бувишим, тушинг табири,
Эртан чошқа келар бобонгнинг ули.
Бойчибори ем емайми кўлингнан,
Вакиллари савол сўрар тилингнан,
Қочсанг, нега сени кўйсин Алпомиш,
Бахмал уйда маҳкам қисар белингнан.
2680 Бахмал уйнинг чанғароғи ўйилса,
Мен билувда тўксон қалмоқ сўйилса,
Сендайин ойимнинг зулфи ёйилса,
Тўксон алпнинг қони ерга қуйилса,
Тўранг келиб душманнинг додин берса.
Хафа бўлмай, мудом ўйнаб-кулгин-чи,
Қадингдан, бувишим, берман келгин-чи,
Шукрилилло, яхши тушни кўрибсан,
Бу тушингга, ойим, бергин суюнчи.
Тушингнинг табири шундай бўлади,
Эртан чошқа қайсар тўрам келади,
2690 Сенинг кўнглингдаги бўлиб қолади,
Сендай ойим бунда ўйнаб-кулади.
Тушин айтиб суюнчини сўради,
Суюнчига Барчин тилла беради,
Суксуройнинг вақти хуш бўп қолади,
Тушининг табири шундай жўради,
Ҳаммаси ҳам ўйнаб-кулиб туради,
Келмаса ҳам келгандай бўп қолади.
Энди келар дейди, умид қилади,



2700

Уйдан чиқиб шундай йўлга каради,
Тушни жўраб вақти хуш бўп туради,
Барчинойнинг вақти хуш бўп боради.

Суқсур канизи эртан чошкада бобонгнинг ўғли келар, деб тушининг табирини жўради, Барчиннинг ҳам жуда димоғи чоғ бўп қолади, келмаса ҳам келгандай бўп, кулиб-ўйнаб туради.

Алпомиш чўпонларнинг кўшхонасидан отланиб келаётиб эди. Тойчи вилоятида, Қалмоқ музофотида, Чилбир чўлида Муродтепа деган тепаси бор эди, хаддили баланд тепа эди, устидан қанотли қуш учиб ўтолмас эди, ҳар қандай одам чиқиб, оёқ ости қилиб кетолмас эди. Шул тепани кўриб, Алпомиш ирим чекиб: “Шу тепага отимни солайин, иркилмай тепага отим чиқиб кетса, боргандан ёримни оламан, чиқолмаса, бориб нима қиламан, борган билан бекор аҳмоқ бўламан, пешонамни шу ердан синаб кўраман”, – деди. Отни тепага тўғри қилди, туёғидан чилтонлар ҳамми берди, қирк минг отнинг дубири пайдо бўлди. Алпомиш кўнглида ёрини олмаса ҳам олганча бўлиб қолди. Тепанинг устига чиқиб қараса, ўн минг уйли Қўнғиротнинг эли кўриниб турибди, отни қовдонга қўя бериб, тепанинг бошида ёнбошлаб, Бойсарининг уйига тиклаб ёта берди.


Боғонағи туш кўрган Қоражон қалмоқ номоз вақти ўрнидан калима айтиб турди. Қоражоннинг калима айтиб турганини бир кам тўксон алп кўриб: “Ошпичоқ, қалампир, Қоражон тентак бўп қопти”, – деб бир кам тўксон алп: – От торт, – деди. Кўлга караб овга чиқиб кетди. Қоражон ўн уч маҳрами билан чўлга караб овга чиқиб кетди. Бул Алпомиш тарафга караб бораяпти. Қовдон еб ётиб, хоннинг Чибор оти шундай каради: Қалмоқ тарафидан ўн тўрт қора отнинг кўзига кўринди. Бул қорани кўриб, отнинг чайнаб ётган қовдони ҳам томоғидан ўтмай қолди. Отнинг кўнглидан кечгани шул бўлди, кўнглига шундай келди: “Бу келаётган отлар тулпор бўлса, устига мингани душман-кофир бўлса, Алпомиш мени миниб кочса, кейинимдан кувиб етса, бир шўрнинг ёлғиз ўғли ўладиган бўлди-да”. Хоннинг Чибор оти тоза тингнаб каради. Қараса, ўн тўрти ҳам тайпанглаб, йўртиб келаётир, туёғи ерни туртиб келаётир. Бул отларни кўриб: “Қувсам, етаман экан, кочсам, қутулиб кетаман экан, устима минган мардимни, чин ажал қамсаб келмаса, фалокатдан озод қип кетаман экан”, – деб қарсиллатиб қовдонни ура берди.

Қоражон Муродтепанинг остига келиб қолди. Шундай тепанинг бошига каради. Тепанинг бошида Юсуф талъатли, Рустам сифатли, бир човқар отли биров ёнбошлаб ётибди. “Бу бизнинг Қалмоқ вилоятининг одами эмас, бундай йигитлар Қалмоқ юртида бўлса, бекликда, подшоликда бўлар эди. Илгаридан ҳам бирди-ярим кўзима тушар эди. Магар қирк



чилтон билан расул пайгамбар мени мусурмон килиб, кавм-қариндошини тушимда руҳима кўрсатиб, мени дўст қилган, Қўнғиротдан келаётган Алпомиш деган комилбачча шул бўлмаса”, – деб Алпомишга қараб, бир сўз деб турган экан:

- Остингда юз алвон ўйнайди отинг,
Душманни ўртайди шоҳлик шавкатинг,
Йўл бўлсин, бекбачча, қайда борасан?
Остингда бедовинг ҳаллослар кушдай,
Аччиғинг чиллали музлаган кишдай,
Норкалла келгансан чуйда кўшмушдай,
Норкалла полвоним, қайдин бўласан?
Юрагингда бордир ғусса-аламинг,
2710 Хуржунингда балки куръон-каломинг,
Сипоҳи сатангим, қайдин бўласан?
Мударис эшоним, қайда борасан?
Қийғир деган куш ўтирар киёда,
Жасадинг бор Рустамдан ҳам зиёда,
Ғайратингдан шоҳлар юрар пиёда,
Хабар бер, бекбачча, қайда борасан?
Тепанинг бошида сенга қарайман,
Борар жойинг мен ҳам сендан сўрайман.
2720 Жамолинг ўхшайди осмонда ойға,
Қошингни ўхшатдим эгилган ёйға,
Жасадинг ўхшайди бўз қарчиғайға,
Ёнбошлаб ётишинг минг кўйли бойға,
Бойбачча сифатлим, қайдин бўласан?
Бино бўлдинг қайси гавҳар донадан,
Сендай йигит бино бўлмас энадан,
Парвоз қилдинг қайси мазгилхонадан,
Баланд парвоз хоним, қайдин келасан?
Мундай бўлди менга ҳақнинг фармони,
2730 Сени тукқанларнинг борми армони,
Душман кўрса кетар энди дармони,
Аслинг одам десам, беҳишт ғилмони,
Қарчиғай чангаллим, қайдин бўласан?
Мен билмадим ўйнаб-ўсган юртингни,
Англамайман келган мамлакатингни,
Янги бунда кўрдим сендай мардимни,
Қоражон дейдилар менинг отимни,



Баланд билдим сенинг сибсатингни,
Хабар бер, бекбачча, кайда борасан?

Қоражондан бу сўзни эшитиб, Алпомиш ҳам Қоражонга қараб, бир сўз деб турган экан:


- 2740 Мени билсанг, кўнғиротларнинг оғаси,
Бошимда бор эди зардан жиғаси,
Ёз бўлса, яйловим Аму ёқаси,
Мени билсанг, Кўнғирот элнинг тўраси.
Кўкқамиш кўлидан суксур учирдим,
Суксурни излаган лочин бўламан,
Боғларим зумратдан, чангалим пўлат,
Бойсиндан қуёлган шунқор бўламан.
Бойлигидан бедов отни бойлаган,
Танга тайлаб Олатовни ёйлаган,
Камбағали қирқ минг гала ҳайдаган,
2750 Шул галада бизнинг бир моя келган,
Моянинг йўқчиси, нори бўламан.
Ҳасратидан ғамга тўлдим оҳ уриб,
Олтойчилик йўлдан келдим ахтариб,
Чилла қирмай, чирқилларман маст бўлиб,
Чайқарман хатапга бошимни уриб.
Жафолар соларман тандаги жонга,
Хазон бўлса зоғлар кўнар гулшанга,
Ажалли касратки тегар илонга,
2760 Индан чиқиб пишак билан ҳазиллар,
Магар ажал камсаб келса чичқонга,
Қалмоқ кўрсам отаман-ку осмонга,
Қалмоқларга келган бало бўламан.
Бойсин-Кўнғирот дейди ўсган элимни,
Бадбахт қалмоқ, эшит айтган тилимни,
Соларман бошинга қаттиқ зулимни,
Кўп сўрадинг сен менинг мазгилимни.
Асли Кўнғирот дейди менинг юртимди,
Лақабим Алпомиш, отим Ҳакимди[r],
Не биласан, сен сўрайсан юртимди,
2770 Қоражон деб хабар бердинг отингди.

бўлса, кўтарилма, лоппи ўзбак экан”. “Қалмоқларга келган бало бўламан” дегани Қоражонга ботиб кетган эди. Алпомишга қараб, Алпомишни синаб, бир сўз деб турган экан:

- Учирган суксуринг Ойкўл кўнибди,
Тўксон ғажир ўртага олиб турибди.
Ёш ўғлонсан, бекор ҳалак бўласан,
Ғажирлар иложин қандай қиласан?
Бекор ҳалак бўлиб бунда келасан,
Ғажирлар чангида тайин ўласан,
Ҳолинг билмай, сен ҳам сарсон бўласан.
Ҳар бир сўзни бунда лоппи урасан,
Ўлар йўлга юрган тентак бўласан,
2780 Осмондан тушгандай бўлиб келасан,
Англамайсан, кўтарилиб турасан.
Лоф уриб сен ҳам менга қарадинг,
Моячам деб сўнгра мендан сўрадинг,
Сўрадинг, моянгдан дарак берайин,
Билганимни сенга айтиб берайин.
Нор, моянг юрибди Чилбир дашида,
Минг беш юз тиллалик овсар бошида,
Кўрдим тўксон алпнинг той-талошида,
Нор, моянг шу кунда доврук устида.
2790 Мундайғачоқ шунғут ўзбак бўласан,
Тўксон алпдан хоназодни оласан,
Жуда ҳам бир ўзбак йўлли бўласан,
Нор, моянгни кўрсанг, завқ кип қоласан,
Нор, моянгни болалатиб борасан.
Алплар билан, кўрсанг, саваш қиласан,
Айрилиб моянгдан сарсон бўласан,
Бул алпларни нима илож қиласан,
Йўлиққан сўнг сен зўрлигин биласан,
Бекор ҳалак бўлиб бунда келасан.

Бу сўзни Қоражондан эшитиб, Алпомиш кўнглига оғир олиб: “Тўксон тоғдан ўтиб, бунинг учун меҳнат тортиб, бул қалмоқларнинг алпи билан аралашиб қолиб, балога йўлиқиб юрган экан, бу қалмоқ менга билиб гапиргандир, бориб шарманда бўлгунча, бормаи, шу ерданок кайтиб кета берсаммикан”, – деди. Алпомиш кўнглига оғир олганини биллаб, танимаган киши бўлиб, мен сени бировга ўхшатиб турибман, деб [Қоражон] бир сўз айтиб турган ери:





2800 Билдим кўнғиротлик зотингни,
Малакдаин суратингни,
Қовдон еган отингни
Мен бировларга менгзадим.
Моячам деб сўрганингни,
Галман жавоб берганингни,
Рустам каби мужгонингни
Мен бировларга менгзадим.
Ширин суханли тилингни,

2810 Пажаси узун кўлингди
Мен бировларга менгзадим.
Калласи катта бошингни,
Ҳақ деб чиққан нолишингни,
Бургутдай ўтиришингни
Мен бировларга менгзадим.
Жасаду тана, тўшингни,
Имо билан кулишингни,
Қийилган қалам қошингни
Мен бировларга менгзадим.

Алпомиш бу сўзни эшитиб, аҳмоқ қалмоқ, мени сен кимга менгзадинг, –
деб, бул ҳам бир сўз сўраб турган экан:

2820 Билсанг кўнғиротлик зотимни,
Малакдаин суратимни,
Қовдон еган отимни
Қалмоқ, сен кимга менгзадинг?
Бадбахт, сен кимга менгзадинг?
Моячам деб сўрганимни,
Галман жавоб берганимни,
Рустам каби мужгонимни
Аҳмоқ, сен кимга менгзадинг?
Ширин суханли тилимди,

2830 Билагимдаги зўримди,
Пажаси узун кўлимди
Қалмоқ, сен кимга менгзадинг?
Бургутдай ўтиришимни,
Калласи катта бошимни,
Менинг юрган юришимни



2840

Аҳмоқ, сен кимга менгзадинг?
Жасаду тана, тўшимни,
Имо билан кулишимни,
Қийилган қалам қошимни,
Оҳ тортган нолишимни
Қалмоқ, сен кимга менгзадинг?
Аҳмоқ, сен кимга менгзадинг?

Алпомишнинг аҳмоқ, бадбахт, деган сўзи Қоражонга жуда ўтиб кетди, ғайрати ғайратга етиб, ўтдай тутаниб кетиб, баданининг туклари совут-қалқонини тешиб ўтиб, тағи ўзига тасалли бериб, бу сўзни айтиб турибди:


2850

“Инжилма, кўнглим, сабр очар,
Бесабрдан давлат қочар,
Давлат эшигин сабр очар,
Инжилма, кўнглим, сабр айла.
Келма мени, малъун, босиб,
Қилма жаннатни бенасиб.
Очилмайин гулинг сўлсин,
Малъун шайтон, бўйнинг синсин,
Мени бунча шердил қилма,
Дўст бўлганимни не билсин.
Келмагин, малъун, янашиб,
Кетибман ақилим шошиб,
Менман бўлибман адашиб,
Бу сўзларга ақлим шошиб,
Кетмайин дарёдай тошиб,
Инжилма, кўнглим, сабр айла”.

Қоражоннинг Алпомишга қараб, айтиб турган сўзи:

2860

Билдим кўнғиротлик зотингни,
Малақдайин суратингни,
Қовдон еган отингни
Бойчиборларга менгзадим.
Моячам деб сўрганингни,
Галман жавоб берганингни,
Рустам каби мужгонингни
Алпомишларга менгзадим.



- 2870 Ширын суханли тилингди,
Билагингдаги зўрингди,
Панжаси узун кўлингди
Бойсариларга менгзадим.
Калласи катта бошингни,
Билдим мен қилган ишингни,
Бургутдай ўтиришингни
Бойбўриларга менгзадим.
Ҳақ деб чиққан нолишингни,
Жасаду тана, тўшингни
Кунтуғмишларга менгзадим.
Имо билан кулишингни,
Қийилган қалам қошингни
- 2880 Қалдирғочларга менгзадим.


Бу сўзни эшитиб: – Аҳмоқ қалмоқ, илгари мени кўрибмидинг, ё менинг билан ҳамсуҳбат бўлибмидинг, ё бизинг кўзини боқиб, бизникида етим-метим юрибмидинг? Бойсарини ўз элингда кўргансан, мени бу ерда кўриб турибсан, отамни ҳам дала-даштда кўрсанг, кўргансан, сен етим юрмасанг, уйдаги энамни, синглимни қаёқдан билдинг? – деди. Қоражон айтди: – Мен сени кўрганим йўқ, сенинг билан ҳамсуҳбат бўлганим йўқ, мен ҳам хотинингга талашиб ётган тўқсон алпнинг бири бўламан. Қулфи дилимни худо очди, мусурмон бўлдим. Қирқ чилтон билан расул пайғамбар қавму қариндошингни тушимда кўрсатиб, сенинг билан мени дўст қилди. Ул сабабдан биламан. – Дўст бўлган бўлсанг, эса яқин бўп қолган экансан, тепанинг устига чиққин, кўришайик. Қоражон айтди: – Бу тепанинг устига чиқадиған камолга етишганим йўқ, сен тепадан тушгин, мен кўришайин.

Отни етаклаб, тепадан тушиб кела берди. Қоражон маҳрамларига амр қилди: – Дўстим билан кўришгин, – деб. Маҳрам халқи нозик келади, кўл учидан кўришаётир. Қалайсан, деб сиқинқираб юборди, маҳрамларнинг панжаси бир-бирига ёпишиб, қапишиб, янчилиб кетди. Қоражон билан Алпомиш ёйди кулочди, иккови хулқи муҳаббат билан кўришди: – Қалайсан, дўстим, омонсанми, – деб сиқинқираб юборди, Қоражоннинг етти қобирғаси синди, иши тинди, таппа тушиб ётиб қолди. Алпомиш айтди: – Нима қилди, дўстим? Қоражон сир бермаган киши бўлиб: – Бола кунда тутадиган куёнчиқ касалим бор эди, шул шу вақт тутиб қолди, – деди. Алпомиш айтди: – Белгили касал бўлса, тузалиб ол эса. Қоражон айтди: – Ростингни айтгин, шул кўришганингми, ё уришганингми? Алпомиш айтди: – Нима қилдинглар, уришаман, кўришганим эди. –



Кўришганинг шул бўлса, уришганинг қандай экан, – деб Қоражон бир сўз деб турибди:

- Кўлин қисиб маҳраминни қочирдинг,
Белим қисиб қовурғамни шиширдинг,
Армон билан
- 2890 Дўстим, сенинг зўрлигинга қойилман.
Сендай беклар Қўнғирот элдан келади,
Шўри қисган сенга дучор бўлади,
Бу сенга йўлиққан қалмоқ ўлади,
Сенинг билан ким баробар бўлади?
Остингда ирғийди бу арғумоғинг,
Эгарнинг қошида олтин садоғинг,
Боргандан тегади бодом қобоғинг.
Ирғитсанг Бойчиборингни,
Боргандан оласан Барчин ёрингни,
Ўлдирасан бунда душманларингни,
Мен ҳам кўрдим сендай зўраборимни.
Гам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Бир нечалар ўз ҳолидан беҳабар,
Хеч ким бўлмас сенинг билан баробар,
Янги бўлдим сендай полвонга дучор.
- 2900 Бекор аҳмоқ бўлиб юрур қалмоқлар,
Сендай зўрга сира бўлолмас дучор,
Дучор бўлса, ўлиб кетар шўрлилар.
Улар ҳар қайсиси юрур лоф уриб,
Аҳмоқ бўлиб, бекор элни кулдириб,
Сени кўрса қолар ҳолини билиб.
Меҳнат тортиб бизнинг юртга келасан,
Қандай душман бўлса, додин берасан,
Зўрликни ўтказиб ёринг оласан,
Аччиқлансанг, ҳар бир ишни қиласан.
- 2910 Отинг Ҳаким экан, ўзинг зўрабор,
Бизнинг юртга келган сендай айдахор,
Хеч бир алплар бўлолмайди баробар.
Мен эшитдим, дўстим, сенинг тилингни,
У тегмаса, сен қилмайсан зулмди,
Боргандан оласан Барчин гулингни,
Ўйнаб-кулиб, дўстим, даврон сур энди.
Мен ҳам эдим тўқсон алпман баробар,



2920 Яхши ишман мен кўришдим муқаррар,
Йўқ эди кўнглингда бир зарра ғубор,
Сенга қойил бўлдим мендайин номдор.
Бизнинг юртда сенга йўқдир баробар,
Аҳмоқликда ўлиб кетар қалмоқлар.


Бу сўзни эшитиб, Алпомиш бир сўз деб турган экан:

2930 Бу сўзларни менга айтиб турмагин,
Алп Қоражон, менга ҳийла қилмагин.
Кофирмисан, сенинг ўзинг мусурмон,
Сен динингдан баён айла бу замон.
Сендайин ночорнинг кўнглин бўларман,
Ҳийла қилсанг, сенинг додинг берарман,
Шумлик қилсанг, балки бошинг оларман,
Бир калмани жарий айтгин, Қоражон,
Ҳийла қилсанг, қабоҳат кун соларман.
Тангри бир, расул барҳақ, деб калма айтсанг,
Калити шул: очар жаннати ризвон,
Имон ҳамроҳ қилиб ўтсанг дунёдан,
Хизмат қилар сенга хур билан ғилмон.
Кофир бўлсанг, борар жойинг жаҳаннам,
Калма айтиб дарров бўлгин мусурмон,
Ҳийла қилсанг, мен ҳам бошинг оларман.
2940 Ҳолинг билиб, менга ҳийла қилмагин,
Айёрлик кип, кофир бўлиб юрмагин,
Бу сўзимни, калмоқ, ҳазил билмагин.
Ажал келса, тебранади танда жон,
Кетгай бошимиздан қайғули туман,
Мўмин қулга эгам бўлгай меҳрибон,
Бекорига ўлиб кетма, Қоражон,
Калма айтиб билдир менга бу замон.
Сен билмайсан менинг қилар ишимни,
Кўздан тўкай мунда сенинг ёшингни,
Душман бўлсанг, мен кесарман бошингни,
2950 Калма айтиб сен чиқаргин довшингни.
Қалмоқни аҳмоқ, деб аҳмоқ бўлмагин,
Ҳийла қилиб бул олдимда турмагин,
Беҳуда ўзингни абгор қилмагин,
Бир калмани жарий қайтар, Қоражон,
Сен беҳуда кофирликда ўлмагин.



Бу сўзни эшитиб, Қоражон калма жарий айтиб, иккови бўлақдан кўришиб, дўст бўлиб, Алпомишни меҳмон қилмоқчи бўлиб, чодирига эргаштириб бораётгандаги сўзи:

- 2960 Азаматлар олмос бойлар дастига,
Беклар минди бедов отнинг устига,
Давлатли шунқорни олиб жўнади.
Ғамли қуллар тортадикан оҳу вой,
Ўн тўрт ботмон биринчандир парли ёй,
Эгарнинг қошига солиб боради,
Кўрган қалмоқ бунга ҳайрон қолади.
Қоражон югуриб хизмат қилади,
Маҳрамлари йўл бошқариб боради.
Давлат қўнса бир чибиннинг бошига,
Семурғ қушлар салом берар қошига,
Етсам дейди яна гул бувушига,
Беклар рози бўлар тақдир ишига.
2970 Эшитгандир Ҳакимбекнинг сўзини,
Кучук босмас йўлбарс-шернинг изини,
Эси бор билади гапнинг тузини,
Излаб келган Бойсарининг кизини.
Бораётган Қўнғирот элнинг ботири,
Қоражоннинг қирқ аймақли чотири.
Шовқимға ирғийди араби тулпор,
Бораётган шундай давлатли шунқор,
От чопади йўл бошқариб маҳрамлар,
Чодирга бошлади Қоражон қайсар,
2980 Билла бўлган Ҳакимбекдай дўсти бор.
Ҳар тарафга қушдай бўйлаб қаради,
Қалмоқ юртин назар солиб кўради,
Тўқайистон ерда кетиб боради,
Тўқайни оралаб йўлни юради,
Қоражонбек бошлаб кетиб боради.
Не гап келар одамзоднинг ўйига,
Остидаги Чиборини ўйнатиб,
Етди Қоражоннинг мазгил-жойига.
Қоражонбек мазгилига етади,
Югуриб бекка хизмат қилиб ётади,
2990 Канизлар йиғилиб бари етади.
Меҳмон бўлмоқ бўлди ўзбакнинг ўзи,
Келди Қоражоннинг қирқта канизи.



Канизларига Қоражон: – Отдан тушириб ол, – деб амр қилди. Канизлар кўлтиғидан ҳамин бериб, отдан тушириб олмоқ бўлиб, Алпомишнинг шўхлиги келиб, канизларга салмоғини солиб, канизларнинг ўн беши майиб бўлиб, ўн бешининг бути айрилиб, заиф бўлиб, бари ҳам шундай бўлиб қолди. Қоражонникида Алпомиш меҳмон бўлиб ўтирди. Қоражоннинг энасининг кўзи тушиб, Қоражонга қараб, бир сўз деб турган экан:

3000 Қоражонбек, болам, бежо қилибсан,
Зўр ўзбакни қайдан топиб келибсан,
Англамайин, болам, дучор бўлибсан,
Душманни уйинга меҳмон қилибсан.
Нега, болам, бундай ишни қиласан,
Одамхўр ўзбакни топиб келасан,
Сўнгра, болам, кўп пушаймон қиласан,
Бу ишингдан наф топмайин қоласан.
Лодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин,
Бул ўзбакка меҳрибонлик қилмагин,
Дўст тутиб сен бул қошида турмагин.
Оша юртдан келган экан зўрабор,
Бундай меҳмон, болам, сенга не даркор!
Аччиғланса, болам, сени ўлдирар,
Бу энангнинг насиҳати шу бўлар,
Ҳар на деса, айтганига кўндирар.
3010 Сурхайил дер эшит айтган сўзимни,
Қоражонбек, аҳмоқ билдим ўзингни.

Шунда Қоражон энасидан бул сўзни эшитиб, бул ҳам бир сўз деб турган экан:

3020 То ўлгунча яратганга рост бўлдим,
Ўз феълимдан чўпу хасдан паст бўлдим,
Худони ўртага солиб дўст бўлдим.
Келган меҳмон сенинг ўғлинг бўлади,
Ундай десанг, эна, кўнглим қолади,
Худога урдириб, оси бўлади,
Дўстнинг меҳри жуда иссик келади,
Ҳар ким қайтса, худога оси бўлади,
Худо қилган ишга банда кўнади,
Мазгилига ўғлинг айтиб келади,
Зарул эмас, сени нима қилади,
Дўст отини бунда тутиб туради,

- Ўй дема, энажон, айб бўлади,
Кўнғиротнинг шунқори келиб кўнади,
Эшитса, кўнглига оғир олади.
Бундай сўзни, эна, сўзлаб келасан,
Сен менинг дўстимни душман биласан,
Бундай бўлса сен имонсиз ўласан,
Кўй, бетовфик гапни нима қиласан,
3030 Кимни кўрсанг, ғаним билиб юрасан,
Кўнглингга маъкул деб сўйлаб келасан,
Эна, мудом гап еталаб юрасан.
Бошдан бошга сен тинмаган балосан,
Аёл-эркак кўрсанг, чаток қиласан,
Ҳамиша, энажон, шундай бўласан,
Ўз феълингга тўғри юрсанг, ўласан,
Шу сўзни кўнглингга маъкул қиласан,
Ким кулиб гапирса, яхши кўрасан,
Шундайғачок гап ташигич бўласан,
3040 Қариганда ифвогарлик қиласан,
Ўзинг шундайғачок юрган балосан,
Бу сўзни гапириб нима қиласан?!

Алпомиш Қоражонникида меҳмон бўлиб ётди, Қоражон қилди зиёфатди, югуриб қилиб ётир хизматди. Эрта-мертан тонг отди, кун чошка ҳаддига етди. Алпомиш туриб айтди: – Қоражон, бизнинг бунда келиб ётганимизни Бойсари не билсин, сен Бойсариникига томон бориб келсанг, бир хабарини билиб келсанг, қизини бизга берадигандай бўлса, жовчи бўлиб келсанг, қандай бўлса, менинг келганимни бир билдириб келсанг. Қоражон: – Мен қандай от миниб борайин? – деди. – Майлинг, қандай от миниб борсанг, – деди. – Сенинг отинг чарчаб келган, ўзимнинг отимни миниб бора қолайин, – деди. – Сен ўз отингни миниб борсанг, ҳамишаги келиб, талашиб юрган қалмоқ, – деб ишонмайди. Белгим шул: менинг отимни миниб боргин. – Хайр, – деб Қоражон Бойчиборни миниб олди, қамчи билан қўйиб-қўйиб юборди, қамчи ўтиб кетди, хоннинг Чибори лўкиллаб йўртди. Қоражоннинг... узилиб кетди. Қоражон отнинг жиловини тортди: “Бу ёмонлағурга бир бало бўпти, ўзида асли ёмон мол экан, менинг ишимни ўсал қипти, шуни ҳам мол деб миниб кепти”. Қоражон тўхтаб, Алпомишга қараб, бир сўз айтиб турибди:

Юрар бўлсанг, сенга майдон йўлмиди,
Ғанимнинг шавкати сенга элмиди,



- 3050 Сенга тегадиган Барчин гулмиди
Кўнғирот элдан минган отинг шулмиди?
Қай ўйингман шуни миниб келасан,
Бу чўбирни қандай миниб юрасан,
Шу от билан ёрни қандай оласан?!
Беҳуда, бек дўстим, ҳалак бўласан,
Ҳали ҳам кета бер, нима қиласан,
Бу душманлар билса, тайин ўласан.
Ошиқнинг фахмидир коронги кеча,
Йиғласам, ҳолимга йиғлар бир неча,
Тўксон тўқай йилкиси бор, бойбачча,
Кўнғирот элда минган отинг шулмиди?
Устингга кийганинг яшил, кўкмиди,
Бундай кунда сенга кўнгил тўкмиди,
Минсанг, бундан ўзга йилқинг йўкмиди?
- 3060 От деб сен ҳам шуни миниб келасан,
Ҳалак бўлма, дўстим, ёрдан қоласан,
Хатарли кун сен ҳам қандай қиласан,
Бекорига аҳмоқ бўлиб юрасан,
Кўнғирот элда сен ҳам бексан, тўрасан,
Олти ойлик йўлдан бунда келасан,
Сен ёрингни, дўстим, қайтиб оласан,
Ҳали ҳам кета бер, нима қиласан.
Бу сўзимни, дўстим, оғир олмагин,
Ҳалак бўпсан, келган йўлдан қолмагин.
- 3070 Дўстим, умид қилма Барчин ёрингдан,
Армонман айрилма ўсган элингдан,
Бул от билан ҳеч иш келмас қўлингдан.
Қалмоқ билса, билмаганинг билдирар,
Бул отингман кўрса, сени ўлдирар,
Бундай ёмон чўбир сенга не даркор?
Сенда бордир шоҳлик шавкат, кирдикор,
Миниб кўрдим ёмон экан Бойчибор.
Гуруллаб йиғилса бунда қалмоқлар,
Бул от билан бўлолмасанг баробар,
- 3080 Шундай кунда тайин сени ўлдирар,
Албатта сен бундан кетмоғинг даркор.
Хийли бўлдим, сўзни ҳазил билмагин,
Бойчиборинг курсин, бунда турмагин,
Кет энди, ёрингдан умид қилмагин.



Бу сўзни Қоражондан эшитиб, Алпомиш ҳам бир сўз деб турган экан:

- 3090 Сен эшитгин мендай мард нолишини,
Кўздан тўкма бунда селоб ёшини,
Бежой бурдинг Чиборимнинг бошини,
Қирк кун кейин туширдинг-ку, Қоражон,
Бек дўстингнинг битиб турган ишини.
Бурилмайин бора берса Бойчибор,
Борганидан тегар эди зулфакдор,
Бежой бурилгандир назари Чибор,
Қирк кун кейин тушиб қолди бул ишлар,
Бул ишлардан алп Қоражон беҳабар.
Кулоқ солиб эшит ғуссали доққа,
Миндирганман шундайин тўбичокка,
Бойчиборим хўр бўлдим деб йиғлайди,
Сендайғачоқ тил билмаган қалмоқка,
Бир калмани жарий қайтар, Қоражон,
3100 Сўнгра отим олиб учсин фалакка.
Беҳуда отима жабр қилмагин,
От назари, аччиқ қамчи урмагин,
Сен ўзингни абгор қилиб юрмагин,
Калма қайтар, отни кейин бурмагин,
Бул отим назари, ёмон билмагин,
Сен ҳам энди хаёлингни бўлмагин,
Бора бергин, жовчиликдан қолмагин.

Бу сўзни эшитиб, Қоражон калма жарий айтди, хоннинг Чибор оти йўлга кириб кетди. Қоражон боғона отни минган вақтда Қоражоннинг кўнглига кеп эди: “Шунинг отини бўлса олдим, динидан қайтиб, қалмоқларнинг ичига кетсам”, – деб эди. Шундай гап кўнглига кеп эди, ул сабабдан от юрмай ётиб эди. Қоражон: “Минган оти шундай назари, албатта дини барҳак”, – деб сидқи билан калма айтди, хоннинг Чибор оти йўлга кириб кетди. Қоражон ҳам чин кўнгли билан мусурмон бўлиб, жовчиликка жўнаб кетди. Қоражон жовчи бўп бораяпти. Барчиннинг устида алшлар кўп талаш қилган эди, олармиз, деб қалмоқлар юрган эди, Барчин олти ойга муҳлат олган эди, муҳлатидан икки соат қолган эди. Кун тушга яқинлаб борган эди, кун қиём бўлган сўнг, қалмоқларнинг тани бўлиб кетар эди. Туш кўрганда бобонгнинг ўғли чошқада келар, деб эди. Айтган мўлжалидан ўтиб кетди. Безовта бўп йўлга қараяпти. “Бу тушнинг



табгири тўғри келмади”, – деяпти. “Армон билан ғайридин бўлдим”, – деб Барчин канизларига қараб, бир сўз айтиб турган экан:

- 3110 Дардманман, дардимни кимга ёраман,
Айролик савдога бағри пораман,
Кўл кўтариб дуо қилинг, канизлар,
Энди мен ғайридин бўлиб бораман,
Азали тақдирга нимиш қиламан,
Бошикаста шўрман, қайда бораман,
Қалмоқ келса, нима жавоб бераман,
Ғайридинман қандай ўйнаб куламан?!
Тил билмаган элга кетиб бораман.
Муғойиб йиғлайди мендайин санам,
Ўйилмайин куйди бул кулбахонам,
3120 Қалмоқларда қолди гулдайин танам,
Кўл кўтариб дуо қилгин, киркинлар.
Айролик савдога бағримни доғлаб,
Мен қолганман қаттиқ кунда қон йиғлаб,
Келмади бобомнинг ўғли сўроғлаб.
Бул жафо жонимдан ўтди,
Билмайман, хонга не бўпти,
Келар вақти кечка тортди,
Кўп қизлар хафа бўпти,
Қалмоқлар муҳлати битди.
3130 Жафо тушиб танда жонга,
Мен қолганман қаттиқ кунда,
Шармандаман муна элда,
Энди қолдим ғайридинда,
Худо деб йиғлай ҳар кунда,
Умрим ўтсин ислом динда.
Келмади бобомнинг ули,
Не бўлади кўрган куни,
Йиғлай беринг, киркин қизлар,
Куриди Барчиннинг шўри.
3140 Хабар келмаса элидан,
Нимиш келар бундай кунда
Мунглик шўрлининг кўлидан.

Бу сўзни эшитиб, Суксур каниз Чилбир чўлига каради, Чилбир чўлидан отнинг дубири келади, Қоражон билан Бойчиборни кўради, бу сўзни Барчинга айтиб туради:


Кўнғирот элдан бобонг ўғли келибди,
Тўксон алп зўрига дучор бўлибди,
Армон билан бобонг ўғли ўлибди,
Минган оти ўлжа бўлиб қолибди,
Тўрангнинг отини душман минибди,
Йиғлай бергин, қиёмат кун бўлибди.
Бек Алпомиш ўз юртида тўрами,
Ўлмаса отини душман минами?!

3150 Мазмуни ўлибди давлатли шунқор,
Қалмоқнинг қўлида қопти Бойчибор,
Чибор миниб келаётир қалмоқлар,
Бу юришда тўранг топибди хатар,
Худо дегин, йиғлай бергин, муштипар.
Бойчиборни Суксур каниз кўради,
Устида зингкийган қалмоқ балоди[р],
Бойчиборни жуда кичаб келади,
Билмаймиз ҳолимиз қандай бўлади?

3160 Кўнғирот мулки бўлиб қопти бесойиб,
Айрилдинг тўрангдан чочингни ёйиб,
Йиғлай бер, бувушим, энди сарғайиб.
Нима бўлса битта қалмоқ келади,
Бунда келса билганидай қилади,
Қиркин қизлар бунда чувлаб қолади,
Зўрлик билан сени келиб олади,
Энди бизга қиёмат кун бўлади.
Қиркин қизлар бари чиқиб қаради,
Келаётган бу қалмоқни кўради.
Ҳаммаси чувуллаб ҳайрон бўлади,
3170 Барчинойни бул ўртага олади,
Кўл кўтариб дуо қилиб туради.

Бу сўзни Суксур каниздан эшитиб, Барчин ҳам бир сўз деб турган экан:

Ҳар нарсани айта берма сўзинга,
Дўсту душман кўринар-да кўзинга,
Илойим қум қуйилсин оғзинга.
Бу сўздайтиб Барчин сулув туради,
Жапсар ёриб Чилбир чўлга қаради,



- 3180 Бойчиборман Қоражонни кўради,
Кўп пушаймон қилиб ойим жилади.
Энди менинг ширин жоним керакмас,
Молу мулку хону моним керакмас,
Фасли баҳор – гулистоним керакмас,
Энди менинг ширин жоним керакмас.
Кўролмадим Бойсин-Кўнғирот хонини,
Олсин эгам берган ширин жонини.
Бий бобомнинг мулки бўлди бесойиб,
Йиғлайди Барчиной чочини ёйиб,
Канизларман бирга туриб сарғайиб.
Хазон уриб боғнинг гули сўлгандир,
Ажал етиб паймонаси тўлгандир,
3190 Мени излаб бобом ўғли ўлгандир,
Қариндоши бул беҳабар қолгандир,
Кўнғирот элдан менинг учун келгандир,
Бул алпларга келиб дучор бўлгандир,
Бу қалмоқлар қилганича қилгандир,
Бадбахтнинг зулмида тўрам ўлгандир.
Бу сўзни айтиб ойим йиғлаб турганди,
Бошида бўлмадим келган полвонди,
Оталари беҳабар бўп қолганди,
Бу бадбахтлар кандай азоб берганди.
3200 Худо деб йиғладим мен ҳам муғойиб,
Тўрамнинг ўлиги бўлди бесойиб.
Узоқ йўлда меҳнат қилиб юрганди,
Хийламан қалмоқлар ишни қилганди,
Кўролмадим ғариб ўлган полвонди.

Бу сўзни айтиб туриб эди, Қоражон ҳам жовчи бўлиб бориб қолди.
Муртини бураб, узангига оёғини тираб, бахмал уйга қараб, Бойсарини
сўраб, бир сўз айтиб турган экан:

- 3210 Ғамли қуллар ўйлайдиган ўйдаи,
Давлатмандлар гургумали тўйдаи,
Алп қизи бор Бойсарибой ўйдаи?
Савлат билан мен салламни ўрайман,
Назар солиб бул элларга қарайман,
Алп қизи бор Бойсарини сўрайман,
Юрт оғаси Бойсарибой ўйдаи?



- Шовқимга ирғийди араби тулпор,
Бир нечалар юришимдан беҳабар,
Бўлиб келдим мен ҳам хонга хизматкор,
Алп қизи бор Бойсарида ишим бор.
Бойсари мазгилин келиб кўраман,
Йўлиқса ишимни айтиб бераман.
Ёд этиб йиғлайман кодир худойди,
Бунда келиб кўрдим бул мазгил-жойди.
- 3220 Алп Қоражон Бойсарини сўрайди,
Ҳар тарафда турган халқлар қарайди,
Қоражон қошига ҳеч ким келмайди,
Сўзига ҳеч одам жавоб бермайди,
Не ишда юрганин ҳеч ким билмайди,
Ул ҳайтовур Бойсарини сўрайди.
Бизга келди деб қизлар йиғлайди,
Қоражоннинг кўнглидагин билмайди.
Алп Қоражон ўз ишини билади,
Кўнглида шумлик йўк, тўғри келади,
- 3230 Жовчи бўлган, Бойсарини сўради.
Кўрганлар кўнглига шумлик олади:
“Бул бир ёмон ўйда келган балоди”,
Ҳамма бундан ҳадик олиб қолади,
Сўзига Барчиной жавоб беради.

Қоражонга қараб, Барчиннинг айтган сўзи:

- Ўлжа қилиб миниб кепсан човқар кўк,
Ғариблиқда минганларга кўнгил тўк,
Сўраганин Бойсарибой уйда йўк.
Ғамли қуллар ўйлайдиган ўйдадир,
Давлатмандлар яхши мазгил-жойдадир,
- 3240 Менинг отам чўпонларман қўйдадир.
Устима кийганим кимхоб кўк эди,
Сенга ўлжа бўлган Ҳақимбек эди,
Сўраган Бойсаринг уйда йўк эди.
Калма шаҳодат мусурмоннинг тилига,
Бизлар қолдик айролиқнинг ҳилига,
Отам кетган Бойсин-Кўнғирот элига,
Қайтган бўлса уч ойчилик йўлига,
Мусофирмиз бизлар қалмоқ қўлига.



- 3250 Отам олтойчилик йўлга боргандир,
Ўз элида қариндошин кўргандир,
Бепарво бўп отам унда юргандир,
Барчиной сўзингга жавоб бергандир.
Сендай қалмоқ бир шумлик кип келади,
Жуда бизга қаттиқ ишлар килади,
Мен билувда от эгаси ўлади.
Сендай қалмоқ бой отамни сўради,
Уч ойдан қай отам бунда келади,
Уч ойгача, қалмоқ, ҳалак бўлмагин,
Мухлатим битди деб қичов қилмагин,
3260 Тўксон кундан бери сен ҳам келмагин,
Кета бергин, келган йўлдан қолмагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Сен бизларга бирор залал қилмагин,
Бой отам келганча бунда турмагин.
Ҳийламан Бойсарини сўраб турибсан,
Бир куни Бойсари отам келар-да?!

Барчин бул сўзни Қоражоннинг кўнглида бир шумлиги бор, ёмон ўйда келган, тағи бир уч ой муҳлат олиб кўраман-да, – деб айтаётган эди. Барчиннинг кўнглидаги гапни Қоражон билмай айтди: – Бизга отанг бўлмаса ҳам майли, биз ўзинг билан гапириша берамиз, биз аҳмоқ бўлиб, йўл чангитиб, дамба-дам келиб юрмаймиз. Сен тегадиган бўлсанг, у оладиган бўлса, шул бўлади. Бекорига нимага келади, деб: “Жовчиликнинг шаъни шул, бира-тўла битириб кетаман”, – деб Барчинга бир сўз айтиб турган экан:


- 3270 Остимда бедовим ўйнар юз алвон,
Олмос пўлат белда, эгнимда қалқон,
Бу давлатни менга бергандир раҳмон,
Жовчи бўлиб сенга келди Қоражон.
Устингга кийганинг гулгун қирмизи,
Сўзимни англагин ўзбакнинг қизи.
Кулоқ солиб турди Барчиннинг ўзи,
Атрофида турган қанча қаниси.
Бизникида ётир давлатли шунқор,
Дўстимнинг отидир муна Бойчибор,
Дўстим учун бўлиб келдим хизматкор,



- 3280 Ҳар на сўзинг бўлса, бизга айтакўр,
Сўзингни опборар Қоражон номдор,
Жовчи бўлиб айтган сўзим шул бўлар.
Хаёлингга бошқа гаплар келмасин,
Бир нечалар сени йўлдан урмасин,
Келишимни душман қалмоқ билмасин,
Мени қалмоқ деб кўнглингга келмасин.
Ҳазил билма Қоражоннинг тилини,
Хохлайсанми бий бобонгнинг улини?
Ҳар на деганингни айтиб бораман,
Қандай сўз сўзласанг, мен ҳам биламан,
- 3290 Ҳозир ўзим яхши хизмат қиламан.
Нима деб сўрасанг, жавоб бераман,
Қандай десанг, хонга айтиб бораман.

Бу сўзни эшитиб, Қоражонга караб, Қоражонни синаб, бир сўз айтиб турган экан:

- 3300 Устима кийганим яшил кўк эди,
Ўз элинда шоҳлик ғамин еб эди,
Қурсин Алпомиш, кўнглим йўк эди,
Яхшимасдир, курсин кўзи кўк эди,
Тўксон алп ичинда кўзга босганим,
Ростин айтсам, Қоражондай бек эди.
Давлатимдан адрас, кимхоб кияман,
Ҳақдан келган ишга бўйним ияман,
Алпнинг зўри Қоражонга тияман.
Боғбон бўлиб қизил гулни тераман,
Канизим ияртиб мудом юраман,
Қоражонбек билан ўйнаб-куламан,
Ростин айтсам, бирга ватан қиламан,
Алп Қоражон билан даврон сураман,
Қоражонга тегсам дейман юраман.
Алпларнинг сардори Қоражон номдор,
Бўлакнинг зўрлиги бу ерда бекор,
- 3310 Олса Қоражонда энди ихтиёр,
Сенинг ҳам ўзингда менинг кўнглим бор.
Бўлак одамларни нима қилайин,
Мудом мен ҳам сенинг билан бўлайин.
Мени бошқаларга ўнглаб турмагин,
Ҳар кимни сен менга дучор қилмагин,



3320 Менинг кўнглим сенда, кўнглинг бўлмагин.
Икковимиз бирга-бирга юрамиз,
Бунда туриб ватан-рўзгор қиламиз,
Бу дунёни шундай бўлиб кўрамиз,
Болали-чақали бўлиб қоламиз,
Қоражонбек, сизни ихтиёр қиламиз,
Бирга бориб мазгилингни кўрамиз,
Канизларни биз хизматга соламиз,
Гапим шулдир, сизи билан бўламиз.

Бу сўзни Барчиндан эшитиб, Қоражон айтди: – Сен мени кўйгин, бундай қилма, инсофга келгин, меҳнат тортиб Алпомиш кепти, қандай бўлса, қуруқ қолмасин, шунга теккин. Агар сенинг кўнглинг сидки қалмоқда бўлса, қалмоқларнинг мендан бошқа бир кам тўқсон алпи бор, шуларнинг бирига теккин, сен мени кўйгин, бўлмаса, боқиб юрган сабилингни бошингга қалпоқ қилиб кийгин, – деб хаёли қочиб, нашъаси учиб, отнинг бошини буриб, йўлга кириб, ўзавонида калма айтиб жўнай берди. Бунинг чини билан мусурмон бўлганини Барчин билиб, Қоражонга қараб, бир сўз деб турган экан:

3330 Кўзима кўринмас баландман пасти,
Бир нечук сўзларнинг тегар шикасти,
Ҳазиллаб айтаман, тўрамнинг дўсти,
Шундайин йигитнинг бормикан эси,
Мундайғачоқ аҳмоқ бўлгани неси,
Боғонағи сўзимни айтманг тўрама.
Кўнгилига оғир олиб қолмасин,
Мен шўрлидан кўнгли чўрчиб юрмасин,
Нима бўлса бу сўзимни билмасин.

3340 Сиз эшитинг мендай ойим нолишини,
Берман буринг Бойчиборнинг бошини,
Билолмадим мен бекларнинг ишини.
Мен ҳам сизга яхши хизмат қилайин,
Тўрам кепти, билиб хурсанд бўлайин,
Бери келинг, юришини сўрайин,

3340 Тоза билиб вақтим хушлаб турайин.
Неча вақтлар бизлар бўлдик интизор,
Билмасдан сўйлаган сўзларим бекор,
Қоражонбек, сизга айтар арзим бор,
Отингни ушласин қирқин канизлар,




От бошини буринг сиздай зўрабор,
Чакирганда сенинг келмоғинг даркор,
Бехуда қолмасин мендай гажакдор.

Бу сўзни эшитиб, Қоражон зингкийиб бурилиб келди. Барчин отнинг жиловидан ушлаб, кўнглини хушлаб, Қоражонни меҳмон қила бошлаб, остига либос ташлаб, зиёфатга бир кўйни сўйди, гўшти осиб, шўрвасига ҳам тўйди. Гўштини пишириб, корсонга солиб, Қоражоннинг олдига олиб келиб кўйди. Тўқлининг гўштини чайнаб, суягини пуркиб юбориб, Қоражон ҳам қайқайиб ўтира берди. Қоражон туриб айтди: – Қани, Барчин, Алпомиш бўлса келди, алпларнинг муҳлати бўлса битиб қолди, сен нима жавоб айтасан? Барчин айтди: – Алпомиш келса, кепти-да, Алпомиш келди, деб мен Алпомишнинг этагидан ушлаб кета берайинми? Бул алплар ҳам умид билан олти ойга муҳлат берган. Ҳар ким майдонга от солади, отини ўздирган одам олади. Ҳар кимнинг ўз кўнгли ўзидан қолади.

Менинг тўрт шартим бор, шул тўрт шартимни қилган кишига тегаман. Хоҳи Алпомиш қилиб олсин, хоҳи қалмоқларнинг бири қилиб олсин, шул сўзимни хон тўрамга айтиб бор, – деб бир сўз айтиб турган экан:

- 3350 От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Ботирни ингратар найза яраси,
Келган бўлса Кўнғирот элнинг тўраси,
Қирқ кунлик йўл Бобохоннинг ораси,
Бобохон тоғидан пойга қиламан.
Кўздан ёшин мунчоқ-мунчоқ тиздирса,
Кўшқанотнинг қуйруғини сўздирса,
Бобохондан пойга қилиб ўздирса,
Оти илдам бойбаччага тегаман.
Мендайин ойимнинг ҳолин билганга,
Оша юртдан меҳнат тортиб келганга,
Душманларга қора кунни солганга,
3360 Ёй тортишса, ёйи синмай қолганга,
Мен тегаман шул ёйандоз полвонга.
Мендайин ойимнинг ҳолин билганга,
Мени излаб оша элдан келганга,
Ғаним кўрса қиёмат кун солганга,
Оша юртдан излаб ҳалак бўлганга,
Минг қадимдан танга-пулни урганга,



3370

Мен тегаман шул кирағай мерганга,
Саваш бўлса, бул шубаниб чикқанга,
Кураш килиб тўқсон алпни йикқанга,
Мен тегаман нор билакли полвонга.
Шул сўзимни айтиб боргин тўрамга,
Зоғ ҳам бўлса қўна берсин гулшанга,
Баб-баробар қилдим яхши-ёмонга,
Мен тегаман тўрт шартимни қилганга.
Айтиб боргин излаб келган султонга,
Отин тоблаб кира берсин майдонга,
Хабар бергин бари калмоқ душманга,
Талаб қилса бари келсин майдонга,
Ҳеч қайси ҳам қолмасин-да армонда.

Бу сўзни Барчиндан эшитиб, Қоражон айтди: – Бул ўйни сен ўнгғай топдинг, аёллик килиб, мен шуни дейман, деб Алпомишнинг этагидан ушлаб ўтирганда, ходиса ишлар пайдо бўлар эди. Бул ишинг бинойи бўлди, – деб Қоражон отланиб бораётди эди, бир кам тўқсон алп келаётди эди, Қоражоннинг олдидан чикиб қолди. Тўқсон алпнинг зўри Кўкалдош туриб айтди: – Қоражон, қаёқдан келаяпсан? Қоражон айтди: – Ўзбакнинг кизиникидан келаяпман.

– Ўзбакнинг кизининг муҳлати битди, учрадингми, нима жавоб айтди?

– Ўзбакнинг кизига учраб келаётирман. Ўзбакнинг кизининг айтган сўзи шул бўлди: «Пойга қиламан, отини ўздирганга тегаман; курашда алпларнинг барини йикқанга тегаман; ёй тортишса, ёйи синмай қолганга тегаман; минг қадимдан танга-пулни урган кирағай мерганга тегаман», – деди.

Бу сўзни эшитиб, Кўкалдош алп айтди: – Ўзбакнинг кизининг кўнгли менда, пойга бўлса, ўзиб келмоқ Кўкдўноннинг тани; кураш бўлса, тўқсон алпнинг бирини қўймасдан йикмоқ фақирнинг тани; ёй тортишганда ҳам менинг ёйим синмай қолади; минг қадимдан танга-пулни депти, беш юз қадимдан танга-пулни ураман, минг қадимга борган сўнг, чоғлаб қўйиб юбораман, бу ёғини мужмалтоб қилиб оламан. Сен бу остингдаги олачани қаёқдан олдинг? – деди.

– Қўнғиротдан Алпомиш деган дўстимиз келган экан, бул шунинг оти.

– Алпомиш келдими?

– Келди, – деди.

– Шул юртлардан шул отни миниб, хотин олиб кетаман деб ахмоқ бўлиб юрурми?



– Шул отни миниб келган экан, – деди.

Кўса синчи деган синчиси бор эди, синчисига айтди: – Тушиб ўзбакнинг отини кўр қани. Тушиб Бойчиборни кўрди; қаричлаб кўрди: сағрисининг устидан кулоғининг ўртасигачайин тўксон олти қарич чикди, айил тортуви олтмиш уч қарич чикди. Сағрисини силаб, бурнидан найча қўйиб, дурбин билан қараб кўрдиким, қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти буклам-таклам бўлиб ётир.


– Қандай экан ўзбакнинг оти? – деди.

– Ўзбакнинг оти андай экан, ўзбакнинг қизига бурилмай қўя қўй, – деди.


– Чинингни айт, – деди.

Отни таъриф қилиб, чини шул, деб бир сўз айтиб турган экан:

3380 Йилқичинда ўзи келган синлидир,
Тўбишқон туёқли, марол беллидир,
Аросат кунинда ажаб ҳоллидир,
Қиммат баҳо экан ўзбакнинг оти.
Минганларнинг ҳақдин етар мақсади,



“Алтомиш” достони қўлзмаси



- 3390 Кўлтиғида тўрт ярим газ қаноти,
Асил тулпор экан ўзбакнинг оти.
Ўзи шундай келган экан човкар кўк,
Қуйруғидан берисинда кири йўк,
Қандай бўлса минганларга кўнгил тўқ,
Мен биламан илдамликда мини йўқ.
Қимтиса ўтади осмонда қушдан,
Белига ярашган қарк кубба пуштан,
Ҳеч камлик бўлмаса йўрға юришдан,
Умид қилма ой Барчиндай бувушдан,
Асил тулпор экан ўзбакнинг оти,
Буни минган кўнғиротларнинг бекзоти.
Ўн икки ой сен отингни боктирсанг,
Йўл-йўлакай йўлга гулмих тўктирсанг,
Авайлаб ўзади ўзбакнинг оти.
- 3400 Бедов миниб, от абзалинг шайласанг,
Пойга қилиб кўп шумликни ўйласанг,
Пойганинг бошида тортиб бойласанг,
Ўн беш кун илгари берман хайдасанг,
Бўшалса, ўзади ўзбакнинг оти.
Аввал қулоқ солгин айтган тиллара,
Сенга тақдир қилмас Барчин гуллара,
Чопа берсанг олтойчилик йўллара,
Ингранса, ўзади ўзбакнинг оти.
- 3410 Қалмоқ элда от бўлмайти баробар,
Умид узиб кета бергин қалмоқлар.
Ўзбакнинг қизи деб ҳалак бўласан,
Отинг ўзолмаса нима қиласан?
Бир ўзбакдан изза бўлиб қоласан,
Беҳуда уриниб аҳмоқ бўласан,
Бул от назаркарда, тоза биласан.
Қаердан чопишсанг, аввал келади,
Тенг бўламан деган отлар ўлади,
Барчинойни ўзбак оти олади,
Бошқа от минганлар ҳалак бўлади.
- 3420 Ўрлашганман не ишни қилади,
Фойдаси йўқ, ғариллашиб юради,
Бекорга ўзини аҳмоқ қилади,
Бари гап майнага йиғилиб келади,
Асил тулпор бунда пайдо бўлади.




Бу сўзни эшитиб, Кўкалдош алпнинг аччиғи келиб: – Мендан бирон вақтда сен жодирим бўлиб, ўзбакни илгаридан ҳам кўриб, ўзбакка йўлиқиб, сиёсатга отимни таъриф қил, деб сенга уч-тўрт танга берган эканда, чокдан бирон нарса олиб, таъриф қилдинг, – деб аччиғи келиб, синчининг икки кўзини ўйиб олиб қўйди. – Ҳамма вақт ўзбакнинг оти менинг отимдан ўзганда, сенинг кўзингнинг хунини бераман. Юринглар, Алпомишнинг устига борамиз, – деди. Қоражон ҳам кўшилди, тўксон алп жам бўлди. Ҳаммаси йиғилиб, тўкилиб, Алпомишнинг устига бориб қолди.

Алпомиш чодирда ўтириб эди, шундай қаради, ҳар қалмоқлар келаяпти: калласи қападай, танаси тепадай, бутлари селанглаб отнинг остига аймашиб кетган. Алпомиш ўтирган ерида сиёсат билан қаради. Бир кам тўксон алп оддан таппа-таппа ташлаб, қўл қовуштириб таъзим қилди; ақли шошиб қолди, табгиридан адашиб, Кўкалдош алп Кўкдўноннинг устида бир ўзи қолди, Алпомишга қараб, бир сўз айтиб турди:

- 3430 Гап эшит, ўзбак, тилимдан,
Қолмагин келган йўлингдан,
Умидинг узгил жонингдан,
Умид қилмагин ёрингдан,
Айрилма кирдикорингдан,
Нима иш келар кўлингдан?!
Сўз айтади мендай алплар,
Менга бўлмайсан баробар,
Бул хотинимда ниманг бор,
Кет энди сендай баччағар.
Тоғ бошини чалар туман,
Чангалима бўлсанг дучор,
Ўзбак, қутулмоғинг гумон.
Устингга отлар соларман,
Ер билан яксон қиларман,
3440 Ўзбак қизини оларман,
Билганимдайин қиларман.
Ҳазил билиб турма мени,
Ким аҳмоқ кип юборди сени?
Келганинг қалмоқ мазгили.
Кет, ўзбак, тайин ўласан,
Тур йўқол, нима қиласан.
Кўкалдош дейдилар мени,
Кўп сарсон қиларман сени,
Менга маълум қизнинг ҳоли.





3450 Олсам деб умидинг борди[r],
Ҳазил билма қалмоқларди,
Бу гапимни англаб билсанг,
Барчинойнинг кўнгли борди[r].
Неча марта савол қилган,
Тегаман деб ваъда берган,
Ўзбак қизин олмоқ бўлган,
Билгин бул Кўкалдош бўлган.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш ҳам Кўкалдошга караб, бир сўз айтиб турган экан:

3460 Тикилсам қурийди дарёнинг гуми,
Наъра тортсам қулар кўрғоннинг тими,
Бунча сўзни лоф урмагин бемаъни,
Отим Ҳаким, мен ҳам Бойсиннинг хони.
Кетган одам излаб бунда келами,
Келган одам сендан камроқ бўлами,
Ўзи ўлмаи, киши ёрин берами,
Ҳеч бир элда сендай тентак юрами,
Лоф уриб ўзини бозор солами,
Лоф билан кўлидан бир гап келами?!

3470 Бешайин чиқмайди марднинг довуши,
Урушли кун Рустамдайин бул иши,
Қайсардайин бордир анинг саваши,
Шундай кунда ўлмоқ гуппининг иши.
Майдонда лоф уриб ул кун келади,
Кўтарилганини биров билади.
Айналтириб бир қайсар солади,
Аҳмоқ бўлиб сендай қалмоқ ўлади,
Лоппининг жазосин шундай беради.

3480 Ғарибликда ҳаққа фиғон этарман,
Нор кесар олмосни белга чотарман,
Қиличима қирмиз қонлар қотарман,
Дучор келганингни кўкка отарман,
Иш кўрсатиб, ёрим олиб кетарман.
Жафолар соларман тандаги жонга,
Хазон бўлса зоғлар қўнар гулшанга,
Ажалли қасратки тегар илонга,
Ҳазиллашма, қалмоқ, мендай султонга,



Сен мард бўлсанг, чика бергин майдонга,
От-потингман отайинми осмонга?!
Алпомиш дер сенга бермайман омон,
Қалмоқларга солайин охир замон.

Бу сўзни эшитиб, Кўкалдош ҳам бир сўз деб турибди:

3490 Ўзбак, эшит менинг додим,
Ерни босган сиёсатим,
Бу юртда қолар жасадинг,
Қайтиб сен отасан отим,
Кимга келади қувватинг?!
Сен ҳам, ўзбак, ажаб депсан,
Гуппи сўз ўрганиб кепсан,
Неча сўзни лоф урибсан.

3500 Қиларман ер билан яксон,
Сўз айтарман алвон-алвон,
Элингдан чиқибсан, полвон,
Мендан қутулмоғинг гумон.
Умид қилмагин ёрингдан,
Одам бўп чиқиб шахрингдан,
Бўйнингни узай танингдан.
Мен ҳам бўлсам марди майдон,

3510 Омон кетмайсан бу жойдан,
Сендай неча полвон келган,
Келиб бу юртларни кўрган,
Ҳаммаси қўлимда ўлган,
Қолгани пушаймон қилган,
Боши гангиб, чўлда сарсон,
Элин топмай, гаранг бўлган,
Ҳар ким ҳам дўғилиб кўрган,
Ким менга баробар бўлган?!
Ўзбошимча бу Қоражон
Сени бир кун топиб келган,
Бу юришинг бўлар ёлғон.
Мени билсанг шундай полвон:

3520 Не эрлар кеп саваш қилган,
Бу тўқайлар қонга тўлган,
От остида қалла қолган,
Ҳаммаси қўлимда ўлган.



Бу сўзни Кўкалдошдан эшитиб, Қоражон ҳам бир сўз деб турган экан:

- 3530 Эмишдошим, ака, бундай қиласан,
Бир ўзбак деб сўзни лофи урасан,
Сен тилингни тортиб сўйла бу замон,
Ўзбак муғум, армон билан ўласан.
Бул ўзбакни алп Қоражон билади,
Чангалласа, тоғни талқон қилади,
Сен тилингни тортиб сўйла, бек оға,
Аччиғланса, мулкинг яксон бўлади.
Ўзи оғир, билмас айтган додингни,
Ўт қўйиб куйдирар, қалмоқ, юртингни,
Ҳолин билмай ҳар ким ҳалак бўлади,
Ким бунга тегинса, тайин ўлади.
Англамайди кўпинча айтган сўзингни,
Агар билса, ўяр икки кўзингни,
Яқинласанг, ўлдиради ўзингни.
Ўрлашганман, ака, нима бўлади,
Бир ходиса иш бўп бунда қолади,
- 3540 Бекор керишганлар аҳмоқ бўлади,
Барчинойнинг айтган шартин қилади,
Шарт битирган одам ёрни олади.
Тўрт шарт буюргандир унда зулфакдор,
Қоражонга тайин қилган мукаррар,
Шул шартнинг пайида бўлмоқлик даркор,
Бекор гапнинг нима кераклиги бор!
Элу халққа юриб хабар берайин,
Ҳамма ҳам эшитсин, ани кўрайин,
Ким олади, ким қолади, билайин.
- 3550 Ўртадаги ўзбак қизи у дилбар,
Унинг учун бекор ўрлаш не даркор?
Жонни сотиб ўзиб келар бедовлар,
Отинг ўзса, ўзингдадир ихтиёр,
Бунинг учун ўрлашиб ётмоқ не даркор,
Оти ўзганга тегар Барчиндай дилбар,
Бундайин беҳуда сўзлар не даркор.
Пойганинг пайида энди бўлайик,
Қалмоқшоҳга бориб хабар берайик,
Элу халққа юриб жарчи қўйайик.

- 3560 Халойиқ эшитмай яна қолмасин,
Эшитмаган кўп пушаймон қилмасин,
Билмадик деб ичин уриб юрмасин.
Отини совутиб майдонга келсин,
Ўртадаги ўзбак кизини кўрсин,
От бокқанлар чопиб пойгани курсин,
Оти ўзган олар, ҳалоли бўлсин.
Бу сўзни Қоражон туриб гапирсин,
Ҳамма одам эшитиб буни тан берсин,
Кўкалдош ўртада ўрлашиб турсин,
3570 Кўпдан қолмай, бу ҳам пойгага юрсин,
Оти ўзса, Барчин шуники бўлсин.


Қоражоннинг сўзи ҳаммасига маъкул бўлиб, “Қоражон рост айтди”, – деб, бу ёкдаги қўл ковуштириб турган қалмоқлар: – Ёш бачча экан бул ўзбак ҳам, – деди.

Бир нечаси: – Бир ўзбак-да, – деди.

Бир нечаси айтди: – Жуда ҳаддили муғум зўр ўзбак-да, Кўкалдошдан хайикмади, тилини тортмай гапирди, сўнгги навбатда Қоражон ора тушди, бўлмаса, Кўкалдошни бир ёқлик килар эди, хили иш бошлаб турар эди, – деб ҳар қайсиси ҳар сўзни гапириб ётди.

Энди Қоражон бош бўп, пойганинг ҳаракатини қилаяпти. Хат ёзиб, Қалмоқшоҳга хабар юборди. Бир маҳрам хатни олиб кетди, ким йўликса, хабар бериб борапти. Қалмоқшоҳнинг давлатхонасига етди. Бир хизматкор хатни олиб, Қалмоқшоҳга тутди, Қоражоннинг маҳрами қайтди. Бул хатни Қалмоқшоҳ ўқиб кўрди. Сайис хизматкорига буюрди: – Отларни тобла, хўб парвариш қилиб қара, манглайларини сила, ўзбакнинг кизи пойга бўлади, насиб этган олади. Жуда яхши қиз таърифи келади, отини ўздирган одам олади, – деб қишлоқларини, бозорларини чақиртира берди, ҳар тарафга хабар қила берди.


- Қалмоқшоҳнинг амри шундай бўлади,
Ҳар элга жарчилар хабар қилади,
Қишлоқларга юриб хабар беради,
“Отига ишонган одам боради,
От ўздирган бийнинг қизин олади”,
Эшитганлар отни тоблаб кўради.
Билмаганга юрур шундай билдириб,
Шўхлик қилиб, бир нечани кулдириб,
3580 Элу халққа юриб хабарни қилиб,



- Жарчилари ҳар бозорни чакириб,
Хазон бўлмай боғда гуллар сўлибди,
Қўнғиротдан ҳам бунда одам келибди,
Тўқсон полвон кўп бир чаток килибди,
Бойсарининг кизи пойга бўлибди,
Бизнинг юртга шуйтиб хабар келибди,
Яхши киз деб овозаси келибди.
Мард йиғитлар от совутиб боради,
Оти илдам Барчинойини олади,
3590 Калмоқ юрти кўп ғалоғул бўлади.
Ҳар ким ўт холига отин кўради,
Оти ёмон кўп иркилиб қолади,
Кўрайлик, деб катта-кичик келади.
Кашал ғорда катта йиғин бўлади,
Ойнали кўлига одам тўлади,
Алплар, бул ҳам шердай бўлиб айналиб,
Элатидан келган отга қаради.
Пойгага боргудай отни айириб,
Шул замон мирзалар хатлаб туради.
3600 Пойганинг бошчиси Қоражон сардор,
Тўсат-тўсат келаётир калмоқлар,
Ўн минг уйли Қўнғирот халқи қаради,
Томошамон Ойна кўлга тўлади.

Пойгага қўшиладиган отдан калмоқларнинг подшосидан ҳам уч от келди: бири олапоча тўрик от, бири бир шапақ от, бирови ўн бир минг тангага олган саман от. Қалмоқнинг юртидан Барчиннинг пойгасига йиғилган от тўрт юз тўқсон тўққиз от бўлди. Бойчибор билан тўп-тўғри беш юз бўлди. Синчилар беш юз отдан бўлагини кўриб қайтариб юборди: – Бу отлар бўлмайди, бу узоқ йўл, бул отлар йўлда қолади, ичи куйиб бекорга ўлади, эгаси ҳам сарсон бўлади, – деди.

Пойгачилар ҳар кунига от совутиб, ёлғон пойга қўйиб келади. Бойчибор отларнинг чангини кўрмай қолади. – “Ўйинда ўзган чинда ўзади” деган гап бор, ҳазил пойгада отнинг чангини кўрмай қолади. Чин пойга бўлган сўнг қандай келади? – деб калмоқлар боғонағи кўр бўлган синчига изза беради. Зўрни зўр билади, валини вали билади, тулпорни тулпор билади. Тойчи ўлаҳатида Кўкалдошнинг Кўкдўнони тулпор эди, ўзидан ғолиб Бойчиборни кўриб, ваҳм босиб, емини олмай қолди. – Менинг отим касал бўлдими, дарди ёмон ўсал бўлдими, кўзинг бўлмаса ҳам, кўлинг билади, бизнинг отни бир кўриб берсанг, – деди. Синчи Кўкалдошга қараб, бир сўз айтиб турган экан:



- Алл Кўкалдош, эшит айтган сўзимни,
Зўрлик билан ўйдинг икки кўзимни,
Сарғайтирдинг менинг гулдай юзимни.
Ўзидан ғолибни отинг кўргандир,
Бул пойгадан ўзолмасин билгандир,
Ваҳм босиб емин олмай қолгандир,
3610 Отингнинг ғолиби Чибор бўлгандир,
Ўзингнинг ғолибинг Ҳаким полвондир,
Шуйтиб отинг ўйлаб ваҳм қилгандир.
Хохи боргин, хоҳи қўйгин, қалмоқлар,
Бекорига ҳалак бўлма, аҳмоқлар.
Ўзбакнинг кизидан умид қиласан,
Ҳолинг билмай сарсон бўлиб юрасан,
Беҳуда отингга зулм қиласан,
Ололмайсан, сарсон бўлиб келасан.
3620 Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Сенга айтган менинг сўзим шул бўлар,
Бойчиборман отинг бўлмас баробар,
Ҳали ҳам сен ҳалак бўлма, қалмоқлар.
Бобоҳон тоғига сен ҳам борасан,
Кўп жонингни қийнаб сарсон бўласан,
Сарсон бўлган билан нима қиласан,
Бир куни зингкийиб ўзинг қоласан,
Элга келиб сен шарманда бўласан,
Кўзим ўйиб менга изза берасан,
Ўзбакнинг қизини қайтиб оласан,
3630 Элда юрган сен ҳам аҳмоқ балосан,
Борсанг сен, сарсон бўп бир кун келасан.

Бу сўзни эшитиб, ўлса ҳам бул тўғри гапирмайди, энди бул ўзбакнинг ёрдамини олиб, гапирмоқ билан бўлди бунинг иши, – деди.

Кўкалдош отланиб, ҳамма пойгачилар жам бўлиб, Алпомишнинг танидан Қоражон пойгага бормоқчин бўлди. Саксон тилла савдо қилиб Бойчиборни олди. Қариндошсиниб қалмоқлар Қоражонни айнитди: – Бул отинг бунча пуллик от эмас, синчининг пора олиб гапирганига аҳмоқ бўлдинг, ўзбакнинг ёмон чўбирини баланд олдинг, бир четини ўзинг ҳам кўрдинг.

Алпомиш айтди: – Дўстим, қариндошларинг айнитган билан айнима, бир суруниб турар, сувдай оққан йўрға бўлар, нима десанг, айтганингни қилар, отдан жуда кўнглинг тўлар, – дейётир. Қоражон ҳам: – Бир савдо-




да, айнамайман, – деб ётир. Қалмоқларга кўз-кўз қилиб, шундай иш бўлиб, Қоражон Бойчиборни миниб, пойгачиларга аралашиб турибди.

Алпомиш ўз юртидан келган отга бағир босиб қолган. От кўзидан ғойиб бўладигандай бўлди, шу шаҳарда қоладигандай бўлди, якка мазор бўп ўладигандай бўлди. Қоражонга қараб: – Бир келар мўлжалингни айтгин, – деб сўраб турган экан:

- Қоражонбек, мен ҳам сенга қарайин,
Бир келар бўлжалинг сендан сўрайин.
Тойрилмасин бошда тожи давлатинг,
Белингда ярқиллар кескир пўлатинг,
Ўйнайди остингда Бойчибор отинг,
Неча кундир сенинг келар мухлатинг?
Ўз элингда сен ҳам бексан, тўрасан,
Жаҳонни сайил этиб ўйнаб-қуласан,
3640 Кўп қалмоқман ёлғиз кетиб борасан,
Хабар бергин, неча кунда келасан?
Сен кетган сўнг қолмас менинг токатим,
Бойчибор эди-ку менинг улфатим,
От кетган сўнг қолмас менинг қувватим,
Неча кундир сенинг келар мухлатинг?
Бебош қалмоқ бўлди сенинг ҳамройинг,
Бундай кунда гапни гапга улайин,
Бир келар бўлжалинг айтгин, билайин.
3650 Ғам билан сарғаяр гулдайин дийдор,
Бул сенинг остингда кетди Бойчибор,
Ҳар гап бўлса, сенда бўлди ихтиёр,
Отга залал еткизмасин қалмоқлар,
Албатта хабардор бўлгин, Қоражон.
Бориб обод қилсам мамлакатимни,
Дўстим, деб миндирдим сенга отимни,
Айтиб кетгин сен ҳам бир мухлатингни.
Кўп қалмоққа ёлғиз ҳамроҳ бўласан,
Нима бўлса созигарлик қиласан,
Айтиб кетгин неча кунда келасан?
3660 Саломат бўлсин-да Бойчибор отинг,
Шундай бўлди менга қилган хизматинг,
Неча кундир сенинг келар мухлатинг?

Бу сўзни эшитиб, Қоражон келар мухлатини айтиб, бир сўз деб турган экан:



- Остимда ўйнаса араби отим,
Мен кетсам қолмайди, дўстим, тоқатинг,
Борув қирқ кун, қайтув беш кун, бек дўстим,
Қирқ беш кундир, дўстим, келар мухлатим.
Жаҳонни сайил этиб ўйнаб қулмасам,
Нор кесар олмосни белга чолмасам,
Қирқ беш кунда Бобохондан келмасам,
3670 Ҳам отингни, ҳам дўстингни ўлди де,
Якка мозор бўлиб шунда қолди де.
Ҳар гап бўлса, яратгандан кўрарман,
Қўлимдан келганча хизмат қиларман,
Ярашиққа от кокилин ўрарман,
Насиб этса қирқ беш кунда келарман.
Ҳар талабинг бўлса, ҳақдин тилагин,
Қирқ беш кунда бул йўлима қарагин.
Ғамли қулга эгам бўлгай меҳрибон,
Иш бўлмас қудратли ҳақдин бефармон,
3680 Мен келганча дуода бўл, бегижон,
Бу сўзларни айтиб ўтар Қоражон,
Ҳамроҳ бўлди менга беш юзта душман,
Ёлғиз-да деб сен қилмагин пушаймон.
Булар ҳам қариндош, бирга борарман,
Қалмоқларман кўп ўрлашиб кўрарман,
Қўлимдан келганча хизмат қиларман,
Беш юзининг бири бўлиб юрарман,
Нима бўлса эҳтиёт қип кўрарман,
Ёмонининг йўлда додин берарман,
3690 Насиб этса қирқ беш кунда келарман,
Хафа бўлма, дуода бўл, бек дўстим.
Хаёлингни ҳар тарафга бўлмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Мен келганча, дўстим, хафа бўлмагин.

Бул сўзларни айтиб, пойгачилар жўнаб кетди. Алпомиш чодирда ўтириб қолди. Қирқ беш кунда келар, деб вақтини хушлаб турди. Энди Барчиннинг қирқин қанизлари билан Суксурой деган қанизи бош бўлиб, Алпомишга овқат олиб, қирқин қизлар товоқ кўтариб, дастурхонга солиб, чодирга олиб келиб қолди. Келса, пойгачилар жўнаб кетибди. Алпомишга қараб, Суксур қаниз бу сўзни айтиб турибди:





- 3700 Хазон бўлиб боғда гуллар сўлибди,
Обло сенинг ақли-хушинг олибди,
Бегижон, бул ишинг ўсал бўлибди,
Бойчиборни, билдим, калмоқ минибди.
Марднинг иши элда шундай бўлама,
Отидан айрилиб яёв қолама,
Хаёлингга шундай гаплар келама,
Ҳеч замонда калмоқ дўстлик килама?!
Менинг муножотим қабул бўлмади,
Бегижон, бўшлигинг сира қолмади.
Сен бекор берибсан Чибор отингни,
Фалак берсин кайтай кўнгил шодингни,
Ҳай билмайман, киларми хизматингни?!
Оша юртга келиб бундай бўласан,
Ихтиёринг бир калмоқка берасан,
- 3710 Бир ғариб пиёда бўлиб коласан,
Душман бўлса, нима илож киласан?
Сен эшитгин мендай мунглуқ тилини,
Янги кеп кўргансан Қалмоқ элини,
Сен билмайсан бадбахтларнинг сирини,
Қуритмасин сендай марднинг шўрини.
Учқур бўлсанг, канотингдан қайрилиб,
Югрук бўлсанг, туёғингдан тайрилиб,
Бекор қипсан Бойчибордан айрилиб,
Англаб билгин, отинг омон келмайди,
- 3720 Кўнглингдаги ўйлаганинг бўлмайди,
Улар душман, сира дўстлик қилмайди.

Бу сўзни эшитиб, Суксур канизга қараб, бир сўз деб турган экан:


- 3730 Ҳар ким ўз шаънига бекми, тўрами,
Аёлнинг ақили ақл бўлами,
Шу гапинг шаънига тўғри келами,
Дўст деб менга ул душманлик қилами?!
Бу насихат айтма, сендай муштипар,
Кулоқ соп эшитгин айтган нидога,
Бу сўзларни айтма, каниз, садаға,
Ишимни солганман қодир худога.
Аввал обло, дуюм наби бўлса ёр,
Ўн икки имом, чилтон бўлса жиловдор,

- Иншоолло, пойгадан келар Бойчибор,
Бу сўзларни айта кўрма, қирқинлар...
Қоражонбек шумлик олса кўнглига,
Қоражонбек бир худога урдирар.
Кўнглига қандайн шумлик келади,
Дўст отини тутиб бундан жўнади,
Дўст деганинг қабоҳат гап бўлади,
Қоражонбек яхши хизмат қилади,
3740 Хаёлин қочирса, осий бўлади,
Эси бор, Қоражон ўзи билади,
Бу гапинг, канизак, қандай бўлади,
Таваккални бир худога қилади,
Кўп қалмоқман ёлғиз ўзи жўнади,
Менинг учун меҳнат тортиб боради,
Мен билмайман нима азоб кўради,
Қалмоқлар албатта ташвиш беради,
Дўст хизмати, каниз, шундай бўлади,
Ўлмаса, бир куни келиб қолади,
3750 Шаънима бу гапинг номард бўлади.
Сен номард билмагин бул замон бизни,
Аёллик қип билмай сўйладинг сўзни,
Эргаштириб кепсан бул қирқин қизни.

Бу сўзни айтиб, канизларнинг олиб келган овқатини еб, фотиҳани юзга тортди. Қирқин канизлар бу сўзни айтди:

- Кийгани гулгун қирмизи,
Ақлингдолар жоду кўзи,
Бизлар Барчиннинг канизи,
Келсин деган бийнинг қизи.
Қирқин қизлар бошлаб борар,
Олдингизда хизмат қилар,
3760 Агар кўрсанг, йўлинг бўлар.
Эшитингиз айтган сўзни,
Маҳтал қилманг қирқин қизни,
Барчиной юборган бизни,
Кўймай оп кетамиз сизни,
Кўрмайсизми сарвинозни.
Балқ уриб ўтирган ўзи,
Сизни элтар айтган сўзи.






- 3770 Боғдочилган гулғунчалар,
Гулга ярашган думчалар,
Келсин деган ойимчалар.
Агар кўрсанг, кўнглинг тўлар,
Билла юрсанг, яхши бўлар,
Канизлар бўлди миннатдор,
Кўнглингда қолмасин ғубор,
Сирлашсам дейди гажакдор,
Сўз айтади жамъи кизлар.
Эшитинг оҳу зоримни,
Бориб кўрсангиз ёрингни,
Тарқат черу ғуборингни.
- 3780 Барчин шундай гажакдорди[r],
Ҳамма сизга интизорди[r],
Бориб кўринг зулфакдорди,
Ўғринча қаллиққа бормок
Ўзбак юртда расм борди[r].

Канизларга қараб, Алпомиш ҳам бир сўз деб турган экан:

- 3790 Бул бориш, киркинлар, айб бўлмайми,
Бойсарибий билса, гина қилмайми,
Эшитса, элу халқ бизга кулмайми,
Бу борувим менинг айб бўлмайми
Одамлар шаънима номард қилмайми?!
Қизлар мени лодон ишга солмагин,
Ёрим таъриф қилиб ақлим олмагин,
Қўй, канизлар, бундай йўлдан урмагин,
Қизлар, бундай баринг йиғилиб келмагин,
Мени жуда аҳмок, лодон билмагин,
Сен ияртиб, эл кулдириб юрмагин,
Ўртага олиб кўп шарманда қилмагин,
Бора бер, канизлар, халак бўлмагин.
Сенинг билан юрсам қандай бўлади,
Гап келса, бетима таъна қилади.
- 3800 Қанча одам хизмат қилиб юради,
Бий қизига борсак айб бўлади.
Хизматингдан, кизлар, кўнглим тўлади,
Бул ишинг кўнглима тўғри келмади,
Қандай одам кўрса айб қилади.




Барчин сулув ўзин ўртага солади,
 Бийнинг кизи бул ўртада қолади,
 Мехнат тортиб бир кун отлар келади,
 Сўнгра билмам кимники бўп қолади.
 3810 Ҳозир боришимиз бежой бўлади.
 Канизлар, зўрлама, кўнглим қолади,
 Гапирган сўзларинг айб бўлади,
 Ўртада қолгандир, кимлар олади,
 Ким оларин жаббор эгам билади,
 Бу сўзларинг, каниз, айб бўлади.
 Такдир этса, бир кун даврон суради,
 Такдирга тан берса, яхши бўлади,
 Худо қилган ишга банда кўнади.

Бу сўзни эшитиб: – Ўғринча бормоқ ота-бобомиздан қолган расм, – деди. Бул маъкул тушайин, деди. – Ота-бобомиздан қолган расм экан, – деб бормоқни ихтиёр қилди. Бул ўғринча қалликка бораётгандаги сўзи:

3820 Ҳақимбекнинг билмаганин билдирди,
 Ёрин айтиб шодиёна қулдирди.
 Қизларнинг сўзига хуррам бўлади,
 Қиркинларман бирга-бирга жўнади.
 Маъкул билди канизларнинг сўзини,
 Кучук босмас йўлбарс-шернинг изини,
 Бориб кўрсам дейди бийнинг кизини.
 Таъриф бериб анинг ақлин олади,
 Канизларман бирга-бирга боради,
 Сой билан паналаб шунқор жўнади.
 Бийнинг қизин кўрса кўнгли тўлади,
 Қиркин қизлар ўйнаб-қулиб боради,
 3830 Ҳар тарафга назар солиб қаради.
 Кўп қизларман билалашиб жўнади.
 Ўзбакнинг расми шундай бўлади,
 Ўғринча қалликка кетиб боради.
 Қизлар айтар: – Бизман бирга юринг, деб,
 Ҳар замон паналаб бориб келинг, деб,
 Дамба-дам вақтингиз хушлаб туринг, деб,
 Кўнглингиз тобласа кунда боринг, деб,
 Қандай бўлса аралашиб туринг, деб,
 Барчинойман бориб суҳбат қуринг, деб,





3840 Насиб қилса кунда ўйнаб-кулинг, деб,
Ҳеч ким билмасин-да, пасман юринг, деб,
Насиб этса, бийнинг қизин олинг, деб,
Кўчманчи бўп келган элни кўринг, – деб.
Бу сўздайтиб қизлар кетиб боради,
Ўн минг уйли элдоралаб юради,
Бойсариникига яқин боради,
Бевақт бориб бахмал уйга киради,
Шул замонда Барчинойни кўради.


3850 Қирқин қизлар ҳозир бўлиб туради,
Бу қизлардан Барчин уялиб боради,
Икковини қизлар яқин қилади,
Билагидан Ҳаким ушлаб олади,
Бекнинг вақтин қизлар хушлаб туради.
Бийнинг қизин жамолини кўради,
Кўриб Ҳакимбекнинг кўнгли тўлади,
Табассумман Барчин сулув келади,
Қирқин қизлар хизмат қилиб туради.

3860 Ҳакимбекнинг сиёсатин кўради,
Барчин ойим иззат қилиб туради,
Қирқин қизлар пайровинда бўлади,
Иззатида бекнинг кўнгли тўлади.
Саҳаргача Ҳаким бунда туради,
Тонг олдида тағи қайтиб жўнади.
Эл кўзига тушмай бунда келади,
Намоз вақти чодирига киради,
Кунда қизлар хабар олиб туради,
Ҳаким бунда аралашиб қолади,
Боришли-келишли бўлиб юради.




Буларга ҳар замон қизлар келиб, бир-бирини кўриб, сиру холини билиб, шундай бўлиб юрди. Булар бунда шундай бўлиб турди. Пойгачилар йўл юрди. Пойгачиларнинг бораётгандаги сўзи:

3870 Не қалмоқлар шердай бўлиб,
Ҳар яғрини кирдай бўлиб,
Беш юз отли бирдай бўлиб,
Қистаб йўлда тўбичокни,
От бошини кўйиб олар



- Якин қилмоққа узокни.
От чопишса узок йўлга,
Бир-бири кирмайди тилга,
Қамчи уриб Бойчиборга,
3880 Қоражон ҳам борар бирга,
Йўлдош бўлган сатта зўрга.
Қоражонни мазах қилар,
Шўхлик қип ўртага олар,
Барчин ойимнинг устидан
Хўп ўрлашиб талаш бўлар.
Бораётир лоловлашиб,
Ганаси дарёдай тошиб,
Бир хили ўтдай туташиб,
Бадбахт чўлда аҳаллашиб,
3890 Қоражон отини кўшиб,
Бир суруниб Чибор турар,
Энди жуда йўрға бўлар,
Кўп қалмоқлар ҳадик қилар:
“Кун-бакун юрса очилар,
Ўзбакнинг оти ҳийлагар”.
Гумон қилди кўп қалмоқлар:
“Ҳайвон ҳам бўлса жодугар,
Йўлларнинг танобин тортар,
Бул отдан ҳамма беҳабар,
3900 Ўзармикан шул укағар,
Фаркламайди акли йўқлар”.
Шундай бўлиб йўл юради,
Зилнинг тоғига боради,
Қалмоқ шундай айрилади.
Қалмоқ кетди ўйни ўйлаб,
Кўнглига келганин сўйлаб:
“Бобоҳонга етармиз, – деб,
Тумшуқ билан ўтармиз, – деб,
Текис йўлман кетармиз”, деб.
Қоражон айрилиб қолди,
3910 Зил тоғин белига солди,
Бир йўл билан бора берди.
Бораётган Қоражон номдор эди,
Зил тоғида бир айдахор бор эди,
Айдахорга алп Қоражон дориди.





- 3920 Қоражонбек энди шундай каради,
Бунда ётган айдахорни кўради,
От тизгинин мунда тортиб туради,
Айдахор ҳам Қоражонни кўради,
Қоражонга аждар салом беради.
(Шоир сўзи шундай ёлғон бўлами,
Айдахор одамга салом берами?!)
Остида мингани Бойчибор эди,
Минганларга қутби замон ёр эди,
Жиловида чилтон, пирлар бор эди,
Пирга салом берган айдахор эди.
Жафоларга тушиб энди танда жон,
Бундай кунда эгам бўлгай меҳрибон,
Айдахордан ўтиб кетди Қоражон.
Азаматлар олмос бойлар дастига
- 3930 Ғаним тушар кам давлатнинг қастига,
Остидаги Чибор отни ўйнатиб,
Қоражон чиқди Зил тоғининг устига.
Тоққа чиқиб алп Қоражон каради,
Йўлда тўзиб қалмоқ кетиб боради,
Бул тоғдан энқайиб номдор жўнади,
Мазмуни қалмоқлар кейин қолади,
Йўлнинг тўтасиман қичаб боради,
Неча адир, белдан ўтиб жўнади,
Муродини яратгандан тилади,
- 3940 Тақдирида нима борин кўради,
Чу, дейди, Чиборга ғайрат килади,
Қалмоқдан илгари кетиб боради.
Кўринмайди қалмоқларнинг қораси,
Бораётган Қоражондай тўраси,
Яқин қолди Бобоҳоннинг ораси.

Бобоҳон тоғига етиб, Қоражон отга дам бериб ётди. Қалмоқлар тумшукни айланиб борапти. Бир нечаси: “Қоражон кўринмайди”, – дейди. Бир нечаси айтади: “Отларнинг тўзонида чўбири билан тўбалашиб юргандир-да, Қоражон ўзбакнинг отини баланд олган, ул ўзбакнинг тани бўлган, қачон Қоражон бир ҳисобда бор, у ҳам ўзбакнинг бири бўп сарсон бўлган”. Қалмоқларнинг олди ҳафта-ўн кун деганда Бобоҳон тоғига етди. Кейини чувалиб ҳали ҳам келаяпти, жуда ҳам ўлдик, деб борапти. Кўрса, Қоражон Бобоҳон тоғида ётибди, пойга қўядиган ерга борибди.




Кўкалдош алп туриб айтди: – Қоражон, сен лот-манотдан юз ўгириб, исломнинг динига кириб, сеҳргар-жодугар бўлиб, балога йўлиқиб қолибсан. Шу ёмон чўбир билан биздан бурун келибсан.

Қоражон айтди: – Сизлар билан бирга-бирга Зил тоғига келдим, от чарчаб қолиб, кўп дилтанг бўлдим, зеҳним койиб, йиқиб, тўрт оёғини бўғиб, орқалаб, йўлнинг тўтаси билан янгитта ошиб келдим. – Ўзбакка иярсанг, азоб кўрадиганинг белгили эди, – деб бир сўз айтиб турган экан:

- 3950 Сен билмадинг бек оғаннинг ишини,
Кел кесайик Бойчиборнинг бошини,
Ўртаголиб ейик анинг гўшини,
Шуйтиб қилсак ўзбакларнинг ишини.
Сен эшитгин алп оғаннинг додини,
Кел сўйайик, ука, ўзбак отини,
Армонман кетмасин аканг хотини.
Ўзбак билан гапинг бир бўп юрасан,
Сен ҳам жуда ўзбошимча бўласан,
Мендайин акангни хафа қиласан,
Номус-орни кимга олиб берасан,
Қайси ўзбакни сен хотинли қиласан?
Ўзбошимча бўлиб элда юрасан,
Ёмон бўлсанг, сен жувармак ўласан.
- 3960 Бир ўзбакнинг кизи деб ҳам келганмиз,
Беш юз одам ҳалак бўлиб юрганмиз,
Неча марта биз маслаҳат қилганмиз,
Сенинг ҳисобингни топмай турганмиз,
Ўзбак отин ўлдирмоқчи бўлганмиз,
Ўзбак қизин биз олмоқчи бўлганмиз.
Ўзбакнинг отини нобуд қилайик,
От гўштига тўйсин барча халойик,
Бойчибор гўштини овқат қилайик,
Келгин, ука, бир ваъдада турайик,
- 3970 Жуда ҳам ўзбакнинг ишин қилайик.
Ёлғиз чиқиб ўзбошимча бўлмагин,
Кўкалдош акангни хафа қилмагин,
Ўзбакларнинг етагида юрмагин,
Баччағарнинг айтганини қилмагин,
Қандай бўлса, қариндошдан қолмагин,
Ўзгаларнинг айтганига кўнмагин.


Бул сўзни Кўкалдошдан эшитиб, Қоражон ҳам бир сўз айтиб турган экан:

- 3980 Бу сўзингни, ака, сенинг қўййик,
Омин деса париштаю малойик,
Яратган раҳмондан мақсад тилайик,
Келгин, ака, Кўкдўнонни сўййик,
Дўноннинг гўштига тоза тўййик,
Қазисини ёлғиз сенга қўййик,
Шул сўзимни маъкул денглар, халойик.
Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмайми,
Обло сенинг ақли-хушинг олмайми,
Кўз ола қиласан Чибор отима,
Бундай бўлсанг, Кўкдўнонинг ўлмайми?!
Шу сўзим ҳаммага маъкул келмайми,
Кўкдўноннинг гўштин есак бўлмайми?
- 3990 От сўймоққа жуда абжил бўлибман,
Одамларнинг кўнглидагин билибман,
Қассобликни ўзим машқ қип турибман,
Дўнонни сўймоққа, ака, толибман.
Хафа қилма Қоражондай мардингни,
Аввал ўлдирайлик Дўнон отингни.
Йўқ ердаги сўзни лофи урасан,
От сўймоқни ўзинг бошлаб турасан,
Ўлдирмоққа мен абжил-ку, биласан,
Акажон, каттасан, кавак боласан,
4000 Йўқ ердаги гапни топиб келасан,
Менинг отим ўлдирмоқчи бўласан,
Эгаси йўқ, нима жавоб берасан,
От сўймоқни, ака, мендан кўрасан,
Аввал сен отингни сўйиб берасан,
Мен айтсам, кўнглингга оғир оласан,
Одамларнинг кўнглидагин биласан,
Ярамаган сўзни айтиб турасан,
Ака, ўзинг асли аҳмоқ бўласан.
4010 Бу сўзни айтиб туриб эди Қоражон,
Қалмоқлар аччиги келди ул замон,
Қоражонга сира бермайди омон,
Ҳаммадан айрилиқ савдоси ёмон,
Қоражонга интилганди бу замон.



- 4020 Бари қалмоқ бу ўртага олади,
 Қоражон ёлғиз-да, нима қилади?
 Бу қалмоқлар кўплик қилиб туради.
 Қалмоқ бари хаста кўнглин хушлади,
 Қоражоннинг билагидан ушлади.
 Йиғилиб қалмоқлар зўрлик қилади,
 Ўлдирмоққа кўзи қиймай туради.
 Неча сўзни бу қалмоқлар ўйлади,
 Қоражонни кулабанд қип бойлади.
 Ҳарчанд чирпиниб кўрди Қоражон номдор,
 Қалмоқ кўп-да, бўлолмади баробар,
 Зўрлигини билдирганди қалмоқлар.
 – Ҳазон бўлса боғда гуллар сўлар, деб,
 Ажал етса, паймонаси тўлар, деб,
 Бўшалса, бир куни ўзи борар, деб,
 Шунғит бўлди, бу жувормак ўлар, деб, –
- 4030 Бош бўлиб Кўкалдош бойлаб ташлади, –
 Ҳамиша бизга чаток қилиб юрар, деб,
 Ўзбак бўлса шундай азоб кўрар, деб,
 Қарға, қузғун еса бунда қолар, деб,
 Зўр бўлса бир Қоражон кам бўлар, деб.
 Бойловли қолгандир Қоражон номдор,
 Бойчиборни ўртага олди қалмоқлар.
 Шундайин ҳайвоннинг кўнглин бўлади,
 Қалмоқ бари бул ўртага олади,
 Ҳар тарафдан унга аркон солади,
- 4040 Бойчиборни энди йиқиб олади.
 Бойчиборни шундай тортиб бойлади,
 Оёғидан ўраб-қериб тайлади.
 Аҳмоқ қалмоқ отга зулм қилади,
 Туёғига гулмихларни уради,
 Урган гулмих ялпоқ тизга келади,
 Бадбахт қалмоқ отга зулм қилади.
 Чингириб кишнайди бойловли Чибор,
 Сиёсатман зарб кўрсатди қалмоқлар.
 Бойчибор ҳайвоннинг кўнглин бўлади,
- 4050 Туёғига неча пичоқ уради,
 Шундай қилиб отга азоб беради.
 Миришкорлар туяр пўлат добилди,
 Бундай кунда отнинг ҳоли не бўлди,





Бўшалса ҳам етолмасин деди-да,
Отга жойлаб олти чорак совунди.
Қоражонман Бойчиборни созлади,
Қоражон бойловли ётиб бўзлади,
Қарамайди Қоражоннинг юзига,
Ҳеч бир қалмоқ кулоқ солмас сўзига.

Қоражон билан Бойчиборни шундай қилиб бойлаб ташлади. “Бўшалса, бир кунлари бора кўяр, ажали етса, ўла кўяр, иш қип биздан кейин қолса бўпти”, деб пойгачилар жам бўлиб, қатор туриб, пойгани кўйиб, жўнаб кетди. Бобохон тоғида ёлғиз қолиб, Бойчибор билан Қоражон иккови бойловли ётиб, авлиёларни шафе келтириб, бу сўзни айтиб ётир:


- 4060 Барчанинг отаси ҳазрати Одам,
Пайғамбарлик бўлди унга мусаллам,
Иброҳим, Исмоил, Макка муаззам,
Динларнинг чироғи Имоми Аъзам,
Муҳаммадга уммат, ҳаққа мусаллам.
Аввалам яратдинг сен Одам сафи,
Андин пайдо бўлди сонсиз минг вали,
Шайх Аҳмад, Зинда пир, Имоми шафи,
Обло, сендан бошқа йўқдир мураббий.
Сатқанг бўлай эр Сулаймон пойи ток,
- 4070 Кўқонга юборди мўйи муборак,
Зиёрат айлайди насиб қилган халқ,
Каримсан, саматсан, расулинг барҳак,
Раҳм айлаб, ёр бўлинг ночор куллара.
Майдонда қилмадим Рустамнинг жанги,
Ҳайбатимдан титраб кетса фаранги,
Тошкантининг мулкинда эр бобо Занги,
Товба қилдим, мен гапирсам баланд-пас,
Бул бандадан баланд бўлар чўпу хас,
Сахийнинг сардори ул Саид Ваққос,
- 4080 Садағанг бўлайин Ғавс билан Ғиёс,
Ҳақнинг хазначиси Хидири Илёс.
Ҳақ деб чиқар ғамли қулнинг овози,
Отингдан айланай ҳақиқат кози,
Сатқанг бўлай, Хўжа Ҳофиз Шерози,
Гуноҳкор бандангман, раҳмон, бўл рози.
Умид қип йиғладим ҳазрати Нурдан,

- Гам тортган лочинни кутқаргин тўрдан,
Аввали облодан, дююми пирдан,
Мискин умид қилар Алидай шердан.
- 4090 Лочиннинг қаноти бўлмасин майиб,
Балога сабр этган ҳазрати Аюб,
Уч юз олтмиш ўтган мардони ғойиб,
Кам банданг мақсадин тилар муғойиб.
Нимиш келсин кам банданинг қўлидан,
Ё мадад тилайман Ҳазрат Алидан,
Умид қилдим Ғавсул Аъзам валидан,
Отинг раҳмон, қайтар шайтон йўлидан.
Холиқсан, каримсан, қаҳрингдан кутқар,
Гуноҳкор бандаман, мақсадга еткар,
- 4100 Сатқанг бўлай хўжа Қобил, Акбар,
Самарқанд валининг чорбоғи дерлар,
Шоҳизинда, Эрдониёр, пайғамбар,
Хўжайи Зумрати, Хўжайи Ахрор,
Бобо, якка пирсиз, Эрхўжа мозор.
Бу сўзларни айтиб йиғлар Қоражон,
Бойчиборман мунда қолиб бул замон.
Армонман бойланган Бойчибор эди,
Бек Алпомиш ўз юртинда қўл берган
Ражабхўжа деган пири бор эди.
- 4110 Фалак титрар Қоражон нолишига,
Банда кўнар тангри қилган ишига,
Бобоҳонда йиғлаб эди Қоражон,
Ражабхўжа пири етди қошига.
Кароматман келиб хабар олади,
Қоражоннинг қўлин чечиб кўради,
Қоражонни пир тарбият қилади,
Қоражонбек бул ўрнидан туради,
Ким чечганин ўзи билмай қолади,
Бойчиборни алп Қоражон кўради,
- 4120 Шул замонда отдан хабар олади,
Бойчибор бойланган, чечиб кўради.

Қоражон туриб, отнинг оёғини ечди. От ўрнидан турди. Эшоннинг рухунати отнинг сағрисиани силади, қалмоқларнинг солган совуни жириб ерга тушди. Отни калта қантариб, тизгинини эгарнинг қошига ўраб ташлаган эди. Қоражон отнинг устига минди, от оёғини босолмай турди.

Қоражон: “Пойгага бекор келган эканман, қалмоқларнинг кетганига анча вақт ўтди, агар илгаридан от ўзиб бориб қолса, дўстимнинг бетига қандай қарайман? Бул юришим бекор бўлди”, деб пушаймон қилиб турди. Эшоннинг рухунати Қоражонга кўринмайди, отнинг тўшида туриб, Қоражонга бир сўзни айтди. Қоражон хаёлида “Менга Бойчибор гапиряпти”, – деб турди. Бул эшоннинг рухунатининг айтаётган сўзи:

- Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема,
Қолдим деб, Қоражон, сира ғам ема.
Жабр қилгин бундай ҳайвон жонига,
Қамчи ургин гўшт кўтарган сонига,
Еткизарман Бойсин-Қўнғирот хонига,
Қолдим деб, Қоражон, сира ғам ема.
Қоражонбек, эшит, айтган сўзимди,
4130 Эгар қошдан ушлаб юмгин кўзингди,
Энди билсанг мендан хизмат лозимди[р].
Энди кетдим шопарларим ёйилиб,
Армон билан қолма мендан айрилиб.
Ўзингдан хабардор бўлгин, Қоражон...
Бу сўзларни айтди рухунати эшон,
Бойчибор гапирди дейди Қоражон.
Энди жабр қилди отнинг жонига,
Қамчи урди Бойчиборнинг сонига.
Қолмади-ку Бойчиборнинг тоқати,
4140 Ёзилгандир тўрт ярим газ қаноти,
Қамчи тортди Қоражондай зўрабор,
Яшиндай бўп кўтарилди Бойчибор,
Балки булут билан бўлди баробар,
Кўзин очиб қарар Қоражон номдор,
Яшиндай бўп оп кетибди Бойчибор.
“Билмай қамчи урдим буни муқаррар,
Мени кўкка олиб кетди жонивор,
Ўз тилидан айтиб эди Бойчибор,
Бул ишлардан мендай беклар беҳабар.
4150 Қоражонман, бунда кўнглим бузилди,
Ёлғончи дунёдан ризқим узилди,
Дийда гирён бўлиб бағрим эзилди.
Бориб кўролмайман мен ўсган элди,
Бул отнинг кўнглига бир шумлик келди,



- Қоражонбекнинг аҳволи не бўлди.
Мени кўкка олиб кетиб боради,
Бошларим айланиб, кўзим тинади,
Билмайман аҳволим қандай бўлади”.
- 4160 Кўзин очиб алп Қоражон қаради,
Ер юзида бедов кетиб боради,
Қоражоннинг хуши ўзига келади,
Одамдай бўп ҳар тарафни кўради,
Қалмоқлардан дарак кўрмай боради.
Бойчибор боради шундай арқираб,
Туёғида тўрт сихи бор яркираб,
Ирғиганда қумлар кетди тирқираб,
Бораётир чўлда шундай ширқираб.
Алп Қоражон ёлғиз кетиб боради,
Чу дейди, Чиборга ғайрат қилади,
- 4170 Яшиндай бўп чўлда оқиб боради.
Пойгачининг қорасини кўрмади,
Қоражондай мардда тоқат колмади.
Эрдай бўлиб алп Қоражон оҳ уриб,
Бораётир ёлғиз чўлларни кўриб,
Қалмоқларнинг азобидан кутулиб.
От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Ботирни ингрантар найза яраси,
Қоражон ҳам Қалмоқ юртнинг тўраси.
Кўз юбортиб шундай чўлда қаради,
- 4180 Бадбахт чўлда пойгачилар боради,
Куннинг ўзи пешин вақти бўлганда,
Пойгачининг қорасини олади.
Тўсат-тўсат қалмоқ кетиб боради,
Не бедовлар жонни сотиб боради,
Бировдан бирови ўтиб боради,
Ҳайдовчига бул яқинлаб қолади,
Яқин ерда қалмоқларни кўради,
Кейнига Қоражон етиб боради,
Қалмоқлар ҳам Қоражонни кўради.
- 4190 Бир нечаси бунга савол қилади:
– Отингнинг жиловин тортгин, Қоражон,
Илгариди бориб қолди Кўкдўнон.
Отни қичаб энди қайда борасан,
Борган билан бекор ҳалак бўласан,






- 4200 Беҳуда отингга жабр қиласан,
Кўкалдошнинг олганини кўрасан,
Беҳуда ҳалак бўп нима қиласан?!
Бундай гапга қулоқ солмас Қоражон.
Қалмоқларнинг айтган сўзин билади,
Пойгачиман аралашиб қолади,
Ҳақнинг яшинидай Чибор боради,
Қалмоқлардан тўсат-тўсат қолади,
Беш юз отнинг бири бўлиб боради.
Ўзган отни санар Қоражон номдор,
Кўкиб-буриб бораётир қалмоқлар.
“Янгитда биз ўзбак отин кўрдик, деб,
Чу, деб урар бундан кейин қолдик, деб,
Сени от деб бизлар бокиб юрдик, деб,
Ўзбакнинг қизидан курук қолдик”, деб.
- 4210 Гоҳи тўп-тўп, гоҳи ёлғиз боради,
Бир-бирига қарамайин жўнади,
Бир неча отлар сўзилиб кейин қолади,
Қувватин боринча кичаб кўради,
Қарамайин бари отин уради,
Не бедовлар суриб кетиб боради,
Ярамаган ёмон кейин қолади,
Ўзбак қизи шундай пойга бўлади,
Кимнинг оти ўзса, қизни олади,
Аланглаб қалмоқлар кетиб боради.
- 4220 Шу отлар бири бўп Чибор юради,
Чу, дейди, Қоражон қамчи уради,
Жуптак ташлаб ирғиб кетиб боради,
Неча отдан Чибор ўтиб боради,
Ўтган отни санаб кетиб боради,
Отларнинг ҳисобин Қоражон олади,
Алп Қоражон отга қамчи уради,
Бир кеча, бир кундуз чопиб боради.
Шундай бўлиб бораётир Бойчибор,
Тўрт юз олтмиш отдан ўзди жонивор,
- 4230 Чопиб, ҳориб қолаётир тулпорлар,
Ҳақнинг яшинидай оқиб жонивор,
Қолган отдан алп Қоражон хабардор,
Кундуздай тизилиб чўлда бедовлар.
Яна тонг отганча тинмай чопади,




- Не бедовлар жазосини топади,
Бир неча йикилиб қумни қопади.
Шундай бўлиб алп Қоражон боради,
Ўзганини жамлаб санаб кўради,
Куннинг ўзи айни чошка бўлади,
4240 Пойгачидан тўрт от кам кеп қолади.
Ким илгари кетганини билмади,
Қоражондай алпда тоқат қолмади,
Ул тўрт отнинг нишонини билмади,
Сўрай деса ҳеч бир одам бўлмади.
Қоражон чўлларда ёлғиз боради,
Худо дейди, отга камчи уради,
Жонни сотиб Чибор кетиб боради,
Қоражонбек шундай бўйлаб каради,
4250 Пешин вақти бир қорани кўради,
Қоражон бек чу деб шиддат қилади,
Кейнидан Бойчибор етиб боради.
Қолмади-ку ул қалмоқнинг тоқати,
Бораётган Қалмоқшоҳнинг тўр оти,
Шундай бўлар тўриқ отнинг одати:
Ета соп Қоражон носвой сўради,
Икковлари нашалашиб қолади,
Тўриқ от одати шундай бўлади,
Қизиб келиб энди қаерда турса,
Турган ерда олақарок бўлади,
4260 Бунинг одатини Қоражон билади.
От тизгинин бир тўхтатиб туради,
Ким кетди, деб бу қалмоқдан сўради.
Қоражонбек бул турганча бўлмади,
Чув, дейди, тағи ҳам бундан жўнади.
Қалмоқ ҳам бул отга шиддат қилади,
Турган ерда оти қотиб қолади,
Кўзғалгандан шўрнинг оти кулади,
Эгар-абзал дардисар бўп қолади.
Айиқдай чингириб қалмоқ жилади,
4270 Чўлда бойқиш пиёда бўп қолади.
“Қалмоқ етса мени миндириб олар, деб,
Жуда менга қариндошлик қилар, деб,
Қариндош-да, келса мени кўрар, деб,
Ҳар замон кейнига бурилиб каради,




- 4280 Кейин қолган қалмоқ етиб келар, деб.
Қоражон энағар андай қилганди,
Унинг хийласидан отим ўлганди”.
Яёв бойқиш анча йўлни юрганди,
Барчиной шундайин пойга қилганди,
Не қалмоқлар чўлда сарсон бўлганди,
Қоражонбек шундай хизмат қилганди,
Ёлғиз бир чўлларда кичаб юрганди.
Кун айланиб тағи туш бўп келади,
Тағи шундай бир қорани кўради,
Яқинлаб Қоражон номдор боради,
Бу отнинг аниғин энди билади.
Остида ирғийди бул тўбичоғи,
Бораётган Қалмоқшоҳнинг шапағи,
Шапақ отга етиб борди Бойчибор,
- 4290 Шапақ бўлди Бойчиборман баробар,
Йўл талашиб чопа берди жонивор.
Ҳарчанд кичаб кўрди Қоражон беклар,
Қичағанман ўтолмайди Бойчибор,
Ирғиса иккови бўлар баробар.
Қоражонбек аччиқ камчи уради,
Шапақман баробар кетиб боради.
Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Жуда дилтанг бўлиб Қоражон кайсар,
Қанча отдан ўтиб борган жонивор,
- 4300 Шапақ билан энди бўлиб баробар.
Аччиқ қип Қоражон камчи уради,
Шовқин бериб чўлда кетиб боради.
Шапақ отдан ўзолмайди Бойчибор,
Ўзмокқа Чиборда қувват қолмади.
“Жайрағирга бул бир бало бўлди, деб,
Шапақдан ўтмади, тоза ўлди, деб,
Курсин шапақ, отни андай қилди, деб,
Шунча отдан ўзиб келган жайрағир,
Шапаққа кеп мени дилтанг қилди, деб,
- 4310 Билмайман бул ишим қандай бўлди, деб,
Йўл олмайди, отим кейин қолди”, – деб.
Қоражонбек шундай шиддат қилади,
Куннинг ўзи айни туш бўп келади.
Шапақнинг олдини Чибор ўради,






От бошини кунга тўғри қилади,
 Кўзлари чағилиб кейин қолади.
 Шапақ отдан Чибор ўтиб жўнади,
 Шапақнинг одати шундай бўлади:
 Дубур эшитмаса кейин қолади.
 4320 Шапақ отга қалмоқ камчи уради,
 Дубурни билмайди, кейин қолади.
 Бекор кичаганман нима қилади,
 Бойчибордан от ўтмоғи қийинди[r],
 Кейинги қалмоқлар тўп-тўп жийилди,
 Бош югрук-да, ўзи назари Чибор
 Бўлмаса ёлғизга ўтмоқ қийинди?!
 Тоза югрук, бунга онсон бўлади,
 Қанча отдан ўзиб ўтиб боради,
 Қоражон чўлларда ёлғиз боради,
 4330 Кўз юбортиб ўнгу сўлга қаради,
 Чўлда тағи бир бедовни кўради,
 Кейнидан Қоражон етиб боради,
 Бул отнинг аниғин тағи билади:
 Ўн бир минглик Қалмоқшоҳнинг самани
 Чўлларда яркиллаб кетиб боради.
 Ғам билан сарғайиб гулдайн дийдор,
 Бу қалмоқ ҳам Қалмоқшоҳга хизматкор,
 Пойгага шоҳининг отини чопар,
 Бораётир Қоражондан беҳабар.
 4340 Чўлларда яркиллаб араби тулпор,
 Ирғиганда тоғу тошлар гумбурлар,
 Саманнинг кетидан етиб Бойчибор
 Сағрисига келиб оғиз солади,
 Кейин қараб ани тўлғаб ташлади,
 Икки тулпор йўл талаша бошлади.
 Иккови баробар кетиб боради,
 Бир-бирига йўлларда рад беради,
 Қоражонбек бунга ҳайрон қолади,
 Қалмоқшоҳнинг оти саман балоди[r],
 4350 Бойчиборман баробар кеп қолади.
 Ҳарчанд ўйлаб борар Қоражон номдор,
 Бораётир йўл талашиб баробар,
 Оқтуёқ келгандир бундай саманлар.
 Оҳ уриб тўқади кўздан ёшини,






- 4360 Ёлбориб худога солган ишини,
Тошга қараб бурди отнинг бошини,
Тошлоқда килай деб бунинг ишини.
Тошлоқда чопади назари тулпор,
Бўйнин сўзиб ирғир эди жонивор,
Бир кеча, бир кундуз тошлоқда чопиб,
Туёғин олдириб, кейин колдирар,
Саман отдан энди ўзди Бойчибор.
Самандан ўтди-да, токат колмади,
Кўкалдошнинг Кўкдўнонин кўрмади.
Баракалла, Қоражондай мардига,
Бек дўстига бул қилган хизматига,
Чидай олмай чўлларда ғайратига,
Сира қарамайди отнинг бетига.
4370 “Билмайман, Кўкалдош қайда бўлди, деб,
Оти ўзиб бадбахт бориб колди, деб,
Агар борса, бир савдони килди, деб,
Тек ўтирмас, бекка ташвиш қилди”, деб,
Қоражонбек шундай бўйлаб қаради,
Милдираган бир қорани кўради,
Олис йўлдан отни қичаб боради.
Оҳ урганда кўздан оқар селоб ёш.
Золим билан ҳаргиз бўлманглар йўлдош,
Тақимида беш юз ботмон калтаги,
Қайқайиб боради бадбахт Кўкалдош.
4380 Алп Кўкалдош шундай бурилиб қаради,
Чув, дейди Дўнонга камчи уради,
Яшиндай бўп оқиб кетиб боради.
– Қани энди етиб ол, – деб боради.
Шопириб ирғийди назари Чибор,
Бу Дўнондан ғолиб келган тулпорлар,
Чу, деб камчи урди Қоражон қайсар,
Кувиб Дўнонига етди Бойчибор.
Алп Кўкалдош шундай бурилиб қаради,
Бойчиборман Қоражонбек келади.
4390 “Биров буни чечкан”, – деб гумон қилади,
Шамолдай ғувуллаб етиб боради,
Кўкдўноннинг сағрисидадан олади,
Кейин қараб силтаб отиб юборди.
Анча йўлга бориб тушди Кўкдўнон,





- Қирқ минг қадим ўтиб кетди Бойчибор,
Яна ҳам ўзини ўнғарди Дўнон,
Чиборнинг кейнидан етди ул замон.
Қарсиллатиб думғазадан олади,
Устида Қоражон билмай қолади.
- 4400 Кейин қараб силтаб отиб юборди,
Анча йўлга бориб тушди Бойчибор,
Ўн минг қадим ўтиб кетди бу тулпор.
Ўзини ўнғариб Чибор келади,
Кўкалдош илгари кетиб боради,
Пойганинг мазгили яқин келади,
“Ўзбак қизи меники, – деб боради, –
Бул ўзбакнинг оти кейин қолади,
Барчин ойим фақирники бўлади”.
- 4410 Шу сўздайтиб ёлғиз кетиб боради,
Яшиндай бўп Чибор етиб келади.
Алп Кўкалдош жуда ҳадик олади:
“Шул ўзбакнинг оти тилсиз балоди[р],
Тағи ҳам жаланглаб етиб келади”,
Чу дейди, Дўнонга қамчи чолади,
Ҳозир Дўнон бир баробар келади,
Икки тулпор йўл таллашиб боради,
Алп Қоражон Кўкалдошга қаради:
– Акам эдинг, кўп шумликни ўйладинг,
Пойганинг бошида тортиб бойладинг,
- 4420 Неча кундан бери отни ҳайдадинг.
Қани, сенинг Дўнонингнинг ўзгани,
Еминг ҳақлаб, сенинг ҳолинг билгани,
Қани, бул отингнинг хизмат қилгани,
Ўзбак қизин сенга олиб бергани,
Қани, ундан Бойчиборнинг қолгани?!
Неча кундан бери чопиб келасан,
Беш юз одам сарсон бўлиб юрасан,
Оламан деб баринг аҳмоқ бўласан,
Беҳуда зингкийиб ҳамманг қоласан,
- 4430 Ўзбак оти энди ўзар, биласан.
– Остингда ирғийди Чибордай хайвон,
Кўтарилиб сўз айтмагин, Қоражон.
Ўзбак қизи меники деб бораман,
Ҳар қандай қилсам-да, ўзим оламан.






- Жафоларга солиб энди таңда жон,
Ўзарман, деб кўтарилма, Қоражон!
Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Чиборингдан Кўкдўнонни кам дема,
Тилинг тортгин, ахмоқ, сўзни лоф урма.
- 4440 Қамчи босса яшиндай бўп кетади,
Сенинг минган Чиборингдан ўтади.
Устидаги мендай номдор тўради,
Бу зўрлигим юртга маълум бўлади,
Менга душман бўлган одам ўлади,
Хотинимни қайтиб ўзбак олади,
Сен бир ўзимдан чиққан балоди[r],
Оти ўзганман бир ўзбак нима қилади?!
Қоражонбек бунинг сўзин билади,
Олганингни кўраман, деб жўнади.
- 4450 Иккови баробар йўлда боради,
Бир-бирини мушт ташлашиб уради,
Биров-бировига мушти текканда,
Тоғ чўққиси кулагандай бўлади,
Қоражон қайтмайди, навбат олади.
Гоҳ ерларда камчилашиб, савлашиб,
Кўп хархаша қилар ақили шошиб,
Бедов отлар борар йўлда талашиб,
Бораётир бир-бириман тишлашиб.
Икки тулпор йўл талашиб юргандир,
- 4460 Қанча қалмоқ Бадбахт чўлда колгандир,
Барчин дейшиб сарсон бўлиб юргандир.
Бир нечаси билмас айтар сўзини,
Худой галдиратиб қўйган ўзини,
Сира ҳам кўрган йўқ ўзбак кизини.

“Буларнинг келар муддатидан ўтди”, – деб Алпомиш бир баланд тепанинг устига чиқиб, дурбинини олиб, шундай йўлга қаради. Кўрди: икки от йўлда йўл талашиб келаяпти, бирини дурбини билан таниди: бири Кўкдўнон. Бойчибор тўриқдай бўп кўринди. Туёғидаги михлар озор берган, оппоқ кўпикка ботган, туёғидан чиққан тўзон билан тўриқдай бўп қотган. Бойчиборни танитай: “Ҳам отимдан, ҳам юртимдан айрилдим”, – деб беҳуш бўлиб йиқилди.

Барчин келиб, Алпомишнинг холини кўриб, йиқилганини кўриб, бошини тиззасига олиб, бир сўз деб турган экан:




- Не сабабдан, тўрам, қаддинг букилди,
 Жаладай бўп кўздан ёшинг тўкилди,
 Бир давлатли хоним, холинг не бўлди?
 Сен йиқилиб, қолмас ойим қарори,
 Ё асар қилдими дев билан пари?
- 4470 Сен эдинг-ку Қўнғирот элнинг шункори!
 Сабил бўлмасин-да бобом кирдори,
 Ойимнинг қолмади сабри-қарори,
 Бошинг кўтар, Қўнғирот элнинг кўчқори.
 Мени излаб келиб бундай бўласан,
 Мен билмайман кимдан зулм кўрасан,
 Кўрдим сени беҳуш бўлиб борасан.
 Йиғлатмагин мендай гул бувишингни,
 Оч кўзингни, кўтар, хоним, бошингни!
 Бундай кунда, хоним, холинг сўрайин,
 4480 Хабар бергин аҳволингни билайин.
 Сен эшитгин мендай ойим сўзини,
 Бундай хафа қилма бийнинг қизини.
 Мендай ойим холинг сўраб турибди,
 Мен билмайман нима зулм бўлибди,
 Тарзинг кўрдим, холинг танг бўп қолибди,
 Билмайман аҳволинг қандай бўлибди,
 Қирқин қизлар аввал сизни кўрибди,
 Ул канизлар менга хабар берибди,
 Мендай ёринг қонлар йиғлаб турибди.

Бу сўзни эшитиб, кўзини очиб, Барчинга қараб, бир сўз деб турган экан:

- 4490 Мендай беклар сенинг учун келгандир,
 Сенинг шартинг, билдим, пойга бўлгандир,
 Кўп қалмоқман Бобоҳонга боргандир,
 Қоражонман менинг отим ўлгандир.
 От ўздириб қалмоқ сени олмайми,
 Оти ўзса, гапи маъкул бўлмайми,
 Мендай ғариб қонлар йиғлаб қолмайми,
 Сендай ойим қалмоқ билан бўлмайми,
 Мендай тўранг тириклайин ўлмайми?!
 4500 Ҳасратингдан беҳуш бўлиб ётаман,
 Юртим кўрмай, сарсон бўлиб кетаман,






Бундай бўлиб элга бориб нетаман,
Бу сўзларни ўйлаб, қонлар ютаман,
Қайтай мен ҳам беҳуш бўлиб ётаман,
Ётмаганда ёлғиз ўзим қайтаман?!
Энди бўлдим бу юртларда хору зор,
Бул ишларни солган кудратли жаббор,
Эгам паноҳ берса, бизга не гап бор,
Қалмоқларда ўлиб кетди Бойчибор,
Излаб келиб менинг ўлмоғим даркор.
4510 Қалмоқ келса, билмам, мени нетади,
Қиличига қирмиз қонлар қотади,
От остида мени яксон этади,
От, яроқ, асбоби менда бўлмаса,
Зўрлик билан қалмоқ олиб кетади.
Калма келар менинг кизил тилимдан,
Пиёдаман, ҳеч иш келмас қўлимдан,
Қўлдан бериб, сендай зулфакдоримдан –
Мен энди айрилдим кирдикоримдан.
4520 Пойга кетган қалмоқ йиғилиб келади,
Лоловлашиб бир қиёмат қилади,
Зўрлик билан келиб сени олади.

Бу сўзни Алпомишдан эшитиб, Барчин ҳам дурбин олиб қараб,
келаётган отларга қараб, бир сўзни айтиб турган экан:




4530 Курру-ё қур, хайт-а, тўрамнинг оти,
Оқ тўшим – яйловинг, сочим – шипиртки.
Куйганимдан гапни гапга улайин,
То ўлганча сайисинг бўп юрайин,
Эгам раҳм айласин қонли ёшима,
Сабаб бўлиб қўшгин денги-дўшима,
Олмосдай туёгинг қордай тўшима,
Курр-ё қур, хайт-а, тўрамнинг оти!
Ўйилмай куймасин кулбаи хонам,
Оҳ уриб йиғлайди мендайин санам,
Қалмоқда қолмасин гулдайин танам.
Ўн икки ой сени Бойбўри боқди,
Гарданингга Қалдирғоч қўтос такди,
Йиғлатмагин Барчин гулдай бебахтди,
Курру-ё қур, хайт-а, бегимнинг оти!

- 
- 4540 Узоқ йўлга кўз юбортиб қаради,
Билмайман ҳисоби қандай бўлади?
Келаётган чўлда отни кўради,
Қур ҳайт, деди, желагини булғади.
Худонинг тақдири шундай бўлади,
Худо қилган ишга банда кўнади,
Муродини яратгандан тилади,
Тепанинг бошида қараб туради,
Отлар ройиш бул кўриниб қолади,
Қур ҳайт, деган Барчинойнинг довуши
Бойчиборнинг қулоғига боради.
Сувлуқ тишлаб ўзин отди Бойчибор,
Калта қантариб ташлаганди қалмоқлар,
- 4550 Тизгини узилиб кетди муқаррар,
Устидаги алп Қоражон беҳабар,
Кўкдўнондан энди ўтди жонивор.
Қоражонбек энди буни билади,
Эгарнинг қошидан ушлаб келади.
Энди жонивор ёзилиб, ирғиб боради.
Алп Кўкалдош отга қамчи уради:
“Бул ўзбакнинг оти ўзиб боради,
Бул Қоражон бир балони қилади,
Укам менга душман бўлиб боради”.
- 4560 Фалак титрар алпнинг айтган додига,
Ҳеч ким тоқат қилолмас сиёсатига,
Кулочлаб қамчи урар Дўнон отига,
Қарамайди қалмоқ олди-ортига.
Сиёсатман алп Кўкалдош боради,
Бойчибор ғувуллаб кетиб боради.
Ҳарчанд қичаб кўрди бундай зўрабор,
Бойчиборман от бўлмади баробар,
Ирғиганда гумбурлаб қолди чўллар,
Жуда ҳам бир дилтанг бўлди муқаррар,
- 4570 Бир иш бошлаб Қоражонман Бойчибор.

Шунда етолмасини билиб, Қоражонга қараб, Кўкалдош алп бир сўз айтиб бораяпти:

Мендайин акангнинг кўнглин бўласан,
От ўздириб қайси гўрга борасан,
Акангнинг хотинин кимга берасан?



4580 Бундай бўлсанг, сен жувормак, ўласан.
Сен эшитгин бек акангнинг додини,
Жувормак, ўздирма ўзбак отини,
Армонман кетмасин аканг хотини.
Айтган сўзнинг поёмини билсанг-чи,
Шумлик қилсанг, қонлар ютиб ўлсанг-чи,
Икки қўллаб як жилов қип бурсанг-чи.
Сенинг ўзинг юрган қандай балосан,
Элу халққа шарманда бўп қоласан,
Аканг тирик, чечангни кимга берасан,
Торт, жувормак, ўздириб қайда борасан,
Хотинимни кимга сарсон қиласан.

Бу сўзни эшитиб, Қоражон ҳам от устида бу сўзларни айтиб бораётир:

4590 Қайтай, ака, сенинг кўнглинг қолади,
Кўнглинг бузук, хаёлинг бадга боради,
Асли кўнглим сенда эди, бек оға,
Бу Бойчибор жилов бермай боради.
Шундай бўлди менга ҳақнинг фармони,
Кўп бўлади сендай акам армони,
Кўп гапирдинг орт-сиртимдан бемаъни,
Торта-торта қолмади-ку Қоражоннинг дармони,
Отга ўргатганми Бойсиннинг хони?!
Мендай ининг харчанд тортиб кўради,
Сувлук тишлаб, суриб кетиб боради.
Так, дейди, чу-ха, дейди, жўнади,
Қоражонбек ўз йўлидан қомади,
Харчанд бақирганман кулок сомади,
4600 Чингириб ортидан довуш қилади,
Қоражон қарамай кетиб боради.
“Жувормак ўл”, – дейди Кўкалдош номдор,
От тизгинин саклаб олди муқаррар.
Қандай бўп илгари ўтди Бойчибор,
Пойганинг олдини олди жонивор.
Олдин олиб борар бу Чибор оти,
Томошамон ўн минг уйли элати.
Пойганинг олдини олиб борибди,
Мамлакатга хўп овоза тўлибди,
4610 Қалмоқ, ўзбак бари йиғилиб қолибди,


Саф-саф бўлиб томошамон турибди.
Келаётган ёлғиз отни кўради,
Бойчибор деб ўзбак хуррам бўлади,
Кўкдўнон деб жами қалмоқ қаради,
Кўкдўнонга ҳеч келбати келмади.
Барча халойиклар қараб туради,
Бойчибор экани аниқ бўлади.

Кўкалдош алп ҳарчанд чингириб қолди, куйиб-пишиб кўп довуш қилди. Қоражон қулоқ солмай кетди, хоннинг Чибор оти пойга боши бўлиб, олдига ўтди. Қанча қалмоқ чўлда тизилиб келаяпти. Нечови отини ураяпти, Кўкалдош кўп пушаймон қилаяпти: “Илгаридан ғамимни емадим, ёлғиз вақтимда отни хўб ҳайдаб кўрмадим, бу ўзбакнинг отининг бундай келарини билмадим, хайр Қоражон қулоқ солмай кетди, қалмоқнинг бари қопти, ўзимиздан чиқиб Қоражон бизнинг ишимизни қипти, ўзбакнинг оти пойганинг олдини опти”.

Ҳамма қалмоқлар ҳам пушаймон қилибди: “Булай-шулай қилиб ўзиб келибди, ўзган билан ололмас, йиғилиб борармиз, хўп чаток қип турармиз, олти ойчилик йўлдан кеп ўзбакнинг олганини кўрармиз, бориб кўлимиздан келганча кўрармиз, шунча одам бундан қараб қолгандан кейин ўлармиз”. Шундай деб қалмоқлар келаяпти.

Хоннинг Чибор оти пойганинг олдини олиб, шашти билан келиб, бахмал ўтовни етти марта айланиб, отнинг тизгинини ушлаб, Қоражон тўхтатди, Барчиннинг канислари йиғилиб етди. Қоражонни отнинг устидан олиб, гиламнинг устига солиб, бардор-бардор қилиб кўтариб, бахмал уйга киргизиб кетди, қизлар отни елдириб, совутиб турибди, оп кеп якка михга бойлади, тери қотди. Барчин кеп, отни кўрибди, кўзларини ипак рўмоллар билан суртди, чанги, терини ушатди. Оёғидаги михлар озор бериб, хоннинг Чибор оти таппа тушиб ётди. Туёғидаги михларни кўриб, Барчин бир сўз деб турибди:

4620 Аҳмоқ қалмоқ отга зулм қилибди,
Менинг учун ҳайвон азоб кўрибди,
Шул мих билан Бобохондан келибди,
Ул бадбахтлар бежой ишни қилибди.
Бунга зулм қилган қалмоқ бемаъни,
Сенга қурбон мендай ойимнинг жони,
Азоб кўрган хон тўрамнинг ҳайвони.
Ҳеч замонда шундай ишни қилами,
Ҳайвонзодга шундай азоб берами,



- 4630 Минган одам, бул беҳабар қолами,
Шунча азоб билан бедов келами?!
Ул қалмоқлар отнинг кўнглин бўлибди,
Бобоҳонда билганидай қилибди,
Туёғига неча пичоқ урибди,
Кўрганларнинг бари раҳми келибди,
Бу бадбахтлар оша зулм қилибди,
Менинг учун кўп азобни кўрибди.
Муғойиб йиғлайди мендай муштипар,
От эгаси бу мазгилда беҳабар,
Ўсал ишлар отга қилган қалмоқлар,
Менинг учун азоб тортган Бойчибор.
4640 Бул ҳайвонга душман қойил бўлибди,
Чин тулпор-да, шул азобман келибди,
Шунча жароҳатман хизмат қилибди,
Қирқ кунчилик йўлдан пойга бўлибди,
Шунча йўлдан шу жабрман келибди,
Қалмоқ жуда қабоҳат иш қилибди.
Кўп азоб берибди хоннинг душмани,
Пўлатни эритар қизларнинг дами.
Барчин ойим кўриб ўйлаб туради,
Урган михи ялпоқ тизга боради,
Чорсисин туёкка ёзиб солади,
4650 Гул михларни тишлаб суғуриб олади.
Қалмоқ деган шундай тилсиз балоди[р],
Кўнгли бўлиб бундай ишни қилади,
Азоб билан бу жонивор келади,
Бу сўздайтиб йиғлар Барчин зулфакдор.
Сенинг азобингга кўнглим бузилар,
Кўп жафони солган сенга қалмоқлар,
Қаттиқ кунда азоб тортган жонивор,
Мендай ойим бул йўлингга интизор.
4660 Билганича қилган сени бадбахтлар,
Бепарво ўтирган давлатли шунқор,
Хизматимни бажо қилган Бойчибор.




Бу сўзни айтиб, отга меҳрибонлик қилиб, банот тўрвага емни илиб, кўчиб борган кўнғиротлар жам бўлиб, йиғилиб, пойга кетган қалмоқлар ҳам келиб, бир кам тўқсон алп гуруллашиб туриб: “Алплар билан ўзбакнинг полвони ёй тортишар эмиш”, – деб овоза бўлиб, ҳамма

томошамонлар йиғилиб, шунда Ойна кўлига, Чилбир чўлига томошамон
тўлиб, ёйандозлик қилмоқчи бўлиб, бу ёй тортишмоқдаги сўзи:

- Қизу жувон саф-саф бўлиб туради,
Барчиннинг устида талаш бўлади,
Ғуруллашиб неча алплар келади,
Буни кўриб бир хил қизлар кулади:
Бир хотин деб бари шундай қилади,
Хотин топмай юрган шўрли келади.
Олис йўлга нишонани куради,
Нишонани урган одам олади.
- 4670 Қалмоқ алплар бари қатор бўлади,
Мен урарман дейди кўнгил қилади,
Бир-бирига алплар навбат беради,
Парли ёйни бул қўлига олади.
Шиқирлатиб энди ёйни тортади,
Ёйнинг ўқи бул ғувуллаб кетади,
Бири пастдан, бири баланд ўтади,
Бир хилининг ўқи етмай ётади,
Аччиқланиб ёйни буклаб тортади,
Ушлаган парли ёй синиб кетади,
- 4680 Иккам тўксон алпи тортиб ўтади,
Кўкалдошга энди навбат етади.
Аҳмоқ қалмоқ ёйни қўлга олади,
“Барчин ойим бул меники бўлади”.
Ёйига Кўкалдош ўкни солади,
Нишонага қараб тўғри қилади.
Бор, урдим, деб энди ёйни тортади,
Қўлда ёйи чўртта синиб кетади,
Кўп қалмоқлар пушаймон кип ётади,
Энди навбат Алпомишга етади.
- 4690 Ғамли кунда тортар эди оху вой,
Бандам десин, раҳм айласин бир худой,
Ўн тўрт ботмон биричдандир парли ёй.
Парли ёйни шундай қўлга олади,
Кўрган қалмоқ бари ҳайрон қолади.
Раббим дейди, энди ёйни тортади,
Нишонага ўқи тўғри кетади,
Нишонани урган шундай тўради[р],
Бекнинг ёйи энди омон қолади.





- 4700 Бу шарт билан қалмоқ сўзи бўлмади.
Минг қадим ерни қадимлаб кўради,
Танга пулдан бул нишона қилади,
Ўйни қўйиб, милтиқ отмоқ бўлади.
Кўп деб қалмоқларга навбат беради,
Аввал қалмоқларга навбат келади.
Қалмоқлар нечови милтиқ отади,
Саксонман тўқсонга ўқи етади,
Қайси отса, йўлда қолиб кетади.
Алп Кўкалдош жуда ғайрат қилади.
Қалмоқнинг айтгани сира бўлмади,
- 4710 Отган ўқи ҳеч бир гўрга бормади.
Алп Кўкалдош шундай кўзлаб кўради,
Беш юз қадим ерга ўқи боради.
Кўкалдошнинг кўнглидаги бўлмади,
Қалмоқлардан навбат ўтиб боради,
Неча қалмоқ хўп тан бериб туради,
Алпомишга тағин навбат келади.
Бек Алпомиш хаста кўнглин хушлади,
Ўйғилган душманнинг сирин фошлади,
Анжом, милтиғини қўлга ушлади,
- 4720 Қараб нишонани отиб ташлади.
Кўриб, бул қалмоқлар хайрон қолади:
“Илгаридан машқ кип юрган балоди[r],
Минг қадимдан танга-пулни уради,
Бул ўзбак ҳадисга ўзи балоди[r],
Ҳали ёлғиз кўп ишларни қилади,
Ҳар иш ҳам кўлидан бунинг келади,
Кўйган шартнинг барин удда қилади,
Бунинг билан ким баробар бўлади?!”
Барча қалмоқ шу сўзни айтиб туради:
- 4730 “Бул ҳам бир алп экан, жуда зўрабор,
Қалмоқ юртда йўқдир бунга баробар,
Минган оти тулпор экан Бойчибор,
Ёлғиз ўзи кўп ишларни битирар.
Кўрган қалмоқ ҳаммаси хайрон қолди,
Уч шартнинг олдини шул ўзбак олди,
Энди шартдан бори бир кураш қолди,
Бойсарининг кизини ўзи олди,
Бизим қалмоқларнинг иши бекорди[r]”.


Уч шарт ўтди, кураш тараддисин қип ётибди. Ўн минг уйли Қўнғирот одами, қанча қалмоқнинг одами йиғилиб, Чилбир чўлига, Ойна кўлига томошамон тўлиб, раста-раста, даста-даста кур тортиб ўтирди. Томошамонлар: “Курашни кўрамиз. Тойчихоннинг алпи билан Қўнғиротдан келган ўзбакларнинг алпи кураш қилади, кураш жуда қизик бўлади, курашда қайсиси зўрлик қилса, ўзбакнинг қизини олади”, – деб томошамоннинг бари жам бўлади. Кўкалдош бош бир кам тўқсон алпи билан бир тарафдан қатор бўлиб ўтирди. Алпомиш билан Қоражон бир тарафдан ўтирди, ўртада анча ерни очиб қўйиб, чангиган ерларга сув уриб, Қоражон ўрнидан туриб, бир хил кийимларини чечиб қўйиб, кураш кийимини кийиб, белини бўғиб, шундай айлана берди. Қалмоқлар айтди: “Ўзимиздан чиқиб, Қоражон ҳам бало бўлди. Мудом ўзбакнинг ёрдамини олди”. Бу ёқдан Қўшқулоқ алп деган алп майдонга кирди.



Ўзбек фольклорини
нослигининг асосчиси
Ходи Зарифов

Бу алпларнинг курашаётгандаги сўзи:

- 4740 Жафоларга тушиб энди танда жон,
Мўмин кулга эгам бўлгай меҳрибон,
Тараф тортиб бу майдонда Қоражон.
Қалмоқ бари Қоражонга қаради,
“Бул Қоражон бир балони қилади,
Ўзимиздан бизга ёв бўп қолади”.
Қоражоннинг бир акаси бўлади,
Тараф бўп Қўшқулоқ полвон жўнади,
“Қани мен ҳам Қоражонни кўрай, деб,
Жувормакни билганимдай қилай, деб,
Бошимдан ошириб ерга урай”, деб
- 4750 Чечиниб бул қалмоқ келди майдонга.
Қоражонга алплар тараф қилади,
Қўшқулоқ ҳам шундай бир зўр балоди[р],
Кураш-да, таърифи шундай бўлади:
Шомурти шохалаб ҳар ёққа кетган,
Учида чичқонлар болалаб ётган,
Издан тушган пишак олтойда етган,
Мундай қалмоқ кўлин булғаб келади.
Қоражонбек хаста кўнглин хушлади,
Жуппай қилиб ёқасидан ушлади,




4760 Дустамон қип уни қоқиб ташлади.
Кўшқулоқнинг шундай ақили шошди,
Кумни қоқиб энди ерга ёпишди.
Яна ҳам бир қалмоқ келди майдонга:
Одам тушмас бунинг айтган тилига,
Беш юз қулоч арқон етмас белига,
Дучор бўлди Қоражоннинг кўлига,
Ушлагандан отди Чилбир чўлига.
Кўтарилиб тағи қалмоқ киради,
Қоражонбек ўзи ёлғиз туради,

4770 Бунга дучор бўлган қалмоқ ўлади.
Бул қалмоқдир қалмоқларнинг равиши,
Оҳ урса оламини бузар довуши,
Тўқсон молнинг терисидан ковуши.
Сиёсатман келиб майдонда турди,
Қоражон таваккал тангрига қилди,
Бу қалмоққа энди яқинлаб қолди.
Курашмоқ хадисин шундай билади,
Алп Қоражон ётиб отар қилади,
Анг эди, ул шўрли билмай қолади,

4780 Бошидан ошириб ерга уради,
Тушиб ерда пора-пора бўлади.
Аччиғланиб тағи қалмоқ келади,
Қоражоннинг ишин бари кўради.
Қахрланса тошни ёрар қаҳари,
Тўқсон норнинг гўшти бўлмас наҳори,
Ҳар изига кетар анча баҳори,
Шундай қалмоқ келиб кирди майдонга.
Жафолар солгандир тандаги жонга,
Хазон бўлса зоғлар қўнар гулшанга,


4790 Дучор бўлди Қоражондай полвонга,
Ушлагандан буни отди осмонга.
Тағи ҳам бир қалмоқ келди майдонга:
Олтмиш қари олачадан қалпоғи,
Тўқсон кўйнинг терисидан телпағи.
Шундай қалмоқ келиб кирди майдонга.
Қоражонбек жуда ғайрат қилади,
Қайсардай бўп бул олишиб туради,
Кейинга қайириб ерга уради,
Келган қалмоқ армон билан ўлади.





- 4800 Қоражонга пирлар қувват беради,
Худо дейди, бул майдонда туради,
Дўсти учун жуда хизмат қилади,
Қоражондан бекнинг кўнгли тўлади,
Келган қалмоқ сира омон қолмади.
Қоражонбек ўзи танҳо турибди,
Нашаванд қалмоқлар алпи кўрибди,
Нашасини хўп кўндириб олибди,
Кайфин чоклаб бул майдонга келибди.
- 4810 Қоражонга талаб қилиб турибди,
Нашаванд таърифи шундай бўлибди:
Тўрт юз тўқсон кулоч қўлда хассаси,
Сарховуздан катта эди косаси,
Шунинг билан ўн саккизта нашаси,
Тўқсон қари бўздан бўлган киссаси,
Шундай қалмоқ айланади майдонда.
Бир-бирига қўлин булғаб боради,
Нашаванд бўлса ҳам бир зўр балоди[р],
Иккови ҳам кўп олишиб туради,
Мисли ерлар шудгордай бўп қолади,
- 4820 Нашаванд-да, бўғуми бўшаб боради.
Бу қалмоқдир жуда номдор, хунари,
Йўқ эди бойқишнинг ҳадис-хунари,
Кўп олишиб, кам-кам кетди мадори,
Кўринг энди Қоражондай шунқори,
Қалмоқ билмай қолди, ҳеч бир хабари,
Алп Қоражон кўкка отиб юборди.
Балки булутга ул бойқиш етишди,
Жуда ҳам ёзганнинг нашаси учди,
Осмондан келиб ерларга тушди,
- 4830 Куни битиб, ўлар вақти етишди,
Ғуруллашиб қолгани кўтарилишди,
Қоражонбек ёлғиз қилади ишди,
Қалмоқ тарафидан тағи етишди.
Қалмоқларнинг бунда ҳолин билади,
Майдонга келгани қолмай ўлади.
Қоражонбек: – Баринг кел, – деб туради,
Иккам тўқсон алпни нобуд қилади,
Бул алплардан бир Кўкалдош қолади.
Алп Кўкалдош ёлғиз ўзи қолибди,





4840 Ўзга алпларнинг бари ўлибди,
 Қоражон барига ғолиб келибди,
 Кун номозгар, энди кеч бўп қолибди,
 Курашга ул замон жавоб бўлибди.
 Одам таркаб мазгилига борибди,
 Ўрда бозор, юриб ўйин қилибди,
 Қалмоқларнинг кўпи изза бўлибди,
 Қанчаси бу ерга ётиб қолибди,
 Тонг отганча маслаҳатда бўлибди,
 Нечовларнинг вақти хуш бўп қолибди.

4850 Бир окшомни шундай қилиб ўтқизди,
 Номоз вақти эрта-мертан тонг отди,
 Чошкада йиғилиб кетганлар кепти,
 Алпларнинг каттасин навбати кепти,
 “Кураш қизик бўлар”, – деб ҳам турибди,
 Кечагидай бари келиб саф тутди.

Шунда кетган томошамон бари йиғилиб: “Кечагидан ҳам бугун қизик бўлар, алпларнинг зўри олишар”, – деб турди. Кеча қандай бўлса, бугун ҳам шундай бўп ўтирди. Қоражонга Алпомиш туриб айтди: – Бугун тушмайсанми майдонга, бугун талаб қилмай турибсан? – Бунга ҳам туш десанг, тушаман, тушган билан бундан омон топмайман, лекин бу ҳаддили зўр, бунга тушсам, икки бошдан ўламан. Ўзим ўлгандан кейин сенинг берган давлатингни нима қиламан. Бизнинг сири-ҳолимиз бир-биримизга маълум, илгаридан ҳам тўқайда айикдай олишиб ётган одам эдик, уларни илгари ҳам йикитар эдим, энди калманинг шафоҳати – ушлагандан отиб юбораяпман, қандай бўлса, бир қалмоқ копти, бунга тушиб ўлгандан бир нима чиқарми, ғайратинг бўлса, кўрсат энди, – деб турибди.

Алпомиш чечиниб: – Хайр, ундай бўлса, – деб майдонга талаб қила берди. Кўкалдош алп туриб айтди: – Ўзбак! Сен бундай бўйни йўғонлик қилма, ғариби гўристон бўлиб ўлма, хали ҳам кўйгин, ёрингдан умид қилма, ҳалак бўп келган йўлингдан қолма, шу алплар ўлса, ўлсин, ўзбакнинг қизи бечаток бўп ёлғиз ўзима қолсин, деб туриб эдим, сени илгаридан ҳам ҳисоб қилганим йўқ эди.


Бу сўзни эшитиб, Алпомиш Кўкалдошга қараб, бул ҳам бир сўз деб турган экан:

Ҳар ким ўз элига бекми, тўрами,
 Ўзи ўлмай киши ёрин берами?
 Бунча сўзни лоф урмагин, сен қалмоқ,
 Кел энди майдонда тургин, ё аҳмоқ.



- 4860 Билмайман, майдонда кимлар ўлади,
Кўтарилма арзон бўлиб қолади,
Барчин ойим бул ўртада туради,
Бийнинг қизи кимга тақдир қилади.
Мени сен ўзингдан кам деб турасан.
Кўтарилма, жуда аҳмоқ балосан,
Олишган сўнг қанчалигим биласан,
Кўтарилиб, қалмоқ, нима қиласан.
Боғбон бўлсам, қизил гулни терайин,
Ҳар на қисмат, ёзилганин кўрайин,
4870 Келгин, қалмоқ, бирга майдон қилайин,
Насиб этса, сенинг додинг берайин,
Сенинг билан майдон қилиб кўрайин,
Зўрлик қилсанг, тақдирга тан берайин,
Кўтарилма, бир олишиб кўрайин!
Билдирасан менга зўрликларингни,
Ўлдириб оласан Барчин ёрингни,
Олишсанг, синайсан ўзинг ҳолингни,
Ўз жонингга сен қилмагин зулмни.
Бир аросат бунда майдон бўлади,
4880 Турган барча томошани кўради,
Кимнинг куни битса, бунда ўлади,
Қолган одам бойнинг қизин олади.

- Бу сўзни Алпомиш айтиб туради,
Аччиқланиб бул Кўкалдош туради,
Чечиниб, шу замон белини бўғиб,
Минордай бўп бу майдонга киради.
Кўрган одам бари ҳайрон қолади,
Биз билмаймиз қандай замон бўлади.
Иккови майдонда айланиб турди,
4890 Томошамон кўз юбортиб тикилди.
Ҳамма бу алпларга тиклаб туради,
Шердай қайсар қўл булғашиб келади,
Турпоклар чангийди, тўзанг бўлади,
Иккови кеп белма-бел бўп олади,
Белма-бел олишса айрит бўлади,
Зўр деганинг маълум бўлиб қолади.
Шундай бўлди анга ҳақнинг фармони,
Кўп бўлади ғамли қулнинг армони,



- 4900 Ҳарчандки чирпинди Бойсиннинг хони,
Йикмокка келмади бекнинг дармони,
Зўр экан Кўкалдош, жуда бемаъни.
Зўр килиб, инграниб шундайин шунқор,
Кўкалдош ҳам бўлди хонга баробар,
Шудгордайин бўлиб қолди бу ерлар,
Жуда ҳам олишди бу икки қайсар.
Иккови қайтмасдан майдон қилади,
Жон бозори – кўп олишиб туради,
Иккови баробар келиб қолади,
Элда ёлғиз бек Алпомиш тўради[r],
4910 Курашда қувватин сарф қип юради,
Йикмокка қуввати бекнинг келмади.
Кўкалдош ҳам Алпомишдан кам эмас,
Мени ўзбак йикади деб ҳам емас,
Олишар майдонда икки шағалмас,
Иккови ҳам бир-бирига сир бермас,
Буларнинг ишини халойиқ билмас,
Иккови бир-бирин ҳеч парвой қилмас.

Ўн минг уйли Қўнғиротнинг кизлари билан, Барчин канизлари билан
томоша килиб, буларнинг олишганини кўриб, Ҳакимбекка қараб, бир сўз
деб турган экан:



- 4920 Очилар баҳорда боғларнинг гули,
Гулни кўрса маст бўп сайрар булбули,
Нармода бўлибсиз бий бобом ули.
Йиколмасанг, бизга беринг навбатди,
Жуда келди Барчин ёринг ғайрати,
Ушлагандан кўкка отмай не бўпти?
Йиколмасанг, тўрам, навбат тилайин,
Эркак либосини ўзим кияйин,
Бор кучимни билагима жияйин,
Бул қалмоқни пора-пора қилайин.
4930 Қалмоқ билан, хоним, бўлдинг баробар,
Сизни жуда мазақ қилар канизлар,
Бу қалмоқни кўкка отсанг не бўлар?
Иш кўрсатсанг, менинг кўнглим топилар.
Бу сўзларни Барчин сулув айтади,
Барчинойга навбат бергин, нетади,



- Мендай ойим ушлаб кўкка отади,
Қизлар сизни нармода деб айтади,
Қизларнинг айтгани менга ботади.
Мардлар олишмайди, силтаб отади,
Майдон бўлса иш кўрсатиб кетади,
Бўш одамнинг иши кейин кетади.
- 4940 Барчинойнинг бундай кўнглин бўлмагин,
Кўп олишиб, ўзинг ҳалак қилмагин,
Қиз бола деб мени номард билмагин,
Бу сўзимни, хоним, оғир олмагин,
Навбат бергин, сира гина қилмагин.
Майдон кунда сенга ҳамдам бўлайин,
Мен ҳам энди бир олишиб кўрайин,
Ушласам, қалмоқни нобуд қилайин,
Оғир олма, тўрам, навбат сўрайин.
Бу сўзларни айтди гул юзли дилбар,
- 4950 Икки полвон бўлиб турди баробар,
Кўп сўзларни Барчин сулув айтади,
Сўзи Алпомишга ботиб кетади.
Жафо тиғи бул кун жондин ўтади,
Айрилиқ ханжари бағрин йиртади,
Ўтдайин тутаниб шунқор кетади,
Ғайрати ғайратга бекнинг етади,
Ёр сўзиман шердил бўлиб кетади,
Чирпиб Кўкалдошни кўкка отади,
Анча ер ҳавога чиқиб кетади.
- 4960 Халойиқлар кўкка боқиб қаради,
Олчи-чикка бўлиб шундай айланиб,
Алп Кўкалдош бул осмондан келади,
Калласиман келиб ерга уради,
Калласи чиқиб боради,
Шундай бўлиб Кўкалдош ҳам ўлади.
Томошамон қалмоқ бўзлаб жўнади,
Қалмоқ халки шундай зарбни кўради,
Томошамон бари изза бўлади.
“Армон билан, эсиз, алплар ўлди”, – деб
- 4970 Не гўзаллар кўзин ёшлаб боради,
Қоражондан бари гина қилади,
Шу вақтинда кураш охир бўлади.
Тақдирига Қалмоқшоҳ тан беради,






4980 Қанча амалдорман қайтиб жўнади.
Бир нечаси кўриб гина қилади,
Баробар келмади, охир ўлади,
Неча сўзни қалмоқ айтиб боради,
Қалмоқшоҳ сўзига қулоқ солади:
“Менманликман бизинг алплар ўлади,
Ўзбак иши асли ҳақ деб боради.
Бировнинг хотинин қайтиб олади,
Ўларманнинг иши шундай бўлади,
Тан бермаган одам шуйтиб ўлади”.
Қалмоқлар ҳам рост, деб кетиб боради,
Тойчихоннинг сўзи маъқул бўлади.
Шундай бўлиб кураш охир бўлади.

4990 Давлатидан адрас-кимхоб кийдирди,
Кимки ғаним, хонумонин куйдирди,
Ҳақдан келган ишга бўйнин ийдирди,
Ўн минг уйли элатини жийдирди.
Хабар борди шундай отлар чоптириб,
Намойишга оқ ўтовлар ёптириб.
Эли-халқи – барча йиғилиб келади,
Бекни сийлаб, яхши хизмат қилади,
Барчинойга тўй қилмоқчи бўлади.
Обгардонин ортиб ошпаз келади,
Чилбир чўлда тўйни бошлаб қолади,
Бешта-ўнта улоқ ташлаб туради,
Бир четида кўпқари ҳам қилади.

5000 Ўлиб кетди қалмоқ гачча,
Тўй бўлди Барчин ойимча,
Олмоқчи Ҳаким бекбачча,
Йиғилишган сатта норча,
Кўпқарини чопиб ётир
Аралашиб соп бойбачча,
Тўй беради кўп кунгача,
Улоғига ташлаб турур
Катта сарка, олапача.

5010 Беҳад қўю сўкимларни сўяди,
Кунда ҳамма қолмай ошга тўяди.
Кунига узмасдан улоқ беради,
Чиқарганлар танга-тилла олади,




- Чавандозлар катта унум қилади,
Қирқ кунгача узмай тўйни беради.
Ўйинчи, нағмагар бари келади,
Ўзбак шоирлари айтиб туради.
Келган одам сира қурук қолмади,
Ҳаммаси ҳам анча нарса олади,
Қирқ кундан қай тўйлар охир бўлади,
5020 Бир нечалар уйга тарқаб жўнади.
Бойбаччалар бекнинг гирдин олади,
Куёв нўкар бўлиб бунда туради,
Ўзбакнинг расими шундай бўлади:
Қизу жувон бари йиғилиб келади,
Аёллари тўққиз товоқ қилади,
Куёвнинг олдига шундай боради,
Оп борган таомни нўкарлари еб,
Товоғига танга-тилла солади.
5030 Не бир хотинлар вақти хуш бўп боради,
Анча танга бунда унум қилади,
Ўртага ўт ёқиб қизлар туради,
Салом солиб бекни бошлаб боради.
Шу замонда уйга яқин бўлади,
Уй ичинда катта одамлар туради,
Санам қизлар бари йиғилиб қолади,
Барчинойни бул ўртага олади,
Қадимги расими шундай бўлади,
Барчинойни қиз опқочди қилади.
5040 Не келинлар юриб қизни сўради,
Бир ердан буларни топиб олади.
Икки вакил ул мулладан келади,
Келиб қизнинг ихтиёрин сўради,
Уялгандан қабул қилмай туради,
Қиз сўйлатар деган расм бўлади,
Қиз гапиртган анча пулни олади,
Барчин вакилини энди беради,
Ҳақимбекни бунда қабул қилади,
Гувоҳлар йиғинга яна боради,
5050 Пешини қайтариб мулла сўради,
Бул гувоҳлар туриб жавоб беради.




Домласи вакилларида сўраб, булар ҳам гувоҳлигига бир нима олиб,
мулла хутбасини ўқиб, никоҳ қилиб, мулланинг сўраган сўзини вакиллар

хам қабул қилиб қайтди. Ҳақимбекдан ҳам не шартлар сўраб, шарти, шароити билан қабул қилиб, ҳамма димоғи чоғ бўлиб, мазгилига қайтиб кетди. Бахмал ўтовда чимилдик тутиб, куёв нўкарлари билан куёвни киргизмоқчи бўлиб, бир неча хотинлар “кампир ўлди” бўлиб, ўлганига бир нима олиб, “ит ириллар” деган расмини қилиб, бунга ҳам бир нима бериб, ҳар замон салом солиб, уйдан ичкари кириб, чимилдикда ўтириб, олдига дастурхон солиб, қўйларнинг тўшини пишириб олиб келиб, буларнинг олдига қўйиб, хўп еб тўйиб, куёв нўкарларга тўппи, рўмол, сарпойлар бериб, ҳаммаси ўз расми-қаъдасини қилиб, куёв нўкарлар чиқиб кетди, булар ҳам мазгилига – жой-жойига қараб кетди. Барчинни бекнинг қошига оп келмоқчи бўлиб, кўп қизлар ўртага олиб, бахмал қоплаган оқ кигизга солиб, “қадимги расмимизни қиламиз”, – деб қизлар кўтариб, кўтаргани қуввати келмай ҳалак бўлиб, уйтиб-буйтиб олиб келиб, Ҳақимбекнинг қошига олиб кириб, хотинлар расмини қилиб, “чоч сийпатар”, “қўл ушлатар”ини қилиб, бир неча янгалар шўхлик кип туриб: “Нима қилсангиз, ихтиёр ўзингизда”, – деб шўхлик билан бир нечаси жавоб бериб, ҳар кайсиси ўз мазгилига кетди. Бул ўтов икковига танҳо тегиб қолди. Ана энди Барчинойни никоҳ қип олган сўзи:

Эшитингиз, беклар, оху зорини,
 Ўлиб кетган неча душманларини,
 Никоҳ қийиб олди Барчин ёрини,
 Қўнгилдан чиқариб кўп ғуборини,
 Ўйнаб-кулиб тарқатгандир черини,
 Олгандир шундайин зулфакдорини,
 Қўнглин хушлаб бунда бул бекларини.
 Банда кўнар тангри қилган ишига,
 Ул кечаси бориб анинг қошига,
 5060 Ўйнашиб, қўл солиб қордай тўшига,
 Ул кечаси файзи саҳар бўлганда,
 Бек Ҳақим қўшилди гул бувушига.
 Намоз вақтигача ўйнаб-кулади,
 Тонг отган сўнг бул ўрнидан туради,
 Икковлари икки жойда бўлади,
 Овлоқ жойга ўтов тикиб қўяди,
 Бек Ҳақим ўтовга бориб ётади.
 Ҳар замонда қизлар хабар олади,
 Янгалар йиғилиб бунда келади,
 5070 Бир хил янга «куёв товоқ» қилади,
 Танга-тилла товоғига солади,

- 
- Ўзбаклар расими шундай бўлади:
Чошка-тушда соп йигитлар келади,
Ҳақимбекдан «куёв улок» сўради,
Сўраган одамлар курук қолмади,
Буларга ҳам битта сарка беради,
Вақти хуш бўп булар кетиб боради.
Қоражон ҳам келиб бирга туради,
Қоражонни яхши иззат қилади,
5080 Қоражон кўнглига ҳамма қаради,
Алпомишнинг бири бўлиб туради.
Қоражон ҳам иззат-хурмат кўради,
Ҳар куни бу ерда даврон суради,
Кун айланиб яна кеч бўп қолади.
Ҳақимбекни янгалари олади,
Барчиной қошига қўйиб келади.
Қизу жувон бари бунда жам бўлиб,
Турур Қоражонга хизматни қилиб,
5090 Неча кунлар бундай давронда ўтди,
Бу мазгилга келиб Ҳақим жой тутди,
Бойсарига энди гапни жўнатди.
Бойсарига энди хабар борибди,
Элатидан катта-кичик келибди,
Элат билан маслаҳатни қилибди,
Барчинни узатиб қайтмоқ бўлибди,
Бойсарибой бормайманда турибди,
Бўлак эл кетмоқни ихтиёр қилибди,
Бойсарига ҳарчанд зўрлаб кўрибди,
5100 Эли-халқи кўп насихат қилибди,
Бир нечалар кўп сўз айтиб турибди:
– Қизинг кетар, сен ҳам гангиб қоларсан,
Қалмоқлардан кўп жафони кўрарсан,
Бул кўрганинг ҳали озлик қилами,
Қалмоқнинг юртида нима қиларсан.
Сен қоларсан, кетар бундан элатинг,
Сўнгра учмоққа йўқдир канотинг,
Ўн минг уйли Қўнғирот сенинг қувватинг.
Эт қизувман бунда ёлғиз қоласан,
Ёлғиз қолиб кўп пушаймон қиласан,
5110 Албатта бирга борсанг, сен ҳам яхши бўласан.
Аввал бир гап билан бунда кеп эдинг,



5120 Тойчихонни паноҳ берар деб эдинг.
Бунда келиб неча кунлар тургансан,
Қизинг талаш, қанча изза кўргансан,
Қалмоқлардан не яхшилик кўргансан.
Каттамизсан, бундай ўрлаб турмагин,
Қандай бўлса элдан ёлғиз қолмагин,
Қизингдан айрилиб, ғариб бўлмагин,
Қийин бўлар сўнгра элни кўрмагинг.
Келиб эдик, бирга-бирга борамиз,
Ҳақимбекка шу жавобни берамиз,
Бундан борсак, Кўккамишга қўнамиз,
Бойсин элни бориб ёйлаб юрамиз,
Қурсин қалмоқ юрти, нима қиламиз?!
Ҳақимбекка нима жавоб берамиз?
Кетар қизинг Барчин зулфакдор,
Ўрлаб сенга ёлғиз қолмоқ не даркор,
Қалмоқнинг юртини қилма ихтиёр,
Мусофирлик юртдан кетмоғинг даркор.

Бу сўзни эшитиб, қавми-қариндошининг гапига қараб, Бойсари ҳам бир сўз айтиб турган экан:

5130 Акам изза қилди Бойсин элида,
Туrolмадим Кўккамишнинг қўлида.
Закот деди, ўн тўрт маҳрам буюрди,
Маҳрам келиб менга берди хабарди,
Закот деган гапга кўнглим қабарди.
Улсиз эдим кўп гап ёдима келди,
Акамнинг сўзлари қаттиқ кўринди.
Мен ҳам айтган сўзга менманлик қилдим,
Ўн тўрт маҳрамини ушлаб ўлдирдим,
Кашалга кўчмоқни ихтиёр қилдим,
5140 Сизлар ҳамроҳ бўлиб ундай кунларда,
Неча кунлар Кашал қараб йўл юрдим,
Кўккамишдан чиқиб Ойкўлга қўндим,
Қалмоқлар алпидан кўп изза кўрдим,
Қандай бўлса тақдирима тан бердим.
Қариндошлар, эшит айтган сўзимни,
Керак бўлса, олиб кетсин қизимни,
Бориб мен акама таъна бўлганча,




- Қалмоқлар ўлдирсин менинг ўзимни.
Мени билсанг, сира Қўнғирот бормайман,
5150 Борсам ҳам мен бурунгидай бўлмайман,
Акамнинг дийдори курсин, кўрмайман.
Кўнглим синик эди, ҳолим билмади,
Акам мени элда иззат қилмади,
Закот деган одатини қўймади.
Акамнинг зарбидан сарсон бўлганман,
Элимдан айрилиб бунда келганман,
Кўп сўрасанг, тирик эмас, ўлганман,
Қариндошлар, гапни адо қилганман,
Кетмоқ бўлса, Барчинга жавоб берганман.
5160 Бу элларда менга ўлмоқ лозимди[р],
Қар замонда сўраб туринг Барчин қизимди.

Бул жавобни қариндошларига берди. Улар ҳарчанд зўрлаб кўрди, кетмоқни ихтиёр қилмади. Қариндошларининг айтгани бўлмади. Ҳақимбекка бориб қариндошлари шундай билдирди: – Бойсарибий билан келиб, қайтиб элга боролмай, сарсон бўлиб қолганмиз, бирга кетсак, – деб бийга кўп гапириб кўрганмиз, катта-кичик жуда зўрлаб турганмиз. Кетмоқни ҳеч ихтиёр қилмади, қариганда ҳам бунинг бўйни йўғонлиги қолмади. Бул одамлар ҳарчанд зўрлаб кўради, одамнинг эсида йўқ гапларни гапирди: “Қайтиб борсам, кўчиб бориб ўл, баччағар, ўғлим бориб ҳам ўзингни олиб келди, ҳам қизингни олиб келди, – деб бетимга таъна қилади, ўлсам ҳам бормайман”, – деб ўрлайдида, туради, – деди. Ҳақимбек эшитиб: – Бу мусофирликда суяги қолиб кетмасин, деб неча марта одам юбориб кўрди. Ҳеч сўз қопмади, ҳеч кимнинг гапини қулоғига олмади, ўзининг билганидан қолмади.

Шундай бўп бул орада қирқ кун ўтди, қирқ кунгача маслаҳат қип ётди. Қирқ кундан кейин маслаҳатни бир ерга қўйиб, Бойсари қолди. Ўн минг уйли Қўнғирот Барчин билан кетмоқчи бўлди. Барчинни узатмоқчи бўлиб, куёвга “Ирга кўрсатди” деган расмларини қилиб, бир қўйни сўйиб, чашка вақтида уйига чакириб, яхши сарпойлар Ҳақимбекка ёпиб, қаватида Қоражонга ҳам ёпиб, Барчинни узатмоқчи бўлиб, узатаётгандаги сўзи:

Чечанлар эплайди гапнинг эпини,
Шул замонда беш юз норни чўғариб,
Ортади Барчиннинг қилган сепини.
Барчиной йиғлайди, кўнглин бўлади,
Энасиман отасига қаради,



- 5170 Караб турса элат кўчиб боради,
Суянчи йўк, ота-эна қолади,
Булар қолишига Барчин жилади,
“Ота не бўлди?” – деб зўрлаб кўради,
Қулоқ солмай Бойсари ўрлаб туради.
Бир йўрға устига Барчин минади,
Барчин ойим энди кетиб боради.
Кўнгили бузилиб, ўпка тўлади,
Кўнгили бузилиб, мўнглик жилади,
Ўн минг уйли элат кўчиб боради,
Отаси, энаси шўрнинг қолади,
Эсиз отам улсиз деди, жилади,
Йиғлаганман нима илож қилади,
- 5180 Сепин ортиб энди йўлга солади,
Бойчиборни Ҳакимга олиб келади,
Қоражонман Ҳакимхон отланади.
Бедов минган от-абзалин шайлади,
Келганлар элига талаб айлади,
Чўпонлар курхайтлаб кўйни хайдади.
Элибойлар килиб ётир доврикни,
Хайдади чўпонлар чори, совликни.
Кашалдан Бойсинга талаб айлади,
Келган элат бундан кўчиб боради.


Бойсари кизини узатиб, кўнгли бузилиб, яна Барчинга тасалли бериб,
бир сўз айтиб турган экан:



- 5190 Жоним болам, Барчин, кўнглинг бўлмагин,
Отам қолди деб сен хафа бўлмагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Сен борасан қариндошнинг ичига,
Ёлғизман деб, болам, йиғлаб юрмагин.
Муна элда бойлик даврон сурарман,
Ҳар гап бўлса тақдиримдан кўрарман,
Ҳар замонда, болам, сени кўрарман,
То ўлганча дуогўйинг бўларман.
- 5200 Элу халқни бундан бориб кўрасан,
Мен қолганга, билдим, хафа бўласан,
Бизга қараб, болам, йиғлаб борасан.

- Кулокка тут, болам, айтган сўзимни,
Қайтайин, жўнатдим сендай кизимни,
Ёш тўлдирма сен ҳам наркас кўзингни,
Жуда хафа қилдим сендай кўзимни.
Йиғлама, жон болам, кўнглим бузилди,
Кетишингни кўриб бағрим эзилди.
Хафа қилиб бунда сендай санамни,
5210 Кўйиб кетма менга доғи-аламни,
Тенқурингга кўшдим сендай боламни.
Бу юртларга келиб роҳат кўрмадинг,
Қалмоқлардан эмин-эркин юрмадинг,
Шукрулилло, қалмоқларда қолмадинг.
Кетдинг, болам, қавми-қариндошингга,
Кўп савдолар тушиб бунда бошингга.
Жон болам, отангни холин билгансан,
Отам деб ҳам меҳрибонлик қилгансан,
Тўқсон алпга ёлғиз жавоб бергансан,
5220 Бойсарининг холин билган боламсан.
Қийғир деган кўш ўлтирар киёда,
Не кўриб-кечирдинг фоний дунёда,
Қиз бўлсанг ҳам, қилган ишинг бир нечадан зиёда.
Рустамдайин иш кўрсатиб борасан,
Соғинсанг отангни, болам, кўрасан,
Элу халқман бирга кетиб борасан,
Бойсин-Кўнғирот элда даврон сурасан,
Ҳар замонда мени эсингга оласан,
Билдим сени, оша хафа бўласан,
5230 Бундан борсанг, бий бобонгни кўрасан,
Бўлган ишни унга маълум қиласан.
Тойрилиб бошимдан тожи давлатим,
Бойбўрига танҳо қолди элатим,
Қиз ҳам бўлсанг, мен суянган фарзандим.
Юрагимда бордир ғамли кулфатим,
Энди тил билмаган қалмоқ улфатим,
Кунма-кун зиёда бўлди ҳасратим,
Кўрар кўзим, омонда бўл, фарзандим.

Бойсари кизини узатиб, ўн минг уйли Кўнғирот бари кўчиб, йўлга кириб, Бойсари қайтиб уйига келиб, ёлғиз қолиб, ҳам юртидан, ҳам кизидан айрилиб, калласи ғувуллаб, мусофирлиги асар қилиб қолди.



Қоражоннинг энаси бул ишларни билиб, алпларнинг маконига келиб, зўр қалмоқларнинг ўлганини кўриб, Қоражондан тирик айрилиб, ўзга ўғилларидан ўлик айрилиб, кўнгли бузилиб, бир сўз деб турган экан:

- 5240 Болаларим элда зўрабор эди,
 Қалмоқ юртда юрган бир қайсар эди,
 Қаторда гуркираб турган нор эди,
 Ҳар қайси юз мингга баробар эди,
 Менинг ҳам бир етти ўғлим бор эди,
 Бир-биридан жуда зўрабор эди,
 Мен билмайман не фалокат дориди.
 Армон билан билмаганим билдирди,
 Ханжар чекмай бағрим қонга тўлдирди,
 Ўзбак келиб ўғилларим ўлдирди.
 Кесилибди эсиз алпларнинг боши,
- 5250 Майда-майда бўпти гавдаи лоши,
 Кўриб тўкилади кўзимнинг ёши,
 Фарзандлари эди Сурхайилнинг сирдоши.
 Йиғлаб қолдим энди мен ҳам муғойиб,
 Қоражондан тириклайин айрилиб,
 Учқур эдим қанотимдан қайрилиб,
 Югрук эдим туёғимдан тайрилиб,
 Армон билан мен алплардан айрилиб,
 Мен йиғлайман ғариб бўлиб, сарғайиб,
 Алплардан айрилдим сочимни ёйиб,
- 5260 Кимга айтай энди кўксимни ёриб,
 Қайда борай мен кўзимни ахтариб?!
 Шу қисматни тақдиримдан кўрайин,
 Қалмоқшоҳга энди ўзим борайин,
 Кўрганимни йиғлаб арз қип турайин.



Бу сўзларни айтиб, алами зиёда бўлиб, сочини ёйиб, бетини юлиб, Қалмоқшоҳнинг давлатхонасига бориб, ўғилларининг вақтида подшоҳликда ҳукми зўр кампир эди, амалдор, жиғадор, туғдорлар олдида тушиб, Қалмоқшоҳнинг олдида ияртиб борди.

Сурхайил мастоннинг Қалмоқшоҳга айтиб турган сўзи:

Олмадайин сўлган гулдай тарзим бор,
 Тойчихоним, сенга айтар арзим бор,
 Сендай шоҳим бул ишлардан беҳабар,

- Сени яксон қилиб кетди ўзбаклар.
Тахт устида сендай шоҳим турами,
5270 Ёлғиз ўзбак шундай ишни қилами?!
Ҳеч замонда шундай гаплар бўлами,
Бир ўзбак шундайин ишни қилами,
Шундай алплар бул бейўқлов ўлами,
Бевахм сендай шоҳ элда турами?!
Бундай бўлсанг, шоҳим, элни сўрама,
Сенинг жонинг бўлса, шундай қилама?
Билдим, ўзбак кетса сенинг далангдан,
Ҳеч бир сен чиқмайсан қўрғон-қалъангдан.
5280 Билмадингми ул ўзбакнинг ишини,
Кесибди-ку зўр алпларнинг бошини.
Подшо деган бул ишларни билмайми,
Билиб элдан оғир лашкар олмайми,
Ўзбакларга қиёматни қилмайми.
Подшо бўлган номус-орни билмайми,
Майдон бўлса иш кўрсатиб келмайми,
Моли-ҳолин, борин талон қилмайми,
Қизу жувон от остинда қолмайми,
Қасд қилганга шундай кунни солмайми?!
5290 Шундай алплар ўлган, бунда биласан,
Билсанг ҳам билмамиш бўлиб турасан,
Уяти йўқ, қандай катта бўласан?!
Айтган сўзим қулоғингга оласан,
Гап келганда сен уялиб қоласан,
Бу сўзима нима жавоб берасан.
Сен бормасанг, юриб хабар қилайин,
Бу элатдан одам йиғиб олайин,
Қичов қилиб мен кейнидан борайин,
Бало теккан Қоражонни кўрайин,
Унинг билан бир шекилли бўлайин,
5300 Ё ўлдириб, ё бир ўлиб келайин,
Жавоб бер сўзима, шоҳим, жўнайин,
Энди сенга гапни кўтоҳ қилайин.

Бу сўзни Сурхайилдан эшитиб, Қалмоқшоҳ ҳам бир сўз айтиб турган

жан:


Амалдорлар барин чакиртиб олади,
Туғдорларман кўп маслаҳат қилади,



- 5310 Сурхайилнинг сўзин бари билади,
Амалдордан маслаҳат кип сўради,
Ўзбаклар устига лашкар қилади,
Намойишга карнай-сурнай кўяди,
Байдок-байдок лашкарини жияди.
Отга солиб арпа билан ийирди,
Қор ёққанда карвон солар чийирди,
Қалмоқшоҳи аскарини буюрди.
“Сурхайилнинг сўзи маъкул бўлган, деб,
Рост айтади ўзбак андай қилган, деб,
Жабр ўтиб бунда йиғлаб келган, деб,
Юртимнинг ободи алплар ўлган, деб,
Қоражонни тириклайин олган, деб,
Ҳийламан ўзига йўлдош қилган, деб.
Бундан турмай лашкар тортиб борарман,
5320 Борсам ўзбакларни ўлжа қиларман,
Нечовини тандан бошин юларман,
Қизи, хотинини ҳайдаб келарман,
Алпларнинг лотини шуйтиб оларман”.


- 5330 Жўнади бундан жам бўлиб,
Байдок-байдок лашкар тўлиб,
Ботирлар бедовни миниб,
Туғу байдок қўлга олиб,
Дада-дада йўлга кириб,
Шохининг айтганин қилиб.
Лашкар кетди дада-дада,
Одам тўлиб баланд-пастанда,
Жўнаётир чапараста.
Туғ кўтарган йўлни олиб,
Ҳар байдокқа сардор бўлиб,
Тойчихоннинг амрин қилиб,
Ўзбак бекларни ахтариб,
Кўп лашкар шаҳардан чиқиб,
Тўқайистонда йўл юриб,
5340 Алплар ўлган ерга бориб,
Нечови пушаймон қилиб,
Лашкар бундан кичаб кетди,
Тўқайистондан ўтди,
Ойнали кўлига етди.





- Чилбир чўлга равон бўлиб,
Борар лашкар йўлни олиб,
Урушмоққа бари толиб,
Уруш яроғи чок бўлиб,
Бораётир бу сўзни айтиб:
“Элибойга борармиз, деб,
5350 Кўп ўлжали бўлармиз, деб,
Бир сиёсат қилармиз, деб,
Ўзбакларда яроқ қайда,
Анчасини қирармиз, деб,
Молин тортиб олармиз, деб,
Қон тўкишиб кўрармиз, деб,
Бизлар етиб қолармиз, деб,
Бундан бориб уруш қилсак,
Ўзбакларни кўрармиз, деб.
5360 Бизлар минганди тулпорди,
Элибойда не жон борди[r],
Англамайди бораётган –
Уруш кўрган қалмоқларди”.
Бу сўзни айтиб лоф урди,
Қоражон эсига келди,
Бир-бирига гапирди:
“Ўзимиздан била кетган
Қоражондай бало борди[r],
Алп Қоражон зўраборди[r],
5370 Танҳо қирар кўп лашкарди,
Ул ҳам мисли айдахорди[r]”.
Қоражон эсига келиб,
Қалмоқларни ваҳм олди.
“Юришимиз бўлди ёмон,
Ўзбакман бирга Қоражон,
У бизларни кўриб қолса,
Сира бермас бизга омон.
Солар бизга қайғу-туман
Алпдан қолган зўр Қоражон,
5380 Бу лашкаринг нима бўлар,
Тингилса, қилади яксон”.
Келганига бу қалмоқлар
Йўлда қилади пушаймон.
“Алпдан қолган бор Қоражон”.





- Бир-бирига сўзлар айтиб,
Бораётир йўлни тортиб.
“Баходирлар ҳам бизда бор,
Ярай бермайди ўзбаклар,
Тортинмай, лашкар, юрабер,
Ёлғиз одам нима қилар.
5390 Бундай гапирма ажаб сўз,
Кўп эмас, Қоражон ёлғиз,
Бундай тортинмай борармиз,
Элнинг ақлини олармиз.
Алп Қоражон от қўйган сўнг,
Бизлар найзани солармиз,
Кўп бўп ўртага олармиз,
Қандай бўлса бир одам-да,
Унинг корини қилармиз.
5400 Қалмоқшоҳ буюрган бизни,
Сира айтма номард сўзни”.
Бу сўздайтиб не қалмоқлар
Бедов отга қамчи чотар,
Чилбир чўлни тўзанг тутар,
Ўз холига шердай бўлиб,
От чопар чўлда қалмоқлар.
Яқиндир бойлар ораси,
Кўринди кўчнинг қораси,
Қичов қилиб бораётган
Кўринг қалмоқлар тўраси.
5410 “Мана энди келдик, дейди,
Ўзбакларни кўрдик, дейди.
Қанча элат йўлда борар,
Бирдан от қўйсақ не бўлар,
Қайтиб булар уруш қилар?!
Ўз холига бари абгор,
Молини ҳайдаган бойлар,
Ҳали бизлардан беҳабар”.
Бир-бирига шердиллик бериб,
Маст бўп боради қалмоқлар.
5420 “Қайтмай от қўйган сўнг лашкар,
От остинда калла қолар,
Ақли шошади ўзбаклар,
Урушмай молини берар”.



Бу сўзни айтиб қалмоқлар,
Бораётир кўп аҳмоқлар.

Қалмоқларнинг келаётганини кўриб, элибойлар чувуллаб, бесарамжон бўлиб, молларини тўплаб, ҳар кайсиси ўз бошига бўп қолди. Алпомиш ҳам кўриб: – Қалмоқлар бир гап ўйлабди, бизнинг устимизга қасд қилиб лашкар юборибди, байдок-байдок лашкар кўринади, мазмуни лашкар келаяпти, – деди. Бу сўзни эшитиб, Қоражон Алпомишга қараб, бир сўз деб турган экан:

- 5430 Қани келсин қалмоқ, деб,
Келса ошириб солмоқ, деб,
Ҳалак бўлса ўлмоқ, деб,
Жазосини бермоқ, деб,
Қалмоқ бошин олмоқ, деб,
Барин ўлжа қилмоқ, деб,
От асбобин олмоқ, деб,
Келса бизни кўрмоқ, деб,
Қайтмай саваш қилмоқ, деб,
Қонни кечиб юрмоқ, деб.
Бекор ҳалак бўлади,
Уруш ҳавас қилади,
Бу қалмоқлар ўлади,
5440 Ажал ҳайдаб келади,
Бири эмас, ёзганлар –
Бари аҳмоқ бўлади.
Кўргулигин кўради,
Хўп шарманда бўлади,
Бекорига ёзганлар
Уруш излаб келади.
Қоражондир зўрабор,
Кайтиб бўлар баробар?!
Мен кирсам майдон излаб,
5450 Қўярман бағрини тузлаб,
Бир нечаси кетади
Бунда бўтадай бўзлаб.

Бу сўзни Қоражондан Алпомиш эшитиб, бул ҳам бир сўз айтиб турган экан:



- Хаёлингга бошқа гаплар келмасин,
Бул сўзим шаънингга номард бўлмасин,
Қасд қилма, бек дўстим, қалмоқ ўлмасин.
Қалмоқ келар ахволидан беҳабар,
Келиб қирғин топмасин-да шўрлилар,
Бизда бордир бесаранжом кўп бойлар,
Қоражон, бойлардан бўлгин хабардор.
Қўйи юрмай, булар кейин қолмасин,
5460 Яна қалмоқ қўлга тушириб олмасин,
Беҳуда қалмоққа ўлжа бўлмасин,
Сиёсат кўрсатгин улар ўлмасин,
Ўғли-қизи ебир-есир бўлмасин,
Ватани беэга бўлиб қолмасин.
Булар эмас, келиб бизга гуноҳкор,
Қалмоқшоҳ амрини тутган кўп аскар.
Хизматкор-да, шоҳ амрини тутади,
Ҳар хизмат буюрса, булар кетади,
5470 Бу ёзганлар агар бормаи нетади,
Ўлдирсанг, беҳуда ўлиб кетади.
Умид тортиб ғайрат билан келади,
Сенинг билан мени булар билади,
Бу лашкар бизларни нима қилади?
Қалмоқшоҳ буйруғи шундай бўлади,
Шоҳ сўзига ҳалак бўлиб келади.
Бу сўздайтиб иккови шундай туради,
Энди кўчдан анча кейин қолади.
Кўз юбортиб ўнгу сўлга қаради,
5480 Молин ҳайдаб бойлар ўтиб боради,
Қалмоқлар лашкари яқин келади,
Элибойнинг бари ўтиб бўлади,
Қоражонман Алпомишни кўради,
Қалмоқнинг аскари тўхтаб қолади.

Иккови бир-бирини кўриб, икки ерда туриб, бойларнинг олди-
ортини йиғиб тўплаб, йўлга солди. Қоражон билан Алпомиш иккови
уруш яроғини ғамлаб турди. Қалмоқнинг лашкари ҳам яқинлаб босиб
келди. Қоражон ёлғиз ўзи айрилиб, бу лашкарга рўпара бўлиб, бир сўз
деб турган экан:

Қоражонбек дейди мени,
Ким аҳмоқ қилдиё сени?



- Курилар уруш майдони,
 Тўкилар қалмоқнинг қони,
 Жаҳаннамга борар жони,
 Қайт энди, келган бемаъни!
- 5490 Сен эшитгин айтган тилди,
 Қоражон йўлингда турди,
 Ўлдирар сендай душманди,
 Сендай қалмоқ ҳалак бўлди.
 Сенга яхшилигим шулди[r],
 Билиб кетгин тўғри йўлди,
 Бу сўзни айтган Қоражонди[r],
 Қиларман қонли майдонди,
 Сен ҳам менга бир душманди[r],
 Сулатарман сонсиз танди,
- 5500 Кўп қиласан пушаймонди.
 Майдонда жондан кечарман,
 Кафан тўнингни бичарман,
 Қиличдан қонлар сочарман.
 Бунда келиб қилсак майдон,
 Ҳеч кетмайсан мендан омон,
 Солай сенга охир замон.
 Бунда келиб боролмайсан,
 Сира омон қололмайсан,
 Қайтиб юртинг кўролмайсан,
- 5510 Ўз ҳолингни билолмайсан,
 Бола-чақанг кўролмайсан,
 Элга омон боролмайсан.

Бу сўзни эшитиб, қалмоқ баҳодирлари ҳам Қоражонга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

- 5520 Номдор полвон дейди мени,
 Бўлар бу йўлда майдони,
 Кейнимизда қалмоқ хони,
 Қоражон, бўлдинг бемаъни.
 Ўлар деб бизни ғам ема,
 Ўзингдан бизни кам дема,
 Меҳнат тортиб бизлар келган,
 Не ишларни ўзбак қилган,
 Не азамат алплар ўлган,






- 5530 Биз қайтмаймиз қилмай майдон,
Хўп бир чопишиб кўрармиз,
То ўлгунча биз турармиз,
Моли-зотини олармиз,
Ўзбакни ўлжа қилармиз,
Сўнгра элга борармиз.
Бўлар бунда қалмоқ иши,
Бугун қаттиқдир савашни,
Алпнинг хунин довлаб келдик,
Бизга дори ўзбак гўши.
Лоф урма, саваш қиларман,
Сендай алпни ўлдираман,
Қиёмат кунни соларман,
Боринг қайтариб оларман.
Сени мен одам демасман,
Уруш кунда ғам емасман,
Сендаин аҳмоқ бўлмасман,
Ўзбак динига кирмасман.
- 5540 Элу халқдан айрилмасман,
Сендай сарсон бўп юрмасман,
Ўлмасам омон бермасман,
Олмай ўзбакни қўймасман,
Аскаримни қайтармасман.

Бу сўзни эшитиб, ўтдай туташиб, Қоражон билан Алпомиш облоху акбар, деб қалмоқ лашкарига қараб от солди:



- 5550 Қарамай баланд-пастига,
От қўйди қалмоқ устига.
Остига минган тўбичок,
От қўйгандир шундай гўччок,
Бир ёқдан от қўйди қалмоқ,
Бунда ажаб уруш бўлмоқ.
Қалмоқларга аралашди,
Қайтмай қалмоқлар савашди,
Бир-бириман қиличлашди,
Қалмоқшоҳнинг номдорлари
Ҳар тарафдан от солишди,
Рад берар келган қиличди,
Кесади Қоражон бошди,

- Мардлари дарёдай тошди,
Номардларнинг ақли шошди.
- 5560 Нечов отдан овиб қолди,
Жазосини товиб қолди,
Нечовлар отдан йикилиб,
Тоза ерни қовиб қолди,
Қалмоқлардан анча ўлди,
Ақли шошиб кўрқиб қолди.
Икки полвон зўраборди[р],
Кўп қирар келган лашкарди,
Йиғлатгандир қалмоқларди,
Юбормоқчи боз лашкарди.
- 5570 Қалмоқ юртга хабар борди,
Бу беклардан азоб кўрди,
Келиб ҳоли забун бўлди.
Фалакка етгай нолиши,
Шулдир бу бекларнинг иши,
Сулаб қолди қалмоқ лоши,
Кесилди қалмоқнинг боши.
“Ўлжа олармиз”, деб келди,
Бул беклардан азоб кўрди,
Иккови шундай от солиб,
- 5580 Қалмоқни ўртага олиб,
Қанча қалмоқлардан ўлиб,
Қалмоқларни тўплаб олиб,
Қоражонбекни қайтариб,
– Элга бўлгин хабардор, – деб
Ҳақимбек урушда қолиб.
Ёлғиз бўп бунда юради,
Кўп қалмоқни ўлдиради,
Қилич-найза соп кўради.
Бу алпга таъсир қилмади,
- 5590 Қалмоқ айтгани бўлмади,
Қалмоқлар фикр ўйлади,
Беҳуда жонни қийнади,
Қочмоқни талаб айлади.
“Тиғи олмос бунга ботмас,
Уруш қилган омон кетмас,
Бу ўзбак қандай жодугар,
Ё бу кашмири ҳийлагар?



5600 Ҳеч ким бўлмади баробар,
Урсанг ботмайди яроқлар”.
Қалмоқларда бордир номдор,
Алпомишга бўлди дучор.
Қоражонга сўзлар айтган,
Қиличига қонлар қотган,
Кўринг Ойқашқа полвонни
Ҳақимбекман саваш этган.
Бир-бирининг ақлин олиб,
Найза билан қилич солиб,
Унга Ҳақим ғолиб келиб,
Шердай бўп устига борди.

5610 Сиёсатман қилич солди,
Ойқашқани икки бўлди,
Энди қолган қалмоқлар
Қочмокни ихтиёр қилди.
Қалмоқларни тўплаб олди,
Бирор майдон уруш бўлди.
Оқади кўзининг ёши,
От остида қолди боши,
Шулдир Ҳақимбек саваш.

5620 Талаб қилиб ўзинг келдинг,
Ҳолинг билмай уруш қилдинг,
Бекорига анчанг ўлдинг,
Тойчи қалмоқ, нима қилдинг?
Бек Алпомиш дейди мени,
Кўрсам ўлдирарман сени,
Кўп одамни ҳалак қилиб,
Бунда ўлдирдинг бемаъни,
Мени билсанг Бойсин хони.
Қайтмайман бунда йўлимдан,
Омон бермасман кўлимдан.


5630 Сенинг ақлингни оларман,
Ерни қизил қон қиларман,
Бирингни қўймай қирарман,
Қирмасам номард бўларман.
Бу сўзни айтиб йўлга солди,
Ҳар на қалмоқ қочиб берди,
Оз одам кўпдайин бўлди,



Кочганин Алпомиш билди,
Шовкин бериб, кувиб кўрди,
Етиб барин ўлдирди.
5640 Сиёсатга довуш қилиб.
Остида ўйнайди оти,
Бўлди бекнинг сиёсати,
Булар Кўнғиротнинг жўмарди,
Қалмоқ қочиб тоза кетди.

Қалмоқлар келиб, бир озгинтой уруш қилиб, ўлган ўлиб, қолгани
кочиб қутулиб, Ҳакимбек қайтиб, Қоражоннинг қошига етиб, Қоражон
Алпомишга караб, бир сўзни айтиб бораяпти:

Мен қайтган сўнг қалмоқларда турдингми,
Хабар бер, бек дўстим, барин қирдингми,
Менинг тилим олмай уруш қип эди,
Баччағарни жуда андай қилдингми?
5650 Ажал етиб паймонаси тўлдими,
Қалмоқларнинг шоҳи сендан ўлдими,
Ё Қалмоқшоҳ ўлмай омон қолдимми?
Мендан қолиб ёлғиз уруш қиласан,
Сен қилган ишингни ўзинг биласан,
Шукрилилло, соғ-саломат келасан,
Қалмоқларга иш кўрсатган тўрасан,
Душманларнинг қайтиб додин берасан,
Келиб, дўстим, бунда мени кўрасан,
Не бўлди? – ишингдан хабар берасан,
5660 Нор кесар олмосни кўлга оласан,
Қалмоқларга қаттиқ ўйни соласан,
Қанчасин ўлдириб бунда келасан,
Яна қайтиб ўз юртингга борасан,
Душман кўрсанг, яхши додин берасан,
Қандай иш кўрсатиб бунда келасан.
Килган ишинг қандай бўлди, сўрайин,
У қалмоқлар душман бўлди, сўрайин,
Қалмоқ шоҳи ўлса, хурсанд бўлайин,
Ўз мазгилинг қанча қолди, билайин,
5670 Сенинг юртинг мен ҳам бориб кўрайин,
Сенинг мамлакатинг эл қип тураин.
Мен бормайман қалмоқларнинг элига,



Энди қайтмам бадбахтларнинг динига,
Умримни ўтказай ислом элига,
Мен юрарман дўстимнинг мазгилида.
Неча тоғдан ўтиб бундан борармиз,
Бул элибойларга йўлдош бўлармиз,
Гоҳ ерларда бизлар бориб кўнармиз,
Бўлган ишни сендан сўраб турармиз.

Бу сўзни Қоражондан эшитиб, Алпомиш ҳам шундай бўлди, деб
Қоражонга билдириб бораётир:

- 5680 Сен кетган сўнг бир озроқ уруш қилдим,
Наъра тортиб мен ҳам майдонда турдим.
От суриб бирови майдонга келди,
Менга сиёсат қип оша лоф урди,
Менинг ҳам кўлимда шу полвон ўлди,
Ундан қай қолгани ул қочиб берди,
Ундан кейин тағи бир қалмоқ ўлди,
Сиёсатга довуш қилиб мен қайтдим,
Қалмоқ қочиб бари элига кетди.
Ўйнаб-кулиб, дўстим, кейнингдан етдим.
Бул бойларман, дўстим, бирга бўлармиз,
5690 Юра берсак, бир кун элга борармиз.

Бораётир элат кўчини ортиб,
Оқшом юрар, кундуз тинмай йўл тортиб.
Бойлигидан бедов отни бойлаган,
Тангқа тайлаб не чўлларни ёйлаган,
Саркашлаб чўпонлар қўйни хайдаган.
Бораётир кўю кўзи манграшиб,
Неча Асқар довон, беллардин ошиб,
Беклар келди бул бойларга етишиб.
Бек Алпомиш Барчинойни кўради,
5700 Кўп элатман бирга кетиб боради,
Кўй оёғи билан йўлни олади,
Аччикўлга келиб бари кўнади.
Молларни хайдади шундай аҳалаб,
Тушди бойлар Аччикўлни ёқалаб.
Аччикўлга кўнган элга қаради,
Неча кундан бери йўллар юради,
Элат жуда хориб-чарчаб боради.

Келиб Аччикўлга кўниб, чодир
тикиб, Барчиннинг қиркин канизлари
неча кундан бери йўрға миниб, йўл
тортган, жуда чарчаб мазаси кетган,
нечови отнинг устида жуда зингкийиб
котган. Барчинни отдан тушириб
ётган, беш юз норга сепини ортган,
норларни чўкариб, юкини тушириб
ётган, хотинлар бахмал уйни тикиб
ётган, қиркин канизлар Барчинни
бахмал уйга олиб кетган, тоза
либосларни бул уйга солиб ётган, хар қайсиси ўз иши билан бўлиб ётган.
Ҳаммаси чойдиш-қумғонни қайнатган, чойни дамлаб ётган, дастархон
ёзиб, хизматкорлар таом тортган. Йўл қоқиб, бир нечаси сулаб ётган, кеч
вақти яқин етган, уч-тўрт кун дам олиб ётган. Барчиннинг кўнглини шод
ётган:



*Фозил Йўлдош ўғли ва Ислам шоир
Назар ўғли*


5710

Қиркин қизлар ақлин олар,
Қизлар югуриб хизмат қилар,
Барчиннинг кўнгли тўлар,
Бойларнинг вақти хуш бўлар,
Дам олишиб уч кун турар,
Тағи бундан кўчмоқ бўлар.
Бир-бирига хабар қилиб,
Ўз юртига равон бўлиб,
Аччикўлдан энди кўчиб,
Кўчларини норга ортиб,
Булар йўлга равон бўлди.

Беклар отларини эгарлаб, чоқлаб, шайланиб, Барчин билан йўлга
равона бўлди. Алпомиш Барчинга қараб, бул сўзни айтиб бораётгир:

5720

Сўзим эшит, моҳи анвар,
Бизман бирга санам дилбар,
Сенга ҳамроҳ кўп канизлар.
Сўз айтар сенга бекбачча,
Англагин сўзни ойимча,
Лашкар қилиб кейнимиздан,
Қувиб келди қалмоқгачча,
Қалмоқлардан ўлиб анча,
Жабр кўргандир бир неча.



5730 Қалмоқлар жазосин бердим,
Сенинг билан суҳбат курдим,
Йўлга бирга равон бўлдим.
Зулфинг юзингга ярашиб,
Йўликсанг бизман талашиб,
Кетсанг бунда тоғдин ошиб.
Бир-бирига хон ёнашиб,
Узангилар ширкиллашиб,
Минган оти диркиллашиб,
Бораётир ҳазиллашиб.

5740 Бедовларга камчи чотар,
Неча қия йўлдан ўтар,
Қалмоқ юртини бўзлатар.
Бораётган шундай қайсар,
Қаватинда Барчин дилбар,
Гоҳи кулса, гоҳ вақтинда
Отасини эсга олар.
Барчиннинг кўнгли бузилар.
Кўп гаплар бордир кўнглида,
Қолди деб Қалмоқ элида.

5750 “Эна-отам қандай, – дейди, –
Душман қалмоқнинг элида.
Отама зулм қилдими,
Душманда ғариб бўлдими,
Молини талаб олдими,
Аҳволи забун бўлдими?”
Бу сўзлар кўнглига келар,
Буни билди Ҳаким шункор:
– Кўнглингни бўлма, гажакдор.

5760 Сенинг бу кўнглинг бекор,
Ҳадди борми у қалмоқлар.
Соғ-саломат уйга борсак,
Бийдан тағи хабар олсак,
Уйтиб-буйтиб олиб келсак,
Юра бергин, бизлар кўрсак,
Икковимиз даврон сурсак,
Кўнғирот элда ўйнаб-кулсак,
Дунёни шуйтиб ўтказсак.



- Бу сўзни айтиб кетди беклар,
Бораётир жами бойлар.
Жафо тиғи жондан ўтиб,
Айрилиқ бағрини йиртиб,
5770 “Йўлларда кўрдик зулм, деб.
Қайдасан Бойсин элим, деб,
Обод юртим, мазгилим”, деб
Неча кўлу чўлни ёйлар,
Ўн минг уйли Қўнғирот бойлар,
Йўлнинг азобини ўйлар,
Чарчаб қолди қанча кўйлар.
Келар неча тоғдин ўтиб,
Тинмайин булар йўл тортиб,
5780 Кўкқамишга яқин етиб,
Бир тоққа чикиб қаради,
Қўнғирот элнинг музофоти,
Кўкқамиш кўлни кўради.
Бойлар бундан кетган жойи,
Вақти хуш бўп жами бойи.
Йўл юрмоқдан кўп азобни кўради,
Қалмоқдан чиққандан йўллар юради,
Жаҳонгашта бўлиб элни кўради,
Жаҳонни сайил этиб йўлда юради,
5790 Кетган ери – Кўкқамишга келади,
Ўз юртим деб вақти хуш бўп қолади,
Кўкқамишни бул ёқалаб кўнади,
Бурунгидай элин ёйлаб олади.
Ўлмаган дунёнинг ишин кўради,
Одамларнинг барин йиғиб олади,
Бул бойлардан хўшлашиб жўнади,
Қоражонман бул ҳам бирга бўлади,
Қирқин кизлар Барчинойнинг қошида,
Барчинни узатиб бирга боради.
Бораётган ери Қўнғиротнинг юрти,
5800 Бораётган Қўнғирот элнинг бекзоди,
Хабарчи қип чопағончи жўнатди,
Яқин қолган бекнинг Бойсин элати.
Чопағончи отга қамчи уради,
Ким йўликса, унга хабар беради,



5810 Шундай бориб Кўнғиротни оралади,
Нима гап деб халойиқлар сўради,
Сўраганга жавоб бериб боради,
Бойбўрининг мазгилини кўради,
Алпомишдан бориб хабар беради,
Бойбўрибий чиқиб бундан сўради.

Чопағончи келиб, Бойбўрига Алпомишнинг келганини билдириб,
бир сўзни айтиб турибди:


5820 Арзим эшит, хон Бойбўри,
Шул бўлди хизматкор тили,
Сендай бекнинг жони-дили,
Боғдочилган гулинг келди,
Чаманда булбулинг келди,
Бек Алпомиш улинг келди.
Рухсат олмай шикор кетган,
Дин йўлида жавлон этган,
Ўз юртини ёд этган,

5820 Қалмоқ юртини бўзлатган,
Душманларни изиллатган,
Ҳақимбек қайсаринг келди.
Ҳаққа етгай айтган ноланг,
Обод бўлар қулбахонанг,
Қалмоқ кетган ёлғиз боланг,
Саломат юртингга келди.
Кетган бойлар бирга келди,
Кўкқамишга қўниб қолди.

5830 Барчинойни бирга олиб,
Бек Қоражон йўлдош бўлиб,
Сенинг жону дилинг келди.
Қалмоқ элдан ёрин олиб,
Номус билан орин олиб,
Келаётир шердай бўлиб,
Душман қолган ердай бўлиб,
Ишонмасанг чиқиб қара,
Яқин келди бирдай бўлиб,
Бу юртга овоза тўлиб,
Барчин бирга ойдаи бўлиб,


5840 Қаватида канизлари






- Мисли куралайдай бўлиб,
Келаётир йўлни тортиб,
Беш юз норга сепин ортиб.
Турмагин мунда беҳабар,
Элга келиб қолди беклар.
Бу сўзни Бойбўри билар,
Яхши сарпо инъом берар,
Суюнчи олди хизматкор.
Кўнғирот юртда бўлди хабар,
5850 Отланиб қанча амалдор,
Пешвоз кетди саркардалар.
Мамлакат ғалоғул бўлди,
Ҳар кўчага одам тўлди,
Қизу хотинлар йиғилди.
Қирқин канизини олиб,
Ой Қалдирғоч энди юриб,
Канизларман равон бўлди.
– Юринг, қизлар, борайик, деб,
Бек акамни кўрайик, деб,
5860 Чечамдолиб келайик, деб,
Қизу хотин бораётир,
Йўлда бақан солайик, деб,
Тўппи, рўмол олайик, деб.
Шундай бўлиб одам кетди,
Беклар элга келаяпти,
Булар чувлаб бораяпти,
Оқсувга беклар етди.
Беклар хонни зиёрат қилди,
Бир-бирини кўриб вақти хуш бўлди,
5870 Отланиб илгари равона бўлди,
Кўп киз билан Қалдирғоч етиб қолди.
Акасиман бул кўришиб қолади,
Кўп кизлар келинни ўртага олади,
Ўтқизмайди, йўлда бақан солади,
Суксур каниз тўппи, рўмол беради.
Кўнғирот мамлакати, барча йиғилиб,
Бир неча етолмай ҳалак бўлади.
Йўлга сиғмас баланд жойда туради,
Бир нечалар томга чиқиб қаради,
5880 Элу халққа бул овоза бўлади,






- Ўн олти уруғ элга хабар боради,
Денги-дўши, қариндоши келади,
Шундай килиб бир-бирини кўради,
Ҳамма бирдай ўйнаб-кулиб юради,
Ойдаи бўлиб Барчин сулув боради,
Бойбўрининг мазгилини кўради.
Кўринг Алпомишман Қоражонбекни,
Хизматкорга берди бул минган отни.
5890 Фарзандини хон Бойбўри кўрибди,
Болам, деб икковин бирдай билибди.
Кувонгандан кетди ақили шошиб,
Гапиролмай қолди сўздан адашиб,
Ҳақимбекни шундай бағрига босиб,
Қоражонман муҳаббатман кўришиб:
– Худойим бергай-да, барчага дармон,
Иш бўлмас қудратли ҳақдин бефармон,
Соғ-саломат сени кўрдим, Ҳақимжон,
Кетди юрагимдан менинг юз армон,
5900 Бул ўғлимнинг дўсти экан Қоражон.
Бўлақдан қучоқлаб энди кўришган,
Аввал билмабман, деб қилди пушаймон,
Икковини бирдай кўриб ул замон.
Барчиндолиб келган элнинг тўраси,
Келиб қолди оқ сут берган энаси.
Қоражон икковин бирдай сўради,
Энаси айналиб дуо қилади.
Амалдорлар бекни ўртага олади,
Тахт устига буларни олиб жўнади.
5910 Булар тахт устида мазгилда турди,
Саркарда, амалдор хизматни қилди,
Бул бекларнинг вақтин хушлашиб турди,
Барчинойни ўрдага оп кеп туширди.
Қизу хотин йиғилиб ўрдага тўлган,
Канизларман қатор саф бўлиб турган,
Барчиннинг адабин кўп қизлар кўрган,
Адабман хулқига табассум қилган.
Ўзбаклар расими шундайин бўлган:
Ўртага ўт ёқиб саломни солган.
5920 Чарчаб келди деб қараб турмайди,
Ўтиргани кўп қизларни кўймайди,



- Салом солиб ичкарига киради,
Хотин-қизлар бари расмин килади,
Тонг отганча бунда чувлаб юради,
Кўрмаган кўрсак деб интиқ бўлади,
Кўрганларнинг кўнгли тўлиб қолади.
Ой Барчин элга келади,
Кўрганнинг аклин олади,
Ўзи шундай бой болади [р],
Хусни тўлган ой бўлади.
- 5930 Кўп қизлар хизмат килади,
Қалдирғоч яқин келади,
Бий оғасини сўради,
Барчиной жавоб беради:
– Қисмат шундай бўлди, дейди,
Жами бойлар келди, дейди,
Кўккамишда қўнди, дейди.
Менинг отам ғариб бўлиб,
Қалмоқ юртда қолди, дейди.
Қалдирғоч ҳам хафа бўлди,
- 5940 Эшитиб пушаймон қилди,
Ул бийнинг ҳоли не бўлди?
Тонг отганча кўп сирлашиб,
Билдирмай элга кулишиб,
Ул оқшомини ўтқизди.
Ҳар тарафга хабар борди,
Қуллук бўлсинга йиғилди,
Ҳар элатдан одам келди.
Бойбўрининг вақти хушди [р],
Катта-кичик тўй бошлашди.
- 5950 Пишириб ётибди ошди,
Ҳаммасининг вақти хушди [р].
- Ҳакимбек юртига келган тўради[р],
Қанча моллар сўйиб ошни беради,
Беўлчов давлатни нима килади?!
Тўкиб берган билан адо бўлмади,
Кунда чиқиб бул кўпкари килади,
Кунда солим, улоқ бериб туради.
Шул ишларни қилди Бойсиннинг марди,
Гургумали обод бўлди элати,





- 5960 Шул ишларни қилди Қўнғирот бекзоди,
Қалмоқ элдан келган марднинг фарзанди.
Неча кунлар элда тўй бериб ётди,
Неча кун ул замон орада ўтди,
Ул элда бўлган тўйни тарқатди.
Ҳар ким туриб ўз мазгилига қайтди.
Шундай қилиб кўриб ўсган элатди,
Худо берган бекка мундай давлатди,
5968 Шундай бўлиб топди мурод-мақсадди.








Бек Алпомиш беклик килиб, Қоражон билан бирга даврон суриб, хўп мамлакатни обод килиб, Барчин билан ўйнаб-кулиб, юртига эга бўлиб, булар бунда юра берди. Эндиги гапни қалмоқлардан эшитинг. Қочқинчи қалмоқлар элига бориб, Қалмоқшоҳнинг олдида жам бўлиб, маслаҳат килиб, Қоражоннинг энаси Сурхайил мастон ҳам келиб, маслаҳатнинг бир четида бу кампир ҳам туриб, шунда Қалмоқшоҳ катта-кичик амалдорларига караб, бир сўз айтиб турган экан:

- 5970 Мен айтарман бундай кунда доду дод,
Катта-кичик, турган бунда жамоат,
Ўйлашайлик, беринг менга маслаҳат,
Бойсаридан тегди менга касофат,
Касиридан ўлди қанча азамат,
Катта-кичик, беринг энди маслаҳат.
Байдоқ-байдоқ бундан лашкар борибди,
Ўрта чўлда ўзбакларни кўрибди,
Қайтмай булар туриб уруш килибди,
Бу урушда анча одам ўлибди,
Канча одам ярадор бўп келибди,
5980 Ўйланглар, касофат кимдан бўлибди.
Мен ҳам муна элда турган тўраман,
Бу ишларни Бойсаридан кўраман,
Бойсарини мен ҳам нима қиламан?
Маслаҳат бер, катта-кичик қариндош,
Ҳар на бор молини талаб оламан,
Ўз молига ўзин етим қиламан,
Шул ишни килсам деб ўйлаб-кўраман,
Маслаҳат бер, беклар, сўраб тураман,
Нима десанг, айтганингни қиламан.
5990 Бу сўзимни яхши ўйлаб кўринглар,
Қариндошлар, бир маслаҳат беринглар,
Маъкул бўлса, бундан турмай боринглар,
Ҳар на бор молини тортиб олинглар.
Эшитгин мендаин шоҳнинг тилидан,
Кетолмабди бунда қалмоқ элидан,
Ҳеч иш келмас Бойсарининг қўлидан.

Бу сўзларни мендай шоҳинг айтади,
Бойсарини талон қилсак, қайтади.
Бойсарига қаттиқ азоб берамиз,
6000 Ўзини хизматкор қилиб соламиз,
Катта давлат, молин тортиб оламиз,
Ўйлаб туриб қайтиб омон берамиз.
Ўлиб кетди ул неча валламатим,
Ўйласам, қолмайди танда тоқатим,
Илгари кўп эди қилган ҳурматим,
Энди бўлар Бойсарига бул сиёсатим,
Қандай бўлди бу менинг маслаҳатим,
Жавоб бергин, катта-кичик элатим.


Бул сўз йиғилган қалмоқларнинг ҳаммасига маъқул тушди. “Қалмоқшоҳ рост айтади, Бойсари бўлмаса, бул ишлар бўлмас эди, бунча одам ўлмас эди”, – деб Бойсарининг молини талаб олмоққа анча одам жўнатди. Бу сўзни айтиб, жўнаб борапти:

6010 Бош бўлган неча сипохи,
Буюрди Қалмоқнинг шоҳи,
Чилбир чўлига бормокка,
Жавоб берди кўп қалмоққа,
Бойсарининг молин тортиб олмоққа,
Бойсарини бойлаб ҳайдаб келмоққа,
Жавоб тегди саттагина аҳмоққа.
Эшитган шоҳнинг дотини,
Миниб бариси отини.
Бул шаҳардан чўлга юриб,
6020 Нечовлар пиёда бўлиб,
“Бешта-ўнта олармиз”, деб
Калтагин эйнига солиб.
Ҳеч ким чиқолмас йўлига,
Боргандир Ойна кўлига,
Отли-пиёда чувашиб,
Етишди Чилбир чўлига.
Қарайди Бойсари ночор,
Келаётир кўп қалмоқлар,
Тўқсон тўқайда йилки бор,
Айланиб барини тўплар,
6030 Хўп бир тўплаб санаб кўрар,
Хатлаб ўтказди мирзалар,



- Қалмоқшоҳга тобе қилар.
Бойсари ҳам юртнинг шойи,
Не бўлди шўрнинг гунойи,
Билмас қандай қалмоқ ўйи,
Тўксон кўра бордир қўйи.
Чўпонларнинг барин йиғиб олади,
Бойсари қўйлардан жудо бўлади.
6040 Чўлда юрган кўрар шундай қияни,
Хатлаб олди бундан қирқ минг туяни.
Ўтказгандир қатор-қатор норини,
Подшолик айлади ҳамма зарини,
Хатлаб олди писандида борини,
Қуритти-ку Бойсарининг шўрини.
Барин хатлаб мазгилига келади,
Бойсарига кўп сиёсат қилади,
Худо қилган ишга банда кўнади,
Ўлғизлиги асар қилиб боради.
6050 Қолганига кўп пушаймон қилади,
Ўрликдан наф топмай энди жилади,
Бу шўрли ўлғиз-да, нима қилади,
Бир одам қўлидан нима келади?!
Шунча давлатидан жудо бўлади,
Бойсарини шоҳга ҳайдаб жўнади,
Шу замонда ҳайдаб кетиб боради.
Дод деганман эшитмайди сўзини,
Ўш оқизиб бунда икки кўзини,
Ҳар кимга сарғайтиб гулдай юзини,
Ҳайдаб борар Бойсарининг ўзини.
6060 Аччиғланса, бунга қамчи тортади,
Фалак жабри бунинг бағрин йиртади,
Пиёда Бойсарини ҳайдаб кетади.
Бойсаридан ҳеч ким хабар олмаса,
Қариндоши, ўғли, кизи бўлмаса,
Ҳеч ким бунинг ёрдамини олмаса?!
Сиёсат қип ҳайдаб кетиб боради.
Зўрлигини қалмоқ бунга билдириб,
Зўрлик билан айтганига кўндириб,
От ўйнатиб не қалмоқлар боради,
6070 Тақдирида ёзилганни кўради,
Қалмоқшоҳга элтиб тўғри қилади,






- Ёзган хатни Қалмоқшоҳга беради.
Бойсаридан неча сўзни сўради,
Жавоб беролмайди, кўркиб туради.
Сиёсат кўрсатди қалмоқнинг шоҳи,
Кўп экан, – деб, – Бойсарининг гуноҳи.
– Бойсарини “яхши ҳурмат” этарман,
Бошин кесиб, буни дорга тортарман.
Бизнинг юртга не ишларни солганди,
6080 Мендай шоҳнинг оша ақлин олганди,
Кўп ишларни бунда келиб қилганди,
Шу вақтгача билмай мендай султонди,
Энди бунга ўлим лозим бўлганди[р].
Бойсарига қаттиқ азоб берарман,
Жаллодлар қўлига топиш қиларман,
Ҳукми кушга сени тайин қиларман.
Турган мазгил-жойинг қалмоқлар жойи,
Бу сўзларни айтиб мендайин шойи,
Қаватида қўл қувшириб сипойи.
6090 Саф-саф бўлиб турган қалмоқ балоди[р],
Нима деса, ул Бойсари кўнади,
Кўнмаганда нима илож қилади,
Ҳозир қалмоқ жуда зўр ёв бўлади,
Бойсарига азоб бериб туради.
Не иш эканин хон Бойсари билмади,
Сўрамоққа бунда ҳолат қолмади.
Қараб туриб кўзда ёши тизилар,
Бойсарининг қараб бағри эзилар.
Бойсарихон хўп дарҳайрон бўлади,
6100 Бори давлатини қўлдан беради,
Қалмоқ бари шундай ишни қилади.
Қалмоқ халқи шундайин эл бўлади,
Ўзбакларнинг бир уруғи бўлади.
Бойсарини ғазаб қилиб сўради,
Ночор бўп Бойсари шоҳга қаради.

Бойсари Қалмоқшоҳга қараб, гуноҳини сўраб турибди:

Ғарибликда менинг сўлган тарзим бор,
Қалмоқшоҳим, сенга айтар арзим бор,
Не сабабдан мен бўлибман гуноҳкор?
Мусофирман, кўриб сенинг элингни,





- 6110 Ўз жонима мен қилганман зулмни,
Кимга айтай энди ўлар ҳолимни,
Хатлаб тортиб олди бори молимни,
Ҳеч ким сўрамади мунда ҳолимни,
Одамларинг қилиб қайғу-зулмни,
Нишон қўймай олди барча молимни.
Мен сўйласам кўп сиёсат қилибди,
От ҳукмида сенга ҳайдаб келибди,
Сенинг сўйлаганинг бундай бўлибди,
Мендай фақир нима гуноҳ қилибди?!
- 6120 Барча давлатимни қўймай оласан,
Жаллод йўқлаб, мени топиш қиласан,
Қилган гуноҳимни қайдан биласан?!
Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Бу ишлардан қолган мен ҳам беҳабар,
Не сабабдан, шоҳим, бўлдим гуноҳкор?
Ноҳақ қилдинг энди менга зулмни,
Талон қилиб олдинг барча молимни,
Ахиринда қилдинг мундай зулмни,
Ғазабман чақирдинг жаллодларингни,
Қалмоқшоҳ, сен қаттиқ қилдинг кунимни,
Бир одам деб сўрамадинг ҳолимни.
Раҳм қилмай кўзда қонли ёшима,
Қартайганда қамчи уриб бошима,
Етолмайман кетган қариндошима,
Ҳайдаб келди зулм билан қошинга.
Мусофир элларда бўлдим хору зор,
Бошим кесиб дорга тортса жаллодлар,
Бойсари дер, нега бўлдим гуноҳкор?!

Бу сўзни эшитиб, Қалмоқшоҳ бир сўз деб турган экан:


- 6140 Ул ҳамдамим кетди менинг Қоражон,
Тўксон алп эди-ку юртимда султон,
Шундай зўрлар бўлди ер билан яксон,
Қасофат ишини сендан кўрдим ман.
Гуноҳкорсан, эшит айтган сўзимни,
Ўйдираман сенинг нарбас кўзингни,
Ўртага ташладинг Барчин қизингни.
Мен ҳам сенга кўп яхшилик қилганман,



- Юртимдан жой бериб, рахбар бўлганман,
 Шулардан жудо бўлиб қолганман,
 Шуйтиб бул ишларни сендан кўрганман,
 6150 Бил, Бойсари, мен гунохкор қилганман.
 Сендайин лодоннинг кўнглин бўларман,
 Алплар қасосини сендан оларман,
 Нима бўлса билганимдай қиларман,
 Бошинг кесиб сени дорга иларман.
 Бир одамсан, ҳали ўлиб кетмагин,
 Яхшилик қилайин, сен унутмагин,
 Яна қайтиб сен ўзингдан кетмагин.
 Ўлдирмайин, тўғри йўлга солайин,
 Ўз молингга сени сардор қилайин,
 6160 Мен ҳам сенга меҳрибонлик қилайин.
 Кўп йиғлайсан, бунда фиғон қиласан,
 Бир одамсан, аччиқлансам ўласан,
 Мол боқар каттаси бўлиб юрасан,
 Тақдирингда нима борин кўрасан,
 Кунинг битса ажалингдан ўласан.
 Жўнатгансан талаш бўлган кизингди,
 Ўлдирмайин мен ҳам сенинг ўзингди,
 Жон ширин-да, сенинг кўнглинг бузилди,
 Қилган ишларингга ўлим лозимди[r],
 6170 Ҳали ҳам мен озод қилдим ўзингди,
 Мол боқарга сардор бўлмоқ лозимди[r].

Бу сўзни эшитиб, Бойсарининг кўнгли таскин топиб, моли кетса ҳам жони қолгандай бўлиб, нима деганига ўзини рози қилиб, жамъи молларини кўлидан олиб, катта одам эди, ўз молига ўзи етимлик қилиб, мол бокадиганларнинг устидан сардор бўлиб, шулардан Бойсарини рози қилиб, қалмоқларнинг нима деганига кўниб, қўл қўйдириб, Қалмоқшоҳ мухрлаб олиб, молларнинг устидан қарайдиган сардор бўлиб, шунчалик даражани Қалмоқшоҳ Бойсарига бериб, Бойсарига бул ишларни топшириб, ўз мазгилига қайтариб юборди. Қалмоқ юртида шу сарсончиликни кўриб қолди. Шундай бўлиб молни боқиб юра берди.

Сурхайил мастон, бу кампир ҳамма ишга аралаш, Қалмоқшоҳнинг қилган ишларини кўриб, бул ҳам ўз нафсига тортди: “Бойсарининг молини талаб опти, ўз молига ўзини етим қипти, подшоҳларнинг наздига шулар ҳам иш бўпти”, – деб ўрнидан туриб, бир сўз деб турибди:




- Хазон бўлиб боғда гуллар сўлмади,
Сўлган гулга булбул келиб қўнмади,
Бу қилган ишингга қўнглим тўлмади,
Сенинг қилган ишинг ишдай бўлмади.
Элни сўраб турган катта тўрасан,
Бойсарининг молин талон қиласан,
Ўз нафсингга тортиб молин оласан,
Бойсарига омон жавоб берасан.
- 6180 Қилганинг назлингга ишдай бўлами,
Сен мол олсанг, ўлганнинг хуни тўлами?!
Қанча молга эга бўлиб турасан,
Ўлганлар хунини қандай қиласан,
Молдор киши бўлиб ёйлаб қоласан,
Мол эгасин сен ҳам етим қиласан,
Хун довлайман, нима жавоб берасан,
Болаларим нобуд бўлган, биласан.
Сурхайил дер, бир иш бошлаб турайин,
Кўнгилда боримни айтиб турайин,
- 6190 Қани, сенинг яхшилигинг билайин,
Устаю мардикор сендан сўрайин.
Кўнглим шулдир: Мурод тепа борайин,
Чилбир чўлдан жой ораста солайин,
Шул ўзбакнинг йўлин тўсиб кўрайин,
Бойсарида нима ишим бор менинг,
То ўлганча Алпомишман бўлайин.
Агар қўлга келса Бойсиннинг хони,
Ўлдирсам тўланар ўғлимнинг хуни,
Даркор эмас ўзбакнинг моли,
- 6200 Шул бўлади Сурхайил айтган саволи.
Ёшга тўла мендай ночорнинг кўзи,
Қандай бўлди Сурхайилнинг бу сўзи.
Шоҳ қошида баринг инъом оласан,
Шу сўзима нима жавоб берасан.



Бу сўзни Сурхайилдан эшитиб, Қалмоқшоҳ ҳам Сурхайил мастонга караб, бир сўз деб турган экан:

Ночор, айтган сўзинг мен ҳам билайин,
Нимани хоҳласанг, шуни қилайин.
Сўрасанг аввали мендан хизматкор,



- 6210 Қанча десанг, менинг бермоғим даркор,
Яна ҳам сўрасанг устаю гилкор,
Шахар қилсанг, қила бергин муқаррар,
Обод қилсанг, менинг бермоғим даркор.
Устига кўяйин неча амалдор,
Бу ишларга сен бўлмагин чикимдор.
Кўрсатиб бўлғайсан бошида саркор,
Ҳар на бўлса қилиб бермоғим даркор.
Қанча одам сен сўрасанг, берайин,
Қаерга буюрсанг, ҳозир қилайин,
Бурунгидай ҳурмат қилиб турайин.
6220 Кулоқ солгин мендай шоҳнинг тилига,
Кўзинг тўртдир Қоражоннинг йўлига.
Бир мазгил қилганинг ўғлинг билади,
Ўзбак юртдан бир кун ўғлинг келади,
Бари боланг тирилгандай бўлади,
Кўнглингдан ғубори кетиб туради,
Кўнглинг бўлма, шоҳинг хизмат қилади.
Сенинг ҳам улларинг бу юртда сардор,
Ҳар қайсиси эди мисли айдаҳор,
Ўлиб кетди бунда шундай зўрабор,
Келолмас эди-ку ҳеч бир душманлар.
6230 Ўйлаб турсам юрагимда дардим бор,
Сурхайил, берайин неча хизматкор,
Бурунгидай тортинмагин, айта бер.
Агар аскар сўрасанг ҳам берарман,
Қанча дунё бўлса ҳозир қиларман,
Қадимгидай иззатингни қиларман.

Сурхайил мастон бу сўзни эшитиб, айтган сўзи маъқул бўлиб, қанча хизматкор, қанча уста сўраб олиб, қанча мардикор, буларни ишлатадиган қанча муҳрдор, амалдор, соп сулув қирқ қиз, шундай қизлар: кўрганнинг ақлин олгудай, жамолига ҳар ким ҳайрон қолгудай, бир кўрган одам жамолига маст бўлиб, шу ўртада айланиб қолгудай қизларни олиб, Сурхайил мастоннинг қайтиб бораётгандаги сўзи:

Айтган ишим мавжуд бўлиб,
Подшоликдан одам олиб,
Амалдорлар йўлга солиб,
Бир нечалар йўл бошқариб,





- 6240 Сурхайил айтганин қилиб,
 Қанча арава жўнади
 Овқат билан анжом солиб.
 Кетди устаю мардикор,
 Боради Сурхайил айёр,
 Оро бериб неча қизлар,
 Сурхайилга хизмат қилиб,
 Бораётган сарвинозлар.
 Шохга ёққан кампир сўзи,
 Атрофида қирқин кизи,
- 6250 Кийгани гулгун қирмизи,
 Қалмоқ юртнинг сарвинози.
 Кўрганларнинг аклин олиб,
 Хусни бир-биридан голиб,
 Сурхайилга ҳамроҳ бўлиб,
 Бир нечаси наъма чалиб,
 Шундай бўлиб борар қизлар,
 Чилбирнинг чўлини излар.
 Тўқайистон кўлга кетди,
 Олди Мурод тепа етди,
- 6260 Ул тепада кўниб ётди.



Мурод тепага бориб, Мурод тепанинг яқинидан, Чилбир чўлидан бир жой ораста тузатди. Неча вақтлар устаю мардикорларни ишлатди, кўнгираларини пўлатдан сўқдириб, бўсағаларини олтиндан чоптириб, дарвозаларига тилланинг сувини югуртиб, ёқут, марвар тошларидан намоишга ўтқизиб, ичкима-ички бул мазгил-жойларни тузатиб, Қалмоқшоҳ келиб бул жойларни кўриб, шунда бу иморатлар тамом бўлиб, устаю мардикорларнинг ҳаммасига жавоб бериб жўнатди. Соп подшоликдан ароқ-шарок, беҳуш дориларни ғамлаб кўйибди, ўзига оро-торо бериб, бул мазгилда юрибди. Қалмоқшоҳ ҳар замон келиб, аскарлари билан хабар олиб турибди. Бойсарининг кўрган кунини ўзбак беклар эшитса, излаб келар, деб юрибди. Ҳар кун кампир чиқиб, дурбинни олиб, ўнгу сўлга қараб турибди, шу ташвишларни Сурхайил билан ваъда қилиб, Қалмоқшоҳ иккови бир бўлиб, келса ўзбакларни кўлга туширамиз, деб юрибди.

Бойсари ўз молига ўзи етимлик қилиб юрибди. Ногаҳон мол бошида юриб эди, бир қатор карвон ўтиб бораяпти. Молини кўйиб, карвонларнинг олдига чиқиб, бир сўз деб турибди:

Шундай бўлди менга ҳақдин фармонлар,
Жаҳонни сайил этиб кезган қарвонлар,
Йўл бўлсин, қарвонлар, қайда борасан?
Хабар бергин, қайси элдан келасан,
Борар юртинг менга хабар берасан.
Жафо тиғи бул кун жондин ўтади,
Мени тақдир шу кулфатга элтади,
Катта йўлдан сендай қарвон ўтади;
Қарвонлар ҳам туяни тўхтатади.


6270 Ҳар на дардин қарвонларга айтади,
Ғариблигим суягимни ўртади,
Йўл бўлсин, қарвонлар, қайда борасан?
Тўрт қилгандир эгам икки кўзимди,
Қартайганда хўр бўп қолган ўзимди[r],
Сен англагин гулдай сўлган тарзимди,
Тўхтадинг, эшитгин айтган арзимди.

Хабар бергин қайси элдан келасан,
Ростин айтгин, қай шаҳарга борасан?
Азамат мард эдим, бўлганман ночор,
6280 Бу чўлларда шундай бўлдим хору зор,
Элимдан айрилиб бўлдим дарбадар,
Бул сўзима жавоб беринг, қарвонлар.
Кўнглим бўлиб сендан савол сўрайин,
Сенинг борар юртинг мен ҳам билайин,
Борар жойинг хабар бергин, кўрайин,
Ул сабабдан сендан савол сўрайин,
Дардманман, дардимни ёриб турайин,
Дардим бордир, сенга арза берайин,
Йўл бўлсин, қарвонлар, сендан сўрайин.

Бу сўзни эшитиб, қарвонлар ҳам Бойсарига қараб, бир сўз деб турган экан:

6290 Ҳар шаҳарман шул шаҳарда юраман,
Тойчихоннинг мамлакатин кўраман,
Юриб ўзим савдогарлик қиламан,
Қалмоқлар шаҳридан чиқиб келаман,
Асли ўзим қанжиғали бўламан,
Бойсин шаҳарига кетиб бораман,
Беҳад молни бу шаҳардан оламан,





6300 Мен ҳам мато, кимхоб юклаб бораман,
 Бойсин бозорига молим соламан,
 Худо берса, кўп фойдани оламан,
 Рўзгоримни бориб обод қиламан.
 Бир худонинг берганига кўнаман,
 Бу чўлларда туни-куни юраман,
 Меҳнат тортиб Бойсин-Кўнғирот бораман,
 Мен ҳам, билсанг, Кўнғирот элдан бўламан,
 Бу юртни кезган мен савдогар бўламан,
 Кашалдан Кўнғиротга кетиб бораман,
 Сўрасанг, гапингга жавоб бераман,
 Мени билсанг, асл ўзбак бўламан.

6310 Мен билмайман, неча кунда бораман,
 Элда юрган мен бозорчи бўламан,
 Юк босди туямни, йўлга кираман,
 Кўп ҳаяллаб, сўзга қулоқ соламан,
 Сўзинг бўлса айтгин, йўлдан қоламан,
 Карвонман-да, юрсам йўлни оламан,
 Кўнғирот юртга мен ҳам кириб бораман,
 Мундан борсам, элатимни кўраман,
 Ҳаялламай жўнамакчин бўламан,
 Нима десанг, сўзингдолиб бораман.

6320 Кўп сўрадинг, айтгин нима ишинг бор,
 Тарзинг кўрдим, сен бўлибсан хору зор,
 Кўнғирот элда кимга айтар сўзинг бор?
 Аҳволингдан сен менга бердинг хабар,
 Ул элатда кимга айтар дардинг бор?
 Қараб туриб кўп сўради карвонлар.
 Замонингда сен ҳам дарёдай тошиб,
 Сен қолгандай табгиригдан адашиб,
 Кўп сўзни сўйладинг ақилинг шошиб,
 Яқинлаб келгансан менга ёнашиб.



Бу сўзни карвонлардан эшитиб, карвонларга қараб, Бойсари ҳам бир сўз деб турган экан:

6330 Қариндошсан, қилай изингни тавоф,
 Сен менинг сўзима бергансан жавоб,
 Бир сўзим бор айтай, қилсанг кўп савоб.
 Қалмоқ элда мусофирман сандираб,


- Сўзимни айтмайман ҳеч кимга қараб,
Чиқиб эдим мен акамдан ўпкалаб,
Ҳозир менга қалмоқ бўлгандир тараф.
Қалмоқ менинг билмаганим билдирди,
Ҳар на деса, айтганига кўндирди.
Карвонлар, эшитгин менинг тилимни,
Қалмоқ қилди бир қабоҳат зулмни,
6340 Талаб олди менинг бори молимни,
Кулоқ соп, сўрамас бул аҳволимни,
Додлаганман эшитмайди тилимни,
Қаттиқ қилиб ўтқизганман кунимни,
Ҳеч ким билмас бул сири-аҳволимни,
Кўролмайман Бойсин-Кўнғирот элимни.
Калма шаҳодат мусурмоннинг тилига,
Мен қолганман айроликнинг ҳилига,
Мустарман-ку қалмоқларнинг қўлига,
6350 Ким бурилар Бойсарининг ҳолига,
Арза берай Бойсин-Кўнғирот хонига,
Элтиб берсанг Бойбўри меҳрибонига,
Сен бурилгин мендай мискин ҳолига,
Ўзи етим, билсанг, ўзи молига.
Сири-ҳолим, сенга айтар сўзим бор,
Барчин деган бундан кетган қизим бор,
Берган хабаримни Барчинга еткар.
Барчин қизим бул йўлима интизор,
Мен қолганман бу шаҳарда хору зор,
6360 Албатта сўзимни қизимга еткар.
Бул айтган сўзимни ҳазил билмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Менинг гапим айтди-қўйди демагин.
Янглишиб айтибман сенга сўзимни,
Эсима олмабман Барчин қизимни.
Ҳаялласанг, оша оғир олмагин,
Қизима бер, Бойбўрига бермагин.
Бундан бориб элатинга киргайсан,
Барчиннинг қошига тикка боргайсан,
6370 Арза битиб Барчинойга бергайсан.
Қиз ҳам бўлса, болам бўлгайди омон,
Мен бўлибман бу чўлларда саргардон,



6380 Кетмади бошимдан қоронғи туман,
Ёлғиз қизим эди менга меҳрибон,
Бойсарининг айтган сўзи шу бўлар.
Қариндошсан, яхши хизмат қиласан,
Мундай бориб Барчинойни кўрасан,
Ўз қўлимдан битган арзам берасан,
Нима бўлса шу хизматни қиласан,
Ҳозир менинг аҳволимни кўрасан,
Кўрганинг Барчинга айтиб борасан,
Шундай қилсанг, менинг кўнглим оласан.
Хаёлингга бошқа сўзни олмагин,
Барчиндан ўзгага хатни бермагин.
Қулоқ солгин мендай ночор тилига,
Омон-эсон боргин Бойсин элига,
Албатта бер Барчинойнинг қўлига.


Бу сўзни Бойсаридан эшитиб, қарвонлар Бойсарининг сири-аҳволини, айтган сўзларини, қалмоқларнинг зўрлик билан олган молларини ўз кўзича арзага солиб, қарвонлар битиб олиб, Бойсари ўз ҳолига йиғлаб, хўшлашиб, қарвонлар ҳам йўлга равона бўлди. Бу қарвонларнинг кетиб бораётгандаги сўзи:

6390 Кўнглин бўлиб бул Бойсари қолади,
Арза олиб бундан қарвон жўнади,
Туя оёғиман кетиб боради,
Бойсарининг асли-наслин билади,
Бир-бирига йўлда айтиб боради:
“Илгари бул Кўнғирот элда тўради,
Бир гап билан бул юртларга келади,
Ахирида хўп аҳволни кўради”.
Бир нечаси билиб савол қилади:
“Илгаридан бўйни йўғон бўлади,
Закот деса, бермай ўрлаб келади,
Пўк ейми бу ёқда, нима қилади,
6400 Ахирида шундай бўлиб ўлади,
Милладор бўп энди арза беради”.
Бир-бирига бу сўздайтиб боради,
Худо деб қарвонлар йўлни олади,
Йўлда туясини тортиб боради.
Бораётир бу қарвонлар тўп бўлиб,



Урри, газандага жуда кўп бўлиб,
 Бир-бирига айтган сўзи эп бўлиб.
 Карвонлар боради бул тўзон килиб,
 6410 Ҳар замонда кўнар молга дам бериб,
 Кеча-кундуз тинмай энди йўл юриб.
 Кетар карвон неча дарбантдан ошиб,
 Карвон юрса кетар йўлга ярашиб,
 Гоҳ кечалар йўлдан чиқар адашиб,
 Уйқу олиб кетар ақили шошиб,
 Бир-бирин чақириб, йўлларга тушиб,
 Окшом бўлса, бир-бирига етишиб.
 Фойда талаб карвон кетиб боради,
 Ҳар тарафга, ўнгу сўлга қаради,
 6420 Йўқ фойдани ҳисоблашиб боради,
 Бир-бириман бу ўрлашиб қолади.
 Кундуз шундай бўлиб булар юради,
 Окшомига кўп интифок бўлади,
 Нима бўлса, эҳтиётни қилади,
 Окшом анжомини қўлга олади,
 Тонг отган сўнг фароғатни қилади,
 Ҳар на жабр бўлса, йўлда кўради,
 Сувли ер кўринса, бориб кўнади,
 Туясин ўтлатиб кетиб боради,
 Шундай меҳнат килиб фойда кўради,
 6430 Етсам деб карвонлар йўлда юради.
 Бундан қичаб энди карвонлар кетди,
 Неча ой, неча кун орада ўтди,
 Кўз юбортиб кўради мамлакатди,
 Энди кўрди Бойсиндай музофотди,
 Оралаб боради сонсиз элатди,
 Бойсин шаҳарига тикка йўл тортди.
 Элни кўриб вақти хуш бўп қолади,
 Туяларин тўғри йўлга солади,
 Бойсин шаҳарига булар боради,
 6440 Узоқ эмас, энди яқин қолади.
 Қанча мато булар юклаб боради,
 Халойиқлар карвонларни кўради,
 Карвон келди, дейшиб одам туради,
 Бир нечалар неча сўзни сўради,
 Таниганлар ҳорма-бор бўл қилади.





- 6450 Бир нечаси от устида сўради,
Бир нечалар сўраб ўтиб боради.
Келгани бул юртга овоза бўлади,
Шаҳарнинг ичига етиб боради,
Карвон бориб бир саройга кўнади.
Бугун Бойсин элнинг шундай бозори,
Катта-кичик бозор дейди, келади,
Ҳамма келиб карвонларни кўради.
Қофилабошнинг эсига келади,
Бойсарининг арзасини олади,
Барчинга берай деб кетиб боради,
Бойбўрининг мазгил-жойин сўради.
Катта одам белгили жойда бўлади,
Бекнинг давлатхонасига боради,
6460 Жиловхонада энди тўғри бўлади,
Амалдорлар қофилабошни кўради,
Танигандан келиб хабар олади,
Амалдорлар таниб буни сўради,
Барчинойда ишим бор деб туради.
– Ишингдайтгин бизлар маълум этайик,
Сўзинг бўлса, Барчинойга айтайик.

Шунда ул амалдорларга қараб, қофила боши бир сўз деб турган экан:

- 6470 Қалмоқлар юртига гузарим тушди,
Юкимни тўлдириб ундан келибман,
Бойсарининг ахволини кўрибман,
Кўп туришиб басти жавоб қилибман,
Ул сабабдан мен бу ерга келибман.
Мен ҳам савдогарман, айтар арзим бор,
Бекорига сўзламоқлик не даркор,
Барчинойга уч-тўрт оғиз сўзим бор.
Хабар берса, Барчинойни кўраман,
Отасининг хабарини бераман,
Бўлак одамларни нима қиламан,
Ой Барчинни мен ҳам сўраб тураман.
6480 Ҳазил дема қофилабошнинг сўзини,
Хон Бойсари кўп сўраган қизини,
Бераман отасин айтган қарзини,
Кўриб ўтай Барчинойнинг ўзини.




Қофилабошни айлантириб турмагин,
Хабар бергин, оша ҳалак қилмагин.
Катта ерда айтиб турар арзим бор,
Барчин ойим ҳали мендан беҳабар,
Мен карвонман, шаҳар жойда ишим бор,
Буюргин Барчинга битта хизматкор,
Қофилабошнинг айтган сўзи шу бўлар.
6490 Ул саройда менинг беҳад молим бор,
Мен борганча жўраларим интизор,
Барчинойга хабар бермоғинг даркор.
Кўп ҳаяллаб мен ҳам бунда тураман,
Ҳаялласам мен савдодан қоламан,
Ҳаялламай келса Барчин муштипар,
Отасининг сўзин маълум қиламан.
Бий отаси бўлиб қопти саргардон,
Хабар ололмайди ҳеч ким ҳолидан,
Барчинга билдириб ўтай бул замон.

Бул сўзни эшитиб, амалдорлар бир хизматкорни Барчинга буюрди. Бориб Барчинга хабар берди. Барчин ичкаридан чикиб, бул карвон қофила бошини кўрди, Барчинга “Яқинлаб кел”, – деб турди. – Бизлар Қалмоқ юртига бордик, отангни кўрдик, сени кўп сўраб бир хат бизга топиш қилди, нима борини ўқиб эшитасан, – деб қайтиб йўлга равона бўлди. Ўз бозорчилик ишига карвон ҳам кетди. Барчин хатни олиб, бул ҳам уйига қайтди, мазгилига етди, ўтириб бул хатни ўқиб кўраяпти. Ўқиб кўриб, ўз шаънига бу сўзни айтиб турибди:

6500 Лайли-Мажнун эди жаҳонга устод,
Фалакнинг қавлидан дод билан бедод,
Бий отама унда бўпти қиёмат,
Бор экан бошида турли аломат,
Бир карвондан юборибди арза хат,
Бу хатни кўрибман, қолмади тоқат,
Отам деб қиларман бул замон фарёд,
Бузилсин, йиқилсин ул чархи ношод,
Дунёнинг ғамидан бўлмади озод,
Қалмоқлардан қутулмади саломат,
6510 Отама бўлибди ваҳми қиёмат.
Султон отам унда хор бўп қолибди,
Бошидан ўтганин хатга солибди,




- 6520 Дунё молин барин тортиб олибди,
Қалмоқлар кўлида мустар бўлибди,
Мендай муштипарга хабар қилибди,
Отамнинг аҳволи қандай бўлибди.
Буни кўриб Барчин сулув жилади,
Йиғлаганман нима илож қилади,
Термулиб ҳар ёққа Барчин қаради,
Шундай отам жуда хор бўп қолади,
Мен билмайман куни қандай бўлади,
Отам дейди, кўп сарғайиб туради.
Хатда борин таъриф қилиб жилади,
Талабини яратгандан тилади,
Эшикдан Алпомиш кириб келади,
Қараса, Барчиной йиғлаб туради,
Буни кўриб шунқор хафа бўлади,
Нима гап деб Барчинойдан сўради,
Кўлига Барчиной хатни беради,
6530 Хатда борин бул ҳам ўкиб кўради,
Ўкиб кўриб оша диққат бўлади,
Барчинойга бул тасалли беради.
– Йиғлама, гул юзлим, бундан борарман,
Хафа бўлма, сени шодмон қиларман,
От ўйнатиб қалмоқларга борарман,
Йиғлама, отангни олиб келарман.
Мендай тўранг қалмоқларга боради,
Борса қалмоқларга қирғин солади,
Хафа бўлма, отанг келиб қолади.
6540 Ҳозир кўрар тақдирдаги меҳнатин,
Сенинг хурматингдан бўлар хизматим.
Бул элларда юрт сўраган тўраман,
Олмос пўлат қайраб қўлга оламан,
Насиб этса Қалмоқ юртга бораман,
Бу ишларнинг қасосини оламан,
Кўрмаган кунларни унга соламан,
Отангни саломат олиб келаман.
Отанг ҳозир шундай бўлиб тургандир,
Кетар вақтда оша ўрлик қилгандир,
6550 Энди шўрли пушаймон қип юргандир,
Ўз ишидан наф топмайин қолгандир.
Йиғлаб сенинг ҳолинг абгор бўлганди,



Олиб келай Бойсаридай сулгонди.
Хатга қараб бундай хафа бўласан,
Йиғламагин бий отангни кўрасан,
Қайта бошдан қадимгидай бўласан,
Сен отангни кўрсанг, ўйнаб-куласан,
Кўнғиротнинг юртида даврон сурасан.

Бу сўзларни Барчинга тасалли айтиб, Алпомиш чиқиб, отасининг қошига бориб, отасига қараб, отасидан жавоб сўраб, бу сўзни айтиб турган экан:

- 6560 Ота, бир сўзим бор маълум қилайин,
Жавоб беринг Қалмоқ элга борайин,
Ота, сиздан бул жавобни сўрайин,
Кашал элдан бийни олиб келайин.
Қалмоқ унга кўп зулмни қилибди,
Карвонлардан бунда хабар келибди,
Билсанг, ўғлинг Кашал бормоқ бўлибди.
Билгин, ота, мендай бекнинг ишини,
Бориб кесай Қалмоқшоҳнинг бошини,
Жавоб бериб жўнат Алпомишингни.
- 6570 Бизлар тирик, қалмоқ шундай қилами,
Ўз молига ўзи етим бўлами,
Биз эсонда шундай ишни қилами,
Бу иззага одам тоқат қилами?!
Эшитиб қолмади, ота, тоқатим,
Кўриб хафа бўлди мендай фарзандинг,
Миниб кетай бундан Бойчибор отим,
Хор бўлибди Бойсаридай авлодинг,
Урушли кун тоша келар ғайратим,
Жавоб бергин, Кашал кетар фарзандинг.
- 6580 Бундан борсам, қалмоқларни кўраман,
Ёлғиз борсам, кўп қалмоқни қираман,
Бойсаридай бийни олиб келаман.
Ота, сиздан жавоб сўраб тураман,
Рухсат беринг, Қалмоқ элга бораман,
Такдиримда нима борин кўраман,
Ярашиққа от кокилин ўраман,
Душманларман борсам уруш қиламан,
Бойсарини олиб элга келаман.



Келиб обод қилай Бойсин элимни,
Жавоб бериб жўнат мендай улингни.


Бу сўзни эшитиб, Бойбўри ўғлига қараб, бир сўз деди:

- 6590 Кўрар кўзим, кулоқ солгин тилима,
Даврон суриб юргин Бойсин элинга,
Бориб келдинг, болам, Қалмоқ элина,
Талаб қилма душманлар мазгилина.
Мен қартайдим, болам, қайда борасан,
Ёлғизсан-да, бориб нима қиласан,
У юртларда, болам, қандай бўласан,
Келиб мендан жавоб сўраб турасан,
Мен жавоб бермайман, нега борасан.
Бораман деб, болам, шердил бўлмагин,
- 6600 Йигитлик асари – ғайрат қилмагин,
Балони ўзингга сотиб олмагин,
Хафалимда бориб келдинг қалмоққа,
Кўйгин, болам, энди талаб қилмагин,
Ўртанган ўтларга жоним солмагин,
Кўрар кўзим, Қалмоқ элга бормагин.
Эшитгин сен, болам, айтган ноламни,
Мен жўнатмайман-ку сендай боламни,
Қариганда солма турли аламни,
Жўнатмайман кўрар кўзим, боламни.
- 6610 Тағи, болам, қалмоқ талаб қиласан,
Ўйнаб-кулиб элда даврон сурасан,
Қалмоқ деб оғзингга, болам, оласан,
Тинчиганда бир балони қиласан.
Бойсари ҳам тақдирдан кўрар-да,
Куни битса, ахир бир кун ўлар-да,
Ўлмаса, бир куни ўзи келар-да,
Ҳар ишни бандага худо қилар-да,
Худо қилганига банда кўнар-да,
Кўйгин, болам, борма Қалмоқ юртига.
- 6620 Бул ишинга сира хурсанд бўлмайман,
Ўзим ўлмай, сенга жавоб бермайман,
Жавоб бериб сендан жудо бўлмайман,
Болам, зинхор борма Қалмоқ юртига.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш ҳам отасига қараб, бир сўз деб турган экан:

- Ота, менинг бормаганим бўлами,
Сенинг ининг қонлар йиғлаб қолами,
Бормасам шул ишга, ота, бўлами?
Оқ кировка, олтин совут қияман,
Бор кучимни билагимга жияман,
Олмос олсам, қирмизи қон қуяман,
6630 Ғанимларнинг танасини уяман,
Қарчиғайман, душман бошин қияман.
Эсим олса, бўтадайин бўзлайман,
Душман кўрсам, кесиб бағрин тузлайман,
Аслим шерман, ўзим йўлбарс излайман.
Бул сўзимни, ота, оғир олмагин,
Ёлғиз-да, деб мени номард билмагин,
Қандай бўлса, мени йўлдан урмагин,
Холисилла дуода бўл, бек ота,
Мен кетсам, отажон, ваҳм қилмагин.
6640 Қулоқ соп эшитгин айтган нидога,
Ўлим навбат етар шоҳу гадога,
Омонат топширгин қодир худога,
Хафа бўлмай, жавоб бергин, бек ота.
Мен биламан, ота, сенинг холингди,
Кўп қайтариб йўлдан урма улингди,
Холисилла дуога оч қўлингди,
Яхши гапман жўнат жону дилингди,
Оғринмай, отажон, жавоб бер энди.
Жавоб сўраб мен сарғайиб тураман,
6650 Отамсан-да, жуда хурмат қиламан,
Қалмоқлар ишига диққат бўламан,
Мен бормасам, хафалиқда ўламан,
Холисилла жавоб бергин, бек ота,
Дуо қил, қалмоққа бориб келаман.

Бу сўзларни Алпомиш айтди. Бойбўри эшитди. – Кўзимнинг тириклигида жавоб бермайман, – деб ўрлаб ётибди. – Бойсарининг ўзингга кераклик қизини олиб келдинг, Бойсарини бошингга урасанми? – деб ўрлашиб ётди. Алпомиш қайтди, уйига келса, Барчин тинчитмаяпти: – “Султон суягини хўрламас” деган гап бор, сенинг эсонлигингда отам Қалмоқ юртида хор бўлиб қолами, – деб бу сўзни айтиб турибди:



- 6660 Муштипарман, энди нима қилайин,
Бормасанг, жавоб бер, ўзим борайин,
Отамнинг ҳолидан хабар олайин,
Энди қолган умрим сарфлаб кўрайин,
Бу шоҳлик шавкатни нима қилайин,
Аёлман, деб қандай қараб турайин,
Бел бойладим, энди ўзим борайин,
Қалмоқларга бир қабоҳат қилайин,
Турарим йўқ, энди мен ҳам жўнайин,
Бир отнинг устига ёлғиз минайин,
Эркак либос кийиб, анжом олайин,
Қалмоқнинг юртига ёлғиз борайин.
Бу ерда қолмади сабри-қарорим,
Шундай бўлди бул менинг ихтиёрим,
Отамнинг йўлида қурбондир жоним,
6670 Бормасанг, жавоб бер, давлатли хоним,
Мен Қалмоқ борарман бундан, султоним.
Бий бобомнинг мен қошига борайин,
Бобома йўлиқиб ўзим сўрайин,
Отамнинг кейнидан энди борайин.
Хазон чолмай боғда гуллар сўлмади,
Ҳарчанд айтдим, айтган сўзим бўлмади,
Бегижон, бўшлигинг сира қолмади.
Ўз билганинг қилиб бунда юрасан,
Ҳар ишга тортиниб, бўшлиқ қиласан,
6680 Мен кетаман, энди ўзинг қоласан.


Бу сўзни эшитиб, Алпомишнинг диққатлиги ошиб, ўйланиб юрди. Отасидан ҳам хўб жавоб сўраб кўрди. Алпомишнинг Қалдирғоч деган синглиси бор эди, унинг куёвини Бектемир бойбачча дер эди, тортувли кўнғиротнинг беги эди, Алпомиш қанжиғали кўнғиротнинг беги эди, Алпомишнинг диққатлиги ошиб, Бектемир бойбаччанинг қошига бориб, иккови маслаҳат қилиб, Бектемир бойбаччага қараб, бул сўзни айтиб турган экан:

Тинчлиги йўқ бек Алпомиш келибди,
Бектемир, маслаҳат қандай бўлибди,
Мени енганг жуда диққат қилибди,
Отасидан бунга хабар келибди,
Бир хатни савдогар оп кеп берибди,

- Шундан бери тоқат қилмай юрибди,
Келган хатни у ҳам ўқиб кўрибди,
Отасини қалмоқ ўсал қилибди,
Эндиги маслаҳат қандай бўлибди?
6690 Мен отамдан бориб жавоб сўрадим,
Неча қайта ундан рухсат тиладим.
Жавоб бермай, мазгилима келаман,
Тинчим йўқ уйимда, дилтанг бўламан,
Отамнинг иложин қандай қиламан?
Асли мен ўзим бормоқчин бўламан,
Отам жавоб бермас, қандай қиламан?
Маслаҳат қилгани сенга келаман.
Безовита бўлди гул юзли дилбар,
6700 Менда ҳеч қолмайди тоқату қарор,
Бормоқ маслаҳати қандайин бўлар?
Бир маслаҳат бергин, сенда ихтиёр.
Маслаҳат қип, яхши ўйлаб кўрайик,
Бу элда бундайин қараб қомайик,
Қандай бўлса, Қалмоқ юртга борайик,
Енганнинг отасин олиб келайик,
Шуйтиб маслаҳатни сендан сўрайик.

Иккови маслаҳат қилиб, маслаҳатни бир ерга қўйиб, Бойсарини излаб бормоқчи бўлиб: – Қандай бўлса, Бойбўри жавоб бермайди, Бойбўри билса, жавоб бермас, билиб қолса, бизни юргизгани қўймас, унга билдирмаймиз, оқшомлаб жўнаймиз, – деб маслаҳат қилди. Тағи бирга бормоқчи бўлиб, қирк йигит қўшилди. Қирк иккиси кетмоқчи бўлиб, кечкурун овқатланиб, йўл юрмоқнинг ҳаракатини қилиб, қирк икки сардор отини эгарлаб, эл маст ухлаган вақтда уруш-яроғини ғамлаб, жўнамоқчи бўлди. Шу вақтда Бойбўри далада юриб эди, буларни кўриб қолди, олдидан чиқиб, буларга қараб, бир сўз деб турган экан:

- То ўлгунча сўйлаб қолган тил бўлсин,
Узунли-қисқали тўнинг мўл бўлсин,
Бемаҳалда миниб отнинг белига,
6710 Қирк икки сардорим, сенга йўл бўлсин?
Менинг сўзим қулоғингга олмадинг,
Кўй деганман Қўнғирот элда турмадинг,
Отам деб сен мени хурмат қилмадинг,
Менинг розилигим сизлар билмадинг,



- 6720 Мен сўрайман, туриб кулоқ солмадинг,
Ўзи туккан беклар, сенга йўл бўлсин?
Белинга бойлабсан заррин пўтангни,
Кечиргай худойим қилган хатонгни,
Хафа қилиб кетдинг мендай отангни.
От, ярок, асбобни шайлаб оласан,
Бемахалда баринг отни миначан,
Қайсар сифат беклар, қайда борасан?
Сенсан менинг бунда ёлғиз фарзандим,
Қалмоқнинг юртига бўпти ғазотинг,
Болам, сенга бўлмай қолди хурматим,
Бойсарини излаб сенинг хизматинг.
Бойсари деб ҳамманг бундан борасан,
Сўраган сўзима жавоб берасан,
Қулоқ солмай, болам, қайда борасан?
- 6730 Гина қилмай, саволимни билсанг-чи,
От жилловин тортиб қараб турсанг-чи,
Бул сўзима, кўзим, жавоб берсанг-чи,
Бемахал юришни, беклар, қўйсанг-чи!
Сендай беклар бу элатда тўради[r],
Сен қайтсанг, отанг рози бўлади,
Бул ишингга норози бўп туради,
Кетишингни сендан отанг сўради.
Давлатим бор, шоли-шолдам ўрадим,
Гул тарзим сарғайиб сенга қарадим,
Бемахалда, болам, сендан сўрадим,
Йўл бўлсин, фарзандим, қайда борасан?
Бундай бўлиб бошинг олиб кетмагин,
Бу юришда бўлмас сенинг мақсадинг,
Ҳали ҳам қайт, борма, жоним фарзандим,
Шулдир сенга кўп айтган насихатим.
Кумушдандир қарчиғанинг чегаси,
Сенсан, болам, давлатимнинг эгаси,
Қайтгин, кўзим, борма Қалмоқ юртига.
Қозининг олдида шабгир нойиби,
Йигитга панд берар отнинг майиби,
Сен бўласан бу юртимнинг сойиби,
Кўрар кўзим, борма Қалмоқ шахрига.
Қалмоқлар пойингда юрган бўлмасин,
Ҳийла-макр билан ақлинг олмасин,



6760


Душманларнинг айтган сўзи бўлмасин,
Қонлар йиғлаб мендай отанг қолмасин,
Қайтгин, болам, борма душман юртига.
Пандим олмай, беклар, бундай қиласан,
Дуо олмай, баринг кетиб борасан,
Қулоқ солмай, отга қамчи урасан,
Бул юришинг ёмон, қандай бўласан,
Ҳар қайсинг шердай чопиниб борасан,
Қайтгин энди, бориб нима қиласан?!

Бу сўзни харчанд Бойбўри сўради, сўзига жавоб бермади. “Бул миясини еган тентак чол, илгари қанча миллатдор бўлганмиз, жавоб бергани йўқ, энди бизнинг оқшомлаб жўнаганимизни қайқдан билади, тағи балодай бўлиб, йўлга чикиб туради, гапига жавоб берсанг, жиловингдан олади, тармашиб бало бўлади”. Шу сўзни ўйлаб, Бойбўрининг сўзига қулоқ солмади, кетиб бораётган йўлидан қолмади, Бойбўрининг насиҳатини қулоғига олмади. Бойбўри ҳам қайтди. “Уларнинг кетиши ёмон бўлди, Қалмоқ юртдан келуви гумон бўлди”, – деб ўйланиб қолди.

Алпомишнинг кетиб бораётгандаги сўзи:

6770

Бедовларга қамчи чатиб,
Оқшом юрар шабгир тортиб,
Жўнади қирк икки сардор,
Ҳар қайси мисли айдахор.
Боради шундай йўл юриб,
Бедов отга қамчи уриб,
Қалмоқ юртини ахтариб.
Бул беклар баҳрини очиб,
Парқинидан кўпик сочиб,
Остидаги зап маст отлар
Гоҳ йўлларда олиб қочиб.
Қалмоққа қилди ғазотди,
Хон Бойсарининг ҳурмати,
Вақти хуш бўп қолган элда
Барчингул деган фарзанди,
Бораётир сатта беклар,
6780 Қаерда қалмоқнинг юрти.
Қалмоқ юртга етсам, дейди,
Бойсарини кўрсам, дейди,
Ҳол-ахволин билсам, дейди,




Ундан хабар олсам, дейди,
Қалмоқ додин берсам, дейди,
Баччағарни кирсам, дейди,
Жуда андай қилсам, дейди.
Булар ҳам шундай тўради[r],
Ҳар бир тарафга қаради.
6790 Мундай йўлда эллардан,
Неча сувли кўллардан,
Зоғ учмаган чўллардан,
Не бир қия йўллардан,
Катта, адир, беллардан,
Бир қамишзор кўллардан,
Ўтиб кетиб боради.
Шундай бўлиб йўл тортди,
Қалмоққа яқин етди.

Булар мунда бораяпти, ҳеч бир душмандан беҳабар. Энди гапни Сурхайил мастондан эшитинг. Буларнинг йўлида туриб, ҳар ёқни дурбин билан қараб, кўриб, қунига хабар олиб юрар эди. Қуллардан бир қул қаради, қараса, қирқ икки сардор, ҳар қайсиси мисли айдаҳор, буларни кўриб, ҳийлаю мақрилик қилиб, чочини ёйиб, бетини юлиб, буларнинг олдидан чиқиб қолди. Шунда беклар кампирни кўриб, отнинг жиловини тортиб, отни тўхтатиб, кампирдан бир сўзни сўраб турибди:


6800 Чўлларда йиғлайсан бундай муғойиб,
Не сабабдан, момо, чочингни ёйиб,
Бу чўлларда ғариб бўлиб, оҳ уриб,
Юрибсанми сен бировни ахтариб?
Ўрганган ўтларга жонингни солиб,
Кўп сиқилиб йиғлар, момо инграниб,
Кўрдим ахволингни, бўлибсан ғариб.
Сен ҳам йиғлаб қобоғингни уясан,
Чочинг ёйиб, момо, қора қиясан,
Юришингни, момо, сендан сўрайман,
Хабар бергин, қимдан ситам кўрасан?
6810 Не сабабдан бундай абгор бўласан,
Мазгилинг қаерда, бунда юрасан?
Бизни сўрсанг, узок йўлдан келамиз,
Қистаб юриб йўл азобин кўрамиз,
Сени кўриб жуда ҳайрон қоламиз,



- 
- 6820 Бизлар ҳам Қўнғиротнинг беги бўламиз.
Не сабабдан, момо, буйтиб юрасан?
Сен ўзингни бундай жинни қилдингми,
Шул юришни ўзинг яхши билдингми,
Қўзимлаб айрилиб, бўзлаб қолдингми,
Не сабабдан, момо, бундай бўласан?
Бошдан ўтган кулфатингни сўрайин,
Нима аҳвол ўтди сендан, билайин,
Чўлда юрган момо, сендан сўрайин.
Не сабабдан бул аҳволда юрасан,
Қайси элдан, қайси юртдан бўласан,
Бул юришинг Мажнундай бўп турасан,
Не сабабдан бўзлаб, йиғлаб юрасан,
Хабар бергин, кимдан ситам кўрасан.

Бу сўзни эшитиб, кампир ҳам бир сўз айтиб турган экан:

- 6830 Дардманман, дардимни сенга айтайин,
Қалмоқ хони шундай қилди, қайтайин?
Хазон чалиб боғда гули сўлсин-да,
Менинг муножотим қабул бўлсин-да,
Дуо қилай, Қалмоқшоҳи ўлсин-да,
Ул ҳам мендай сарсон бўлиб қолсин-да!
Қалмоқшоҳи лашкар тортиб келгандир,
Қабоҳат кунларни менга солгандир,
Қалмоқшоҳ зулмидан болам ўлгандир,
Қалмоқшоҳим менга азоб бергандир.
Менинг ҳам бир етти ўғлим бор эди,
6840 Қаторда гуркираб юрган нор эди,
Ҳар қайсиси мингга баробар эди.
Армон билан етти ўғлим ўлдирди,
Душман қурғур билмаганим билдирди,
Қалмоқшоҳи чўлда саргардон қилди.
Остингда юз алвон ўйнайди отинг,
Белингда ярқиллар кескир пўлатинг,
Қаерларда, болам, ўсган элатинг?
Қалмоқшоҳдан кўпдир тортган захматим.
Тарзим кўриб, менинг холим сўрадинг,
6850 От устидан, болам, менга қарадинг,
Нима ишда юрган талаб-муродинг?



- Менинг ҳолим, болам, мунда сўрадинг.
Қалмоқлардан кўпдир менинг захматим.
От ўйнатиб қайси юртдан келасан,
Қай чаман булбули, кимнинг улисан,
Ҳолим кўриб, менга раҳбар бўласан,
Сен ҳам бир-биронинг жони-дилсан.
Айтсам сири-ҳолим, сўраб биларсан,
Келиш юртинг менга маълум қиларсан.
- 6860 Тарзингга қарайман, қирк икки номдор,
Юртингда белгили яхши жойинг бор,
Қай шаҳардан келган сендайин беклар,
Қалмоқшоҳдан куйган мендай муштипар.
Қалмоқшоҳдан дод деб йиғлаб юраман,
Бир мунглиқман, нима илож қиламан,
Чочим ёйиб, мен ҳам тентак бўламан,
Қалмоқлар зарбидан куйиб-ёнаман,
Мен ўртаниб, йўлда йиғлаб кўраман,
Сизларга суяниб, ўғлим қиламан,
- 6870 Кўнглим бўлиб, мен ҳам йиғлаб тураман,
Худо қилганига, шуйтиб кўнаман.
Етти улдан айрилиб мендай муштипар,
Қалмоқлар ғуссаси ўтди, хору зор,
Фарзандим, деб мен бўлибман интизор,
Қалмоқшоҳдан оладиган ўчим бор.
Юришингдан хабар бергин, сен беклар,
Ҳар на дардин айтди мендай муштипар,
Қайси элдан бунда етишдинг, қайсар.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш ҳам момосига қараб, бир сўз деб турган экан:




- 6880 Мени билсанг Кўнғирот элдан келаман,
Кўнғиротнинг кўчқори ўзим бўламан,
Сардорларни ҳамроҳ қилиб келаман,
Қалмоқшоҳ устига кетиб бораман.
Қалмоқшоҳман бир дўғилиб кўраман,
Қалмоқлар куввати қанча, кўраман,
Кўнғирот юртдан қалмоқ излаб келаман,
Излаганга сўраганинг бўламан,
Қалмоқшоҳдан ўчингдолиб бераман.

- Момо, билгин чўлда ғариб холингни,
Калмоқлар ўлдирса сенинг улингни,
6890 Мен оларман Қалмоқшоҳдан хунингни,
Кўролмайсан ўлган жони-дилигни.
Қартайибсан, дуо килиб тур энди,
Калмоқларга қилган ишим кўр энди.
Бек Алпомиш дейди менинг ўзимди,
Хунини тўлатай ўлган кўзингни,
Калмоқларман қон тўкишмоқ лозимди[r],
Калмоқшоҳ устига кетиб бораман.
Калмоқшоҳга борадиган ишим бор,
Менинг ҳам бир ғариб бўлган кишим бор,
6900 Кўп жафони унга солган калмоқлар,
Оти Бойсаридир, юртида номдор,
Шуни излаб келган мендайин қайсар,
Бул ишида жабр кўрар калмоқлар.
От ўйнатиб Қалмоқ юртга кирарман,
Калмоқшоҳ устига тикка борарман,
Қайда бўлса, уни топиб оларман,
Кўрмаган кунларни унга соларман,
Шу кунда сени ҳам хурсанд қиларман,
Йиғламагин, шоҳни излаб борарман,
6910 Жами қасосингни йиғиб оларман.

Бу сўзни эшитиб, кампир яна бир сўз айтиб турган экан:


- Бу чўлларда меҳрибонлик қилдинг сен,
Кўнглини кўтардинг мендай муштипар,
Қайта бошдан, болам, айтар арзим бор.
Бир кеча бўлайин сенга хизматкор,
Бир кечага таом бермак ҳақим бор.
Олис йўлдан меҳнат тортиб келасан,
Бизниқига бугун меҳмон бўласан,
Мен энангман, сен-ку ўғлим бўласан,
Менинг қилган хизматимни кўрасан.
6920 Ўғилларим ўлиб кетди хору зор,
Ҳозир ўғлим йўқдир, қирқта кизим бор,
Қизларимнинг бари бўлар хизматкор,
Ўғлимнинг ўрнини қизларим босар.
Акамдай деб бари хурсанд бўлади,



- 6930 Сизларни кўрганда кўнгли тўлади,
Бариси бўй етган, хўп баркамолди[r].
Хизматидан, кўрсанг, кўнглинг тўлади,
Нима десанг, айтганинга кўнади,
Бариси ҳам ўрта бўйли болади[r],
Қизлар билан мендай энанг қолади,
Тонг отганча қўймай хизмат қилади,
Тонг отган сўнг сенга жавоб беради.
Қалмоқлар тилини энанг билади,
Бошқаради, яхши йўлга солади,
Қалмоқларга бул бошқариб боради,
Қанча қалмоқ бўлса, сендан ўлади,
Кўрдим сени ким баробар бўлади,
Шундай қилсанг, энанг кўнгли тўлади.
6940 Шу сўздайтиб бекнинг ақлин олади,
Ҳаммасига бул сўз хуш кеп қолади.
Қалмоқман ваъдалаш, айёр балоди[r],
Беклар бунинг айтганига кўнади,
Шуйтиб барисининг ақлин олади.
Бул бекларни эргаштириб жўнади,
Анг ўзбаклар била кетиб боради,
Бу кампирнинг вақти хуш бўп қолади,
Ул бекларни олиб энди жўнади,
Ҳаммаси эргашиб кетиб боради.
6950 Қувонгандан кампирнинг ақли шошиб,
Йўл бошлар пиёда олдига тушиб,
Эна дейди, бораётир гаплашиб.
Сўз айтиб боради, кўнглини хушлаб,
От билан баробар кампир анғишлаб,
Бораётир ҳар қайсига сўз ташлаб,
Ҳар алвон гапириб, вақтини хушлаб.
Ақлин олдим дейди, айёр боради,
Назар солиб ўнгу сўлга қаради.
Бир мунглик деб беклар писанд қилмади,
Бу кампирдан ҳеч бир ҳадик олмади,
6960 Кўнгилида нима борин билмади.
Эна дейшиб, бирга кетиб боради,
Ярқиллаган бул маконни кўради,
Уллари қилган деб кўнглига келади.
“Ўғлининг борида кампир шой экан,




- Хўп бекликдай ўхшатган мазгил-жой экан”.
Дарвозани очиб ичкари кирди,
Бул маконни кўриб табассум қилди.
“Подшо билан ўғли тараф бўлган-да,
Шоҳлардан кам эмас, буни қилган-да,
6970 Тараф бўлиб бунинг ўғли ўлган-да,
Ҳозир бул жой қизларники бўлган-да”.
Бир ораста мазгил-жойни кўрганда,
Шундай гап бунинг кўнглига келган-да.
Кампир шундай дарвозадан киради,
Қизларига қаттиқ довуш қилади:
– Акаларинг тирилгандай бўлади,
Акангнинг хунини тўлаб беради.
Бу сўзни эшитиб қизлар қаради,
Диловар бекларни қизлар кўради,
6980 Кампирнинг тилини қизлар билади.
Айёрлиги юртга маълум бўлади,
Одати белгили, кампир балоди[р],
Ҳийла билан бу мазгилга келади.
Беклар келиб энди кўнмоққа толиб,
Чопиб келар қизлар бели буралиб.
Кампир қизга насихатни беради:
“Бунинг бари сенинг аканг бўлади”.
Югуриб келиб қизлар кўнглин хушлади,
6990 Битта-битта келиб отни ушлади,
Беклар бунда энди отдан тушади,
Отни бойлаб бул қизлар эргашади.
Бораётир қизлар шундайин бошлаб,
Бекларнинг остига либосни ташлаб,
Бу бекларни мажлисхонага бошлаб.
Бул бекларни кўп парвариш қилади,
Табассум қип қизлар таъзим беради,
Адабига вақти хуш бўп туради.
Жамоли яркиллаб ақлин олади,
7000 Рўмоли пириллаб хизмат қилади,
Қўл ювдириб, дастурхонни солади.
Писта-руста, қандолатни ташлади,
Қизлар хизмат қилиб, энди бул ишди,
Жуда ҳам бекларнинг бул вақти хушди[р],
Таомнинг устидан қизлар тортади



- 7010 Бекларга оп келиб қовурма гўшди.
Беклар жуда яхши хизмат фаҳмлади,
Қирмизи чойнакка чойлар дамлади,
Арок-шарокларни кампир ғамлади,
Сухбатга кераклик нарса жамлади.
Қирк қиз хизматида бўлиб туради,
Қалмоқларнинг қизи сулув экан, деб
Жамолига бунда беклар қаради,
Жамоли барқ уриб ақлин олади.
Хаёлига қизик суҳбат келади,
Буларнинг кўнглига шундай келади:
“Нима десанг, бу қизлар кўнади,
Одамнинг кўнглидаги бўлади,
Кўнмаса, бу ерга нега келади,
Эркакнинг қошида нима қилади?!”
- 7020 Бу бекларнинг жуда кўнгли тўлади,
Нима керакисин мавжуд қилади,
Куннинг ўзи кечга тортиб боради,
Бекларнинг кўнглига шундай келади:
“Окшом ётсак, бул бир бало қилади,
Бу қизлар битта-битта бўлади,
Иккиси шунда ҳам етмай қолади”.
Буларнинг кўнглига шундай келади,
Куннинг ўзи айни пешин бўлади,
Беклар чиқиб отдан хабар олади,
Дарвозани очиб шундай қаради,
Беклар билмас, кампир хабар беради,
Қалмоқшоҳ лашкари келиб қолади,
Карнай тортиб ўнгу сўлни олади,
Қалмоқшоҳи келди, дейди Сурхайил,
Бул меҳмон бекларга хабар беради.
Ўзи чиқиб бу лашкарни кўради,
Қалмоқлар лашкари яқин келади,
Бу кампирнинг ҳақиқати билади,
Беклар энасидай кўриб қолади.
- 7030 Икки ёққа кампир хабар беради,
“Билдирмаса, бизни босиб олади,
Ангниб қопти, хўп яхшилик қилади”,
Жуда ҳам кампирдан рози бўлади.
От-асбобин шайлаб беклар минади,
- 7040





- Зиёд нарса мазгил-жойда туради,
Дарвозадан энди чиқиб боради,
Дарвозадан чиқиб қайсар қаради.
Яқинлади қалмоқ лашкар,
Бу сўздайтиб ўзбак беклар.
- 7050 Учраса ёрнинг марди,
Кўзга дори пойи гарди,
Бизлар Қўнғиротнинг бекзоди,
Қирмаганлар номард бўлсин.
Мудом бўлса ёри қобил,
Ҳар маҳал ваъдадан тобил,
Майдонли кун пўлат добил
Туймаганлар номард бўлсин.
Йигит пири ҳазрат Довуд,
Оқ кировка, олтин совут
- 7060 Киймаганлар номард бўлсин.
Бу сўзни айтади Ҳакимхон,
Яқин келиб қолди душман,
Қалмоқ қилиб кўп пушаймон,
Саф-саф бўлиб ҳам бу замон,
Яқинлаб борди Ҳакимхон,
Бир ажойиб бўлсин майдон.
Сизлар ҳам Қўнғиротнинг хони,
Бугун уруш, хун майдони,
Чочилар нечовнинг қони,
- 7070 От қўйинг Бойсин султони.
От қўйинглар ҳар бир ёндин,
Юз қайтарманг бу майдондин,
От қўйинг душман устига.
Қулоқ сонг бекнинг тилига,
Олмосни олиб қўлига,
Қон тўкинг Чилбир чўлига.
Бу сўзни айтади шунқор,
Шердай бўлди мард йигитлар,
От қўйди, облоху акбар.
- 7080 Ҳар қайсиси эрдай бўлиб,
Ҳар яғрини қирдай бўлиб,
Тоғдакирган шердай бўлиб,
Душман қолар ердай бўлиб,
От қўйди қалмоқ устига,






- 7090 Ҳаммалари бирдай бўлиб,
Чувуллаб қалмоқ от қўйди,
Юлдуз учгандайин бўлиб,
Карвон кўчгандайин бўлиб,
Шундай аралашиб қолиб,
Чилбир чўлни тўзон олиб,
Чапараста уруш бўлиб,
Мардлар майдонда оҳ уриб,
Бир айдахордай ишқириб.
Одам тўлиб баланд-пастда,
Ботирга майдон ҳавас-да,
Одам десанг даста-даста,
Номардлар майдонда хаста,
От чопади аста-аста,
Урушмоққа бўлиб уста.
- 7100 Қилич солиб алвон-алвон,
Бандам деса кодир мавлон,
Шул сифатда бек Ҳакимхон
Қон тўкар майдон ичинда.
Гангиди кўрқокнинг боши,
Оқади кўзининг ёши,
От остида душман боши,
Шулдир бекларнинг савашини.
Аскар тоғин чалиб туман,
Бермай душманларга омон,
- 7110 Шул сифатда бек Ҳакимхон,
Бош кесар майдон ичинда.
Бир-бирига қилич солди,
Не қалмоқлар овиб қолди,
Жазосини товиб қолди,
Дўстаман бўп ерга тушиб,
Тоза қумни қовиб қолди.
Ғуруллаб қалмоқлар келар,
Пўлат найза, қилич солар,
Кўпайиб қолди ярадор.
- 7120 Эр йигитлар жондан кечиб,
Майдонда қонларни кечиб,
Кўрқоклари писиб қочиб,
Ботирлари баҳрин очиб,
Қочганин найзаман санчиб,



- Бир аломат уруш бўлди,
Чилбир чўлда қон тўкилди.
Мунда беклар уруш қилди,
Қалмоқларга хўп иш қилди,
7130 Бул майдонда туриш қилди,
Қалмоқлардан нечов ўлди.
Хийла билан келиб эди,
Бу бекларга дучор бўлди,
Шул вақтда келган қалмоқ
Ўз юртига қочиб берди.
Мунда турсак ўлармиз, деб,
Бир балога қолармиз, деб,
Жазомизни кўрармиз, деб,
Қочсак, омон қолармиз, деб.
7140 Қалмоқларнинг ақлин олди,
Бир хил ерда ўлик қолди,
Бир неча ярадор бўлди,
Бир нечалар қочиб кўрди.
Қалмоқларни тўплаб олди,
Етганига найза солди,
Қалмоққа сиёсат қилди,
Қувиб йўлга олиб борди.
Юртга қалмоқ қочиб кетди,
Энди беклар мундан қайтди,
7150 Кун ҳадди намозгар бўпти.
Бул мазгилга борайик, деб,
Бугун оқшом турайик, деб,
Қандай бўлса кун кеч бўлди,
Фароғатда бўлайик, деб,
Қалмоқшоҳ устига эртан
Чошка вақтда борайик, деб,
Бошқаватдан кўрайик, деб,
Қалмоқ юртин қирайик, деб,
Подшосин ўлдирайик, деб,
Қаттиқ кунни солайик, деб,
7160 Қайтиб келаётир беклар
Бугун бунда бўлайик, деб,
Энам билан турайик, деб,
Бугун суҳбат курайик, деб,
Хизматини кўрайик, деб.



Бу сўзларни айтиб, урушдан қайтиб, Сурхайил мастоннинг қошига келиб, отларни бойлаб ташлаб, қизлар билан беклар ўтириш бошлаб, бекларнинг вақтини хушлаб: “Бугун бунда турармиз, эртан тонг отган сўнг Қалмоқшоҳнинг устига борармиз”, – деб ўтириш-суҳбат бошлаб, олтин косаларни қизлар кўлига ушлаб, алёр тортиб, бекларга коса узатиб, қизларнинг айтаётган сўзи:


7170 Қўнғирот элдан келган хоним,
Бир фасл бўлди майдонинг,
Сизга қурбон менинг жоним,
Бул келган азиз меҳмоним,
Ҳеч бўлмасин пушаймонинг,
Яксон бўлғай-да душманинг,
Зарра қолмасин армонинг,
Шу бугун коса давронинг,
Олинг, аллаёр-аллаёр,
Хоним, аллаёр-аллаёр.

7180 Кийганим гулгун қирмизи,
Бизлар бу кампирнинг кизи,
Қўнғирот элнинг добилбози,
Бизлар қалмоқ сарвинози,
Бекка ёққай қизнинг сўзи,
Ақлингдолган жоду кўзи.
Бердим коса шароб солиб,
Маҳтал бўлсам кўлим толиб,
Қизлар бир-биридан ғолиб,
Уст-устига коса бериб,
Ўтиришдан кўнгил тўлиб,
Олинг, аллаёр-аллаёр.

7190 Ҳали ёш, бўлар камоли,
Бошида ловдан рўмоли,
Ойдаи ярқиллар жамоли,
Олиб ичар Қўнғирот хони,
Қизларман бўлиб даврони.
Хизмат қилар санам дилбар,
Бирдай ўтирибди беклар,
Машрика кўйлак, энги тор,
Ҳуснин кўрса, кетар ғубор,
Жамоли пари, хурча бор,
Қаддингдан айланай, беклар,



- Олинг, аллаёр-аллаёр.
7200 Тиши гавхар дурдай бўлиб,
Беҳиштдаги хурдай бўлиб,
Бари шундай коса берар,
Қиркин қизлар бирдай бўлиб,
Тўрда ўтириб ичаётир,
Эр йигитлар шердай бўлиб,
Берганин қайтармай олиб,
Бул бекларнинг кўнглин хушлаб,
Ўйин қилар зулфак ташлаб,
Нечовлари коса берар,
Ноз билан белини ушлаб.
7210 Бу бекларнинг йўли бўлар,
Жуда бекни иззат қилар,
Беҳуш дорилардан солиб,
Узмай қуйиб берар қизлар,
Кўринг энди сарвинозлар,
Бу қизлардан кўнгли тўлар,
Беклар кўнгли шодмон бўлар.
Бир-бирига йўқдир арзи,
Ёқади қизларнинг сўзи,
Аллаёр тортган овози.
7220 Бул ҳийладан хон беҳабар,
Узмай коса берар қизлар,
Бошида кампири айёр,
Бадани қизиган беклар,
Бир нечаси маст бўп ётар,
Бир хили қайтармай ютар,
Оқшом бўлди мисли сахар,
Узмай коса берар қизлар,
Маст бўп қолди қирқ бир сардор.
Унча-мунча қор қилмайди,
7230 Қизиган Ҳакимдай шунқор,
Қирқ қиз сузган шаробини
Кетин узмай бунга берар,
Ёлғиз ичаётир қайсар.
Билмайди Ҳаким бечора,
Қилсам деб айёр масхара,
Ичаётир шундай тўра.
Ҳийла билан ақлин олар,



7240 Қанча бўлса ортмай қолар,
Билмайди шундайин номдор,
Сулаб ётир қирк бир сардор,
Неча хум арокни ичиб,
Энди маст бўп қолди қайсар.

7250 Бу суҳбатни охир қилар,
Косаларни олиб қизлар,
Бул беклар қолди беҳабар,
Иш кўрсатиб бундай айёр,
Маст бўлиб қирк икки номдор,
Қалмоқшоҳга борди хабар,
Кўрингиз кампир жодугар,
Бу кулфатга қолди беклар.
Кераклисин йиғиб олиб,
Устига ўт қўйди айёр,
Бул оловнинг ёруғиман,
Қалмоқшоҳман келди лашкар,
Келиб кўрди-ку қалмоқлар,
Куйиб кетган қирк бир номдор.
Кампир ишни ўсал қипти,
Қирк бир одам ўлибди.

7260 Алпомишга асар қилмай,
Қолди бу оловда куймай.
Қалмоқ подшо кўрди келиб,
Қирк бири куйиб кул бўлиб,
Бек Алпомиш тирик қолиб,
Қалмоқ бари қилич солиб.
Алпомиш ётар бунда мас,
Ураётир, қилич, олмос,
Ҳеч бир исфиҳон қор қилмас,
Қилич қайтар, иложи бўлмас.

7270 Алпомиш масти беихтиёр,
Ўққа тутади қалмоқлар,
Ўқи ботмай бундан қайтар,
Бари саргардон қалмоқлар,
Сурхайилдан гина қилар:
– Сенинг ўзинг ёмон айёр.
Нега, бадбахт, олов қўйдинг,
Қирк бир одамин куйдирдинг?




- 7280 Қурғур айёр, янги кўрдинг,
Жуда бежо ишни қилдинг,
Тиғи олмос кор айламас,
Ўлмасини энди билдинг.
Маст бўп беш кун, ўн кун ётар,
Бир кун масти тарқаб кетар,
Бизнинг юртни яксон этар.
Бул одами ўлмаганда,
Саҳал ишман ўзи кетар,
Йиғлай бергин энди айёр,
Вайрон бўлди қалмоқ шаҳар,
Бизнинг юртда жонзод қўймай,
Ҳаммани ўлдириб кетар.
- 7290 Бу ишдан сен ҳам беҳабар,
Ҳийла қилмай, ўлгин, айёр,
Вайрон бўлар қалмоқ шаҳар,
Бир ўй топгин, қурғур айёр.

Қалмоқшоҳ Сурхайилга туриб айтди: – Алпомишни маст қилмадинг, бир балони маст қилиб бердинг, бу қирқ бир одамнинг куйгани касрига шаҳарда жонзод қолмай, тиғи дамдан ўтказиб кетади.

Алпомиш энадан туғилган вақтда Шохимардон пири борган эди, Шохимардон пири этагига солган эди, отини Ҳакимбек қўйиб, ўнг эйнига беш панжа урган эди, Шохимардон пирнинг тарбият қилганидан ўтга солса, куймас эди, қилич солса, ўтмас эди, милтиқ отган билан ўқи ботмас эди, ул сабабни қалмоқлар билмасдан, қандай балога дучор бўлиб қолдик, деб аланглашиб қолган эди.

Сурхайил мастон туриб айтди: – Сен подшосан, нима қилсанг, хукминг етади. Муна Мурод тепанинг қаватидан чуқур – зиндон қаздирсанг, олиб бориб зиндонга ташласанг, зах ерда беш кун, ўн кун, бир ой, бир йил ётар, чириб ўлиб кетар. Бу сўзи Қалмоқ юртининг ҳаммасига маъқул тушди. Энди чувуллаб бу сўзларни айтиб, зиндон қазияпти:

- 7300 Хазон бўлмай, боғда гуллар сўлмасин,
Масти тарқаб, яна туриб қолмасин,
Эрта бўнғлар, зиндон кечга қолмасин.
Ҳар на деб сўйласам, буни билинғлар,
Бир соат дам олмай хизмат қилинғлар,
Қирқ қулоч зиндонни қазиб бўлинғлар,
Катта-кичик – баринг урнаб кўринғлар.
Бул айтган сўзимни ҳазил билмагин,




- Турпок торт, каттаман деб караб турмагин,
Хеч қайсинг ҳам сипойилик қилмагин,
Катта, кичик демай, жовлик урнагин,
Масти тарқаб, баринг ўлиб қолмагин,
Хаёлингни ҳар тарафга бўлмагин,
Эътиқодман қазгин, тақал қилмагин,
Бекорига сира караб турмагин.
- 7310 Қалмоқшоҳнинг деганини билади,
Эътиқодман бари хизмат қилади,
Сипойилар турпок тортиб туради,
Бари аланглаб жуда хизмат қилади,
Хаёлида кеп қолгандай бўлади,
Одам узмай хабар олиб туради,
Ҳақимбекни зиндон қилмоқ бўлади,
Қирқ кулоч зиндонни қазиб кўради,
Чикқан турпок тепадай бўп қолади.
Қалмоқлар зиндонни тамом қилади,
Байдоқ-байдоқ қанча қалмоқ келади,
- 7320 Қалмоқшоҳ аскарлари билан туради,
Алпомиш қошига энди боради.
Кўзгамоққа ҳеч бир ҳолат келмади,
Кўп зўр уриб кўрди мунда қалмоқлар,
Куввати келмади ёзган аҳмоқлар,
Қандай бўлар, дейди энди қалмоқлар,
Шундай бўп қалмоқлар кўнглини бўлади,
Зўр урганман ҳеч қуввати келмади,
Қанча бўлса, хонни кўзгаб бўлмади.
Бешта-ўнта отдан олиб келади,
- 7330 Ҳайвонзодни оп кеп қўшиб туради.
Тортар деб қалмоқлар буни ўйлади,
Шатак қилиб шундай отга бойлади,
Ҳайвонларга аччиқ қамчи тайлади.
Зўр уриб кўрди-ку бу отлар,
Тортмоққа бўлмади бунда қувватлар,
Тортиб кўзгатолмай бул ҳайвонзодлар,
Ўйланишиб қолди қанча қалмоқлар.
Барча қалмоқ тараддудни қилади,
Ҳарчанд бул отларда ҳолат бўлмади.
- 7340 Қанча қалмоқ бул хавфсиниб туради:
“Масти кетса, одам қўймай қиради,



Килган ишин қичов қилиб кўради,
Эртароқ бўлса, деб ғайрат қилади,
Ҳозир ўлик, маст бўп ётган балоди[r],
Туриб келса, бундан ким қолади”.

- 7350 Минган оти Бойчиборни олиб кеп,
Бойчиборнинг қуйруғига бойлади,
Атрофида қалмоқ ёри айлади.
Қийғир деган қуш ўлтурар қиёда,
Ҳайвонзоднинг эси бордир Бойчибор,
Акли бордир одамзоддан зиёда.
Эгасининг ахволини кўради,
Кишнаганда кўз ёши сел бўлади,
Худонинг иродаси шундай бўлади,
Ёри бериб қалмоқ қамчи уради,
Ул ҳайвонзод энди тортиб жўнади,
Зиндон яқин, шундай бориб қолади.
Банда кўнар тангри қилган ишига,
Бориб турди бул зиндоннинг бошига.
- 7360 Кўриб ҳайвон безовита бўлади,
Кўп қалмоқ ўртага олиб туради.
Қилич оп зиндоннинг четида турди,
Зиндондан ирғи деб Чиборни урди.
Букилиб жонивор ўзини отди,
Жуппай бўлиб энди зиндондан ўтди,
Отнинг қуйруғига қилич солибди,
Қилич тортди, шундайин кесиб ўтди,
Кўзғалиб Алпомиш зиндонга кетди,
Мастликда зиндоннинг остига етди.
- 7370 Ҳали ўлик, ўзин билмай ётибди,
Ихтиёри бул ўзидан кетибди,
Алпомишни қалмоқлар зиндон қилибди.
Банди қилиб энди Чиборни олди,
“Бул Бойчибор бизга не ишлар қилди”,
Бўлак от подшолик хизматкор минди,
Банди қилиб Қалмоқшоҳга еткарди.
Қалмоқ бориб Бойчиборни кўради,
Ўртага олиб шундай банди қилади,
Тойчихон қўлига банди бўлади.
- 7380 Зиндон бўлган бекни ҳайвон билади,




- Ваҳм босиб, бўйнин ерга солади,
Ўту ем берганман сира емади,
Бойчиборга қалмоқ зулм қилади.
Тўксон ботмон чўян ғулни келтириб,
Бойчиборнинг бу бўйнига солади,
Олтмиш ботмон энди темирни йиғиб,
Оёғига бул парчинлаб уради.
Ётолмай, туролмаи хайвон қолади,
Энди қалмоқ кўзғалмасдай қилади.
- 7390 Шул азобни энди Чибор кўради,
Хайвонзод-да, нима қилса кўнади,
Кўнмаганда нима илож қилади,
Шул аҳволда банди бўлиб қолади,
Бойчиборни шундай бандга олади,
Банди бўлиб бу мастликда қолади,
Қоровуллар хабар олиб туради.
Қалмоқларнинг энди иши тинади,
Неча кунлар шул аҳволда бўлади.
- 7400 Бир кунлари бекнинг масти тарқади,
Шундай кўзин очиб энди қаради,
Ул ўзини бу зиндонда кўради.
“Тақдирим шул”, – деди, – ҳаққа жилади,
Ўтган ишни сира билмай қолади.

Ўз аҳволига бу сўзларни айтиб, зиндонда йиғлаб, бул ўтган ишларга пушаймон қилиб, ўзини зиндонда кўриб, Алпомиш бу сўзларни айтиб турибди:



- 7410 Ҳақ таоло мени қилди саргардон,
Кўзима кўринмас ер билан осмон,
Мазгилим бўлибди қоронғи зиндон,
Неча вақт мен эдим Кўнғиротда султон,
Сув билан оламини яратган раҳмон,
Энди мендан ўтиб кетди бу даврон.
- 7410 Чикмоғим гумондир менинг зиндондан,
Ғариб бўлиб тор зиндонда ўлдим ман.
Ҳеч ким келиб мендан хабар олмаса,
Ўли-тирим қариндошлар билмаса,
Ер остида қолганимни кўрмаса,
Кўнғирот элдан биров йўқлаб келмаса,

- Қалайсан деб мендан хабар олмаса,
Ахволимни ота-энам кўрмаса,
Ўли-тири эканимни билмаса,
7420 Учиб чиқай десам, қанот бўлмаса,
Чикмоққа тангирим йўлни бермаса,
Ғариб ўлдим, ҳеч ким мени билмаса.
Армон билан қалмоққа бўлдим гирифтор,
Бу қалмоқлар мени қилди хору зор,
Маст бўлибман, мен зиндонга сазовор,
Ахволимдан мамлакатим беҳабар.
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,
Калмагўй бандаман, бўлдим шарманда,
Армон билан ўлиб кетдим зиндонда,
7430 Билмай суҳбат қурдим шундай маконда.
Ҳаддан ошиб мен менманлик қилибман,
Бир бадбахт кашмирга дучор бўлибман,
Ҳар на деса айтганига кўнибман,
Униман бирга мазгилига келибман,
Айёрлигин билмай анда қолибман,
Ароқ-шароқ ичиб маст бўп қолибман.
Бу қурғурлар билганини қилгандир,
Беҳуш дорилардан менга бергандир,
Азаматлар қалмоқ кўлида ўлгандир,
7440 Менга ҳам кўп ташвишни қилгандир,
Ўлдиролмаи бари ҳайрон бўлгандир,
Ахир оп кеп бу зиндонга солгандир,
Мазгилим қоронғи зиндон бўлгандир,
Ахволимни қалмоқ забун қилгандир,
Шундай кип ўлдирди мендай султонди.
Ҳеч кимга келмайди менинг қувватим,
Беэга бўлгандир тожу давлатим,
Вайрон бўлди менинг ўсган элатим,
Балки илон, чаён бўлиб улфатим,
Заҳар-заққум бўлди еган овқатим,
7450 Шундай бўлди менинг тақдир-қисматим,
Зиёда бўп ошиб кетди меҳнатим,
Сўйлашмоққа йўқдир менинг улфатим,
Ахир шундай қилди қурган суҳбатим,
Бу зиндонда чириб кетар жасадим.
Мен ётибман ўз холимдан беҳабар,



Хору зор бўлганман, зиндонда ночор,
Қариндошлар бу йўлима интизор,
Бул ишни бошқарган ҳақ парвардигор.

7460 Бек Алпомиш тор зиндонда қолади,
Ҳар замон зиндончи хабар олади,
Ишқилиб қалмоқлар хурсанд бўлади,
Бу Сурхайил ишни ўрин қилади,
Энди қалмоқ бари тиниб қолади,
Ўлганини ҳамма эллар билади,
Ўлди дейди, юртга овоза бўлади.
Эмиш-эмиш Қўнғирот элга боради,
Ҳар ерда одамлар гап кип юради.
Рости-ўтиригин ҳеч ким билмади,
Кўрган одам йўқдир, сўраб бўлмади.

7470 Бир маломат овозаси боради,
Эшитганлар унда ҳайрон қолади,
Билмаймиз бул ишлар қандай бўлади.
Йўқ бўлмай, овоза бўлиб юради,
Бир-биридан қариндошлар сўради,
Сўраганман аниғини билмади.

7480 Бойбўрининг қулоғига тегади,
Ҳар кимдан югуриб-елиб сўради,
Билмаймиз деб элат жавоб беради,
Дарҳайрон бўп энди гангиб қолади,
Бойбичага сирин айтиб кўради.
Элу халққа шул овоза бўлади,
Уйқуси очилиб оқшом жилади,
Барчинойни билмасин деб туради,
Билмайман, бул ишлар қандай бўлади,
Ҳар оқшом иккови ўйлаб кўради,
Буларнинг ўлганини ким билади,
Ҳеч ким билмас, элга овоза бўлади.

7490 Шул гап элатнинг оғзида юрибди,
Бу сўзни бир куни Барчин билибди,
Қалдирғочга сирин айтиб турибди,
Хотинлардан Барчин сўраб кўрибди,
Сўраса, ўлгани аниқ бўлибди.



бермаган киши бўлиб, ҳаммаси ҳам ўз ҳолига йиғлаб, сўзларни айтиб турибди:

- Айрилиқ ўтига бағримни доғлаб,
Боролмайман мен тўрамни сўроғлаб,
Фироқида қолдим бунда қон йиғлаб.
Ўлди, деб овоза бунда келганди[r],
Отамни излаб Кашал элга борганди,
Анигин билмадим кетган султонди.
Одамлар гапириб элда юрганди,
7500 Маломат гап элда овоза бўлганди,
Авбаҳолам менинг тўрам ўлганди[r],
Элу халққа шуйтиб гап бўп юрганди[r],
Билмайман аҳволи қандай бўлганди[r].
Мен йиғлайман, тўрам дейман муғойиб,
Ҳозирги кетиши тириклай ғойиб,
Кеча-қундуз мен йиғлайман сарғайиб,
Бунинг молу мулки ҳозир бесойиб;
Ота-энаси қолди бунда ох уриб,
Боролмаса ҳеч ким бекни ахтариб,
7510 Тўрам ўлиб унда қолгандир ғариб,
Кимга айтиб йиғлай дардимни ёриб,
Бек Алпомиш ўлди, ҳаммаси ғариб.
Узоқ юрт-да, етолмаса йўл юриб,
Ким бориб келади анигин билиб,
Парво қилмай бир неча ўйнаб-кулиб,
Бизлар қолдик ғам лойига булғаниб.
Бир нечалар шоду хуррам бўлгандир,
Бир нечага навбат яқин келгандир,
Ўлганин анигин қуллар билгандир,
7520 Ул сабабдан кўтарилиб юргандир,
Кашал бориб шундай полвон ўлгандир,
Мулки қўлдан кетайин деб қолгандир.

Анигини билмай, бу сўзларни айтиб ўтди, неча ой, неча вақт орадан ўтиб кетди. Булар Кашал бориб, ўлиб кетган деб юртга неча мартадан овоза бўлиб кетди. Энди ўлганини аниқ билиб, умидини узиб, кўнглини бузиб, қора кийиб, буларнинг қариндошлари аза тутиб қолди. Аза билан бир йил ўтди, бир йилдан кейин йил оши бериб, азасини очди.

Бойбўрининг Бодом чўридан бўлган Ултонтоз деган ўғли бор эди. Алпомиш бор вақтида чўридан бўлган бола деб ҳеч ким писанд қилиб



гапирмас эди. Хизматкор куллар қаторинда юрар эди. Бир озғинтой йилки бокканига катталиқ қилиб ҳам турар эди. Қарамаса ҳам, Бойбўрининг ўғли-да, деб хизматкорлар хурмат қилар эди.

Кашал бориб Алпомиш ўлиб кетди. Эндиги навбат Ултонтозга етди. Алпомишнинг бор вақтидаги амалдорни Ултонтоз хизматга солибди, Қоражонни кўриб: “Бундай бесўнақай, катта одам элда юрса, одамларни оёқ ости қилиб босиб кетади”, – деб Қоражонни қишлоқдан чиқариб, элга қўштирамай, Олатоғ деган тоғдан жой бериб қўйди. Қоражон ҳам тақдирига тан бериб, Олатоғда юра берди. Бектемир бойбачча Алпомиш билан, қирк йигит билан бирга бориб, у юртда ўлиб кетди, энди ҳамма Ултонтозга тобе бўлибди. Қалдирғоч ойим ҳам Ултонтознинг кўлида қолиб кетди. Қалдирғоч ойимни Ултонтоз Бобир кўлига буюриб, туя боқтириб қўя берди. “Энди Барчин ҳам фақирнинг тани-да, икки бошдан бизга тегади”, – деб юрибди.

Алпомиш банди кетганига неча вақт ўтган, ҳамманинг ҳам кўнглидан чиқиб кетган. Бор деган билан ҳам ҳеч ким ишонмайди. Алпомиш банди кетган вақтда Барчиннинг бўйида ҳомила гумон қолган, бул пайдо бўлган, Алпомишнинг жойини тутар, деб отини Ёдгор қўйди.

Шундай замон бўлиб неча вақт ўтди. Барчин ўғлини олдига олиб ўтириб, бу сўзларни айтиб, ўзига тасалли бериб ўтирибди:


Ўлмаса Ёдигор болам эр етар,
Омон-эсон болам ўлмай эр етса,
Бойбўрининг юрагидан чер кетар,
Отасин ўрнини Ёдгоржон тутар.
Ота юртин Ёдгор кўзим тебратар,
Ғаним бўлган душманларни бўзлатар,
Отаси эр эди, эрдай бўп ўтар,
7530 Отасининг юртин шундай бўп тутар.
Шунда кетар менинг кўнглимдан ғубор,
Ҳозирги каттамит чўриман куллар,
Ҳозир бенавбатга тегди ихтиёр,
Не гўзаллар мамлакатда хору зор,
Кулдан жабр кўрди элда катталар,
Давлат шунда, ҳар не деса ихтиёр,
Не қилмокка бу бадбахтнинг ҳадди бор,
Кул ҳам бўлса қурғур ёмон муҳрдор,
Ҳеч бир одам бўлолмайди баробар.
7540 Ойимларни қилиб қўйди хизматкор,
Бобир кўлда ой Қалдирғоч муштипар,

Туя боқиб юргандир-да хору зор.
Эсимга олсам, кўзда ёшим сел бўлар,
Ғариб бўлиб қолди шундайин ночор,
Ҳали ёшлиқ қилар сағир Ёдигор.
Ёдгор болам камолига киради,
Душман қулни кўрса додин беради,
Энасининг кўнглидагин билади,
Ғаним бўлган душман бунда ўлади.
7550 Барчин шундай бўлиб кўнглин кўтариб,
Ўз кўнглига хўп тасалли беради,
Худо қилган ишга банда кўнади,
Гоҳ йиғлайди, гоҳи ойим кулади.

Ёдгор ҳам йўл юргандай бўп қолади,
Бобир кўлдан ой Қалдирғоч келади,
Ёдигорни келиб энди кўради.
Неча марта Ёдигордан айланиб:
– Ғариб бўп эзилди менинг юрагим,
Акамнинг ўрнига қолган, чироғим,
7560 Бу сўздайтиб ой Қалдирғоч туради,
Ёдигорни бағрига босиб суяди,
Ой Қалдирғоч анча хурсанд бўлади,
Қалдирғочой туяга олиб жўнади.
Гоҳ кўтариб, гоҳи чўлда юргизиб,
Бобир кўлга қараб кетиб боради,
Худо дейди, яратганга жилади,
Талабини бир облодан тилади,
Бек Алпомиш келгандай бўп қолади,
Ёдигорни бул тасалли қилади,
7570 Бобир кўлда туя боқиб юради,
Ёдигор иккови бирга бўлади.
Ҳар замонда гапиртириб кўради,
Тили янги чикқан, Ёдгор болади[r],
Сўйлатиб кўрганда хурсанд бўлади.

Шуйтиб булар бунда юра берди. Неча вақт, неча замон орада ўтди.
Алпомиш зиндонда ётибди. Қараса, зиндоннинг бошида бир ғоз қанотини
ёзиб айланиб турибди. Ғозни кўриб, Алпомиш бу сўзни айтиб турибди:

Э, жонивор, Кўнғирот элдан келдингми,
Ҳумоюндай менга соя солдингми,




- 7580 Тор зиндонда мендан хабар олдингми,
Кариндошдан элчи бўлиб келдингми?
Зиндонда гангиган бу бекнинг боши,
Оҳ тортсам тўкилар кўзимнинг ёши,
Илоҳим курисин подшолар иши,
Кажга айланган шум фалакнинг гардиши,
Зиндонни айналган ғойибнинг куши,
Сўроғимни билмас менинг ҳеч киши.
Ғариб бўлиб қолдим бунда зиндонда,
Азоб кўрар ширин жоним бу танда,
Илгари юриб эдим қанча давронда.
Мендай мардни бу зиндонда кўрасан,
Зиндонни айланиб парвоз қиласан,
- 7590 Мен билмасам қайси элдан келасан,
Нега сен айландинг, ўзинг биласан.
Мендан ўтиб кетди ул неча даврон,
Мен қиларман ўтган ишга пушаймон.
Пушаймон қилганман ҳеч наф қилмайман,
Кутулмадим Юсуф каби зиндондан.
Зиндонни айланиб парвоз қиласан,
Соғмисан сен ё, шикаста балосан.
Неча сўзни шункор ғоздан сўради,
Сўз айтмакка ғознинг тили бўлмади.
- 7600 Давлатли хон энди шундай қаради,
Ёлғиз ғозни бул яқинда кўради,
Айланиб зиндонга яқин келади.
Муни кўриб Ҳақим кўнглин хушлади,
Ўзин келиб ғоз зиндонга ташлади.



Шунда ғозни ушлаб кўрди. Ғознинг бир оёғи синган, бир каноти майиб бўлган, ўқ тегиб, ҳолати кетиб, шу ерга йиқилган. Ҳақимбек туриб айтди: “Ўз элимда, Бобир кўлинда юрган вақтларимда шу ғоз менга йўликса, бутун йўлиқар эди. Ҳозир зиндонда ярим одамман-да, бу ғоз менга ярим йўлиқди”.

Неча кунлар ғоз билан суҳбат қуриб ётди, ғознинг яралари битди. Парвоз килиб, кўтарилиб учадиган бўлди. Ҳақимбек: – Элу халқимга менинг ўлик-тирик хабаримни сен етказсанг, – деб хат килиб, ғоз канотининг шопарига мухтасар килиб, ғозга қараб, бир сўзни тайинлаб турган экан:



- Белимга бойлаган заррин пўтам бор,
Худойим кечиргай қилган хатом бор,
Кўнғирот элда Бойбўридай отам бор,
Албатта отама арзамни еткар.
- 7610 Мен йиғлайман, юрагимда алам бор,
Вайрон бўлган элда кулбахонам бор,
Кўнғирот элда оқ сут берган энам бор,
Албатта энама арзамни еткар.
Мен эдим неча вақт элда добулбоз,
Тул бўп қолди Барчинойдай сарвиноз,
Арзамни ёрима етказ, ёлғиз ғоз.
Оҳ урганда кўздан оқар селоб ёш,
Золим билан ҳаргиз бўлманглар йўлдош,
Бир синглим бор, менинг билан эмикдош,
Бобир кўлда хала дейди, йиғлайди,
- 7620 Синглимга арзамни еткар, ёлғиз ғоз.
Сенга айтган неча алвон тилим бор,
Хафа фалак бошга солган зулм бор,
Қайда борсам бир бошимга ўлим бор,
Хазон бўлиб, тар очилган гулим бор,
Пайдо бўлган сағир, Ёдгор улим бор,
Албатта ўғлимга арзамни еткар.
Ғам билан сарғайди гулдайн дийдор,
Бир нечалар ўз ҳолидан беҳабар,
Олатоғда алп Қоражон дўстим бор,
- 7630 Албатта дўстимга арзамни еткар.
Қайтайин эзилди бағрим чегаси,
Кўтаролмай синди бошим жиғаси,
Авбаҳолам Ултон юртнинг эгаси,
Албатта инимга арзамни еткар.
Қулоқ сол, жонивор, айтган нолишима,
Хафа фалак захар кўшган ошима,
Кўнғирот элда қовму қариндошима,
Арзамни еткаргин денгу душима.
Бу сўзларни айтар мендайн шункор,
- 7640 Эсиз умрим бу зиндонда хору зор,
Кундуз ётиб, оқшом учгин, жонивор,
Саломат арзамни Бойсинга еткар.
Яна йўлда сени лочин кўрмасин,
Лочин кўриб боз чангига олмасин,






- Юришингни олғир кушлар кўрмасин,
Оқшом юргин, сени лочин билмасин,
Бекнинг арза хати зое бўлмасин,
Эҳтиёт бўл, туйғун кушлар кўрмасин,
Хизмат қил, арзамни Бойсинга еткар.
- 7650 Бу сўзларни ғозга тайин қилади,
Бекнинг сўзин бу ёлғиз ғоз билади,
Бу жонивор туриб парвоз қилади,
Алпомишнинг арзачиси жўнади.
Бек Алпомиш қолди бунда зиндонда,
Бу ёлғиз ғоз кўтарилди осмонга.
Тор зиндонда қолиб дуо қилади,
Алпомиш ҳурмати шундай бўлади,
Бекнинг арзасини олиб боради,
Кўнғирот юргин кўзлаб учиб жўнади,
- 7660 Кундуз ётса, оқшомига йўл тортди,
Оқшом ётса, кундуз қичади кетди,
Неча қорли тоғлардан ўтди,
Ўн тўрт кеча-кундуз бунда ғоз учиб,
Шакаман тоғига яқинлаб етди.
Қичов қилиб ғоз қаноти толибди,
Қараб тоғда ўнгу сўлни кўрибди,
Бу ёлғиз ғоз эҳтиётин қилибди,
Шакаман тоғига чарчаб кўнибди,
Энди кўниб, бу ғанқиллаб турибди.

Бу ғозни бир кампирнинг ўғли отган эди, йиқилмай ярадор бўлиб кетган эди, йиқилмай кетганига алам қилиб, неча йилдан бери ўласи бўлиб ётган эди. Бу тоғни Шакаман тоғи дер эди. Одамнинг ҳаммаси егани кушнинг гўшти эди. Мерганчиликни кўп орият билар эди. Ҳеч қайсисининг отгани хато кетмас эди, ҳеч бир қушга омон бермас эди. Мерганликка шундай кўшиш қилган халқ эди. Бир шу ғозгина кампирнинг ўғлидан йиқилмай кетган эди. Алам қилганидан касал бўлиб ётган эди. Ғознинг ғанқиллаган довуши кампирнинг ўғлининг қулоғига бориб, дарди бўшалиб, бошини кўтариб, энасига қараб, бир сўз деб турган экан:


- 7670 Бу ўлкадан ўтмагай-да нишоним,
Кўп бўлар кўнглимда ҳам пушаймоним,
Шакаман тоғига келди душманам,
Эна, ўқлаб бергин ўку ёйимни.



- 
- Шакаман тоғига борайин якка,
Оқсоқ ғознинг гүшти дори чичкокка.
Жон боринда бир ҳаракат қилайин,
Шакаман тоғига ёлғиз борайин,
Ёлғиз ғозни мен ҳам уриб келайин,
Эна, ўклуб бергин ўку ёйимни.
- 7680 Бу душмандан кўп азобни кўраман,
Ҳаялласам, мен билмай қоламан,
Ғоздан курук қолсам, тайин ўламан,
Энди борсам, буни отиб келаман.
Ҳаяллама, тоққа ёлғиз борайин,
Ёлғиз ғозни кўлга берсин худоим,
Мен ҳам бориб нобуд қилиб келайин,
Эна, ўклуб бергин ўку ёйимни.
- 7690 Хафа қилма, эна, мендай улингди,
Бу ёлғиз ғоз сўлдирганди гулимди,
Ҳаяллама, жоним эна, тур энди,
Эна, олиб келгин ўку ёйимди.
- 7700 Ҳаялласанг, ғоз парвоз қилмасин,
Бу душмандан ўғлинг курук қолмасин,
Бу ғам билан мендай ўғлинг ўлмасин,
Тақал қилма, бу ғоз жўнаб қолмасин,
Борай писиб ўсал-шумни билмасин,
Қандай бўлса боришимни кўрмасин,
Энди бу ғоз сира омон қолмасин,
Эрта кунин кечга тортиб юрмасин,
Эна, ўклуб келгин ўку ёйимни.

Бу сўзни ўғлидан эшитиб, кампир ҳам бир сўз айтиб турган экан:

- Подшоларнинг қатнаб юрар элчиси,
Элчиларнинг бўлар экан тилчиси,
Бу ёлғиз ғоз Алпомиш арзачиси,
Қўйгин, болам, арзачига ўлим йўк,
То ўлганча тирик кулга тиним йўк.
Банди бўлган бекни ҳурмат қилади,
Шундай бекни бул ғоз ҳурмат қилади,
Бобир кўлга хат кўтариб боради.
Фалак уриб сенинг гулинг сўлмасин,
7710 Бекнинг арзачиси бунда ўлмасин,
Бекнинг арза хати зое бўлмасин,



7720 Кўйгин, болам, арзачини ўлдирма,
Жоним кўзим, билмаганим билдирма,
Дўст йиғлатиб, душманганимни кулдирма,
Қалдирғочга хат кўтариб боради,
Қандай бўлса ёлғиз ғозни ўлдирма.
Мусулмонсан, бундай ишни қилмагин,
Бекнинг элчисига душман бўлмагин,
Хат кўтарган ғозни, болам, урмагин,
Бекорига билмай аҳмоқ бўлмагин.
Учар қуш парвоз қип бундан борганди,
Тор зиндонга бориб бекни кўрганди,
Қариндошин ул арзага солганди,
Неча сўз арзага тайин қилганди,
Қанотлари толиб бунда кўнганди[р],
Буни отиб, ишинг қандай бўлганди,
Бу сўздайтиб ўғлин йўлдан урганди[р],
Неча сўз тусмолдан айтиб берганди[р].
7730 Кўп яшагин, жоним болам, ўлмагин,
Бу райингдан қайтгин, нобуд қилмагин,
Арзачини, болам, отиб келмагин,
Бу ишингни, кўзим, яхши билмагин,
Ғоз гўшига, болам, интиқ бўлмагин.
Бу сўзни кўнглингга оғир олмагин,
Яхшилиқ қил, ёмонликни қилмагин,
Кўйгин, кўзим, ёлғиз ғозга бормагин.

Бу сўзни эшитиб, кампирга қараб, ўғли бир сўз деб турган экан:




7740 Мендайин ўғлингнинг кўнглин бўласан,
Ёлғиз ғознинг тарафини оласан,
Мундай бўлсанг, сен имонсиз ўласан.
Ох урганда кўздан оққан ёшингми,
Ўтиришда сенинг кўнгил хушингми,
Шу ёлғиз ғоз, ё эна, ўйнашингми?
Ҳадик бериб мендайин фарзандинга,
Мени солиб айрилиқнинг ўтига,
Ёлғиз ғознинг тарафини оласан,
Эшаклар ҳанграшиб
Бу сўздайтиб кўп аччиғи келади,
Кампир ўғли бу ўрнидан туради,

- 7750 Парли ёй ўқини қўлга олади,
Ғозга қараб кампир ўғли жўнади,
Пасқамман паналаб кетиб боради.
“Жуда шум ғоз, бул ҳам мени билмасин,
Бораётганимни сира кўрмасин,
Ангда қолсин, урай, омон бўлмасин”.
Бу сўзни ўйлаб ғозга яқин боради,
Дардли кул дардини кимга ёради,
Айрилиқ ўтига бағри поради[р],
Кўлидан келганча писиб боради,
Хар замонда шундай ангниб каради,
7760 Ғозни жуда қулайга олиб боради,
Қандай бўлса хўп ангниб кўради,
Энкайиб, қиялаб кетиб боради,
Шу замонда яқин бориб қолади.
Душман келганини бу ғоз билмади,
Чарчаб эди, сира парво қилмади,
Писиб ётир, ҳеч одамни кўрмади.

Ўғлининг борганини кўриб, кампир ғозга қараб, бу сўзни айтиб турган экан:

- 7770 Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ер остида душман тани чирисин,
Ғанқилламай сенинг довшинг курисин.
Ҳаяллама, кўтарилган осмонга,
Кўзинг тушмади-ку келган душманга.
Англамайсан, сени отиб кетади,
Олиб бориб гўштинг шишга тортади,
Писиб борди, дарров сени отади,
7780 Энди уриб нобуд қилиб кетади,
Ҳаяллама, кўтарилгин осмонга!
Даминг олиб бунча бунда турасан,
Тура берсанг, армон билан ўласан,
Арза хати қарз бўп қолган бўйнинга,
7780 Маҳшар куни нима жавоб берасан,
Бекорига жавобгар бўп юрасан.
Нима бўлса сен ҳам ангда қолмагин,
Кўтарилгин, кўп ҳаяллаб турмагин,
Мендай кампир шўрни хафа қилмагин.




Алпомиш деб бор эди эътиқодим,
Қайтардим, кўнмади менинг фарзандим,
Сени отса, бунда қолмас тоқатим,
Сенга душман бўлиб келди фарзандим,
Шулдир сенга менинг айтган бул пандим.

- 7790 Бу сўзларни мунглиқ кампир айтади,
Кампир ўғли кулайголиб етади,
Шиқирлатиб ёйни шундай тортади,
Ёйнинг ўқи яшиндай бўп кетади,
Шу замонда ғозга яқин етади.
Ғоз фалакка кўтарилиб кетади,
Бу ёйнинг ўқидан омон ўтади,
Мунинг дарди ёмон бўлиб етади,
Кампир буни кўриб энди қайтади,
Ғоз фалакка парвоз қилиб кетади.
- 7800 Кампир ўғли дардман бўлгандир ночор,
Ушбу ғозни отолмади муқаррар,
Дардманд бўлиб бунда қолди интизор,
Ғоз ҳам бўлди булут билан баробар,
Кўзлаб учар Кўнғирот элни жонивор.
Баланд парвоз қилиб кўкда боради,
Неча олғир қушдан ҳадик олади,
Назар солиб ҳар тарафга қаради,
Бул паридан терлар оқиб боради,
У ҳавода қичаб парвоз қилади,
- 7810 Кўнғирот элга етсам деди, қаради.
Бораётир неча тоғлардан ошиб,
Энди етди Кўнғирот элга ёнашиб.
Шундайин айланиб ерга қаради,
Ярқиллаган Бобир кўлни кўради,
Туянинг ичига келиб кўнади.

Бул ғоз Қалдирғочнинг туя боқиб юрган ерида, туяларнинг ичига ташлади, донлаб турди, Қалдирғоч ойим бундан беҳабар, Ёдгорни эргаштириб, туяни қайтариб, ўз шаънига бу сўзларни айтиб юриб эди:

Аввали айлади бизларни хандон,
Охирида бундай бўлдик саргардон,
Отингдан айланай, қудратли раҳмон,

- 7820 Сен отангдан, мен оғамдан айрилиб,
Икковимиз чўлда ғариб, Ёдгоржон.
Армон қилиб мендай мунглиқ жилади,
Кўнғирот элнинг шоҳ чинори кулади.
Бизнинг аҳволимиз кимлар сўради,
Икки ғариб чўлда юриб жилади.
Бундай кунда эзилади юрагим,
Акамнинг ўрнига қолган чироғим.
Икковимиз чўлларда ғариб, Ёдгоржон,
Худо қилди, бўлдиқ шундайин сарсон.
Кумушдандир қарчиғайнинг чегаси,
- 7830 Олтиндандир кировканинг ёқаси,
Сенинг отанг бўлса юртнинг эгаси,
Сен бўлардинг-ку элнинг тўраси,
Вайрон бўлди бунда кулбахонаси,
Ғариб бўлиб бунда юрган боласи.
Кетмади бошимдан қоронғи туман,
Бизларга бермади шум фалак омон,
Икковимиз чўлларда ғариб, Ёдгоржон.
Икковимиз бирдай бўлиб муғойиб,
Акам бўлган бу элдан тирик ғойиб,
- 7840 Ҳар замон йўқлайман чочимни ёйиб,
Икковимиз чўлларда ғариб, сарғайиб.
Бу чўлларда ҳеч ким холим сўрмаса,
Кўнғирот элда ҳеч ким раҳбар бўлмаса,
Бир мусулмон биздан хабар олмаса,
Биздай ғарибларнинг кўнглин билмаса,
Биз йиғлаймиз ҳеч бир илож бўлмаса.
Йиғлаганман нима илож бўлади,
Муштипар кўлимдан нима келади,
Ёдгоржон сағир-да, қандай қилади,
- 7850 Икки ғариб йиғлаб сарсон бўлади,
Шундай бўлиб чўлда кунни кўради.
Илойим чиқсин деб чўлнинг чияси,
Ёмон бўлар баланд йўлнинг қияси,
Олдида бор эди қирқ минг туяси,
Бузилгандир бунда марднинг уяси,
Сағир Ёдгор шундай марднинг боласи,
Ияртиб юргани шўрнинг аммаси.
Бир-бирига булар раҳбар бўлади,
Биров-бировининг холин сўради.



7860 Гоҳ кунларда чўлда бўзлаб жилади,
Гоҳ вақтида Ёдгор кўнглин кўтариб,
Туяни қайтариб мунглиқ келади.

Туяни қайтариб, Қалдирғоч ойим ғознинг устига келиб қолди. Ғоз фалакка кўтарилиб учди. Худонинг қудрати, бекнинг битган хати узилиб ерга тушди. Ўқиб кўрса, неча марта ўлди, деб хабарини эшитган Ҳаким оғасининг хати. Хатида шундай айтибди: “Кашал юртида, зиндонда, ёлғизликда, хабар оладиган кишим бўлмади” деган хат. Буни кўриб, Қалдирғоч ойим бир сўз айтиб турган экан:

7870 Азоб кўрди ширин жоним бу танда,
Калмағўй бандаман, бўлмай шарманда,
Тирик экан меҳрибоним зиндонда,
Ўлган йўқ экан-ку, акам омонда.
Ёлғизлик гапини хатга солибди,
Орқаварот Ёдгорни ҳам билибди,
Хабар олиб бунда бир ғоз келибди,
Ёлғизлиги оша аксар қилибди,
Элу халқдан унда умид қилибди,
Ҳаммамизни йўқлаб хатга солибди,
Акамнинг борлиги маълум бўлибди,
Ёдгорга билдириб йиғлаб турибди,
Айтган сўзин кўп тўтиё қилибди,
Бирга борган бойбаччалар ўлибди,
Зиндон ичида акам буни билибди,
Ёлғиз ўзи кўп азобни кўрибди,
Ўлган эмас, акам омон турибди.
7880 Зиндон бўлганини энди билади,
Билмайман узоққа кимлар боради,
Мен аёлман, боролмайман у юртга,
Ўйласам, Ёдгоржон ёшлиқ қилади.
Биров шердай бўлиб хабар олмаса,
Ўзиман туғишган ака бўлмаса,
Бу иш ҳар кимнинг қўлидан келмаса.
Бу сўздайтиб кўп ўйланиб туради,
Шу отангнинг битган арза хати, деб
Ул замон Ёдгорга ҳам билдиради.




Ёдгорга билдириб, туянинг қошига Ёдгорни қўйиб, ўйлаб кўрди: “Бу олти ойчилик йўлда бўлса, калмоқнинг элида бўлса, зўр ёвнинг қўлида

бўлса, унча-мунча одам излаб боролмаса, дўст деган худонинг оти, агар Қоражон излаб бормаса, унча-мунча одам излаб боролмайди”, – деб Олатокқа, Қоражонни кига қараб юрди. Йўлда бу сўзни айтиб бораётир:

- 7890 Ёдгор шунда тургин, хафа бўлмагин,
Мен келганча сен ҳам йиғлаб қолмагин.
Отангинг Қоражон деган дўсти бор,
Мен бориб берайин унга ҳам хабар,
Юришим билмасин бу бадбахт куллар,
Мен келганча, жоним болам, тура бор.
Қоражон ҳам хафа бўлиб юргандир,
Дўстининг ўтида ғамгин бўлгандир,
Бу куллардан ул ҳам азоб кўргандир.
Қоражонни бориб хурсанд қилайин,
7900 Ҳар гап бўлса мен ҳам бориб келайин.
Бу сўздайтиб ой Қалдирғоч жўнади,
Олатокқа қичаб кетиб боради,
Ҳар тарафга аланглашиб қаради.
“Бораётганимни куллар кўрмасин,
Кўриб Ултонтозга хабар бермасин,
Юришимни дўсту душман билмасин”.
Бу сўздайтиб борар шундай муштипар,
“Юрганимни кўрса куллар ўлдиарар,
7910 Ҳар гап бўлса, бадбахтларда ихтиёр,
Бўлолмасам улар билан баробар,
Кўринмай паналаб юрмагим даркор”.
Ой Қалдирғоч шундай кетиб боради,
Қоражон мазгилин қайдан билади,
Сўрагани ҳар кимдан ҳазар қилади,
Ҳеч кимга ёнашмай ўтиб боради.
Бобир қўлнинг усти Олатоғ эди,
Олатокқа энди етиб боради.
Қоражоннинг мазгилини кўради,
Шу ерга кеп ой Қалдирғоч туради.

Шунда маконидан чиқиб, Қоражон Қалдирғочни кўриб, бир сўз айтиб турган экан:

- 7920 Ҳазон бўлмай боғда гуллар сўлмасин,
Обло менинг ақли-хушим олмасин,
Келганингни бадбахт куллар билмасин.




- Агар билса, билмаганинг билдирар,
Дўст йиғлатиб, душманингни кулдирар,
Бадбахт куллар билса, сени ўлдирар,
Не сабабдан бунда келдинг, муштипар?!
Дод айласанг, эшитмайди сўзингни,
Зулм билан ўяр икки кўзингни,
Билса куллар ўлдиради ўзингни.
- 7930 Агар кўрса сени ҳайдаб кетади,
Баданингга аччиқ қамчи чотади,
Бошинг кесиб сени дорга тортади,
Суякларинг пора-пора этади,
Сендай мунглик бу дунёдан ўтади,
Не сабабдан бунда келдинг, муштипар?!
Сўз эшитгин менинг айтган тилимдан,
Ҳазар этмай ҳаққдан келган ўлимдан,
Кўркмайсанми куллар қилган зулмдан?
Мен сўйласам, кўзингга ёш оласан,
- 7940 Куллар ўлдиради, нега келасан?
Лодон кўнглинг ҳар хаёлга бўласан,
Мунгликсан-да, бир лодонлик қиласан,
Меникига сен нимага келасан,
Куллар кўрағойса, тайин ўласан.
Шум фалак бошингга савдо солмаса,
Айриб олмоққа аканг бўлмаса,
Қоражон мусофир, иложин қилмаса,
Келганингни шу бадбахтлар билмаса,
Эмикдошинг бек Алпомиш бўлмаса.
- 7950 Шу вақтинда бул Ултонтоз зўрабор,
Унинг билан ҳеч ким бўлмас баробар,
Ултонтозни билсанг, бунда мухрдор,
Ултонтоз бўлмаса у сенга рахбар.
Катта-кичик шунинг гапин гапирар.
Шуйтиб душман куллар сени ўлдирар,
Бу мазгилга бекор кепсан, муштипар.
Қоражон дер, эшит сўйлар тилимдан,
Мусофирман, ҳеч иш келмас кўлимдан,
Сен айрилма ўйнаб-ўсган элингдан,
- 7960 Ҳали ҳам қолмагин келган йўлингдан.
Мени сен ўзингга ҳамдам билгансан,
Қадимгидай акам деб ҳам келгансан,



Мунглик синглим, меҳрибонлик қилгансан,
Акамни кўрсам деб бунда келгансан,
Келганингни бадбахт куллар билмасин.

Бу сўзни Қоражондан эшитиб, кўнгли бузилиб, Қалдирғоч ойим
Қоражонга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

- 7970 Жафоларга тушиб энди танда жон,
Бу ғариблик суяк-бағрим ўртаган,
Ғамли кулга эгам бўлгай меҳрибон,
Сўзимни эшитгин, ака, Қоражон.
Ғарибликда менинг сўлган тарзим бор,
Жоним ака, сенга айтар арзим бор.
Бир ғозда келибди бунда арза хат,
Йиғлайман, қолмади ҳеч менда тоқат,
Тирик экан Кашал элда валламат,
Зиндонда ётгандир соғу саломат,
Юборибди сени йўқлаб арза хат.
7980 Ғозни элчи кипти, бунда борсин, деб,
Олатоғда қолган дўстим кўрсин, деб,
Бу хатларни тоза ўқиб билсин, деб,
Кўлидан келганча хизмат қилсин, деб.
Азоб тортиб ширин жони бу танда,
Эмикдошим тирик экан зиндонда,
Келса, душман бўлар эди шарманда.
Душманларга солар охират замон,
Сўз айтайин, ака, сизга бир алвон,
Дўст деган худонинг оти, Қоражон,
Бек оғангни излаб борсанг, меҳрибон,
Сен чиқариб олиб келсанг зиндондан,
Душман бўлиб қолса ер билан яксон.
7990 Шу хизматни бажо қилсанг, Қоражон,
Сен ҳам менинг акамсан-ку, меҳрибон.
Бу иш душвор, бизга қийин бўлмасин,
Сен эсонда менинг акам қолмасин,
Борганингни бул Ултонтоз билмасин,
Дўст деган худонинг оти, бек оғам.
Бораман деб бундан талаб қилсанг-чи,
Мендайин мунглиқнинг кўнглин олсанг-чи,
Жоним ака, яхши хизмат қилсанг-чи,
Кашал элга сен ҳам бориб келсанг-чи.



- 8000 Сендан бошка одам бориб бўлмайди,
Балки борган зиндонини кўрмайди,
Бундан борса унинг ўзи билмайди,
Билгандан сўраса, омон келмайди,
Ҳар ким бориб ишни ўрин қилмайди,
Меҳрибоним, сен бормасанг бўлмайди.
Эгам гангитганди менинг бошимни,
Қандай бўлса олиб кел эмикдошимни.
Ўз йўлингда юрган элда тўрасан,
Шу хизматни, ака, бажо қиласан,
- 8010 Ҳар гап бўлса, яратгандан кўрасан,
Нима бўлса Кашал элга борасан.
То ўлганча яратганга рост бўлдинг,
Шул вақтида чўпу хасдан паст бўлдинг,
Худони ўртага солдинг, дўст бўлдинг.

Бу сўзни эшитиб: – Ҳа, бундай хат келган бўлса, менга бериб кета бер, келганингни ҳеч бир қуллар билмасин, – деб қайтариб юборди.

Хатни Қоражон олиб қолди, Қоражон авом, хатда нима деган гапни билмайди. “Шу ёқдан келган хат экан”, – деб белига тугиб олди. Аркон-парконни ғамлаб, зиндонда бўлса, икки важдан тортиб оламан, деб телпаги қайкайиб, Қалмоқ тарафига қараб, йўлда ўзавонига бу гапларни айтиб, кетиб бораяпти:


- Кийғир деган қуш ўлтирар қияда,
Не кўриб кечириб фоний дунёда,
Чиқиб кетди бундан пою-пиёда,
Жуда аламлари бўлиб зиёда.
Қалмоқ юртга Қоражон кетиб боради.
- 8020 Меҳнат тортиб кўп жафони кўради,
Худо қилган ишга банда кўнади,
Худо деб яёвлаб кетиб боради,
Ҳар гап бўлса яратгандан кўради.
Қоражонбек кичаб йўлни олади,
Бек дўстини излаб кетиб боради.
“Жабр қилсам, кўп йўлларни юрай, деб,
Қайда бўлса сўраб топиб олай, деб,
Бораётир мен дўстимни кўрай”, – деб.
Гох ерларда юрар ўтдай туташиб,
- 8030 Бораётир неча дарбантдан ошиб,
Тоғларда чашмалар бўйнига тушиб,





- Бораётир хўп салкинлаб, сув ичиб.
Шундай бўп Қоражон ошиб боради,
Не сувсиз чўллардан ўтиб боради,
Етарман деб кичаб кетиб боради,
Ҳар гап бўлса яратгандан кўради,
Дўстим дейди, йўлда хизмат қилади.
Пиёда юргани асари тегиб,
Бек Қоражон борар кўнглини бўлиб,
8040 “Томошалар қилиб тоққа чиқардим,
Тозилар югуртсам, ҳар ён боқардим,
Шунқор чуйсам, тилла таблим қоқардим,
Неча беклар билан шароб ичардим,
Инъом берсам, танга-тилла сочардим,
Ҳукм айласам, мен кизлардан кучардим.
Шунча ҳам бор эди иззат-хурматим,
Бир боис-баҳона бўлди қисматим.
Талхи бор деб емас эдим наводди,
Гарди бор деб тўшамадим банотди,
8050 Бир такаббурлигим бошимга етди,
Энди бўлдим парча ноннинг гадойи.
Мен борарман узоқ йўлдан ох уриб,
Пиёдалаб мен дўстим деб ахтариб”,
Неча адир, сувсиз чўлларда юриб,
Худо қилган ишга бул рози бўлиб,
Бораётир бек дўстини ахтариб.
Алп Қоражон неча мўлжал юради,
Қалмоқнинг юртига яқин боради,
Узоқ йўлдан ўтиб кетиб қаради,
8060 Узоқ йўлдан Мурод тепани кўради,
Юрган жойин кўриб ўтиб боради,
Ўйнаб-ўсган ерларини кўради,
Тўқайистон кўлларига қаради,
Кашал ғорни кўриб ўтиб боради.
Алпомишнинг зиндонини билмади,
Албатта шаҳарда дейди боради,
Қалмоқшоҳнинг бул шаҳрига киради.
Қоражон келганин ҳеч ким билмади,
Душман юрт, бировдан сўраб бўлмади,
8070 Телпаги қайқайиб ҳар ёқ қаради.
Ҳар кўчада ҳалак бўлиб юради,





Сўрамоққа бул ҳам ҳазар қилади.
Дўстининг зиндонин сира билмади.



*Фозил Йўлдош
ўгли сафар олдида*

Қоражон ҳар кўчаларда сарсон бўлиб, бировдан сўрай олмай, ўзи билмай, душман юрт, ҳаммадан ҳадик олиб юриб эди. Бир кўчада уч-тўрт бола ошиқ ўйнаб ётибди. Бир икки бола бир боланинг ошиғини тортиб олаётибди. Бу бола айтади: – Ёлғизлик шундай нарса, ҳам урдинг, ҳам ошиғимни тортиб олдинг, неча йилдан бери Қўнғиротнинг хони ҳам зиндонда ётибди, бунинг билан туғишган ё акаси, ё укаси бўлса, шундай одамнинг йўлида боши кетса ҳам, бир йўқлаб келар эди.

Бу сўзни Қоражон бул боладан эшитди, унга болалардан бунинг ошиғини тортиб олиб берди. У боладан сўради: – Ўғлим, Алпомиш деб гапирдинг, Алпомишнинг зиндони қаерда? Бола айтди: – Бобо, биз

Алпомишнинг зиндонини айтолмаймиз. Қалмоқшоҳ подшомиз чақиртиб кўйган: “Алпомишнинг зиндони деб гапирган кишининг боши – ўлимда, моли – талонда”. Ул сабабдан биз айтолмаймиз.

– Ундай деган бўлса, астагина айта қўй, – деди. Ул бола айтди: – Астагина айтсам, бундан Чилбир чўлига борсанг, Чилбир чўлида Мурод тепа деган бир тепа бор, тепанинг қошига борсанг, Мурод тепадай бир янги тепа бор. Шу янги тепанинг устига чикиб қарасанг, паст бети чуқур зиндон, мисли гўристон.

Қоражон бу сўзни эшитиб, Қалмоқ шаҳридан чикиб кетди. Чилбир чўлига қараб йўл тортди, ўзи кўриб юрган Мурод тепанинг қошига етди. Қараса, бир янги тепа турибди, бу янги тепанинг устига чикиб қаради. Паст бети чуқур зиндон, ҳарчанд қараб Алпомишни кўрмади.

Зиндонда ётиб, Алпомиш Қоражонни кўрди. Қоражон эканини билмади. Тўксон ботмон темирдан совут кийган, зиндоннинг бошида қаргадай булдураб кўринади. “Бу Қалмоқшоҳнинг хабар олиб юрган жонсизлари-да, Алпомишнинг жуда кўнгли чўкиб кетган экан, демасин”, – деб Қоражонга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Зиндончилар, мендан хабар оласан,
Сўзимни шоҳингга айтиб борасан,
Мен Алпомиш, назарқарда ботирман,
Ботирликдан бу зиндонда ётирман.



- Омон-эсон ўлмай чиқсам зиндондан,
Тойчихон юртини изиллатирман,
8080 Жонсиз бўлсанг, айтиб боргин шоҳингга.
Зиндон қилган бунда мендай кишини,
Бизларга ўтқизган қалмоқ ишини,
Худо мени шу зиндондан қутқарса,
Кесар эдим Қалмоқшоҳнинг бошини,
Жонсиз бўлсанг, айтиб боргин шоҳингга.
Бул оҳимни бир оллога етқариб,
Ғарибликда ҳожатимни битқариб,
Худо мени шу зиндондан қутқариб,
8090 Қалмоқ кўрсам тиғи дамдан ўтқариб,
Жонсиз бўлсанг, айтиб боргин шоҳингга.
Соя солиб бунда зиндонга келдинг,
Мени ғариблигим жуда ҳам билдинг,
Ҳар замонда хабар олиб сен юрдинг,
Не ишларни, қалмоқ, сен менга қилдинг.
Ҳозир бандиман-ку, фиғон қиларман,
8100 Такдирда ёзилган қисмат кўрарман,
Кўрмаган кунларни сенга соларман,
Ўлмай омон-эсон чиқсам зиндондан,
Бу юртингда жонзод кўймай қирарман,
Жонсиз бўлсанг, айтиб боргин шоҳингга.
Мен ётирман тор зиндонда ғам тортиб,
Мен қардим сенга кўзим юбортиб,
Фалак оҳим бунда бағримни йиртиб,
Билмайман умирим зиндонда ўтиб,
Ҳар на жафо солиб менга қалмоқлар,
Мазгилим қоронғи зиндон бўлдилар,
Охир худо бу зиндондан қутқарар.
Қалмоқларнинг зулумига кўнаман,
8110 Кўнмаганда нима илож қиламан,
Кўнгилда боримни айтиб тураман,
Жонсиз бўлсанг, айтиб боргин шоҳингга.
Алпомишман, келган Бойсин элимдан,
Худойим қутқарса бундай зулмдан,
Қалмоқ, сен омон қолмайсан қўлимдан,
Жонсиз бўлсанг, айтиб боргин шоҳингга.
Айтиб боргин мендай банди сўзини,
Ҳар боп билан ўяй икки кўзини,



- 8120 Ўлжа қилиб кетай улу кизини.
Қайда қочса, уни ушлаб тутарман,
Катталарин тўпга солиб отарман,
Шаҳарини хаворлатиб кетарман,
Қизу жувонларин ҳайдаб ўтарман,
Чўри қилиб козоқларга сотарман,
Жонсиз бўлсанг, айтиб боргин шоҳингга.

Бу сўзни эшитиб, Қоражоннинг кўнгли бузилиб, кўзидан ёши тизилиб, жигар-бағри эзилиб, “Дўстим мард-да, ҳали ҳам кўнгли чўгарган йўқ экан”, – деб ўзини билдириб, бир сўз айтиб турган экан:

- 8130 Ғамли қуллар оху войда,
Бу ерларда жонсиз қайда,
Худони ўртага солган,
Шу тепада дўст бўп қолган,
Пойгадан отинг ўздирган,
Жони-дилман хизмат қилган,
Душманларнинг додин берган,
Олатоғни мазгил тутган,
Тўқсарини бирдан ютган,
Қалмоқ юртини бўзлатган,
Алп Қоражон дўстинг ўзим.
Бир ғоздан борди арза хат,
Кўриб қолмас менда тоқат,
Кўрдим зиндонда саломат,
Бошимда қанча аломат,
8140 Кетди мендан армон, дўстим.
Ҳамиша хизматинг қилган,
Сени излаб кўп йўл юрган,
Йўлларнинг захматин кўрган,
Кўриб сени кетди армон,
Алп Қоражон дўстинг ўзим.
Жосуссан деб сўзлар айтдинг,
Балки сен мени уялтдинг.
Мазгилинг, бек дўстим, зиндон,
Албатта қилмагин гумон,
8150 Излаб келган алп Қоражон,
Сенинг билан даврон, дўстим.
Мен зиндонга аркон солай,



- Белга боғла, тортиб олай,
Бирга йўлга равон бўлай,
Йўлингга интиқ Барчиной,
Борсанг, ёрман даврон, дўстим.
Кўрмакка ҳамма ҳавасда,
Ой Қалдирғоч бошикаста,
Душман десанг даста-даста,
8160 Ота-энанг кўп шикаста,
Ўз кўзингман кўрсанг, дўстим.
Сени излаб кўп йўл юрдим,
Кўнғирот ўлкасидан келдим,
Сенинг учун бошим бердим,
Қалмоқ кўрса, энди ўлдим,
Кечиб жондин бунда келдим,
Жуда сенга ошиқ бўлдим,
Бирга кетсак равон, дўстим.
8170 Менинг билан Кўнғирот боргин,
Яхши-ёмон юртинг кўргин,
Қайтадан сен ёринг олгин,
Ёринг билан ўйнаб-кулгин,
Мазгилингни обод қилгин.
Шулдир сенга айтган тилим,
Қайтадан очилсин гулинг,
Хизматкори, қулу чўринг,
Ҳозир шунда ўсган элинг,
Билдирмайди Барчин гулинг,
8180 Борсанг қайтадан давронинг,
Бизман бирга юргин, дўстим,
Бориб юртинг кўргин, дўстим.
Арқон солай, кўнглинг бўлма,
Хаёлингга оғир олма,
Мени ҳам сен номард билма,
Бизман бирга юргин, дўстим.
Бирга-бирга Кўнғирот борсак,
Душманлардан обрўй олсак,
Элга бориб эга бўлсак,
Бундан борсак даврон, дўстим.

Бу сўзни эшитиб, Қоражон эканини билди, Алпомишнинг кўнглига
Кели: “Бойкиш бекор келибди, бунинг нима қуввати, нима ғайрати бор
Мени зиндондан тортиб олиб кетадиган”, – деб турди.

Ипак арконни зиндонга ташлади. Алпомиш белига боғлаб олди, Қоражон чирпиниб тортди, қараса, тортиб олиб кетгудай ғайрати. Алпомиш туриб айтди: “Бу зиндондан тортиб олиб кетиб қолади шекилли. Зиндондан чиқариб олиб борар, элда маърака-мажлис бўлар, бир тошиб гапириб ўлтирган вақтимда, “зиндонда чириб кетадиган одам эдинг, фалокатдан қутқарган фақир-да”, – деб бетимга улгу қилиб юрар”, – деб орқасини бериб, оёғини тираб турди. Алп Қоражон чирпиниб тортди, ипак аркон узилиб кетди, Алпомиш зиндонга тушиб кетди. Қоражон аркон узилди, деб учини тугиб ташлай берди. Шунда Қоражонга қараб, Алпомиш бир сўз деб турган экан:

- 8190 Худойим сақлагай бандани омон,
Ғариб қулга эгам бўлғай меҳрибон,
Чиқардан чикмасим зиндондан гумон,
Кета бер, Қоражон, сендан розиман.
Ҳақ таало мени қилган саргардон,
Излаб келиб сен қилмагин пушаймон,
Кўрмасин-да сени қалмоқи душман,
Кета бер, Қоражон, сендан розиман.
Кўп айланиб бу ерларда турмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
8200 Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Кўп айланиб, хатарли ер, турмагин,
Дўстим, кетгин, келган йўлдан қолмагин.
Қалмоқ билса сени, келиб қолади,
Ёлғизсан-да, сени бойлаб олади,
Кўрмаган кунларни сенга солади,
Ундан кейин ишинг ёмон бўлади.
Қалмоқ зўр ёв, тозагина балоди[r],
Сен ёлғиз, кўлингдан нима келади,
От-ярок, асбоб сенда бўлмаса,
8210 Эр йигит хотиндан хароб бўлади.
Лашкар келса, одам қандай қилади,
Ёлғизсан-да, ҳолинг забун бўлади,
Кўп турмай, кетганинг ўнғай келади.
Навода қалмоқдан биров кўради,
Билса, Қалмоқшоҳга хабар беради.
Хатарли жой, шоҳдан лашкар келади,
Сени ўлдириб пора-пора қилади.
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,

- и,
и.
и.
б
г,
б
и,
н
б,
- 8220 Сўз айтарман мен ҳам ётиб зиндонда,
Албатта, бек дўстим, бўлма шарманда,
Сен қолмагин яна бунда армонда,
Кета бер, бек дўстим, бўлма дармонда.
Қалмоқ деган шундай жоҳил, балоди[р],
Бунинг зарби юрагимни олади,
Айёрлари мени зиндон қилади,
Дўстим, турмай, кетсанг, яхши бўлади.
Кулоқ солгин мендай дўстинг тилига,
Бош берибсан бек дўстингнинг йўлига,
Бориб тургин Бойсин-Қўнғирот элига,
8230 Дучор бўлма золим қалмоқ қўлига.
Бу қалмоқлар билмаганинг билдирар,
Ханжар уриб бағринг қонга тўлдирар,
Дўст йиғлатиб, душманингни кулдирар,
Кет, Қоражон, қалмоқ кўрса, ўлдирар.
Сен ҳам ўз даврингга юрган зўрабор,
Сен биласан бу қалмоқлар анжомдор,
Анжомсиз кишида нима қувват бор,
8240 Менманликман туриб ўлмак не даркор,
Кета бер, бек дўстим, сенда ихтиёр.

Бу сўзни Алпомишдан эшитиб, Қоражон ҳам зиндоннинг бошида
бир сўз айтиб турган экан:

- 8240 Оҳ тортганда кўзда ёшим селмиди,
Бек дўстим, умидим сендан шулмиди?
Сендай бекни бунда тирик кўраман,
Не бет билан Қўнғирот элга бораман?
Ой Қалдирғоч сўраб чикса олдима,
Бек дўстим, қандайин жавоб бераман?
Сендай дўстим Қўнғирот элда тўрами,
Хаёлингга шундай гаплар келами,
Шаънингга Қоражон номард бўлами,
Қилган хизматини улги қилами?
8250 Хаёлингга Қоражон номард бўлибди,
Қўнгилингга шундай гаплар келибди,
Ўйлаган шумлигинг бекор бўлибди.
Бек дўстим, умидим сендан шулмиди?
Сени олмай, мен ҳам қайда бораман,



- 8260 Такдирда бор қисматимни кўраман,
Ажал етса, мен ҳам бунда ўламан,
Сени ташлаб, дўстим, қайда бораман.
Биламан-ку қалмоқ бермайди омон,
Сени излаб бўлиб келдим саргардон,
Сени кўрдим, ёлғиз кетмас Қоражон,
Бек дўстим, умидим сендан шулмиди?
Яхши, жавоб бердинг элга бораман,
Катта-кичик қариндошинг кўраман.
Ҳаммаси ҳам келиб сўраса мендан,
Нима деб жавоб бераман сендан,
Бек дўстим, умидим сендан шулмиди?
Бундай қилиб менинг кўнглим бўлмагин,
Яхши ўйла, мени ёмон қилмагин,
8270 Бу зиндонни ўзинг ватан билмагин,
Мард бўлсанг, номарднинг ишин қилмагин,
Келгин, дўстим, менга ҳамдам бўл энди.
Мен кетган сўнг сен ҳам ёлғиз қолмагин,
Мундайгача кейинтортар бўлмагин,
Ёлғиз ўрлаб сен зиндонда қолмагин,
Ўйла, дўстим, мени хафа қилмагин,
Келгин, дўстим, менга ҳамроҳ бўл энди.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш ҳам Қоражонга қараб, бир сўз деб турган экан:

- 8280 Баланд тоғнинг бошин чалгандир туман,
Чиқардан чиқмасим зиндондан гумон,
Ҳақимбекни ўлди дегин, Қоражон,
Қонлар йиғлаб мен зиндонда қолдимман.
Сен кўрмагин бу элда қалмоқларни,
Бу ерда сен турмай қилгин сафарни,
Қариндошлар йиғлаб чикса олдинга,
Алпомиш ўлди деб бергин хабарни.
Тирикман, зиндонда ётган ўлиман,
Агар билсанг, ўликларнинг бириман,
Ўлмасам бир куни чиқиб борарман,
Куним битса, бул зиндонда қоларман,
8290 Ҳар гап бўлса такдирга тан берарман,
Худо қилганига рози бўларман.



- Худо қози, пайғамбарлар нойиби,
Урушда панд берар отнинг майиби,
Ултон бўпти ҳозир элнинг сойиби.
Мени излаб келдинг зиндон устига,
Кулоқ солгин сўзимнинг пайвастига,
Қалмоқ тушмасинда сенинг қастингга,
Баланд ерда турма, тепа устига.
Дурбин олиб қалмоқ сени кўради,
Кўзи тушса, қалмоқ келиб қолади,
8300 Розилигим менинг шундай бўлади,
Сўзингга бек дўстинг жавоб беради.
Қандай бўлса изламагин зулмди,
Менинг учун суйгин Ёдгор улимди,
Хуш келибсан, дўстим, яхши бор энди.
Ўйнаб-кулиб бундан юриш қил энди,
Омон бориб мазгилингни кўр энди,
Кўнғирот элда қариндошни кўр энди,
Оғайинга шундай жавоб бер энди:
8310 Шум фалак бошига савдо солганди,
Борма деб бек отам йўлдан урганди,
Отам менга кўп раҳбарлик қилганди,
Жавоб бермай, қайтарди мендай полвонди,
Ота тилин олмай, дўстинг келганди,
Ўликларнинг бири бўлиб қолганди,
Ҳозирги мазгилим чуқур зиндонди,
Албатта сўрагин ота-энамди.
Барчин гулга шундай айтгин саломни,
Йиғлатмасин менинг Ёдгор боламни,
Обод қилиб турсин кулбахонамни,
8320 Бориб сўра Барчинойдай санамни.

Бу сўзни эшитиб, Қоражон ўйланиб, телпаги билан ақллашиб, бир сўз айтиб турган экан:

Зиндонга тўрт бўлди Қоражон кўзи,
Шу бўлди-ку дўстимнинг айтган сўзи,
Кўзимга суртардим кўрсам бу изи,
Менга жавоб берди дўстимнинг ўзи.
Юрагимда қолди аламли доғим,
Остимда йўқ минмакка тўбичоғим,
Турамизми, кетамизми, телпагим?



8330 Устимга кийганим яшил кўк эди,
Менинг излаганим Ҳакимбек эди,
Арқондан бошқа ярок йўқ эди,
Турамизми, кетамизми, телпагим?
Бошимда бор менинг неча аломат,
Кўрса душман қилар менга киёмат,
Ёлғизман, телпагим, бергин маслаҳат,
Ўйландим, қолмади танимда тоқат.

8340 Бек Қоражон кўп ўйланиб туради,
Телпагидан маслаҳатни сўради,
Телпак бунга не маслаҳат беради?!
Кетолмай Қоражон бунда туради.
Одам бор эканин қалмоқ билади,
Тақдири илохий дейди Қоражон,
Дўсти билан розилашиб қолади.
Қайтадан бир-бирин ҳолин сўради,
Бир-бирини йиғлаб дуо қилади,
Хўшлашиб Қоражон энди жўнади,
Кўнғирот тарафга равон бўлади,
Эсиз, дўстим қолди дейди, боради.

8350 Ахир ғариб бўлди кўрган куним, деб,
Олатоғи менинг бул мазгилим, деб,
Жуда забун бўлди менинг холим, деб
Алп Қоражон йўлда кетиб боради,
Худо қилганига рози бўлади,
Қоражон келганин қалмоқ билади,
Қалмоқшоҳга бориб хабар беради.
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлди, деб,
Қалмоқ юрти бул беҳабар қолди, деб,
Зиндоннинг бошига биров келди, деб,
Эласлайди, кўп айланиб қолди, деб.


8360 Бу сўзларни шоҳга маълум қилади,
Айтган сўзин поёмини билади,
Қалмоқшоҳ буюрди, аскар жўнади,
Қалмоқ юртдан аскар чиқиб келади,
Чилбир чўлга қараб энди жўнади,
Туғ-байдок билан қичаб боради,
Кўз юбортиб ҳар тарафга қаради,
Мурод тепани хўп айланиб кўради,



- Алпомиш кетди, деб гумон қилади.
Зиндонга бир неча қалмоқ қаради,
Чоҳ тубинда бек Алпомиш туради.
- 8370 Кўрган сўзин нома-симо қилади,
Унинг гапи ёлғон бўлиб қолади,
Душман топмай, қалмоқ қайтиб жўнади,
Яна қалмоқ ўз юртига боради:
“Жонзод йўк, деб хонга хабар беради,
Бу орага қандай душман келади,
Айтган сўзи ўтирик бўп қолади,
Бир нечаси бунинг ҳадик қилади,
Пана ерда турса, қандай бўлади,
Одам бўлса тағи айланиб келади”.
- 8380 Ҳар куни зиндондан хабар олади,
Неча кунлар шундай бўлиб қолади.
Алп Қоражон олис йўлда боради,
Гумон қилиб кўп қалмоқлар қаради,
Қоражоннинг дарагини билмади.

- Неча тоғу неча беллардан ошиб,
Борди шундай мазгилига етишиб.
Неча кун Қоражон жойида турди,
Бир куни сўрай, деб Қалдирғоч келди,
Акаси тарафдан бу хабар берди,
8390 Қандай бўлса Қалдирғочга билдирди.
Ёдигорга меҳрибонлик қил, деди.
Хафа бўлмай, йўлга караб юр, деди,
Бировга сўйлама, ҳолинг бил, деди,
Кулларга билдирма, тўғри юр, деди,
Нима бўлса, бурунгидай бўл, деди.
Душман куллар бу сўзимни билмасин,
Бу юришим элга овоза бўлмасин,
Эҳтиёт бўл, Ултон ҳадик олмасин,
Кўриб келдим, дўсту душман билмасин,
8400 Билиб Ултон ёмон кунни солмасин,
Гапирмагин, мендай аканг ўлмасин.
Бир кун келиб қолар давлатли шунқор,
Оғзингдан чиқарма, мунглик муштипар.

Бу сўзни айтиб, қайтариб юборди: – Ҳеч бир одамни дўст билиб,
оғзингдан чиқарма, менинг бориб-келганимни куллар билмасин,



кадимгидай элда гап бўлмасин, хайр, – деб булар қадимгидай бўлиб юра берди. Алпомиш ўлиб кетган деган овоза билан зиндонда ётди.

Тойчи вилоятида, Қалмоқ музофотида Янгибозор деган бир кичкинтой бозори бор эди. Қалмоқшоҳнинг Товка деган кизи бор эди. Товка ойимнинг Янгибозорга раислик амали бор эди. Шунда қиркин кизларини буюриб, Товка ойим бир сўз айтиб турган экан:

8410 Қиркин кизлар абжир бўлиб туринглар,
Бугун бозор бўлганини билинглар,
Сирли таёқ бунда ушлаб кўринглар,
Ҳаялламай Янгибозор боринглар,
Косибларнинг тарозисин кўринглар,
Тошини тўғрилаб бунда келинглар,
Қизим, ойим – баринг унда боринглар.

8420 Бу сўзларни айтди Товка гажакдор,
Сипоҳи либосни кийди канизлар,
Сирли таёғини қўлига ушлаб,
Амалдор бўп бораётир бу қизлар.
Бувушимнинг айтганини қилай, деб
Жуда ҳам бозорни тергаб кўрай, деб
Кўчада боради шундай канизлар,
Қиркини ҳам ўз холига амалдор,
Ҳар қайсисин сўраётган иши бор,
Ўйнаб-қулиб бундай йўлда боради,
Бозор қизиганда етиб қолади,
Бир растадан қизлар кириб кўради.
Аввал бориб баззозликни тергади,
Қалами бозорга энди боради,
Қаламисин бунда ўлчаб кўради,
Ўлчовдан қочганга ташвиш беради,
Шундай килиб тергаб ўтиб боради.


8430 Бундан ўтиб қассобликни кўради,
Тошини тўғрилаб қизлар туради,
Тоши енгил чикса, таъзир беради.
Бир хил қассоб кўзи аланглаб туради,
Қассоб бозорини қаттиқ тергади,
Тоши енгил келса, дарра уради,
Қассоб бозорини тамом қилади.
Кўй бозорига энди ўтиб боради,



- Одамларнинг ақли шошиб қолади,
 Олув-сотувини бундан сўради,
 Сўраса, одамлар жавоб беради,
 Олибди, озроқ фойда қўяди,
 8440 Кўпроқ айтганини ул қизлар билса,
 Ул одамни гуноҳкор кип боради,
 Шундай қилиб бу қўйларни кўради.
 Қўй ичида бир саркага қаради,
 Бу саркага кўп ишқибоз бўлади,
 Ҳеч нима деёлмай қизлар жўнади.
 Бу терговни тамом қилиб боради,
 Товканинг қошига етиб боради,
 Товка ойим канизлардан сўради,
 Товка ойимнинг айтганидай қилади,
 8450 Товканинг сўзига жавоб беради.

Қизлар Товкага: – Баққол, косибларнинг тош-тарозисини тўғрилаб, қўй бозорига ўтдик, уни ҳам тергаб кўрдик, жаллобларга озроқ фойда билан сот, деб гапирдик, бир оқ саркани кўрдик, жунлари ерга тегиб турибди, шохлари аймашиб, зингкийиб, осмонга чиқиб кетибди. Жуда яхши кўрдик, – деди. Бу сўзни эшитиб, Товка ойим канизлари билан сарканинг бошига келди. Кўриб бул ҳам ишқибоз бўлди. Саксон тангага саркани савдо қилиб олди, ўрдасига олиб борди. Жуни сайин бир кўнғирок тақиб, ўрдада етаклаб боқиб, ўйнатиб юра берди. Сарка жун ташлаб, озайин деди. Шунда канизларига қараб, Товка бир сўз айтиб турибди:

- Қиркин қизлар баҳор-кўклам бўлади,
 Жуни тушиб сарка озиб боради.
 Қайси каниз бу саркага қаради,
 Нега бу жонивор хафа бўлади?
 Ким қаради, мендай ойим сўради.
 Қарамай жонивор ўтдан қолдим,
 Ё бўлмаса сарка касал бўлдим,
 Ёлғиз ўзи кўп диққатлик қилдим,
 У сабабдан гўшти қочиб қолдим?
 8460 Тили йўқ-ку, бундан сўраб билмадим,
 Кўп кун бўлди, мен ҳам хабар олмадим,
 Илгаридан аҳволини кўрмадим,
 Ҳайвонзод-да, кўнглидагин билмадим.
 Янги келиб аҳволини кўрибман,



- 8470 Кўп озибди, бунинг ҳолин кўрибман.
Бу сўзларни айтар гул юзли дилбар,
Бу гапимга жавоб бергин, канизлар.
Ёлғиз бўлса кўнглидагин қилайик,
Шоҳ отамнинг чўпонига берайик,
Буни элтиб қўйга қўшиб келайик.
Ахволини кўриб бўлганман диққат,
Отамнинг чўпони, кизлар, Кайқубод,
Ҳақ берсак, боқиб берар бемиллат.
Бу сўзларни айтди Товкадай дилбар,
Маъқул тутди қошидаги канизлар,
Албатта жинсига қўшмоқлик даркор,
Қўлдан еб қаноат қилмас жонивор.
Авлодини кўрса бундай саркалар,
Ўйин қилиб кунда вақти хуш бўлар,
8480 Эт олиб, жонивор сўнгра семирар,
Қўйда бордир ўзидайин эчкилар,
Ўз йўлига жонивор ўтлаб юрар.

Бу сўзни Товкадан эшитиб, канизлар айтди: – Рост айтасиз, ер ризкли молда, кўлдан берганингизга қаноат қилмайди, энди кўклам чиқиб келаётир, бундан буёққа озгани-озган. Бу сўзни эшитиб, қирқин канизлари билан саркани етаклаб, Кайқубоднинг қошига келиб қолди. Кайқубод илгари Бойсарининг қўйини боқар эди. Алпомишни меҳмон қилиб, жезна-қайин бўлиб қолган эди. Бу вақtlари Тойчи қалмоқнинг қўйини боқиб юриб эди. Товка ойим сўради: – Отамнинг қўйини қанчадан боқиб юрибсан? Кайқубод айтди: – Отангнинг қўйини олти ойга саккиз тилладан боқиб юрибман. – Мен ҳам бир саркамга саккиз тилла берайин, меникини ҳам қўшиб боққин, – деди. Кайқубод айтди: – Сен нақд бермасанг, қўштирмайман. Товка ойим айтди: – Ойинг битгандан кейин оласан, отамдан нақд олиб юрибсанми? Кайқубод: – Отангдан ҳамма вақт ҳақимни оламан, сендан ҳақимни олайин деб ўрдага борсам, босқинчилик қилиб келдинг, деб мени ўлгунча урсанг, сарканинг ҳақини ҳам онг қилсанг, нақд бермасанг, қўштирмайман, – деди. – Дардинг нақд олмоқ бўлса, нақд ола қол, – деб ёнидан саккиз тилла чиқариб берди. Кайқубоднинг ҳам думоғи чоғ бўлди. «Шу баччағарнинг қизи пулни туртиб берди, кўнгли бизда бор экан, саркасини семиртисак, бизга тегар экан», – деб қолди. Шунда саркасини тайинлаб, икки оғиз сўз айтиб турган экан:




Кокилларим эшилгандир тол-тол,
Ҳар толига берса етмас дунё мол,

- Магар душман келса бўлади поймол,
Кайкубод, сен бу сўзима кулок сол,
Хар замон кўриб саркамдан хабар ол,
Эҳтиёт бўл, сен ҳам бўлгин хабардор.
8490 Ҳақим дейсан, саккиз тилла оласан,
Саркамни йўқотсанг, ёзган, ўласан,
Ўтга бокиб хўп семиртиб берасан,
Хизмат қилсанг, тағи мендан оласан.
Чўшгун ерни сенинг ўзинг биласан.
Боғбон бўлмай қизил гулни терасан,
Лолазор, баҳрли ерда юрасан,
Бу саркамни хўп эҳтиёт қиласан,
Бировга олдирсанг, тайин ўласан,
Қашқирлардан сен хабардор бўласан,
Тоғда, адир, бузук жойда юрасан.
8500 Эшитгин сен Товка айтган сўзини,
Мангротибсан қанча қўю қўзини,
Қаватида бирга қирқин қизини,
Хафа қилма мендай сарвинозини,
Эҳтиёт қил шу саркамнинг ўзини.
Бу саркамни сенга қўшиб кетаман,
Билган сўзим энди сенга айтаман,
Бул саркадан кўзинг пана бўлмасин,
Сен кўрмай, бир ерда ётиб қолмасин,
Ёлғиз қоп бўрига дучор бўлмасин,
8510 Хабардор бўл, менинг саркам ўлмасин.

Тайин қилиб қайтди гул юзли дилбар,
Ўйин-кулги билан айтган сўзи бор,
Қаватида бунинг қирқин қизи бор,
Ўрдага тўп бўлиб қайтди у қизлар,
Товкани ўртага олиб қанизлар,
Маст бўлиб қолгандир Кайкубод ночор.

Шунда саркани қўйга қўшиб, маст бўлиб, димоғини чоғлаб, Кайкубод
ўз шаънига бу сўзларни айтиб турибди:

- 8520 Сарка олиб келди бир моҳи анвар,
Қаватида саф-саф турди қанизлар,
Мен ҳам билдим Товка ойим қўнгли бор,
Шоҳ қизига бўлиб қолди харидор.




- 8530 Пулни туртиб бериб ўзи суйканар,
Кўрганда кўнглимда қолмади ғубор,
Мен билмабман, ул ҳам менга интизор,
Ноз билан айтгандир ул неча сўзлар.
Мен тегишсам, қобоғини уяди,
Саркаси семирса тайин теяди,
Яхши кўриб менга кўнгил кўяди.
Кулимсиб ҳар замон менга қаради,
Билдирмайин кош қоққандай бўлади,
Бунинг кўнглидагин қизлар билмади,
Нима бўлса бизга кўнгил қилади.
Яхшилаб саркасин боқиб берайин,
Жониворни хўп парвариш қилайин,
Мен семиртиб, Товка ойимни олайин,
Канизларни хизматима солайин,
Бу қизларни бизга берди худойим,
Бу шаҳарда ўйнаб даврон сурайин.
Бу сўзни айтиб эр Кайкубод ётади,
Хаста кўнглин бунда шодмон этади,
- 8540 Қўй ёйилиб Мурод тепа этади,
Тепани айланиб ўтлаб ётади.
Ёлғиз бўлиб бул оқ сарка айрилиб,
Бўш тупроқ устига чиқиб кетади,
Тупроқнинг устига шундай чиқади,
Бўш тупроқда ўйин қилиб ётади,
Гумбурлаб зиндонга тушиб кетади.
Қўй ёйилиб энди бундан қайтади,
Кайкубод устига қўйлар этади,
У кизлардан сўзни айтиб ётади.
- 8550 Олатой – иккови бул ерда қолган,
Қўйлари ёйилиб, боз қайтиб борган.
Турасоп Кайкубод шундай қаради,
Қўй ичида бу саркани кўрмади,
Кайкубод аланглаб энди қаради,
“Хотин олмай ўлай, қандай бўлади,
Тоза бизни фалак уриб қолади”.
Бу сўздайтиб хўп чопқиллаб қаради,
“Синглиғар бошима бало бўлади”.
Қўй ёйилиб қайтган ерга этади.
- 8560 Ҳарчанд қараб ҳеч дарагин билмади.



Тупрокда эчкининг изин кўрибди,
Мурод тепадай тепа бўлиб турибди,
Из қувиб бошига чиқиб борибди,
Нарёк бети чуқур зиндон кўрибди,
Тойиб тушган ери белгили турибди.
Зиндоннинг бошига ётиб қаради,
Пастда одам кўзгалгандай бўлади,
Одам борми деди тиклаб қаради.
Биров саркани бағрига олиб қолади,
8570 Бўғни бўшаб чоҳ бошида туради,
Анигин билай деб тоза қаради,
Жуда чуқур, эласлаб кўринади,
Саркани сўйгандай бўп билинади,
Эр Кайкубод шундай қилиб кўради.

Шунда Кайкубод зиндоннинг бошида саркани кўриб, зиндоннинг ичида биров бағрига босиб, қозонсиз осиб, саркани кўрkitиб ётир. Бунинг анигини билиб, зиндоннинг бошида туриб, бир сўз деб турган экан:

Баҳорда очилган тоза лоласан,
Ер остида ётган қандай балосан,
Армонман саркани нобуд қиласан,
Сен ажаб бошимга бало бўласан.
8580 Сарканинг эгаси Товка зулфакдор,
Мени қилма Товка ойимга гуноҳкор,
Сенга шундай айтадиган арзим бор,
Сарка учун шоҳнинг қизи ўлдирар,
Жуда ҳам тайинлаб айтган шарти бор,
Сенга қайдан дучор бўлди жонивор?!
Шоҳ қизига мени қилма жавобгар,
Шу саркамни кўя бергин, баччағар,
Олиб кеп кўшганда ўзин кўнгли бор,
Сенинг менга оша зараринг тегар.
8590 Хабар берсанг, аҳволингни билайин,
Гўштин е, терисин сендан сўрайин,
Ўлдирибсан, энди қандай қилайин,
Терисин элтиб шоҳ қизига берайин,
Қашкир еди, дейин, дўклаб кўрайин,
Ҳар на бор сўзимни айтиб турайин.
Ҳозир ўзим гуноҳкор бўп қоламан,



8600 Берсанг, терисини олиб бораман,
Қизлар билан кўп ўрлашиб кўраман,
Сен ким эканингни нима биламан,
Хабар берсанг, мен ҳам айтиб бораман.
Сарканинг эгаси сарвиноз дилбар,
Мен қолибман билмай буни беҳабар,
Қабатида канизлари амалдор,
Ҳозир билмай, мен ҳам бўлдим гуноҳкор.
Билмайман, мен, ночор кўнглим бўлами,
Терини кўтариб борсам урами,
Сарсон бўлдим менга азоб берами,
Мен билмайман, ишим ёмон бўлами,
Айтган сўзим ё бир маъкул қилами?!

Бу сўзни Алпомиш эшитиб, Кайкубодга қараб, бир сўз деб турган экан:


8610 Ўлмай чиқсам сендай калнинг бахтига,
Миндирарман Тойчихоннинг тахтига.
Бошинг эсон, сен Кайкубод, ғам ема.
Сен эшитгин бек езнангнинг тилини,
Бера бер Товканинг қалин молини,
Қайси куни қалинидан қутулсанг,
Олиб берай Товка зулфакдорини.
Қойил бўлгин мендай езнанг ишига,
Чиқарай Товканинг қордай тўшига.
Сен эшитгин Алпомишбек сўзини,
Бу зиндонда тўрт қилгандир кўзини,
8620 Қайси куни қалинидан қутулсанг,
Чиқиб олиб берай шоҳнинг қизини.
Қалинни берганча қараб тураман,
Сен қутулган куни чиқиб бораман,
Қалмоқшоҳга сени куёв қиламан,
Товка ойимни сенга олиб бераман.
Қалмоқ юртда Товка ойимни оласан,
Товканинг қалинин менга берасан,
Товка билан ўйнаб-кулиб юрасан.
Биласанми қалмоқларнинг қизини,
8630 Оп берай Товкадай сарвинозини,
Зиндон қилган Кўнғирот добилбозини,
Зиндонда ҳоритган бекнинг ўзини,



Мен кесарман Қалмоқшоҳнинг бўғзини,
Йиғлатайин неча сарвинозини.
Шу шаҳарга сени подшо қиларман,
Товка ойимни сенга олиб берарман.

Бу сўзни Алпомишдан эшитиб, Кайкубод айтди: – Сен нима қилиб ётибсан бу ерда? – Мен қалмоқларнинг қўлига бандизиндонман. – Билмабман-да сенинг бу ётишингни шу вақтгачайин. Хайр, энди ундай бўлса, қалиннинг боши – оқ сарка-да. Саркани қўшган вақтда ўзининг ҳам кўнгли бордай эди, тегадигандай эди, – деб қайтиб бориб, қўйларни қайтариб, уч-тўрт қўй ташлаб кетди. Кайкубод ҳар кун Мурод тепани айлангириб қўй ёяди. Кунига беш қўй, ўн қўй ташлаб кетиб бораётди. Керакли нарсасини олиб келиб бераётди. Нима деса, айтганини қилаётди. Бу молларнинг эгаси сўрайди демайди, еган одам бир нима қилар, деб бораётди. Неча вақт орадан ўтди. Қалин молни бериб ётди, бокқан моли соп бўлиб кетди. Олатой билан иккови қайқайиб қолибди. Алпомишнинг чиқар куни бўлмабди. Олатойни еталаб, зиндоннинг бошига келиб, Кайкубод бу сўзни айтиб турибди:

- 8640 Ғамли қулман ўйлайдиган ўйим бор,
Ўйнаб-кулсам ҳўп бир Товка ойим бор,
Езна, қалин берган беш юз қўйим бор,
Энди қолган битта олатойим бор,
Қалмоқшоҳга мени қилма гуноҳкор.
Боқиб юрган молнинг бари соп бўлар,
Бир куни ҳолимни қалмоқлар сўрар,
Сўраса, Кайкубод не жавоб берар.
Езна, сени чиқар кунинг бўлмади,
Агар билсанг, қўй-эчкидан қолмади,
Еб қўйдинг, қалмоқлар буни билмади.
8650 Мен бокқанман Қалмоқшоҳнинг қўйини,
Ҳар замон кўраман Товка бўйини,
Сен чиқиб қилмадинг ёрнинг тўйини,
Билолмадинг Кайкубоднинг ўйини,
Товка деб йўқ қилди бокқан қўйини.
Езна, менга меҳрибонлик қилсан-а,
Еган молларингни ҳақлаб турсан-а,
Товкани эртароқ олиб берсан-а,
Сен менинг кўнглимни хурсанд қилсан-а,
Нима топсам, сенга оп кеп бераман,
Қалмоқларга мен билдирмай юраман,




- 8660 Югуриб-елиб тинмай хизмат қиламан,
Умидим шул: Товка ойимни оламан,
Қалмоқ билса, нима жавоб бераман,
Сенга, езна, сўзимни айтиб кўраман.
Бир қалмоқ юришимни билмасин,
Билиб Қалмоқшоҳга хабар бермасин,
Қалмоқ подшо мени ҳайдаб бормасин,
Кетган молни сўраб, нобуд қилмасин,
Чиқкин, езна, эр Кайқубод ўлмасин,
Бу қилган хизматим зое бўлмасин.
Айтган сўзим ғариблиқда бил энди,
- 8670 Буйтиб ётма, бир ҳаракат қил энди,
Сен чиқмоқнинг ҳаракатда бўл энди,
Нима бўлса, езна, чиқиб қол энди.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш ҳам бир сўз айтиб турган экан:

- 8680 Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмади,
Сўлган гулга булбул келиб кўнмади,
Бу берган молингга кўнглим тўлмади,
Товка ойимнинг ярим моли бўлмади,
Нима бўлди, бош отлари келмади,
Ул сабабдан чиқар кўнглим бўлмади.
Мендайн шунқорнинг кўнглин бўласан,
Оз ташлаб, кўп мол деб чатоқ қиласан,
Қутулмайин сен қунига келасан,
Бош от берганинг йўқ, қандай қиласан,
Шу молман Товкани қайтиб оласан,
Бу молинг оз эканин ўзинг биласан.
Устига кийгани гулгун қирмизи,
Ақлингни олади жодугар кўзи,
Атрофида сап-сап турар канизини,
Жуда ҳам сулувдир қалмоқнинг қизи.
Бу мол билан сен ҳам аҳмоқ бўлмагин,
- 8690 Бехуда ўзингни гаранг қилмагин,
Қалин олар, билсанг, мендай зўрабор,
Ҳали ҳам берасан бизга кўп моллар,
Озроқ билан тегмас Товка зулфакдор,
Шоҳ қизининг қалин моли кўп бўлар,
Бу ишлардан сендай ёзган беҳабар.





8700 Қалинини хўп аниқлаб оламан,
Ҳисоб қилсанг, қутулганинг биламан,
Қутулсанг, мен чиқиб олиб бераман.
Ҳали бери қутулмайсан, Кайкубод,
Тарадди қил, қила бергин кўп хизмат.
Ўз юртимда мен белгили тўраман,
Ҳозир мен ҳам зиндон бўлиб тураман,
Сен Товканинг қалинидан қутулсанг,
Билгин, мен сенга олиб бераман,
Ҳозир мен бош отин сўраб тураман.

Бу сўзни эшитиб, Кайкубод ҳам бир сўз айтиб турган экан:

8710 Қалин берган менинг қанча қўйим бор,
Ўйласам, кўнглимда қанча войим бор,
Ўйнаб-кулсам менинг Товка ойим бор,
Хуржун-кулоқ ортиб юрган тойим бор.
Той ҳам бўлса бош отига бўлами,
Шуни берсам, езна, кўнглинг тўлами?!
Нима десанг, айтганингни қилайин,
Маъқул тутсанг олатойни берайин.
Обло менинг ақлу хушим олмади,
Олатойдан бўлак нарса қолмади.
Бериб қўйдим мен ҳам ҳар на боримни,
Энди олиб берсанг Товка ёримни,
Мен ўйнаб тарқатсам бу хуморимни,
Бердим сенга бисотимда боримни,
8720 Билдинг, езна, менинг хизматларимни.
Бу сўзларни айтди туриб Кайкубод,
Чоҳ тубинда эшитганда валламат.
Кайкубоднинг айтган сўзин билади,
Кайкубодга қараб сўзлаб туради:
– Мен ҳам сенга қариндошлик қилайин,
Қайнимсан-да, мен суяшиб турайин,
Той ҳам бўлса от ўрнига кўрайин,
Қариндошлик қилиб мен ҳам олайин.
Бу сўзларни айтди ётган валламат,
8730 Олатойга кўндирдим деб Кайкубод.
Эр Кайкубод хаста кўнглин хушлади,
Олатойнинг жиловидан ушлади,





- Хуржун-кулоғин олиб ташлади.
Зиндоннинг бошига олиб келади,
Олатойни энди йиқиб олади,
Шуйтсам Товкани оларман деб ўйлади,
Олатойнинг оёғини бойлади.
Олиб борди Товканинг бош оти, деб
Олатойни бу зиндонга тайлади.
- 8740 Чох тубинда давлатли хон қаради,
Остин-устин бўлиб энди айланиб,
Товка ойимнинг бош отлари келади,
Алпомишнинг вақти хуш бўп қолади,
Бунда Алпомиш олатойман бўлади,
Кутулдим деб бу Кайқубод жўнади.
Неча кунлар ўз ишида юради,
Таёғини судраб тағи келади,
Келиб тағи боз зиндонга қаради,
Езна, нима қилдинг, дейди, туради.
- 8750 Сўра энди Кайқубоднинг ҳолини,
Бош от билан бериб қўйган молини,
Олиб бергин Кайқубод дилбарини.
Езна, мени мундай ҳалак қиласан,
Кунда кесам, шу зиндонда турасан,
Мен кутулдим, нима жавоб берасан.

Бу сўзни эшитиб, Кайқубодга қараб: – Ҳали Товка ойимнинг ярим молини берганинг йўқ, қайтаман дейсан. Кунига келиб турасан, – деди.

Кайқубод айтди: – Берадиган ҳеч нима қолмади.

– Ҳеч ниманг қолмаса, шўрлик эса, ўғрилиқ қил, – деди.

Кайқубод: – Қувиб келиб ташлай берсам, ўғриликдан онсон нарса йўқ; ўғриликни қай маҳал қиламан, – деди.

– Эл ухлагандан кейин қил, – деди.

– Мабодо бир ердан ошолмай қолсам, эгаси билиб қолса, мен кимга сиғинаман, – деди.

Алпомиш айтди: – Ўғрининг пири ҳазрати Жолтонг дегучи эди, ҳазрати Жолтонгга сиғина қолгин.

Кайқубод айтди: – Ҳазрат Жолтонг чин қўллайдиган бўлса, биров бир работда икки бўрдоқи хўкиз бокиб ётир. Бу сўзларни айтиб, Кайқубоднинг ўғриликка кетиб бораётган ери:


Куни билан Кайқубод ухлаб ётади,
Номозшом-говгумда ўрнидан туриб,



- Кайкубод ўғриликка жўнаб кетади.
Ҳар тарафга шундай бўйлаб қаради,
8760 Жуда чакқон бўлиб кетиб боради,
Кучукларга билдирмайин юради,
Ўзи кўриб қўйган битта работни,
Қоронғида шуни чўтлаб боради.
Бемаҳалда у работга етади,
Эгаси бўрдоки боқиб ётади.
Бўрдоки хўкизни бойқиш кўргандир,
Шу хўкизни урламоқчи бўлгандир,
Шуйтиб бул Кайкубод борлаб юргандир,
Ичкари киролмай сарсон бўлгандир,
8770 Бир тарафда бир қорани кўргандир,
Деворга ёпиш бўлиб писиб боргандир,
Ул қорайган нури тўда билгандир,
Бу нуридан томга чиқиб олгандир,
Том устинда эр Кайкубод тургандир,
Ҳовлининг эгаси билмай қолгандир.

Томнинг бошида туриб, пастга тушмакка қулайлаб қаради, бир ер қорайиб кўринди. “Бу томнинг олдида ҳам қорайган нури тўда экан. Ё Жолтонг”, – деб ўзини ташлаб юборди. Бу қорайиб турган – қудуқнинг оғзи эди, қудуққа тушиб кетди. Шунда қудуққа тушиб, бир сўз айтиб турган экан:

- Кўзидан тўктириб селоб нурина,
Укасини Жолтонг пирини.
Ох урганда хаста кўнглин хушлади,
Ғанимга дуч бўлмай, сирим фошлади,
8780 Жолтонг дедим, бу қудуққа ташлади.
Алпомишнинг айтганини қилмайман,
Мундан бўлак ўғриликка келмайман,
Жолтонг пирни сира пирим демайман.
Мендаин ночорнинг кўнглин бўлади,
Кўрмаган кунларни менга солади,
Билса, эгасига ушлаб беради,
Жолтонг пирни сира пир қилмайман.
Раҳми келмай кўзда қонли ёшима,
Хафа фалак оғу қўшиб ошима,
8790 Бундай ажаб савдо тушиб бошима,



Ҳайрон қолдим, Жолтонг, сенинг ишинга.
Пирим, деб мен бул ўғрилиқка келганман,
Жолтонг деб ҳам бу мазгилда турганман,
Сенга ишониб мен қудукда қолганман,
Сени пирим дедим, сарсон бўлганман.
Қудукқа соп менинг ишим қиласан,
Мол эгасин билсанг, хабар берасан,
Пирим, десам, бир балони қиласан,
Мени эгасига ушлаб берасан.

8800

Сени пирим деб мен аҳмоқ бўлмайман,
Воллох, биллох, сени пирим қилмайман,
Сенга ишониб мен ўғрилиқка келмайман,
Мундайғачоқ аҳмоқ бўлиб юрмайман,
Укангни сени Жолтонг демайман.

Номоз вақти чиқиб, ўз бошини қутқариб, зиндоннинг бошига бориб қолди. Алпомиш кўриб: – А, қайтдинг, қайним? – деди.

– А, езна, сенинг пиринг курсин, сенинг суянганинг шу Жолтонг пир бўлса, сира ҳам зиндондан чиқмайсан, ҳали ҳам бу пирни қўйиб, бўлак пирга сиғинсанг, чиқасан, – деди.

Алпомиш суякдан икки чанқовуз қилиб қўйган эди. – Бу чанқовузни сотиб кел, – деб Кайкубодга берди. Бу чанқовузни Кайкубод олиб, Янгибозорга кетди. Янгибозорнинг ихтиёри қизларда, қизлар кўп йиғилади. Бу сўзларни айтиб, чанқовузни наъма қилиб ўтирибди:

Мен бўлиб уста нағмагар,
Борми бу ерда харидор,
Созим кўрсанг, келгин қизлар,
Тор биқинли сарвинозлар,
Создир жуда чанқовузлар,
Баринг келгин, санам қизлар.
Баринг келгин хурдай бўлиб,
Оқ баданинг қордай бўлиб,
Тиши гавҳар, дурдай бўлиб,
Ҳамманг келгин бирдай бўлиб.
Сўйлар қўлимдаги созлар,
Чанқовузим нағма қилар,
Кўрган қизнинг кўнгли тўлар,
Эр Кайкубод уста бўлар.
Шулдир Кайкубод ишлари,

8810

316



бери
қол
кел
қўй
оли
чал
маб
мен
юр
ёғи
қал

8820 Қалмоқ юртнинг бувишлари,
Қизларнинг кўнглин хушлари,
Келиб кўр, қалмоқ қизлари,
Чанқовузим бию-бию.
Оқ олма, қизил олма
Олар бўлсанг, куруқ қолма,
Йиғилишган бели толма,
Бу созимдан куруқ қолма,
Э, олмоққа ишқинг борма?!

8830 Чанқовузин бозор солди,
Кўп қизлар атрофин олди,
Бир нечаси чалиб кўрди,
Қанча қиз харидор бўлди.
Шундай бўлди кўнгил хушлар,
Кайкубодман ўлтиришлар,
Чанқовузим наъма қилиб,
Талашиб олади қизлар.
Нағмага кўнгли чоқ бўлди,
Неча пулдан деди, сўрди,
Кўринг энди Кайкубодни,
8840 Икки нондан нархин айтди.
Икки нондан олиб бериб,
Тўрт ноннинг эгаси бўлиб,
Олди чанқовузни сотиб,
Кайкубодни аланглатиб,
Нархига етказмай сотиб.

Шунда қирқ қиз йиғилган экан. – Уста ака, бизга ҳам қилиб келиб беринг, – деб икки нондан олиб келиб берди. Саксон нон бўлди. “Энди қолган қалинчадан чанқовуз сотиб ҳам қутулиб қўяман”, – деб кўтариб олиб келиб зиндонга ташлади. Яна суякдан ўймалаб яна бир чанқовуз тузатиб қўйиб эди. Бу чанқовузни Кайкубодга бериб, буни тайин қилди: – Янгибозорга олиб бориб, икки нондан сотмагин, Товканинг сайил боғига олиб бориб чалгин. Қизларга кўрсатмагин. Мабодо қизлар кўрса, қувса ушлатмагин; мабодо ушлаб олса, “бу чанқовузни ким қилди” деса, ўзим қилдим дегин, менинг дарагимни айтмагин. Қизлар қувса, қочиб қутуларсанми?

Кайкубод туриб айтди: – Семизи ирқиллаб, ориғи эчкидай дирқиллаб юрган қизлардан қутулмай, менга бир гап бўлдими, – деб зиндоннинг бу ёғига, у ёғига жупшай бўлиб ирғиб ўта берди. Алпомиш айтди: – Ёзган қал, сен ҳам тушиб кетарсан.



Чанқовузни олиб кетди, Товканинг сайил боғига етди. Бир гул бутанинг остида нағма қилаяпти. Бу нағмани эшитиб, Товка ойим сайил боғида канизлари билан бориб, гул бутани шундай кўтарди. Ким деб қараса, Кайкубод, Кайкубод қочиб берди. Бу сўзни айтиб, Товка ойим канизлари билан кува берди:

- 8850 Бу Кайкубод хилла қилди,
Ушлар эдик, қочиб берди,
Кува беринг, санам кизлар,
Кўлда ажаб чанқовузлар,
Олдиндан чик, қиркин қизлар.
Кўринг энди қурғур кални,
Этай деганда чап солди,
Илкисдан бурилиб кетиб,
Неча қизлар ўтиб кетиб.
Куваётир кўнглин хушлаб,
Товка ойим зулфак ташлаб,
Кайкубод ирғир анғишлаб,
Не кизларни буриб ташлаб.
8860 Кўринг Товка зулфакдорни,
Чарчатди-ку кўп қизларни,
Ушламоқчи бундай кални.
Неча қизлар етай дейди,
Этайин деб қўл узатди,
Бул Кайкубод буриб кетди,
Не қизларни хилла билан
Дўстаман қилиб йикитди.
Тоза чарчади канизни,
Туриб қолди қирқин кизи.
8870 Кайкубодни кувиб юриб,
Товка ойим ёлғиз ўзи,
Еб ётган ул шохнинг кизи.
Бу Товка ҳам етай деди,
Қадимгидай буриб кетди.
Шулдур Кайкубоднинг доғи,
Кайкубод бурилган чокда
Тойиб кетгандир оёғи.
Бу ёзганнинг ақли шошди,
Дўстаман бўп ерга тушди.
Шохнинг қизи ойдаи Товка ушлашди.

- 8880 Қиркин кизи бир-бирига ёнашди,
Шўр Кайкубод бул ўртага тушди.
Чанқовузни ким қилди деб сўради,
Ўзим қилдим, дейди, ёзган туради.
Ростин айтгин, деб сиёсат қилади.
Ёлғон сўз айтмоқни қайдан билдинг, деб,
Худой олғур қачон уста бўлдинг, деб,
Айтгин, чанқовузни кимдан олдинг, деб,
Мунча қочиб, бизни ҳалак қилдинг, деб.
Бизларни чарчатиб ташвиш берасан,
8890 Қурғур, сен таёқ еб биздан ўласан.

Шунда кизларга қараб, Кайкубод бир сўз деб турган экан:

- Кизлар урса илон-чаён чақади,
Товканинг таёғи мойдай ёқади.
Ошиқни куйдирса, қошин қоқади,
Кайкубод Товканинг молин боқади,
Урган таёқлари жуда ёқади.
Мендай ошиғингга қилма зулмни,
Бурилиб сўрагин менинг ҳолимни,
Бериб юрибман-ку қалин молингни,
Зулм қилиб урма харидорингни,
8900 Мен кучарман сенинг нозик белингни.
Аччиқланиб менга зулм қиласан,
Илгаридан ўзинг ваъда берасан,
Сўзлар сўйлаб жуда аклимдоласан,
Канизларман мунча мени урасан,
Илгаридан ваъда қилиб юрасан,
Саркани қўшганда ишни қиласан,
Кайкубоднинг, қизлар, кўнглин бўласан,
Айналтириб ўртага олиб турасан.
Сенга бу Кайкубод харидор эди,
8910 Саркани қўшганда кўнглинг бор эди,
Аввал-охир сенга интизор эди,
Сенинг учун жуда гирифтор эди,
Сенинг ишқингда юрган хору зор эди,
Эр Кайкубод нега гуноҳкор эди.
Қизларингман бундай азоб берасан,
Ўзим қилдим десам, қўймайсан, урасан,



8920 Нега менга бундай ишни қиласан,
Кайкубодни жуда ғариб биласан,
Ўзингнинг кўнглинг бор, нега урасан,
Қизларингман мени бойлаб турасан,
Жуда ҳам сен менга азоб берасан.
Кайкубод қизларга нолиш қилади,
Ундан сай шўхлик қип қизлар уради.

Ундан кейин Кайкубодни бир толга бойлаб қўйди, сайил боғда қиркин қизлари билан Товка ойим ётди, иссиқда терлаб, қизлар чарчаб қолган экан, кўзи уйқуга кетди. Товка ойим туриб келаяпти. Кайкубод келатганини кўриб: “Энди урса, ўлдиради, урса, айтаман”, – деб турибди.


Кайкубод эт кизувда кўп таёқ еган экан, энди бадани совиб, ҳамма ери оғриб турибди. Шоҳнинг қизи бориб: – Кайкубод, бу чанқовузни ким қилди? – деди. – Зиндонда Алпомиш қилди, – деди. – Таёқ еб юрганча илгаридан айтсанг, бўймиди? – деди. Кайкубод туриб айтди: – Муртини бураганни билмайсан, қошини керганни билмайсан, овлоқда айтаман деганни билмайсан, ўзинг имога тушунмайдиган, қандайин сен ғар эдинг?!

Бу сўзни эшитиб, Товка айтди: – Отамнинг Алпомиш деган бандиси бор эмиш деб эшитаман, Алпомиш шу одамлардай одамми, ё бир бургутдай нарсами? Кайкубод айтди: – Алпомишни кўрсанг, сенинг остингдан сувинг оқиб кетади.

– Эса мени эргаштириб борсанг, Алпомиш қандай одам экан, бир кўрсам, – деди. Кайкубод айтди: – Эргаштириб борар эдим, кўп таёқ еб каллам ғувуллаб қолибди, кўп таёқ еб нимкушта бўлибман. Агар малол келмаса, кўтариб кета берсанг, мана шу йўл билан боради, деб кўрсатиб кета бераман. Шоҳнинг қизи айтди: – Агар гапирсанг, ғижиним келади.

Шунда гапирмас қилиб, Товка ойимнинг белига миниб, гапирмаса ҳам гапиргиси келиб, бу сўзни айтиб кетиб бораётир:

8930 Азаматлар олмос бойлар дастига,
Душман юрар кам давлатнинг қасдига,
Миниб олди Товка ойим устига,
Қарамас Кайкубод баланд-пастига.
Кўкрагим мулойим бўлди, худойим,
Йўлнинг узоғини бергин илойим.
Йўрғалагин, юришингни кўрайин,
Ёқиб кетса сенинг билан бўлайин.
Қаддингдан айланай қалмоқнинг қизи,
Мени кўп болкитар сўйлаган сўзи.
Ҳар на деса айтганига кўндирди,




- Харидорни сағрисига миндирди.
 Қирқин кизи унда билмай қолади,
 Ҳилламан Кайқубод муни минади,
 Зиндон бетга қараб кетиб боради,
 Юриш қилсанг, харидоринг олади.
- 8940 Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
 Булутлар маст бўлса чалқийди кўллар,
 Мушки анбар, ўзи гул юзли дилбар,
 Харидоринг сағрингдадир мукаррар.
 Шохнинг қизи, билмаганим билдирдинг,
 Алдаб-сулдаб, дилбар, сени кўндирдим,
 Шохнинг қизи, кўп ғайратинг бор экан,
 Кайқубодни оч белингга миндирдинг.
 Кўрсатиб устингда Кайқубод ночор,
 Кайқубод дер жуда сенга интизор,
- 8950 Гап билан болқитган сендайин дилбар,
 Зиндон деганинг кўп бир узоқ йўл бўлар.
 Шундайин ойимнинг кўнглин бўлади,
 Бурилиб кўп юрди, халак бўлади,
 Товка ойимнинг зехни койиб боради.

Кайқубодга қараб, Товка бир сўз айтган экан:

- Кайқубод, не чоғли бордир илиминг,
 Орқама ботади гупдор туюнинг,
 Киссангда бормиди суяк чилиминг,
 Гапирма, Кайқубод, келди ғижиним.
- 8960 Мендайин ойимга жабр қиласан,
 Узоқ йўлдир, мени буриб миңасан,
 Элда йўқ ишларни нега қиласан,
 Аччиклансам, армон билан ўласан,
 Мени мунча сен ҳам халак қиласан,
 Қалмоқшоҳнинг кизин аҳмоқ биласан.
 Алпомиш деб эшитиб бўлдим интизор,
 Бунча менга жабр қилмоқ недаркор,
 Холинг билиб тўғри йўлга юра бер,
 Чоҳ бошига энди бошлаб бора бер.
 Яқинласак бирга-бирга борайик,
- 8970 Қандай одам экан бориб кўрайик,
 Тузук бўлса, унинг холин сўрайик,
 Яхши кўриб унга хизмат қилайик,





8980 Тўғри юр, йўлларда ҳалак бўмайик,
Кўрса кулар аҳволимни халойик,
Канизлар уйғонмай бориб-келайик.
Юришимиз қиркин қизлар билмасин,
У қурғурлар гап етаклаб юрмасин,
Эл ичинда маломат сўз бўлмасин,
Бу ишимни ота-энам билмасин,
Сенинг кўнглингга сўзлар келмасин,
Буйтиб юрганимизни биров кўрмасин.

Бу сўзни эшитиб, шоҳнинг кизига қараб, Кайқубод бу сўзни айтиб турган экан:

8990 Бу юришим, дилбар, сенга ўтади,
Худо берган якка михим ботади,
Жуда сени безовта ҳам этади,
Ҳар замон хаёлим олиб кетади,
Шоҳнинг қизи, ишқинг мени ўртади.
Аввал-охир бўлдим сенга интизор,
Сенинг жамолингга бўлиб гирифтор,
Жамолинг тўлишиб менга барқ урар,
Қараганда менинг ақлимни олар,
Бўлиб мудом мен ҳам сенга харидор.
Неча йил кўйингда бўлиб юраман,
Умрим ўтиб хаста бўлиб бораман,
Олис эди, мен яқинлаб қоламан,
Мен сенинг сағринга миниб бораман,
Ўлмасам, сенинг билан бирга бўламан.
Бу сўзни айтиб шунда кетиб боради,
Товканинг аччиғи келди, билади,
Зиндоннинг бошига тўғри боради,
9000 Товка ойим бу зиндонга қаради,
Зиндон ичида бир шункорни кўради.
Жамоли окшомни ёруғ қилади,
Бу хуснига зиндон ёруғ бўлади,
Товка кўриб бекнинг кўнглин сўради.

Товка Алпомишни кўриб, бир сўз айтиб турган экан:

Сизга қурбон бу менинг ширин жоним,
Зиндон ичида ғариб бўлган меҳмоним,



- Мен билдим, янгитда сўраб тураман,
Сизни билиб мен ҳам хизмат қиламан,
Чоҳ ичинда кўриб сўраб тураман,
9010 Зиндондан чиқарсам, нима бўласан?
Сизни сўраб мен ҳам хизмат қиламан,
Кўнглингда не гап борин биламан,
Қалмоқнинг юртидан ҳалак бўламан,
Сизни эшитиб меҳнат тортиб келаман,
Отим Товка, шоҳнинг қизи бўламан,
То ўлгунча сенга хизмат қиламан,
Зиндондан чиқарсам, нима бўласан?
Давлатим бор, шоли шалдам урайин,
Жамолим балх уриб сенга қарайин,
9020 Сени лойиқ кўрса қодир худойим
Мендай ойим сенга чўри бўлайин.
Зиндон бўлган бегим, сендан сўрайин,
Зиндондан чиқарсам, нима бўласан?
Сен сўйласанг, кўнглим бўлар барқарор,
Сен зиндонда кўп ётибсан хору зор,
Сендан сўз сўраган Товка гажакдор.
Ҳар на сўзинг бўлса бизга айта кўр,
Хизматингни ойим бажо келтирар,
Зиндондан чиқарсам, нима бўласан?

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш ҳам бир сўз деган экан:

- 9030 Шоҳнинг қизи, чоҳ бошидан қарадинг,
Нима талаб, нима бўлар муродинг,
Не сабабдан келиб ҳолим сўрадинг?
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,
Етти йилдир умрим ўтди зиндонда.
Устингга кийганинг яшил кўк эди,
Ғарибликда сенга кўнгил тўқ эди,
Не сабабдан келиб, дилбар, сўрадинг?
Менинг ҳолим ҳеч ким сўраган йўқ эди,
Қалмоқ юртда юрган одам кўп эди,
9040 Зиндонга қараган одам йўқ эди.
Бурилиб келдинг, мен ҳам ҳолинг билайин,
Мен ҳам сенга бир яхшилик килайин,
Сўзим билгин, сенинг тоғанг бўлайин.




- 9050 Қайтайин зиндонда гангиган бошим,
Қиёматча бўлар эди савашим,
Тор зиндонда шоҳнинг қизи сўраса,
Мен бўлайин сенинг ковми-кардошинг.
Кўнглингни бўлма сен, гул юзли дилбар,
Сенга қанча айтадиган сўзим бор,
Мени сўраб келган бул моҳи анбар,
Сўраб кепсан ўзингдадир ихтиёр.
Қалмоқ қизи, сенинг кўнглинг биларман,
Зиндондан чиқарсанг, йўлдош бўларман,
Хизматингга лойиқ ишни қиларман.
Сўз эшит, гул юзли, айтган тилимдан,
Лочин эдим, парвоз килдим элимдан.
Қойил бўлдим худо қилган тақдирга,
Йўлиқиб қолганман ўзимдан зўрга,
Армон билан келиб тушганман тўрга,
9060 Хизмат қилиб, шоҳнинг қизи, чиқарсанг,
Қариндош бўп юрай сен билан бирга.

Бу сўзни эшитиб, шоҳнинг қизи қайтиб жўнай берди: – Кайкубод, бу Алпомишинг ўзингга насиб қилсин. Мен оға, тоға, қариндош топмай, бунинг олдига келганим йўқ, ўзимнинг ҳам қариндошим кўп, – деди. Кайкубод айтди: – Езна, эринг бўламан десанг, бўлмайми? Алпомиш: – Сенинг кўнглингга гап келар деб турибман, – деди. – Бу ёғинг тўғри бўлса бўлади, айта бер, – деди, – Шунда: – Эса айтиб кел, – деди. Кайкубод Товканинг кейинидан етди: – Қайт, эринг бўламан деяпти, – деди.

Шунда Товка келиб, Алпомишга қараб, яна бир сўз айтиб турган экан:



- 9070 Худо дейин, яратганга жилайин,
Яратган холикдан мадад тилайин,
Қайта бошдан, бегим, сиздан сўрайин,
Зиндондан чиқарсам, нима бўласан?
Мен йиғлайман қаттиқ кунда доди-дод,
Мени йўлдан қайтаргандир Кайкубод,
Чоҳ тубинда ётган энди валлакат,
Зиндондан чиқарсам, нима бўласан?
9070 Қулоқ солинг, бегим, айтган сўзима,
Жавоб бергин мендай сарвинозинга,
Ёш тўлгандир менинг жоду кўзима,
Қора зулфим ярашгандир юзима.




- Мендай ойим бўлиб сизга кўп маҳтал,
Билмам, кўнглингда нима гапинг бор,
Ҳар на ўйлаганинг бўлса, айта кўр,
Зиндондан чиқарсам, нима бўласан?
Обод бўлар муна ўсган элатим,
Сенинг билан бўлар менинг суҳбатим,
9080 Қаддингдан айланай, лочин бекзодим,
Зиндондан чиқарсам, нима бўласан?
Назар солиб соғу сўлга,
Гап бўлмайик Қалмоқ элга,
Йўкса бизнинг билан бирга,
Даврон сурсак ўсган элга,
Зиндондан чиқарсам, нима бўласан?

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш ҳам бир сўз деб турган экан:

- Сен сўрадинг, мен ҳам жавоб берайин,
Қайта бошдан вақтинг хушлаб кўрайин,
Икковимизни кўшса қодир худойим,
9090 Ростин айтсам, сенинг эринг бўлайин.
Ўйнаб-кулиб юрсак сайили чорвоққа,
Гоҳи олчи бўлсак, гоҳларда чикка,
Олиб борсак сени эл билан халққа,
Сенга йўлдош, мен ҳам эринг бўлайин.
Кеча-кундуз бўлай сенинг улфатинг,
Кетсин бошдан сенинг ғаму кулфатинг.
Зиндондан чиқарсанг, бирга бўлармиз,
Жаҳонни сайил этиб ўйнаб-қулармиз,
9100 Душман кўрсак қамсаб бошин олармиз,
Ғанимларга қаттиқ кунлар солармиз.
Дилбар, қилган хизматингни кўрармиз,
Неча кун қалмоқда даврон сурармиз.
Навода сен хизматингни аяма,
Менинг сўзим сира қиёмга олма,
Энанг билан бул отангга билдирма.
Отанг билиб қаттиқ зулм қилмасин,
Қилган хизматларинг зое бўлмасин,
Чоҳ тубида мендай хонинг ўлмасин,
Қандай бўлса, отанг жоҳил билмасин.
9110 Таг остидан бўлиб юргин хизматкор,
Биз зиндондан чиксак, кўнглинг топилар,






Майдон бўлса, бедов отлар чопилар,
Чопиб келса, бахмал жуллар ёпилар,
Ошиқиб иш қилмоқ бунда недаркор,
Ошиқмагин, ҳар нарсанинг вақти бор,
Албатта, гул юзли, бўлгин хизматкор.
Бундай деб айтди, деб ҳаё қилмагин,
Сен ҳам сира лодон кўнглинг бўлмагин,
Бу сўзимни сен ҳам оғир олмагин,
9120 Зиндондан чиқарсанг, эринг бўламан.

Товка ойим бу сўзни эшитиб қайтди, канизларининг олдига етди.
Канизлар билан маслаҳат қилиб, тўрт одамни мардикор солиб, ўзининг
ўтирган ўрдасидан лаҳим қаздириб, бу сўзларни айтиб, ернинг ости билан
зиндонга туширмакчин бўлди:

Мардикорга бу сўзларни айтади,
Тўрттовини ишга солиб ётади.
Товканинг ошиқлик феъли озади,
Бу тўрт одам тинмай лаҳим қазади.
Товка ойимнинг айтганини қилади,
Тупроғини билдирмай тўкиб келади,
Алпомиш деб шул меҳнатни қилади,
Қазган ғорда одам тикка юради,
Мардикорга кўп сўз тайин қилади:
9130 – Хазон урмай боғда гуллар сўлмасин,
Пинҳон сақла, ҳеч бир одам билмасин,
Тупроқ тўксанг, ҳеч бир жонзот кўрмасин.
Одам билмас ерга тўкиб келинглар,
Бу ишимни эл одами билмасин,
Билиб бу сўзимни айб қилмасин.
Ҳар на деб сўйласам, они қилинглар,
Хизматига ишлаб ҳақни олинглар,
Нима десам айтганимни қилинглар,
Билдирмай, бул ишни пинҳон қилинглар,
9140 Сўзинг бўлса менга айтиб туринглар,
Шул ишимни ўрин қилиб беринглар.
Бу сўзни тайинлаб Товка қайтади,
Тўрт мардикор лаҳим қазиб ётади,
Зиндонга тўғрилаб қазиб кетади.
Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,



- Шаҳар халки бул ишлардан беҳабар,
Тинмай ишлаб ётир тўртта мардикор,
Товка ойим устидан бўлиб хабардор,
Иш бошқариб кетар бунда канизлар,
9150 Канизларга тайин қилган бу дилбар,
Ҳеч кима сирини айламас қирқинлар.
Хизматкорни қўймай ишга солади,
Нима керак бўлса мавжуд қилади,
Тўртгови ишлайди пулнинг ишқида.
Нима даркор бўлса Товка берсин, деб,
Товканинг бу иши ўрин бўлсин, деб,
Халқ одами ҳеч ким билмай қолсин, деб,
Товка ойим биздан рози бўлсин, деб.
Ҳеч ким билмас бунинг қилган ишини,
9160 Пул билан ишлатган тўртта кишини,
Шундай ишни бош бўп Товка қилади,
Иркилмайин қазган ғорда юради,
Мардикорлар шундай ишлаб боради,
Товка ойим кўриб хурсанд бўлади,
Яхши хизмат қилиб пулни олади,
Хизмат қилиб булар казиб кетади,
Неча кун, неча ой бунда ўтади,
Энди мазмуни чоҳга яқин етади.
Бек Алпомиш чоҳда ётган тўради,
9170 Шунинг учун кўп меҳнат қилади,
Ишқибозлик шундай нарса бўлади.
Мардикорлар энди зиндонга етди,
Қилган хизматлари – ишлари битди,
Мардикорни олиб Товка ойим қайтди,
Кўнглида бор гапни уларга айтди:
– Бундан кетиб хаёлингни бўлманглар,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрманглар,
Узоқ яшаб, кўп йилгача ўлманглар.
Бу сирни бировга маълум қилманглар,
9180 Ёру дўстим, деб айтиб юрманглар,
Бировга айтиб кўп пушаймон қилманглар,
Эҳтиёт бўл, ҳеч ошкоро қилманглар,
Товканинг сўзини ҳазил билманглар,
Кўрсанглар ҳам ҳеч бир ишни кўрманглар,
Хуш келдинглар, энди йўлдан қолманглар.



- Бу сўзни айтиб хизматкорни жўнатди,
Ғорга қараб энди Товка ойим қайтди,
Ғор билан Товка ойим у юриб кетди,
Зиндондаги бекдан хабар олибди,
9190 Алпомиш қошига Товка борибди.
Шундай бўлди мунда Товканинг иши,
Хизмат қилар Товкадайн бувиши,
Бу ғорга сиғмайди шунқорнинг боши.
Чиқарсам деб Товка умид қилади,
Ўзи тугул бекнинг боши сиғмайди.
Балки Товка кўнгли норизо бўлади,
Алпомиш бўйнига кўлин солади.
Ҳар куни бир марта бунда келади,
Алпомиш ҳам руҳбозлик қип туради,
9200 Товка неча ишни умид қилади,
Бунинг кўнглидаги ишин қилмади.
Қандай бўлса вақтин хушлаб туради,
Товка жуда югуриб хизмат қилади,
Нима топса бекка олиб келади,
Шундай бўлиб хабар олиб юради.
Товканинг ишини қизлар билади,
Ғорнинг оғзи ул ўрдада бўлади,
Билдирмай устидан хаспўш қилади.
Ул куни Товка ойим зиндонда эди,
9210 Сурхайл кампир бунда келиб қолади,
Қалмоқ юртда бу белгили балоди[r],
Барча қизлар бул ўрнидан туради,
Бу кампирни юқори ўтинг қилади.
Кампир билиб бу замон тўрға ўтди,
Кампир билмай энди хаспўшга етди,
Англамай хаспўшни босиб олибди,
Хаспўш ўйилиб кампир юмалаб қолибди,
Кампир билмас не аломат бўлибди,
Анча йўлга у юмалаб борибди.
9220 Ҳеч билмайди, бу гап қандай бўлибди,
Ўзини ўнгғариб ғорман юрибди,
Бу кампир ҳам у зиндонга борибди.
Алпомишман Товка ойимни кўрибди,
Энди кампир бир сўз айтиб турибди,
Товка қилганини энди билибди.



- 9230 Айтган сўзнинг поёмини билгин-чи,
Ғар бўлибсан, Товка болам, ўлгин-чи.
Устинга кийганинг яшил, кўкмиди,
Мундай кунда сенга кўнгил тўқмиди,
Ўз юртингда бундай банди йўқмиди?!
Сен эшитгин мендай момонг сўзини,
Тубан қипсан бек отангнинг юзини,
Бандиларман кўрдим шоҳнинг қизини,
Ғар бўлибсан, Товка болам, ўлгин-чи.
Бошдин тожи, кўлдан бериб давлатди,
Зиндонда бандиман қуриб суҳбатди,
Мундай ишлар, болам, сенга уятди[р].
Бир бандига бундай интиқ бўлибсан,
9240 Ўрдангдан ғор қазиб, бунда келибсан,
Алпомишман суҳбат қуриб турибсан,
Билдим, болам, киймир жалаб бўлибсан,
Элда йўқ расмни сен ҳам қилибсан,
Мен айтайин, сен жувормак, ўлибсан,
Ғар бўлибсан, Товка болам, ўлгин-чи.

- 9250 Бу сўзларни айтди Сурхайил мастон,
Бул ишдан хабардор бўп бу замон,
Алпомишга энди бу кампир душман,
Кампир билди деб Товка қилди пушаймон,
Душман билди, энди иш бўлди ёмон.
Давлатли хон Сурхайилни кўради,
Ғор оғзида у гапириб туради.
Сурхайил мастонга бермай деб омон,
Ушласам солай деб охири замон,
Чирпиниб интилди унга бу замон.
Бўлмади Ҳакимнинг айтган бу иши,
Бу ғорга сиғмади шунқорнинг боши,
Қошида бор Товка ойдаи бувиши.
Ушла деди, Товка ойимни буюрди,
9260 Бурилиб қочади Сурхайил айёр,
Қувиб бораётир Товка зулфакдор,
Ушла, деб чирпиниб турар бу номдор,
Букилиб ирғиди Сурхайил айёр,



- 9270 Ёш-да, кувиб етиб олди гажакдор.
Ойдаи Товка етиб кўнглин хушлади,
Икки қўллаб этагидан ушлади,
Зўр айёрдир жуда силкиб ташлади.
Товка ойим ўтириб бунда қолади,
Кўйлагидан бир эн юлиб олади,
Кампирнинг қорасин кўрмай қолади.
Бу Сурхайил омон-эсон кутулиб,
Шу замонда ғордан чикиб боради.
Бир ўлимдан кутулдим, деб жўнади,
Сурхайилни қиркин қизлар кўради,
Ҳаммалари кўркиб четда туради,
Қарамай Сурхайил ўтиб боради.
Орт-сиртидан қиркин қизлар кўради,
Кўйлаги юлиниб кетиб боради,
Кўп канизлар – бари хайрон қолади,
“Қурғур айёр бир балони қилади”,
9280 Бурилмайин кампир кетиб боради.
Бу зиндонда бўлган ишни билади,
Ҳар на гап бўлганин ўйлаб юради,
Қалмоқшоҳга кампир бориб қолади.

Шоҳнинг қошига бориб, кампирнинг гапириб турган сўзи:

- 9290 Армон билан ўлдим ғаминг е, деди,
Қаддингдан, подшоҳим, берман ке, деди,
Кўрганини Қалмоқшоҳга не, деди.
Шоҳим, эшит менинг айтган сўзимни,
Тубан қилган элда сенинг юзингни,
Алпомишман кўриб келдим қизингни,
Куёвлисан, шоҳим, бергин суюнчи,
Ҳазил билма менинг айтган сўзимни,
Тийиб ололмадинг Товка қизингни,
Ўлдираёзди-ку менинг ўзимни,
Жалаб билдим сенинг Товка қизингни.
Ҳар кун бориб курадикан суҳбатди,
Бундай ишлар, шоҳим, сенга уятди[р].
Бу сўзимни хўп бир ўйлаб кўрсанг-чи,
Ҳар на айтган поёмимни билсанг-чи,
Куёвлисан, шоҳим, бергин суюнчи.
9300 Муна элда қизинг бежой бўлибди,



9310


Ўрдасидан лаҳим қазиб борибди,
 Жуда ҳам қизингнинг ақлин олибди,
 Иккови зиндонда бирга турибди,
 Бандининг ишига қизинг толибди[r],
 Эл кулдириб, ёмон ишни қилибди.
 Ҳеч замонда шундай ишлар бўлами,
 Шохнинг кизи бандини тенг кўрами,
 Эси бўлса, банди билан юрами?!
 Элда, шоҳим, қизинг шундай иш қилар,
 Подшолар шаънига бу иш недаркор,
 Шундай иш қилибди қизинг муштипар,
 Омон-эсон кўриб келдим муқаррар.
 Сендан ўзга одам бўлса бу ишга,
 Раҳм қилмай бундай қизни ўлдирар.
 Ўзинг билиб сен бир ишни қилгин-чи,
 Кўриб келдим, куёвлисан, суюнчи.

Шунда бу сўзни эшитиб, Қалмоқшоҳ туриб айтди: – “Ўзингдан чеккан балога, қайга борарсан давога”. Товка бориб уйтиб юрса, сен бизга Алпомишни маст қилиб бермадинг, бир балони маст қилиб бердинг, чериб ўлиб кетади, деб зиндонга солдинг, ҳаммага ҳам ташвиш бердинг, шу ишларни бекор қилдинг. Бундан чиқади, бул ўлмайди экан.

Сурхайил мастон туриб айтди: – Сен подшосан, сен нима қиламан десанг, ҳукминг етади, беш юз аравани қўшсанг, Зил тоғига буюрсанг. тош юклаб келса, Алпомишнинг зиндонини тош билан кўмса, устидан тош босар, ҳар ёғидан ер қисар, шунда ўлмаса, бул ўлмайди экан, – деди. Бу сўзни эшитиб, Қалмоқшоҳга маъқул тушиб, беш юз аравани тошга жўнатди. Товка бу хабарни билиб, аравакашларнинг олдига чиқиб, бу сўзларни айтиб турибди:

9320

Чечанни сўйлатган қизил тил бўлсин,
 Сенга айтган менинг сўзим шул бўлсин,
 Душманнинг шавкати келиб эл бўлсин,
 Баринг бирдай отинг қўшиб борасан,
 Ҳалак бўлган қариндошим, йўл бўлсин?
 Ҳали ҳам қайтинглар, бундай қилманглар,
 Мени десанг, тоққа-тошга борманглар,
 Сурхайилнинг етагига юрманглар.
 Хизматкорсан, кўп ишлардан беҳабар,
 Зил тоғида бордир битта айдахор,




- 9330 Борсанг, айдахорга бўларсан дучор,
Қайтгин энди тоққа-тошга борманглар.
Айдахор дамига дучор бўлманглар,
Ўз жонингга бекор жабр қилманглар.
Сен борсанг, айдахор ютар ўзингни,
Қайтиб кўролмайсан улу қизингни.
Менинг айтган сўзим ҳазил билмагин,
Ҳали ҳам қайтиб, ўзингни ҳалак қилмагин,
Сен бола-чақангни кўрмай ўлмагин,
Баринг тўп бўп чувлаб йўлга кирмагин,
Қариндошлар, билмадинг-ку ишингни,
Эгам гангитдими сенинг бошингни,
Тоғдаги айдахор ейди гўшингни,
9340 Кўролмайсан элда денги-дўшингни.
Айдахордир, ул ишқирган зўрабор,
Тортганда кетади дамига тоғлар,
Шундай зўрга бориб бўлмагин дучор,
Қайтгин энди сенинг нима жонинг бор,
Бекор бориб унда ўлмак недаркор?!
Сурхайил сўзиман кетиб борасан,
Борсанг келмай, Зил тоғида қоласан,
Баринг бирдай якка мозор бўласан,
Бола-чақанг ебир-есир қиласан,
9350 Ҳали ҳам қайт, икки бошдан ўласан,
Бундан борсанг, кўп пушаймон қиласан,
Ўз бошингни қутқаролмай қоласан,
Қайт энди, беҳуда ғариб ўласан.

Бу сўзни эшитиб, аравакашлар ҳам бир сўз айтиб турган экан:




- 9360 Бизлар Сурхайилни нима биламиз,
Шох буюрди, бизлар қандай қиламиз,
Қалмоқшоҳнинг хизматкори бўламиз,
Ажал етса, армон билан ўламиз,
Қайтолмаймиз, ҳар гап бўлса борамиз,
Бу тақдирда не ёзилган кўрамиз,
9360 Агар қайтсак, Қалмоқшоҳдан ўламиз.
Шох сўзини биз мухтасар биламиз,
Қайтарма, ўлсак ҳам бизлар борамиз,
Азали тақдирга нимиш қиламиз.

- 
- Отга солиб арпа билан ийирди,
Қор ёққанда карвон солар чийирди,
Зил тоғига шоҳим бизни буюрди.
Беш юз киши анжом чоғлаб борамиз,
Қалмоқшоҳнинг айтганини қиламиз,
9370 Сенинг сўзинг билан қайтсак, ўламиз,
Қайда борсак, биз тутулиб қоламиз,
Қайтармагин, шоҳнинг қизи, борамиз,
Таваккални бир худойга қиламиз.
Устингга кийибсан гулгун қирмизи,
Шундай бўлди сенга хизматкор сўзи,
Бизни сен қайтарма, ул шоҳнинг қизи.
От ҳайдайик, Зил тоғига борайик,
Омин деса париштаю малоийк,
Сайил этиб дунёни бизлар кўрайик,
9380 Нима бўлса, бизлар бориб-келайик.
Қайтармагин, бизлар тоғда юрамиз,
Қалмоқшоҳ сўзини ўрин қиламиз,
Бизлар қайтсак, қандай шоҳга борамиз,
Айдаҳор йўликса, қандай қиламиз.
Бир худога бизлар йиғлаб кўрамиз,
Қайтармагин, ажал етса ўламиз.

Бу сўз билан қайтмай, аравакашлар жўнаб кетди. Товка ойим буларни ўз кўзи билан кўриб, қайтиб зиндонга келиб, Алпомишга қараб, бу сўзни айтиб турган экан:

- Кўздан ёшим мунчок-мунчок тизилди,
Дийда гирён бўлиб бағрим эзилди,
Ёлғончи дунёдан ризқинг узилди,
9390 Сенга қараб менинг кўнглим бузилди.
Бошингдан кетгандир тожи давлатинг,
Ажал етиб, энди тўлди муҳлатинг,
Бир иш билиб қолмас менинг тоқатим,
Ғариблик элларда қолди жасатинг,
Кунба-кундан зиёд бўлди меҳнатинг.
Сенинг билан бирга Қўнғирот бормадим,
Чўринг бўлиб хизматингни қилмадим,
Ўз юртингга бориб даврон сурмадинг,
Мендай ойим билан ўйнаб-кулмадинг,



- 9400 Ҳозир бўлган ишни, хоним, билмадинг,
Ғарибликда ғариб ўлган, султоним!
Ғам билан сарғайди гулдайн дийдор,
Эли-халқинг сендай шохга интизор,
Бу қалмоқлар, билдим, сени ўлдирар,
Қавми-қариндошинг элда беҳабар.
Ғарибликда қазонг етиб боради,
Душман сенга қаттиқ азоб беради,
Йиғлай бергин умринг охир бўлади.
Дод деганда эшитмайди сўзингни,
Бадбахтлар тўрт қилар икки кўзингни,
9410 Сарғайтади бунда сенинг юзингни,
Ўлдирар бадбахтлар сенинг ўзингни.
Муштипарман, не иш келсин қўлимдан,
Армонда айрилдинг ўсган элингдан,
Армонман айрилдинг мендай гулингдан,
Умидингни узгин ширин жонингдан,
Тақдиринг бўлмади ўсган элингдан,
Сен бандисан, ҳеч иш келмас қўлингдан,
Ғарибликда ғариб ўлган, султоним!

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш: – Қалмоқлар бир зулм қиламан деганини эшитгансан, ул сабабдан бу сўзларни айтдинг сен, – деб бу сўзларни айтиб, тасалли бериб турибди:



- 9420 Худодан беамр ишлар бўлама,
Ажал етмай бунда чибин ўлама,
Ўлдирар отангнинг қўлидан келама,
Ўлар деб сен кўнглинг бўлиб жилама.
Хизматингга қурбон бул ширин жони,
Хафа бўп йиғлама, лодон, бемаъни,
Ажал етмай ўлмас Бойсиннинг хони,
Беамр чиқмайди чибиннинг жони,
Бизни ўлдиролмас қалмоқ султони,
Ҳозир бизга макон шохнинг зиндони,
Бу сўзингнинг йўқдир, дилбар, поёни.
9430 У қалмоқлар бир лопини ургандир,
Шундай қилармиз деб гапириб тургандир,
Айтган сўзин сендай ойим билгандир,
Ўлдиради деб ул кўнглингга келгандир,

- Қалмоқ сўзи сени диққат қилгандир,
 Қалмоқ ўлдиролмас мендай полвонди,
 Хаёлингга неча сўзлар келгандир,
 Душман сўзи сени дилтанг қилгандир,
 Ўлар деб ғам ема мендай ўғлонди,
 Худо қилганига рози бўлганди.
- 9440 Неча йиллар бу зиндонда турарман,
 Ўлмасам бир куни озод бўларман,
 Қалмоқларнинг тандан бошин юларман,
 Хафа бўлма, дилбар, шодмон қиларман.
 Бир чангғириб қалмоқдай юртинг,
 Зарбимдан титраса муна элатинг,
 Очилар бир куни ўлмасам бахтим.
 Эсга олдим ўсган мамлакатимни,
 Мен сўрайман миниб келган отимни.
- 9450 Етти йил зиндонда хор бўлган бошим,
 Ҳеч хабар билмади кавми-кардошим.
 Жилва қилар бу эсимда элатим,
 Етти йил зиндондир менинг муҳлатим,
 Қалмоқлар қўлида бормикан отим?
 Жонивор бор бўлса менинг қанотим,
 Борин билсам тоша келар ғайратим.
 Эшитгин, гул юзли, айтган додимни,
 Отанг ўлдирганми менинг отимни?
 Ёш тўлдирма, бунда жодугар кўзи,
 Банди бўп бормикан Бойчибор ўзи?
- 9460 Билсанг, хабар бергин, қалмоқнинг қизи.
 Тўтиё айларам изингни тавоф,
 Кўп ишларни қилдинг бизларга савоб,
 Сен билсанг, сўзима бергайсан жавоб.

Бу сўзни эшитиб, шоҳнинг қизи ҳам бир сўз айтиб турган экан:

- Кўрганим йўқ, хоним, ўсган юртингни,
 Нишонини айтай, билгин, отингни.
 Отамнинг қўлида бир от турибди,
 Оёғига темир парчин урибди,
 Ул бўйнига чўяндан ғул солибди,
 Душман дейишиб отга азоб берибди,
- 9470 Етти йилдан бери азоб кўрибди,
 Ётиб туролмайди, шундай бўлибди,



- Хафа бўлиб бошин ерга солибди,
Жуда ҳам жонивор ғамгин бўлибди,
Қалмоқ кўпи шундан ҳадик қилибди,
Ўзбакнинг оти деб бари юрибди,
Хоним, отинг шу Чибор от бўлади,
Шундай бандда азоб кўриб турибди.
Ҳеч бир одам уни парвариш қилмас,
Қараб ҳеч ким унинг кўнглини билмас,
9480 Ҳеч ким қараб унинг олдига бормас,
Ул азобдан, хоним, отинг қутулмас,
Билдим, унга ҳеч ким ему ўт бермас,
У банддан чикмоққа қуввати келмас.
Кўрдим ўзи ҳайвон экан зўрабор,
Қалмоқ юртда от бўлмайдди баробар,
Етти йилдан бери шундай бўп ўтар,
Азоб тортиб ётир отинг Бойчибор.
Кимники эканин нима биламан,
9490 Гузарим тушганда кўриб қоламан,
Кўрганимни, хоним, айтиб бераман.
Ўз юртингда сен ҳам бексан, тўрасан,
Етти йилдан бери азоб кўрасан.
Ўзинг қандай бўлсанг, отинг ҳам шундай,
Қалмоқлар қилганди отингни андай.
Шул фикрда ул жонивор туради,
Етти йилдан бери азоб кўради.


Шунда Алпомиш бу сўзни эшитиб, Товкага бу сўзни тайинлаб турган экан:



- 9500 У қалмоқлар мени банди қилгандир,
Маст қилиб қабоҳат кунлар солгандир,
Ўз отима судиратиб ургандир,
Олиб келиб чоҳ бошинда тургандир,
Чоҳга ташлаганин отим кўргандир,
У жонивор мени ўлди билгандир,
Менинг учун аза тутиб тургандир,
Ҳеч ким билмас аза тутган ҳайвонди!
Қулоқ сол, гул юзли, айтган тилима,
Исриқ нишон берай сенинг кўлинга,
Бориб тутат отим турган ерина,

- Исим борсин Бойчиборнинг бурнина.
Сўнгра менинг тириклигим билади,
9510 У отнинг зарбини қалмоқ кўради.
Айтганини бу Товкага беради.
Туриб Товка энди шундай йўл тортди,
Исирикни олиб таблага етди,
Қалмоқларга билдирмади, тутатди,
Тутаган бул ис бориб Чиборга етди,
Отнинг кўнгли анча равшан бўлибди.
Кўнглида Ҳакимбек келгандай бўлиб,
Ерга солган бошин баландга олиб,
Жониворнинг кўнгли равшан бўлади,
9520 Бу таблада дувлаб ҳайвон кишнади.
Ғулу занжир майда-майда бўлади,
Бу парчиндан ўзин озод қилади,
Бу шаҳардан кишнаб кетиб боради,
Мурод тепа қараб энди жўнади.
Қалмоқ кўриб бари ҳайрон қолади,
Ўзбак оти нега бундай қилади?
Чокдан бу от кутурди деб юради,
Жондан тўйган бунга дучор келади.
Қалмоқ бари ҳайрон бўлиб қолади,
9530 Ўрдасига Товка келиб туради,
Бу ишни қалмоқлар кимдан кўради?!
Бу безавон дувлаб кишнаб боради,
Зиндоннинг бошига бориб қолади.
Ҳаволаниб учган суксур шайланди,
Қалмоқлар ичига ғамлар жойланди,
Саросима бўлиб бари ўйланди,
Кўринг назаркарда бекнинг Чибори
Етти марта бу зиндонни айланди.
Бовирин паст қилиб шундай қаради,
9540 Чоҳ тубинда Ҳакимбекни кўради,
Бекни тирик эканини билади,
Қуйруғин кўтариб, ўйин қилади.
Назаркарда кўринг энди ҳайвонди,
Қанча азоб, ғамдан қутулиб келганди,
Ҳеч азобни кўрмагандай бўлганди[r].

Ҳакимбек отнинг келганини кўриб, азизларни шафе келтириб, бу
сўзни айтиб турган экан:




- Азамат мард эдим, бўлмайин ночор,
Дўстга зор айлама, душманларга хор,
Шоҳимардон, шоҳи Кавсар, йўл бошқар,
Алининг шогирди Бобои Қамбар,
9550 Али билан йўлдош Молики аждар,
Раҳмат дарё тошар ул файзи сахар,
Раҳматингдан мендай мискин умидвор,
Раҳмат дарёнг тоша тилар дарвишлар,
Садағанг бўлайин, имом, чилтонлар,
Раҳм айлаб ёр бўлинг ночор қулларга.
Дунёдан ўтдилар ўн икки Аҳмад,
Жону дилман қилди худога хизмат,
Садағанг бўлайин, Расул Муҳаммад,
9560 Отингдан айланай, Қозиюл ҳожот,
Ўлимнинг кечин бер, имонга кувват,
Аввал берган бош давлатинг – тансаҳат,
Шайтондан имонни сақланг саломат,
Ҳазрати Нўғой, Эр Бахшойиш, ё мадад,
Мазгилинг Ғазира шайхи Худойдод,
Мерганларнинг пири Жамшиду Аҳмад,
Раҳм айлаб, ёр бўлинг ночор қуллара.
Умматим денг, ё Муҳаммад Мустафо,
Бировларинг шери даргоҳ, Босафо,
Садағанг бўлайин канизи даргоҳ,
9570 Мазгилинг Машҳадда имоми Ризо.
Парпи ота мададкор, бир ҳиммат гузар,
Бунда мадад берса, Новқа, Боғмозор,
Оқтош тирғишлидир, бири Ёрмозор,
Ҳазрати Миркуллол, биридир Қўчқор,
Авлиё, анбиё, бўлинг мададкор,
Бу сўзни айтиб шунқор ҳожатин тилар,
Бир каромат айланг, азиз чилтонлар.
Тор зиндонда худо деди, жилади,
Кулоч ёйиб ҳожатини тилади.
9580 Холиксан, каримсан, қаҳрингдан қутқар,
Қодир обло, ўзингдадир ихтиёр,
Шоҳизинда, эр Дониёр, пайғамбар,
Хўжаи Зумрати, Хўжаи Аҳрор,
Бобо якка пирсиз, эр Хўжамозор,
Эшони сулики Сўфи Оллоёр.
Манчил билан Хўжа Исҳоқ, бўлинг ёр,





Қадамжойинг дейди Шахрисабз шаҳар,
 Садағанг бўлайин, Ҳазрати Лангар,
 Хўжа Юсуф Ҳамадоний, бўлинг ёр,
 9590 Хўжа Аҳмад, Башир, Хўжайи Чорчинор,
 Комил пирлар, бўлинг энди мададкор,
 Бир назар айласа азиз чилтанлар.
 Бу сўздайтиб Ҳаким ўғлон туради,
 Бунинг йиғлагани қабул бўлади,
 Жамъи азизларнинг руҳи келади,
 Чилтан келиб кўп тарбият қилади.
 Зиндон бўлганига етти йил ўтди,
 Энди олди бошдан ғаму кулфатди,
 Бекнинг оти бир ағанаб турибди,
 9600 Кўл очиб чилтанлар дуо қилибди,
 От қуйруғи боз кирқ қулоч бўлибди.
 От қуйруғин у зиндонга солибди
 Ҳакимбек белига бойлаб олибди.
 Жонивор зўр уриб шу замон тортди,
 Бойчиборга пирлар берди қувватди,
 Ҳакимбек у замон зиндондан чиқди.
 Дунёни кўргандай бўлиб қолади,
 Ҳакимбек отини тавоф қилади.
 Иккови айрилиб етти йил ўтган,
 9610 Устида абзали эскириб битган,
 Абзали бир-бирига қовиб ҳам кетган.
 Айил-пуштанини отнинг бўшатди,
 Тери, шилтасини энди ушатди.
 Яланғочлаб жониворни кашлабди,
 Қашлагани отга ёқиб қолибди,
 Ўқраниб бул айланиб турибди,
 От билан топишиб шукур қилибди,
 Қалмоқ халқи бул узокдан кўрибди,
 От олдинда кўрди, биров турибди.
 9620 Қалмоқлар ботмайди, бўйлаб каради,
 Боролмайди, бул узокдан кўради,
 Бир-биридан кўрдингми деб сўради.
 “От олдиндаги одамдай балодир,
 Мазмуни Алпомиш чиқиб қолади,
 Чикмаса, отнинг олдидаги ким бўлади?!”
 Қалмоқлар тўлигиб кўрқиб қолади,





- Шаҳарда тўплиғиб анча юради,
Кўрмаганга кўрган хабар беради,
Аравакаш яқин келиб қолади.
- 9630 Мехнат кўриб жуда азобни тортган,
Беш юз аравага тошини ортган,
Қичаб юриб бари йўлни тўзитган,
Яқинласа Алпомиш чиқиб ётган,
Кўрди шундай отини эгарлаётган.
Омон-эсон чиқибди шундай полвон.
Чоҳ бошида Алпомишни кўради,
Билса, Зил тоғида деган айдаҳор,
Зиндоннинг бошида пайдо бўлади.
Бирдан кўриб ғалжирашиб қолади,
- 9640 Отни ташлаб бари қочиб боради,
Қалмоқшоҳга бориб хабар бермакчун,
Айтар сўзин билолмайин боради.
От-арава чўлда қолиб кетади,
Пиёдалаб шоҳ қошига етади.
Энди ўлдик деди, шоҳга боради,
Қалмоқшоҳга булар хабар беради:
– Зиндондан Алпомиш чиқиб қолибди,
Кўрдик бизлар от эгарлаб турибди,
Аравакаш кўриб хабар берибди,
- 9650 Қалмоқ юрти ғалағул бўп юрибди.
Қарасанг, бир дамда келиб қолади,
Билгин, калмоқ, юртинг вайрон бўлади,
Айдаҳордан чўртга ёмон балоди[r],
Ҳаракат қил, ким баробар бўлади.
Уни кўриб келган биздай хизматкор,
Бевахм бўп турма, шохим, муқаррар.
Бу сўзни эшитиб қанча амалдор,
Карнай-сурнай бўлди юртига хабар,
Йиғилади шоҳдан инъом олганлар.
- 9660 Шоҳига айтар у зиндондан чиқибди,
Чиққанини халойиқлар кўрибди,
Кўрганлари келиб хабар берибди,
Қалмоқ шоҳи анжом тузаб турибди.
Шу замонда калмоқ подшо буюрди.
– Лашкар тузиб энди йўлга солинглар,
Бу шаҳарнинг атрофини олинглар.
Сиёсатман кейинга қайтаринглар,



- Келса қайтмай туриб уруш қилинглар,
Қолмай, лашкар, энди равон бўлинглар,
9670 Менинг амрим тутиб бундан боринглар,
Ўзи кетсин, юртни кўриб туринглар.
Бу сўзларни айтди қалмоқнинг шоҳи,
Отланди анжомдор қанча сипоҳи.
Қалмоқ юртга шу овоза бўлади,
Байдоқ-байдоқ лашкар чиқиб жўнади.
Намойишга карнай тортиб,
Сиёсатга тўплар ортиб,
Шаҳарларни гумбурлатиб,
Қалмоқ лашкари жўнади.
9680 Бари қалмоқ кўнглин бузиб,
Ҳар тарафга нома ёзиб,
Жўнади қалмоқ жам бўлиб,
Ҳар кўча аскарга тўлиб.
Жўнаётир баланд-пастда,
Саф-саф бўлган, даста-даста,
Хабар бўлиб чапараста.
Отли лашкар илгарида,
Пиёда аскар кейинида.
Ўнгу сўлни лашкар опти,
9690 Бу шаҳардан чиқиб бўпти.
Кейин қулоғига теккан,
Сўғин келиб кўшиляпти.
Ҳали келган йўқ-ку ботир,
Лашкар кўниб, тикиб чотир.
Саф-саф бўлиб лашкар турди,
Шаҳар қўримокчин бўлди.

Алпомишни кўриб, Алпомиш ҳам бу лашкарни билиб, ёв-яроғини
илми каромат билан чилтонлар бериб, уруш-яроғини ғамлаб, отланиб,
қалмоқларнинг устига бу сўзларни айтиб кела берди:

- Икки дунёда раҳбарим,
Марди майдоним, ё Али,
Изларам сиздан шафоат,
9700 Чобуксуворим, ё Али.
Йигит пири Шохимардон,
Мадад берса шери Яздон,
Тиларман қодир худодан,



- Бу майдонда бергин омон.
Очилгайми менинг бахтим,
Бузарман қалмоқлар рахтин,
Сенинг чикқан тожу тахтинг,
Ё сеники, ё меники.
9710 Йўқдир, қалмоқ пойимларинг,
Кўп юракда войимларинг,
Ўрдадаги ойимларинг,
Ё сеники, ё меники.
Хафа фалак солма зулм,
Бемаҳал етмасин ўлим,
Сўраб ётган катта элинг,
Ё сеники, ё меники.
Кўрганда қолмас тоқатим,
Кўп бўлди менинг меҳнатим,
9720 Сўраб ётган сенинг юртинг,
Ё сеники, ё меники.
Бек Ҳаким зиндон бўлади,
Эгам бизни куткаради,
Майдонда кимлар ўлади,
Бу савашда ким қолади,
Қолган бу ишни кўради.
Ғамингни егин, қалмоқлар,
Юртинг ўртада қолади.
Бу сўзларни айтиб қайсар,
Саф-саф бўп турди қалмоқлар,
9730 Бедов отга қамчи уриб,
От кўйди шундай айдахор.
Ярашиққа тикиб чотир,
Ёлғиз от кўйгандир ботир,
Хитойчалар патир-путур,
Отилиб майдон ичинда.
Кўрганларнинг ақли элтиб.
Боз кўрсам деб бўлиб интик.
Бу майдонда қора милтик,
Отилиб майдон ичинда.
9740 Бедовга заррин айиллар,
Бу ишга душман қойиллар,
Шобғон милтик, жазойиллар,
Тўп бузар майдон ичинда.



- От чопади алвон-алвон,
Бандам деса қодир мавлон,
Шундай қилиб бек Ҳакимхон,
Қон тўкар майдон ичинда.
Қилич келиб алаб-алаб,
Олтин коса гулгун шароб,
9750 Ичилик майдон ичинда.
Бу майдонда бедов отлар,
Айдаҳордай катта тўплар,
Ишқирар майдон ичинда.
Бир-бирига келиб ғолиб,
Ботир уришмоққа толиб,
Ҳаким ёлғиз уруш қилиб,
Чиққан зиндондан қутулиб.
Кўринг бундай валломатди,
Мингандир Бойчибор отди,
9760 Ҳаким бекдир, тикка чопса
Оғир сафни узиб кетди.
Нечовга солиб қиличди,
Чапараста кесиб бошди,
Ёлғизман деб қараб турмас,
Алпомиш танҳо савашди.
Бир нечанинг ақли шошди,
Ота боладан адашди,
Кўп қалмоқ билан уришди.
Заҳмат ўтиб жондан кечган,
9770 Қиличидан қонни сочган,
Кўп қалмоқ билан санчишган,
Ўликларга ғажир тушган,
Қалмоқ билан кўп суришган,
Ёлғиз юрибди Ҳакимхон,
Ён-ёғида кўпдир душман,
Сира парво қилмас султон,
Бермасман дейдику омон.
Қалмоқ келар тўғиб босиб,
Қайтмас майдонда савашиб,
9780 Мард йигит дарёдай тошиб,
Бир нечанинг ақли шошиб.
Қайтма дейди қалмоқ бари,
Ўртага олар чувуллашиб,




- 9790 Қайтмай саваш қилинг, дейди,
От кўя бер баринг, дейди,
Агар қайтсанг шўринг, дейди,
Ўласан бунда баринг, дейди.
Сўз айтиб қалмоқнинг шойи,
Ажаб қирғин бўлди жойи.
Илгариди соп ботирлар,
Совут-қалкон кийган қайсар,
Уруш майдонин ахтариб,
Булар бекка дучор бўлар.
Кўринг Алпомиш ишини,
Қандай ботир чиқиб қолса,
Қўймай кесади бошини.
От остида қалла қолди,
Балки қалмоқ ўлжа бўлди,
Қора ерга қон тўкилди,
9800 Қалмоқлар ўйланиб қолди,
Ўнгу сўлни туман олди.

- Билмаймиз бу қандай кунди[р],
Омон қолмоқ гумон бўлди,
Бизга охир замон бўлди,
Ёлғиз ўзбак ёмон бўлди,
Танҳо солди бу қирғинди.
Ёлғиз, кўп лашкардан қайтмас,
Бунга ўтмас тиғу олмос.
9810 Ҳеч парво қилмайди шағалмас[т],
Ҳеч одам баробар келмас,
Адо қилмай сира қўймас,
Баримизни қирмай тинмас.



- Шуйтиб титрайди кўп душман,
Ҳар дара ўликка тўлган,
Бу орага қон тўкилган,
Қон билан қорилиб қолган,
Қайтмай Ҳақим килиб майдон.
Кесилди душманнинг боши,
Сел бўлди қалмоқ кўз ёши,
9820 Шулдир Ҳақимбекнинг иши.
Қалмоқ кўпдир, тоб беролмас,



- Бунга рўбарў келолмас,
 Қўлида бор кескир олмос,
 Сермаганда жон кутулмас.
 Нечовларин чопиб ўтди,
 Қалмоқ юртини бўзлатди,
 Бундай юртни изиллатди,
 Жуда қалмоқни қўрқитди,
 Ушлаганин беркитди,
 9830 Ҳаким шундай чопиб ўтди, 0780
 Нечовлар ярадор ётди,
 Бир хили бўлиниб кетди.
 Майдон бўлса қўнглин хушлар,
 Қўлида ўткир қиличлар,
 Ғанимнинг сирини фошлар,
 Шундай бўлди бу урушлар.
 От қўйишар якка-якка,
 Тутуни чиқиб фалакка,
 Сигиниб карим самадга,
 9840 Танҳо чопар кўп қалмоқка. 0880
 Ҳар тарафдан қамсаб келар,
 Келганига қилич солар,
 Қанчасини олдига солиб,
 Етганининг бошини олар,
 Қочиб-кувиб уруш қилар,
 Бунда ажаб қирғин бўлар.
 Неча вақтлар уруш бўлди,
 Жуда майдон туруш бўлди,
 Ботирларга хўб иш бўлди,
 9850 Кўринг бундаин полвонди, 0980
 Сулатгандир неча танди,
 Қалмоқларни тўплаб олди,
 Кўп қалмоқлар қочиб берди.
 Тоб бермас сиёсатига,
 Токат қилиб туролмайди,
 Ҳакимбекнинг ғайратига.
 Қочиб бораётир шошиб,
 Шошгандан бир-бирин босиб,
 Кейин қолсак ўлдик, дейишиб,
 9860 Бир балога қолдик, дейишиб, 0090
 Қочкинчи шаҳар борди.





- Дўкондорлар анг-танг қолди,
Олд-ортига қарамайин,
Қочкинчилар ўта берди,
Бир нечалар сўраб қолди,
“Урушларинг қандай бўлди?”
Бир нечалар жавоб айтиб,
“Биздайин қочган қутулди,
Кейин қолган бари ўлди.
9870 Қарамай йиккин дўконди,
Тоза қувиб келиб қолди”.
Кўринг энди Қалмоқ юртди,
Бир тўполон бўлиб қолди,
Қочкинчига шаҳар ичи,
Қолмай кўча тўлиб қолди.
Айтганидай қайсар Ҳаким
Ортин тўплаб келиб қолди,
Қочганини солиб қолди,
9880 Теккан қалмоқ ўлиб қолди,
Жазосини кўриб қолди.
Қўлда қилич яланғочди [р],
Шаҳарга яқин етишди,
Тағин келиб қалмоқ билан
Шаҳар ичра аралашди.
Ошиқ фаҳми окшом кеча,
Ҳолин билмайди бир неча,
Қонга тўлди ҳар бир кўча,
Бек Алпомишнинг зарбидан
Қолмади расталарда косиббачча.
9890 Тош кўрмаган гоҳ кўчалар,
Тош ўрнига бош кўргандир,
Сув кўрмаган гоҳ кўчалар,
Сув ўрнига қон кўргандир.
Ўлик айқошиб қолгандир,
Ададсиз қалмоқ ўлгандир,
Жуда ҳам тўплаб қиргандир,
Ачиниб бунда келгандир,
Етти йил азоб кўргандир,
Шуйтиб ўчини олгандир.
9900 Ўлдирганди кўринганди,
Чорси, регистон борганди,




- Мурдалар каш-каш бўлганди [p].
Қилиб майдонда хурушни,
Кўрсатади шундай ишни,
Қайтмайин қилиб урушни.
Майдонда ирғитди отди,
Кўп қалмоқни изиллатди,
Ёвга отини қаратди,
Раббим деди, қилич тортди,
9910 Аламларни кесиб ўтди,
Неча туғларни йикитди,
Қалмоққа ишни кўрсатди,
Юрак-бағрини доғлатди,
Хотин-қизини изиллатди,
Зўрлигин полвон кўрсатди.
Кулок сонг бекнинг тилига,
Душман чиқолмас йўлига,
Оралайди қайсардай бўп
Бунда қалмоқнинг элига.
9920 Қалмоқлар қолмасин билди,
Адади йўк, қийраб қолди,
Шундай ўсал ўйин бўлди.
Сурхайил йўлиқиб қолди,
Эна, деди бу бек Ҳаким,
У айёрни ушлаб олди.
Неча сўзни ундан сўрди,
Ўларини кампир билди,
Гапирмакка тили бўлмади,
Ияги шақирлаб қолди.
9930 Қилич билан бошга солди,
Уриб икки бўлак қилди,
Шоҳнинг дарвозасига илди,
Ҳаким шунча қирғин қилди,
Алпларнинг авлодидан,
Регистонга биров келди.
Отини ўйнатиб турди.
– Ўзбак, шундай қиласанми,
Сен ҳаммани қирасанми,
Кўяр деб ҳам индамасам,
9940 Сира кетмай юрасанми?!
Анқа полвон дейди мени,



- Жазонгни берарман сени,
Мен алшларнинг авлодиман,
Сенга бермасман-ку омон,
Мен энди майдонга келдим,
Кутулиб кетмагинг гумон.
Ўлмай туриб илгаридан,
Кета берсанг бўйми сен ҳам
Чикиб қалмоқнинг элидан,
9950 Кутулмоғинг мушкул бўлди
Анқа полвоннинг кўлидан.
Бу сўзни эшитди Ҳакимхон,
Яқинлаб борди шу замон.
– Нима дейсан аҳмоқ душман?
Тентак бўп чикдинг элингдан,
Ҳеч иш келмайди кўлингдан.
Бек Алпомиш дейди мени,
Ким тентак қип юборди сени.
9960 Ҳолинг билиб жўн юрмаган,
Умрида майдон кўрмаган,
Ўз ўйинда лофчи бўлиб,
Сен бачағар эл кулдирган.
Жондан кечсанг, мана майдон,
От чачасидан кизил қон,
Армон билан ўлдинг душман,
Хоҳи юр, хоҳи пушаймон.
Ботирман деб элда юрган,
Кўчада одам кулдирган,
9970 Ботирсан сен, тентак қилган,
Ўлар вақтинг яқин келган,
Ажал сени шердил қилган,
Шуйтиб сен майдонга келган.
Бу сўзни айтди Ҳакимхон,
Сўз айтади қалмоқ душман:
– Ўзбак, сендан кам эмасман,
Сира дамингни емасман,
Мен сени одам демасман,
9980 Ҳолинг билгин, кетгин, ўзбак,
Мен сенга омон бермасман,
Ўлдирмай сира кўймасман.
Ўз юртингни кўролмассан,





- Мендан омон қололмассан,
 Аввалдан индамай турдим,
 Қоражон дўстисан билдим,
 Шуйтиб сени хурмат қилдим.
 Бекор кўп одамни кирдинг,
 Ҳолинг билиб кетгин, ўзбак,
 Бу Анқага дучор бўлдинг,
 Қочмасанг, бил, тайин ўлдинг.
- 9990 Бу сўзни айтди Анқа полвон,
 Сўзига кулди Ҳақимхон,
 Бойчиборга камчи уриб,
 Қошига борди ул замон.
 Анқа отга камчи чатди,
 Калтак билан солиб ўтди,
 Ҳақимга кор қилмай кетди.
 Суғуриб кескир пўлатди,
 Отни қимсиб сермаб ўтди,
 Онинг бошин олиб кетди,
- 10000 Анқа полвонни сулатди,
 Дўстаман бўп ерда ётди,
 Бир лоф билан ўлиб кетди.
 Кўп ўлгандир қалмоқ гачча,
 Ҳолин билмай ўлди неча.
 Нечовлар майдонда турди,
 Қиличнинг дамида ўлди,
 Қалмоқ шоҳи яқин келди.
 Тойчи қалмоқ юриш қилди,
 Ўзи тушиб уруш қилди,
- 10010 Ботирлари гирдин олди,
 Бир-бирига найза солди.
 Неча найза ғорат берди,
 Шундай ажаб уруш бўлди.
 Қалмоқшоҳнинг билмаганин билдирди,
 Қалмоқнинг шоҳини Ҳақим ўлдирди,
 Қолганини айтганига кўндирди.

Бек Алпомиш Қалмоқшоҳни ўлдириб, қалмоқларнинг захрасини олиб, сиёсат қилиб юриб эди. Бир ерда Кайкубод йўлиқиб қолди: — Кайкубод, сен зиндонда бизга кўп хизмат қилдинг. Қалмоқшоҳни ўлдирдим, шу юртга сени подшоҳ қилиб, Қалмоқшоҳнинг қизи Товкани сенга олиб бериб кетаман. Қалмоқлардан давлат қайтди, навбат бизга



етди. Сенинг ўлдирганинг ўрол, сўйганинг халол. Қалмоқларнинг кўзича сен мендан зўр бўлгин, қандай сиёсат қилиб гапирсанг, мен кўнглимга оғир олмайман, – деди.

Бу сўзни айтиб, қалмоқларни замлаб турди, билмаган киши бўлиб, таёғини судраб, Кайкубод бориб қолди. Буларнинг ваъдасидан қалмоқларнинг хабари йўқ эди. Кайкубод сиёсат қилиб, Ҳакимбекка қараб, бир сўзни айтиб турибди:

10020 Ёш ўғлонсан, сенинг ишларинг бекор,
Қалмоқшоҳ нимага бўлди гуноҳкор,
Армон билан ўлган қанча қалмоқлар,
Ҳар билагим енгга сиғмас, зўрабор,
Менинг билан ҳеч ким бўлмас баробар,
Мунча ғавғо бир ўзингга не даркор?!
Ёлғизсан-ку, қиладиган ишим бор.
Кайкубоднинг айтган сўзи бул бўлар,
Аччиғлансам мен қиларман ишингни,
Танимайсан мендайғаччок кишингни,
Таёқ билан қилайинми ишингни?!
Шундай қилиб ётир энди сиёсат,
Билса ҳам билмамиш бўлди валломат.


10030 Гапига қалмоқлар ҳайрон қолади,
“Шўрли чўпон нега бундай қилади,
Бир урса бу бойқиш тайин ўлади,
Ҳолин билмай сиёсат қип келади”.
Кўтарилиб Кайкубод дўклаб туради:
Одамман деб ўз бошингга юрибсан,
Одамингга йўлиқмай маст бўлибсан.
Бу сўзларни айтар Кайкубод ночор,
Нима гуноҳ сенга қилди қалмоқлар.
Тўкибсан кўзидан селоб ёшини,

10040 Сен кесибсан Қалмоқшоҳнинг бошини,
Сулайтиб талайнинг гавда-лошини,
Сен кўргин-да мендай чўпон ишини.
Аччиғлансам билганимдай қиларман,
Отингни олиб сени бойлаб оларман,
Ўлмай кетгин, сенинг ишинг қиларман.
Қалмоқнинг юртида сенга нима бор,
Сенга жуда ҳазил бўпти қалмоқлар,
Янги хабар билиб келди мендай зўрабор,
Яхшиликман айтган сўзим шул бўлар.

10050 Кайкубод сенинг холинг билади,
Ёлғиз дейди, жомбослигинг қилади,
Бўлмаса қўлингдан нима келади,
Бу Кайкубод каттиқ кунни солади.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш Кайкубодга бир сўз айтиб турган экан:

Мунча ҳам қилмагин менга сиёсат,
Сени кўриб қолмас танимда тоқат,
Зўрлигинг оламга машхур, Кайкубод,
Сенинг зўрлигингни қалмоқ билмади,
Билиб сени бунда писанд қилмади.
10060 Сенинг зўрлигингни ўзим биламан,
Зўрлигингга қойил бўлган тўраман,
Сени орқа қилиб бунда юраман,
Орт-сиртингдан кўп химоят қиламан,
Бу хизматни сеники деб тураман.
Нима деб зарб қилсанг, мен ҳам кўнайин,
Зўрлигингга сенинг қойил бўлайин,
Нима десанг, айтганингни қилайин,
Шоҳ қизи Товкани олиб берайин,
Шул шаҳрига сени подшо қилайин,
10070 Мен ҳам сенинг хизматингда турайин.
Ғанимни ўртайди бул сиёсатинг,
Ҳар кимча бор бул Кайкубод ғайратинг.
Шомиён қайтариб, дўқлаб келасан,
Аччиғлансанг тоғни талқон қиласан,
Сиёсатман бежой дўқлаб келасан.
Бу сўзларни айтиб турган валломат,
Қалмоқлар устида неча аломат,
Бу сўздайтиб тури номдор Кайкубод:
– Ёш ўғлонсан, сен ҳам мени биласан,
Ўзингни сен менга яқин қиласан.
10080 Сенинг сўзинг қулоғимга олайин,
Товка ойимни дарров оп бер, кўрайин,
Бўлмаса мен билганимдай қилайин,
Ҳозир сенга омон бериб турайин,
Қанча қалмоқларни нобуд қилибсан,
Қани сенинг охириингни кўрайин.
Бу сўзларни айтибди Кайкубод,



- 10090 Алпомиш югуриб қилади хизмат,
Ҳайрон қолди қараб турган жамоат.
“Бу қандай гап бўлди, чўпон азамат,
Юртдан ўтган ботир қилади хизмат.
Товба денглар, бу иш қандай аломат.
Илгаридан Кайкубодни билмабмиз,
Зиндондан чиққанда хабар бермабмиз.
Биз бурундан шохга куёв қилмабмиз,
Кайкубодни олдимизга солмабмиз.
Чўпон деб билмабмиз бундай кишини,
Энди кўрдик Кайкубоднинг ишини.
Кайкубод бунчалик, англамай қолдик,
Биз ишни ўтказиб пушаймон қилдик,
10100 Айтганига кўниб ўлмайн қолдик.
Ўзбак бизга ўзбаклигин қилибди,
Кайкубод олдинда забун бўлибди,
Хўп дейди, югуриб хизмат қилибди”.
Бу сўзни ўйлаб шивирлашиб юрибди.
Кайкубоднинг айтганини билади,
Кайкубодни подшо қилмоқ бўлади,
Ҳаммаси хуш кўриб, ани хоҳлади,
Кайкубод зўр дейди, аҳмоқ бўлади,
Бек Ҳакимнинг айтганини қилади.
10110 Билмай турганига ани билдирди,
Майдон қилди, кўп қалмоқни ўлдирди,
Қолганини ихтиёрга кўндирди,
Кайкубодни мунда подшо кўтариб,
Қалмоқнинг юртида тахтга миндирди.
Эр Кайкубод мунда подшо бўлади,
Етим-новча қанча чўпон келади,
Келиб Кайкубодни шундай кўради,
Жўралари қуллуқ бўлсин қилади,
Тахтга чиқиб бир-бирини сўради,
10120 Товкани айтдириб Ҳаким келади,
Алпомишдай бекдан хабар борган сўнг,
Ўрдада Товкада тоқат қолмади,
Борган хизматқорман бирга жўнади.
Бек Алпомиш йўлга қараб турар, деб,
Ҳаялласам менга интиқ бўлар, деб,
Ўз кўнглида юрар мени олар, деб,

- Хаялласам балки кўнгли қолар, деб.
Хабар эшитгандан туриб жўнади,
Канизларман бирга-бирга келади.
- 10130 Келаётир кўнглин хушлаб,
Ўн канизи йўлни бошлаб,
Ўн канизи пўш-пўшлаб,
Ўн канизи зулфак ташлаб,
Ўн канизи белин ушлаб,
Неча қизлар ўйин бошлаб,
Бир-бирининг вақтин хушлаб.

Товка пойтахт остига, Алпомишнинг қошига келди. Алпомиш
Товкага қараб, бу сўзни айтиб турибди:

- Сўзимни эшитгин, гул юзли дилбар,
Неча вақт зиндонда бўлдинг хизматкор,
Сўраганим хизматингнинг ҳурмати,
10140 Сўрамасам, сенда қанча ихтиёр?!
Ҳурмат қилиб сенга айтар арзим бор,
Юрт эгаси кўргин Кайқубод номдор,
Отангнинг ўрнига подшо бўлдилар,
Қандай бўлса шохни қилгин ихтиёр.
Ўз жонингга зинҳор қилма зулмни,
Унутма аввалдан харидорингни,
Бериб юрган ул ҳам қалин молингни,
Қабул тутгин аввал кўрган ёрингни,
Миндириб ушлатган сағирларингни,
- 10150 Қараб кўргин подшо бўлган зўрингни,
Қабул қилгин қўй боқар чўпонларингни.
Серкани оп бориб, ваъда қиласан,
Кўнгли борди, пулни туртиб берасан,
Ул олмоқчин, сен тегмоқчин бўласан,
Бир-бирингга етолмайин юрасан,
Энди билдим, сен уялиб турасан,
Биринг қочсанг, биринг қувиб кўрасан,
Бек Кайқубод хоннинг ақлин оласан,
Энди нега сен индамай турасан,
- 10160 Ота давлатинда ўйнаб-қуласан,
Гапнинг тозасини шундай биласан.
Кайқубодга сенинг тегмагинг даркор,



Икковинг ҳам бир-бирингга интизор,
Ошиқларнинг сўзи шундай жапс келар.
Сени излаб келган олис элидан,
Чиқиб келган Чин-Мочин мазгилидан.
Сенинг ишқинг буни чўпон қилганди[r],
Қабул қилиб сура бергин давронди.

Шунда бу сўзни Алпомишдан эшитиб, Товка ойим ўпкалаб, бир сўз айтиб турган экан:

- 10170 Кеча-кундуз яратганга фиғон қип,
Зиндон ичра ўлар дедим ғаминг еб,
Сенинг учун куйруғима кўсов еб,
Бегижон, умидим сендан шулмиди?
Дол гарданга тилла ҳайкал тоққаним,
Ошиқни куйдириб, қошим қоққаним,
Куйиб кетди зиндон ичра бокқаним,
Бегижон, умидим сендан шулмиди?
Раҳминг келмай кўзда конли ёшима,
Хафа фалак оғу қўшди ошима,
Понза рўмол пириллайди бошима,
- 10180 Машат ўсма хўп ярашар қошима,
Бегижон, чиқмадинг кордай тўшима,
Мен қойил бўлмадим сенинг ишингга,
Бегижон, умидим сендан шулмиди?
Ўз юртингга олиб борсанг, бўлмайми,
Бир хизматкор мендай ойим юрмайми,
Мени элтиб чўри қилсанг, бўлмайми,
Йўқса, хоним, бошимни олсанг, бўлмайми,
Бегижон, умидим сендан шулмиди?
- 10190 Товка ойим сенинг ҳолинг билади,
Ёмон кунда кўп хизматлар килади,
Охирда хизмати тухмат бўлади,
Сендай хоним ёмон калга унади.
Туриб ўйланг, шунга тексам бўлами,
Шуни билан Товка умр кўрами,
Хоним, шу гап ўзингга эп бўлами?!
Бу сўзни айтиб Товка хафа бўлади,
Алпомишдан гина қилиб туради.
Эр Қайқубод подшо бўп шундай қаради,



- 10200 Ойдаи Товка қабул қилмай туради,
Сўйласа, сўзига қулок солади,
Бу ишларни эр Кайқубод билади,
Бек Алпомиш буни зўрлаб туради,
Тегмайман, деб Товка хафа бўлади.
– Зўрламагин, қандай қабул қилайин,
Шу калга текканча мен ҳам ўлайин,
Ўлдирмасанг, сира бунга кўнмайман.
Бу ишларни билди номдор Кайқубод,
Подшо бўлиб муна юртда туради,
Бирор корсон иссиқ сув келтиради,
10210 Бошини корсонга солиб туради.
Қотган жумур ивиб тушиб қолади,
Асли кал эмасди, шундай бўлади.
Жумур коплаб сурати кал юради.
Асли ўзи Чин-Мочиндан келади,
Товканинг ишқида кал бўп юради,
Жамоли оқшомни ёруғ қилади,
Кокиллари оч белига келади.
Товка ойим кўнмай шундай қаради,
Кайқубоднинг жамолини кўради.
10220 Кўрган вақтда бу ишқибоз бўлади,
Товка ойимнинг онги кетиб қолади,
Товканинг кўнглига шу гап келади:
“Курсин Алпомиш, кўпол, балоди[r],
Кўнглимдаги Кайқубоддай тўради[r].
Устима кийганим яшил-кўк эди,
Мени деб ўз юртидан кеб эди,
Аввалдан-охир кўзима босганим,
Ростин айтсам, Кайқубоддай бек эди.
Давлатимдан адрас-кимхоб кияман,
10230 Ҳақдан келган ишга бўйним ияман,
Алпомишга теккин деса, куяман,
Юрт эгаси Кайқубодга теяман.
Боғбон бўлиб қизил гулни тераман,
Давлатидан шолдам кийиб юраман,
Ростин айтсам Кайқубодга тегаман,
Ота юртда ўйнаб-кулиб юраман.
Илгаридан ўзим ошиқ бўламан,
Ноз қилиб неча сўз айтиб кўраман.



- 10240 Ҳазиллаб айтганим оғир олмасин,
Гина қилиб мендан кўнгли қолмасин.
Бу сўзларни айтар мендай ойимча,
Изимни кўзига суртар бир неча,
Кўнглимдаги Кайкубоддай беквачча,
Ўйнаб-кулсак икковимиз ҳар кеча.
Жилва қилсак, бекнинг ақлин оламиз,
Қўл ушлашиб сайил боққа борамиз,
Қочиб-қувган ерларимиз кўрамиз,
Шундай бўлиб ўйнаб даврон сурамиз,
Дунёнинг кўтига шуйтиб урамиз,
10250 Канизларни биз хизматга соламиз,
Кайкубоддай бекни қабул қиламиз”.

Бу сўзни шул замон Ҳакимбек билди,
Кайкубод жамоли ақлини олди,
Кайкубодга Ҳакимбек тўғри қилди,
Қирқин қизи билан Товка ўтирди.
Подшо бўлиб унда Кайкубод турди,
Билса ҳам билмамиш бўлиб ўтирди.
Шундай қараб энди қизларни кўрди,
Алпомишга қараб энди гапирди:

- 10260 – Бу қизлар нима сабабли келди,
Не хожати бордир, нега ўтирди?
Хаёл қип сўрадим бир арзга келди,
Хон Алпомиш анга дардин гапирди:
– Шоҳнинг қизи сизга интиқ бўлибди,
Сизни ихтиёр қип бунда келибди,
Айтганини эр Кайкубод билибди,
Товкаимни базур қабул қилибди,
Бек Алпомиш никоҳ қийиб берибди.
Эр Кайкубод бунда даврон суради,
10270 Никоҳ қийиб Товкаимни олади,
Шу кун ўтиб энди кеч бўп қолади,
Кеч бўлди, ўрдага бирга боради,
Бек Алпомиш пойтахтда туради.
Товкаман Кайкубод суҳбат куради,
Тонг отганча бирга ўйнаб кулади,
Жойи орастада шундай туради,
Бир-биридан бунинг кўнгли тўлади,




- Икковининг кўнглидаги бўлади.
Худонинг тақдири шундай келади,
10280 Чўпон бўлиб шохнинг қизин олади.
Шоирлар айтади шундай маърифат,
Тағи келган бунга айёми давлат,
Товка билан ўйнаб-кулиб кўп суҳбат.
Банда кўнар худо қилган ишига,
Кайкубод кўл солар қордай тўшига.
Эрта-мерган тонглар отиб келади,
Ойдаи Товка бу ўрдада қолади,
Эр Кайкубод пойтахтга жўнади,
Келиб пойтахтга чиқиб туради,
10290 Алпомишман бир ерда ўтиради.
Катта-кичик қолмайин жийдиради,
Ноғора-сурнайин ҳам қўйдиради,
Ҳар тарафга чопиб жарчи боради,
Энди замон Кайкубодга қолади.
Эълон қилиб юртга хабар беради,
Юрт Кайкубодники бўлди, билади,
Ҳаммага халойиқ маълум беради,
Қалмоқшоҳ ўрнини чўпон сўради,
Мамлакатни бибишчилик қилади,
10300 Алпомишдан одамлар хавф қилади,
Кайкубод ишига рози бўлади.
Ҳаммани чақиртиб йиғиб олади,
Товкойимга тўй бошламоқ бўлади,
Халойиқ, юртларга хабар боради.
Юрт-умаро келди шундай йиғилиб,
Келганлар шул замон бир-бирин кўриб,
Оёқ остда қолиб эди Бойсари,
Ҳар на бори давлатидан айрилиб,
Одамларман бу ҳам қўшилиб келади,
10310 Бойсарини бек Алпомиш кўради,
Қулоч ёйиб тахтдан тушиб жўнади,
Бир-бирини кўриб бўзлаб жилади.
Кайкубод Бойсари хизматин қилган,
Ўғли бўлиб маконида кўп юрган,
Неча йил қўй боқиб уйида юрган.
Бойсарини кўриб кўзин ёшлади,
Ота деди, оёғига ташлади,



- 10320 Бойсарининг билагидан ушлади,
Ота деди, бунинг кўнглин хушлади.
Алпомишни босиб энди бағрига,
Бойсарининг йиғлаб кўнгли бузилди,
Қайта бошдан жигар-бағри эзилди:
– Етди бир облога менинг нолам, деб,
Яна обод бўлар кулбахонам, деб,
Шукрилилло, кўрдим сендай болам, деб.
Худойим бергайда барчага дармон,
Иш бўлмас кудратли ҳақдан бефармон,
Омон-эсон сени кўрдим Ҳақимхон,
Кетди юрагимдан менинг юз армон.
- 10330 Сен кетган сўнг қонлар йиғлаб қолганман,
Барча давлатимдан жудо бўлганман,
Кўп йиғлаб кўзимни хаста қилганман,
Шукрилилло, муродимга етишиб,
Қайта бошдан, болам, сени кўрганман.
Шундай бўлди менга ҳақнинг фармони,
Энди кетди Бойсарининг армони.
Бу сўзларни хон Бойсари айтади,
Неча йиллар менда йўқди ихтиёр,
Ҳамма нарсам менинг олди қалмоқлар,
- 10340 Мен ҳам сендай бу юртларда хору зор.
Талон қилиб олган ҳарчанд молимни,
Ҳеч қалмоқ сўраган йўқди ҳолимни,
Кўрдим мен ҳам сендай жону дилимни,
Эсима олмайман кирдикоримни.
Элда қолган унда қариндошларимни,
Кўрсам бир муштипар Барчиндай ночоримни.
Мусофир бўп бу элларда юрарман,
Мен ҳам насиб этса, бориб кўрарман.
- 10350 Бу сўзларни хонга Бойсари айтди,
Бир-бирига айтган сўзи бас бўпти.
Бойсарини пойтахтга чиқариб,
Эр Кайқубод иззат билан турибди,
Тонг отганча югуриб хизмат қилибди.
Бойсарининг шундай ҳолин билибди,
Олиб у Кайқубод хатни кўрибди,
Подшоликка ўтган шўрли молини,



- Ул хатдан ўчириб унга берибди.
Шу Бойсари қадимгидай бўлибди,
Мол боқар барига хабар берибди,
10360 Молига Бойсари эга бўлибди,
Бор давлати бу кўлига келибди,
Худо тағи бу ёзганга берибди,
Қариганда шодмонликни кўрибди,
Эли-халқ йиғилиб бунда турибди.
Неча кун тўй бериб бу ерда турди,
Эли-халқ Кайқубод ишини кўрди.
Тўй тарқади, элат мазгилига қайтди,
Бойсари ҳам туриб уйига кетди,
Шаҳар ичи хизматида турибди,
10370 Бек бўлиб Кайқубод ишни қилибди.
Халқ эшитган бундай беклар сўзини,
Кучук босмас йўлбарс-шернинг изини,
Сарғайтирган душманларнинг юзини,
Кайқубод олгандир шохнинг қизини.
Мунда суҳбат охир бўлиб қолади,
Куннинг ўзи айна пешин бўлади,
Кайқубод ўрнидан сачраб туради,
Алпомишнинг қўлин бойлаб олади.
Юр бу ёкка, деди, туртиб ҳайдади,
10380 Пешин вақтда боз зиндонга тайлади.
Муни кўриб ҳамма хайрон қолади,
Чўпонхоннинг иши қандай бўлади?!
Шунча юртнинг додин берган Алпомиш,
Кайқубоддан бундай зарбни кўради,
Шуйтиб ҳукмини жорий қилади.
“Бу хонимиз жуда муғум, балоди[р],
Қандай душман бўлса додин беради”.
Ҳеч бир одам буни синаб билмади,
Шу ҳиллани бунда беклар қилади.
10390 Қолган қалмоқ мазгилига боради.
Яна оқшом саҳар вақтда етишиб,
Қалмоқлар бу ишга акли шошиб,
Кетди мазгилига бари ўйлашиб.
Ҳайрон қолди, мазгилида маслаҳат:
“Кайқубоднинг иши ажаб аломат.
Ҳеч буни одам синаб бўлмади,



- 10400 Алпомиш бу хонга ҳарба қилмади,
Қайта бошдан яна чоҳга тайлади”.
Қалмоқ юрти бари қойил бўлади.
Синособ бўп энди одамлар ётди,
Эл тинчиди, Кайкубод туриб кетди,
Зиндоннинг бошига у замон етди,
Бориб чоҳда Ҳакимбекни кўрибди.
От-анжоми билан бориб у хонни
Зиндондан чиқариб энди олгандир,
Қалмоқ бари сўнгра сени қўймас, деб
Маслаҳатман шу хиллани қилгандир.
Бу қалмоқлар яна диндан қайтар, деб,
Булар кўпдир, хўп зўрликни қилар, деб,
10410 Зўрлик қилиб сендан юртни олар, деб,
Шундай қилсанг бари ботмай қолар, деб,
Сенга қасд қилолмас, қойил бўлар, деб
Шу хиллани мунда беклар кип эди,
Қалмоқ бари айтганидай бўп эди,
Душман бўлса тоза қўркиб қоп эди,
Алпомишдан Кайкубод баланд деб эди.

Шуйтиб зиндондан чиқариб олиб, бир-бирининг ҳолини сўрашиб,
хўшлашиб, Алпомиш бу сўзни айтиб турган экан:




- 10420 Мен кетарман энди юртимни излаб,
Бу жароҳат менинг бағримни тузлаб,
Гоҳ ерларда кетсам бўтадай бўзлаб.
Неча ой, неча кун йўлда юрарман,
Ўлмасам бир куни элга борарман,
Элда бўлсам сени сўраб турарман,
Қалмоқ қайтса, хабар берсанг, келарман.
Кўп қилган қалмоқлар менга зулмни,
Мен биламан сенинг бунда ҳолингни,
Сўраб тургин адолатман элингни.
Бурилмайман, мен юртимга кетаман,
Кўнглимда борини сенга айтаман.
10430 Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмасин,
Обло сенинг ақли-хушинг олмасин,
Мен кетган сўнг айтган сўзим қолмасин.
Бир кун боргин Бойсарининг қошига,

- Насихат қил, кетсин денги-дўшига.
У курғурнинг гапман ақлин олгайсан,
Алдаб-сулдаб уни йўлга солгайсан,
Менинг айтган сўзим шундай билгайсан.
Ўз юртимга мен ҳам бекман, тўраман,
Ота-энам мен эсима оламан,
Етти йил бандилик захмин кўраман.
- 10440 Ким бор, ким йўғини борсам биламан,
Элидан айрилган лочин бўламан,
Парвоз қилиб мазгилима кўнаман,
Ҳар на бор сўзимни айтиб бераман.
Мард тушмасин айрилиқнинг ҳилига,
Бойсарини юбор Қўнғирот элига,
Бориб юрсин яна ўзин тенгига.
Кетсин, Бойсарининг бунда кими бор,
Эр Кайкубод сенга сўзим шул бўлар,
Албатта Бойсарини элига юбор.
- 10450 Оҳ тортганда кўздан оққан ёш энди,
Узоқ йўлда бордир қариндош энди,
Биз кетармиз Бойсин музофотига,
Эр Кайкубод, қадрдоним, хўш энди.

Бу сўзни Алпомишдан эшитиб, Кайкубод ҳам бир сўз айтиб турган экан:

- 10460 Фалак урмай боғда гуллар сўлмасин,
Кетганингни бу қалмоқлар билмасин,
Оқшомлаб кет, сира қалмоқ билмасин.
Қалмоқ билса, билмаганим билдирар,
Қаватимда кўп қалмоқдан амалдор,
Диндан қайтиб, мени бадбахт ўлдирар,
Оқшом юр, кўрмасин сира бадбахтлар.
Подшо бўп сўрайман Қалмоқ элини,
Билмас қалмоқ мусофирнинг ҳолини,
Мен биламан қалмоқларнинг феълени.
Бу сўзларни айтдим сенга валломат,
Қалмоқлар иттифок, қилар маслаҳат.
Бу ҳийлани билса ақлимни олади,
Қайта бошдан қаттиқ кунни солади,
Менга маълум, кўп маслаҳат қилади.




- 10470 Мени билар, сендан кўркиб туради,
Билмаса, зиндонда дейди, юради.
Соғ-саломат боргин сендай азамат,
Элингни кўргайсан соғу саломат.
Худойим кечиргай қилган хатонгни,
Бориб кўргин сен ҳам эна-отангни.
Зиндон ичида қора қилган дилингни,
Бегим, бориб кўргин Барчин гулингни.
Бошингда пирпирлаб шолдан желагинг,
Қарчиғай чангалли, йўлбарс билагинг,
Майдонга кирганда қоплон юрагинг,
10480 Сен ёндириб менинг ўчган чироғим.
Омон-эсон ўйнаб-кулиб элга бор,
Элу юртинг обод бўлар кирдикор,
Жилвдоринг бўлсин имом, чилтонлар,
Аввал обло, дуюм наби бўлсин ёр,
Кетар бўлдинг, ўзингадир ихтиёр.
Омин обло деди, облоху акбар,
Шу замон хўшлашиб ул файзи сахар,
Кўринмайин қайтди Кайкубод ночор,
Розилашиб жўнаб кетди зўрабор,
10490 Алпомиш зиндонда, деди қалмоқлар.
Иккови бирикиб хилла ишлатди,
Алпомиш оқшомлаб юртига кетди,
Кайкубод подшо бўп юрт сўраб ётди.
Ҳар замон қалмоқлар қилар маслаҳатди:
“Бул ҳам бир ўлчовли Кайкубодди,
Кўлдан олсак муна қалмоқ элатди”.
Килади қалмоқлар бул маслаҳатди,
Бир нечаси шундайин жавоб айтди:
“Бил энди Алпомиш зиндонда ётди,
10500 Қилманглар аввали бу маслаҳатди.
Маслаҳатинг бул Кайкубод билади,
Зиндондан чиқариб олиб келади,
Ундан кейин жонзот қолмай ўлади”.



Кайкубод подшолик қилиб, бу мамлакатларни сўраб турди. Қалмоқ катгалари неча мартаба маслаҳат қилиб кўрди, Алпомиш зиндонда, деб хавфсираб юрди. Подшодан амр бўлмаса, ҳадди йўқ бориб зиндонни кўрмакка, бориб-бориб булар ҳам босилиб кетди.


Ана энди Алпомишнинг элга қайтиб, йўлларда бу сўзларни айтиб
бораётгани:

- 10510 Етти йил зиндонда ётдим,
Тинмай йиғлаб жафо тортдим,
Шукур ҳақнинг даргоҳига,
Кўрмагандай бўлиб кетдим.
Мен зиндондан озод бўлиб,
Қалмоқларга қиргин солиб,
Кайқубодни подшо килиб,
Энди ўз элима қайтдим.
Илгариди ғамсиз бошим
Неча йил ғамхона бўлди,
Хафа фалак зулмидан
Етти йил ғамликни кўрди.
Ҳозир ғамдан озод бўлиб,
Бораман юртим ахтариб,
Гоҳи хафа, гоҳи тошиб,
Душманман қайтмай савашиб,
10520 Года диққатлигим ошиб,
Бораман ўтдай туташиб.
Йўлни юриб, ақлим элтар,
Қандай бўлди ўсган эллар,
Кўрганим йўқ ул мазгиллар.
Тушда кўргандайин бўлди
Бек бўп юрган Кўнғирот эллар.
Остимда назари Чибор,
Силтаб юргин сен жонивор,
Олис йўлда ўсган эллар.
10530 Бу сўздайтиб кичар шункор,
Қалмоқнинг юртидан чиқиб,
Кетганди шундайин қайсар.
Эсиз, менинг ғамсиз бошим
Ғамхона бўлди, найлайн,
Хафа фалак, зулминг билан
Гул юзим сўлди, найлайн.
Устимиздан ўтган ойлар,
Юрагимда оху войлар,
Саржиғали маҳин жойлар
10540 Жигадор бўлди, найлайн.



- Қолиб кишининг юртига,
Куйиб айролик ўтига,
Икки кўзим элатима
Термилиб борди, найлайн.
Мен бораман юртим йўқлаб,
Кеча-кундуз бағрим доғлаб,
Бораман элни сўроқлаб,
Оҳ уриб юрдим, найлайн.
Тоғлар азиз бўлар туман бўлмаса,
10550 Йўллар азиз бўлар карвон юрмаса,
Боғлар азиз бўлар боғбон бўлмаса,
Мулки хароб бўлар султон бўлмаса,
Менда қарор қолмас элни кўрмаса,
Сўрагани ҳеч бир одам бўлмаса.
Бораман оҳ тортиб узок йўлларда,
Юраман мен ҳам бу сувсиз чўлларда.
Гул кетар бўлса гулистон эманар,
Шаҳар вайрон бўлса султон тебранар,
Мол борида ҳамма одам дўст эди,
10560 Бошдан давлат қайтса тукқан эманар.
Эли-халқим, қандай бўлди кирдикор,
Шоҳ эдим, бундайин бўлганман ночор.
Асқар тоғи туманмикан,
Мен билмайман бу йўлларда,
Ота-эна омонмикан?!
Кўрганим йўқ Қўнғирот эли,
Қадимгидай замонмикан?!
Қадрдон беклар бормикан,
Барчин гул бизга зормикан,
10570 Кўргани интизормикан,
Ҳамма қадрдон бормикан?!
Бу йўлларда бўлиб хуррам,
Қадрдондан ўлган бўлса,
Кўрмай қолсам менга мотам.
Бу сўзларни айтар шунқор,
Гумбурлайди тоғу тошлар,
Суриб боради Бойчибор.
Гоҳ изиллаб олиб кетди,
Чочасидан ерга ботди,
10580 Теккан тош чақилиб кетди,





- Тупрокни туёқдан отди,
 Бир ўзиди, кўп одамдай
 Орқасини тўзон тутди.
 Ўйнатди Бойчибор отди,
 Неча ул тоғлардан ўтди,
 Бойчиборга камчи чотди,
 Излади Бойсин элатди,
 Йўлларнинг танобин тортди.
 Хайвонзот қилиб ғайратди,
 10590 Эсига олар юрган юртди,
 Кеча-кундуз бирдай кетди,
 Кўрсам дейди элу юртди,
 Шуйтиб Алпомиш йўл тортди,
 Минган оти қокиб кетди.
 Юриб келган узок юртди,
 Неча тоғдан турмай ўтди,
 Неча ой, неча кун йўлда,
 Тинмайин энди йўл тортди,
 Олатокка бугун етди,
 10600 Кўргандир Бойсин элатди.
 Токқа чиқиб шундай қараб турибди,
 Ёйлаб ётган Бойсин юртин кўрибди.
 Элатини кўриб кўнгли бузилди,
 Кўздан ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди:
 “Етти йил бу юртдан ризким узилди,
 Ўлмаб эдим, тағи кўрдим бу элди”.
 Бу сўзни айтиб тоғ бошида туради,
 Ўз юртини кўриб кўнглин бўлади.
 Эли-халқи қандай бўлган билмади,
 10610 Сўрай деса ҳеч бир одам бўлмади,
 Бу сўзни ўйлаб аста-аста боради.
 Бир тўп карвон Кўнғирот бетдан келади,
 Юк ташлашиб, токқа карвон кўнади,
 Карвондан сўрай деб отни буради,
 Неча гапни ўйлаб кетиб боради,
 Карвонлар қошига етиб боради.

Карвонлар янги юкни тушириб, оёғини узатиб, бир хили ёнбошлаб
 ётиб, шу вақти Алпомиш устига етиб, карвонларга бу сўзни айтиб
 турибди:






- 10620 Кўп бўлади ғамли кулда армонлар,
Ҳар шаҳарни кезиб юрган карвонлар,
Мард йигит майдонда қилади хуруш,
Мудом беклар билан қилсанг ўтириш,
Жаҳази абжўшдан, хатаби кумуш,
Безаб қўйган нори-норчанг кимники?
Жафо тиғи ул кун жондан ўтади,
Ҳафтада Ҳаштархон бориб қайтади,
Жабр қилсанг, ўн ботмонни тортади,
Бежаб қўйган нори-норчанг кимники?
Бу жаҳазни кўриб бундан қайтади,
Мени тақдир шу кулфатга элтади,
Мол бокқанни даҳмарда деб айтади,
10630 Даҳмардалар, нори-норчанг кимники?
Давлатим бор, шоли-шолдам ўрадим,
Йўл устида бурилиб сендан сўрадим,
Оғир олма, мен сизларга қарадим,
Бу туянинг эгасин сендан сўрадим.
Кумушдандир қарчиғайнинг чегаси,
Олтиндандир кировканинг ёқаси,
Ким бўлади норчаларнинг эгаси?
Жавоб бергин, мол эгасин билайин,
Кўп ҳаяллаб мен ҳам йўлдан қолмайин,
10640 Эшитай, карвонлар, буни билайин,
Неча вақтлар ғариб қилган худойим,
Жавоб бер, карвонлар, турмай жўнайин.
Сенга етгай менинг сўйлаган тилим,
Яқин эмас, узоқ йўлда мазгилим.
Мазгилима мен ҳам кетиб бораман,
Мол эгасин билсам, йўлга кираман,
Ҳаялласам, мен ҳам йўлдан қоламан.

Бу сўзни эшитиб, карвонлар ҳам Алпомишга қараб, жавоб айтиб турган экан:


- 10650 Юрган йўлинг адир эмас, жўнағар,
Найза текса оқ бадандан қон оқар,
Биров ўннга, биров сўлга юради,
Савол сўраб бизда нима ишинг бор?
Қаторга тиркадик лўк билан норча,
Устига юкладик қирмизи парча,



- 
- Биздан гапни сўраб ишларинг қанча?
Ўз йўлингга бора бергин бир неча.
Ҳалак бўлиб сен бурилиб келасан,
Йўлдан қолсанг, бунда нима қиласан,
Мол эгасин сен ҳам нима биласан,
Кета бер, мард ўғлон, йўлдан қоласан.
- 10660 Остингда ўйнайди араби тулпор,
Ўзинг айтдинг, юрадиган йўлинг бор,
Кета бергин, бизда нима ишинг бор?
Бекор одам йўқдир сенга гапирар,
Бизнинг қошимизда сенга нима бор?
Мол эгасин бурилиб сўраб келасан,
Биз билмаймиз, қайси юртдан бўласан,
Авваласи сўраб нима қиласан?
Эр йигитсан, бундайғачок бўлмагин,
Ўзимиз чарчаган, гапга солмагин,
- 10670 Кета бергин, энди йўлдан қолмагин.
Сен ҳам бир-бировни юрган фарзанди,
Биз билмаймиз қай шаҳарнинг жўмарди,
Биз билан бўлмасин йўловчи дарди,
Карвонлар бунга қаттиқ гапирди.
Биз чарчаган, бунча ҳалак қиласан,
Не ишинг бор, кўп айланиб турасан,
Қайда жойинг бўлса, энди борасан,
Бунча сўйлаб бизни нима қиласан,
Туянинг эгасин қайдан биласан?

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш яна бир сўз деб турган экан:

- 10680 Қозининг олдинда шабгир нойиби,
Йигитга панд берар отнинг майиби,
Сўраганнинг ҳеч бўлмайди айиби,
Ким бўлади нори-норча сойиби?
Мол эгасин менга хабар берасан,
Тилинг тортгин, сен гуноҳкор бўласан.
Сўрасам, кўнглингга оғир оласан,
Мол эгасин менга маълум қиласан.
Карвонлар, кўнглингга оғир олмагин,
Яхши юргин, асло ёмон бўлмагин,
- 10690 Жонинг борда ёмонликни қилмагин,



- 10700
- Ҳолинг билмай, бундай менман бўлмагин,
Биров сўз сўраса, айб билмагин.
Олмос пўлат белга қайраб чаламан,
Мени билсанг оша юртдан келаман,
Элни кезган бир йўловчи бўламан,
Ким яхши, ким ёмон англаб биламан,
Менман кишини мен ҳам бошин оламан,
Туянинг эгасин сўраб биламан.
Чўлни кезган мен бойбачча бўламан,
Ким йўликса шундай сўраб кўраман,
Сўзимни қайтарсанг, бошинг оламан,
Айтсанг мол эгасин, ўзим биламан,
Яхши жавоб айтсанг, кетиб бораман.

Бу сўзни эшитиб, карвонлар бир-бирига қараб, шунинг билан ўрлашиб ётмоғимизни худо буюрдими, тўғри жавоб айтиб, ўтказиб юборайик, деб бу сўзни айтиб турган экан:

- 10710
- 10720
- Ҳаво ёғса чиқар ернинг мияси,
Карвонни хоритар йўлнинг қияси,
Бедавлатнинг бошга урар қияси,
Ёри ўлган қизнинг чиқар чияси,
Бузилмасин азаматнинг уяси,
Нори-норча Ултонбекнинг туяси.
Шундай бўлди бизга ҳақнинг фармони.
Кўп бўлади жафоли қул армони,
Биз бўламиз Ултонбекнинг сарбони,
Ултон шоҳим Қўнғирот элнинг султони,
Айлантириб сўрай бердинг бемаъни,
Туянинг эгаси Қўнғиротнинг хони.
Сўрадинг, сўзингга жавоб берамиз,
Ултонбек Қўнғиротда бизнинг тўрамиз,
Нима ишни қилганингни кўрамиз,
Молнинг эгасидан хабар берамиз.
Ададсиз элатни сўраб турибди,
Қанча одам хизматида бўлибди,
Ҳар кимдан бегимиз жуда ғолибди[р],
Овозаси юрт-оламга борибди,
Эшитган етолмай, интик бўлибди,
Ҳамма эли хоҳлаб катта қилибди.



Бу сўзни карвонлардан эшитиб, Алпомиш ҳам карвонларга қараб,
бир сўз айтиб турган экан:

- Калма-шаҳодат мусулмоннинг тилига,
Азамат бош берар диннинг йўлига,
Ўнолтуруғ Бойсин-Қўнғирот элига,
Илгариди пайдо бўлди Довонбий.
- 10730 Довонбийдан пайдо бўлган Алпинбий,
Алпинбийнинг ўғли эди Бойбўриман Бойсари,
Бойбўрининг ўғли Ҳаким қайсари,
Бек Алпомиш эди Қўнғирот беклари,
Ул сабабдан мен сўрадим, карвонлар.
Неча марта Қўнғирот элга келганман,
Яхши-ёмонини англаб билганман,
Алпомишман билла-билла юрганман,
Шундай бекман мен кадрдон бўлганман,
Катта-кичисини англаб қолганман,
- 10740 Ҳеч хабарим бўлмади Ултон дегандан,
Ё ердан чиқдимми, тушиб осмондан?
Ул сабабдан мен сўрайман, карвонлар.
Устима кийганим яшил-кўк эди,
Бундай кунда маған кўнгил тўк эди,
Хон Алпомиш чалқиб юрган бек эди,
Ултон деган сира беги йўк эди.
Мен сўрайман қайси элдан келибди,
Қайси юртдан келиб беклик қилибди,
Қўнғирот одамига бир гап бўлибди,
- 10750 У Ултонни қайтиб катта қилибди,
Мендаин йўловчи ҳайрон бўлибди,
Карвонлар Ултонни таъриф берибди.
Унга қурбон мендай йўловчи жони,
Олис юртда мендай марднинг макони,
Ҳамиша Алпомиш Бойсиннинг хони,
Бу гапинг, карвонлар, бўлди бемаъни.
Ултон деган элга катта бўлами,
Алпомиш беклигин шунга берами,
Шу гапинг ақлга тўғри келами,
- 10760 Ҳеч замонда Ултон катта бўлами?!

Бу гапни Алпомиш айтди, карвонларга пича ботиб кетди. Карвонлар
айтди: – Жуда ҳам гаранг қилди, энди шуни сўкиб-пўкиб қутулмасак, гапи

адо бўлмайдиган балога йўлиқдик, ўзимиз тун қотиб, йўл юриб келиб эдик. Бу гапни ўйлаб, карвонлар яна бир сўз айтиб турган экан:

- Ундай деб чиқарма сен ҳам довшингни,
Танимайсан ундайғачок кишингни,
Ултон шоҳим билса кесар бошингни,
Кўп сўйлаб сен чиқармагин довшингни,
Укасини Алпомишингни,
Билса, Ултон шоҳим қилар ишингни.
Кўп яшасин, Ултон шоҳим ўлмасин,
Алпомиш отиман ўчсин, келмасин,
10770 Яхши одам асло ёмон бўлмасин,
Кет, йўловчи, сўзингни хон билмасин.
Бу сўзингни билса одам буюрар,
Қайда борсанг, сени қувиб етади,
Агар кўрса, бойлаб ҳайдаб кетади,
Бошинг кесиб сени дорга тортади,
Ҳолинг билиб тўғри юрсанг, қайтади?!
Шундайин туккушлаб сўраб юрмагин,
Карвонлар сўзини ҳазил билмагин.
Сен билмайсан хон Ултоннинг ишини,
10780 Одам демас келса юз лак кишини,
Кесиб тури гуноҳкорнинг бошини,
Танимаймиз бизлар Алпомишини,
Алпомиш деганнинг қилар ишини.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш: – Эса мен ўзимни танитиб қўяйин, – деб олмос пўлатга қўл узата берди. Карвонлар бир-бирига аланглашиб: – Э, бу йўловчи бир бало қилами? Бу баччағарга бир гап бўлами? – деб тўп-тўп бўлиб, хаёли қоча берди. Шунда бу сўзни айтиб, Алпомиш ҳам яқинлаб бора берди:


370

- Нима деб чиқардинг, карвон, довшингни,
Танитиб қўяйми Алпомишингни,
Қилич уриб мен кесайми бошингни,
Сулатай, карвонлар, гавда лошингни?!
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,
Ўз тилингдан энди бўлдинг шарманда,
Етти йилдан бери ётдим зиндонда.
10790 Худойим сақлагай бандани омон,




- Мўмин кулга эгам бўлгай меҳрибон,
Етти йил бўлганман мен ҳам саргардон,
Янги чиқиб келдим бунда зиндондан,
Ўзга эмасман-ку, билгин Ҳақимхон,
Армон билан ўлар бўлдинг бул замон,
Энди сенга сира бермайман омон.
Зарбимдан титради қалмоқи душман,
Бу карвонлар қилаётир пушаймон,
Пушаймонга наф топмайди ул замон,
10800 Жуда ҳам туташиб кетди бу султон.
Шу замон қимсиди Бойчибор отди,
Ғилофдан суғурди кескир пўлатди,
Бу қилични карвонларга кўрсатди,
Карвонларнинг жони чиқиб ҳам кетди,
Қимсиниб Ҳақимхон яқинлаб етди,
Бу сўзларни ўйлаб кўнглида айтди:
“Ҳазон урмай боғда гуллар сўлмасин,
Карвонларнинг бирови ҳам қолмасин,
10810 Қолгани Ултонга хабар бермасин,
Келганимни бадбахт қуллар билмасин,
Яна билиб беклигини қўймасин.
Омон берсам, булар элга боради,
Боргандан Ултонга хабар беради,
Қадимгидай у хизматкор бўлади”.
Бу сўздайтиб ўйнатди Бойчиборни,
Кўнглига олиб қанча ғуборни,
Ўлдирмоқчин бўлди карвон қулларни.
Карвонлар билмади, бундан беҳабар,
Вақти етиб неча сўзни лоф урар.
10820 Ўларини билиб карвон жилади,
Билмай сўйлаб гуноҳкор бўп қолади,
Ҳар қайси ҳар ёққа қочиб боради,
Бошин олиб борар кўзини ёшлаб,
Қочиб бораётир пасқамга ташлаб,
Карвонларнинг жуда ақили шошди,
Ажал етса, ўлар вақти етишди,
Бир нечаси ажаб жарларга тушди,
Шундай бўлиб бу ёзганлар жилашди.
10830 Гап ботиб Ҳақимбек писанд қилмади,
Қочган шўрни ўз ҳолига қўймади.





- Карвонларга шундай ғазаб килади,
Кўринганин етиб бошин олади.
Карвонларга зўрлигини билдирди,
Кўринганин сира қўймай ўлдирди.
Карвонлар ўлигин бул санаб кўрди,
Жиранда-жарлардан топиб ўлдирди,
Ўз тилидан гуноҳкор бўп ўлганди,
Қирк бир карвонни нобуд қилганди,
Билмай сўйлаб бул бойқишлар ўлганди,
10840 Туя-анжом бул безга қолганди.
Англамайди бундай марди майдонди,
Шердай бўлиб энди йўлга кирганди.
Ким душман бўлса, бошин олади,
Хамманинг кўнглидан чиққан тўради[r],
Яхши сўйлаганга омон беради,
Бунинг келганини элда ким билади,
Мазгили эсига тушиб боради,
Буни ўлдириб тўра йўлга юради.
10850 Бораётир шунда давлатли шунқор,
Йўл юради, ой қоронғи, кун ғубор,
Қистаб юрса баланд йўллар хонавор,
Яйлов жойларини кўрди Бойчибор,
Сувлуқ тишлаб кишнай берди жонивор.
Хайвонзоднинг шундай вақти хуш бўлар,
Юрган ерларини кўриб муқаррар,
Суриб ташлаб, энди кишнаб жонивор,
Бойчиборнинг довшини эшитиб,
Тўп-тўп бўлиб тўқайдаги йилқилар,
Давр олишиб кишнай берди хайвонлар.
10860 Бойчибор довшин булар билади,
Кишнаганда тўқай садо беради.
Бораётган Кўнғирот элнинг тўраси,
Обод бўлса марднинг кулбахонаси,
Тарлон бия Бойчиборнинг энаси.
Чиборнинг довшин тўқайда билди,
Банди кетган Чибор эсига келди.
Хайвонзот кишнади, йўлларга кирди,
Қайтарсам деб бир хизматкор иярди,
Қайтмай йўлдан бия кетиб боради,
10870 Қайтаролмай оша ночор бўлади,





Кур хайт тортиб бу ияриб боради.
Кўп югуриб жуда чарчаб қолади,
Кейнидан югуриб йўлда толади,
От устидан давлатли хон қаради,
Бойчиборнинг энасини кўради.
Кишнаб шундай Тарлон бия келади,
Ҳайвонлар шундайин меҳрибон, дейди,
Дийда гирён бўлиб ўпка тўлади,
Ҳақимбекнинг кўз ёши сел бўлади,
10880 Бу сўздайтиб от устида боради:

– Менинг билан ҳамро бўлган Бойчибор,
Мендан бурун сен топишдинг, жонивор.
Солма юрагима доғу аламни,
Мендан бурун сен кўргансан энангни,
Мен ҳам бориб кўрсам сендай энамни.
Ғам билан сарғайиб гулдайин дийдор,
Бир нечалар ўз ҳолидан беҳабар,
Мендан бурун сен топишдинг, жонивор,
10890 Бу сўздайтиб борар давлатли шунқор,
Бир-бирига етишганди ҳайвонлар.
Ҳаволаниб учган суксур шайланди,
Душманнинг ичига ғамлар жойланди,
Кўринг назаркарда Тарлон бияни,
Бойчиборни етти марта айланди.
Ўқраниб топишиб энди қолади,
Ҳайвоннинг тарзига Ҳақим қаради,
Бойчиборни кўриб шундай ийсиниб,
Биянинг ўрпига сутлар келади.
10900 Буни кўриб Ҳақим отдан кўнади,
От бошидан энди югандолади,
Ҳайвонларга хўп томоша қилади.
– Азамат мард эдим, бўлмайин ночор,
Дўстга зор бўлмайин, душманларга хор,
Энангни ийдириб эмгин, Бойчибор.
Етти йил бандилик заҳмин кўргансан,
Энангман топишиб бунда қолгансан,
Омон-эсон сен энангни кўргансан,
Ийдириб энангни эмгин, жонивор.
Менга йўлдош бўлдинг Қалмоқ элларда,





- 10910 Якин қилдинг юриб сувсиз чўлларда,
Энанг билан сен топишдинг йўлларда,
Ўкраниб энангни эмгин, Бойчибор.
Мен ҳам борсам сендай кулбахонама,
Сендай бўп топишсам ғариб энама,
Сени кўриб ўт туташди танама,
Ийдириб энангни эмгин, Бойчибор.
Ох уриб тўкади кўздан ёшини,
Ёлбориб худога солган ишини,
Яна ҳам бу марднинг кўнгли чўкар, деб
- 10920 Бойчибор эмчакдан олди бошини.
От бошига бу юганни солади,
Чиборнинг устига миниб олади,
Келган йўлга Тарлон бия солади,
Келган йўлга хайдаб кетиб боради,
Тўқайистон қараб шундай жўнади.
Жиловдор кул ҳалак бўлиб келади,
Бияга етолмай чарчаб қолади,
Бияни хайдаб бул йўликиб туради.

Алпомиш бу бокиб турган йилқилар кимники, деб сўраб турибди:

- 10930 Худойим сақлагай бандани омон,
Ғариб кулга эгам бўлгай меҳрибон,
Бу йўлларда қур хайт тортган ёш ўғлон,
Не сабабдан бундай бўлдинг саргардон?
Шовқимга ирғийди араби тулпор,
Азамат мард асли бўлмасин ночор,
Ёлғиз ўзинг бундай йўлларда абгор,
Бу йилқинг сойиби асли ким бўлар?
Кумушдандир қарчиғайнинг чегаси,
Олтиндандир кировканинг ёқаси,
Йилқилар эгасин сендан сўрайман,
- 10940 Ким бўлади йилқиларнинг эгаси?
Худо қози, пайғамбарлар нойиби,
Урушда панд берар отнинг майиби,
Йўловчиман, сенга бурилиб қарайман,
Ким бўлади йилқиларнинг сойиби?
Бу моллар эгасин сендан сўрайман.
Сенга етгай мендайин марднинг доди,





- Остида ўйнайди юз алвон оти,
Юрган еринг Бойсиннинг мамлакати,
Хабар бергин ўзинг кимнинг авлоди?
10950 Авлоди-аждодинг сўраб билайин,
Йилқингнинг эгасин айтгин, кўрайин,
Ким бўлар, анигин тоза билайин,
Ёш ўғлон, жавоб бер, сендан сўрайин.


Бу сўзни эшитиб, ул хизматкор қул ҳам Алпомишга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

- Эй йўловчи, билмаганим билдирма,
Дўст йиғлатиб, душманганимни кулдирма,
Давлатинг бор, адрас-кимхоб кийдирма,
Мол эгасин сўраб, мени куйдирма.
Фалак уриб боғинг гули сўлганди,
10960 Шум фалак бошига савдо солганди,
Бу моллар эгаси йўк бўп қолганди.
Мол эгаси дединг, қолдим сарғайиб,
Кимга айтай мен ҳам дардимни ёйиб,
Бу моллар аслини билсанг бесойиб.
Сўраб келсанг мол эгаси ўлгандир,
Бу моллар беэга бўлиб қолгандир.
Обло менинг ақли-хушим олмаса,
Муножотим ҳаққа қабул бўлмаса,
Ғарибликда ҳеч ким хабар олмаса,
Айтай десам молда эга бўлмаса.
10970 От ўйнатиб бу устима келасан,
Йилқининг соҳибин сўраб турасан,
Йўк нарсани сўраб нима қиласан?
Ғариб бўлиб бизлар жафо кўрганмиз,
Эгасиз молларни боқиб юрганмиз.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Мендай беклар элда юрган тўрами,
Сўрадим кўнглингга бир гап келами,
Ҳеч замонда беэга мол бўлами?
Сен эшитгин менинг айтган тилимни,
Сен кўрибсан чўлда бундай зулмни,





- 10980 Ҳеч замонда беэга мол бўлами?
Савоби эгаси бордир молингни.
Бу сўзларни айтдим, ёш ўғлон, саған,
Эгам бўлсин ҳар ғарибга меҳрибон,
Савоби эгасин билдир бу замон.
Айролик ўтига бағри пораман,
Йўлларни, кўлларни кезиб кўраман,
Янги келиб сенга дучор бўламан,
Савоби эгасин сўраб тураман.
Хазон бўлмай боғнинг гули сўлмайди,
10990 Сўлган гулга сира булбул кўнмайди,
Ҳеч замонда беэга мол бўлмайди,
Бу йўловчи аниқламай қўймайди.
Мен ҳам қолмай ўтай юрган йўлимдан,
Не сўз келса қайтармагин тилингдан,
Менга хабар бергин сиру ҳолингдан.

Бу сўзни Алпомишдан эшитиб, ул хизматкор кул ҳам бир сўз айтиб турган экан:

- 11000 Ҳаким деган менинг мирзам бор эди,
Қаторда гуркураб юрган нор эди,
Элатида белгили қайсар эди,
Дах деганда қирқ мингига дориди,
Ул ғайрати ҳар кимсача бориди,
Юртдан ўтган шундай зўрабориди.
Кашал элда у Бойсари қолганди,
Бойсарини излаб сафар қилганди,
Армон билан қалмоқ қўлга олганди,
Эшитдик қалмоқлар зиндон қилганди[р],
Зиндон ичра чириб хоним ўлганди[р],
Неча марта бунда хабар келганди,
Ўлганини эли-халқи билганди[р],
Кўролмадик Кашал кетган полвонди,
11010 Шу полвондан бирор сағир қолганди[р],
Ҳали ул фарзанди ёшлиқ қилганди,
Шул вақтида куллар эга бўлганди[р],
Ўғли ёш, қуввати келмай турганди,
Ҳамма ҳам ҳисобин топмай қолганди[р],
Ҳамма давлат Ултонтозга борганди,
Элга бекнинг қадри ўтиб қолганди[р],



- Не одамлар аттанг дейишиб юрганди,
Не гўзаллар қаттиқ жафо кўрганди[r],
Аттанг, кўролмадик шундай полвонди.
- 11020 Йўловчи, эшитгин сўйлаган тилди,
Эгам осон қилгаймикан мушкулди,
Ёлғиз сағир хали кўп ёшлиқ қилди,
Бесоҳиб деганим маъниси шулди[r],
Қулга бериб қўйди шундайин элди,
Катта-кичик қулнинг сўзин гапирди.
Баҳорда очилган боғнинг гулиман,
Мен ҳам бир-бировнинг жону дилиман,
Отимни сўрасанг, Жиловдор дейди,
Асли ўзим Қултой қулнинг улиман.
- 11030 Кашал бориб Алпомиш ўлиб кетди,
Бу вақтда навбат Ултонга етди,
Алпомишман кадрдон бўп юрганнинг
Барин опкеп Ултон хизматга сопти.
Бу юртни Ултонтоз сўраб туради,
Барча одам айтганига кўнади,
Нима деса, югуриб хизмат қилади,
Кўнмаганда нима илож қилади,
Тақдир-қисмат шундай бўлиб қолади,
Ҳозир бекнинг мулки вайрон бўлади,
Ўғли ёшдир, жойин тутмай қолади,
- 11040 Кадрдонлар ҳолин кўриб жилади,
Йўлиққанда Ултон азоб беради,
Сағир-да, тан бериб элда юради,
Бесоҳиб деганим шундай бўлади.

Бу сўзни Жиловдор қулдан эшитиб, ҳеч нимани билмаган киши бўлиб: – Алпомиш ўлган бўлса, ажаб бўпти, Ултонтоз бек бўлса, ўзларингдан бўпти. Жуда сизларга жойдир, қандай бўлса, ўз-ўзинг-да! – деди. У қул туриб айтди: – Менинг отам Қултой Алпомиш билан кўп кадрдон эди, билган одам айтар эди: Қултой Алпомишнинг кули дер эди, билмаган одам Алпомиш Қултойнинг ули дер эди. Шундай одам Қалмоқ юртда ўлиб кетди, навбат Ултонтозга етди, бу бўлса бизларни хизматга урмай жўнатмайди, кейинидан нолиб юрибмиз, балога қолиб юрибмиз, гапнинг рости укағарни кўролмай ўлиб юрибмиз, – деди. Бу сўзни эшитиб, Алпомиш: – Дуода бўл, мирзанг келиб қолар, – деб ўта берди. Кўлни ёкалаб бора берди, қараса, оқ чодир, кўк чодир, зангори

чодирлар тикиб, йилки боқадиганларнинг устидан карайдиган, тўксон тўқайдаги йилқининг устидан хабар оладиган ҳар қуллар ётир аймашиб, бир хиллари ёнбошлаб, бир хиллари дўстаман бўлиб ётибди. Буларга ҳам бир тўкилиб ўтайин, деб бурилиб бориб, улар ҳам бул йўловчини кўриб, узатган оёғини йиғмай, бекни одам ўрнида кўрмай, қандай одам, деб парво қилмай турди. Шунда буларга қараб, Алпомиш бир сўз айтиб турган экан:

- 11050 Ярашиққа тиккан бунда чотирлар,
Оёғин узатиб ётган ботирлар,
Бирор коса қимиз берсанг қўлингдан,
Ичиб мен ҳам қолмай юрган йўлимдан.
Ташна бўлдим, оша юртдан келаман,
Неча кундан бери йўлни оламан,
Бирор коса қимиз сўраб тураман.
Йўловчидан эшит сўйлаган сўзни,
Бирор коса бизга берсанг қимизни.
Остимда хориган минган бул отим,
Кўп йўл юриб ошиб кетди меҳнатим,
Қизиқ экан, ботир, сенинг суҳбатинг,
Сувсаганман, қолмас менинг тоқатим.
Дилтанг бўлиб мен ҳам отимни бурдим,
Сизларни кўриб ҳам бурилиб келдим.
- 11060 Ҳамманг ётган хўп йилқичи номдорсан,
Мендай йўловчининг кўнглин оларсан,
Албатта бор, менга қимиз берарсан,
Бу ерларда шоҳдик шавкат қиларсан,
Ҳар қайсинг ҳам чодир тикиб турарсан,
Хизматингга қанча одам соларсан,
Қимиз бериб менинг кўнглимдоларсан,
Ҳар қайсинг шердайин даврон сурарсан.
Мен отима аччиқ қамчи чаламан,
Мен сизларни кўриб шодмон бўламан,
- 11070 Ҳаяллатсанг, мен ҳам йўлдан қоламан,
Қимиз берсанг, ичиб ўтиб бораман.
Ярқиллаб кўринган беклар чотири,
Сизлар ҳам бир бу мамлакат ботири,
Қимиз сўраб мендай йўловчи тури.

Бу сўзни эшитиб, ул қуллар ҳам бир сўз деб турган экан:


Бизлар кўрдик, оша юртдан келасан,
Бир ишнинг бошида сен ҳам юрасан,

ксон
шиб,
хам
риб,
арво
кан:

- Отинг терли, узок йўлдан келасан.
Сабош кўрсанг, ширин жондан кечарсан,
Душманларга кафан-тўнин бичарсан,
11080 Қимиз десанг, отдан тушиб ичарсан.
Бу ётганлар сени писанд қилмайди,
Отингни ушлаб, сенга қимиз бермайди,
Сенинг учун бу одамлар турмайди,
Ҳеч қайсиси сенга хизмат қилмайди.
Сўз айтасан бунда ётган ботирга,
Қимиз ичсанг, тушгин ана чотирга.
Йўловчи билмайсан хўп сўйлар сўзни,
Унча-мунча деб айтмагин сен бизни,
11090 Керак бўлса, тушиб ичгин қимизни.
Сени билдик, бунда чарчаб келасан,
Қорнингнинг ўлчовин ўзинг биласан.
Билмаймиз биз келаётган юртингни,
Сўраб ҳалак бўп юрмаймиз отингни,
Қайси элдан бўлса хўп элатингни,
Ўзинг бойла миниб келган отингни.
Қимиз сўраб ҳалак бўлиб турасан,
Қорнингнинг ўлчовин ўзинг биласан,
Қимиз ичсанг, кайфинг тўғри қиласан.

- 11100 Бу сўзларни айтди шункорга қуллар,
Алпомиш молига бари хизматкор,
Буларнинг сўзига табассум қилар,
Ўйлаб турса, гоҳда кўнгли бузилар.
Отдан тушиб Бойчиборни бойлади,
Шундай бир чодирга кириб қаради,
Чодирга кирди-да, шункор қаради,
Сава-кўнак бари шундай тўлади[р],
Барини бир бошдан ичиб бўлади.
Отин миниб энди қайсар жўнади,
Ўзларига қимиз керак бўлади,
11110 Қимиз турган ул чодирга келади,
Сава-кўнак бари бўшаб қолади:
– Билмаймиз, йўловчи қандай балоди[р],
Шунча ҳам қимизни ичиб боради,
Йилқичилар бари хайрон қолади,
Одам насли муни ичса ўлади.





- 11120 Хеч идишда қимиздан нишон қолмади,
Сувсаган деб булар парвой қилмади,
Элларини, кўринг энди, Ҳақимбек
Яйловларин кўриб кетиб боради.
Чўлу кўлда ётган молни кўради,
Барининг эгасин шундай сўради.
Ўз мулкида хеч бир одам билмади,
Йўловчи деб хеч ким таниб қолмади,
Бир нечалар кўриб писанд қилмади.
Азаматлар олмос бойлар дастига,
Душман тушар кам давлатнинг қасдига,
Яқинлади Бобир кўлнинг устига.
Ўзининг бу ўсган элларин кўриб,
Бораётир нечовларга йўликиб,
- 11130 Яркиллаган Бобир кўлини кўриб,
Бобир кўлда, яйлов жойларда юриб,
Бораётир шундай шунқор оҳ уриб,
Ҳозир билмас, эли қандайин бўлиб,
Бек Алпомиш назар солиб қаради,
Бобир кўлдан энди ўтиб боради,
Этагида кўп туяни кўради.
Синглисин устига яқин боради,
Туя бокқан ерларини кўради,
Беҳад ётган кўп галани кўради,
- 11140 Синглисин устига яқин келади,
Синглиси эканин билмай боради.

Қалдирғоч ойимнинг туя боқиб юрган ерига етишди. Алпомишнинг ўзига энчи бир қора нори бор эди, етти йилдан бери чўкиб, аза тутиб ётар эди, бекнинг келаётганини билиб, галадан чиқиб, бўзлаб йўлга равона бўлди. Бул туя боқиб юрган Қалдирғоч ойим, бекнинг синглиси, устида

жарамли кийими йўк, аъзойи бадани кўринади, туянинг кейининдан эргашиб, хала, деб туяни қайтаролмай, бу сўзларни айтиб бораётир:

Хала, дейман, несоҳибнинг туяси,
Қачон келар бу туянинг эгаси,
Кумушдандир карчиғайнинг чегаси,
Олтиндандир кировканинг ёқаси,
Бесоҳиб дегани оғзим бормайди,



- Ўлмаса Ёдгоржон бўлар эгаси.
Ҳала, дейман, манглайимдан кун ўтди,
Мени тақдир шундай кулфатга элтди,
11150 Бадбахт куллар мени чўлда хор этди,
Ҳала, дейман, товонимдан ер ўтди,
Фалак жабри менинг бағримни йиртди.
Подшоларнинг қатнаб юрар элчиси,
Элчиларнинг бўлар экан тилчиси,
Ҳала, дейман, бек оғамнинг энчиси.
Айролик ўтига бағрин доғлади,
Туяга ияриб бўзлаб йиғлади,
Қўнғирот элнинг шоҳ чинори кулади.
Ҳала, дейди, ой Қалдирғоч боради.
11160 Туяга етолмай мунглик йиғлади.
Худо деб йиғлайди чўлда муғойиб,
Юри акасининг кўкини кийиб,
Ҳала, дейман, хов қора нор, бесойиб.
Қора нор ул замон йўлга кирдими,
Кашал кетган бекнинг исин олдимми,
Шулар оға, эмикдошим келдимми,
Ё бўлмаса, бировнинг исин олдимми,
Шуйтиб чўкиб ётган сабил йўлга кирдими?!
Оёгин босолмай мунглик боради,
11170 Бормай деса, ул куллардан кўрқади,
Ҳар тарафга кўз юбортиб каради,
Чочлари ёйилган кетиб боради.
Армон қилиб яратганга жилайин,
Кетган акам келдимикан худойим.
Бошиндаги заррин нобот жиғам, деб,
Бедовга ярашган олтин тўкам, деб,
Ҳаким оғам ҳолим кўриб йиғласа,
Мен олдига чиқсам шундай оғам, деб.
Ҳаким оғам менинг ҳолим сўрарди,
11180 Душманларнинг жазосини берарди,
Полвон акам Қўнғирот элда бўлганда,
Мени нега чўлда сарсон қиларди.
Бу сўздайтиб йиғлаб кетиб боради,
Ҳала, деб туяга шундай каради,
Келаётган ёлғиз отлини кўради,
Йўловчи деб муни гумон қилади.




- 11190 Шу йўловчи мени кўрмасин, дейди,
Чангалнинг остига ўзин олади.
Устихон эмраниб, бағри силинар,
Аъзойи бадани шўрнинг кўринар,
Чангалнинг остига ўзи яшинар,
Бул аҳволда бўлиб қолди муштипар,
Яқинлаб келгандир Ҳақимбек шунқор,
Алпомиш олдига чиққан қора нор.
Келаётиб эди шундай валломат,
Эли-халқим кўрсам дейди саломат.
Етти марта бу қора нор айланиб,
Бўзлаб қилди бек Ҳақимни зиёрат.
11200 Ҳайвоннинг меҳрини шунқор кўради,
Кўнгли бузилиб, норни қайтариб,
Келган йўлга ҳайдаб кетиб боради.
Қарамас мард йигит баланд-пастига,
Бориб қолди синглисининг устига.
Синглисини бу аҳволда кўради,
Эли-халқим шундай бўлган экан, деб
Кўнгли бузилиб шунқор йиғлади.
Дийди гирён бўлиб ўпка тўлади,
Синглисига қараб савол сўради:
– Танимайсан бу йўловчи кишини,
11210 Олайнми шу туянинг бошини,
Сен эшитгин мендай бекнинг нолишини,
Тўкарман сел қилиб кўздан ёшингни,
Ёлбориб худога солган ишини,
Шу туянг-ғу жуда сени ҳоритди,
Олайнми қора норнинг бошини.
Сенга сопти айроликнинг ҳилини,
Эшит сен ҳам йўловчининг тилини,
Туя эгаси довлаб келса хунини,
Йўловчи беради норнинг пулини.




Бу сўзни синглиси чангалнинг остида ётиб эшитиб, Қалдирғоч ойим Алпомишга қараб, бу сўзни айтиб турган экан:

- 11220 Қўй, йўловчи, билмаганим билдирма,
Ханжар урмай бағрим қона тўлдирма,
Қўй, йўловчи, қора норни ўлдирма.
Айролик савдога бағри пораман,

- 
- Нор ўлган сўнг гуноҳкор бўп қоламан,
Ултонтозга нима жавоб бераман,
Йиғлаб чўлда ўз кунимни кўраман,
Бу дунёдан шуйтиб ўтиб бораман.
Нор ўлган сўнг тўкар кўздан ёшимни,
Ултон кесар зулм билан бошимни,
11230 Йиғлатади қавми-қариндошимни,
Кузгунларга емиш қилар гўшимни.
Нор ўлган сўнг, билса, хайдаб кетади,
Бу бошига аччиқ қамчи чатади,
Бошим кесиб, мени дорга тортади,
Мендай мунглиқ қонлар йиғлаб ўтади.
Зулм билан билмаганим билдирар,
Ҳар на деса айтганига кўндирар,
Кўнғирот юртда ҳеч ким бўлмас баробар,
Туянинг эгаси Ултон зўрабор,
11240 Туя учун билса мени ўлдирар,
Албатта элатда биров билдирар,
Сен, йўловчи, бундан кетмагинг даркор.
Мен кўрқаман Ултонтознинг зулмидан,
Не иш келсин мендай мунглиқ кўлидан,
Бу чўлларда мен ҳам юрган хору зор,
Ҳеч ким бўлмас бунда элатда раҳбар,
Ҳамма одам Ултонтозга хизматкор,
Нор учун бўлмайин мен ҳам гуноҳкор,
Гуноҳимни тилай олмас одамлар.
11250 Мунглиқман, ғарибман, айтар арзим бор,
Кета бергин, Ултон билса ўлдирар.

Бу сўзни синглисидан эшитиб, билдирмаган киши бўлиб, синглисига қараб, бу сўзни айтиб турибди:

Сен ҳам бир яхшининг кўрар кўзисан,
Балки кўрар кўзи, сўйлар сўзисан,
Чангалнинг остига ётган мунглиғим,
Кўнғирот элда ўзинг кимнинг қизисан?
Устинга кийганинг яшил-кўкмиди,
Кўнғирот элда ҳеч раҳбаринг йўқмиди.
Кўк кийибсан, сен бировни йўқлайсан,
Ултонбекдан нега кўрқиб жилайсан.



- 11260 Ҳазон бўлиб боғда гуллар сўлганми,
Ултон Қўнғирот элга тўра бўлганми,
Абгор бўлиб қора кийиб юрибсан,
Сенинг бирор суянганинг ўлганми?
Мунглиқсан, муштипар, хозор қиласан,
Ўзинг тўхтатолмай ўксиб турасан,
Ултон деб кўнглингни вайрон қиласан,
Бунча йиғлаб, хаёлингни бўласан,
Бир мунглиқсан, қаттиқ кунда қоласан,
Асли ўзинг қайси уруғдан бўласан,
- 11270 Ултон дейсан, сен ҳам хозор қиласан,
Гапирсанг, кўзингга ёшни оласан,
Мунча йиғлаб чўлда жабр кўрасан.
Ултон сенга оша жабр қилганми,
Қўнғиротнинг юртида даврон сурганми,
Илгариги Қўнғирот беги ўлганми,
Ултонтозга навбат тегиб қолганми,
Қўнғиротнинг эгаси шулар бўлганми,
Барча одам айтганини қилганми,
Барча одам етагига юрганми?!
- 11280 Сени кўриб менинг кўнглим бузилди,
Кўп йиғлама, менинг бағрим эзилди
Жуда, мунглук, хафа билдим ўзингди,
Туриб сендан гап эшитмак лозимди[r].

Бу сўзни эшитиб, синглиси бир сўз айтиб турган экан:

Мен ҳам бир-бировнинг кўрар кўзиман,
Оғзиндаги сўйлайдиган сўзиман,
Аслим билсанг, чин деганнинг ўзиман,
Қўнғирот элда Бойбўрининг қизиман.
Ғариб бўлиб бу чўлларда юрибман,
Туя боқиб, тақдиримдан кўрибман.

11290 Бек Алпомиш деган акам бор эди,
Кашалнинг юртига сафар қилганди,
Эшитамиз бориб зиндон бўлганди,
Ўлди деб хабари бунда келганди,
Бориб кўролмадик, унда зиндонди[r],
Яна бир тирик деб хабар келганди,
Шуваққача ҳеч бир хабар бўлмади,



- Энди билдик, эмикдошим ўлганди[r].
Ўлмай омон бўлса мунда келарди,
Келиб бу юртидан хабар оларди.
- 11300 Тирик бўлса, душман бундай қиларми,
Ўзи бўлса, юртин кулга берарми?!
Сен эшитгин мендай мунглиқ сўзини,
Ултон босди шундай шернинг изини,
Тўй бериб олмоқчи сарвинозини,
Ҳозир кўндиролмай чечам ўзини.
Барчин сулув кеча-кундуз жилади,
Тўрам деб акамни эсга олади.
Ҳар куни қошига одам боради,
Барчиной деб кўп насиҳат беради,
- 11310 Ултонтозни қабул қилмай туради,
Кетган бекдан ҳали умид қилади.
Ултон бек бўп юртда зулм қилади,
Акамнинг ўлгани маълум бўлади,
Кўнмаганда Барчин нима қилади,
Бориб-бориб айтганига кўнади,
Бул иш бўлса, кунимиз қандай бўлади?!

Бу сўзни эшитиб, синглисига қараб, Алпомиш бу сўзни айтиб турган экан:

- Мени билсанг Қалмоқ элдан келаман,
Шу акангнинг бир хабарин биламан.
Ўлгани йўқ, ҳали аканг омонда,
- 11320 Неча йиллар бирга эдик зиндонда,
Сен қолибсан мунда қайғу-туманда,
Аканг келар, қуллар бўлар шарманда.
То ўлганча яратганга рост бўлдим,
Ўз феълимдан чўпу хасдан паст бўлдим,
Аканг билан мен зиндонда дўст бўлдим.
Акангнинг хабарин шундай биламан,
Ким сўраса, хондан жавоб бераман,
Аканг эмас, унинг дўсти бўламан.
Аканг ҳам зиндондан озод бўлганди[r],
- 11330 Қалмоқларнинг жуда додин берганди[r],
Йиғлама, кўрарсан шундай полвонди.
Аканг мени ул хабарчи қилганди,
Акангнинг элчиси, дўсти келганди.



- 11340 Кўп бўлибсан бундай йиғлаб дармонда,
Азоб кўрган ширин жонинг бу танда,
Аканг келар, куллар бўлар шарманда.
Кўп йиғлама, сенинг аканг омонди[r],
Солар душманларга охир замонди,
Сен кўрарсан Кашал кетган полвонди.
Ҳар ким ўз шаънига бекди, тўради[r],
Шу йўл билан сенинг аканг келади,
Акангнинг хабари шундай бўлади,
Кеч қолганда икки кунда келади,
Йўловчи шундайин жавоб беради.
Акангнинг юртини аввал кўраман,
Келарини тоза аниқ биламан,
Элни кўриб, Кўнғирот элга бораман,
Дўст-душманин билиб жавоб бераман.

Бу сўзни эшитиб, синглиси бу сўзларни айтиб турган экан:


- 11350 Қайси юртдан бунда қилдинг сафарни,
Кашалда акамдан бердинг хабарни,
Хафа қилма мендайин муштипарни.
Мард бўлсанг, номарднинг ишин қилмагин,
Кўп яшагин, бу дунёда ўлмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Акам бўлсанг, менга ҳилла қилмагин.
Илоҳим курисин йўлнинг қияси,
Бузилмасин элда марднинг уяси,
Чиқиб қолди Бойбўрининг чияси,
Келармикан тагин элнинг эгаси?!
11360 Бу сўзни, йўловчи, ҳазил билмагин,
Акам бўлсанг, менга ҳилла қилмагин,
Сўз айтиб сен азмойиш қип турмагин.
Акам бўлсанг, сўра менинг холимни,
Хазон қилма тар очилган гулимни,
Юр, бориб кўрсатай Ёдгор улингни,
Сағир қолган сенинг жони-дилиггни.
Менинг ғариб юришима карагин,
Акам бўлсанг, аҳволимни сўрагин,
Акам бўлсанг, кўрар кўзим, чироғим,
11370 Акамни айтдинг, эзилгандир юрагим.



- Бу сўзни Қалдирғоч айтиб туради,
От устида Ҳаким ўйлаб кўради.
Акангман, деб агар ўзин билдирса,
Юраги ёрилиб тайин ўлади.
Бирор майдон фикр қилиб тўради,
Синглисига бу жавобни беради:
– Акам дема, аканг келиб қолади,
Отнинг бошин шундай йўлга буради,
Шу йўл билан сенинг аканг келади,
11380 Шу гапдайтиб шунқор кетиб боради,
Синглисига қарамайин боради.

Йўловчи кетдими, деб Қалдирғоч ойим чангалнинг остидан чиқиб
қаради, кўз кўрим ерда кетиб боради, қараса, остидаги миниб бораётган
оти, орт-сиртидан кўрди: “Акамнинг миниб кетган Чибор отига ўхшайди”.
Кўриб, таниб, кейинидан пою пиёда югуриб, бу сўзни айтиб бораётир:

- Йўллардан ўтган йўловчи,
От тизгинин тортиб менга қара-чи,
Сақлаб туриб менинг холим сўра-чи.
Қалмоқ юртдан мунда қилсанг сафарни,
Йўл юриб кўрмагин сира хатарни,
Йиғлатмагин мендайин дарбадарни,
Бек акамдан бериб ўтдинг хабарни.
Менинг кўзим ўйилмаса, танидим,
11390 Полвон акам миниб кетган Чиборни.
Йўловчи, эшитгин сўйлаган тилни,
Эгам бунда онсон қилсин мушкулни,
Менинг кўзим кўр бўлмаса, танидим,
Барчин чечам тикиб берган шол жулни.
Қийғир деган куш ўлтирар қияда,
Не кўриб кечириб фоний дунёда,
Отни таниб чопди пою-пиёда.
Бораётир шундай ақили шошиб,
Чопиб бораётир ўпкаси шишиб.
11400 Бек Алпомиш шундай бурилиб қаради,
Келаётган синглисини кўради,
От жilовин тортиб қараб туради,
Ой Қалдирғоч энди етиб боради.
От тизгинин бул бўйнига солади,
Узангига бошин уриб жилади,



- Шул менинг акамнинг минган оти, деб
Оёғига кўп ўралиб жилади.
Ул Ҳакимбек туриб ўйлаб кўради,
Акангман, деб агар ўзин билдирса,
11410 Бу ҳам сира айрилмайин қолади.
Ўйлаб туриб шундай ишни қилади,
Жиловин кўлидан силкиб олади.
– Бу чибор от ўзимизга хоназод,
Аста-аста менга қиласан тухмат.
Буни билиб мунглик бўзлаб жилади,
“Акам бўлса, нега бундай қилади?!”
Акам бўлса, албатта маълум беради”,
Бошқа одам дейди, кўнглин бўлади,
Хафа бўлиб туяга қайтиб жўнади.
11420 Синглисининг бундай ахволин кўриб,
Боради бек Ҳаким кўнгли бузилиб,
От ёлига кўзнинг ёши тўкилиб.
Рози бўлиб худо қилган ишига,
Фалак титрар юганда нолишига,
Остидаги Чиборини ўйнатиб,
Бориб колди кўп кўйларнинг бошига.

Шунда чўпонларга караб, бу кўй кимники, деб сўраб турибди:

- Даҳмардалар, мен билмайман ўйингни,
Хабар бергин боқиб юрган кўйингни.
От ўйнатиб бул устинга келайин,
11430 Чўлни ёйлаб ётган, чўпон, сўрайин,
Кўйингнинг эгаси кимдир, билайин?
Ҳар қайсинг беҳаддан молни боқасан,
Даврон шул, деб бу чўлларда юрасан,
Кўй эгасин менга хабар берасан.
Жафо тиғи бу кун жондан ўтади,
Фалак зулми шу кулфатга элтади,
Чорвадорни даҳмарда, деб айтади,
Чорвадорлар, боккан кўйинг кимники?
Савлат билан ўнгу сўлга қарадим,
11440 Бу чўлларда кўй семиртмак муродинг,
Мол билан чўлларда сенинг қувватинг,
Мен билмайман ётган кўйнинг ададин.



- Мен сўрайман бокиб юрган молингни,
Билмайман, чўпонлар, сенинг ҳолингни,
Элда юрган сенинг кирдикорингни,
Элда ном кўтарган зўраборингни.
Остимда ўйнайди бул минган отим,
Олдингда яқиндир Бойсин элатинг,
Сендан сўрар мендаин валламатинг,
11450 Дахмардалар, боккан кўйинг кимники?
Мен ҳам бир юртларнинг юрган тўраси,
Қандай бойдир бу кўйларнинг эгаси.
Чўлда юриб ганг бўп ўзим келаман,
Билмайман, сизлардан сўраб тураман,
Эгасини айтсанг, сўнгра биламан,
Ким бўлади боккан кўйнинг эгаси?
Йўловчига оша малол келмасин,
Кўп туриб бу ерда йўлдан колмасин,
Хабар бергин, бул йўловчи жўнасин.

Бу сўзларни эшитиб, чўпонлар бир сўз деб турган экан:

- 11460 Аввал моллар Бойбўридай бийники,
Сўнгра билсанг, Алпомишдай бекники,
Ҳозиргиси Ултонтоздай қулники.
Билмаймиз, Ултоннинг нима ўйи бор,
Бизлар чўпон, Ултонтозга хизматкор,
Укағарнинг жуда ҳам кўп қўйи бор.
Ултонтознинг ўзи шундай балоди[r],
Муна элда кўп гапларни билади,
Кўй эгаси бек Алпомиш ўлади,
Шунча кўй бариси Ултонга қолади.
11470 Ултон хўжайинимиз, бек бўп сўрар,
Кўп ҳисобдон, маҳмадана баччағар,
Кўйларнинг ҳисобин бизлардан олар,
Култой бўлар устимиздан хабардор,
Биздан сўраб хонга жавоб шул берар,
Аниғин билсанг, шул бобома бор.

Беадад ёйилиб ётган кўп кўй, учу қуйруғини киши билиб бўлмайди,
чўпонлар бунда ётди, кўйни ёқалаб юриб кетди, кўй чўлни тутиб ётибди,
бу беадад кўйга хайрон қолиб бораётибди. Етти йил зиндонда ётиб, бу

давлатлар эсдан чикиб кетган эди. Бу ададсиз кўйларни кўриб: “Бир одамда шунча мол”, – деб хайрон қолиб, йўл юриб бораётди эди, қаради, бир марди калон, мўйсафид киши кўйларнинг четида: “Армон билан фарзандимдан айрилдим”, – деб йиғлаб турибди. Кўриб Алпомиш таниди. Култой деган қадрдон кули. Бобосига қараб, танимаган киши бўлиб, бу сўзларни айтиб турган экан:

11480 Не сабабдан, бобо, бўзлаб йиғлайсан,
Қариганда бўтадайин бўзлайсан,
Оҳ урасан, жигар-бағринг тузлайсан,
Болам дейсан, сен бировни излайсан.
Шум фалак бошингга савдо солдим,
Хаёлингга неча гаплар келдим,
Яқин ҳолда сенинг кўзинг ўлдими,
Ўлган боланг ё эсингга келдим?!
Тоза очилиб сенинг гулинг сўлдими,
Қариганда бир киёмат бўлдими,
Хабар бергин, сенинг улинг ўлдими?!
Не сабабдан, бобо, бўзлаб йиғлайсан?
Йўловчиман, мен бурилиб сўрайин,
Йиғладинг, бойисин, бобо, билайин.

11490 Қариганда, бобо, абгор бўлибсан,
Кўзинг ёшли, бежой йиғлаб турибсан,
Суянчидан айрилиб, ғариб бўлибсан,
Йиғлаганинг, бобо, сендан сўрайин.
Олис юртдан кўпдир менинг меҳнатим,
Чарчаб келаётир бул минган отим,
Сен жиладинг, қолмади-ку тоқатим,
Ўлдимиқан бир суянган фарзандинг,
Кўнғирот музофотида кўрган кулфатинг,
Ёнингда ҳеч кишинг, йўқдир улфатинг.

Бу сўзни эшитиб: – Менинг йиғлаганим, ўғлим эмас эди, Бойбўрининг ўғли эди, икковимиз шундай қадрдон эдик, билмаганлар Алпомиш Култойнинг ули дер эди, билганлар Култой Алпомишнинг кули дер эди, шул Кашал бориб ўлиб кетди. Шунча давлат кулларга қолиб кетди. Шу эсимга тушиб, йиғлаб туриб эдим, – деди.

Алпомиш туриб айтди: – Бобо, Алпомишни кўрсатсам, нима берар эдингиз?

Култой айтди: – Укангнинг қорнини берар эдим, кўрсам, ўзим ҳам таниб олар эдим.

“Бир
аради,
билан
ниди.
иб, бу

Алпомиш айтди: – Мен кимга ўхшайман.

– Сен бир гўрга ўхшайсан, сенинг ўхшаганинг билан қачон ишим бор менинг, сендай неча одамлар Алпомиш келаётир, суюнчи бер, деб неча саркаларимни алдаб еб кетган. Алпомиш деб борсак, Қултой аҳмок бўп бизга бир нима беради, алдаб бир саркасини оламиз, деб кепсан, – деди.

Бу сўзни эшитиб: – Хайр бобо, мени танимадингиз. Алпомишнинг нима белгиси бор эди? – деди.

Қултой айтди: – Алпомишнинг белгиси шул эди: ўнг эғнида Шоҳимардон пирнинг беш панжасининг доғи бор эди, чап эғнида ўзимнинг беш панжамнинг белгиси бор эди.

Эғнини кўрсатди. Сийпалаб панжанинг доғини билиб, фарзандим сен экансан, деб айрилмай қолиб, бу сўзни айтиб, иккови топишиб ётир:

11500 Бу сўзни айтиб Қултой кўзин ёшлади,
Болам деб устига ўзин ташлади.

Муна тоғда бўктарилган қормисан,
Қаторга тиркалган лўкча-нормисан,
Эли-юртга, болам, интизормисан,
Кўрар кўзим, юрт эгаси бормисан?
Худойим сақлагай бандани омон,
Ғариб қулга эгам бўлгай меҳрибон,
Юрт эгаси келдинг, энди, Ҳақимхон,
Болам, деб бағрига босди ул замон,

11510 Кетгандай бўп колди ғам билан туман.

Кўзларимдан кетди равшан,
Топилмади саройи бўстон,
Дўстлар бўлди менга душман,
Ўтган ишга мен қилмайин пушаймон,
Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?
Ота-энанг қаттиқ кунда қолганди,
Ултонтоз суяги бузуқ бўлганди,
Ул қурғур наслига тортиб қолганди[р],
Шуларни ҳам хизматига солганди,

11520 Шукур қилай, кўрдим сендай полвонди.

Омон-эсон сендай кўзим келганди,
Энди кўргин ўз юртингда давронди,
Неча марта Ҳақимбекдан айналди,
Юрт эгаси, жоним болам, бормисан?
Сен кетдинг, бизлар бўтадай бўзлаб,

нинг
миш
эди,
Шу
ерар
хам

давлатлар эсдан чикиб кетган эди. Бу ададсиз кўйларни кўриб: “Бир одамда шунча мол”, – деб хайрон қолиб, йўл юриб бораётиб эди, қаради, бир марди калон, мўйсафид киши кўйларнинг четида: “Армон билан фарзандимдан айрилдим”, – деб йиғлаб турибди. Кўриб Алпомиш таниди. Култой деган кадрдон кули. Бобосига қараб, танимаган киши бўлиб, бу сўзларни айтиб турган экан:

11480 Не сабабдан, бобо, бўзлаб йиғлайсан,
Қариганда бўтадайин бўзлайсан,
Ох урасан, жигар-бағринг тузлайсан,
Болам дейсан, сен бировни излайсан.
Шум фалак бошингга савдо солдим,
Хаёлингга неча гаплар келдим,
Яқин ҳолда сенинг қўзинг ўлдими,
Ўлган боланг ё эсингга келдими?!
Тоза очилиб сенинг гулинг сўлдими,
Қариганда бир киёмат бўлдими,
Хабар бергин, сенинг улинг ўлдими?!
Не сабабдан, бобо, бўзлаб йиғлайсан?
Йўловчиман, мен бурилиб сўрайин,
Йиғладинг, бойисин, бобо, билайин.

11490 Қариганда, бобо, абгор бўлибсан,
Кўзинг ёшли, бежой йиғлаб турибсан,
Суянчидан айрилиб, ғариб бўлибсан,
Йиғлаганинг, бобо, сендан сўрайин.
Олис юртдан кўпдир менинг меҳнатим,
Чарчаб келаётир бул минган отим,
Сен жиладинг, қолмади-ку тоқатим,
Ўлдимикан бир суянган фарзандинг,
Кўнғирот музофотида кўрган кулфатинг,
Ёнингга ҳеч кишинг, йўқдир улфатинг.

Бу сўзни эшитиб: – Менинг йиғлаганим, ўғлим эмас эди, Бойбўрининг ўғли эди, икковимиз шундай кадрдон эдик, билмаганлар Алпомиш Култойнинг ули дер эди, билганлар Култой Алпомишнинг кули дер эди, шул Кашал бориб ўлиб кетди. Шунча давлат кулларга қолиб кетди. Шу эсимга тушиб, йиғлаб туриб эдим, – деди.

Алпомиш туриб айтди: – Бобо, Алпомишни кўрсатсам, нима берар эдингиз?

Култой айтди: – Укангнинг қорнини берар эдим, кўрсам, ўзим ҳам таниб олар эдим.

Алпомиш айтди: – Мен кимга ўхшайман.

– Сен бир гўрга ўхшайсан, сенинг ўхшаганинг билан қачон ишим бор менинг, сендай неча одамлар Алпомиш келаётир, суюнчи бер, деб неча саркаларимни алдаб еб кетган. Алпомиш деб борсак, Қултой аҳмок бўп бизга бир нима беради, алдаб бир саркасини оламиз, деб кепсан, – деди.

Бу сўзни эшитиб: – Хайр бобо, мени танимадингиз. Алпомишнинг нима белгиси бор эди? – деди.

Қултой айтди: – Алпомишнинг белгиси шул эди: ўнг эгнида Шохимардон пирнинг беш панжасининг доғи бор эди, чап эгнида ўзимнинг беш панжамнинг белгиси бор эди.

Эгнини кўрсатди. Сийпалаб панжанинг доғини билиб, фарзандим сен экансан, деб айрилмай қолиб, бу сўзни айтиб, иккови топишиб ётир:

11500 Бу сўзни айтиб Қултой кўзин ёшлади,
Болам деб устига ўзин ташлади.

Муна тоғда бўктарилган қормисан,

Қаторга тиркалган лўкча-нормисан,

Эли-юртга, болам, интизормисан,

Кўрар кўзим, юрт эгаси бормисан?

Худойим сақлагай бандани омон,

Ғариб қулга эгам бўлгай меҳрибон,

Юрт эгаси келдинг, энди, Ҳақимхон,

Болам, деб бағрига босди ул замон,

11510 Кетгандай бўп қолди ғам билан туман.

Кўзларимдан кетди равшан,

Топилмади саройи бўстон,

Дўстлар бўлди менга душман,

Ўтган ишга мен қилмайин пушаймон,

Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?

Ота-энанг қаттиқ кунда қолганди,

Ултонтоз суяги бузук бўлганди,

Ул қурғур наслига тортиб қолганди[р],

Шуларни ҳам хизматига солганди,

11520 Шукур қилай, кўрдим сендай полвонди.

Омон-эсон сендай кўзим келганди,

Энди кўргин ўз юртингда давронди,

Неча марта Ҳақимбекдан айналди,

Юрт эгаси, жоним болам, бормисан?

Сен кетдинг, бизлар бўтадай бўзлаб,



11530 Боролмадик Қалмоқ юртини излаб,
Энди юргин душман бағрини тузлаб,
Меҳрибоним, жоним болам, бормисан?
Худойим бергайда барчага дармон,
Иш бўлмас қудратли ҳақдин бефармон,
Сени кўриб кетди мендан юз армон,
Қувват энди, менга келганди дармон,
Бу юртингда душман қилар пушаймон,
Душман куллар бўлар ер билан яқсон,
Соғ-саломат элга келган сен султон.
Яхши кунлар бўлиб хор-а,
Юрагим неча садпора,
Аҳволимни, болам, сўра,
Кўр бўлган тарзима қара.

11540 Бу сўздайтиб йиғлаб босиб бағрига,
Етишдинг, жон болам, куллар даврига,
Сен ҳам мундан ўз элингга борасан,
Ул кулларнинг қилган ишин кўрасан,
Болам, кўрсанг, чидаёлмай коласан.
Сен билмайсан куллар оша зўрабор,
Ҳаммаси ҳам бўлиб кетди ҳукмдор,
Ултоннинг гапиман зўр бўлди булар.

Бу сўзларни айтишиб, иккови бир-бири билан топишиб: – Қани, бобо, элда қандай гап бор? – деди. Қултой айтди: – Сени қатайиб келган десам, ҳали ҳам шу ердаги бўшлигинг қолган йўқ экан. Эндиги гап шул, ўттиз кунча бўлди. Ултонтоз тўй бериб, хотинингни олмоқчин бўлиб ётир. Энди бориб ўлдирасан-да, эндиги гап шул-да! – деди.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш айтди: – Бобо, сиз мен бўлиб боринг, мен сиз бўлиб борайин, ким дўст, ким душман, ўз кўзим билан кўрайин, бировнинг чоригига биров тойиб, ўлиб кетмасин, – деди.

Қултой айтди: – Шуйтсанг, шуйт, ўғлим, сенинг келган вақти хушлигингга кулларнинг тўйига бориб, бир кўпқари чопиб қолайин.

Шунда тушиб Бойчиборни Қултойга берди, Қултой Алпомишнинг кийимларини кийиб, Бойчиборни миниб, чўпга либос-да, дуппа-дуруст мўйсафид бўлиб, отланиб, кулларнинг тўйига жўнаб кетди. Алпомиш Қултойнинг кийимларини кийиб, елкасига жанда-жундани кўйиб, кебанакни устидан елбагай кийиб, сиртидан белини бўғиб, тумоқ, чорикларини кийиб, оқ саркани сўйиб, гўшт билан шўрвасига тўйиб, терисидан кесиб сокол, бурун қилиб, учини қайчилаб кийиб, олдида кўл



бор эди, кўлнинг ёкасида эди, шундай энкайиб кўлга каради, сувнинг
ичида ўзини кўрди: худди-мудди жасади букуртоб Култойнинг ўзи бўпти.
Таёғини ушлаб, Култой жасадли бўлиб, тўйга кета берди. Бир қатор уйнинг
олдидан ўтиб бораётди эди, шунда бир келинчак чиқиб каради, Култойни
кўриб, бул учта эчки қўшиб қўйиб эди, шу эчкиларимни сўрайман, деб
чоғиб бораётди. Келинчакнинг Алпомишга қараб, айтиб турган сўзи:

- Бобо, эшит менинг айтган сўзимни,
Тўйга бораяпсан, билдим ўзингни.
11550 Сабр қилсанг, бобо, айтар арзим бор,
Чарчаб чоғиб келди мендайин ночор,
Сизга тайинлаган учта эчким бор,
Омон-эсон юрибмикан жонивор?
Ярашиққа ловдон рўмол ўрайман,
Бобо, кунда мен ҳам йўлга қарайман,
Сизни кўриб, мен эчкимни сўрайман.
Мендай санам мунда фиғон этдими,
Эчкилар семириб, қочиб кетдими?
Бобо, қайтинг, уйга меҳмон қилайин,
11560 Уйга сизни эргаштириб борайин,
Бобо, юринг шўрва қилиб берайин,
Эчки сўраб, ҳаққатига қонайин.
Чўпонлар устидан сардор бўласан,
Эчкиларни кунда кўриб юрасан,
Ўлса-йитса, бобо, хабар берасан,
Маларойнинг айтган сўзин биласан,
Хизмат қилганини жуда кўрасан,
Қайтинг, бобо, бир дам сўнгра борасан,
Югуриб мен ҳалак бўлдим, биласан,
11570 Эчкимдан аниқлаб хабар берасан.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш билди: “Култойнинг олдига бу келинчак
эчки қўшган экан. Мени Култой фахмлади”, – деб шўхлиги келиб: –
Эчкиларинг семириб, баҳрини очиб юрур, такани қўйиб, қўчқордан қочиб
юрур, йилда эгиз сегиз туғиб, уч эчкинг юз ўн тўртта бўлди, – деди.

Кам фаҳм, ҳеч нарсага тушунмайдиган аёл юз ўн тўртта деганига
думоғи чоғ бўлиб, кўнгли кўтарилиб: – Оғзингизга мой, уйга юринг, –
деб тармашиб қўймай, уйига эргаштириб борди. Борса, уйида нон йўқ. –
Бобо, ўтиринг, нон йўқ экан, мен муна қўшниникидан элак олиб келиб,
мен сизга бир патир қотириб, устига мой солиб берай, – деди. Элакка
жўнаб кетди, борса, беш-олти хотинлар уни-буни гапириб ўтирибди.

“Элакка борган хотиннинг эллик оғиз гапи бор”, дегандайин, у хотинлар билан ўрлаша кетди. Гап кўпайиб, Қултой эсидан чиқиб кетди. Қултой кориндаги мойни, қопдаги куртни, уйдаги керакли нарсасининг барини эрмак қип еб қайтди. Келинчак ҳам элакни олиб келаётиб эди, Қултойни кўриб қолди: – Ҳа, қайтинг, бобо, – деб порт бўлиб қолди. “Қултой” айтди: – Энди тўйга кеч бўлди, уйингдан уни-муни еб, тузингни тортдик, – деб қайтди. – Эса, қайтарда келинг, – деб тайинлаб қолди.

Элакни олиб уйига борди. Борса, уйда аён-жинс бўлиб, ҳеч нима қолмапти. Ўйланиб қолди: “Қултой бўлса, Қултойнинг мунча овқатни ҳал қиладиган қуввати йўқ эди, бу бир алпнинг иши-да. Нима бўлса, Алпомиш келдимикан?” – деб фикр қилиб қолди.

Ана энди Қултой бўлиб, тўйга Алпомишнинг кетиб бораётган ери:

Таёғини судраб “Қултой” боради.

Худо насиб қилса анинг уйини,

Мен кўрайин Барчин сулув бўйини,

Томоша қилайин ёрим тўйини.

Ким билади “Қултой кулнинг” ўйини,

Қизик бўлар қилиб ётган тўйини,

Борсак бўлар у ерларда ўйини.

Бу сўзни айтиб “Қултой” боради,

Қизу жувон бари йўлга тўлади,

11580 Хотинларман бирга кетиб боради.

Кўп хотинлар дастархонин оркалаб,

Йўлда “Қултой” билан ҳамроҳ бўлади,

“Қултой” кулга кўп миннатдор бўлади,

Аламжан йўл тўйхонанинг ораси,

Хомсемиз хотинлар чарчаб қолади:

– Бобо, хизмат қилсанг қандай бўлади.

Яхши хотин йўлиқсин деб дуо қилайик,

Дастархонни биз орқангга солайик.

11590 Бобожон, кўтаргин салт бўп юрайик,

Сизман йўлдош бўлиб тўйга борайик,

Миннатдор бўп жуда дуо қилайик.

Қариганда адрас-кимхоб кийсин, деб,


Ҳақдан келган ишга бўйнин эйсин, деб,

Бобомнинг душмани ўтдай қуйсин, деб

Жамъи хотин чувлаб дуо қилайик,

Киндиккинанг иссиқ ерга тейсин, деб.

Бу сўздайтиб кўп миннатдор бўлади,



- 11600 Хотинлар “Култой”нинг ақлин олади,
Дастархоннинг барин йиғиб ул замон,
“Култой” кулнинг орқасига солади,
Кебанакка йиғиб ани кўтариб,
Хотинларман бирга-бирга боради.
Хотинларман хангома кип йўл тортди,
Бирор майдон ияриб қичаб кетди.
Рўпарай хотинлар кейин қолади,
“Култой” шундай хўп халлослаб юради,
Югуриб-елиб, харчанд қичаб кўради,
Анғишлаб бу “Култой” кетиб боради.
Кўринг энди “Култойди”,
- 11610 Неча кирлардан ошди,
“Култойдан” тоза адашди,
Етолмай хотинлар жуда қарғашди.
Худой урди “Култойди”,
Икки энаги бултайди,
Йиғлатган Маларойди,
Еб келган у ерда қурутман мойди,
Бу хотинлар ҳеч корасин кўрмайди,
Қайтиб қуруқ борамиз деб ўйлайди.
Шу ойнасда “Култой” қичаб боради,
- 11620 Неча кирдан нари хотинлар қолади,
“Култой” бораётиб шундай каради,
Бир поданинг ётоғини кўради,
Чашманинг бўйнига бориб қолади,
Энди бориб “Култой” шунда кўнади,
Дастархонни “Култой” очиб кўради.
Тўйга қилган бари қатлама, қуймоқ –
Барисини ейиб адо қилади.
“Култой” кулдан бўғирсоқ ҳам қолмади.

Товоқда бор нимарсаларнинг барини еб, қурутиб, дастархон, товоқ қолди. Подачининг қилган тезагидан олиб келиб, ўзлариникидай қилиб, товоққа солиб, кўпига кўп, озига оз ўраб, қадим орқасига солганда қандай бўлса, шундай қилиб, барини қаторлаштириб, ўзи кетди жўнаб.

Хотинлар гоҳ қайтар бўлиб, гоҳ борар бўлиб, шул чашманинг бўйнигачай келди, дастархон, товоқларини кўриб, бобосини дуо қилиб қолди: – Илойим, бир яхши семиз кампир йўлиқсин, бизни уялмасин, деб шу ерга қўйиб кетибди, – деб чашмадан сув ичиб, хар қайсиси ўз товоғини




олиб, қадимгидай бошига қўйиб, бу булоқнинг сувидан ирғиб ўтаётди эди, бирови каттиқроқ ирғидими, тарс этиб дастархондан тезак тушиб қолди. Бу хотиннинг дастархонидан тезак тушганини кўриб, ўзга хотинлар айтди: – Бунинг кундоши бор-да, тўйга бориб, дастархондан таппи чиқиб, шарманда бўлсин, деб қўшиб ўраган-да. Бир хотин: “Бизники ҳам таппи бўлиб юрмасин”, – деб очиб кўрди, очиб кўрса, бариники таппи. “Қултой”ни қарғаб, саросима бўлиб, товоқларни қайтарда олиб кетамиз, деб ариқнинг ёқасига кўмиб, дастархонларни кўйлакнинг ичидан белига бойлаб: “Тўйга куруқ келибсизлар деган одам бўлса, “Қултой” шундай қилди, деб айтамиз”, – деб [йўлга тушди].

Энди булар ҳам тўйга бора берсин, эндиги гап боғонағи Бойчиборни миниб кетган кўхна Қултойдан. Қултой Бойчиборни миниб, тўйга борди. Борса, Ултонтоз Алпомишнинг бор вақтига таассиб солган, Барчинга бахмал ўтов тикиб берган, ҳар ким улоқни олиб бориб солса, Барчиннинг бахмал ўтовига олиб бориб солади. Шунда Бойчиборни калта қантариб, отнинг соясига ташлаб: – Қуллар, улоқингни чиқар, – деб ёнбошлаб, куллар улоқ чиқарди, кулларнинг тўйига аралашиб, Қултойнинг кўпқари чопиб ётгандаги сўзи:

11630 Ошиқ фаҳми окшом кеча,
 Ҳолин билмайди бир неча,
 Йиғилишган сатта норча,
 Кўпқарини чопиб ётир
 Ўн икки мингча бойвачча,
 Санаб кўрган одам йўқдир,
 Тахминан ўн икки мингча,
 [Уст]-устига ташлаб турур
 Кўсам сарка, олапоча.

11640 Кўринг энди Қултой мардди,
 Чибор отга қамчи чатди,
 Урган қамчи симдай ботди,
 Йиғинни қоқ ёриб кетди,
 Йиғин-тўдани нуратди,
 Бу бобонг қилди ғайратди,
 Не одамлар хайрон қопти,
 Улоқни олиб жўнаб кетди,
 Болалар, ҳисоб бўлдими, деб
 Чанғароқдан ташлаб қайтди.
 Мундай кунда кўнглин хушлаб,
 Урди қамчинни қулочлаб,

- 11650 Бойчибор борди ангишлаб,
Боз устига улоқ ташлаб.
Ҳаққа етгай айтган доди,
Ултонтознинг жийрон оти
Улоқни олиб жўнай берди,
Култой фақир бошин бурди,
Бойчиборга қамчи урди.
Жапс бўлиб ёнбошдан етди,
Ушлади кейинги путди,
Узанги ташлаб беркитди,
- 11660 Ёнбош тушиб бирни тортди,
Ултонтознинг жийрон отин
Ўмма қип нуратиб кетди,
Жамъи куллар йиғилиб етди.
Меҳмон, қайдан келасан, деб,
Нима уруғ бўласан, деб,
Буйтиб чопма, ўласан, деб,
Кечга солим оласан, деб,
Бекнинг отин сен йиқитдинг,
Қариганда ўласан, деб,
- 11670 Зўрнинг тўйин биласан, деб,
Бундай ишни қиласан, деб
Чопди Култойнинг улоғин.
Душманлар мени билсин, деб,
Солганим соврин бўлсин, деб
Дамба-дамда улоқ ташлар,
Маррага етиб қайтарар.
Чатоқлашиб юру Култой,
Ҳеч солим бермайди куллар.
Култой отини буради,
- 11680 Йиғинда суриб юради,
Кулларман тараф бўлади.
Ултонни парвой қилмади,
Сира кўзига илмади,
Чатоғин Култой кўймади.
Дамба-дам улоқни олар,
Култой узанги қайтарар,
Ўласан деди кўп куллар.
Култой кўпкарида донгдор,
Остига мингани тулпор,



11690 Тир келолмайди одамлар,
Улокдолиб Култой кетар,
Юлдуздай бўп окиб ўтар,
Ҳеч ким қўл сололмай кетар,
Култой шундай иш кўрсатар,
Бир нечалар хайрон колар.
Устида яхши либослар,
Гап қиб ётади одамлар:
“Қайси элдан келган бу чол,
Остидаги оти тулпор,

11700 Чол ҳам бўлса кўп зўрабор,
Кўп чаток қилади куллар,
Парвой қилмайди баччағар”.
Култой йиғинда шағалмас,
Айтганини қилмай қўймас,
Гапирганман кулок солмас,
Гап деганни кўнглига олмас.
Бойчиборга камчи урди,
Алпомиш келгани шулди[r],
Култой ай-хайлаб маст бўлди,

11710 Кўп улоқни Култой олди,
Ҳеч ким буни билмай қолди.
Йиғинда ўзар Бойчибор,
Устида Култой зўрабор,
Ай-хайлаб чикарди номдор.

Бахмал ўтовга улоқни ташлаб, қайтган вақтида орт-сиртидан
Бойчиборни кўриб, Барчин таниб, Ёдгор ўғлига караб, бир сўз айтиб
турган экан:



11720 Мен йиғлайман яратганга зору зор,
Не қилса, ҳукми бор қудратли жаббор,
Тўйхонага отанг келгандир, Ёдгор.
Сувда бўлар сулув ўтнинг суйруғи,
Биз билан бўларми ҳақнинг буйруғи,
Чўлтонглаб кўринди Чибор куйруғи.
Ғамли бўмай оху фиғон этмайди,
Ёби от туёқдан отган турпоғи
Сира ҳам бир чатанидан ўтмайди,
Боғонада бир Чибор от кеп эди,


- Уй гирдидан, болам, тўзанг кетмайди.
 Тўйхонага, болам, отанг келганди[r],
 Ким яхши, ким ёмон, англаб билганди[r],
 Иншоолло, кўрармиз шундай полвонди.
 Мард йигит майдонга кирса желлидир,
 11730 Тўкайда йўлбарснинг изи беллидир.
 Отанг йўлбарс, тўйхонада юргандир,
 Ким яхши, ким ёмон, англаб билгандир,
 Дўсту душманларни синаб кўргандир,
 Отанг шуйтиб билдирмайин юргандир,
 Кашал юртга кетган отанг келгандир.
 Хазон бўлса боғда гуллар сўлгандир,
 Бу ўчган чироғим ёниб қолгандир,
 Мен билувда душман куллар ўлгандир,
 Болам, элга қайсар отанг келгандир,
 11740 Отанг келиб оти мунда юргандир,
 Хозир ўзин билдирмайин тургандир.
 Кепти Қалмоқ элдан соғу саломат,
 Билмаганлар қилар эди маломат,
 Душман кўрса энди солар киёмат,
 Бек отанг келибди соғу саломат.

Бу сўзни энасидан эшитиб,
 Ёдгор: – Бу кулларининг бир
 жонига тегайин, агар отамнинг
 келгани рост бўлса, кулларни
 ўлдирайин, ётган вақтида ҳам
 ингранса, айириб олади, агар
 отамнинг келгани ёлғон бўлса, бу
 куллардан бундай зулм кўриб
 юрганча, ўлганим ҳам ўнггай
 келади, – деди. Шунда кўнглини
 хушлаб, бир қайқи таёкни қўлига
 ушлаб, кулларнинг кўпкарига ташлаб ётган саркаларини қувиб, четга
 чиқариб кетди. Саркани қувиб бораётиб эди, Алпомиш Қултой суратли
 бўлиб келаётиб эди, олдидан чиқа кетди, Ёдгорни кўриб, бир сўз айтиб
 турган экан:



*Халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғли Ойбек ва
 Уйғун билан.*

Баҳорда очилган боғнинг гулисан,
 Сен ҳам бир-бировнинг жони-дилисан,



- 11750 Сарка хайдаган болам, кимнинг улисан?
Бу элларда қайси уруғдан бўласан,
Сарка хайдаб, болам, қайда борасан?
Жамолинг ўхшатдим осмонда ойга,
Ўзингни менгзайман бўз қарчиғайга,
Қошингни ўхшатдим эгилган ёйга,
Ўзингни менгзайман минг қўйли бойга,
Бойвачча сифатлим кимнинг ўғлисан?
Бино бўлдинг қайси гавҳар донадин,
Сендай фарзанд бино бўлмас энадин,
Парвоз қилдинг қайси мазгилхонадин,
Баланд парвоз кўзим, кимнинг ўғлисан?
- 11760 Шундай бўлди менга ҳақнинг фармони,
Сени тукқанларнинг борми армони,
Сени кўриб кетди бобонг дармони,
Наслинг одам десам, беҳишт ғилмони,
Ғилмон сифат болам, кимнинг ўғлисан?
Қариганда худо дейман, жилайман,
Кўз юбортиб атрофима қарайман,
Авлоди-аждодинг сендан сўрайман,
Хабар бергин, болам, кимнинг ўғлисан?
Қийғир деган куш ўлтирар қияда,
- 11770 Не кўриб кечирдинг фоний дунёда,
Тарзинг кўрса, шоҳлар юрар пиёда
Ғайратинг бор Рустамдан ҳам зиёда,
Қайсар сифат болам, кимнинг ўғлисан?

Бу сўзни эшитиб, Ёдгорнинг кўнгли бузилиб, бу сўзни айтиб турган экан:



- 11780 Жафоларга тушган танда жон эдинг,
Кул ичинда меҳрибоним сен эдинг,
Сен ҳам мени унутдингми, бобожон?
Тоғу тошнинг бошин чалган туман-а,
Мендай сағир-шўрга охир замон-а,
Бек отам Кашалга кетган вақтинда,
Энамнинг бўйида қопман гумона,
Сен ҳам мени унутдингми, бобожон?
Баҳорда очилган боғнинг гулиман,
Мен ҳам бир-биронинг жони-дилиман,

Сен ҳам мени унутдингми, бобожон,
Кашал кетган Алпомишнинг улиман.
Бу сўздайтиб сағир Ёдгор қаради,
Кўпкаридан икки отли келади,
Келаётган отлиларни кўради,
Кўнгли бузилиб Ёдгор йиғлади.

11790 Армон билан ўлдим, ғаминг е, деди,
Қаддингдан, бобожон, берман ке, деди,
Сағир Ёдгор бобосига не деди:
– Бобо, раҳбар бўлгин мендай гўдакка,
Мени олгин, бобожон, кебанакка,
Мени берма бу икки бадиракка.
Гап эшитгин, бобо, айтган тилимдан,
Қариганда ҳазар қилма ўлимдан,
Жон бобожон, мени берма кўлингдан,
Айириб қол муна икки қулингдан.

11800 Жон бобожон, мени берсанг кўлингдан,
Бу бадбахтлар қилар менинг ишимни,
Кўздан тўқар бунда селоб ёшимни,
Зулм билан кесар қуллар бошимни,
Ғазаб билан дорга тортар лошимни,
Ўрни ўчиб қолар Алпомишингни,
Жон бобожон, мени берма кўлингдан.
Бу сўздайтиб сағир Ёдгор туради,
Кўпкаридан икки отли келади.

11810 Сиёсатман бу Ёдгорга етишди,
Бу сағир Ёдгорнинг ақили шошди,
– Бобо, – деди,
“Қултой” қулнинг белбоғига тармашди.
Аччиғи кеп улар отидан тушди,
Бу энағар оша ҳаддидан ошди,
Бизлар билан бу бекликка талашди,
Қуллар келиб Ёдгор билан ушлашди.
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлибди,
Олло бунинг ақли-хушин олибди,
Ажал етиб, паймонаси тўлибди.

Фарзанд-да, кўриб “Қултой”да тобу тоқат қолмади, қулларга туриб айтди: – Мунинг ҳам бир замонда отаси бор эди, худо қилди, етим бўлди, етим билан сағирни ура берармикан? Муни кўй, ўз вақти хушлигингни кўр, – деб

билагидан ушлаб турди. Алп-да, панжаси билагини янчиб бораяпти, кўзи ёшга тўлиб, билагини айириб ололмай ётибди. “Култой”нинг кўнглига келди: “Мабода зўрлигимдан англаб юрмасин”, – деб билагини бўшатди, булар ҳам минди бедов отди, икковига икки саркани ўнгартди. “Одам одамни синаб бўлмайди экан, “Култой”нинг зўрлиги ҳар кимсача бор экан”, деб жўнаб кетди. “Бобосига” қараб, Ёдгор бу сўзни айтди:

11820 Гап эшитгин, бобо, айтган тилимдан,
Ҳазар қилмадинг-ку, бобо, ўлимдан,
Айириб қолгансан икки кулингдан,
Култой бўлсанг,
Мундай ишлар келмас эди кўлингдан.
Кашал кетган менинг отам бўлмагин,
Отам бўлсанг, менга ҳилла қилмагин.
Баланд тоғнинг бошин чалганди туман,
Худойим сақлагай бандани омон,
Ёмон кунда менга бўлдинг меҳрибон,

11830 Отам дедим, сендан қилдим мен гумон,
Отам бўлсанг, менга ҳилла қилмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Душманга билдириб, сиринг бермагин,
Отам бўлсанг, менга ҳилла қилмагин.
Олдинда жиланиб мендай фарзандинг,
Бошимда кўп ғаму кулфатим,


11840 Култойга келмайди, бобо, жасадинг,
Асқар тоғни отқудай бор ғайратинг,
Ҳар кимсача бордир бул ҳукуматинг,
Кашал кетган менинг отам бўлмагин.
Тўқарман кўзимдан селоб ёшимни,
Бобо, бежой билдим қилган ишингни,
Сен эшитгин йиғлаган нолишимни.
Кашал кетган менинг отам бўлмагин,
Отам бўлсанг, мени хафа қилмагин,
Билмамиш бўп, ота, бунда турмагин.

Бу сўзни эшитиб, “бобоси” ҳам Ёдгорга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Кўздан ёшим мунчоқ-мунчоқ тизилди,
Устихон эмраниб, бағрим эзилди,

- 11850 Хафа килдим, кайтай, сендай кўзимди,
Отам дема, менинг кўнглим бузилди.
Ҳақ таоло мени қилган саргардон,
Ғамли кулга эгам бўлсин меҳрибон,
Отам деб бобонгни айтма, Ёдгоржон,
Отангнинг мазгили қоронғу зиндон,
Отанг эмас, болам, Култой бобонгман.
Ёшлик қилиб хаёлингни бўлмагин,
Лодон кўнглинг ҳар бир йўлга солмагин,
Отам деб бобонгдан гумон қилмагин.
- 11860 Отанг Кашал юртда ғариб қолгандир,
Қалмоқлар кўлида зиндон бўлгандир,
Отанг қайда, ғарибликда қолгандир,
Қалмоқлар юртида отанг ўлгандир,
Лодон болам мендан гумон қилгандир,
Отам десанг, кўнглима гап келгандир.
Ўлиб кетган отанг қайдан келади,
Култой бобонг қандай отанг бўлади.
Қариганман, болам, қаддим букилиб,
Оҳ тортганда кўзда ёшим тўкилиб,
- 11870 Отанг кетган оша юртга
Билмайман қандай бўлиб,
Сендай лодон болам бул гумон қилиб.
Отанг бўлса, сенга раҳбар бўлмайми,
Сени суйиб бу бағрига олмайми,
Ул кўтариб тўйхонага бормайми,
Эр кип ётган Барчин гулни кўрмайми,
Душман куллар бундай тўйда ўлмайми?!
Бек отангни қалмоқ айлаган зиндон,
Чириб ўлган қалмоқ юртда саргардон,
- 11880 Отанг ҳам ҳаддили жуда зўр полвон,
Отам деб сен гумон қилма, Ёдгоржон.
Отам десанг, отанг ёдима келар,
Кўхнарган дардларим янгирар,
Отам деб гапирма, сағир Ёдигор.

Бу сўзни эшитиб: “Мен ҳам билмайман экан. Култой бобоннинг адаптовур кучи бор экан. Мунинг билан овлоқда бир сирлашиб кўрайин, қандай бўлса, энамни бермайман, Ултонтозга ўзим қанча чатоқ қилиб ётибман, мунинг бир кўнглини билиб кўяйин”, – деб бу сўзни айтаётган экан:



- Ох урганда кўзда ёшим бўлар сел,
Сирлашайин, жоним бобо, берман кел.
Ултонтоздир, билмаганим билдирди,
Ханжар урмай, бағрим қона тўлдирди,
Нечовларни айтганига кўндирди.
- 11890 Қанча қўйни, қанча сўким сўяди,
Беваю бечора қолмай тўяди,
Бу орада ўттиз кунча бўлибди,
Гул энама узмай совчи кўяди.
Асли ўзим добонбийлик тўраман,
Гул энамни қандай бунга бераман,
Гул энамни Ултонтозга берган сўнг,
Не бет билан Қўнғирот элда юраман?!
Солма юрагима доғу аламни,
- 11900 Хафа қилма, бобо, мендай болангни,
Ултонтозга қандай берай энамни.
Ултонтоз зўрлигин маълум қилади,
Узилмай энама одам келади,
Энам қабул қилмай, ўрлаб туради,
Ҳамма кулнинг сўзин маъкул қилади,
Энам кўнмай, жуда ўрлаб туради,
Ҳисоб бергин, бобо, қандай бўлади?

Бу сўзни эшитиб, “бобоси” бир сўз деган экан:

- Ултонтоздир Қўнғирот элда зўрабор,
Муни билан ҳеч ким бўлмас баробар,
Англагин албатта, болам, мухрдор,
11910 Мухрдорман ўрлашмаклик не даркор?
Солма юрагинга доғу аламни,
Кунинг учун берасан-да энангни.
Мен биламан добонбийлик тўрасан,
Кунинг учун шул энангни берасан,
Шул энангни Ултонтозга бермасанг,
Билгин, болам, қийнов билан ўласан.
Мундайғачоқ, кўзим, лодон бўлмагин,
Ултонбекман кўп ўрлашиб юрмагин,
Ултоннинг қўлида ғариб ўлмагин,
11920 Бермайман, деб сира айта кўрмагин.
Биласан Ултонтоз элга тўради[r],






Хукуми ҳаммага маълум бўлади,
Зўрлик билан шу энангни олади,
Сағирсан, кўлингдан нима келади,
Ултоннинг сўзига ҳамма кўнади,
Кўпдан чиққан одам аҳмоқ бўлади.
У Ултонтоз, билгин, энди, айдахор,
Зарбидан титрайди Бойсиндай эллар,
Тақал қилмай сен энангни беракўр.
11930 Мехрибон бўп Ултон ақлин ола бер,
Қаватида бирга беклик қила бер,
Нима деса, айтганига кўна бер,
Сенга айтган насихатим шул бўлар.
Сен бузмагин, энанг қилар ихтиёр,
Энангни ҳам шунга тегмаги даркор.
Кўнғирот элда унаб турган одамлар,
Катта-кичик, бари бу сўзни билар,
Энанг Ултонтозга тегса, тинч бўлар.
Бир чеккаси сенда ҳам бор ихтиёр.

Бу сўзни эшитиб, Ёдгор бир сўз айтиб турган экан:

11940 Дардли кул дардимни кимга ёрайин,
Ҳасратимдан элдан эл ахтарайин,
Гул знамни Ултонтозга берганча,
Ултонтознинг қийновинда ўлайин,
Ҳар на бўлсам, жоним бобо, бўлайин,
Ўлганимча тўйни бузиб кўрайин,
Гар кўлимдан келса, ўрлаб турайин.
Мен ҳам энди бермайманда тураман,
Бошимни кесганча ўрлаб кўраман,
Жоним борда Ултонтозни демайман,
11950 Айтган сўзин қулоғимга олмайман.
Мен ҳам сира билганимдан қолмайман.
Мен ҳам қайтай, ҳали ёшлиқ қиламан,
Сағирлигим яратгандан кўраман,
Ажал етса, ахир бир кун ўламан,
Мен знамни қандай бунга бераман.
Майли Ултон кўздан тўксин ёшимни,
Зўрлик қилса, кессин тандан бошимни,
Йиғлатсин элимда қариндошимни,



11960

Зўр бўлса, қилағўйсин ишимни.
Ўлдирмаса, мен бермайман энамни,
Бошим кесиб, дорга тортсин танамни.
Ултон жуда бизга изза беради,
Кўрмаган кунларни менга солади,
Ҳозир билдим, юртга эга бўлади,
Сағир деб баччағар қачон кўнглим сўради,
Бизни жуда ерман яксон қилади.

11970

У бизларни одам сонда кўрмади,
Ғариб деб ҳолимни сира билмади,
Нокаслик килди-да, писанд илмади,
Яхши қараб, бизга назар солмади,
Баччағарнинг катталиги қолмади,
Ёдигорнинг кўнглидагин билмади.

Шунда Ёдгордан бу сўзни эшитиб: – Баракалла, ўғлим, энадан бўлсанг, шундай бўл, – деди. – Мен ҳам кўйдан келаётирман, мен ҳам шу баччағарнинг тўйига бораин, кўлимдан келганча бузиб кўраин, деб келаётирман, сен нораства гўдак, биз ёши етган “чол”, икки ёрти бирикса, бутун деган гап бор. Нима бўлса, болам, борлашиб тўй бузмокни «бобонгдан» кўр, – деди.

Ёдгор ҳеч кимдан мундай илиқ сўз эшитган эмас эди, “бобосидан” бу сўзни эшитиб, жуда хўрозланиб, айрилмай қолди. “Қултой” туриб айтди: – Икковимиз даладан борсак, Қултой билан Ёдгор ваъдалашган деб юрар, сен кўпкари тарафдан бор, мен тўйхона тарафдан бораин, ҳамма вақт мен чаток қилаин, – деб иккови икки тарафдан бораётир.

“Қултой” бу сўзни айтиб, тўйхона тарафга бораётгани:

11980


Чечан банда гапни гапга улади,
Қултойдайдан Ёдгор қувониб боради,
Иккови ваъдани шундай қилади,
Ҳар на деса, айтганига кўнади.
“Қултой” ҳам бу замон бундан жўнади,
Таёғи кўлида кетиб боради,
Тўйхонага “Қултой” бундан жўнади,
Кўрган одам “Қултой” дейишиб боради,
Алпомиш эканини ким билади?!
Ултонтоздай хонни бориб кўрай, деб,
Қилиб ётган шавкатини билай, деб,
Болам дейин, унинг ақлин олай, деб,



Билдирмайин тоза синаб кўрай, деб,
Ултонбекка қулли бўлсин қилай, деб
Бу сўздўйлаб “Култой” кетиб боради.
Кулоқ солинг сўзининг мазасига,
Жаҳон титрар “Култой” овозасига,
11990 Шу замонда таёғини судираб,
Энди борди Қўнғирот дарвозасига.
Дарвозадан ичкарига киради,
Катта-кичик халойиққа қаради,
Оқ сут берган энасини кўради.

Энаси ариқнинг бўйида тўйга сўйган қўйларнинг қорин-ғажок,
ичак-чавок, каллаларини тозалаб ўтирибди. Шунда энасини таниб, таниса
хам танимаган киши бўлиб: – Кунтуғмуш енга, омонсизми? – деди. Энаси
мундай қаради, қараса, Култойнинг довуши Алпомишнинг довушига
ўхшади. Култойга қараб, бу сўзни энаси айтиб турган экан:


Ҳой дединг банди-бўғним бўшади,
Соғ суягим жой-жойидан бўшади,
Довушгинанг Алпомишга ўхшади,
Култойман деб, болам, мени алдама.
12000 Сени кўриб ичим ўтдай куяди,
Кувраб кетган эмчакларим ияди.
Оҳ урганда кўздан ёшим сел бўлди,
Болам, кетганингга етти йил бўлди,
Сендан қолиб кўрган куним шул бўлди,
Кўз ёшима ёқаларим ҳўл бўлди,
Култойман деб, болам, мени алдама.
Қозилар олдинда шабгир нойиби,
Йигитга панд берар отнинг майиби,
Келдингми, жон болам, элнинг сойиби?
Кумушдандир қарчиғайнинг чегаси,
12010 Олтиндандир кировканинг ёқаси,
Келдингми, жон болам, юртнинг эгаси?
Етти йиллик бандилик захмин кўрдингми,
Шукур қилай, болам, озод бўлдингми,
Туя бокқан Қалдирғочни кўрдингми,
Мунглиқнинг ҳолидан хабар олдингми?
Бобир кўлда шўрли йиғлаб юрганди,
Бир бурилиб шундан хабар олдингми?



- 12020 Култой бўлиб мени алдаб турдингми,
Хийла билан, болам, ақлимдолдингми,
Кўрар кўзим, омон-эсон келдингми,
Дўсту душман, элатингни кўрдингми?
Култойман деб, болам, мени алдама.
Сени кўриб қолмас менинг тоқатим,
Ёлғиз болам, сенсан менинг роҳатим,
Култой кулга ўхшамайди келбатинг,
Шундай бўлди беклик қилган элатинг,
Ёлғиз кўзим, бошимдаги давлатим.
Куллар менга мунча қилган зулм, деб,
Энди менинг тар очилган гулим, деб,
12030 Шукрилилло, келди жони-дилим деб,
Сўз айтаман сени кетган улим, деб.
Култой бўп энангга раҳбар бўласан,
Сен менинг ҳолимни сўраб турасан,
Жоним болам, менга хийла қилмагин,
Хийла қилма, менинг болам бўласан.
Хафа қилма алам кўрган энангни,
Ёнган ўтга солма, болам, танамни,
Сен бориб кўргайсан Барчин санамни,
Култойман деб, болам, мени алдама.


Бу сўзни энасидан эшитиб: – Енга, сиз миёнхатанамой бўп қолибсиз. Алпомиш келса, Алпомиш бўп келар эди-да, наинки Култой бўп келса, – деди. Бу сўзни эшитиб энаси: – Не билайин, менинг ҳам кўзим хаста бўлиб қолган, – деди. Энаси бунинг билан бир сирлашайин, деб бу сўзни айтиб турган экан:

- 12040 Оҳ урганда кўздан ёшим бўлар сел,
Сирлашайин, жоним қайним, берман кел.
Жон қайним, эшитгин айтган тилимди,
Ҳеч хабари борми ёлғиз улимди?
Дала-даштда сен юрасан, Култойжон,
Алпомиш ўлгани энди билинди.
Ёлғиз фарзанд оёғидан йитарми,
Бойбўридан шундай давлат қайтарми,
Ёлғиз болам бедарак бўп кетарми,
Бунда юрти вайрон бўлиб ётарми,
12050 Барчин келин кулга тегиб кетарми,
Не катталар қонлар ютиб ётарми?!



- Давлатидан адрас-кимхоб киймасин,
Давлатли деб Ултонтозни суймасин,
Қариганда бий бобосин йиғлатиб,
Барчин келин Ултонтозга теймасин.
Сен ҳам бундан тўйхонага борасан,
Тўйда юриб Барчинойни кўрасан,
Менинг сўзим унга маълум қиласан,
Барчин гулга насихатни берасан.
- 12060 Яхши одам кўнар тангри ишига,
Кулоқ сол енгангнинг бул нолишига,
Мен кўрқаман Ултонтознинг зулмидан,
Боролмайман Барчин келин қошига.
Баримиз суяниб бунга қолганмиз,
Алпомиш ўрнига Барчин деганмиз.
Қайси юртда ул Алпомиш ўлади,
Кетиб баримизни сарсон қилади,
Бу Барчин ҳам қўлдан кетиб боради.
Ҳар на десанг, айтганингга кўндиргин,
12070 Хафа қилмай Барчинойни кулдиргин,
Қандай бўлса Ултонтозга тегмасин,
Шу сўзимни Барчинойга билдиргин.
Айролик ўтига бағрим доғлатиб,
Алпомиш деб фироғинда йиғлатиб,
Ултонтозни сира қабул қилмасин.
Элда юриб бўтадайин бўзлайди,
Қариганда у қаерни излайди?!
Алпомиш деб жигар-бағрин тузлайди.
Ёлғиз улдан жудо бўлиб қолган-да,
12080 Барчинга суяниб кунлар кўрган-да,
Қариганда улдан жудо бўлган-да,
Ултон уни хизматига солган-да!
Ҳозир Ултон элимизга тўради[r],
Баримизга кўп бир азоб беради,
Зўрлик билан Барчинойни олади,
Барчин кетса, бобоси йиғлаб қолади,
Йиғлаганда нима илож қилади,
Бир облонинг қилганига кўнади,
Тақдирига банда рози бўлади,
12090 Бу сўзларни енганг айтиб туради.
Сен ҳам, билдим, бугун қўйдан келасан,





- Ўз-ўзингда тўйда чалкиб юрасан,
Деганимни Барчинга билдирасан,
Чақириб оп кўп насихат берасан,
Барчинни сўзинга кўндирасан.
Қайта бошдан бий бобоси ўлмасин,
Алпомиш ўлгани маълум бўлмасин,
Ултонтозга сира ихтиёр қилмасин,
Насихат қил, зўрлаганман кўнмасин.
- 12110 Бобосининг етагида бўлади,
Хизмат қилиб бийнинг кўнглин олади,
Барчинни ҳам зўрлаб йўлга солади.

“Култой” бу сўзни эшитиб: – Енга, ишингиз бўлмасин, йўлиқиб уни ўзим созлайман, – деди. – Қадрдонсан-да, созлай кўр, – деб энаси ҳам тайинлаб қолди. Тўйхонага ўтиб борди, Ултонтозни кўрди. Ултонтоз тахт устида ўтирибди. Отаси Бойбўри султон хизмат қилиб, эгнида қора меш, тўйда сув ташиб турибди. Бир нечалар хушомадга Бойбўрини Ултонтозга ёмон етказиб, сувлик меши билан койиб-сўкиб, ғижиб турибди. Буни “Култой” кўриб, Ултонтозга насихат бериб, бу сўзни айтиб турибди:


- Устинга кийганинг яшил кўк бўлар,
Подшолар бўшатган хурма тўп бўлар,
Ҳар ўлкада сендай беклар кўп бўлар,
Отасини урган фарзанд оқ бўлар,
Урма дейман Бойбўридай бийингни.
Қариганда гангитмагин бошини,
Кўздан тўкма мунинг селоб ёшини,
- 12110 Азоб берма бундай катта кишини,
Эйнига ортибсан сувли мешини,
Худо олган полвон Алпомишини.
Қариганда қилган экан хизматди,
Кўхна бийга таъзир бермак уятди[р],
Сабил қилган муна Бойсин элатди.
Полвони Кашалда ўлиб ҳам кетди.
Қариганда шуйтиб қилди хизматди,
Қариганда йиғлатма валломатди,
Қариганда хизматингни қилади,
- 12120 Азоб берсанг, ҳамма сенга кулади,
Отасини урган қандай бўлади.
Қора бўлибди-ку, сенга хизматкор,



Бир нечалар ўз ҳолидан беҳабар,
Бунга азоб бермаклигинг не даркор,
“Култой” кулнинг айтган сўзи шул бўлар,
Яхши сўзман буни билмаклик даркор,
Ўғлидан айрилиб бўпти хору зор.

Бу сўзни Ултонтозга айтиб, отасига қараб ҳам бир сўз айтиб турган экан:

- 12130 Мирзамсан, эшитгин айтган сўзимди,
Кўп еб эдим мен ҳам сенинг тузингди,
Сен тургин, менга хизмат лозимди[r],
Худо олган сенинг полвон кўзингди,
Қариганда хизмат қилган ўзингди[r].
Сенга сўз айтади Култойдай ночор,
Мен турганда, Сизга хизмат не даркор,
Кулингман-да, мен бўлайин хизматкор,
Култой кулнинг эътиқоди шул бўлар,
Мирзамсан, мешингни бергин, кўтарай.
Кўтарган мешингни сендан тилайин,
Бу азобдан сени халос қилайин.
- 12140 Кўп еганман, тузингдоқлаб турайин,
Тўйхонага мен кўтариб борайин,
Сенинг учун ўзим хизмат қилайин.
Азамат мард эдинг, бўлгансан ночор,
Сувли мешинг менга бермоғинг даркор,
Қариганда абгор қилганди куллар,
Қартайганда бежой қипти хизматкор.
Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Гулистонда маст бўп сайрар булбуллар,
Булутлар маст [бўлса], чалкийди кўллар,
- 12150 Сенинг учун мен бўлайин хизматкор.
Мен ҳам Култойидим, холим билайин,
Қариганда сенинг кўнглинг сўрайин,
Мешни бергин, мен кўтариб юрайин.
Тўйхонага ўзим элтиб берайин.
Юрагингда бордир аламли дардинг,
Юртдан кетган бир суянган фарзандинг,
Сени кўриб қолмади-ку тоқатим,
Сен тургин, бўлсин менинг хизматим,
Қариганда шундай бўпти меҳнатинг.




Бу сўзни эшитиб, Бойбўри ҳам “Қултой”га қараб, бу сўзни айтиб турган экан:

- 12160 Фалакнинг гардиши, облонинг иши
Облонинг ишига кўнмайми киши,
Ҳақ деб чиқар, ғамли кулнинг довуши,
Эйнима ортилган бу сувли меши.
Худонинг тақдири шундай бўлади,
Нима қилса, банда бунда кўнади,
Кўнмаганда, нима илож қилади,
Сендай Қултой келиб мешни сўради.
Қариганда мен билмайман ишимни,
Шум фалак гангитди азиз бошимни,
- 12170 Сенга берсам мен ҳам сувли мешимни,
Турган куллар менга таъзир беради.
Азоб бериб, балки мени уради,
Бир нечалар аҳволима кулади,
Азали тақдирим шундай бўлади.
Кўйгин, Қултой, ўзим қилай хизматди,
Ёлғиз фарзанд ўз оёғидан йитди,
Суйганин оп эди, ул йўқ бўп кетди.
Раҳбар бўлиб, Қултой, қилма хизматди.
Худо солди бизга бундай кулфатди,
- 12180 Ҳозир биздан қайтган қанча давлатди.
Ох, урганда кўзда ёшим сел бўлди,
Кўз ёшима ёқаларим ҳўл бўлди,
Неча вақт сўрадим бек бўлиб элди,
Охирида кўрган куним шул бўлди.
Қултой, ўз уруғимни мендан сўрама,
Кўпнинг бири бўлгин, менга қарама,
Мешни сенга берсам, булар қўяма?!
Кетгин, Қултой, лодон кўнглинг бўлмагин,
Ўз-ўзингдан гапни сотиб олмагин,
- 12190 Кўп айналиб менинг кўнглим бўлмагин,
Мешни сўраб сен ҳам ишдан колмагин.

Бу сўзни эшитиб, “Қултой” яна бир сўз айтиб турган экан:

Чечанликдан гапни гапга улайин,
Кўнгилда борини айтиб турайин,



- Мешингни бер, бу кулларни синайин,
Таъзир берса, ўзим жавоб берайин.
Кеча-кундуз ҳаққа фиғон этарман,
Умрим ўтиб мен ҳам кўйда ётарман,
Меҳнат қилиб юриб бунда етарман,
Таъзир берса, ўзим жавоб айтарман.
- 12200 Ахволингни кўриб кўнглим бузилди,
Дийда гирён бўлиб бағрим эзилди,
Шу сўзларга жавоб айтмай не бўлди?!
Бу сўздайтиб мешни энди тилади,
Бойбўри инжилиб базўр кўнади,
Билмайди бу куллар қандай қилади,
Қултой кўймай миннатдор бўп сўради,
Ноилож ўйланиб мешни беради.
Шу замонда “Қултой” кўнглин хушлади,
Икки кўллаб энди мешни ушлади,
- 12210 У мешни эйнига қоқиб ташлади.
Бу мешни кўтариб “Қултой” жўнади,
Ким дўст, ким душманин шуйтиб билади,
Отасига меҳрибонлик қилади.
Тўйхонада халойиқлар қаради,
“Қултой” жуда шундай хизмат қилади,
Бойбўрининг мешин олиб келади,
Бу тўйда одамлар гап қип туради.
“Бу “Қултой”га не бир бало бўлади,
Бойбўрининг мешин олиб келади.
- 12220 Бекнинг сўзин наъма-сима қилади,
Бек Ултонтоз билса, “Қултой” ўлади,
Жўн юрмай, баччағар бундай қилади,
Балони ўзига сотиб олади,
Ултон билса, билганидай қилади.
Барча одам шундай сўйлаб туради,
Қариганда Қултой айниб ўлади,
Хон кўрса, қаттиқ азоб беради».
Бораётиб “Қултой” буни билади,
Билса ҳам бир билмамиш бўп боради,
- 12230 Эшитмаган киши бўлиб жўнади,
Тўйхонага энди етиб қолади.
Ғанимлар сирини бундай фошлади,
Ким ғариб бўлса, кўнглини хушлади,





12240 Тўйхонага энди мешни ташлади,
Хизматкорлар ўртага олиб қолади,
Меши билан кўп сув олиб боради,
Ошпазлар қозонга сувни солади,
Ҳар қайсиси ўз ишида бўлади,
Балли, бобо, дейди, савол қилади,
“Қултой” қарамайди, бундан жўнади,
Ултонбек олдига қайтиб келади.

Келиб, тўйни қуллуқ бўлсин қилди. Ултонтоз қуллуқ бўлсинини олиб: – Бобо, қўйдан келган экансиз, – деди. “Қултой” туриб айтди: – Ўғлим, қўйда юриб, сени тўй бераётир, Алпомишнинг хотинини олаётир, деб эшитдим, нима бўлса, замон ўзимизники бўлиб қолди, деб қўйда ҳам тургим келмади. Ултонбекнинг тўйига борайин, инқиллаб паловига тўйайин, ўнггайи келса, тўппи, рўмолини олайин, деб сола бердим. Ултонтоз туриб айтди: – Бобо, келсангиз, яхши келибсиз, ошпазларнинг ичига боринг, бир қозонга ўт ёққич бўлинг, ошнинг кўтини-бетини еб, хўб қорнингизни тўйғизиб олинг.

“Қултой” туриб жўнаб кетди. Ошпазларнинг ичига оралаб кетди. Қирқ ошпаз қирқ қозонни осиб, ошни пишириб ётибди. Ҳар йигитлар ўт ёққич бўлиб турибди. “Қултой” ҳар қайсига тегинаётди. – Бобо, сенга бир гап бўлдимми? – деса, – Замон ўзимизники бўп қолди, – дейди. Бир йигитнинг елкасидан олди, олиб туриб ерга бир урди. – Мен нима қилдим, – деб энтиқиб қолди. – Ўғлимнинг тўйида ўзим ўт ёқаман, – деб сирикни қўлига олди. Бир қозонга ўт ёққич бўлди. Ҳамма ошни пиширмак билан бўлиб ётди. Бул бу ёққа ўтди, у ёққа ўтди, бир қозон ошни пишмай туриб қуритди.

Алпомиш бор вақтида озод қилган Фармонкул деган кули бор эди. Кўрди, бу кул тўйга баковул бўлиб турибди. Бу вақтида Ёдгор тўйхонани оралаб кела берди. Баковул капкирни сермаб юборди: – Энағар, тўйхонада сенга нима бор? Капкир Ёдгорнинг бети-оғзига тегиб, оғзи қонаб, чиркиллаб йиғлаб қолди. Муни кўриб, “Қултой” баковулга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Шамол турса, шобирлайди шотерак,
Ёдигорга зулм қилма, бадирак,
Бир иликман гўштинг адо бўлами?!
Алпомиш боринда раҳбар бўлганди,
Ўйлагин отаси озод қилганди.
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлами,




- Обло сенинг акли-хушинг олами,
 Алпомниш арвохин хурмат қилмадинг,
 12250 Бир иликман гўшинг адо бўлами?!
 “Култой” кулининг сўзини сен ҳам биласан,
 Ёдигорга нега зулм қиласан,
 Писанд қилмай, бунга азоб берасан,
 Гўштга тўйиб, кўтарилиб турасан,
 Ёдигорни жуда бежой урасан,
 Бу ерда сен бир нокаслик қиласан.
 Катталикнинг иши шундай бўлами,
 Бехуда етимга азоб берами,
 12260 Берган билан гўштинг адо бўлами?
 Ёдгорнинг кўйини сўйиб оласан,
 Шунинг орқасидан катта бўласан,
 Мол эгасини сен ҳам нега урасан,
 “Култойнинг” сўзини шундай биласан.

Бу сўзни айтиб, бир катта иликни олиб, Ёдгорга ушлатиб юборди. Ёдгор иликни кўлига ушлаб, бир ёғини оғзига тишлаб, энасининг кошига кетди. Бир неча девонбегилар айтди: – “Култой” жуда юртни бузди, Ёдгорнинг кўлидан иликни олиб кўйинглар. Бир нечаси айтди: – Кел-э, “Култой” ҳам ўзимизнинг каттамиз-да, катталик қилиб бир иликни олиб берди. Бир иликни Ёдгорок еякўйсин.

Бу сўзни эшитиб, баковулнинг хотини келиб, баковулга караб, бир сўз деб турган экан:

- Сендай бойкиш нега менман бўласан,
 Мен билувда эрта чошка ўласан,
 Ёдигорга нега зулм қиласан?
 Эртан сен ҳам кўп азобни кўрасан.
 Сен эшитгин мендай мунглиқ тилини,
 Нега урдинг Алпомнишнинг улини?
 12270 Танайман мунда келган кишини,
 Ким кўтарди Бойбўрининг мешини?!
 Билсанг куллар берибётир ошини,
 Эртан чошка кесар кулининг бошини.
 Билмай кўтарилиб, менман бўласан,
 Ҳозир гўштга тўйганингни биласан,
 Мен билувда эртан чошка ўласан,
 Элга йўлбарс оралади, баковул.



12280 Эртан сендай шўрли бундан ўтади,
Қилган ишинг бу олдинга қайтади,
Қўлинг бойлаб, сени ҳайдаб кетади,
Бошинг кесиб, сени дорга тортади,
Шўрли ёзган, тўғри юрсанг нетади,
Менманлигинг бу бошингга етади.
Эртан сени билганидай қилади,
Бола-чақанг ебир-есир бўлади,
Сендай менманларнинг бошин олади,
Қул битганга киёмат бўп қолади,
Йўлбарс келиб, юртига оралади.

Бу сўзни эшитиб, баковул ҳам бир сўз айтиб турган экан:


12290 Сен, синглиғар, ёш вақтингдан шум бўлдинг,
Алпомиш келганин қаёқдан билдинг?!
Довшингни астароқ чиқар, синглиғар,
Ултон шоҳим билса, сен тайин ўлдинг.
Магар билса кўздан тўкар ёшингни,
Йиғлатади қовми-қариндошингни,
Билса қилар энди сенинг ишингни,
Зулм билан Ултонбек кесар бошингни,
Укасини Алпомишингни,
Синглиғар, астароқ чиқар довшингни.
12300 Кўп яшасин, Ултон шоҳим ўлмасин,
Алпомиш отиман ўчсин, келмасин,
Сенинг бу сўзингни шоҳим билмасин,
Ўзи яхши, ёмонликни кўрмасин.
Агар билса, билмаганинг билдирар,
Дўст йиғлатар, душманингни кулдирар,
Ёш бошингдан тўйхонада нима бор,
Тур йўқол, синглиғар, энди уйга бор,
Ултон шоҳим билса, сени ўлдирар.
Ёш бошингдан гап етаклаб юрасан,
Тўйхонада неча гап гапирасан,
12310 Синглиғар, сен бир балони қиласан,
Билиб қолса, Ултонбекдан ўласан,
Ўлган Алпомишни оғзингга оласан.
Билса агар, ўтга солиб куйдирар,
Оғзингга кўрғошинлар куйдирар,



- Алпомиш деб гапирса, ўлдирар,
Бу гаплардан сен, синглиғар, беҳабар.
Йўқ гапни бор қилиб олиб келасан,
Йўқолгин кошимдан, нима қиласан,
12320 Неча сўзни бунда бошлаб турасан,
Юрт сўраган Ултонбекни биласан,
Кета бер, синглиғар, тайин ўласан.

Бу сўзни баковулдан эшитиб, тағи хотини бир сўз айтиб турган экан:

- Худо дейин, яратганга жилайин,
Кичикликдан ғариб қилган худойим,
Алпомиш келганин қайдан билайин.
Ўз элинда шоҳлик ғамин еб эди,
Бойбўрига қайсинг раҳбар бўб эдинг?
Ким кўтарди Бойбўрининг мешини,
Ул сабабдан билдим Алпомишини.
12330 Эшитгин сен мендай мунглиқ тилидан,
Меш кўтарар келмас Қултой кўлидан,
Шуйтиб умид қилдим бийнинг улидан.
Ҳеч ким билмас элга келган султонди,
Ўз кўзиман билар элда душманди,
Эли-юртин шундай қилиб кўрганди[r],
Қултой бўлиб ҳийла билан келганди[r],
Танимайсан элда юрган полвонди.
Келибди юртига соғу саломат,
Устида бор неча турли аломат,
12340 Эртан чошка душманларга қиёмат,
Билмадинг, элга келган азамат.
Қултой бўлиб юрган кетган полвонди[r],
Ҳозир билсанг жонсиз бўлиб юрганди[r],
Туриб ўйла, Ултонтозинг ўлганди[r],
Бу юртнинг соҳиби етиб келганди[r],
Эртан чошка қилар бежой майдонди.
Билган, душманларга бермайди омон,
Шошмай кўриб юрган, билсанг, бул султон,
12350 Эртан чошка бўлар коронғи туман,
Чангалидан қутулмайсан сен омон,
Ҳар ишдан Ёдгорни урганинг ёмон.
Тоқат қилиб туrolмайди мусулмон,



Эртан килар бунда охират замон,
Элига саломат келган у султон.

Бу сўзни хотинидан эшитиб, баковул ҳам яна бир сўз айтиб турган экан:

- 12360 Кўзингдин тўкилган селоб нур бўлди,
Култой бобонг танитайин кўр бўлдинг,
Сен, мегажин, ёш вақтингдан ўр бўлдинг,
Кетгин энди, ўладиган шўр бўлдинг.
Қора зулфинг эшилгандир тол-тол,
Ҳар толига берса етмас дунё мол,
Айтган сўзга сен, синглиғар, кулоқ сол,
Магар душман келса бўлади поймол.
Ёш вақтингда тўйхонада нима бор,
Сен ўлиб, мен бўлмайин чиқимдор,
Тур йўқол, синглиғар, энди уйга бор.
Мендайин номдорнинг кўнглин бўласан,
Кетмайсан, ҳали ҳам сўйлаб турасан,
Мунча сўйлаб, тўйда нима қиласан,
Кет энди, синглиғар, тайин ўласан.
Ултонбекдир Кўнғирот элда зўрабор,
- 12370 Буларнинг кўлида қанча ҳам юртлар,
Элнинг каттакони шундай муҳрдор,
Осилади кунда қанча гуноҳкор,
Сен гапни кўпайтма, тургин, синглиғар,
Аяб қўймас, билса, сени ўлдирар.
Аёлсан-да, бир лодонлик қилмагин,
Гап қувиб сен бу ерларда турмагин,
Даркор эмас, бундай сўзни билмагин,
Уйга кетгин, ўз йўлингдан қолмагин.
Ёш вақтингда тўйхонада нима бор,
- 12380 Сен аёлсан, юрган битта муштипар,
Гар билса, шоҳима биров етқирар,
Тўйгарчилик, жуда одам кўп бўлар,
Эшитган сўнг сени ҳам ҳайдаб борар,
Пойтахтда сени қамаб кўп сўрар,
Ўз тилингдан бўлма энди гуноҳкор,
Кет, синглиғар, қандай бўлса, уйга бор.



Бу сўзни баковул айтиб, хотинини койиб юборди.
Ёдгор энасининг олдига иликни ушлаб кулиб кириб борди. Энаси
кулиб борганини кўриб, вақти хуш бўлиб, бир сўз айтиб турган экан:

- 12390 Мен йиғладим яратганга зору зор,
Зоримни эшитса кудратли жаббор,
Дуогўйинг [менман], энанг муштипар,
Не сабабдан кулиб келдинг, Ёдигор?
Йўкса, болам, бир лодонлик қилдингми,
Ё бировдан бир илик сўз билдингми,
Ул сабабдан, лодон болам, кулдингми?
Ҳаволаниб учган суқсур шайлансин,
Ҳар ерда душманнинг қўли бойлансин,
Ғанимнинг ичига ғамлар жойлансин,
Жасадингдан мендай энанг айлансин.
Не сабабдир, кулиб келдинг, Ёдигор,
Сени кўриб менинг кўнглим бўлинар.
- 12400 Қизларнинг ичида менман ўдаға,
Қарчиғай куш эркин кўнар ходаға,
Баччалар молини хайдар подаға,
Ўлим навбат етар шоҳу гадоға,
Жасадингдан мендай энанг садаға.
Не сабабдан кулиб келдинг, Ёдгоржон?
Мен билмайман, болам, кулган ўйингни,
Кўриб қувонаман сенинг бўйингни.
Ярашиққа понза рўмол ўрайман,
Гул тарзим сарғайиб сенга қарайман,
- 12410 Кулганингни, болам, сендан сўрайман.
Сенинг отанг Кўнғирот элда бек эди,
Сенга ҳеч ким раҳбар бўлган йўк эди,
Неча йил кийганим бекнинг кўкиди,
Сендай болам сира кулган йўк эди,
Азиз бошинг, болам, сарсон бўп эди,
Ҳар кўрганда энанг хайрон қоп эди.
Сенсан кўрар кўзим, болам, меҳрибон,
Сенинг аҳволингни энанг сўраган,
Не сабабдан кулиб келдинг, Ёдгоржон?

Бу сўзни эшитиб, Ёдгор ҳам энасига қараб, бир сўз айтиб турган
экан:



- 12420 Энажон, кулоқ сол айтган тилима,
Балки эркин бўлдим Қўнғирот элима,
“Култой” бобом илик берди кўлима,
Ул сабабдан кулиб келдим олдинга.
Неча йилдан бери мен ҳам саргардон,
Бошимдан кетгандай кайғули туман,
Қўнғлима кўрққандай бўлди кўп душман,
“Култой” бобом менга бўлди меҳрибон.
Ул баковул уриб таъзир беради,
Қараб туриб “Култой” бобом кўради,
- 12430 Баковулни койиб изза беради,
Йиғлама деб манглаймни силади,
Барча одам индаёлмай туради,
Менга гўштли илик олиб беради,
Вақтим хуш-да, эна, кулгим келади,
Эл ичинда менга раҳбар бўлади.
Манглаймни силаб, кўнғлим сўради,
Бошдан оёғимга жуда қаради,
“Култой” бобом шундай ишни қилади,
Ёдгоринг кўнғли шодмон бўлади,
- 12440 Шуйтиб вақти хушди, кулиб келади.
Хаёлима “Култой” бобом зўрабор,
Бобома ботмади-ку кўп куллар,
Индамади неча турган амалдор,
Бобом “Култой” шундай ишларни қилар,
Меҳрибон бўп кўп кўнғлимни кўтарар.
Болам дейди, менга раҳбарлик қилар,
Кулганим боиси, эна, бул бўлар,
Вақти хушдир, кулиб келди Ёдигор.

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб, энаси бир сўз айтиб турган экан:

- 12450 Қултой бобонг ўз кунини кўролмас,
Култой бобонг сенга илик беролмас.
Култой бўлиб, болам, отанг келганди,
Мунғайганда аҳволингни кўрганди,
Култой бўлиб тўйхонада юрганди,
Кўриб сенга меҳрибонлик қилганди,
Болам, сенга отанг илик берганди,
Иншоолло, кўрармиз шундай полвонди.





- 12460 Хазон бўлса боғда гуллар сўлганди,
Сўлган гулга булбул келиб кўнганди,
Кашал юртга кетган отанг келганди,
Етти йил Қалмоқда банди бўлганди,
Омон-эсон ундан озод бўлганди,
Эли-юртин ҳозир келиб кўрганди,
Иншоолло, кўрармиз шундай полвонди.
Сенинг отанг элда зўрабор эди,
Бу юртда белгили бир қайсар эди,
Қаторинда чиркиллаган нор эди,
Кўнғиротда бир танҳо шунқор эди,
Душман кўрса, оч бўридай дориди,
Ўзин билсанг, мисли айдахор эди,
12470 Болам, сенинг шундай отанг бор эди.
Даврон сураар эди Бойсин элига,
Душман қирқиб чиқолмайди йўлига,
Олмос қилич олар эди қўлига,
Қон қуярди душманлар мазгилига.
Билсанг, отанг шундай зўрабор эди,
Шул эрнинг боласи бул Ёдгор эди,
Неча йилдан бери элда хор эди,
Шу зўрнинг қадами бунда дориди,
Мендай энанг унга интизор эди,
12480 Жоним болам, қайсар отанг бор эди.

Бу сўзни айтиб, Ёдгорнинг вақтини хушлаб турди. [Энди] бу тўйда кулларнинг ёйандозлик ўйин бошлаб ётган ери:

- Кулларнинг бари йиғилар,
Хўп гургумали тўйни қилар,
Барча халойик йиғилар,
Катта-кичик келган эллар,
Элни дувлатиб тўй берар,
Неча қуллар сардор бўлар,
Қирқ кунгачайин ош берар.
Нишона бойлади қуллар,
Маст бўлиб ётир баччағар,
12490 Элга томоша кўрсатар,
Ҳар қайсиси ёйни отар,
Нишонани кўзлаб тортар.





- Бу йиғинни “Култой” кўриб,
Одамларман бориб туриб,
Хўп замон деб хайрон қолиб,
Қизу жувонлар йиғилиб,
Тўйгарчилик ўйин қилиб,
Хамма бирдай ўйнаб-қулиб.
Эли-халқнинг ақлин олар,
12500 Ҳамма “Култой”дан беҳабар,
Барчинойга одам келар,
Теккин деб насиҳат қилар,
Тегмайман деб ўрлаб турар.
“Билгин, Ултонбек зўрабор,
Қўлда қанча мамлакат бор,
Барчиной, қилгин ихтиёр,
Сенинг бу ўрлигинг бекор”.
Сўз айтар неча одамлар,
Кулоқ солмайди зулфакдор.
12510 Қайтиб бундан одам бориб,
Ултонтозга тўғри бўлиб,
Тегади деб жавоб бериб,
“Устидаги яшил кўкди,
Барчиной сизни хоҳлабди”.
Айтиб юрур бекор сўзни,
Аҳмоқ гапга кўтармалаб,
Шердай қилиб Ултонтозни,
Барчин билмас бундай сўзни,
Тенг кўрмайди Ултонтозни.
12520 Барчинойнинг кўнглин билди,
Узилмасдан одам келди,
Келганларга озор берди.
“Ким сизларни аҳмоқ қилди,
Қўлидан келганин қилсин,
Хоҳламайман ундай қулди,
Эли-халқ, сизга не бўлди?”
Бу сўзни Барчин айтди,
Бир неча уялиб қайтди.
Одам шундай бўлиб ётди,
12530 “Култой” мард ишни кўрсатди.
Кулларнинг ёйини олиб,
Кўзлаб нишонани отди,



- Шиқирлатиб ёйни тортди,
 Бу ўйинга йиғилган ёй,
 Ҳаммаси ҳам синиб кетди.
 Кўп одам ҳайрон бўп ётди.
 “Култой”да бу қандай ғайратди,
 Тортган ёйи синиб кетди,
 “Култой”да йўқ бу қувватди[r].
 12540 Ўзимизга маълум Култой,
 Яқинда куч бердимиз худой?
 Бу “Култой”да бир бало бор,
 Ҳеч ким бўлолмас баробар”.
 Янги кўрган халойиқлар
 Ҳайрон қолиб бари сўрар.
 “Бобо, ишинг қандай бўлар,
 Ёй тортувни қайдан билдинг?
 Қанча ёйларни синдирдинг,
 Сен кимдан таълим олдинг?
 12550 Ёйандозликни не билдинг?”
 Ҳамма “Култой”нинг қошига,
 Сўраб ётир ўз бошига,
 Қойил бўп “Култой” ишига.
 “Култой” бобом жавоб берар,
 Шундай қип анга гапирар.
 “Билмайсан, “Култой” зўрабор,
 Илгаридан хўп ҳаваскор,
 Добонбийнинг парли ёйини
 Тортиб бул “Култой” ўрганар,
 12560 Арпа кўлда бирга юрган,
 Ўн тўрт ботмон ёй тортганда,
 Алпомиш ҳам ҳайрон қолар”.

“Култой”: – Мен сизларга бурунги кучимни айтай, Алпомишнинг Алпинбий бобосидан қолган, ўн тўрт ботмон биричдан бўлган [ёйи бор эди]. Арпалининг кўлида ётиб, Алпомиш билан икковимиз ёй тортишар эдик. Ўн тўрт ботмон ёйни кўтариб тортар эдик, ёйининг ўқи яшиндай бўлиб кетар эди. Асқар тоғнинг катта чўкқиларини юлиб ўтар эди. Алпомишнинг ёйининг ўқидан менинг ёйимнинг ўқи ўтар эди, – деди.

Бу сўзни эшитиб, турган одамлар айтди: – Бобо, сиз қариганда айнибсиз, энди кўтарилма-лоппи бўпсиз, ўн тўрт ботмон деганингиз, бир оғир нарса.



“Култой” айтди: – Айтовур биз оғир-енгилини билмас эдик, биз уни чивинча ҳам кўрмас эдик.

Куллар айтди: – Шу Алпомишнинг ёйининг қаерда қолганини билмаймиз, билсак, олиб келиб бериб, торттириб кўрар эдик. “Култой” туриб айтди: – Сизлар билмасанглар ҳам, мен биламан, етти йил бўлди Алпомиш бориб бандилиқдан ўлиб кетганига. Алпомиш кетганда, Арпалининг кўлида қолиб эди, шундан бери ажриқ босиб ётгандир.

Шунда куллар одам буюрди. Ёйнинг бор эканини кўрди, кўп кўш хўкизларни ҳайдаб борди, ёйни қимирлата олмади. Шунда Ултонтоз сиёсат қилиб, бу сўзларни айтди:

- Баринг ҳам Қўнғиротда даврон сургансан,
Алпомишман бир суҳбатда тургансан,
Шунинг билан хўб ўтириш қилгансан,
Алпомишман элда бирга юргансан,
Беклик қилиб баринг инъом олгансан,
Кўҳна беклар, шернинг ишин кўргансан.
Ултонбекнинг айтган сўзин биласан,
12570 Кўҳна беклар, баринг хизмат қиласан,
Бу ёйнинг ҳадисин баринг биласан,
Биринг қолмай, Арпалига борасан,
Ўн тўрт ботмон ёйни тортиб келасан,
Шундай Ултонбекка хизмат қиласан,
Хабар қилиб баринг қолмай юрасан,
Ултонбекнинг ҳукумини кўрасан,
Элда қолган кўҳна беклар, ўласан.
Қўнғирот элда даврон суриб ётарман,
Қиличима қирмиз қонлар қотарман,
12580 Ҳаммангни Арпали ҳайдаб кетарман.
Арпали кўлига ҳайдаб борайин,
Қани сенинг тортмаганинг кўрайин,
Кўрмаган кунларни сенга солайин,
Зўрлигимни мен ҳам маълум қилайин,
Ўн тўрт ботмон ёйни олиб келайин,
“Култой”га тортқизиб ёйни кўрайин.
Менинг сўзим хўб мухтасар билинглар,
Биринг қолмай чаққон бўлиб юринглар,
Эътиқодман жуда ғайрат қилинглар.
12590 Мендай бекнинг гапин ҳазил билмагин,
Баринг боргин, бировинг ҳам қолмагин,



Бекорига бунда қолиб ўлмагин,
Азоб қўриб қаттиқ кунда қолмагин,
Ўйга бормай, сира уйда турмагин.


Қадрдон беклар бу сўзни эшитиб, энди қандай бўлди, деб барини ваҳм босиб қолди. Уйда туриб, қадрдон бекларга қараб, Ултонтознинг зулм қилганини билиб, бул бекларнинг дилтанг бўлганини кўриб, Барчин бир сўз айтиб турган экан:

- 12600 Эшит, беклар, менинг айтган ноламни,
Вайрон қилмай бунда кулбахонамни,
Сизлар учун берай сағир боламни,
Қайтай, хафа қилма мендай санамни.
Қадрдонсан, беклар, эшит тилимни,
Куллар қаттиқ қилди сенга зулмни,
Сизлар учун берай сағир улимни.
Ҳайдаб боринг парли ўйнинг қошига,
Эгам раҳм қилсин кўзда ўшига,
Болам рози бўлар тангри ишига.
Хазон бўлса боғда гуллар сўлдирар,
Сўлган гулга булбулларни кўндирар,
Норимнинг юкини норчам келтирар,
Нор юки ҳар қандай отни ўлдирар,
Эр боласи шер-да, сағир Ёдигор,
12610 Отасининг ўйин Ёдгор келтирар.
Мунглиқман, эшитгин сўйлар тилимдан,
Ўйга борсанг, умид узгин жонингдан,
Ўй оп келмак келмас сенинг қўлингдан,
Худойим сақласин ноҳақ ўлимдан.
Ярашиққа мен зулфимни тарайин,
Сизлар учун Ёдгоржонни берайин,
Бехуда барингни нобуд қилмайин,
Ўдигорни ўлдирганин кўрайин,
Оғир ўйдир, билсанг ул ҳам зўрабор,
12620 Ҳайбати, салмоғи унинг анча бор,
Сизларнинг қандайин қувватинг келар,
Кўзгай олмас тўрт юз, беш юз одамлар,
Ўйга бориб зулм билан ўлманглар,
Ўдгорни оп бор, ўз бошинга борманглар.

Барчиндан бу сўзни эшитиб, Ултонтоз айтди: – Энди бизга кўнгил кўйди, энасини шу жувормақ Ёдгор бузиб юриб эди, бунинг ўзбошимчалиги кўнглига урди. Бул Ёдгорни ўлимга буюрди, – деди.

Ёдгорнинг бошига камчи уриб хайдай берди. Ултонтозга қараб, Барчин бу сўзни айтди:

- Сен эшитгин менинг айтган сўзимни,
Олмадай сўлдирма гулдай юзимни,
Ҳам қайнимсан, ҳам мирзамсан, Ултонжон,
Зулм қилиб урма сағир кўзимни.
12630 Кулоқ соп эшитгин айтган нолага,
Худойим яратмиш бағри порага,
Мунглик чечанг йиғлаб тушди орага,
Зулм кип боламини урма, садаға.
Бу сағирга бундай қилма зулмни,
Зулмман хайдама жону дилимни,
Хафа қилиб, урма сағир улимни.
Мен йиғлайман яратганга зору зор,
Отаси бек эди-ку, Ёдгор хору зор,
Бу зулмга кўнган сағир Ёдгор.
12640 Зулмман боради шу замон Ёдгор,
Дуо қилиб йиғлар энанг муштипар,
Отангнинг пирлари бўлсин мададкор,
Отангнинг кучини берсин парвардигор.
Хулкар бориб тарозига таялди,
Хизмат қилган хон олдидан жой олди,
Дуо қилиб йиғлаган энанг аёлди[r],
Йиғла, болам, тор сийнангнинг доғига.
Гапга кулоқ солмас бу замон куллар,
Бу ишни бошқарган мендаин дилбар,
Жоним болам, бўлиб келгин хизматкор,
12650 Ўлмасин отангман кадрдон беклар,
Ғайрат қилиб ёйга боргин, Ёдигор,
Сенинг билан бирга қанча амалдор.
Бу сўзларни Барчин ойим айтади,
Ёдгорнинг бошига камчи чатади,
Сиёсат кип Ултон хайдаб кетади.
Барчин бу сўзни Ултонтозга айтади:
– Кулоқ сол, енгангнинг айтган нолишига,
Болам рози бўлди тангри ишига,



- 12660 Аччиқ камчи урма Ёдгор бошига.
 Аччиқланиб қарамагин бетига,
 Аччиқ камчи урма Ёдгор этига,
 Кашал юртдан бек отаси келган сўнг,
 Қур хайтлаб тушарсан қўйнинг кетига.
 Баҳорда очилган боғнинг гулисан,
 Ҳозир бир-бировнинг жони-дилисан,
 Яхшиликни тенг кўрмайсан ўзингга,
 Ростин десам, шу сағирнинг қулисан.
 Шамол турса шобирлайди шотерак,
 Энанг чўри, асли ўзинг бадирак,
- 12670 Нозанин бошимда пир-пирлар желак,
 Мунча ғалва ҳам сиёсат не керак,
 Яхшиликни тенг кўрмайсан ўзингга,
 Мунча ҳам ҳаддингдан ошма, бадирак.
 Яхши сўзман қанча сўйлаб кўраман,
 Ўзим хафа, лодон кўнглим бўламан,
 Муна беклар учун ўғлим бераман,
 Шуйтиб сенга миннатдор бўп тураман.
 Мен яхши гапирдим, сира билмадинг,
 Ёдигорни урарингни кўймадинг,
- 12680 Ёмонлик кип, яхшиликни билмадинг,
 Отасин арвоҳин ҳурмат қилмадинг,
 Бетинг-кўзим деган гапни билмадинг,
 Аслинг бузук, менманликдан қолмадинг.
 Бу сўзларни айтар шундай гажакдор,
 Сиёсатман ҳайдай берди бу қуллар.
 Қуллар жуда Ёдигорни кўп урар.

Энасининг сўзи билан шердил бўлиб, Ёдгор ҳам бир сўз айтиб турган экан:

- 12690 Биз авлоддан давлат қайтган,
 Давлат энди қулга етган,
 Зарбингдан ер билан яксон,
 Ёдгор бўлди жуда сарсон,
 Ура бер, ура бер, навбат сендадир.
 Мен йиғлайман ғамли кунда зори-зор,
 Не қилса, ҳукми бор, қудратли жаббор,
 Қўлингда қолгандир сағир Ёдигор.






- 12700 Шу вақтида билганингни қилиб қол.
Нима бўлса навбатингни олиб қол.
Ўлмасам мен камолимга келарман,
Отамнинг тахтига бир кун минарман,
Бирин-бирин баринг дорга иларман,
Шундай кунда қасосимни оларман,
Ура бер, ура бер, навбат сендадир.
Бу сўзларни сағир Ёдгор айтади,
Айтган билан ёш бола-да, қайтади.
Раҳми келмас кўздан оққан ёшига,
Қор-ёмғирдай қамчи урди бошига,
Рози бўлди худо қилган ишига,
Йиғлаб тушди бу кулларнинг қошига.
Куллар бу Ёдгорни хайдаб жўнади,
Ёдгор аҳволини кўрган жилади,
12710 Қадрдонлар бу сўздайтиб боради:
“Сенинг отангиди Қўнғирот тўраси,
Ғариб бўлган қадрдоним боласи,
Шу ерлар отангнинг майлиسخонаси”.
Бу сўздайтиб бирга-бирга боради,
“Бу азобга энанг сабаб бўлади.
Давлат кўнса бир чибиннинг бошига,
Семурғ қушлар салом берар қошига,
Банда кўнар худо қилган ишига”.
Ёдгорни куллар хайдаб жўнади,
12720 Бобо “Қултой” бирга-бирга боради,
Кулнинг қилган зулумини кўради,
Ёдигорга кўп тасалли беради.
“Қултой” бобом, дейди куллар биргалаб:
“Қултой” билан бирга-бирга борсак, деб,
Каттамиз, деб буни иззат қилсак, деб,
Кўна амалдорнинг додин берсак, деб,
Хайдаб бориб парли ёйга солсак, деб,
Кейин қайтганини бошин олсак, деб,
Бир нечаси Арпа кўлин кўрсак, деб,
12730 Ултонбек даврида даврон сурсак, деб,
Ултонбекни жуда иззат қилсак, деб,
Ҳамиша шундай бўлиб элда юрсак, деб,
Барчинойни хонга олиб берсак, деб,
Бекнинг тўйин жуда қизиқ қилсак, деб,



- Бир нечамиз тўппи-рўмол олсак”, деб.
Бу сўздайтиб вақтин хушлаб боради.
Ҳозирги Ултонтоз элнинг тўраси,
Анча ердир Арпа кўлнинг ораси,
От чопса гумбурлаб тоғнинг дараси,
12740 Ҳали кўринмайди кўлнинг қораси,
Ғариб бўлган Алпомишнинг боласи.
Ҳеч ким кулоқ солмас марднинг тилига,
Бораётир шундай узоқ йўлига,
Йўл тортиб боради Арпа кўлига.
Куллар жуда кўп шумликни ўйлади.
Ёдигорни солгандир шундай олдига.
Ҳеч ким қарамайди баланд-пастига,
Сипоҳилар минган отнинг устига.
12750 Ёдгор борар бунда бағри эзилиб,
Гоҳ ерларда кетар кўнгли бузилиб,
Отли билан йўлда баробар юриб,
Бораётиб не гўзаллар оҳ уриб,
Худо деди, яратганга йиғлади,
Арпа кўлга энди яқин боради,
Ярқиллаган Арпа кўлни кўради.
Фалак титрар Ёдгорнинг нолишига,
Ҳайдаб борди парлаи ёйнинг қошига.
Ғамли кунда тортар эди оху вой,
12760 Бандам десин, раҳм айласин бир худой,
Ўн тўрт ботмон биричдандир парлаи ёй.
Ўн тўрт ботмон бирич ёйни кўради,
Отаси эсига энди келади,
Шул-ку бул отамнинг парлаи ёйи, деб
Кўнгили бузилиб Ёдгор жилади.
Дийда гирён бўлиб ўпка тўлади,
Отасин эсига Ёдгор олади.
Ҳар кимнинг бетига сағир қаради,
Тортгин дейди, куллар зулм қилади,
Ёдгорнинг бошига қамчи уради.
12770 Ёдигорга таёқ ўтиб боради,
Раббим дейди, ёйга чангал солади,
Гиришин эгнига энди олади.
Ўн тўрт ботмон биричдандир парлаи ёй,
Чирпиллаб гириши ботиб боради,



12780 Ёдигор сағир кўп безовта бўлади.
Тортмоққа Ёдгорда дармон қолмади,
Ўз ҳолига бадбахт қуллар қўймади,
Ёдгорнинг бошига қамчи ташлади.
Шундай бўлди бунга ҳақнинг фармони,
Кўп бўлди юракда ғами, армони,
“Қултой” – қараб турган Қўнғиротнинг хони,
Кўп зулмни қилди қуллар бемаъни.
Торт дейди, Ёдгорга жабр қилади,
Тортмоққа Ёдгорда дармон бўлмади,
Қуллар жуда кўп сиёсат қилади,
Ҳар кимга термилиб туриб қолади.


Ёдгор ҳар кимга қараб, термила бергандан кейин, Ёдгорга қараб,
“Қултой” бу сўзни айтиб турибди:

12790 Эр боласи шерсан, сағир Ёдигор,
Ҳар кимга термилиб турмоғинг не даркор?!
Ҳар на бўлса пирга қилгин эътиқод,
Худо, деб инграниб тортгин, Ёдигор,
Отаннинг кучини берсин ҳақ парвардигор,
Мададкоринг бўлсин имом, чилтонлар,
Дўсту душман ичида бўлдинг шармисор,
Сўғинингдан яратган қудратли жаббор,
Ўзинг паноҳ берсанг, бунга не гап бор,
Доно эгам, ўзингдадир ихтиёр,
Шу гўдақдан бўлгин, эгам, хабардор,
Ўзингга топширдим, ҳақ парвардигор.
Бу сўзларни “Қултой” айтиб туради,
12800 Ҳожатини бир облодан тилади,
Худо қилганига рози бўлади.
Кўп зулм Ёдгорга айлади қуллар,
Фарзанди-да, “Қултой” жуда интизор,
Аввал обло, дуюм наби бўлди ёр,
Имом, чилтон келиб бўлди мададкор.
Шоҳимардон пири назар солдилар,
Комил пирлар бунга қувват бердилар.
Ҳамиллашди келиб ўн икки Аҳмад,
Ёдигорга худо берди кўп қувват,
12810 Пирлардан етишди шундай каромат.
Ёдгор шу замонда қаддин ростлади,




Қараб турган мўмин кўнглин хушлади.
Пирим, деди Ёдгор тортди чирпиниб,
Ўн тўрт ботмон ёйи бунда кўзғалди,
Парли ёйдан ажириклар узилди,
Қараб турган мўмин кўнгли бузилди.
Ўзин ростлаб кўлдан тортиб жўнади,
Бу сағирга куллар хайрон қолади,
Нечовлари гумон қилиб боради.
12820 “Мунинг ўзи шундай сағир болади[r],
Ўғли отасидан баланд бўлади,
Ўлдирмасак, бу давлатни олади,
Мунинг билан ким баробар бўлади,
Сағал кунда бизга бало бўлади,
Ултонбегинг муни нима қилади?!
Ҳисобин қилмаса, ўзи ўлади”.
Маслаҳатни куллар қилиб боради.

12830 Жафо тиғи жондин ўтиб,
Айролик бағрин йиртиб,
Ўн тўрт ботмон ёйни тортиб,
Қайсарнинг ўғли жўнади.
Боғдочилган гулдай бўлиб,
Чаманда булбулдай бўлиб,
Кўрганларнинг кўнгли тўлиб,
Душманларга келиб қолиб,
Ўн тўрт ботмон ёйни олиб,
Ўзини бул йўлга солиб,
Қайсарнинг ўғли боради.
12840 Тоғ Асқарин чалиб туман,
Эгам берди бунга омон,
Неча душман бўлиб хайрон,
Ёдгор шердай бўлиб шул замон,
Қайсарнинг ўғли жўнаган.
Ўн тўрт ботмон ёйни тортиб,
Овоза оламга кетиб,
Оркасига қамчи ботиб,
Ёдгор ёлғиз йўлга кириб,
Бир неча ҳисобин йитириб,
Ёдгор ишини битириб,
12850 Отасин ёйин келтириб,



- Қайсарнинг ўғли боради.
Жаҳон титрар Ёдгор овозасига,
Қулоқ солинг бу сўзнинг мазасига,
Ўн тўрт ботмон парли ёйни судираб,
Келиб қолди Қўнғирот дарвозасига.
Оҳ урганда хаста кўнглин хушлади,
Неча душманларнинг сирин фошлади,
Тўйхонага олиб келиб ташлади.
Тўйхонага шул овоза бўлади,
12860 Ўн тўрт ботмон ёйни олиб келади,
Шу замон Барчингул келиб қолади.
Боласининг қилган ишин кўради,
Ёдигордин неча марта айланиб,
Ёдгорнинг бетидан Барчин суяди.
Бир облога етди менинг нолам, деб,
Обод бўлар мунда кулбахонам, деб,
Бўйингдан садаға мендай энанг, деб,
Отасин ўрнини босар ўғлим, деб.
12870 “Қултой”нинг кўнглига сўзлар жой тутиб,
Қўнғирот элда кўп томоша кўрсатиб,
Бу ёйнинг қошига келгандир етиб,
Шул замон парли ёйни тебратиб,
Кўпдир томошамон, ён-ёқни тутиб,
Ғайратини одамларга кўрсатиб,
Кўринг энди “Қултой” мардди,
Ул чинорни ўққа тутди.
Бек “Қултой” қилди ғайратди,
Ғайрати ғайратга етди,
Тўқирлини туман тутди,
12880 Ўтдаин тутаниб кетди.
Шиқирлатиб ёйни тортди,
Ёйнинг ўқи чиқиб кетди,
Яшиндай бўп шу замонда,
Кўринг у чинорга етди,
Бу чинорнинг бир шохини
Ёйнинг ўқи юлиб кетди,
Ўққа учган чинор шохи
Дахсарилик ерни тутди,
12890 Балки шу сўзлар бўп кетди.
Кўриб қуллар хайрон қопти,
“Қултой” ичинини кўрсатди,





Овозаси юртга кетди.
 Эмиш-мемиш гап бўп ётди,
 “Култой” қандай ёйни отди»,
 Бир нечалар йўқ бўп кетди.
 “Култой” эмас, бу балоди[r],
 Бул бир бало қилади,
 Курсин Ултонтознинг тўйи,
 Бу ерда турган ўлади».

12900 Бир нечаси гумон қилар,
 “Алпомиш тайин келади,
 Култойда не жон бўлади”.


Тағи ҳар қайсиси ҳар ишда бўлиб ётди, чокдан ўлан кечаси бўлаяпти. Илгари Ултонтознинг энасини Бодом чўри дер эди, бу вақтларда Бодом бикач дейди. Ҳадди одам йўқ, Бодом чўри деган кишининг тилини кирқади. Илгари Алпомишнинг бор вақтида қовун кўриб, кўчқор бокиб, ҳар ерда ухлаб қолиб, тилини алаҳакка чўкиб, соқовтоб бўлиб қолган эди. Бодом бикач: – Мен қайиганда кўйган боламнинг тўйи, ўзим бий хизмат қилайин, – деб бир айри инган туяни миниб, бу сўзларни айтиб, қизларни ўланга хабар килиб юрур:

Пас-пасгина пас кўчалай,
 Пастлаб учай мусичалай,
 Қўнғиётда чечан баччалай,
 Бизникига қолмай тўйга.
 Майд йигитнинг бўлса уйи,
 Жийин бўлай қилган тўйи,
 Хабайчиди дувогўйи,
 Бизникига қолмай тўйга.
 Тўй қип ётган добилбозлай,
 Той биқинли сайбинозлай,
 Ҳайип бий-бийини излай,
 Қолмай бойинг чечан қизлай.
 Боябейинг хуйдай бўлиб,
 Ҳаммалайинг бийдай бўлиб,
 Тиши гавҳай дуйдай бўлиб,
 Қолмай бойинг йўлга тўлиб.
 Кийгани гуйгун киймизлай,
 Кўзи чўлпон юлдузлай,
 Қўнғиётнинг чечан қизлайи,

12910

12920





- Акли ясо тамизлай,
Қолмасин-да ёши-қайи,
Бойсинди хотин-қизлайи,
Бизникига қолмай тўйга.
Айтолмайди бойқиш тилди,
Оралади Бойсин элди,
Юриб шундай хабар қилди,
Ўнолтуруғ Қўнғирот элди,
12930 Бир неча тушуниб қолди,
Бир хили сўзини билмай,
Қандай деб анграйиб қолди,
Бир неча билдирмай қолди,
Бир нечалар мазақ қилди.
Бекнинг энаси айтувчи,
Оралади ётган элди,
Хамма ерга қўймай борди.
Элга маълум мунинг сўзи,
Тўйга айтиб юру ўзи.
12940 Ҳар элнинг устига бориб,
Қизу жувонларни кўриб,
Тўйга дейди соқовсираб,
Ҳаммасига хабар қилиб:
“Ўғлимдий элнинг тўяси,
Хабайчи бийдинг энаси”.
Бу элни оралаб юриб,
Қайтиб келди элни кўриб,
Қиз-жувонга хабар қилиб.
– Боғда очилай гул-ғумчалай,
12950 Гулга яшган нечалай,
Ойдаи бўлган қиз баччалай,
Балх уйиб бойинглай тўйга.
Катта-кичик қолмай бойинг,
Хон Ултоннинг тўйин кўйинг.
Бугун никоҳ қияй кеча,
Йиғилиб сатта ойимча,
Қолмай бойинг чечан бачча.
Олай бугун Байчин гулди,
Боймаган аймонда қолди,
12960 Бодомнинг хабайи шулди,
Бул томоша қизик бўлди,
Бизникига қолмай тўйга.



Шунда ўлан кечаси бўлди, хар қизлар келаётир, ориғи эчкидай диркиллаб, семизи иркиллаб. Туя боқиб юрган ердан Қалдирғоч ойим ҳам келди. Қалдирғочнинг келгани: “Бугун никоҳ оқшоми эмиш, мен чўлда туя боқаман, кул ҳам бўлса, бало-да. Никоҳ қийиб олгандан кейин ўрдага кириб кетади, ундан кейин кўрмак қайда, шу бугун бир кўриб қолайин”, – деб келган эди.

Бодом бикач ўлан айтиладиган уйга, қизларнинг ўртасига ўтқизиб, икки кўлига икки чироқни бериб, бошига ҳам бир чироқ қўйиб, Қалдирғоч ойимни шундай қилиб туриб эди, Ёдгор даладан кириб келди. Ёдгорга Қалдирғоч бир сўз айтиб турган экан:

- Кулоқ сол, Ёдгоржон, айтган нолишима,
Келиб эдим қавми-қариндошима,
Бу йиғинда чироқ турар бошима,
Не сабабдан кулиб келдинг қошима?
Бировлардан бир илиқ сўз билдингми,
Йўкса менинг аҳволима кулдингми?!
Оҳ урсам эзилар ғариб юрагим,
12970 Акамнинг ўрнига қолган чироғим.
Жоним болам, энди ёшлиқ қилдингми,
Бул йиғинда туришимни кўрдингми,
Жоним кўзим, эй, лодонлик қилдингми,
Не сабабдан кулиб келдинг, Ёдгоржон?!
Кўнғирот эли – бари менинг элатим,
Келиб бунда ҳосил бўлмас муродим,
Сағир Ёдгор, бор суянган қувватим,
Қайтадан кўзгалди-ку кўнарған дардим,
Не сабабдан кулиб келдинг, фарзандим?!
12980 Туя боқдим, чўлда юрдим зор йиғлаб,
Айролик ўтига бағримни доғлаб,
Мен ҳам келдим куйган жойни сўроғлаб.
Келдим бунда ҳеч ким раҳбар бўлмади,
Қалайсан деб мендан хабар олмади,
Сендан ўзга ҳеч суянчим бўлмади,
Не сабабдир кулиб келдинг, Ёдгоржон?
Хафа кип аммангнинг кўнглин бўласан,
Тарзинг кўрсам вақти хушдай юрасан,
12990 Яхшилик сўз хабарини биласан,
Хабар бергин, болам, нега куласан?



Бу сўзни эшитиб, Ёдгор энасига қараб, бир сўз деб турган экан:

- Сўзимни эшитгин, энам, меҳрибон,
Устимизда кўп гап бўлди ҳар алвон,
Шу аммамдан хабар олсанг бўлмайми?
Ўлиб кетган бек отамнинг арвоҳин,
Жоним энам, ҳурмат қилсанг бўлмайми.
Чироғин кўкларга урсанг бўлмайми,
Биринг ўлсанг, баринг ўлсанг бўлмайми?
Ўзинг ўлмай, кулга ихтиёр берганча,
Куллар келиб сенинг бошинг олганча,
13000 Жоним энам, хизмат қилсанг бўлмайми?
Хазон уриб боғда гуллар сўлдими,
Обло сенинг ақлу ҳушинг олдими,
Замон жуда қулники бўп қолдими,
Бор ихтиёр қулларники бўлдими?!
Қулу чўри ажаб ишни килибди,
Эна, кара, бу иш қандай бўлибди,
Аммамнинг бошида чироқ турибди,
Биринг ўлсанг, баринг ўлсанг бўлмайми?!
Бу сўзларни айтди сағир Ёдигор,
13010 Ўрнидан тургандир Барчин зулфакдор.
Жафолар солгандир тандаги жонга,
Хазон бўлса зоғлар кўнар гулшанга,
Чироғини олиб отди осмонга.
Барчин сулув шундай ишни қилади,
Уйнинг ичи қоронғи бўп қолади,
Жами қизлар шибир-шибир қилади:
“Бодом бикач кириб келса даладан,
Қалдирғоч чочини бир-бир юлади,
Кўрмаган кунларни бунга солади,
13020 Бодом келса билганидай қилади”.
Бу сўзни эшитиб мунглиқ жилади,
Худо қилганига рози бўлади,
Тақдирга тан бериб бунда туради.
– Юрагимда кўпдир қайғу-войимлар,
Кимнинг ақли бўлса, гапни пойимлар,
Мен эдим-ку ўрдадаги ойимлар.
Чўлда бўлдим туя боқар дарбадар,
Шибирлашма, товба дегин, ё қизлар.
Биздан даврон ўтди, биз ҳам кўрганмиз,



13030 Жойимизга биз сиғинди бўлганмиз,
Такдирда борини шундай билганмиз,
Бир гап ўйлаб бу тўйларга келганмиз,
Тўйга келиб, қаттиқ кунда қолганмиз,
Ўдгоржонни кўриб хурсанд бўлганмиз.

Бодом бикач даладан кириб келди. Қараса, уйнинг ичи қоронғи бўлиб қолибди. Булай-улай койиш қилайин деса, Барчиннинг зехни койиб турибди, келин бўлар, деган умид билан бўлакдан чироқ ёқиб, созигарчилик қўлдан кетмасин, деб: – Қизлай, ўлан босланглай, – деб ўтира берди.

Шу вақтда “Култой” даладан кириб келди. Бодом бикач: – “Култой”, сен нима кип жуйипсан, – деди. “Култой”: – Енга, сен ҳарипдошсан-да, Ултонбекнинг тўйида сен билан уч-тўрт оғиз ўлан айтишайин деб келиб эдим, – деди. Бодом бикач: – Ўлан айтишсанг, сенинг тенгинг бизлай бўпмизми? Қулми, қўтонми, подачими, чўпонми, сомонхонадами, тезакхонадами, айтишабий-да, – деди. “Култой” айтди: – Енга, сен тенгингни танитайсан экан, сенинг тенгинг мен-да, сен енга бўлсанг, биз қайни. Мен ортингдан кумбалов берсам, кимнинг иши бор. Енгаси билан қайниси олғи-берги кип ётир дейди, кўяди. Бодом бикач: – Жасовлон қизлайдинг ичинда айнамай ўл, – деб койиниб қолди.

Бу сўзларни “Култой” билан Бодом бикач айтиб турди. Иккови бир-бири билан жуда ҳазилкаш эди. Ул Бодом ёзган муниг Алпомиш эканини билган йўқ. Қадимги ҳазиллашиб юрган ўзимнинг Култойим, деб кўнглига келган йўқ. “Култой” жасадли бўлиб бу ҳам ўзини билдирган йўқ. Шуйтиб иккови ўлан айтишмоқчин бўлиб, Бодом бикач: – Қайиганда кўйган боламнинг тўйининг ўланини ўзим бошлайин, – деб ўлан бошлаб турган ери:

Б о д о м б и к а ч :

Кўй ёйилайкан дейдинг добонинда, ёй-ёй,
Дон қолмайди оқ буғдой сомонинда, ёй-ёй,
Айтқангинанг келсин-да Култой қайним, ёй-ёй,
Ўлан айтқин Ултонбек замонинда, ёй-ёй.

“К у л т о й”:

13040 Ўрга тортиб ёйилар қўйинг, Бодом, ёр-ёр,
Нов теракдай улашган бўйинг, Бодом, ёр-ёр,
Қариганда келинли бўлақобсан, ёр-ёр,
Қуллуқ бўлсин, енгажон, тўйинг, Бодом, ёр-ёр.



Бодом бикач:

Сойи-сойи сайкалай кўйди бошлай, ёй-ёй,
Қалам қошли енгалай ўлан бошлай, ёй-ёй,
Қизик-қизик айтинглай, киз-келинлай, ёй-ёй,
Қизиб кетса, Ултонбек тенга ташлай, ёй-ёй.

“Қултой”:

13050 Сари кўсам саркалар кўйни бошлар, ёр-ёр,
Қалам қошли енгалар ўлан бошлар, ёр-ёр,
Қизик-қизик айтманглар, киз-келинлар, ёр-ёр,
Алпомишдан қолган молни Ултонтоз кимга ташлар, ёр-ёр.

Бодом бикач:

Уйнинг кўйки тувуйлик, узук бўлай, ёй-ёй,
Қизнинг кўйки билазук, узук бўлай, ёй-ёй,
Қизик-қизик айтинглай, киз-келинлай, ёй-ёй,
Бу ўланнинг охийи кизик бўлай, ёй-ёй.

“Қултой”:

Уйнинг кўрки тувурлик, узук бўлар, ёр-ёр,
Қизнинг кўрки билазук, узук бўлар, ёр-ёр,
Қизик-қизик айтманглар, киз-келинлар, ёр-ёр,
Бу ўланнинг охири бузук бўлар, ёр-ёр.

Бодом бикач: – “Қултой”, сенга бий бало бўлдим, гапни
айнитиб айтасан, – деди. “Қултой” айтди: – Енга, кўнглингга оғир
олма-да, мен қойим айтаётирман. – Ундай бўлса гўйга, – деб тагин
бошлай берди.

Бодом бикач:

13060 Ҳайданг келдинг, Қултойкул, қайдан келдинг, ёй-ёй,
Кўк қайгадай кангкиллаб кўйдан келдинг, ёй-ёй.

“Қултой”:

Хови сенинг, енгажон, равишинга, ёр-ёр,
Зебодайин бу майин довушинга, ёр-ёр,
Дуппа-дуруст одамни қарға дейсан, ёр-ёр,
Кўк қарғалар уя кўйсин қувушинга, ёр-ёр.



Б о д о м б и к а ч:

Андияма, Култойкул, мандияма, ёй-ёй,
Саккуч деган кўпакдай сандияма, ёй-ёй,
Оқ чангалнинг тубига чийиб келдим, ёй-ёй,
Ичиб олсанг, чувчунинг қондияма, ёй-ёй?!

“Қ у л т о й”:

13070 Андиригдан, енгажон, мандиригдан, ёр-ёр,
Кулча ёпиб нон еган тандиригдан, ёр-ёр,
Дуппа-дуруст одамни кўпак дейсан, ёр-ёр,
Кўпак итлар тортсин-да, чандиригдан, ёр-ёр,
Оқ чангалнинг тубига чийиб келсанг, ёр-ёр,
Оқ чангалнинг путоғи кичувини кондирама, ёр-ёр.

Б о д о м б и к а ч:

Ўлан айтган хўб қойим тилим бойди, ёй-ёй,
Ҳови менинг беқовим элим бойди, ёй-ёй,
Оғзингга келган сўзни қайтаймайсан, ёй-ёй,
Йут эгаси бек Ултон улим бойди, ёй-ёй.

“Қ у л т о й”:

13080 Ўлан айтган хўб қойим тилинг бордир, ёр-ёр,
Энди айтайин ёр-ёр,
Ҳов қаерда бир қовим элинг бордир, ёр-ёр,
Тез бозорга солганда қирқ танга олар, ёр-ёр,
Қирқ тангалик Ултонтоз кулинг бордир, ёр-ёр.

Б о д о м б и к а ч:

Кўй ёйилай Қўнғиёт этагига, ёй-ёй,
Қизлай юймас йигитнинг этагига, ёй-ёй,
Сен ўзингни одамман дема, Қултой, ёй-ёй,
Тенгламайман коvusим пагагига, ёй-ёй.

“Қ у л т о й”:

13090 Кўй ёйилар Қўнғирот этагига, ёр-ёр,
Бизлар юрмас кизларнинг этагига, ёр-ёр,
Тенгласанг, тенглама коvушингнинг пагагига, ёр-ёр,
Хўрозимни қамайин катагингга, ёр-ёр.

Б о д о м б и к а ч:

Мен ўзим дайё бўлсам, тошай эдим, ёй-ёй,
Тошган куни толлайидан ошай эдим, ёй-ёй,
Собожодай тилингни тикиллатиб, ёй-ёй,
Сендайлайди мен лойдан ясай эдим, ёй-ёй.

“Қ у л т о й”:

Енгажон, сен дарё бўлсанг, тошар эдинг, ёр-ёр,
Мен биламан толлардан ошар эдинг, ёр-ёр,
Мендайларни сен лойдан ясар эдинг, ёр-ёр,
Ботбоғима келганда шошар эдинг, ёр-ёр.

Б о д о м б и к а ч:

13100 Ўлан айтиб, Қултой сен, кўпни ўйла, ёй-ёй,
Ўз тилингдан сен ёзиб қолма, ёй-ёй,
Не бўлса-да тилингни тойтиб сўйла, ёй-ёй.

“Қ у л т о й”:

Мен ҳам айтар сўзимни билиб сўйлаб, ёр-ёр,
Гуноҳқорман тилимни тортиб сўйлаб, ёр-ёр,
Қултойкулга, енгажон, тегиб қўйма, ёр-ёр,
Мен сўрайин кўнглингди, тобинг борми, ёр-ёр.

Устида турган девонбеклар буни кўриб: – “Қултой” курғур кўйда юриб қойим айтмокни машқ қилган экан, бекнинг энасини беобрў қилиб, енгиб, босмалата берди. Қандай бўлса, бекнинг энаси беобрў бўлмасин, ёш бола-да, енгилса ҳам билинмайди. Барчин билан айтиштирак, қандай бўлар экан? Мабодо Ултонбекнинг кўнглига гап келиб юрмаса? – деди. Бир нечаси айтди: – Бориб олдиан ўтиб келсак, қандай бўлар экан?

Тўрттаси бориб, Ултонбекка арз қилиб, Барчин билан “Қултой”ни айтиштирак, деб сўради. Ултонтоз: – Айтдира беринглар, – деб жавоб берди. Булар келиб, “Қултойни” ўрнидан турғизиб: – Сиз жуда бало экансиз, мана келинингиз билан айтишинг, – деб одамлар Барчинга тўғрилаб қўйди.

Барчин билан “Қултой”нинг ўлан айтишиб турган ери:

“Қ у л т о й”:

Тоғда андиз, ёр-ёр,
Сувда қундуз, ёр-ёр,

Ол ўланни, юборди
13110 Қайнағангиз, ёр-ёр.
Барчин келин, ёр-ёр,
Тўқиганинг гиламдир,
Қарчин келин, ёр-ёр,
Тикиб берган белбоғинг
Адо бўлди, ёр-ёр,
Белбоғликка ярайми
Чарчин келин, ёр-ёр.

Б а р ч и н:

Ўлан айтиб банди бўғним бўшатма-чи, ёр-ёр,
Соғ суягим жой-жойидан шовшатма-чи, ёр-ёр,
13120 Довушингни алпима ўхшатма-чи, ёр-ёр.

“Қ у л т о й”:

Аёл деган бундай аҳмоқ бўламикан, ёр-ёр,
Ўлган одам тирилик келамикан, ёр-ёр.

Б а р ч и н:

Хазон бўлса боғда гуллар сўлар дейман, ёр-ёр,
Сўлган гулга булбул келиб қўнар дейман, ёр-ёр,
Ўлган алпим тирилик келар дейман, ёр-ёр,
Ёдигоржон отали бўлар дейман, ёр-ёр.

“Қ у л т о й”:

Давлатингдан кимхоб-адрас кийдинг, ёр-ёр,
Ҳақдан келган ишларга бўйнинг эйдинг, ёр-ёр,
Ўлиб кетган алпингдан умидинг бўлса, ёр-ёр,
13130 Ултонтоздай кулларга нега тейдинг, ёр-ёр.

Б а р ч и н:

Давлатимдан адрас-кимхоб киёлмадим, ёр-ёр,
Ҳақдан келган ишга бўйним эёлмадим, ёр-ёр,
Тегмай кеткур бу бошим қайдан тегдим, ёр-ёр,
Ёдигорни ўлимга қиёлмадим, ёр-ёр.





“Қ у л т о й”:

Муна элда давлатли деб суяғойгин, ёр-ёр,
Ултонтоздай қайинингга теяғойгин, ёр-ёр.

Б а р ч и н:

13140 Муна элда давлатли деб суяманми, ёр-ёр,
Тегмак тува изувига сияманми, ёр-ёр,
Фигон қилиб ғамли куллар кўп қақшайди, ёр-ёр,
Ўлан айтган, Ёдгоржон, кимга ўхшайди, ёр-ёр.
Бобосининг олдига борар бўлур, ёр-ёр,
Бобосига қинғирлик қилар бўлур, ёр-ёр,
Тумоғини бошидан олар бўлур, ёр-ёр.

“Қ у л т о й”:

Ғарибликда хаста кўнглим бузиб турман, ёр-ёр,
Кўздан ёшим мунчоқ-мунчоқ тизиб турман, ёр-ёр,
Тумоғингни ол дема, Барчин келин, ёр-ёр,
Тонг отқали ўлан айтиб қизиб турман ёр-ёр.

Б а р ч и н:

13150 Ҳарфдош айтган сўзин билар бўлур, ёр-ёр,
Айтиб-айтиб ҳарфдош қизиган сўнг, ёр-ёр,
Тумоғини бошидан олар бўлур, ёр-ёр.

“Қ у л т о й”:

Тонг отганча сабр сақлаб турар бўлур, ёр-ёр,
Сен эртанги ғайратим кўрар бўлур, ёр-ёр.

Б а р ч и н:

Ишда фикр бўлганча тишда талов, ёр-ёр,
Шу вақтда тумоғин олар бўлур, ёр-ёр.

“Қ у л т о й”:

Тар очилган баҳорда гул бўлибди, ёр-ёр,
Азал тақдир бизларга шул бўлибди, ёр-ёр,
Тумоғингни ол дема, Барчин келин, ёр-ёр,
Қаринганда қайнағанг кал бўлибди, ёр-ёр.



Б а р ч и н:

- 13160 Тар очилган баҳорда гул бўлган йўк, ёр-ёр,
Азал тақдир бизларга шул бўлган йўк, ёр-ёр,
Шукрилилло, қайнағам кал бўлган йўк, ёр-ёр.

“Қ у л т о й”:

Ёд этаман, йиғлайман, мен оллоғди, ёр-ёр,
Ол болангни деганда, ол боланғди, ёр-ёр,
Калла катта болангга қўлим толди, ёр-ёр.

Б а р ч и н:

Ҳаққа етгай йиғласам айтган нолам, ёр-ёр,
Кўкайлари кесилган сағир болам, ёр-ёр,
Отасининг келганин ўғлим билди, ёр-ёр,
Исин олиб олдида ухлаб колди, ёр-ёр.

“Қ у л т о й”:

- 13170 Ўлан айтиб кўнглингни хушлаймисан, ёр-ёр,
Ғаним сирин ҳар ерда фошлаймисан, ёр-ёр,
Ол деганда болангни сен олмайсан, ёр-ёр,
Тухматига ўғлингни ташлаймисан, ёр-ёр.

Б а р ч и н:

Хазон бўлса боғда гуллар сўламикан, ёр-ёр,
Сўлган гулга булбул келиб қўнамикан, ёр-ёр,
Отасининг олдига ўғли борса, ёр-ёр,
Ҳов, шул ҳам тухмати бўламикан, ёр-ёр.

“Қ у л т о й”:

Хатнинг боши алиф билан бе бўлади, ёр-ёр,
Ол деганда болангни сен олмайсан, ёр-ёр,
Шу тухмати бўлмайин, не бўлади, ёр-ёр.

Б а р ч и н:

- 13180 Кеча-кундуз мен тортдим оху войди, ёр-ёр,
Ёд этаман, йиғлайман бир худойди, ёр-ёр,
Сағир деган шундайин зиғир мойди[р], ёр-ёр,
Бир соатда бул ҳам безор бўлғайди, ёр-ёр.



“Қултой”:

Ой Барчиним, ёр-ёр,
Гул Барчиним, ёр-ёр,
Ақлинг бўлса, ўйла-да,
Бил Барчиним, ёр-ёр,
Ултонтозга текканча,
Ўл Барчиним, ёр-ёр.

Барчин:

13190 Уй демайин қайнаға,
Буй дейсана, ёр-ёр,
Булбул қўнар тўқайнинг
Жийдасина, ёр-ёр,
Ултонтозга текканча,
Қора ерга тей дейсана, ёр-ёр.

“Қултой”:


13200 Биздан қолган қўзилар
Қўй бўлибди, ёр-ёр,
Бунда қолган Барчиной
Бўй бўлибди, ёр-ёр,
Бўй киз бўлиб жуда ҳам
Тўй бўлибди, ёр-ёр,
Биздан қолган қулунлар
От бўлибди, ёр-ёр,
Биздан қолган Барчиной
Ёт бўлибди, ёр-ёр.

Барчин:

13210 Ўйлай-ўйлай Барчиной
Ўй бўлибди, ёр-ёр,
Ҳозир гумон қилибсиз,
Ёт бўлибди, ёр-ёр,
Сизи билан айтишиб,
Мот бўлибди, ёр-ёр.


Бойчиборни миниб юрган қадимги Қултой йўлиқди. Қултойга туриб айтди: – Бобо, қулларга чақириб, менинг келганимни билдиринг. Қултой айтди: – Баччағарлар жуда ошиб кетган экан. Алпомиш келди, дегандан ўртага олиб, уриб ўлдириб қўймаса, – деди. – Қўркмай айта беринг, мен ўзим хабардор бўламан, – деди. Шу вақтгачайин Бойчиборни миниб юрган эди, қандай меҳмон, деб ҳеч ким таниган йўқ эди. Бу сўзни эшитиб, пойтахт остига бориб, Бойчиборни яқшилов қилиб, қулларга чақириб, бу сўзни айтиб туру:

- Бугун қадр кечалари,
Боғдочилар ғунчалари,
Қўнғирот элнинг баччалари,
Чувулла, Алпомиш келди.
Бу устинда яшил қўқлар,
Бундай кунда кўнгли тўқлар,
Ҳар ким бир-бирини йўқлар,
Отилмаган хурма тўплар,
13220 Отил-ҳа, Алпомиш келди.
Баҳорда очилган гуллар,
Гулга маст бўлган булбуллар,
Етти йил даврон сурган қуллар,
Қоч энди, Алпомиш келди.
Кетади қайғу-тумани,
Ўлади қанча душмани,
Эшитгин, қуллар, бемаъни,
Келиб қолди Қўнғирот хони,
Ўл энди, Алпомиш келди.
13230 Тар очилган тоза гули,
Ул ҳам чаманнинг булбули,
Обод бўлар Бойсин эли,
Меш кўтарган хон Бойбўри,
Бойбўрининг жони-дили,
Пешвоз чик, Алпомиш келди.
Беҳуда тўкма кўз ёшинг,
Бизни куйдирган нолишинг,
Оч кўзингни, кўтар бошинг,
Қўнғирот элда қариндоши,
13240 Пешвоз чик, Алпомиш келди.
Рухсат олмай шикор кетган,
Етти йил зиндонда ётган,



- Калмок юртини бўзлатган,
Омон-эсон элга етган,
Пешвоз чик, Алпомиш келди.
Чўлларда гангиган боши,
Кўпдир йиғласа койиши,
Ой Қалдирғоч эмикдоши,
Пешвоз чик, Алпомиш келди.
- 13250 Келгандир Кўнғирот тўраси,
Кўпдир бағрида яраси,
Банданинг йўқдир чораси,
Оқ сут берган бул энаси,
Пешвоз чик, Алпомиш келди.
Онсот бўлғай-да бул мушқули,
Сўйлаганда қизил тили,
Гумона қолгандир ули,
Пешвоз чик, Алпомиш келди.
- 13260 Неча вақт бўтадай бўзлаб,
Душманларнинг бағрин тузлаб,
Адашган бир-бирин излаб,
Пешвоз чик, Алпомиш келди.
Кетар кўнглидан ғубори,
Минганим хоннинг Чибори,
Элга келгандир шунқори,
Обод бўлар кирдикори,
Ўн саккизда тул бўп қолган
Ҳақимбекнинг Барчин ёри,
Пешвоз чик, Алпомиш келди.
- 13270 Келибди давлатли шунқор,
Қултой шундай берди хабар,
Аланглашиб қолди қуллар,
“Энди қандай бўлди кунлар?”
Бир-биридан хабар олишиб,
Чувуллашиб, кўп адашиб,
Бир тўполон бўлиб ётир
Мундай гапга тўйхоналар.
Бу сўзларни бунда Қултой айтади,
Бир аломат ғалоғул бўп ётади,
- 13280 Алпомиш ўзини маълум этади.
Устидан кийимни чечиб отади,
Жамоли ярқиллаб бекнинг кетади,





- Бек келгани маълум бўлиб ётади.
Белига ярашган заррин пўтаси,
Худойим кечиргай қилган хатоси,
Во болам, деб қулоч ёйиб келади
Шу замонда Бойбўридай отаси,
Элига келгандир шундай тўраси.
Яратганга етгай марднинг ноласи,
13290 Келиб қолган шўрлиларнинг боласи,
Болам, дейди, қулоч ёзиб келади
Шу вақтида оқ сут берган энаси.
Кетмасин бекларнинг номусман ори,
Бир облога етгай банданинг зори,
Энди обод бўлса бекнинг кирдори,
Тўрам дейди, қулоч ёйиб келади
Бунда қолган бекнинг Барчиндай ёри.
Оҳ тортса, тўкилар кўзидан ёши,
13300 Гам билан чиқади бекнинг довуши,
Ака дейди, қулоч ёйиб келади
Туя бокқан Қалдирғоч эмикдоши.
Келиб бари мунда бекни кўради,
Навбат-навбат босар эди бағрига,
Бир-бирининг йиғлаб ҳолин сўради.
Адашганлар бу топишиб қолади,
Ҳар бир қуллар ҳар хизматга жўнади,
Ҳар қайсиси ўз ишида бўлади.
Калма-шаҳодат мусулмоннинг тилига,
13310 Азамат бош берар диннинг йўлига,
Хабар кетди ўнолтуруғ элига,
Эли-халққа шундай хабар бўлади,
Ўнолтуруғ Кўнғирот эли билади.
Эли-халққа бул овоза бўлади,
Катта-кичик ҳар тарафдан келади,
Келиб бекни зиёрат кип кўради.
Ҳар йўлларга одам сиғмай келади.
Тахт устига ишорат кип жўнади,
Тахт устига давлатли хон минади
Муни кўриб Ултон кўнглин бўлади,
13320 Бек бўлмай ўлай деб бойқиш жилади,
Бу ишига кўп пушаймон қилади.
Ўйлаб турса менинг кўнглим бояғи,





- Қайда қолди йилки бокқич таёғи?!
Ултонтоз ўзини ҳар ерга урди,
Алпомишни кўриб холи танг бўлди.
Элга келган Алпомишдай тўради,
Ултон қилган ишни Ёдгор билади,
Ёдгор сачраб ўринидан туради,
Ултонтоз олдига етиб боради.
- 13330 Дод деганда эшитмайди тилини,
Боғлаб олди Ултонтознинг қўлини.
Ултонтознинг урганини ўйлади,
Сен баччағар, мени қандай қилдинг, деб
Юр отам олдига, деди, хайдади.
Ултонтоздир, кейин тортар бўлади,
Бормайман, деб қинғирликни қилади,
Нега бормайсан, деб Ёдгор уради,
Кеча урган, бугун қайтиб қолади,
Шундай қилиб туртиб хайдаб боради,
- 13340 Ёдгор зўрлигини маълум қилади,
Пойтахт остига яқин боради.
Ултонтоздир, шундай бўйлаб қаради,
Тахт устида Алпомишни кўради,
Кўрган вақтда бўғими бўшаб боради,
Куллуқ деб тўнқайиб салом беради.
Ултонтозни бек Алпомиш кўради,
Ҳар иши ўзига маълум бўлади,
Бекни кўриб Ултон ерга қаради.
Ултонтозни хон гуноҳкор қилади,
- 13350 Ясовул кўлига мунд беради,
Ултонтозни бундан хайдаб жўнади,
Кунда қилиб Ултонтозни қамади.
Давлат қайтса, киши шундай бўлади,
Ултонтоз бу қамовли туради,
Такдирда борини шўрли кўради,
“Бошимга менманлик бало бўлади”.
Катта-кичик халойиқлар йиғилиб,
Ҳамма бирдай бу давлатда туради,
Шул вақтида Қоражонни сўради:
- 13360 – Нима бўлди, алп Қоражон келмади,
Мундай кунда мендан хабар олмади,
Келиб мени жоним дўстим кўрмади?!



жаво
била
элга
арала
шул
гапла
торта
кимн
шу О

13370


Ҳамиша менга ҳамдам бўлган,
Пойгаларда хизмат қилган,
Тўқсон алпнинг додин берган,
Тор зиндонда хабар олган,
Бек дўстим, деб йиғлаб юрган,
Кўринмади алп Қоражон.
Бул жоним онинг курбони,
Мен бўлдим элнинг султони,
Ул менинг азиз меҳмоним,
Йўқдир менинг Қоражоним.
Гулдай очилиб сўлдими,
Ё паймонаси тўлдими,
Ажали етиб ўлдими,
Бир ёқда овда бўлдими,
Мендан беҳабар колдими,
Ақлини обло олдими,
Қайда бўлур Қоражоним?

Бу сўзни эшитиб, турган халойиқлардан Ҳакимбекнинг сўзига жавоб берди: – Ў, сиз кетгандан кейин Ултонтоз юртга эга бўлди, сиз билан бирга юрган одамларнинг барини хизматга солди. Қоражонни ҳам элга қўштирамай, Олатоғдан жой берди. Келиб одамларга кўриниш бериб, аралашмоққа Қоражоннинг хадди йўқ эди. Ултон бек бўлганда амри шул эди, мухрлаб қўлига қоғоз қилиб берган эди: “Бир одамга ёнашиб, гаплашганингни кўрсам, ўз гуноҳинг ўзинг билан, бошингни кесиб, дорга тортаман”, – деган эди. Шу хат Қоражоннинг қўлида бор. Ул сабабли ҳеч кимнинг кўзига тушмайди, маконида ажали етса, ўлгандир, ажали етмаса, шу Олатоғда юргандир.

Бу сўзни одамлардан эшитиб, Алпомиш бир сўз айтиб турган экан:

13380

Энди билдим дўстим ғариб бўлибди,
Ўзи сарсон, мени билмай қолибди,
Эса дилтанг бўлиб унда юрибди,
Калласи ганг бўлиб ёзган қолибди.
Ҳаялламай бир бедовни мининглар,
Ёлғиз бормай, учта-тўртта бўлинглар,
Қоражонга оту сарпой олинглар,
Шундай қилиб Қоражонга боринглар,
Бориб Қоражонга хабар қилинглар,
Менинг келганимни хабар беринглар.



13390 Бу сўзларни айтар давлатли шункор,
Албатта бу сўзни билдирмак даркор,
Билмай юрган қайғу-ғамда беҳабар,
Қошима етишсин Қоражон номдор.
Қоражон ҳам бирга ўтирган курдошим,
Менинг жуда ҳолим билган сирдошим,
Улуғдир, хўп менинг узанги йўлдошим,
Қоражонни кўрсам битади ишим,
Ултонтозни бек қилган кариндошим.

13400 Бир неча бекларга сўзи ботади.
Қилар ишни бунда ҳар ким билади,
Қоражонга оту сарпой олади,
Тўрт одам бўп Олатоққа жўнади,
Қарамайди, кичаб кетиб боради,
Бекнинг сўзин борса ўрин қилади,
Мол боқар кўриб хайрон қолади,
Не гап эканин ҳеч ким билмади,
Олатоққа кичаб ўтиб боради.


13410 Шундай бўлган Алпомиш сиёсати,
Қолмади-ку хизматкорлар тоқати,
Терлаб бораётир остинда оти.
Олатоққа энди бориб қолади,
Қоражоннинг мазгилини кўради,
Қоражон жойига шундай боради,
Алп Қоражон ул буларни кўради.
“Ултонтоздан менга ясовул келиб,
Бир бало қилади булар ҳам туриб.
Ултонтоз амрини тутиб келганди,

13420 Бир ишнинг бошида булар юрганди,
Бир хизматга от терлатиб келганди”.
Қоражон билмади, бундай юрганди,
Қоражонга энди етиб борганди.

Қоражон буларни кўриб, нима гап, деб сўради. Борган одамлар Алпомишнинг келганини билдириб, бир сўз айтиб турибди:


Ҳақ таоло бергай омон,
Бир эгам бўлди меҳрибон,






- Келиб қолди Ҳаким султон,
Дарров отлангин, Қоражон.
Келиб сени кўп сўради,
Алпомиш йўлга қаради,
13430 Хон сенга интиқ бўлади,
Шуйтиб от чопиб келади.
Сенинг билан сирдош бўлган,
Қалмоқ юртида кўп юрган,
Бир-бирингининг ҳолин билган,
Бек Алпомиш элга келган,
Бекнинг дўсти, хон Қоражон.
Кўринмайди баланд-пасинг,
Кўнглингдан кетар шикасинг,
13440 От-сарпой берган дўсинг,
Отлангин, турма, Қоражон.
Эшитгин сен айтган сўзни,
Ҳаяллаб тўхтатма бизни,
Бориб кўрсанг добилбозни,
Сенга бизлар айтдик арзни.
Бу сўзни айтди хизматкор,
Чоғланди Қоражон шунқор,
Қайтадан кўнгли очилар,
Кийиб сарпой, отин минар,
Қоражон бунга қўшилар,
13450 Тўртов эди бешов бўлар,
Боради Қоражон қайсар.
Бошдан кетган аломатди,
Қоражон килиб ғайратди,
Жуда қистар минган отди,
Кўрсам дейди валламатди.
Олатоғда умри ўтган,
Алпомиш деб жафо тортган,
Йиғлаганда қонлар ютган.
Ўзин юртидан айрилган,
13460 Ислоннинг динига кирган,
Ўз-ўзидан юз ўгирган,
Алпомишман Кўнғирот келган,
Охир куни шундай бўлган.
Келди, дейди Алпомишхон,
Бораётган Қоражон полвон.





- Жафоларга тушиб энди танда жон,
Ғариб кулга эгам бўлгай меҳрибон,
Олатоғда кўп вақт бўлиб саргардон,
Сарпой кийиб келаётир Қоражон.
13470 Қоражонбек шундай бўйлаб қаради,
Кўзиман кўрмаса, нима биледи,
Кўнғирот юрти ободдай кўринади,
Қоражон кеп Бойсинга оралади,
Қоражон бориши маълум бўлади,
Алпомишга биров хабар беради.
Тахтидан шул замон бул пастга тушиб,
Кўхна бўлган амалдорлар етишиб,
Пешвоз чиқиб, шундай шунқор қаради,
Келаётган Қоражонни кўради,
13480 Қоражон отидан ерга кўнади.
Қирғий деган қуш ўлтирар киёда,
Кўп ишни ўтказди фоний дунёда,
Бир-бирига юрди пою пиёда.
Икки алп бир-бирини шундай кўради,
Айролик ўтига бағри поради,
Бир-бирига қулоч ёйиб жўнади.
Ғариб кулга эгам бўлган меҳрибон,
Бир-бирига энди яқин боради.
13490 Бошидан кетгандай қоронғи туман,
Кўришганди икки полвон шул замон:
– Етти йил мазгилим қоронғи зиндон,
Мендан баттар сен ҳам бўлибсан сарсон,
Сени ҳам қўймабди бу элда душман,
Эшитиб сўнгра кўп қилганман пушаймон,
Сени кўриб кетди юракдан армон,
Дўстим эдинг, жуда менга меҳрибон,
Ёмон кунда хабар олган Қоражон,
Омон-эсон келиб сени кўрдим мен,
Ҳамдам бўлган Қоражонбек, бормисан?!
- 13500 Бир-бирини кўриб кўзин ёшлади,
Сўрашиб шул замон вақтин хушлади.
Йиғилишган бунда Кўнғиротдай эллар,
Қоражон, Алпомиш бирга бу номдор,
Пойитахтга олиб жўнар одамлар,
Қанча одам пўшт-пўштлайди, хизматкор.




- 
- 13510 Элу халқлар шундай зўрни кўради,
Тахт устига энди беклар жўнади,
Қанча саркардаман бул ўтиради,
Ўтириб бир-бирин ҳолин сўради,
Айтмаса ҳам айтганча бўп қолади,
Ўтган ишни иккови ҳам билади,
Бойбўрини сўраб одам келади,
Келган одам куллуқ бўлсин қилади,
Келган одам бунда кетмай туради,
Худонинг ишига рози бўлади,
Энди бугун кунлар кеч бўп қолади.

Кун кеч бўлиб, йиғилиб қилди маслаҳатди, куллуқ бўлсинга келган одамларнинг олдига таом тортди. Қилди зиёфатди, югуриб қилиб хизматди, шуйтиб окшом ўтди. Эрта-мертан тонг отди, тўй тараддусида бўп ётди:

- 13520 Олтин отиб, олтин ковоқ оттириб,
Шу замонда оқ ўтовлар ёптириб,
Намойишга катта тўплар оттириб,
Элу халққа тўй овоза бўлади,
Алпомиш келганин маълум қилади,
Ошпази, новвойи қолмай жўнади,
Келиб бунда бари жам бўп қолади,
Раста-раста қилиб қозон куради.
Шу бугун бошлади Қўнғиротда тўйди,
Сўйиб ташлай берди сўқимман қўйди,
Ҳар тарафдан чавандозларни жийди.
Бек Алпомиш ўзи шундай тўради,
Элу халққа тўкиб ошни беради,
13530 Бир аломат, ажойиб тўй бўлади,
Беваю бечора тўйиб боради.
Ошга тўйиб, кўпқарига боради,
Теваракда яёв ҳам бориб туради,
Етолмаган узоқ йўлдан каради,
Оти зўри тикка суриб боради,
Юрт йиғилган, катта йиғин бўлади,
Алпомишман алп Қоражон туради,
Катта-кичик, ҳамма ҳам йиғилади.
Бек Алпомиш қараб қўнглин хушлади,
13540 Ҳар ерда ғанимнинг сирин фошлади,





- Чавандозлар жуда қизиқиб кетди,
Ўртасига баковулни ташлади.
Давлатли қул адрас-кимхоб кийдирди,
Ҳақдан келган ишга мўйнин эйдирди,
Кимки ғаним, хону монин куйдирди,
Зўрлигини шуйтиб маълум қилади.
Тўй бериб, чавандоз вақтин хушлади,
Боз устидан Бодом чўрин ташлади,
Чавандозлар қўштақим бўп ушлади.
- 13550 Ҳар қайси шердай бўп отни уради,
Душман бўлган бари ёзган ўлади.
Шуйтиб эли-халққа ҳукмин билдирди,
Қирқ кунгача кунда уриб Ултонни,
Қирқ кундан кей Ултонтозни сўйдирди.
Кўрсатди шундайин элда ишини,
Жаллодга кестириб Ултон бошини,
Шуйтиб дорга тортди анинг лошини,
Қарға-кузғун еб кетганди гўшини.
Бек Алпомиш элга келган тўради,
- 13560 Қирқ кеча-кундуз тинмай тўйни беради,
Қирқ кундан кей тўйлар охир бўлади.
Жавоб олиб чавандозлар боради,
Бир нечалар кўп солимни олади.
Обод қилиб келиб ётир шаҳрини,
Омон-эмон кўриб кирдикорини,
Никоҳ қийиб олди Барчин ёрини,
Кўнгилдан чиқариб чер-ғуборини.

Шу куни кеч бўлди, ётди. Эрта-мертан тонг отди, тонг отганда уч-тўрт отли Бойбўрининг давлатхонасига етди. Келиб Барчинни сўраб турибди. Алпомишни кўриб, Алпомишга арзини айтаяпти:


- 13570 Кўп бўлади айтган сўзнинг хатоси,
Хон Бойсари Барчин гулнинг отаси.
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлгандир,
Аввал обло унинг ақлин олгандир,
Барчин келиб, Қалмоқ юртда колгандир,
Қайта бошдан ҳақ меҳрибон бўлгандир,
Кетган давлатининг барин олгандир,
Қайтиб элатим, деб излаб юргандир,



- Мехнат тортиб кўп ишларни кўргандир.
 Элатим, деб юртин излаб юргандир,
 Неча одам унга ҳамро бўлгандир,
 Қалмоқ юртдан ўтиб мунда келгандир,
 13580 Кўкқамиш қўлига келиб қўнгандир,
 Бурунгидай юртни ёйлаб тургандир,
 Барчинойга жуда интиқ бўлгандир.
 Ох урганда сўйлайдиган сўзим, деб,
 Балки менинг кўрадиган кўзим, деб,
 Барчин ойим менинг ёлғиз қизим, деб.
 Бойсари амриман бизлар келамиз,
 Отасин Барчинга маълум қиламиз,
 Барчинойни бизлар сўраб турамиз,
 Кўрсак, бизлар суюнчини оламиз,
 13590 Бойсарининг қизин сўраб турамиз,
 Мехнат қилиб Кўкқамишдан келамиз,
 Бойсари ҳурмати, хизмат қиламиз,
 Йўликсак, Барчинга жавоб берамиз.


Бу сўзни эшитиб, буларни отдан тушириб, зиёфат қилиб, сарпой-инъомлар бериб, буларни жўнатди. Яна катта-кичикларни йиғиб, соп номдор бийлардан ўн кишини Бойсарини олиб келгани буюрди. Бул Кўкқамиш ўзининг яйлови, элдан уриб чиқадиган яқин ери. Бу ўн киши Бойсарини олиб келгани жўнаб кетди, йўлга тушиб йўл тортди. Бориб Бойсарига кўриниш бериб, Бойсарига неча насиҳатларни айтиб, Бойсари ҳам буларнинг сўзини қулоғига тутиб, бурунги кек, аччиқ гиналарини ташлаб, ўлмай қариндошига келганига шукур қилиб, буларнинг сўзини маъкул билиб, Барчинни кўрмакчин бўлиб, қанча шоҳлик шавкат билан ўн одамни олдига солиб, Қўнғиротга яқинлашиб келди. Буларнинг ҳам келаётганини билиб, олдига одам чиқиб, бу нима гап, деб Барчиной қараб, отаси билан энасини кўриб, пою пиёда олдига чиқиб, бу сўзни айтиб бораётир:

- Юрагимдан кетган доғу аламми,
 Бу кўрганим ё ўнгимми, тушимми,
 Келаётган оқ сут берган энамми?!
 Белига боғлаган заррин пўтамми,
 Қалмоқ юртда қолган менинг отамми?!
 Бу сўздайтиб борар қулочин ёзиб,
 13600 Кўзидан мунчоқдай ёшини тизиб,




- Кетди отасининг кўнглини бузиб,
Бойсарининг мунда бағри эзилиб.
Барчинни кўрганди, бўғни бўшади,
Яёв бўлиб бари отдан тушади.
Ёлғиз қизин бул Бойсари кўради,
Барчинни кучоклаб, номдор жилади.
– Отам менинг учун жафо кўрган, деб,
Қалмоқлар юртида изза бўлган, деб,
Мен келган сўнг қонлар йиғлаб қолган, деб,
13610 Эшитганман дўсту душмандан бу юртда,
Қалмоқлар юртида отам ўлган, деб.
Кўнглимнинг чироғи равшан бўлибди,
Ўлган отам Қалмоқ юртдан келибди,
Келиб бунда бул мунглюкни кўрибди,
Ўчган чироғим қайтадан ёнибди,
Душманлар ер билан яксон бўлибди,
Кеча-кундуз шукур айтай худога,
Худо менинг тилагимни берибди.
13620 Неча йил йиғлатди мендай санамни,
Бунда вайрон қилган кулбахонамни,
Энди олди қанча доғу аламни,
Аввал кўрдим ўлди деган тўрамни,
Боз кўрдим отам билан энамни.
Етти йил қуриди танамдан дармон,
Шукрилилло, кўрдим яна қайтадан,
Қариганча сурсам бу элда даврон,
Иншоолло, қутулдим ғаму кулфатдан,
Энди бўлсам бунда Кўнғиротда даврон.
13630 Бу сўздайтиб бир-бирини кўради,
Барчинни кучоклаб энди жилади.
Кўккамиш кўлида кулбахонаси,
Барчинни кучоклаб йиғлар энаси:
– Кўнғирот қараб қайтдинг, Барчин зулфакдор,
Сен кетган сўнг вайрон бўлди ул жойлар,
Неча йил сандираб бўлдик дарбадар,
Бу ишларни солди ҳақ парвардигор.
Неча вақт бизларга бўлди қиёмат,
Бизга тангри бир кун қилди шафоат,
13640 Қайта бошдан келди қадимги давлат,
Отангман ўтириб қилдик маслаҳат,





- Элга келдик тағи соғу саломат,
Неча гапдир, устимизда аломат.
Кўккамишга бир кун келиб кўнибмиз,
Омон-эсон, болам, сени кўрибмиз,
Шу азобни кўрмагандай бўлибмиз.
Худойим бергайда барчага дармон,
Иш бўлмас қудратли ҳақдин бефармон,
Омон-эсон сен келдингми, Ҳақимжон,
Ҳақимни бағрига босиб ул замон.
- 13650 Бир-бирини кўриб ақили шошди,
Адашганлар бир-бириман топишди,
Кўнглидан гинани қанча сўрашди,
Бойбўриман бул Бойсари кўришди.
Оғайин-да, меҳри тоблаб қолади,
Бир-бирининг йиғлаб холин сўради,
Қанча кулфат ўтиб кетган бошидан,
Ул азобни кўрмагандай бўлади.
Алпомиш келибди, шукур қилади,
Ҳаммасига Ҳақим сабаб бўлади,
- 13660 Катта-кичик қариндошлар келади,
Ҳаммаси бир-бирин келиб кўради,
Сабил бўлган элин обод қилади,
Барчин энасини бирга олади,
Шу замон ўрдага қараб юради.
Хизматкорлар Барчиннинг хизматида,
Тонг отганча туриб иззат қилади,
Бир-бирининг жуда холин сўради,
Ўтмайди, меҳмондан хабар олади,
Барчиндан барининг кўнгли тўлади.
- 13670 Барчин сулув акли расо, доноди,
Ўзи аёл, кўп ишларни билади,
Билмагани бул ҳам йўлга солади,
Энаси Барчиндан рози бўлади.
Кўрган кун эсига тушганда армон,
Оҳ тортса танидан қурийди дармон,
Эсга олса кўнгли майлис, паришон,
Қанча ғамдан озод бўлган шул замон,
Ўйнаб-қулар, сира қолмади армон,
Қайтадан Кўнғиротда бўлганди даврон.
- 13680 Пойтахтга бегу хонлар жийилди,





- Карнай-сурнай тортиб қилди ўйинди,
Созанда, нағмагар – бари жийилди.
Ҳар қайси ўз машқига ўйин қилади,
Қизу жувон томошага келади,
Пойтахтда вақти хушлик бўлади,
Томошамон саф-саф бўлиб туради,
Кўча-раста бул одамга тўлади,
Кўролмаган баланд ердан қаради.
Бир неча шоирлар айтиб туради,
13690 Бекнинг давлатидан инъом олади,
Қизу жувон аралашиб қолади.
Қизик дейди, қочар-писар бўлмади,
Ҳаммаси ҳам томошага келади,
Бек келганин шуйтиб маълум қилади,
Бир кеча, бир кундуз ўйин қилади,
Шу замонда энди жавоб бўлади.
Бу ўйинни жавоб бериб тарқатди,
Томошамон бари мазгилга қайтди,
13700 Келган бари пойтахтга йиғилиб,
Ўтириб бир ўпка-гинани айтди,
Кўтариб кўнглидан қанча гинани,
Булар ҳам туриб мазгилига қайтди.

- Шуйтиб ўз юртини шунқор кўрибди,
Омон-эсон мунда элга келибди,
Гуноҳкорлар Ҳакимбекдан ўлибди.
Шундай қилиб кўрди ўсган шаҳрини,
Ўзи қайтиб олган Барчин ёрини,
Шуйтиб топган мурод-мақсадларини,
Фозил шоир айтар билганларини.
13710 Бу сўзларнинг бири ёлғон, бири чин,
Вақтихушлик билан ўтсин кўрган кун,
Эблаб-себлаб айтган сўзим бўлди шул.
Ҳой десанг, келади сўзнинг маъқули,
Шоир бўлар билинг одам факири,
Шуйтиб адо бўлди гапнинг охири.

ИЛОВА

АЛПОМИШ¹ (достондан парча)

Айтувчилар: **Фозил Йўлдош ўғли** ва **Ҳамроқул бахши**.
Ёзиб олувчи: **Ғози Олим**.

Ўн олти урув Кўнғирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган пайдо бўлди, Алпинбийдан Бойбўри билан Бойсари деган пайдо бўлди. Булар бефарзанд бўлди. Ўн олти урув Кўнғирот элида бир чупарон тўй бўлди. Бийлар тўйга келди, буларнинг отини ушламади, кўнглини хушламади, мазмуни беҳабар колдилар, деб отини бойлаб, мажлисга келиб ўтирдилар. Бийларнинг олдига ош тортди, ошнинг кўтини, бетини тортди. Бийлар айтди: “Биздан нима гуноҳлик ўтди, бизни мундай беҳурмат эттинглар, илгари маърака-мажлис бўлса, отимизни ушлардинглар, кўнглимизни хушлардинглар”, – дедилар. Ўн олти урув Кўнғиротнинг чапанитарз бир бойваччаси туриб, буларга қараб: “Бу тўй уллининг улидан қайтади, қизлининг қизидан қайтади, сизнинг нимангиздан қайтади, ўзинг ўлсанг, мулкингга ҳар меросхўрлар чиқади. Овзига одам кириб кетади”, – деди.

Бу сўзни бийлар эшитиб, хафа бўлиб, саксон тилла чупаронга ташлаб, туриб кетти. Бийлар мазгилига жетти, ўтириб қилди маслаҳатти. Бойбўри туриб айтти: “Бойсари ука, қариганда молимиз бесойибга чиқди, фарзанд талаб қилмаймизми?”, – деди. Бойсари туриб айтти: “Худой бермаган фарзандни қаёқдан талаб қиламиз, тортиб олиб бўлмаса, сотиб олиб бўлмаса, урлаб олиб бўлмаса, худой бермаса, қаёқдан тараддуд қиламиз?” – деди. Бойбўри туриб айтти: “Шохимардон эрдинг равзасига шу ердан уч кунлик йўл келар экан, давлат талаб давлат тилар экан, фарзанд талаб фарзанд тилар экан, охират талаб имон тилар экан, қирқ кун тунаган киши муродига жетиб келар экан”. Бу сўз икковининг кўнглига маъқул

¹ “Алпомиш” достонининг Фозил Йўлдош ўғли ва Ҳамроқул бахшидан ёзиб олинган ушбу парчаси Ғози Олим Юнусов томонидан қандай нашр этилган бўлса, шундай ҳолатида қайта чоп этилмоқда. Қавс ичида достон парчаси матнининг илк манбадаги саҳифалари кўрсатилди – *нашрга тайёрловчи изоҳи*.

тушуб, минди бедов отти, уч кечаю уч кундуз жўл журди, Шоҳимардон пирнинг равзасига жетди. Бориб равзани тунаб ётди. Орадан бир кам қирк кун ўтди, бир кам қирк кун деганда, равзадан овоз келди (39-бем):

– Эй, Бойбўри билан Бойсари! Бир кам қирк кундан бери келиб жотибсан, худонинг жаратқан шери мен бўлсам, бир кам қирк кундан бери жаратқан худойимдан бир оёғим бирлан туруб фарзанд тилайман, жаратгон худойим бермайман, – деб айтади. Бул сўзди булар эшитиб, равзага қараб: “Бир кам қирк кундан бери биз сизди тунаб жотибмиз, худонинг жаратған шери сиз бўлсангиз, бизлар учун худойдин бир фарзанд тилаб олиб бермасангиз, бизга пирлигингиз ёлғон, худойга шерлигингиз ёлғон!” деб таппа тушиб ётти. “Биз ҳам дунёнинг бахридан ўттик”, – деди. Орадан қирк кун аниқ ўтти, қирк кун деганда: “Эй Бойбўри, худойим саған бир ул, бир қиз берди, жолғиз эмас, эгиз берди! Бойсари, худойим саған бир қиз берди, эгиз эмас, жолғиз берди! Шундан борсанг, фарзандни кўрсанг, халойикни жийиб тўй-томошо берсанг, тўйга қаландар бўлиб бориб, отини ўзим қўйиб келаман!” – деб равзадин овоз келди.

Бу сўзди эшитиб, бийлар зиёда вақти хуш бўлуб, минди бедов отти, булар мазгилига жетди, булар вақти хуш бўлуб, халойикти жийиб, қирк кечаю қирк кундуз тўю томошо бериб жотти. Тўй таркаб ҳар ким ўз мазгилига кетди. Қолғон меҳмонлар жотти. Энди бийлар билан бойбичалар яқинлик қилмоқчи бўлуб турубди. Бойбичалар кўрпа-тўшакни солиб, ўчоқ бошида уни-муни қилиб юрибти. Бийлар дирдай, қирдай бўлиб, чечиниб кўрпага кириб кетди. Жойди қулочти, бойбичалар билан бийлар қопишти...



Ғози Олим Юнусов

Бир кечада худонинг қудрати, пирнинг каромати билан бойбичалар ҳомиладор бўлди. Ойдан ой, кундан кун ўтиб, бойбичаларнинг ойи-қуни жақин жетиб кела берди. Бийлар айтти: “Биз ҳам овға жўнайлик, бир нечалар олдимизга чиқиб, суюнчи деб инъом олсин”, – деб овға чиқиб кетдилар. Фарзандлар жер жузига тушуб, бир нечалар бийлар олдиға чиғиб, суюнчи деб инъом олди, бийлар вақти хушлиқға халойикни жийиб, қирк кечаю қирк кундуз тўю томошо бериб жотти. Тўйга Шоҳимардон пири қаландар бўлиб келди. Фарзандларнинг учовини ҳам Шоҳимардон пирнинг этагига солдилар. Ул Бойбўрининг улини отини “Ҳакимбек” қўйиб, ўнг кифтига

беш панжа урди, кизини отини “Қалдирғоч ойим” қўйди. Бойсарининг кизини отини “Ойбарчин” қўйди, Бойсарининг кизини Бойбўрининг улига оташдириб куёв қилиб кетти. Болалар бирга, икки-учга кирди, элга энгандан тутуб мактабга борди. Жетти ёшга кирди. Бурро саводхон мулло бўлди. Бойбўри улини мактабдан чиқариб олди: “Энди улим бурро саводхон бўлди. Энди улима шоҳлик ўргатайин!” деди (40-бет).

ҲАКИМБЕКНИНГ АЛПОМИШ ОТОЛҒОНИНИНГ САБАБИ

Алпомиш мактабдан чиқди. Шоҳлик илмига киришди. Етти ёшда Олпон бобосидан қоғон ўн тўрт ботмон биринж жойни кўтариб тортди, жойнинг ўқи жашиндай бўб кетди. Аскардинг товидинг катта чўққисини жулиб ўтди. Унинг таърифин эшиткан Кофиристон эли кўп илтифот қилиб жотди. Кўнғирот эли жийилиб айтди: “Дунёдан бир кам тўқсон алп ўтди, алпнинг бошлиғи Рустам достон эди, охири Алпомиш алп бўлсин”, – деб Ҳақимбекнинг отини Алпомиш қўйди. Тўқсон алпнинг бири бўп санаға ўтди. Шохимардон ўнг кифтига беш панжасини урғон эди, шул сабабдан Алпомишға ўқ отса ўтмас эди, оловға солса ёнмас эди, қилич чопса кесмас эди, жиловидан чилтон кетмас эди.

Бойбўрига Бойсариям таассуб қилиб, кизини мактабдан чиғориб олиб: «Кўккамиш кўлида кўй совдириб, кизимға чорвадорлик ўргатайин», – деди. Кунлардан бир куни Ҳақимбек китоб ўқиб ўтуриб, бахилдан, сахийдан гап чиқиб қолди. Бойбўри туриб айтди: “Улим, киши нимадан бахил, нимадан сахий бўлади?” – деди. Ҳақимбек: “Вақт-бевақт киши уйига меҳмон келса, жой бор туриб, “жойим йўқ” деса, бу ҳам бахил, деди. Жой бор туриб, отини ушлаб, кўнглини хушлаб, бул ҳам сахий деди. Вақт-бевақт киши бир мазоротнинг деворининг қабатидан ўтса, чап оёғини узангидан чиғориб дуо қилиб ўтса, бу ҳам сахий, деди, кишининг моли закотга жетса, закот берса, сахий экан, закот бермаса, бул ҳам бахил экан”, – деди.

Бойбўри бу сўзни эшитиб: урув “Ўн олти урув Кўнғирот элининг ҳам бойи, ҳам шойи бўлсам, мен кимга закот бераман. Меним давлатимда жангғиз иним Бойсари бахилликка чиқиб кетмасин”, – деди. Ўн тўрт маҳрамини буюрди: “Боринглар, Бойсарининг закотини олиб келинглар, бир чичоқ улоқ берса ҳам закот ўрниға ўтар”, – деди (41-бет).

Тилла кўтос тоғилғон ўн тўрт маҳрам Бойсариға бориб қолди. “Жўл бўлсин!”, – деб савол қилди. Маҳрамлар айтди: “Биз акангдан келган закотчи бўламиз, сизнинг молингизни закот қиламиз”, – деди. Бойсари айтди: “Акамиз улли киши бўб, дарров бизнинг молимизни закот қилатурғон бўбти”, – деди. Бахмал ўтовда манави деган бой,

бойбаччалариман қимиз ичиб, шағалмаст бўлуб, димоғини чоғ қилиб ўтурғон эди. “Ушланглар бул баччағарларни!”, – деб йигитларига буюрди. Йигитлар маҳрамларни ушлаб, учовининг қорнига қозик қоқиб ўлдирди. Жеттовини кулоқ-бурнини кесиб, ўзига жедириб, отиға чаппа миндириб: “Буни закот деб айтади”, – деб Қўнғирот томонға хайдаб жиборди. Закот деган гап Бойсарига кўп ботиб кетган экан, ўтирган жигитларига қараб: “Нима маслаҳат берасиз?”, – деб, бир сўз деди:


Оҳ урғонда кўздан оқар селдак ёш,
Қўнғирот элдан молға закот бер дебти,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Қурсин Ҳақимбеги мулла бўлубди,
Қўнғирот элдан молға закот келибди,
Ўз акам [безакот] молларди ҳаром билибди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Закот деса, мен жонаман, ўчаман,
Закотни бермайман, Кашал кўчаман,
Ўз акамга ўзим закот бергунча,
Қалмоқ бориб жузья берсам бўлмайми?

Ўтирғонларнинг ҳеч қайсисидан маслаҳат чиқмади. Жортибой оқсоқол деган бири бор эди. Мажлисли кун бўлса, тўрдан жой тиймас, пиёладан чой тиймас, бўсағанинг олдида кавуш билан араллашиб, ит жиғилиш бўлиб ётир эди, пойгадан туриб, маслаҳат шундай деб, бир сўз деди (42-бет):

Маслаҳат бермаймиз Бойсари бойға,
Осилмаймиз Бойбўрининг дориға,
Биринг ака, биринг ука, Бойсари,
Маслаҳатди, шойим, ўзинг биласан!
Худойим деб жаратғонға жилайик,
Омин деса фариштаю малойик,
Шойим, сизга не маслаҳат берайик?

Бойсари:

Калимаи шаҳодат мусулмондинг тилига,
Мен кўчарман энди Қалмоқ элига.
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлмайми,
Тангри менинг ақлу ҳушим олмайми,
Ўз акамга ўзим закот бергунча,




Қалмоқ бориб жузья берсам бўлмайми?
Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Азамат мард эдим, бўлғонман ночор,
Ўз акама ўзим закот бергунча,
Кўнғирот элда сийинди бўб юргунча,
Энди меним Қалмоқға кетмоғим даркор.

Жортибой:

Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Бошинг эсон, бу давлатни кам дема,
Сен кўчар бўлсанг, Қалмоқ элига,
Бу элатни қолади деб ғам жема!
Қайда борсанг, бирга кўчиб борамиз,
Болаларни жаҳонгашта қиламиз.
Жаҳонни сайр этиб, жуда кўрамиз,
Қайда кўчсанг, бизлар бирга борамиз (43-бет).

Жортибойнинг сўзи Кўкқамиш кўлида турғон ўн минг Кўнғирот элига маъқул тушти. Ҳаммаси уйди бузиб, Туркистон тарафидан Қалмоқ тарафига молди бошқариб, жўнаб турғонда, Барчинойнинг энаси бир жўрғани абзаллаб, чоғлаб, ул ўрниға Барчинойға олиб келди. Барчин бу ердан кўчарини билди, энасиға қараб, кўнгли бузилиб, Барчин бир сўз деди:

Олмадай сарғайди гулдайин дийдор,
Мунғайиб йиғлайди мендай муштипар.
Хўжа келса, чиғар мурид назири,
Хотин бўлмаймикан эрдинг вазири,
Эр деганнинг ақлин олмас бўлурми?!
Бой отамман бек бобомға не бўлди?
Абзаллаб келтирдинг хайвон тўрингди,
Бул кўчишинг, эна, меним шўримди.
Ўйилмай куймасин кулбаи хонам,
Мунғайиб йиғлайди мендайин санам,
Қалмоқларда қоп гулдайин танам.
Юрагимга солдинг доғу аламди,
Кўролмайман қолғон мактаб жўрамди.
Бой отамман бий бобомға на бўлди?!



Энаси Барчинни юпатиб, бир сўз деди:

Хафа бўлма, болам, ўйнаб-куласан,
Жахонни сайр этиб бир кун келасан,
Не сабабадан, болам, кўнглинг бўласан,
Кўнғирот элга келиб даврон сурасан,
Мактаб жўранг билан ўйнаб-куласан.

Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Лодон кўнглинг ҳар томонга бурмагин (44-бем).

Барчинойди алдаб кўндирди, Барчинойди бир жўрғага миндирди.

Чечанлар эплайди гапдинг эпини.
Бирданига олтмиш норди чўкириб,
Орта берди Барчинойдинг сепини.


Бойсарибой Кўнғиротдан чиғиб, олти ой, олти кун жўл журиб,
Қалмоқ элига жетти. Қўм-кўк бўлиб ўсиб жотган қалмоқнинг эгинига,
Кўнғирот эли “қалмоқнинг жери ўтли келар экан”, деб суюниб молини
кўйиб юборди. Шул замонда Қалмоқнинг Тойчахон деган хони бор эди.
Эгин эккан Қалмоқ элати Тойчахонга бориб: “Ўзбекдинг моли эгинимизни
жеб кетти”, деб арз қилиб бир сўз деди:

Эшит, Тойчам, меним айтғон сўзимди,
Сенга айтаман подшосан-да, арзимди,
Бойсарининг моли эгин жеб қўйди,
Сиз хирождан, биз овқатдан айрилдик.
Подшоликдан қанча бувдой олибдик,
Эгин қилиб биз далага солибдик,
Бувдойимиз энди бошлаб турғонда,
Унча-мунча қовунидан сотқанда,
Бадиригдан энди олиб жийирдик,
Подшоликға қанча хирож берардик,
Сиз хирождан, биз овқатдан айрилдик.

Тойчахон халойиқға айтди:

Эшит дейман, халойиқлар сўзимди,
Тойчахон деб ном кўтарган ўзимди,





Бориб айтгин Бойсари деган элатга,
Хайдаб келгин озор бермай ўзимга.
Бойсарининг ўзини мен кўрайин,
Ҳукуматга солиб уни сўрайин.
Ҳукуматга Бойсари бўлса фуқаро,
Шу журтимдан унға қишлоқ берайин.
Жиламангиз, экин эккан элатлар,
Подшоликдан овқатингни берайин (45-бет).

Саккиз жигит Бойсариға боради. Бойсарини олиб, Тойчахонға келади. Тойчахон Бойсариға қараб, бир сўз деди:

Тойча: Ол-ол бўлсин, Бойсарибой жўл бўлсин,
Олғон ўлжанг кўп, оз эмас, мўл бўлсин,
Бизим элат экинини молинг жеп,
Зўрлик кипсан, Бойсарибой жўл бўлсин!

Бойсари: Бизим жойлар Кўнғирот деган жойдадур,
Жери чуйгун, от чопмокка мойдадур,
Ўз акамга закот молин бермовдим,
Кўчиб кет, деб мени элдан хайдади.
Қулоқ солғин, эй Тойчахон сўзимға,
Мусофир бўб келдим сенинг элингта,
Фуқаро бўб элатингта келиб эдим,
Мен тўловин берай жеган экинға.

Тойча: Мени сўраб келсанг Олқор элимға,
Қулоқ соғин, Бойсари ака, сўзимға,
Дархон қилдим сени Чилбир кўлиға,
Мен жамалға солмайман ўн минг уйли элингта.
Фуқаролар менға келиб арз қилса,
Подшоликдан ғалла ёрдам барига.
Чилбир чўлға, Бойсари, молинг хайдаб жот,
Биянг бўлса, қимиз қилиб жайлаб жот,
Жетти жилға кўйдим сени чигимсиз,
Чилбир кўлға дархон бўлиб, жайлаб жот.

Бойсарибой Чилбир кўлиға қўнади. Уйларига бахмал кийиз жовади.
Бойсарибой кўнғон чоқда Жибирға Далли деган мастон кампир бор эди.
Ул кампирнинг тўқсон ули бор эди. Энг каттаси Кўкалтош деган зўр эди.
Ҳар кунда ўн кўй гўшин жер эди. Ҳар кўзлари пиёладай зўр эди. Мурнин

кўрсанг, тейирмоннинг новудай (46-бет). Каллалари Чимироннинг товидай. Тойчахоннинг айтганига кирмайди. Ҳукуматга ҳеч жамалға бермайди. Шул полвоннинг Мастон деган энаси Бойсарининг овулина жўнади. Бойсарининг қирқ кўппаги бор эди. Бу кўппаклар мастон кампирдинг Бойсари овулига жақинлашганини кўриб, жерга овдариб талади. Мастон кампир итдинг овзига уриб, шу сўзди айтди:

Бул жойларга Бойсарибой келганми,
Элат бўлиб жахши-жомон кўрганми.
Қирқ кўппаги талаб жеди танамди,
Бойсарининг бойбичаси ўлганми?...

Бойсарининг бойбичаси бор эди. Кўпам барно, ўзи яхши бол эди. Уйдан чигиб шум Мастонни кўради. Таёқ олиб, кўппакларни қувади. Мастонни кўппаклардан ажратиб олиб, жанғи кўйлақлар кийгизиб, меҳмон қилиб ўрдаға олиб келади. Ўрдада бахмал уй ичида Барчиной қирқ қиз билан ўйнаб-қулиб ўтирғон эди. Мастонни кўриб, туриб, кўл қовушдириб, салом берди. Мастон кампир бу менинг Қоражон улимға лойиқ қиз экан, деб кўнглига маъқул қилиб, бойбичага қараб, бир сўз деди.

Мастон: Қозондаги, бойбича, ошмиди,
Манглайдаги ўсмамиди, кошмиди.
Тўрда ўтирғон Барчинойди сўрайман,
Мол берғони борми, боши бўшмиди?

Бойбича: Қозондағи, Мастон момо, ош эмас,
Манглайдаги ўсма эди, кош эмас.
Барчинойди сира овзигға олмағин,
Мол олгани борди, боши бўш эмас.

Мастон: Эй, бойбича, қайси элдан келгансан,
Элат бўлиб Чилбир кўлга кўнгансан.
Энди сендан мен сўрайман, бойбича,
Барчинойди қандай эрга бергансан?

Бойбича: Мастон момо, сенга айтқон сўзим бор (47-бет).
Кўкламинда тувғон беш жуз кўзим бор.
Барчинойни сира гапга қўшмагин,
Кўнғирот элда Алпомишдай эри бор.

Мастон: Эй, бойбича, эшит меним сўзимди,
Тўксон улим энг жаксиси Қоражон,
Қоражонга берасанми кизингди?
Қоражонга берсанг кизинг Барчинди,
Мен берайин саған тўксон кўзимди.
Чилбир кўлга энди келиб кўнибсан,
Қоражонга берсанг агар кизингди,
Дархон қилдим бир умири ўзингди.

Бойбича: Бу ерларга меҳмон бўлиб келганман,
Сенинг айтқан мен сўзингга кўнмайман.
Қоражонга жовчи кўйсанг кизимди,
Қизим тугул, анга итим бермайман!...

Шунда Мастон аччувланиб жўнади. Бойбичага қараб, бундай сўйлади:


Бедов отди чачира чўлда жиламан,
Тўксон улимман эрта-мертан келаман.
Қоражонга бермас эсанг Барчинди,
Зўрлигингди эрта минан кўраман.

Бойбича: Овир давлат босқонингдан тоями,
Айтғон гапинг, Мастон, маған зоями?
Кучинг жетса, тортиб оғин Барчинди,
Кўлингдан не келса, они аяма!

Мастон энди аччувланиб туради. Пўта билан белини бувади. Эшагига миниб олиб, шум Мастон ўз элига қараб энди жўнади. Айни чошка кунлар бўлғонда Қоражонга йўлда дучор келади. Қоражон қарчиғайин кўлига кўндириб, беш ўрдагини эгар қошига кўйиб, от ўйнатиб келаётиб, энасини кўради (48-бет). Отини жиловини тортиб, Мастонга қараб бир сўз деди.

Қоражон: Ол, ол бўлсин, эна, саған ол бўлсин,
Гап сўрайин, эна, саған жўл бўлсин?

Мастон: Чилбир кўлга Бойсарибой келибди,
Ўн минг элман Чилбир кўлга кўнибди,
Тойчахонга бир фуқаро бўлибди.
Ўзбекнинг уйига, болам, бордим мен,



Меҳмон бўлиб, уй тўрига кўндим мен.
Ўзбек элдинг кўнган жери жой экан,
Ҳайдагани тўксон кўра мол экан,
Қараб эдим мен ўзбекдинг тўрига,
Ўн тўрт жошлик жолғиз қизи бор экан.
Шул қизининг қараб эдим ўзига,
Ойдан равшан, лабзи ширин бол экан.
Бойбичага уч овиз сўз бердим мен,
Шул ўзбекнинг овулидан келдим мен,
Жолғиз қизин оти экан Барчиной,
Сенга куда бўлиб, болам, келдим мен.
Очилғон гул кун чиққанда сўлғудай,
Агар етса меним жўлим бўлғудай,
Бир хотинга сенинг кўнглинг тўлғудай.

Қоражон суюнчи бўлсин, деб беш ўрдакни Мастоң кампирдинг эгар
қошига солиб бериб, энасига бир сўз деди:

Қоражон: Эна, эшит меним айтғон сўзимди,
Тўксон улдан яхши кўрган ўзимди,
Кўгалдошнинг сен олдиға борғонда,
Сира бўлдим дема ўзбек қизини... (49-бет).

Мард Қоражон айни пешин жўнади. Тез замонда ўрдасига келди.
Ўрда овзиға мард Қоражон келганда, тўксон алпнинг энг кичкина Қулбойи
Қоражонга бир сўз чиқиб сўйлади.

Қулбой: Мард Қоражон сўйламакка тилинг бор,
Ойдан равшан, ака, сенинг жузинг бор.
Кўнғирот элдан бир бой кўчиб келибди,
Бахмал кийиз, чий камишли уйи бор,
Чанғароғи олтин, таннови кумуш,
Бовлари жияқдан, увуғи биринч,
Атрофида бордир тўксон чотирлар,
Ул чотирда бордир тўксон ботирлар,
Агар борсанг шул ўзбекдинг овулиға,
Ўзбек бирлан бирга келган элатда,
Ойдан тоза, кундан равшан хотинлар.
Шул элатда Бойсари деган зўри бор,
Ўн тўрт ёшда Барчин деган қизи бор.



Ойдан равшан, чиройлидур юзлари,
Қоши қора, қуралайдур кўзлари,
Кўрган жигит кетолмайди олдидан,
Қизил юзли, ширин сўзли ўзлари,
Жўл журганда толар онинг беллари,
Қаламға сизилғон онинг қошлари,
Ўн тўртга киргандир онинг ёшлари,
Жўл журганда оркасинда тўлғонур,
Қирқ кокилли онинг қора сочлари,
Ярашиққа кўрна кўйлак кияди,
Оқ юзини жигит кўрса куяди.
Бўйнида бор онинг олтин кўчкиси,
Одамди маст қилар анбар мушкиси (50-бет).
Оқ юзига ярашиққа хол қўйган,
Упа минан элигинди мўл қўйган,
Кўрган жигит мени яхши кўрсин деб,
Чаккасига кечагина хол қўйган!


Кўгалтош: Эшит дейман тўқсон иним сўзимди,
Мен айтайин сизга бир-бир арзимди.
Ошиқ бўлдим эшитибман сифатин,
Олиб беринг менга ўшал Барчинди!

Қоражон: Бу гапларни овизингга оласан,
Жарашиққа тилла қалқон соласан,
Тўқсон мардга маслаҳатни соласан,
Куёв бўлдим Бойсарибек қизига,
Мен тирикда келининг қайтиб оласан?

Кўгалтош: Мен тирикда журтқа кимлар келади,
Мен тирикда санга нега беради?
Эртан бориб Бойсарини кўрайин,
Барчин отли барно қизин олайин.

Кўгалтош билан мард Қоражон бувишти, Барчин учун ака-ука урушти, атрофида турғон тўқсон иниси икковининг жанжалига жетишди, энг кичиги Қулбой ботир сўз деди. Сўз деганда буй деди:

Қулбой: Ака, бугун биз бу жерда турайик,
Эрта билан бир маслаҳат қилайик,



Тўксон отга тўксонимиз минайик,
Тўксон совут ярашикка кияйик,
Эрта билан Бойсарига борайик,
Бойсарини бориб гапга солайик,
Барчин кизин ўртамизга об чиқиб,
Сайлов билан бировимиз олайик! (51-бет).

Тўксон отни тўксон ботир минади,
Ярашикка жияк совут кияди.
Эрта билан намоз вақти бўлганда,
Бойсарининг овулина келади.

Кўгалтош: Бойсари ака, эшит менинг сўзимди,
Тўксон полвон энг каттаси ўзимди.
Барчинойга тўксон полвон талашдик,
Олиб чиқкин Барчин деган кизингди,
Барчиной сайласин, бўлсин анга бош!

Бойсари: Айтқанингга, эй Кўгалтош, кўнмайман,
Мол эмасман, хайдовингга юрмайман.
Барчинойдинг Алпомишдай эри бор,
Ул турғонда сенга қизди бермайман.
Алпомишим бу чоқда ёшдур,
Ёш бўлса ҳам Кўнғирот элига бошдир.
Бу сўзинг эшитса, Алпон келади,
Қирк жигитман бедов отин желади,
Қаст айласа Олқор элинг олади,
Тўксонингга қирк кун кирғин солади.
Бир Барчин деб, солма бошингга балони,
Бир Барчин деб, қирк Барчининг олади.



Кўгалтош: Тўксонимиз олти ой сўңг келайик,
Биз бўмаса сенга фурсат берайик.
Алпомишни олиб келгин бу ерга,
Қандай алп экан, биз-да кўрайик,
Яхши бўлса Алпомиши шу вақтда,
Барчинойди Алпомишқа берайик,
Алпомиш келса биздинг элимизга,
Майдон солиб ўз кучимиз синайик (52-бет).

Бойсари қалмоқ полвонларидан бу сўзни эшитиб, қизим қалмоқнинг кўлида хор бўлатурғон бўлди, деб хафа бўлди. Ўзи билан Қўнғиротдан келган қариндошларини чақириб маслаҳат қилди. Булар “бийимизнинг қизи бир ёқда турсин, қалмоққа итимизни ҳам бермаймиз. Энди тезлик билан Алпомишга қат ёзиб, бўлгон воқеани [ишни] билдирайик. Алпомиш келиб бизди кутқармаса, қалмоқнинг кўлида ҳаммамиз хор бўлгудаймиз”, – дедилар. Бу сўз Бойсарига маъқул тушди. Дарров Барчинойни чақириб Алпомишга қат ёздирди.

БАРЧИНОЙДИНГ АЛПОМИШГА ЁЗГОН ҚАТИ:


“Олти ойчалик йўлга келдим, Қалмоқнинг элига келдим, тўқсон алда топталашда қолдим. Мендан умиди бўлса, Алпомиш келсин, келмаса, жавобимни берсин”.

Бу қатин ўн чобарга тобиш қилди, бу ўн чобар тун-кун кистаб журиб, олти ойчалик жўлди уч ойда босиб, Қўнғирот элига жетиб келди. Жигитлар Алпомишнинг эшигига бориб, бир сўз дегани:

Бедов отни жазира чўлда желамиз,
Асл зотмиз, Олқор элдан келамиз,
Бойсарининг хизматкори бўламиз,
Арза қоғоз кўлимизда келамиз,
Ўрдасида Алпон акам бормикан,
Шул қоғозни Алпомишга берамиз.

Алпомиш бу сўзни эшитиб, уйдан чиқади, жигитлар қоғозни Алпомишга беради. Алпомиш қоғозни ўқиб кўриб, жигитларга қараб, бир сўз деди:

Ўлмаган қул кўрар қишнинг ёзини,
Минишқор жугуртар қушман тозини,
Бермайман, деб журувчи эди Бойсари қизини,
Энди нега маған об келдинг сўзини...
Энди маған олиб келсанг сўзини,
Кўгалтошга бера берсин қизини (53-бет).
Бизим журтти ташлаб Олқорга кетди,
Қарға жесин энди унинг гўшини,
Мусофир бўб бизга айтибти сўзини!...




Алпомиш Барчинни олмас бўлиб, жавобини берди, ўн чобар қайтиб Олқорга кетди, Алпомиш қайтиб ўрдасиға кирганда, Қалдирғоч туври келиб оғосининг қўлиндаги қатин кўрди. Бу нендай хат экан, деб олиб ўқуб, Барчин женгасининг ҳолидан хабардор бўлди. Қалдирғоч: “Бу хатни ким олиб келди?” – деб сўради. Алпомиш: “Ўн чобар олиб келган эди, мен бормайман», – деб жавоб бериб жўнаттим. Қочиб кетган бир Барчин учун бошимни балоға солиб жураманми?” – деди. Қалдирғоч ойим оғасидан бу сўзни эшитиб, аччувланиб, оғасиға бир сўз деди:

Қалдирғоч: Мард Алпомиш оға, мунда келсанг-чи,
Қалдирғочнинг бир сўзи бор кўрсанг-чи,
Эркакман, деб юрибсан журтингда,
Бошингдаги тўппинг менга берсанг-чи!
Ўз ёрингдан кўркиб юрсанг Қўнғиротда,
Совутингни мен устима кияйин,
Човкар отинг мен устига минайин,
Жонбошима олтин қилич бойлайин,
Жигит бўлиб мен ҳам ўтдек жайнайин,
Олқор элга отди миниб жўнайин,
Олтойчалик Олқор элга борайин,
Тўқсон алпга мен қирғинни солайин,
Барчин женгам ажратиб олайин,
Сен ёрингдан кўркиб юрсанг бу ерда,
Барчинойди оп кеп саған берайин,
Олсанг олдинг Барчиндайин женгамди,
Аёл бўлсанг, сени эрга берайин,
Қўнғирот элда подшо бўлиб ётайин (54-бет).
Мўйнингдаги силкиллайди мунчоғинг,
Қўрқоқ бўлсанг, эртиб боргин ўртоғинг!!!

Бу сўзни эшитиб Алпомиш оҳ урди. Қирқ жигитин бери кел деб чақирди. “Тез менга от-анжом тайёрланг. Мен Олқорга кетаман”, – деди. Бойбўрининг жилқисида Алпомиш билан бир кунда тувғон бир човкар от бор эди. Оти Бойчибор эди. Бойбўрининг Қултой деган кадрдон жилқибоқари бор эди. Қултой чол човкарнинг асл от бўлғонин билиб, Ҳақимбекка атаб боқиб журади. Ҳақимбекнинг узоқ сафарга жўнай турғонини билиб, Қултой Бойчиборни эгарлаб олиб келди. Алпомиш Бойчиборға миниб, Қалдирғочқа караб, бир сўз деди:

От чопганда кўринади қиру даш,
Жиласак чиқади кўздан қонли ёш,



Мусофир бўб Олқор элга кетаман,
Мен кўргунча омон бўгин, Қалдирғоч!
Муллалар ўқийди давот, қаламди,
Ичимда жарайин менам аламди,
Олқор элга мусофир бўп бораман,
Бойбўриман қон бекага салом де.
Мен бўлмасам, ким силайди бошингди,
Сувға солиб ўргил энди сочингди,
Олти ойда Олқор элдан келмасам,
Мусофир бўб эсиз оғам ўлди деб,
Кўздан тўккин сенам қора ёшингди.
Олти ойда Қўнғирот элга келмасам,
Энам кийсин меним қора кўйлагим,
Отам берсин журтқа меним ошимди.


Қалдирғоч: Ўзим ўлмайдойим пирга бош урдим,
Дунёмни жейиб териб чош урдим,
Дунёни тутқасиз жаратқан худо,
Бир оллоға, оғам, сени топширдим (55-бет).

Худога кул эдинг, Муҳаммадга уммат,
Эртанги номоздинг иккови суннат,
Худонинг дўсти эдинг нури Муҳаммад,
Аввал худо, шул эрларга топширдим.

Ер юзида уч юз эллик вали бор,
Жумла ўтган машойихнинг бари бор,
Мадинада худонинг шери Али бор,
Жор бўлиб қўлла, сан, жолғиз оғамни!

Жилайман, жилайман ҳаққа зору зор,
Чолмоға жон берган қудратли жаббор,
Мусофирди дўстим деган чориёр,
Жор бўлиб қўлла, сан, жолғиз оғамни!

Тошкентда жой соғон бобом Хўжанур,
Чўлларнинг иласи қадри ковул [Комил],
Ёр бўлиб қўлла, сан, жолғиз оғамди!
Ёд айлайман жеди жошда мавламди,
Камарбаста пирим Қидр мавламди,
Ёр бўлиб қўлла, сан, жолғиз оғамди.



Девона кияди ху, деса жанда,
Ху деган кули бор худоға банда,
Чўлларнинг ияси Сахбар занда,
Ёр бўлиб кўлла, сан, жолғиз оғамди!

Бу дунёнинг кўбдир жабр-жафоси,
Жафоси кўб, йўқ дунёнинг вафоси,
Ҳақ Мустафо мўминлардинг отаси,
Жолғизимди кўллайтуғон кунингди.
Оёғимда бор деб кулфу кишаним,
Ўлмайман деб, банда, қолма ишониб,
Бағдоддан жой олган Шараф эшоним (56-бет).
Ёр бўлиб кўлла, сан, жолғиз оғамди.

Муллалар битади сиёйи патта,
Ажал келса жон кетади бир соатда,
Аёлнинг пиридур ёр билан патҳа,
Жор бўлиб кўллагин жолғиз оғамди!

Бу сўзни биларсан, Алпомиш оға,
Тилакка ярашар мундалиқ хатинг,
Остингда ярашар човкарча отинг,
Олқор элга мусофир бўп кетасан,
Эсон-омон мен кўрайин қардошим.


Самарқандда солиб ўтган минора,
Бош овриса кошман кўзинг тинар-а,
Отингдан ўргилай хаста Умар-а,
Жолғизимди жор бўб кўллар кунингди.

Ойна минан оқ жузимди кўраман,
Сувға солиб қора сочим ўраман,
Бир эмчақдан сут эмгансан, жолғизим,
Энди қачон сени тири кўраман?

Отқа урасан кўлда тилла қамчингди,
Мусофир бўб кўргин Олқор дашини,
Мусофир бўб кўрсанг Олқор дашини,
Бир худоға мен топширдим бошингди.

Муллалиқдан мен сўйлайман хатомди,
Худойим кўлласин човкар отингди.





Эсон-омон Кўнғирот элга келағол,
Қачон сенинг оқ юзингди кўраман.
Сен келгунча мен соғиниб ўларман (57-бет)
Эсон-омон қайтиб келсанг Кўнғиротға,
Қирқ кун тўйинг, ўн кун кўпкар берарман!

Алпомишға Қалдирғоч сўйлади, Алпомиш ҳам Олқор элга жўнади. Шул жургандан Алпомиш олти кун, олти тун журди. Олти кунда Алпомиш йўлдан адашди, отнинг бошин кибла ёкқа буради, йўлда ётқон ғариб гўристонға кўнади. Шул кун Алпомиш шу жерда жотти, намоз ўкиб, тиловати Курьон қилди, ул мазорнинг остида чилтонларнинг ғори бор экан, ул чилтонлар Алпомишнинг келганини билиб, бир-бирига қараб сўйлашди:

Чилтон боши:

Қирқ чилтонлар бери-бери келинлар,
Бир маслахат сўз айтайин кўринлар.
Кўнғирот элдан Алпон меҳмон бўлибди,
Олиб мунда мажлисга келинлар.

Чилтонлардан бириси:

Ул Алпомиш бул ерларга келмайди,
Келган билан бул мажлисга бўлмайди.
Ул Алпомиш ҳаром сутни кўп эмган,
Келса бизнинг мажлисимиз бўлмайди.


Чилтон боши:

Ҳаром бўлса танасини кўйинлар,
Жонин олиб бу мажлисга келинлар!

Алпомишнинг ҳалол жони келади, қирқ чилтонлар кўлига коса беради, чилтонларнинг ҳеч мажлиси қизимади, берган коса билан Алпомиш ичмади. Олти ойчалик ердан Барчин жонини қирқ чилтонлар олиб мунда келади, коса тўлдириб Барчинойға беради, Барчин ойим косани кўлига олиб, юз ноз билан Алпомишқа сўйлайди.

Барчин руҳи:

Коса бердим кўлим толиб,
Ҳар косага шароб солиб,
Узатдим коса буралиб,
Олинг, аллаёр-аллаёр.



Коса ушлаб кўлим толди,
Бек бобомнинг шункор ули (58-бем).
Хон тўрам, сизга на бўлди,
Олинг, аллаёр-аллаёр.

Коса берганди ойимча,
Жафо қилди тўксон гачча,
Олиб ичингиз, бекбачча,
Олинг, аллаёр-аллаёр.

Боғда очилар гулгумчалар,
Гулга ярашар ғимчалар,
Коса берган ойимчалар,
Олиб ичинг, бекбаччалар,
Олинг, аллаёр-аллаёр.

Алтомиш руҳи:

Кийганинг гулгун қирмизи,
Ақлни олар жоду кўзи,
Арзим эшит, бийдинг қизи,
Санинг кўнглинг бизда бўлса,
Кўнғирот элдан Қалмоқ элга,
Келмам, аллаёр-аллаёр.
Санинг берган шаробингди,
Олмам, аллаёр-аллаёр.
Манки Қалмоқ элга бориб,
Қалмоқ элга қирғин солиб,
Шул кун шаробингди олиб,
Шунгачайин бийдинг қизи,
Сенинг берган шаробингни,
Ичмам, аллаёр-аллаёр.
Тархинали нозик белинг,
Қучмам, аллаёр-аллаёр (59-бем).



ИЗОҲЛАР

“Алпомиш” достонининг атокли достончи Фозил Йўлдош ўғли варианти барча нашрларига шоирдан машхур фольклор тўпловчи Махмуд Зарифов томонидан 1928 йилда ёзиб олинган нусха асос бўлган. Достон кўлёмаси (М.Зарифов дастхати) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида 18-инвентарь рақами остида сақланади. Кўлёмма 946 саҳифадан иборат. Қоғоз бичими 36x23. Маълумки, достонларда шеърӣ ва насрий қисмлар бир-бири билан ўзаро алмашилиб келади. Ушбу кўлёммада достон шеърӣ қисмининг ўзи 13715 мисрани ташкил этади.

Кўлёмманинг дастлабки саҳифасида 1927 йил 14 июнь санаси кўрсатилган. Бошқа бирор бир изоҳ ёки қўшимча маълумотлар қайд этилмаган. Достоннинг ёзиб олинишини ташкил этган Ҳоди Зарифовнинг (1905–1972) барча асарларида, шунингдек, архивнинг инвентарь дафтарида унинг қаламга олиниш санаси “1928 йил”, деб кўрсатилган. Тахминимизча, достон кўлёммасининг 16-саҳифасигача бўлган қисми бизга номаълум бўлган шахс томонидан (эхтимол, фольклор тўпловчи Муҳаммадиса Эрназар ўғли томонидан) ёзиб олинган. Шундан кейин нима сабабдандир уни ёзиб олиш иши тўхтаб қолган. Бир йилдан кейин достонни ёзиб олиш иши давом эттирилган. Ҳоди Зарифовнинг оғзаки маълумотларига кўра, достонни унинг раҳбарлигида Махмуд Зарифов 1928 йилнинг ёзида Фозил шоирнинг Булунғур тумани Лойка қишлоғидаги уйида икки ой давомида ёзиб олган.

Фозил Йўлдош ўғли “Алпомиш” достонини айтиб туриб ёздиришда жуда ҳам юксак даражада маҳорат намунасини кўрсатган. Ёзиб олувчи ҳам шоир талаффузини, ҳар бир сўз ва мисрани аниқ қайд этишга ҳаракат қилган. Ҳатто баъзи ҳолларда янада аниқликка эришиш мақсадида кўлёмма хошиясида у ёки бу сўзнинг маънодоши ҳам қайд этилган. Масалан, “Бурро саводи чиқиб, хат ўқиб-ёзадиган мулла бўлди” гапининг рўпарасида хошияда “саводхон” сўзи қўшимча равишда ёзиб қўйилган. Бундай қайдлар фольклор матншунослиги учун ғоятда муҳимдир.

Достонни нашрга тайёрлашда Фозил шоирнинг айтиб туриши бўйича ёзиб олинган матн тўла равишда сақланди. Айрим ҳоллардагина ўзимиздан қўшилган сўз ва иборалар қавсда берилди. Қисқартирилган парнографик

сўз, гап ва мисралар ўрнига кўп нукта қўйилди. Достоннинг тили фонетик жиҳатдангина адабий тилга яқинлаштирилди. Масалан, “жўк” ўрнида “йўк” шакли берилгани каби. Аммо достоннинг бадиийлиги билан боғлиқ барча ўринларда вазн, қофия, саъж талабиги кўра, шева хусусиятлари тўла сақланди. Масалан, “кияман”, “эгаман”, “куяман”, “тегаман” сўзлари қофияда келса, ёзиб олинган матндагидек (шевадагидек) берилди:

Давлатимдан адрас-кимхоб кияман,
Ҳақдан келган ишга бўйним ияман,
Алпомишга теккин деса, куяман,
Юрт эгаси Кайқубодга теяман.

От-феъл қофия бўлиб келганда, матннинг айна ўрнидаги маънони китобхонга аниқроқ етказиш мақсадида бир “р” товуши ортирилди. Бундай ҳолларда орттирилган “р” [] тарзидаги кавсда берилди. Мисоллар:

Бораётган ҳар қайсиси тўради[р],
Кўккамиш кўлидан чиқиб боради.

Обло менинг ақли-хушим олибди,
Шум фалак бошима савдо солибди,
Бизнинг элга қаттиқ талон қилибди,
Давлатини кўрдим, жуда ғолибди[р],
Аслин билсанг, Туркистондан келибди,
Экиннинг барини нобуд қилибди.

Шевада (ёзиб олинган матнда ҳам) “– нинг”, “– ни” қўшимчалари ўрнида “– ди” қўлланилади. Бундай ҳолларда уларнинг ҳаммасини адабий тилдагидек, “– ни” ёки “– нинг” қўшимчасига алмаштириш тўғри эмас. Жумладан:

Обод қилиб турай бунда элингни,
Гуноҳкорга солмоқ даркор зулмни, –

сингари мисраларда бундай алмаштириш (яъни “элингди”, “зулмди”ни “элингни” “зулмни” шаклида бериш) ўзини оқласа, кўп ҳолларда ўзидай сақлаш керак бўлади. Масалан:

Отга солди арпа билан ийирди,
Қор ёққанда карвон солар чийирди,
Жаллодларни ул бойларга буюрди, –

мисраларида дастлабки сатрларда келган сўзларни “ийирни”, “чийирни” шаклида берилса, учинчи мисрадаги “буюрди” сўзига тўла қофиядош бўла олмайди, яъни қофиянинг тўлалигига путур етади.

Достонларда вазн талаби билан бир бўғин ёки бўғинлар қисқартирилиб ёхуд орттирилиб талаффуз этилади ва шундай ёзиб олинади. Бундай ҳолларда ҳам уларни аслидагидай бериш мақсадга мувофиқдир:

Ўз йўлингга юрсанг бўйми, муштипар.

Бораётган Қалмоқшоҳнинг тўр оти.

Бу сўзларни айтди сағир Ёдигор.

Ёдгор сачраб ўринидан туради,
Ултонтоз олдига етиб боради.

Юқорида келтирилган мисралардаги ажратиб кўрсатилган сўзларни “бўлмайдами”, “тўриқ”, “Ёдгор”, “ўрnidан” шаклларида берилса, вазн бузилади, демакки, достоннинг бадиийлигига зарар етказилади. Баъзан вазн талаби билан мисрадаги икки, ҳатто уч сўздан бир товуш туширилиб, битта сўздек талаффуз қилинади. Мисоллар:


Бугун кадр кечалари,
Боғдочилар гунчалари.

Ўнолтуруғ Бойсин-Кўнғирот элига,
Илгариди пайдо бўлди Довонбий.

Бундай ўринларда “боғда очилар”, “ўн олти уруғ” тарзида эмас, бахши талаффузидагидек, бир сўз сифатида – “боғдочилар”, “ўнолтуруғ” шаклида кўшиб ёзилади.

Шунингдек, достон вариантларида айрим персонажлар исмлари, масалан, “Тойча”, “Тойчи”, “Тайшид”; “Қайкубод”, “Какват”, “Какиват” каби ҳар хил шаклларда берилган. Нашрда бир хилликни сақлаш учун ҳамма ўринда “Тойчи”, “Қайкубод” тарзида берилди. Бундай исмлар қофия ва сажъларда келганда аслича қолдирилди.

Бу ўринда яна бир-икки ҳолатга изоҳ бериш зарурдир. В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” (1947) китобида ёзишича, Фозил Йўлдош ўғли пойга бошида боғлаб ташланган Қоражоннинг банддан халос бўлиш эпизодини икки вариантда куйлар экан. Биринчисида тасвирланишича, Қоражон бойловли



ётиб, азиз авлиё-анбиёларга сиғинади. Шунда Алпомишнинг Ражабхўжа пири кўринмас қиёфада келиб, Қоражоннинг қўл-оёғини ечади ҳамда Бойчибор сағрисини силайди. Бу тасвир эпос мантиқига тўла мосдир ва у шоирдан 1928 йилда шу тарзда ёзиб олинган. Достоннинг кейинги нашрларида қўлёзмадаги шу тасвир сақланган, чунки Фозил шоир уни ниҳоятда бадиий гўзал равишда куйлаган.

Иккинчи вариантга кўра, пойга бошида бойловли қолган Қоражон чирпиниб, ўз кучи билан арқонни узади. Достоннинг дастлабки нашрларида Қоражоннинг азиз авлиё-анбиёларга сиғиниши, Ражабхўжа пир кўмагида банддан халос бўлиши эпизоди қискартирилиб, ана шу вариант (Қоражоннинг арқонни ўзи узиши) берилгандир. Достон қўлёзмада бўлмаган бу парча куйидагичадир:

“Бобохон тоғида Чибор билан иккови ёлғиз қолди. Пойгачилар жам бўлиб, қатор туриб, пойгани кўйиб, жўнаб кетди. Қоражонни қалмоқлар боғлаб кетди. Қоражон бойловли ётди:

Бойчиборман ўзи ёлғиз қолибди,
Қоражон чирпиниб, шул замон тортди,
Боғлаган арқони узилиб кетди,
Ғайрати туташиб шунда Қоражон,

Шу боғлаган банддан халос бўлибди” (Қаранг: Алпомиш. Ҳамид Олимжон қайта ишлаб нашрга тайёрлаган. Иккинчи нашр. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1957. – 122–123-бетлар).

Бу парча Ҳамид Олимжон наشري орқали бизгача етиб келган. Уни Фозил шоирдан ёзиб олинганлиги ҳақида бирор маълумот йўқ. Бу парчани шоир Ҳамид Олимжон достонни нашрга тайёрлаш давомида бахшидан ёзиб олган бўлиши керак. Халқ орасида шоирнинг шундай вариантда куйлаганлиги ҳам номаълум. Бу эпизодни бадиҳагўйлик қонуниятлари асосида шоирнинг ўзи табиий равишда ўзгартирганми ёки ўтган аср 30-йилларидаги мафкуравий вазият таъсирида фольклоршуносларнинг маслаҳати билан шу тарзда айтиб берганми – буни ҳам аниқ тасдиқлаш қийин. Ҳар ҳолда Ҳоди Зариф гувоҳлигига асосланиб, бундай ўзгартириш, яъни Қоражоннинг банддан халос бўлганлигини иккинчи хил куйлаш бахшининг ўзи томонидан амалга оширилган, деган хулосага келиш мумкин. Парчадаги тасвир мароми ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Ана шу мулоҳазаларга асосланиб ҳамда шўролар давридаги мафкуравий вазиятни ҳисобга олиб, биз ҳам достоннинг 1979, 1985, 1987 йилги нашрларида Қоражоннинг пирлардан мадад тилаш эпизодини қискартириб, иккинчи вариантни сақлаган ва уни достон матнига киритган эдик. Бу – тарихий-


филологик нуқтаи назардан тўғри ёндашув бўлмаган. Чунки биринчи вариант халқимиз дунёқарашига батамом мос бўлиб, Фозил шоирдан ёзиб олинган бошқа дostonларнинг ҳам шу хилдаги ўринлари билан уйғундир. Бу ўринда ҳар иккала вариант ҳам Фозил Йўлдош ўғлига тегишли эканлигини айтиб, иккинчи вариантни шўролар даврида бахши дунёқарашига юзага келган ўзгаришларнинг ҳосиласи сифатида баҳолаш мумкин.

Хабардор кишиларнинг (Ҳоди Зариф, Музайяна Алавия, Мансур Афзаловларнинг) оғзаки маълумотларига қараганда, ўтган асрнинг 30-йиллари ўрталарида Фозил Йўлдош ўғлидан “Алпомиш” дostonини иккинчи марта ёзиб олиш ҳаракати бошланган. Шу мақсадда 1936 йилда шоир Тошкентга – Тил ва адабиёт институтига чақирилади. Дастлаб Фозил шоир Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари ҳузурда “Алпомиш” дostonи айрим қисмларини куйлаб беради. Ижро жараёнини проф. А.К.Боровков 1928 йилда ёзиб олинган қўлёзма матни асосида кузатиб боради. Шуниси ҳайратланарлики, шоир орадан саккиз йил ўтганига қарамай, айрим ўзгаришларни ҳисобга олмаганда, 1928 йилги матни деярли айнан такрорлайди. Бу – бахшининг олий даражадаги эслаш ва ёдда сақлаш қувватининг, ўта юксак ҳофиза кудратининг натижасидир. Афсуски, ўша пайтда янги ижро давомидаги ўзгаришлар қайд қилиб борилмаган ёки бундай қайдлар бизгача етиб келмаган.

Эртасига шоир 1928 йилда ёзиб олинган қўлёзма матни билан таништирилади. Шунда атоқли шоир: “Ўша пайтда ҳўб айтган эканман”, – дея қайта ёзиб олишга розилик бермайди. Ҳоди Зарифнинг эслашича, Фозил Йўлдош ўғли ўз айтганидан қайтмайдиган, бир сўзли, ўта катъиятли инсон бўлган. Бўлар-бўлмас давраларда дoston ва термалардан куйлаб кета берадиган бахшилардан бўлмаган. У дostonчилик маданиятини юксак даражада кадрлаган ҳамда уни янада юқори босқичга кўтарган халқ шоиридир. Дostonчи характерини яхши билган Ҳоди Зариф уни ортиқча қистамай, “Очилдов” дostonини янгидан ёзиб олишга киришган. Шу тариқа “Алпомиш” дostonи атоқли дostonчидан иккинчи марта ёзиб олинмай қолган.

* * *

Иловада “Алпомиш” дostonидан парча берилди. Бу парчани 1922 йилнинг ёзида биринчи ўзбек фольклоршуноси, профессор Ғози Олим Юнусов Фозил Йўлдош ўғли ва Ҳамрокул бахшидан ёзиб олган ҳамда “Билим ўчоғи” журналининг 1923 йилги 2–3-қўшма сонидида кичик бир сўзбоши билан ундан парчалар нашр этган (37–59-бетлар). Китобдаги парча журнал матни асосида берилди.



Профессор Ғози Олим Юнусов (1893 – 1938) Туркистон халқ маориф комиссарлиги Илмий бўлимнинг Туркий секцияси (1918–1920) ва Ўзбек билим ҳайъати (1920–1924) раиси, Ўзбекистон маориф халқ комиссарлиги Фан бўлимнинг илмий котиби ва Ўзбекларни ўрганиш қўмитасининг раиси (1925–1929), Ўзбекистон илмий-текшириш институти (1929–1931), Маданий қурилиш илмий-текшириш институти (1931–1933), Тил ва адабиёт институти (1934–1937)ларининг катта илмий ходими вазифаларида самарали фаолият олиб борди. Самарқанд педакадемиясида (1927–1931), Низомий номидаги Тошкент педагогика институтида (1934–1937) ўзбек тилидан дарс берди.

“Билим ўчоғи” журналидаги парчани қайта тайёрлашда матнаро журнал саҳифаларини қайд эта бордик. Журналдаги матн икки бахшидан ёзиб олинган бўлиб, сидирғасига берилган, яъни қайси бахшидан қайси қисм ёзиб олинганлиги кўрсатилмаган. Бизнинг аниқлашимизча, дostonнинг бошланишидан Бойсарининг кўчишигача, яъни “Бирданига олтмиш норни чўкириб, Орта берди Барчинойнинг себини” мисраларигача бўлган қисм Фозил Йўлдош ўғли вариантдан (журнал, 39–45-бетлар), Бойсарининг Қалмоқ элига кўчишидан Алпомишнинг мазоротда тунашигача, яъни матннинг “Бойсарибой Қўнғиротдан чиқиб, олти ой, олти кун йўл юриб, Қалмоқ элига етди” гапидан “Барчиной косани кўлига олиб, юз ноз билан Алпомишқа сўйлайди” жумласигача бўлган қисм Ҳамрокул бахши вариантдан (журнал, 45–58-бетлар), Барчин ва Алпомишнинг айтишуви (журнал, 58–59-бетлар) Фозил шоир нухасидан олинган экан.

Ғози Олим Юнусов томонидан “Билим ўчоғи” журналида “Алпомиш” дostonидан эълон қилинган парчанинг таҳлили шуни кўрсатадики, унинг ҳар икки бахшидан ёзиб олган қисми ҳажм эътибори билан анча кўп бўлган. Афсуски, унинг ёзувлари бизгача етиб келмаган. Ўша 1922 йилги экспедиция давомида Ғози Олим Юнусов “Алпомиш” дostonидан ташкари ўзбек уруғлари ҳақида афсона ва ривоятлар, эртақлар, кўшиқлар, кўплаб топишмоқ ва мақоллар ҳам ёзиб олган (Қаранг: Юнусов Ғози. Описание материалов по этнографии узбеков, собранных (летом 1922 года) в Самаркандской области и уездах Ташкентском и Голодностепском Сир-Дарьинской области // журнал “Наука и просвещение”, 1922, №2. – С.47–50). 1937 йилнинг охирларида Ғози Олим Юнусов ноҳақ қамоққа олингач, у тўплаган фольклор материаллари ҳам изсиз йўқолган.

ЛУҒАТ

- Абгор бўлмоқ** – хароб бўлмоқ.
Абжил – эпчил.
Абжўш – қуйма, бронза ва мис аралашмаларидан етти марта эритиб қуйилган қаттиқ жисм. Тожикча **хафт жўш** – етти эритма.
Авбаҳолам – аввалам бор.
Адавур – анча, талай, кўп.
Ажнос (айнос) – тартиб, пайт, хил.
Айвон – қаср, сарой.
Аймашиб – чирмашиб, ўралиб.
Айролик – айрилик, ҳижрон.
Айтувчи – хабарчи.
Алам – байроқ.
Алпозӣ сўз – алпозӣ «алфоз» сўзининг бузилган шакли. **Алфоз** – сўз, сўзлар. Бу ерда кераксиз сўз маъносида.
Анг – ов, овланадиган жонзод.
Ангишламоқ – кишнамоқ; отнинг кишнаб, гижинглаб ирғиши.
Ангнимок – кузатмоқ, пойлаб турмоқ.
Арна – дарёдан ажралган кўлча, сел ювган сой.
Аташтирмоқ – унаштирмоқ.
Ақирмоқ – ҳайқирмоқ, қаттиқ қичқирмоқ.
Аҳли қубур – қабр аҳли, ўликлар.
Байдоқ – байроқ.
Бардор-бардор – кўтар-кўтар.
Бақан – келинни узатиб бораётганда, йўлни тўсиш учун ишлатиладиган арқон.
Бақан солмоқ – келинни узатиб келаётганда, келин сепидан улуш (совға-салом) олиш учун йўлни тўсиш одати.
Бежо – ёмон; жойиз эмас, ножўя, ноўрин.
Белдов – ўтовнинг белидан ўраб боғланган арқон.
Беллик – отнинг белини эгар урмаслиги учун бел чўққисининг икки ёнбошидан қўйиладиган кигиз ёки мато.
Берман – бери томон.



Бесоҳиб – эгасиз.

Бешкирти – болаларни ёшлигида аташтириш, никоҳлаб қўйиш одати.

Бидоҳат – бидъат.

Билмамиш – билмагандай.

Бирдон – овланган жонзод солинадиган хуржунсимон халта.

Бирич – бронза. Мис, қўрғошин, алюминий, қалайи каби маъданлар эритмасидан ҳосил қилинган қотишма.

Биқтирма – пистирма. Панада биқиб (писиб) турган одам.

Бой – эр.

Булдираб (билдираб) – милдираб.

Бурум – ўрим, соч ўрими.

Бўйми – бўлмайдими.

Бўлжал – мўлжал.

Бўлжаёлмас – мўлжаллай олмас.

Бўғча-бўй – аёлларга тегишли уй-рўзғор, кийим-кечак, пардоз-андоз буюмлари солинадиган матодан қилинган уй жиҳози.

Газа – тоғнинг икки чўққиси ораси.

Газзоб – каззоб, ёлғончи, фирибгар.

Гала – боқувга ҳайдалган туялар тўпи.

Гана-гана – баъзи-баъзи.

Ганг бўлмоқ – гангимок.

Гачча – тил билмас.

Гум – чуқур, дарё ёки ариқ сувининг чуқур жойи.

Гумгумадор (гургумадор) – катта, дабдабали.

Гуппи – ҳовлиқма, мақтанчоқ.

Гуппон – еб ётган; семириб кетган.

Гурос-гурос – тўп-тўп.

Давр – отнинг белидан сағрисиғача ёпиладиган ёпик.

Даврикмоқ – ҳоврикмоқ.

Дарбанд – тоғ орасидаги тор йўл.

Дарманда бўлмоқ – дучор бўлмоқ.

Дархон – эркин; солиқ ва тўловлардан озод этилган шахс ёки уруғ аъзолари.

Даҳмарда – қўй-мол боқувчи хизматкор; чўпонлар бошлиғи; чорвадор.

Дотқа бўлмоқ – шикоят қилмоқ.

Дубулға – металл қалпоқ, шлём.

Дурмак-дурмак – тўда-тўда.

Дўланиб – эшилиб, тўлғаниб.

Дўнмоқ – айланмоқ; қайтмоқ.

Дўстаман – мукка, муккаси билан.

Дўғилмоқ – тўкнашмоқ; дуч келмоқ.

Елбагай – сарпойчан, бели боғланмаган; тўнни киймай, елкага ташлаш.

Елмаст (желмас) йигит – етилган йигит.

Ёзган – гуноҳли, ёзқли; кулфатли.

Ёкмоқ – суртмоқ.

Жабдук – от асбоблари.

Жайнамоқ – яйрамоқ, яшнамоқ.

Жайрағир – яшамагур.

Жапсар – ўтовнинг увуқ ва керагалари туташган ерда қўйилган туйнук.

Жарий – овоз чиқариб, баланд овозда.

Жарғи – жарима.

Желак – яктак; бола тўни катталигидаги яктаксимон аёллар ёпинғичи.

Жериб қолмоқ – қаттиқ иссиқламоқ.

Жийирмоқ – буриштирмоқ. Қуйруғини жийирмоқ – думини қайирмоқ.

Жилдав – судрама, ғилдиракли.

Жингил (жинғил) – юлғун; дарё бўйида ўсадиган майда дарахт.

Жиранда – сел ювиши натижасида ҳосил бўлган чуқурлик.

Жиға – укпар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган, бош кийимга тақиладиган зийнат буюми.

Жиғадор – жиғали; саройда жиғаларни сақловчи амалдор.

Жовлик – ялпи, ёпсасига.

Жодирим бўлмоқ – ажралмоқ.

Жойдир – бемалолдир.

Жойил – жоҳил.

Жойли (ёйли) – текис, ёзиқ, ёйилган.

Жонсиз – жосус.

Жузья – ғайридинлардан олинадиган солиқ.

Жумийтмоқ – кулоқни чимириб, орка томонга қия қилмоқ.

Жуммоқламоқ – калавасимон қилиб ўраб бойламоқ.


Жўрамоқ – йўймоқ, тушнинг таъбирини айтмоқ.

Занг – расм, одат.

Зилванг – оғир, зил-зил.

Зинкийиб – қаққайиб; тик туриб.

Иза – этак. Тоғ изаси – тоғ этаги.



Изи-чув – кий-чув.

Изгор чўл – ҳадсиз, чексиз, кенг чўл.

Ийир – даволи ўсимлик тури.

Ийсинмоқ – иймоқ, елинга сут тўлмоқ.

Илкисдан – тўсатдан.

Илқув-силқув – туртки, турткиламоқ.

Интиқ – интизор.

Ирга кўрсатди – никоҳдан кейин куёвга киз отасининг ҳовли-жойини кўрсатиш одати.

Иркилмоқ – хавфсираб тортинмоқ, тўхталмоқ.

Истара – ранг-рўй, кўриниш.

Исфиҳон – исфиҳоний қилич, кескир тиг.

Ит ириллар – чимилдиққа кираётган куёвнинг ит ҳолатига кириб олдини тўсиш одати. Одатда буни кекса кампирлар бажариб, куёвдан совға-салом олгач, йўл беради.

Ит йиқилиш – беихтиёр равишда одатдаги ҳолатдан бошқа бир ҳолатга кириш. Биргаликда йиқилиш.

Ияртмоқ – эргаштирмоқ.

Йитмоқ – йўқолмоқ; адашмоқ.

Йўл айрит – айрилиш, йўлнинг икки ёки бир неча ёққа айрилиб кетадиган ери.

Кабир – катта, улуғ.

Каж – эгри, тескари, терс.

Кай – кейин.

Калта бақай – оёғи қисқа. Бақай – бақалок.

Кампир ўлди – никоҳ тўйи одати. Чимилдиққа кираётган куёв йўлини икки кампир ўзини ўлганга солиб тўсиб олади. Куёвдан совға-салом олгач, йўл беради.

Карк – ёввойи туя.

Касратки – калтакесак.

Кашал – эпик юрт, узок ўлка.

Кашмири – айёр.

Кебанак – астари кигиз, авраси юнг чўпонлар чакмони.

Кировка – жангда совут остидан кийиладиган металлдан ишланган нимча.

Кия – гуноҳ.

Куёв улоқ – никоҳ тўйи одати. Тўйнинг эртасига куёвнинг жўраларига куёв томонидан бериладиган улоқ ёки бирор жондор. Куёв жўралар ё кўпкари ташкил этади ёки жондорни сўйиб, зиёфат уюштиради.


Кузан – катталиги юмрондай чўл хайвони.





- Кўкай** – дил, қалб. Кўкай кесмоқ – дил оғритмоқ.
Кўнак – қимиз сақланадиган идиш.
Кўрганли бойлар – тўқ, бадавлат бойлар.
Кўтоҳлик – гуноҳ. Кўтоҳ – қиска.
Лангар тўкмоқ – оғирлик солиб вазиятни сақламоқ.
Ланқа – доғ; таъна, маломат.
Ловдон рўмол – қизил ипак рўмол.
Лодон – нодон.
Лоловлашмоқ – чувиллашмоқ.
Лозимат – лозимлик.
Лоппи – беҳудага мақтанувчи.
Лот – кўчма маънода ўч, қасд, қасос.
Лўкча – эркак ёш туя.
Майлис – маънос маъносида.
Майна – мия.
Марол – кийик.
Мегажин – ургочи чўққа.
Менгзамоқ – ўхшатмоқ.
Мендайғаччоқ – мендайин, мендайчанги.
Менман – манман, мақтанчоқ.
Миёнхатанамой – эси оғиб қолмоқ.
Мини йўқ – тенги йўқ, бебаҳо.
Мия – ўсимлик тури.
Музтар – ночор.
Муғойиб – арабча «муғиб», «муғиба» сўзларининг бузилган шакли бўлиб, тирик бева маъносида; мунглик.
Наза қилмоқ – кўнгил чўқтирмоқ, хафа қилмоқ.
Назаркарда – пирнинг назари тушган, эгали; илоҳий кучлар томонидан кўриқланадиган.
Нарбас (нарғис, нарғиз) – киши исми ва гўзаллик, бу ўрина кўз эпитети.
Нармода – ҳезалак.
Наркас – нарғиз.
Нах урмоқ – камситмоқ.
Нишон қўймай олмоқ – ҳеч нарса қолдирмай олмоқ.
Новос – боқишга қўйилган ёш мол.
Носоқи сўз – қўпол, вайсақи сўз.
Обдол талагандай – девона талагандай.
Овир – оғир.
Овлоқ – чекка, хилват.





Овсар – хотин-қизларнинг зийнатли бош кийими.

Орка-ўриш – суянчиқ.

Палас – кўқиган, тўзиган.

Парқин – от қўлтиғи; афсонавий тулпор қаноти ва қаноти жойлашган ер.

Пода – боқувга ҳайдалган қорамол тўпи.

Понза рўмол – юпка ипак рўмол. Ҳоди Зариф бу терминни Россиянинг Пенза шаҳри ҳунарманд аёллари тўкиб чиқарган гулдор тивит рўмолининг тарқалиши билан пайдо бўлган бўлса керак, деб ҳисоблайди.

Поримас – таъсир этмас.

Равза – гулзор, боғ, жаннат. Бу ерда муқаддас қабр, азиз-авлиёлар қабри.

Рўмол ўрамоқ – чақалокларни бир-бирига унаштириб қўйиш одати.

Сава – кимиз солинадиган кичик меш.

Сайил – дostonда сайр, саёҳат маъноларида.

Салдорли – салмоқли, оғир, залворли.

Само – садо, товуш.

Сангров – анқов.

Саноч – теридан қилинган идиш.

Саф синдирмоқ – сафни бузмақ, енгмоқ.

Селайиб – сулайиб, ҳолсизланиб.

Селанглаб – аланглаб.

Селтаймоқ – қуруқ қолмоқ, маҳрум бўлмоқ.

Сермамоқ – кесиб силтамоқ.

Серпилмоқ – тортилмоқ, орқага тисарилмоқ.

Силинмоқ – шилинмоқ.

Собилмас – чарчамас.

Совлик – она қўй.

Совуқ оёқ – доим ёмонлик киладиган, ёмонлик билан машғул одам.

Созигарлик – муроса.

Солим – кўпқарида улоқни олиб чиқиб, маррага етказган кўпқаритозга бериладиган совға, солимга қўйилган бир нарса, жондор ёки пул.

Соли сувга кетган – бўшашган, сушт, шашти қайтган.

Соққаси (сўққиси) – зарби.

Сурсат – солиқ тури.

Сурув – боқувга ҳайдалган қўй тўпи.

Сўмламоқ – мўлжалламоқ, чўтламоқ.

Табгил – тадбир, мўлжал; табдил.

Табгир – таъбир. **Табгирдан адашмоқ** – шошиб қолмоқ.

Таккон – табиб.



Таммай – танбех.

Танқа ташламоқ – якка ўзи бир яйловни эгалламоқ.

Тараф – душман.

Тараққос (параққос) бойламоқ – зеб бермоқ, ўзига зеб бериб керилмоқ гижинглаб ўйнамоқ (отнинг ҳолати).

Тари-тармоқ – тез пишар донли ўсимликлар.

Таркаш – пиёла ва косаларни сафарда синишдан сақлаш учун теридан ёки ёғочдан кубба шаклида ишланган ғилоф.

Ташна – чанқов.

Тенгсалмоқ – тебранмоқ, чайқалмоқ.

Тилга энмоқ – тили чиқмоқ, гапира бошламоқ.

Тиклаб – тикилиб қараб.

Тир келадиган – тенг келадиган, баробар бўладиган.

Том – пахса ёки синч девор билан ўралиб, усти ёпилган уй; уйнинг усти.

Томир бўлмоқ – қариндош, куда-кудагай бўлмоқ.

Томошамон – томошабин.

Топиш қилмоқ – топширмоқ.

Тортимли – залворли; ёқимли.

Тублиғиб – тўпланиб.

Тува – тугул.

Турбат – тупрок, ер; қабр; улуғ зотларнинг қабрлари устига қурилган мақбара; зиёратгоҳ.

Тури – турар, турибди.

Туюқсиндан – бирдан, кўкқисдан.

Туяман – туя билан.

Тўсат-тўсат – тўда-тўда.

Тўта – қиска. Тўталаб – ўрталаб.

Тўққиз товоқ – бўлғуси келинга бисот юбораётганда ҳар бир буюмдан тўққиз-тўққиз қилиш одати.

Ул – ўғил. **Улини** – ўғлини.

Улгу – нусха, нишона.

Урри – ўғри.

Уюр – боқувга ҳайдалган йилқилар тўдаси.

Хаса – сара, насли. **Хаса тулпор** – сара тулпор.

Хатап – туя эгарининг бош қисми.

Хонавор – ҳавор, текис.

Хонасилло – холисанлилло.

Хун довламоқ – ўлдирилган кишининг хунини талаб қилмоқ.

Хўрач – кичкина, митти.

Чакас – ов кушини кўндириб кўйиладиган мослама.

Чалқарамон – чалқанча.

Чалқимок – тўлиб-тошмок.

Чанғарок – кора уй ва ўтовнинг тепасидаги гардиши.

Чача – от оёғининг пастки қисмида туёққа томон ўсган сочок кил.

Чак-чак учириб – чак-чак отиб, бир-бирига қараб сайраб.

Чегишиб – чиқишиб, келишиб.

Чер – дард-алам, кайғу.

Чийир – из.

Чингириб – чинқириб.

Чинграган чўл – иссиқда қақраган чўл.

Чирпа – чиппа.

Читмок – чимирмок.

Чиғанок – тирсак.

Човлаб қолмок – семиз молнинг семизликдан чарчаб юролмай, оёғини босолмай қолишига човлаб қолиш, дейдилар.

Чупурон – тожикча “Чукбуррон” сўзининг бузилган шакли. Достонда суннат тўйи.

Чори – тўрт яшар кўй.

Чоримок – чирмаб боғламок.

Чуйда – бошнинг орқа суяги.

Чўбир – хашаки, оддий от.

Чўғариб – чўқириб.

Чўнток – ёли, думи қиска от.

Чўпгун ер – ўтлоқ ер.

Чўпонларнинг маҳмаданаси – чўпонларнинг бошлиғи, сўзамоли.

Чўчанглатиб – ликиллатиб.

Шағалмас – жўшқин; кайфи ошган.

Широлға – овланган қуш ёки хайвондан бериладиган торттик.

Шобир – товуш, шарпа.

Шо (шой) – шох. Достонларда “й” товуши билан кофиядош бўлганда, “х” товуши “й”га айланади. **Бой** – шой каби.

Шуйтиб – шундай қилиб.

Шунғит – шум.

Элибой – чорвадор.

Энчи – фарзандга атаб ажратилган бош мол.

Этана бўлмок – куйиб-пишмок, мехрибонлик қилмок.

Эшонсиниб – эшон санаб, эшонга ўхшаб.

Юракчойди – юрак олдириб кўйган.

Юри – юрар.

Ют – ёмон, зарарли, офат, фалокат.

Яланг қатори – ҳамма қатори.

Янгилма – адашма.

Ўзавон – ўзича.

Ўли-тирим – ўлик-тириклигим.

Ўлим ўти – гунохи.

Ўр – чукур ер.

Ўр – ўжар. **Ўрлик** – ўжарлик.

Ўргиб – урчиб.

Ўрол – бошланғич, кириш. **Гапнинг ўроли** – гап боши, кези келганда.

Ўтирик – ёлғон.

Қаба – қаттик, бераҳм. **Қаба фалак** – золим фалак.

Қадим – кадам, одим.

Қайқи – эгилган.

Қаллиққа бормоқ – унаштирилгандан кейин куёвнинг яширинча қизнинг уйига бориш одати. Бундан янгалар хабардор бўлади.

Қамсамоқ – ўрамоқ, ўраб олмоқ.

Қанжиға – эгарнинг орқасига ёки олдиға бирор нарсани танғиш учун махсус боғлаб қўйилган тасма.

Қаъда – одат.

Қиз опқочди – никоҳ кечаси қизни қўшниларникиға ўтказиш одати.

Қиз сўйлатар – падар вакилларнинг келиннинг розилигини сўраганда, қизни розилик беришға ундовчи кайвони.

Қинғирлик – қийиклик маъносида.

Қирмиз – қизил.

Қирин – қирғин.

Қовдон – ёввойи ўсимлик тури.

Қора – дostonларда қарол, хизматкор маъноларида ҳам келади.

Қуёнчик – касал тури.

Қулотуз – кенг дала.

Қўнғирсалқин – ҳавонинг ола булут бўлган мўътадил пайти.

Қўр – тўп, тўда.

Қўра – бокувға хайдалган қўйлар тўдаси; қўйлар қамаладиган бостирма.

Қўрик – отни ушлаш учун ишлатиладиган арқон.

Қўтос – сержун, серёл тибет хўкизи. **Қўтос** ёлидан ясалган туғсимон махсус безак.

Қўш – чўпонлар яшайдиган уч оёқ қапа.

Ғаба – қаба, қўпол.



Гани – бой.

Ганим – душман.

Ғарқоб – сув остига қолиш.

Ҳами (хамин) – химо.

Ҳарвона – туянинг қириғи, лўки.

Ҳишшай – ёмғирли, рутубатли, нам.

Хут – яхши, фойдали, эзгу; ой номи.



ДОСТОННИ АЙТУВЧИ БАХШИ ВА ЁЗИБ ОЛУВЧИ ХАҚИДА МАЪЛУМОТ



Фозил Йўлдош ўгли

Фозил Йўлдош ўгли (1872, Жиззах вилояти Бахмал тумани Лойқа қишлоғи — 1955.17.3, Самарқанд вилояти Булунғур шаҳри) — ўзбек халқ шоири, бахши. Йўлдош Мулла Мурод ўғлининг шогирди. Булунғур достончилик мактабининг энг йирик ва сўнгги вакили. Етимликда ўсган. Чўпонлик қилган. Достончиликка ҳаваси эрта уйғонган. Ёшлигида дўмбира чертишни, терма айтишни машқ қилган. 20 ёшларида устози Йўлдош шоирдан достончилик сирларини ўрганган. Ёш бахши халқ ўртасида устози уюштирган синовдан муваффақиятли ўтиб, 25-26 ёшларида етук достончи сифатида танилган. Фозил

Йўлдош ўгли Амин шоир, Чини шоир, Товбузар шоир, Курбонбек шоир, Султонмурод шоир, Йўлдошбулбул, Йўлдош шоир, Қўлдош, Суяр каби Булунғур достончилик мактабининг пешқадам достончиларидан адабий анъанани қабул қилиб олган, уни пухта эгаллаб, кейинчалик бадихагўйлик билан бойитган ва ўзбек достончилигини янги босқичга кўтарган.

Фозил Йўлдош ўгли репертуари мавзу ва жанр жиҳатидан бой ва ранг-баранг. У қирқдан ортиқ халқ достонларини ёд билган ва юксак маҳорат билан куйлаган. Ундан “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Муродхон”, “Рустамхон”, “Ширин билан Шакар”, “Тўрўғлининг туғилиши”, “Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши”, “Малика айёр”, “Машриқо”, “Зулфизар”, “Балогардон”, “Интизор”, “Нурали”, “Жаҳонгир”, “Зевархон”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Баҳром ва Гуландом”, “Ошиқ Ғариб” каби 30 га яқин достон ёзиб олинган.

Шоир қаҳрамонлик, романик, тарихий достонлар ҳамда китобий достонларнинг энг яхши намуналарини куйлаб келган. “Алпомиш” достони унинг ижодида алоҳида ўрин тутади. Бу достоннинг ўзбек халқ достончиларидан ёзиб олинган 40 га яқин вариантлари орасида Фозил





Йўлдош ўгли варианти энг мукаммали ва бадий жихатдан баркамоли ҳисобланади. Унда шоирнинг юксак дostonчилик маҳорати тўла намоён бўлган.



Маҳмуд Зарифий, 1926 йил.

Маҳмуд Зарифий (Маҳмуд Аҳмедович Зарифов, 1904 – 1956) – бу машҳур фольклор тўпловчи атоқли фольклоршунос Ҳоди Зарифнинг амакибаччаси бўлиб, Боқудаги ўқитувчилар семинариясида (Дорул муаллиминда) ўқиган (1923 – 1926). Маълум муддат Ўзбекистон Маориф комиссарлиги Илмий марказининг Ўзбекларни ўрганиш кўмитаси (1927 – 1929) ҳамда Тил ва адабиёт институтида (1937 – 1940) ишлаган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. У Фозил Йўлдош ўғлидан “Алпомиш” дostonидан ташқари “Гўрўғлининг туғилиши”, “Гўрўғлининг болалиги”, “Зулфизар билан Аваз”, “Интизор”, “Жаҳонгир”, “Раъно билан Сухангул”, “Ошиқ Ғариб”, “Назар ва Оқбўтабек”, “Жиззах кўзғолони”, “Маматкарим полвон”

каби дostonлар ва бир неча термаларни ёзиб олган. Ана шу санoқнинг ўзиёқ Маҳмуд Зарифов халқ ижоди намуналарини ёзиб олишда қанчалик самарали фаолият кўрсатганлигини яққол кўрсатиб турибди.



НОТА ЁЗУВЛАРИ

Достон – ўзбек халқ ижоди ва мумтоз мусикасининг йирик эпик жанри бўлиб, ўзига хос мавқеи, мазмуни, шакли, ички қонуниятлари ва ижро услублари билан ажралиб туради. Халқ достонларида эпик тасвир кўпинча наср (сўз) билан, лирик кечинмалар эса шеър ва мусика орқали ифодаланади. Халқ ижодкорлиги ва донолигининг бу нодир жанри ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Шу боис, халқнинг асрлар давомида тўплаган тажрибалари, воқеликка ҳиссий муносабати бадий матндаги шеърий мисралар, нағма ва айтимларда бадий ифода этилган. Шу билан бирга, достончининг бевосита тингловчилар даврасида тўлиб-тошиши, ижрочининг тингловчилар билан жонли мулоқотда бўлиши, бадихағўйлик маҳоратига таяниши достон ижрочилигида муҳим аҳамият касб этади. Мусика ҳам ҳикоя ва шеър каби достончиликнинг асосий компонентларидан ҳисобланади. Халқ достонлари бадий матн – турли-туман куйлар – чолғу турлари – ижрочи (бахши) бирлигида намоён бўладиган ўзига хос ижро услублари билан эътиборни тортади. Достонлар бахши-шоирлар томонидан куйланади, демак, мусикийлик бу жанрнинг яшовчанлигини таъминлайдиган энг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади.

Достон шеърий ва насрий парчалардан иборат матндан, айтим ва чолғу йўлларида, достон айтувчининг хонандалик санъатидан ва соз черта билиш маҳоратининг уйғунлигидан иборатдир. Ҳар бир достон ўзининг насрий ва назмий унсурларини мусика чолғуси жўрнавозлигида намоён этади. Ижрочи – бахши-шоир чолғу чертишни пухта ўзлаштирган созанда, шеърий парчаларни куйга солиб айтадиган хонанда, матнларни бадихағўйлик асосида бир зумда тўкиб кета оладиган иқтидорли шоир, достонда ҳикоя қилинаётган воқеаларни маҳорат билан тингловчига етказадиган сўз устаси, асар мазмунини ҳаракат ва мимика орқали ифодаловчи актёр ҳамдир. Ҳажман йирик бўлган достонлар бахшилардан бадихағўйлик ва мусикий-назмий қобилиятни, сўзлаш маҳоратини талаб этади.

Достонларнинг асосий мусикий-шеърий жанри – термадир. Терма сўз ва куйдан ташкил топиб, мусика чолғуси – дўмбира ёки қўбиз, шунингдек, Хоразм достончилигида чолғу ансамбли жўрнавозлигида куйланади. Ҳар бир достонда 5 тадан то 36 тагача куй-оҳанглар қўланади. Достон




куйлари “нағма”, “нола” ёки “нолиш” (айрим жойларда “нома”) ва “бахши куй” деб аталади (маълум ҳолатларда оммабоп халқ кўшиқлари (ёр-ёр, ўлан, марсия ва б.) куйларидан ҳам фойдаланилган). Достон термалари ўз номига эга бўлиб, масалан, Сурхондарёда достон нағмалари – “келиной нағмаси”, “кўнғирот нағмаси”, “сарбоз нағмаси”, “от ҳайдаш нағмаси” ва ҳ.к; Хоразмда – “эшвой”, “мухаммас”, “қора дали”, “норин”, “афғон йўли”, “нола” ва ҳ.к. деб номланади. Достон мусиқаси асар қаҳрамонларининг рухий ҳолатларини очиб берувчи восита сифатида эпосга яхлитлик бағишлайди. Ҳар бир достонда нағма ёки нола асар термаларини янгича оҳанг, ритм ва шакл билан бойитиб боради. Мавжуд оҳанглар ҳар бир шеърий матнда уларнинг мазмунига қараб қўлланади. Бундай оҳанглар доимий тарзда турлича талаффуз, тасниф, ритм ва шакллар билан янгиланиб боради. Натижада лирик, кувнок, рақсбоп, кўтаринки руҳдаги жозибатор характердаги куйлар достонлардан ўрин олади.

Ҳар бир достоннинг муқаддимаси “Сайқал” ёки “Сарпарда” чолғу куйи ёрдамида очиб берилади. Бахши дастлаб “Қайси достондан айтайин” (“Нима айтай”, “Достон териш”) каби термаси билан тингловчиларга мурожаат этади. Сўнг тингловчиларнинг хоҳиши ёки бахшининг танлашига кўра бирор достон ижро этилади. Зеро, бахши ўзида ва тингловчиларда жиддий мазмундаги мусиқий-поэтик асарларни куйлаш ва тинглаш учун кайфият ҳосил қилади.

Ўзбек достончилиқ санъатида иккита асосий ижро услуби мавжуд:

1. Речитатив-декламацион томоқ услуби, яъни “бўғиқ овоз” айтими. Мазкур услуб жарангсиз, хира бўлиб, у дўмбира ёки кўбиз жўрлигида бирмунча жонли тус олади (Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё достончилиқ мактабларига хос). Ушбу мактаб намояндалари достонларни алоҳида-алоҳида куйлардан фойдаланган ҳолда куйлашган; завқ билан, шўх, кувнок, кўтаринки руҳда нағмалари речитатив тарзда ёқимли характерда ижро этиб келинган. Аммо куйлари калта, кичик диапазонда, ритм ўлчовлари рагон (ижро жараёнида нағмалар такрорланиши мумкин). Айрим ҳолатларда ҳикоялар ҳам дўмбира жўрлигида талқин этилиб, термалари жуда содда, кайтариқ шаклида, анъанага бўйсунган ҳолда куйланиб, асосий урғу шеърий ва назмий матнларга берилган.

2. Кўшиқсимон, куйчанг услуби, яъни, “ички овоз” айтими чолғу ансамбли жўрлигида ижро этилади. Уларда куй тузилиши, характери ва ритм-усул ҳолатлари анча ривожланган. Ушбу мусиқий достонларда терма-кўшиқ ижро тарзи турлича бўлиб, у бахшининг бадиий диди ва маҳоратига боғлиқ бўлади (Хоразм воҳаси ижрочилиқ мактабларига хос). Ҳар бир достонда 15 тадан то 36 тагача мусиқий-поэтик йўллар мавжуд бўлган, улар такрорланмаган. Терма жанридан ташқари Хоразм



достончилигида кўшиқ, ялла ва ашула жанрлари ҳам ўрин олган. Достон кўшиқлари воҳада кенг тарқалган бўлиб, оммалашиб кетган. Уларнинг куйлари ўзининг куйчанлиги ва оҳангдорлиги, турли характери (вазмин, лирик, кувноқ, ўйноқи, майин ва х.) билан ажралиб туради. Шу туфайли Хоразм достонлари жозибадор, кўтаринки руҳда, таъсирчанлик билан айтиб келинган. Хоразм бахшичилик мактаби иккита етакчи – “ироний” деб аталувчи шимолий (Манғит, Кўнғирот) ва “ширвоний” (Хива) мактабларига бўлиниб, ҳар бири репертуари, ижро услуби ва усуллари, чолғу ансамбли таркиби билан фарқланади. “Ироний” бахшилари дстонларни дутор ва анъанавий уч торли ғижжак жўрлигида; “ширвоний”лар эса дутор (тор), буломон (кўшнайн), ғижжак ва доира жўрлигида ижро этишади.

Бахши-шоир ижро давомида достондаги ҳар бир тасвирга мос сўз, шеър ва куй топиб, авжга чиқа боради, ўзларининг таъбири билан айтганда, “кайнайди”. Айрим ҳолатда ижрочи тингловчиларга мурожаат этиб, уларнинг диққатини ўзига жалб қилиб туради. Достон авж нуқталарига етганда, бахшининг гавда ҳаракатлари, бошини сарак-сарак қилиши, дўмбира ёки ансамблдаги чолғуларнинг бир мувозанатда бориб келиши, куй ва шеърга (айрим ҳолатда ҳикоя сўзига) кўшилиб, яхлит ритмик ҳолатни юзага келтирадики, ҳар бир мисра гўё отилиб чиққандай бўлади.

Ўзбекистонда бахшичилик санъати номоддий маданий мерос сифатида локал хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Асрлар мобайнида ривожланиб, тараққий этиб келган қадимий достончилик мактаблари ва ижрочилик услублари қанчалик ўзига хослик касб этмасин, уларда умумўзбек достончилик анъаналари етакчилик қилади. Барча ўзига хосликлар, локал ижрочилик услуб-усуллари ва белгилари умумдостончилик анъаналари доирасида ҳаётий ва яшашга қобилдир.

“Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигининг 1-жилдида илова қилинаётган нота ёзувлари намунаси “Алпомиш” достонининг атоқли олим Ҳоди Зарифов томонидан зоминлик Ёрлақаб Бекназар ўғлидан магнит тасмасига ёзиб олинган варианты ҳамда санъатшунос олим Файзулла Кароматов томонидан Ҳамро шоирдан ёзиб олинган аудиоёзуви асосида тайёрланди.

Рустам АБДУЛЛАЕВ,

*Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор*





«АЛПОМИШ» достони
нога ёзувлари

№1

♩=138

№2

♩=114

6а х.к.



♩=126

6а х.к.



№3

♩=112

Хай хай-хай де-йи-на,
 бир до-на кў-йи-ни бок-қан Хур-жи-ни-да бит-га-на
 ай-ро-ни оқ-қан, Ки-йм-лм-гм до-и-май бо-йи-га йк-ка-не.
 Бок-қан кў-йин-чун-дир бил-гин бо-бо-жо-не Чош-ко бўл-са
 сў-нон ку-лан би-ки-ни, Сов-гар со-либ ай-рон_
 ки-ла-ра су-ти-ни Бў-ри-лар-га ол-хо ё-хе со-лар э-ти-ни
 Бок-қан кў-йи кимн-дир, ки-дир то-ми-да-но.




№4

♩.=112

Ах - ха Та-мо-ша-ки-лин-га эн-ди Ал-по - миш март-ти,
Ўй-на - та-дир ос-ти-да бе - дов от - ти. Бу-ра-ма су-луг чай-наи-им,
Чув - ха де-ди Ал-по - ми-шей. Дол бе-дов-ни жў-нат-ти. Дол бе-дов-ни
жў-нат-ти. хе хе








Чўл - га чик-ди ар-мон - да Оч бў-ри-дай я-ланг-лаб Тут-дай бў-либ



жа-ранг-ла-бо "Ол - хо"де-ди жў-на-ди.



А - ё - ги-ни тик-ка ту-риб хам бос - са

ха



Уч-ка - ни-дан жан-вор, ка-но - тинёз - ди.

хў



Са-хар вак-ти хар ки-ши, Жо-ни-вор-ди хар ти-ши-ё Ул-то-на юр-ган



ку-рай-дай. Кўз-ла-ри ён-ган чи-рок-дай Гў-ли - ла-ри пи-рок-дай



"Ол - хо"де-ди жў-на-ди.


Ог-зи-ни о-чиб



ел-да-я бў-либ жў-наб ди.


хў

Сой-дин о-шиб эн-ди Ал-по-



миш ет - ти.

Кўн-ги-рот-дан эн-ди Ма-шат - га ет-кан



хе

О - ти-ни, най - ла-йин, бир жой - га кў йиб, Пи - ё - да бў-либ



Кўн - ги-рот-га ки-риб - ди-ей хей






РЕЗЮМЕ

Данный том является первым в ряду 100-томного издания книги “Памятники узбекского народного творчества”, подготавливаемого к выходу в свет Институтом языка и литературы им. Алишера Навои АН Республики Узбекистан. Книга открывается вступительной статьей “Жемчужины узбекского народного творчества”. В ней в краткой форме характеризуются своеобразные особенности узбекского устного народного творчества, описываются основные виды и жанры, классифицируются носители-исполнители фольклора, излагаются структура и принципы подготовки к печати данного многотомного издания.

Во вступительной статье к дастану “Алпамыш” дается оценки героического эпоса как великого наследия национальной культуры и исторического самосознания узбекского народа, описываются варианты и версии народных дастанов, и характерные отличия и общие черты.

Основную часть данного тома составляет текст, записанный в 1928 г. известным фольклористом Махмудом Зарифовым от прославленного народного сказителя Фазыла Юлдаша оглы (1872–1955). Единственный экземпляр рукописи дастана, записанный М.Зарифовым, хранится под инвентарным номером 18 в Фольклорном архиве Института языка и литературы им. Алишера Навои Академии наук Республики Узбекистан. Общий объем рукописи – 946 страниц, стихотворная часть состоит из 13715 строк. Дастан был подготовлен к изданию на основе этого уникального экземпляря. Впоследствии на протяжении почти ста лет от узбекских народных сказителей-бахши было записано более сорока односюжетных вариантов, отличающихся своим художественным содержанием. Среди них, безусловно, самым богатым в художественном отношении дастаном является вариант из репертуара Фазыла Юлдаша. Произведение отличается сохранностью элементов древнего героического эпоса, законченностью эпического содержания, целостностью композиционного построения, богатством поэтических деталей и высоким художественным наполнением. В этом варианте с утонченным художественным мастерством в увлекательной форме повествуется об истории бездетности Байбури и Байсари – вождей племени кунгират, о необычном рождении будущего главного героя – Алпамыша, о его богатырском детстве, выполнении им совместно с калмыкскими богатырями условий, поставленных Барчиной,



о возвращении вместе с любимой, спасении после семилетнего плена благодаря своему коню Байчибару, о приезде Алпамыша к моменту свадьбы его злейшего врага Улантаза и Барчиной, о торжестве справедливости – восстановлении власти Алпамыша.


На пронизанном глубокой народной мудрости примере повторного объединения двух семей древнего узбекского рода, разобщенных волю судьбы по разные стороны жизни, прославляются единство народа, его героическая слава, благополучие и процветание страны, мирные идеи и счастливое будущее. В этом смысле дастан является живой человеческой памятью, художественным отображением легендарной истории узбекского народа.

Дастан «Алпамыш» на протяжении сотен веков был широко распространен среди народа и исполнялся народными поэтами-бахши. И сегодня эта живая исполнительская традиция продолжается. Вместе с тем дастан является общим эпическим достоянием тюркских народов. Его образцы существуют в эпической традиции узбеков, казахов, каракалпаков, ойротов в форме эпических поэм, среди татарских и башкирских народов в форме сказок и преданий, если быть конкретнее, в промежуточных фольклорных формах. Учитывая языковые особенности этих народов, дастан приобретает следующие орфоэпические и орфографические номены: «Алпамыш», «Алпамис», «Алпамис батыр», «Алип-Манаш», «Алпамша», «Алпамиша и Барсин хилув». Следует отметить, что на территории Пянджикента, в кишлаках Варганза, Джейнов Кашкадарьинской области были записаны таджикские и арабские версии, появившиеся под влиянием узбекской дастанной традиции и подтвердившиеся серьезной трансформации. Третья часть огузского средневекового эпоса, дошедшая до нас в виде «Китоби дадам Коркут» – «Бамси Байрак», по своему сюжетному построению близка к «Алпамышу».

Схожесть сюжетов одного дастана в эпической традиции разных народов не отрицает его национальной специфичности и своеобразия. Несмотря на то что эти версии дастанов имеют одинаковую историко-жизненную основу, они развивались в рамках национальной эпической традиции того народа, которому они принадлежали. Они существовали и развивались в уникальной фольклорной среде и затем по истечении многих лет были записаны фольклористами. Вот по этой причине каждый народ, в фольклоре которого имеются версии и варианты дастана, может с полным правом считать этот эпос своим национальным достоянием.

В данный том в качестве приложения включена часть текста, записанная профессором Газы Олимом Юнусовым от Фазыла шаира и





Хамракула бахши в 1922 г. и напечатанная в номере 2–3 журнала “Билим ўчоғи”, изданного в 1923 г. В этой части дастана излагаются сюжетные события, начиная с рождения Алпамыша и до ночевки его на кладбище. Она знаменуется тем, что является первой письменно зафиксированной и опубликованной частью узбекской версии дастана “Алпамыш”.

Первоначально дастан “Алпамыш” в варианте Фазила шаира издавался в сокращенной форме (1939, 1957, 1958, 1979, 1985, 1986). Впоследствии выходил его полный текст в книжном варианте (1992 – 1993, 1998, 2010, 2011). В 1999 г. наряду с русским переводом было осуществлено академическое издание дастана. Дастан был издан в переводе нескольких литераторов на русском языке. Отдельные части текста дастана были переведены и изданы на английском языке. Произзаическое изложение дастана вышло в печати на словацком языке.

Исходя из принципов подготовки к печати 100-томного издания “Памятники узбекского народного творчества”, в данной книге имеются вступление-исследование, даются сведения о рукописи дастана и толкования значения слов, которые представляют затруднения в понимании для массового читателя, фотоматериалы, касающиеся данного тома, информация об исполнителе-бахши и фольклористе, который записал из уст сказителя этот уникальный образец героического эпоса, нотные записи, резюме на русском и английском языках.

Объем – 512 стр.



SUMMARY


This is the first volume of the 100 – volume book of “Uzbek folklore’s monuments” which was prepared by Institute of Language and literature named after Alisher Navai Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. The Book is opened with the entrance article under the title “The gem of Uzbek folklore”. The article shortly characterizes special features of Uzbek folklore, here are given the manuscripts of samples of national folklore, and also the structure and principles of this multivolume book.

In the entrance of the article of the dastan (epos) of “Alpamish” this dastan (epos) is analyzed as a great heritage of the national culture and historical self-consciousness of Uzbek people. Besides that, in this book are presented information, referring to variants and versions of national eposes.

The main part of this volume consists of the text recorded in 1928 by famous specialist in folklore Mahmud Zarifov from well-known national narrator – of folk tales Fozil Yuldosh ogli (1872 – 1955). The manuscript (the manuscript of M.Zarifov) is kept under the inventory number of 18 in folklore’s archive of the Institute of Language and literature named after Alisher Navai Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. The total volume of this manuscript consists of 946 pages, poetical part consists of 13715 lines. The epos was prepared for publication on the base of this single copy. Subsequently for a period of nearly one hundred years from Uzbek national bakhshi – narrators of folk tales were recorded more than forty variants with the same plot, differing from their artistic contents. There is no doubt that a variant from the repertoire of Fazil Yuldash is a very rich dastan – epos with its artistic attitude among them.

This work differs from other works with keeping the peculiarities of ancient heroic epos, completeness of the epic contents, integrity of compositional construction, richness of the poetical details and high artistic performing. In this variant with a big artistic punctuality and in fascinating form is narrated the history to childlessness of Bayburi and Baysari, being the chief of the tribe of Kungirat, unusual birth of future main hero Alpamish, his powerful childhood, fulfillment of the condition put by Barchinoy together with the powerful men of Kalmik, and returning together with his beloved woman, salvation after seven-year captivity with the help of his horse Baychibar, arrival of Alpamish during





the wedding of his the most sworn enemy Ultantaz on Barchinoy, and also renewal of his authority.

On example of reconnection of two ancient Uzbek clans' families, separated with the will of the fate to different sides of the lives, is glorified unity of the nation, its heroic glory, welfare and prosperity of the country, peaceful ideas, and also fortunate future. In this sense the epos is a human's live memory, by artistic reflection of legendary history of Uzbek people.

Epos of "Alpamish" was wide-spread among the people over a period of hundred centuries and was performed by national poets-bakhshi (narrators of folk tales).


And today lasts this live performance tradition. Together with that this dastan (epos) is a general epic heritage of Turkic people. Its samples exist in epic traditions of Uzbek, Kazakh, Kara-kalpak, and among Bashkir people – in the form of the fairy tales and legends, if to be more specific in successive folk forms. Taking into consideration the language peculiarities of these people the dastan (epos) gains the following orthoepic and orthographic nomens "Alpamish", "Alpamis", "Alpamis batir", "Alip-Manash", "Alpamsha", "Alpamisha and Barsin hiluv". Besides that, on the territory of Penjikent, in the village of Varganz, Jane Kashkadarya region were recorded Tajik and Arabic versions, appeared under the influence of Uzbek epos traditions and seriously transforming. The Third part of the Uzbek medieval epos, which come down to us is "Kitobi dadam Qurqut" – "Bamsi Bayrak" which is close to "Alpamish" with all its plot of building.

Similarity of the plot of one dastan – epos in epic tradition of different nations does not deny its national specificity. Despite the fact that these versions of eposes have the same historical and life base, they developed within the framework of national epic tradition of that nation, which they belonged to. They existed and developed in unique folklore's surroundings and then after many years were recorded by specialists of folklore. As for this reason each nation, in folklore which has his versions and variants of the dastan – epos, with full right can consider this epos its national heritage.

In this volume as an appendix is included a part of the text, recorded by professor Gazi Olim Yunusov from Fozil shair and Hamrakul bakhshi in 1922 and printed in ganged №2 and №3 of journal "Bilim uchogi", published in 1923. In this part of the dastan – epos are stated plot's events, beginning from the birth of Alpamish till his death day.

Originally the dastan (epos) of "Alpamish" in variant of Fozil shair was published in speeded up form (1939, 1957, 1958, 1979, 1985, 1986), subsequently appeared its full-text in a book variant (1992 – 1993, 1998, 2010, 2011). In 1999 at the same time together with the Russian translation was





realized academic publication of the dastan (epos). The epos was published in translation of several men of letters in the Russian language. The separate parts of the text of the epos were translated and published in English. Prosaic description of the dastan – epos was published in the Slovak language.

In accordance with the principles of the edition of “Uzbek folklore’s monuments” this volume is equipped with scientific applications, which include a preface, commentary, interpretation of the names of mythological characters and historical figures, religious and ethnographical concepts, geographical and epic terms, small dictionary of difficult words, historicism and dialecticism, photomaterials relating to this dastan – epos, information about performer-bakhshi and collectors-folklorists who recorded from the mouth of the narrator of these dastans, a list of the used literatures and a block of abbreviations, musical notations, also summaries in English and Russian languages.

Volume – 512 p.



МУНДАРИЖА

“Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” ўқувчиларига.....	7
Ўзбек халқ ижоди дурдоналари. <i>Мирзаев Т., Жўраев М.</i>	10
Достонлар гултожи. <i>Мирзаев Т.</i>	21
“Алпомиш” (биринчи қисм)	39
“Алпомиш” (иккинчи қисм)	233
Илова: “Алпомиш” (парча)	459
Изоҳлар.....	477
Луғат	483
Достонни айтувчи бахши ва ёзиб олувчи ҳақида маълумот.....	493
Нота ёзувлари.....	495
Резюме	503
Summary	506

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қўли остида
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қўли остида
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қўли остида





Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институтининг Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия
этилган.

Нота ёзувлари муаллифлари: Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор **Файзулла Кароматов**,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори,
профессор **Рустам Абдуллаев**.

Фотоматериаллар **Беҳзод Жўраев** томонидан тайёрланган.

Резюме таржимонлари: филология фанлари номзоди **Актам Сафаров**,
Шавкат Бўтаев.

Матнни компьютер хотирасига киритувчи: **Барно Мирзаева**.



Адабий-бадший нашр

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

100 жилдлик

Биринчи жилд

АЛПОМИШ

Достон

Фозил Йўлдош ўғли *варианти*

Китоб безаклари ва макетини
Шухрат Мирфаёзов тайёрлади

Мухаррир *Илҳом Зойиров*
Техник муҳаррир *Екатерина Корягина*
Мусахҳих *Доно Тўйчиева*
Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Алиева*

Нашр. лиц. А1 № 154. 14.08.09.

Босишга 2015 йил 11 майда рухсат этилди.



Бичими 70x100 $\frac{1}{16}$. Офсет босма. 41,6 шартли босма тобок.
37,4 нашр тобоғи. Адади 1000 нусха. 401 ракамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

Бизнинг интернет манзилимиз: www.gglit.uz
E-mail: info@gglit.uz



ISBN 978-9943-03-652-9



9 789943 036529